


Э. Т. ШАЙХОВ, Н. НОРМУХАМЕДОВ,
А. И. ШЛЕЙХЕР, Ш. Ф. АЗИЗОВ, В. Т. ЛЕВ,
Л. Х. АБДУРАШИДОВА



ПАХТАЧИЛИК



ТОШКЕНТ — «МЕҲНАТ» — 1990

Тақризчилар: қишлоқ хўжалик фанилари докторлари, профессорлар
З. У. УМАРОВ, С. Р. МУҲАММАДХОНОВЛАР ва
жумҳурият қишлоқ хўжалиги Давлат кооператив коми-
тетининг пахтачилик бўлими бошлиғи, биология фан-
лари номзоди Р. С. НАЗАРОВ.

Муҳаррир ЗИЁДА КАРИМОВА

Пахтачилик: Олий ва ўрта маҳсус таълими бош бош-
П 26 қармаси қишлоқ хўжалик олий ўқув юрт. студентлари
учун дарслик сифатида тавсия этган / Э. Т. Шайхов, Н. Нор-
мухамедов, А. И. Шлейхер ва бошқ.— Т.: Меҳнат, 1990.—
352 б.: расм, жадвал.

I. Э. Т. Шайхов ва бошқ.

Дарсликда пахтачиликнинг СССР халқ хўжалигидаги аҳамияти, келиб чиқи-
ши, СССР ва че: мамлакатларда тарқалиши, тарихи, ғўзанинг биологияси, мор-
фологиеси, ташки муҳит факторларига бўлган талаби, систематикаси ва саноат
навзарни, наф алмашлаш ҳамда наф яйгилашлар ҳақида маълумотлар берилган.
Шунингдек, унда пахтадан юкори ҳосил етиштириш агротехникаси, ҳосилни пи-
тиб-териб олишга алоҳида эътибор берилган.

Китобда ғўза-беда алмашлаш экиш, ғўзанинг зараркунанда ва касалликлари
хамда уларга қарши кураш тадбирларига онд материаллар батафсил ёритил-
ган.

Дарслик қишлоқ хўжалик инженутлариининг агрономика факультети студент-
лари учун мўлжалланган. Ундан барча колхоз-совхозларининг раҳбарлари ва
мутахассислари хам фойдаланишлари мумкин.

Хлопководство: Учебник для студентов высших учебных заведе-
ний с-х. вузов.

ББК 42.16я73

М 3704030400—360
М 359 (04)—90 95—89

ISBN 5—8244—0036—9

© «Меҳнат» нашриёти, 1990 й.

„ Пахтачилик Иттифоқимизда қишлоқ хўжалингигина мұхим соҳаларидан, Ўзбекистонда эса асосий тармоқлардан бири ҳи-собланади. Шу туфайли ҳам партия ва ҳукуматимиз жумҳуриятда пахтачиликни интенсив технология, фан ва техника ютуқлари асосида юксалтиришга катта аҳамият бермоқда. Бу айниқса, кейинги йилларда кўрилаётган чора-тадбирларда на-моён бўлмоқда. Аввало, пахтакор меҳнатиниң қадрлаш, пахта таннархини арzonлаштириш қишлоқда социал-маданий тадбирлар комплексини ҳал этишига киришилди.

Далаларнинг унумдорлигини муттасил ошириш, пахта этиштириш технологиясини такомиллаштириш, селекция ва уруғчилик ишларини яхшилаш, ғўзанинг касалликларга чидамли, серҳосил, тола сифати юқори бўлган навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ўғитлардан самарали фойдаланиш, тўғри алмашлаб экишни барча хўжаликларга татбиқ қелиш, пахта яккаҳокимлигига мутлақо йўл қўймаслик жумҳурият пахта-корлари олдида турган мұхим вазифалардандир. Алмашлаб (ғўза — беда) экишда пахтанинг салмоғи 60—65 фоиздан ошмаслиги, беда ва бошқа ем-хашак экинлари ҳам жадаллаштириш технологияси асосида этиштирилиши лозим. Шунда оли-надиган пахта ҳосилини гектардан 40—50, беда пичанини 200—250, маккажӯхори донини 80—100 ёки силос массасини 700—800 ц ва ундан ҳам юқорироққа кўтариш мумкин бўлади. Жадаллаштирилган технология асосида пахта етнтирища келгуси йили ҳосили учун, бу йили кузги-қишки дала ишларини октябрь ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб юбориш зарур.

Пахтачиликда жадаллаштириш технологиясининг элементларини тўла амалга ошириш учун сугориш ишларини механизациялашин йўлга қўйиш, ғўзани қўлда яганалашдан тўлиқ воз кечиши, машина теримида ерга тўқиладиган пахтани кескин камайишига эришиб, ҳосилни 100 фоиз машинада териб олиш, қўл кучи ишлатишдан воз кечиб, пахта таннархини арzonлаштиришга эришиш мақсаддага мувофиқдир.

Эндиликда пахтакор колхоз-совхозлар замонавий қишлоқ хўжалик машиналари, тракторлар билан қуролланган. Улар турли хил мақсадларда фойдаланадиган минерал ўғитларни жуда кўп миқдорда олмоқдалар ва булар самарали қўлланилмоқда.

Қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларида пахтачилик курсини ўтишдан асоснй мақсад: пахтанинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, фўзанинг келиб чиқиши ва табиий равишда тарқалишини, пахтачилик тарихи ва географиясини ўрганиш, фўзанинг тузилиши ва ривожланишини, унинг асоснй факторларга талабини, шунингдек, фўзанинг ботаник классификацияси ва саноатбоп навларини, келгуси йилларда пахтачиликни пахта ривожлантириш истиқбөлларини ўрганишдан иборатdir.

Пахтачилик курсини ўрганиш ва кейинчалик мустақил мутахассис сифатида ишлаб чиқаришда ишлаш учун аввало умумбиология (ботаника, ўсимликлар физиологияси ва генетикаси, биологик химия), махсус предметлар (дехқончилик, ўсимлик шунослиқ, дала экинларининг селекцияси ва уруғчилиги, агрехимия, мелиорация, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ва ҳ. к.) ҳамда иқтисодий предметларни билиш талаб этилади. Бўлажак мутахассислар:

— фўзани парвариш қилиш технологияси, ҳосилни йиғиб-териб олиш ва меҳнатни ташкил қилиш планларини илмий асосда тузиш;

— пахта ва ўтмишдош экинларни апробация қилиш ва ҳосилдорликни аниқлаш;

— ҳосил структураси ва динамикасини анализ қилиш;

— ҳар бир конкрет шароитда фўза ўтириш технологиясини энг қулай шароитга мослаб пахта етиширишни таъминлаш;

— қишлоқ хўжалик машиналарини агрегатлар билан комплектлаш;

— дала экинлари бўйича ўтказилган тажрибаларнинг натижаларини анализ қилиб, уларни амалий ишда қўллаш;

— ўрта звено раҳбарларининг агро ўқишини ташкил қилиш ҳамда колхозчи, совхоз ишчиларининг малакасини ошириш;

— техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва юритишни билишлари керак. Предмет дарси асосан аудиторияларда (лекциялар, лабораториялар, семинарлар) ва аудиториядан ташқарида ўқув ва ишлаб чиқариш практикалари ўтилади.

Талабалар ўқиш жараёнида «Пахтачилик» курси бўйича контрол топшириқларни, курс проекти ва диплом ишларини баъжарадилар.

Талабаларга пахтачилик курсини мукаммал ўрганиб бориш учун ушбу дарсликдан ташқари мазкур соҳа бўйича нашр этилган ва этилаётган адабиётлар, вақтли матбуот материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Қўлингиздаги ушбу дарсликда пахтачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти, фўзанинг келиб чиқиши тарихи, географияси, дунёдаги ва иттифоқимиздаги пахта етиширувчи мамлакатлар ҳамда республикалар, пахтачиликнинг олдида турган масалалар, пахтачилиқда фўза навларининг алмашинуви ва экилаётган навлар, чеканка, дефолиация-десикация ҳақидаги маълумотларни профессор Э. Шайхов; кириш, чигитни ундириб олиш, яганалаш, кўчат қалинлиги, қатор ораларини ишлаш тех-

нологияси, ўғитлаш, ғўза касалликлари, уларга қарши кураш, пахта ҳосилини аниқлаш, толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича пахта сортлари, пахтани қўлда ва машинада териш, ингичка толали ғўзани ўстириш ва технологиясининг баъзи хусусиятлари, пахтачиликда фан ютуқлари ва илгор тажрибани тадбиқ қилиш, жадаллашган технология асосида пахта етиштиришга оид бўлимлар доцент Н. Нормухамедов; ғўзанинг ботаник классификацияси қисмлари эса Н. Нормухамедов ва А. Шлейхерлар қаламига мансубдир. Ғўзанинг морфологияси ва биологияси, тупининг умумий ривожланиш динамикаси, унинг асосий шаронтларга бўлган талабини профессор А. Шлейхер ёзган. Ғўзани алмашлаб экиш ва экин майдонларининг структураси, ерни чигит экишга тайёрлаш технологияси, чигитни экишга тайёрлаш технологияси ва чигит экиш, ғўзанинг асосий зааркунанда ҳашаротлари ва уларга қарши кураш чоралари доцент Ш. Азизов, ғўзани суфориш профессор В. Лев; пахта ҳосилини программалаштириш қисмлари доцент Л. Абдурашидовалар томонидан баён этилган.

ПАХТАЧИЛИКНИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ғўза техника экинлари ичида энг қимматли ҳисобланади. У асосан толаси учун ўстирилади. Пахта толаси жуда кенг миқёсда ва турли хил мақсадлар учун ишлатилади. Умуман пахта ашёси ва ўсимликнинг турли қисмлари халқ хўжалиги учун қимматли хом ашё манбаи ҳисобланади.

Пахта толасининг ўзига хос хусусияти бошқа табиий ва сунъий толаларда учрамайди. Уни микроскоп остида кўрганимизда спирал шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам у эластиклик хусусиятга эга бўлиб, тўқимачилик дастгоҳларпда улар бирбири билан яхши уланади.

Пахта толасидан хилма-хил газламалар, ип, арқон, балиқ овлайдиган тўр, тасма, транспортёр ленталари, резина шланга ҳамда баллонлар учун махсус тўқималар ва бошқалар тайёрланади. Жумладан, бир тонна пахтадан 340—350 кг тола, 50—60 кг момиқ ва 600 кг чигит олинади.

Бир тонна чигитдан эса 170 кг мой, 400 кг кунжара, 50—60 кг момиқ, 60 кг ўсимлик оқсили, 300 кг шелуха олинади. Бундан ташқари, ундан маргарин, кирсовун ва атир совуилар, алиф мойи тайёрлаща фойдаланилади. Ҳозирги вақтда чигит таркибидаги мой химиявий усууда тўлиқ ажратиб олинмоқда. Бу эса чигитдан чиқадиган мой миқдорини ошириш имконини бермоқда. Ўзбекистонда ҳар йили тахминан 500 минг тонна пахта мойин тайёрланмоқда.

Маълумки, чигит мағзи таркибида госспол деган заҳарли модда бўлиб, буни ёғ заводларида ажратиб олинади. Бундан кўнчилик саноатнда терини ошлашда, шунингдек, химия саноатида полимерлар тайёрлашда, медицинада дориворлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

Чигитнинг мойи олингандан кейин қолган маҳсулот — кунжара ҳисобланади. Кунжара асосан чорва молларининг баъзи турлари учун тўйимли озиқ сифатида ишлатилади. Кейинги йилларда Ўзбекистон химиклари кунжарадан оқсил модда олиш йўлини ишлаб чиқишиди. Эндиликда олингдан оқсил моддани озиқ-овқат ва кондитер саноатида кенг кўламда қўллаш тавсия қилинмоқда. Шелуха деб аталадиган чигитнинг ташқи пўстидан саноатда техник спирт, поташ, лок, ўров қофозлари, картон ва бошқалар олинади. Чигит сиртидан ажратиб олинган тук — момиқ пахта деб айтилади. Ундан иссиқ кийимлар, кўрпа-тўшак тайёрлашда, мебель саноатида, медицинада, сунъий ипак, сунъий тери, фотоплёнка, кино лентаси, сунъий ойна, линолеум, пластмасса, қофоз, портловчи модда ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Ғўзапоядан хўжаликда, одатда, ўтин сифатида фойдаланилади. Баъзи хўжаликларда уни ўриб олиб майдаланилади ва чорва молларини боқиш учун сершира ёки тўйимли концентрат овқатлар билан аралаштириб берилади. Ғўзаси вилт билан касалланмаган майдонларда маҳсус ғўзапоя майдалагич мосламалар билан даланинг ўзида майдалаб ташланади ва сўнг ер ҳайдалади. Бунда бир тонна ғўзапоя қиммати бўйича 15—20 кг азотга тенг. У органик ўғит сифатида тупроқнинг физик, химиявий ва микробиологик хусусиятини яхшилайди.

Бундан ташқари ҳозирги вақтда саноатда ғўзапоядан тахта плиталари тайёрланиб ундан қурилиш материали сифатида ва саноатда мебель ишлаб чиқариш учун ишлатилмоқда. Ғўзапоядан яна целялюзода олиш, дафал қофоз, картон, техник спирт, фурфурол каби маҳсулот етиширилади. Ғўзапўчоқ ва илдизидан ҳам саноатда қимматли маҳсулотлар олиш мумкин.

Унинг барги олма ва лимон кислоталарига бой.

Ғўза гули сершира ўсимлик бўлгани учун гектаридан 100—200 кг асал олиш мумкин.

Пахта толаси ва ғўзапоядан тайёрланган маҳсулотлар Совет Иттилоғнинг халқаро савдосида ҳам катта роль ўйнайди. Биргина Ўзбекистон 20 тадан кўп хорижий мамлакатларга пахта экспорт қиласи.

ДУНЁ ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИДАН

Ғўзанинг келиб чиқиши. Ғўзанинг Ер юзидаги барча тур ва хиллари «Госсипиум» авлодига мансуб. Ғўза тропик, яъни йилнинг энг совуқ ойларида ҳам ҳаво ҳарорати $+18^{\circ}$ дан паст бўлмайдиган минтақадан келиб чиқсан.

Ғўза иссиқсевар ўсимликлар группасига киради. Агар бир йиллик ғўзани кузда совуқ урмаса, у бир неча йил яшashi мумкин. Маълумки, у ўз ватанида кўп йиллик дарахтсизон ўсимлик. Лекин ёввойи ғўзаларнинг ҳосили кам ва тола сифати паст бўлади. Янги ғўза нави етиширувчи селекционерлар ёввойи ғўзапинг баъзи қимматли хусусиятларидан фойдаланадилар.

Кўп йиллик ёввойи ғўзаларнинг бўйи 5—7 м, баъзан 10—20 м ҳам бўлади. Бир йиллик маданий бутасимон навлариники эса 30—40 см дан 2 м гача бўлади. СССРда етиширилдиган навлар 90—100 см атрофида бўлади.

Кўп йиллик ғўзалар поясининг ер бетига яқин қисмининг ўғонлиги 15—30 см ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Бир йиллик маданий ғўзаларда эса 1—2 см ва ҳатто 3 см чамасида бўлиши мумкин, холос.

Олимларнинг текширишича, ғўза авлоди бундан тахминан 70—100 миллион йил аввал, яъни бўр даврининг иккинчи ярмida, баъзи текширишларга қараганда, ҳатто бўр давридан илгари вужудга келган.

Маълумки, ер юзи илгари яхлит битта материқдан иборат бўлиб, кейинчалик геологик ўзгаришлар натижасида континентларга бўлинган. Буларнинг ҳар бирини иқлим шароитлари бир-биридан тафовут қилган. Ғўза ўсимлиги ҳам мана шу иқлим шароитлар таъсирида ўзгарган. Шундай қилиб, ғўзанинг бир-биридан З та катта географик группалар — Австралия (Стуртия), Осиё-Африка (Палеотропик — эугоссициум) ва Америка (Неотропик) пайдо бўлган. Мана шу группадаги ғўзалар ташки муҳитга ҳамда ирсий хусусиятларига қараб бир қанча кичик группачаларга бўлиниб, табақалашиб кетган. Жумладан, ғўзанинг Осиё-Африка группаси Осиё — (жанубий ва шарқи-жанубий Осиё) ва Африка (Африка ва ғарби-жанубий Осиё-ишиг бир қисми) группаларига мансуб дейиш мумкин. Америка группаси ҳам иккита кичик группага — Марказий Америка ва Жанубий Америка группаларига бўлинган «Госспициум» авлоди мапа шу тур ва хилларининг табиий ҳолда кўпайнишига асос бўлган.

Инсоният пахтачилик билан мунтазам шуғулланиши оқибатида бу группалардан янгидан-янги тур хилларини вужудга келирди. Жумладан, турагор дурагайлаш йўли билан янгидан-янги ғўза формалари яратилди. Утган давр давомида ғўзанинг табнати шу қадар ўзгаририлди, оқнбатда тропик минтақада ўсиб ҳосил берибгина қолмай, балки субтропик ва ниҳоят иссиқлиги камроқ ва ўсув даври бирмунча қисқа бўлган континентал иқлим шароитида ҳам ўсиб юқори ҳосил берадиган бўлди. Тропик минтақада ғўзаппнг дараҳтсизмон формаларида дастлабки кўсак 7—9 ойда пишиб етилса, бир йиллик ғўзада 4—6 ойда бемалол етилиб пишмоқда.

Илмий маълумотларга қараганда, ер юзида ғўзанинг 37 тури бўлиб, шундан 4 таси маданий ҳисобланади. Экни майдонининг катталиги жиҳатдан биринчи ўриида Г. гирзуум (*Gossrīum hirsūtum*) туради. Унинг табиий ҳолда тарқалган ери Марказий Америкадаги Мексика давлати бўлгани учун Мексика ғўзаси деб аталади. Бизда бу турнинг табиатига бирмунча ўзгаришилар киритилган ва у ўрта толали ғўза дейилади. Бу турнинг ҳосилдорлиги бошқалариникидан устун туради, аммо тола сифати жиҳатидан бирмунча пастроқ. Шунга қарамай ғўза 5

та қитъада ҳам етиштириб келинмоқда. Экин майдонининг катталиги жиҳатдан иккинчи ўринда Г. арбореум (*Gossypium arboreum*) туради. Унинг асл ватани Ҳиндди-Хитой ҳисобланади. Шунинг учун Ҳиндди-Хитой ғўзаси деб айтилади.

Экин майдонининг катталиги жиҳатдан учинчи ўринда Г. бағбадензе (*Gossypium barbadense*) туради. Табиий ҳолда Жанубий Америка қитъасининг Перу давлатида ўсганлиги учун Перуан ғўзаси дейилади. Аммо бу турниг энг яхши навлари Миср мамлакатида яратилгани учун Миср ғўзаси деб ҳам юритилади. Совет селекционерлари Миср ғўзасининг тезпишар, тола сифати жиҳатидан устун турадиган тур хилларини яратгандар учун уни ингичка толали ғўза деб юритадилар ва систематикада шу термин қабул қилинган. Перу ғўзасининг ҳосили бошқа турларнидан бирмунча камроқ, аммо тола сифати жиҳатидан унинг слдига тушадигани йўқ. Ҳосили кеч пишгани учун уни ўсув даври узунроқ ва иссиқлик етарли бўлган зоналарда экилиб келинмоқда. Бироқ селекционерларимиз шундай тезпишар ингичка толали навларни яратдиларки, улар ўрта толали ғўза навига нисбатан ҳам тез ишишади. Аммо кўсакларининг етилиши секинроқ бормоқда. Шунга қарамай СССР ер юзида ингичка толали ғўза етиштирувчи энг шимолий мамлакат ҳисобланади.

Ниҳоят тўртинчи ўринда Г. гербацеум (*Gossypium herbaceum*) туради. Бу тур табиий ҳолда Осиё (жануби ва шарқи-жанубий Осиё) ва Африка (Африка ва қисман жануби-ғарбий Осиё) да тарқалгани учун Африка — Осиё ғўзаси ёки бизда жайдари ғўза деб юритилади. Бу турниг навлари, асосан, Осиё қитъасидаги баъзи мамлакатларда етиштириб келинмоқда. Ватанимизда 1928 йилгача экилган, унинг ҳосилдорлиги кам ва тола сифати тўқимачилик саноати талабига жавоб бермайди.

Госспиум авлодининг 4 та маданий туридан ташқари ёввойи ва ярим ёввойи турлари ҳам қисман ўзининг ватанида етиштириб келинмоқда.

Қўйида дунёдаги пахта етиштирувчи давлатларининг рўйхати берилади:

- | | |
|-------------------|----------------|
| 1. СССР | 11. Туркия |
| Европа | 12. Хитой |
| 2. Руминия | 13. Сурия |
| 3. Италия | 14. Ироқ |
| 4. Югославия | 15. Эрон |
| 5. Испания | 16. Афғонистон |
| 6. Болгария | 17. Исрэйл |
| 7. Албания | 18. Покистон |
| 8. Греция | 19. Бангладеш |
| Осиё | 20. Бирма |
| ва Океания | 21. Лаос |
| 9. КНДР | 22. Яман АР |
| 10. Жанубий Корея | 23. Яман НДР |
| | 24. Ҳиндистон |

- | | |
|----------------------------------|---------------------------------|
| 25. Таиланд | 57. Малави |
| 26. Кампучия | 58. Зимбабве |
| 27. Вьетнам | 59. Баштване |
| 28. Шри-Ланка | 60. Мозамбик |
| 29. Индонезия | 61. Мадагаскар |
| 30. Австралия | 62. Свазиленд |
| 31. Океания | 63. Жанубий Африка республикаси |
| Африка | |
| 32. Марокко | Шимолий ва Марказий |
| 33. Алжир | |
| 34. مصر | Америка |
| 35. Мали | |
| 36. Нигерия | 64. АҚШ |
| 37. Чад | 65. Мексика |
| 38. Сенегал | 66. Куба |
| 39. Судан | 67. Гаити |
| 40. Замибия | 68. Доминикан жумҳурияти |
| 41. Буркина — Фасо | 69. Гватемала |
| 42. Бенин | 70. Сальвадор |
| 43. Нигер | 71. Гондурас |
| 44. Самали | 72. Никарагуа |
| 45. Филсүяги қирғози | 73. Коста-Рика |
| 46. Гана | Жаиубий |
| 47. Того | Америка |
| 48. Камерун | |
| 49. Марказий Африка республикаси | 74. Венесуэла |
| 50. Эфиопия | 75. Колумбия |
| 51. Заир | 76. Экватор |
| 52. Уганда | 77. Перу |
| 53. Кения | 78. Бразилия |
| 54. Бурунди | 79. Боливия |
| 55. Танзания | 80. Парагвай |
| 56. Ангола | 81. Аргентина |
| | 82. Уругвай |

Инсоният ибтидоний жамнитда ҳам пахта толасидан фойдаланган. Тўғри, у даврларда ёввойи ғўза кўсагидан чуваб олингап пахта толасидан кийим-кечак тайёрланмаган, балки балиқ овлаш учун тўр тўқилган, ёввойи ҳайвонларни овлаш учун арқон эшилган.

Умуман инсон пахта толасидан 15—30 минг йил ва ундан ҳам илгари фойдаланган бўлиши керак. Давр ўтиши билан серҳосил ва сифатли тола берадиган формаларини танлаб олинган ва ҳозирги замон ғўза навларини яратилишига асос солинган.

Маълумки, пахта толасидан мато (газлама) тўқиши ишларининг бошланиши пахтачиликда иккинчи давр ҳисобланади. Пахта толасидан фойдаланган энг қадимги давлатлардан бири

Хиндистон бўлган. Археологик қазилмалар чоғида Моҳенджо Даро шаҳридан 5000 йиллик мато парчалари топилган. Бундан 3500 йил илгари ижод этилган ҳиндларининг Ричвенда деб аталган гимминида ҳам пахтадан фойдаланиш ёритиб ўтилган.

Ўсимлик толасидан (зифир толаси), ипак ва жундан газлама тўқишишнинг ибтидоий дастгоҳлари Мисрда бундан 6000 йил, Юнонистонда (Греция) 4500 йил илгари кашф этилган.

Хитойда пахтачилик билан шуғулланиш Ҳиндистонга нисбатан бирмунча кеч бошлигандан. Чунки Хитойда кийим-кечак учун ипак, рами ва каноп ишлатилган. Фўза манзарали ўсимлик сифатида экилган. Лекин шунга қарамай Жанубий Хитойда эрамиздан бир неча аср илгари, бошқа тарихий манбаларга қараганда, бундан 4500 йил илгари пахтачилик билан шуғулланиб, кам миёсда бўлсада ип-газлама тўқилган.

Шимолий Хитойда пахтачилик бирмунча кеч ривожланган, чунки у ерга ғўзанинг Африка-Осиё (жайдари) тури келтирилган. Бунинг боиси, Урта Осиё билан Ҳиндистон ўртасида баланд тоғлар бўлганлиги учун Хитойнинг бу қисмида пахтачилик асосан эрамизнинг V—VI асрларида тарақкий этган. Бу ерда тайёрланган моллар Хитойнинг ички бозорларига ҳам чиқарилган.

Ҳозирги вақтда пахта майдонининг катталиги жиҳатидан Хитой дунёда иккинчи, ялпи маҳсулоти бўйича биринчи ўринда туради, айни вақтда, ҳосилдорлиги ҳам ўсиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби тўқимачилик саноати тез суръатлар билан ривожланиб, пахтага бўлган талаб ошмоқда, шунингдек, пахта етиштиришда оиласиий пудрат жуда катта роль ўйнамоқда.

Тарихий маълумотларга қараганда, Эрон ва Арабистонда фўза ўстириш бундан 2600—2500 йил илгари ҳам мавжуд бўлган. Чет мамлакатларда Эронда тўқилган матолар сифати жиҳатидан юқори баҳолангандан.

Қадимги Мисрда пахтачилик у қадар ривожланмаган эди. Чунки ерли ҳалқ кўпроқ зифир ўстириб, унинг толасидан мато тўқиши яхши йўлга қўйган. Ҳатто бундан 6000 йил муқаддам зифир толасидан оддий дастгоҳларда ип газлама тўқилган. Эрамиздан илгариғи IV асрда яшаган грек тадқиқотчиларидан Геродот ва Теофрастлар Мисрда қимматли буюмлар ип газламадан тайёрланганинги ёзиб, умуман бу ерда пахтачилик билан бироз шуғулланишганлигини қайд қилишган. Урта асрга келиб пахтачилик билан шуғулланиш янада авж олди. Мисрга 1800 йили Жанубий Америка Перу (Г. барбадензе) фўзасининг кўп йиллик ва кейин эса бир йиллик тур хиллари келтирилиб экилган. Уларнинг толаси узун, пишиқ, ипаксимои, хушранг бўлгани учун у жайдари фўза (Г. гербацеум)ни сиқиб чиқарган. Келтирилган фўза навлари аралашмасидан «Ашмуни» нави яратилган. Бу нав қатор устунликларга эга ва ҳосили юқори бўлгани учун «Миср фўзаси» деган ном олган. Шундан кейин Миср ва бошқа мамлакатларда Перу фўзаси «Миср фўзаси» деб юритиладиган бўлган. Ҳозирги Бирлашган Араб жумҳуриятида асо-

сан шу турдаги гүза навлари етиштирилади ва дунёда шу нав пахта етиштириш сифати бўйича биринчи ўринда туради.

Европада пахтачилик билан шуғулланиш бошқа қитъаларга инсбатан кечроқ бошланган. Грецияда қадим замонлардан бери пахтачилик билан шуғулланиб келишгани тарихдан маълум, бу асримизининг дастлабки даврига тўғри келади. Кейинчалик VII асрдан бошлаб араблар Испания ва Италияни истило қилганидан кейин у ерларда ҳам пахтачилик билан шуғуллаништак.

Шу тариқа Европанинг жанубидаги (Ўрта деигиз қирғофида-ги) давлатларда пахта экиш расм бўлган.

Франция Германия ва Англияда ҳам пахта толасидан газлама тўқишишлари ривожланаш бошланган.

Ҳозирги вақтда Болгария, Югославия, Руминия каби мамлакатларда оз миқдорда бўлса ҳам пахта етиштириб келинмоқда.

Америка халқи қадим замонлардан бери пахтачилик билан шуғулланиб келишган. Бунииг асосий сабаби Марказий Америка, яъни Мексикада гўзанинг Г. гирзутум тури ва Жанубий Америкада, яъни Перуда Г. барбадензе турларининг тарқалганигидир. Маҳаллий халқ фўздан қимматли экин сифатида фойдаланган. Перу ва Мексикадаги қадимию топилмалар орасида пахта толасидан ясалган буюмлар бўлган. Бу топилмалар эрамиздан олдинги V асрга тўғри келади.

Испанилар Жанубий ва Марказий Америка давлатларини мустамлакага айлантириб олган даврда Лотин Америкаси халқлари пахтачилик билан шуғулланишган ва пахта толасидан газлама тўқиб чиқариш ривожланган. Америка Қўшма Штатларида эса пахтачилик XVII асрдан бошлаб ривожланган.

Умумай, пахтачилик билан шуғулланадиган ҳар бир давлатда асосий қийинчилик пахта ҳосилини қайта ишлашда чигитдан толани ажратиб олиш ҳисоблаиган. Чигитдан толани ажратиб олиш ибтидоий бўлган (қўл чиғнириги ва ёғоч дастгоҳ). XVIII аср охирида (1793 й.) АҚШда тола ажратиб оладиган металldan тайёрланган арра тишли машина ихтиро этилди. Бу машина (джин) пайдо бўлиши билан дунё пахтачилигининг тез суръатлар билан ривожланишига асос солинди. АҚШда пахта етиштириш учун тупроқ-иқтим шароити қулай бўлганлиги ва тўқимачилик саноати тез ривожланиши туфайли пахта толасини кўплаб экспорт қилишга имкон яратилди. Шунингдек, чигитдан мой ва кунжара олиш ҳам йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, АҚШ XIX аср охирига келиб пахта етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди, шунгача эса Ҳипдистон биринчи ўринда эди. Ҳозирги вақтда ҳам АҚШ дунёдаги пахта етиштирувчи асосий давлатлар ичida салмоқли ўричини эгаллаб келмоқда.

Австралияда қадимдан пахтачилик билан деярли шуғулланишмаган. У ерда фўзанинг ёввойи Стуртия кенжак авлоди табиий ҳолда тарқалган бўлса ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга

**Дунёдаги асосий пахта етиштирувчи мамлакатларнинг кўрсаткичи
(ФАО ООН маълумотлари)**

Мамлакатлар	Экин маъдени (чиңг ектар)				Ялди тоиз ёсити, миңг то на				Тоиз ёсилдоғлиги га/кг			
	1980	1983	1985	1986- 1987	1980	1983	1985	1986- 1987	1980	1983	1985	1986- 1987
СССР	3147	3189	3200	3328	2927	2537	2679	2492	978	836	820	749
АҚШ	5348	2967	4147	3437	3209	2894	2827	2130	457	569	600	620
ХАР	4920	6200	5930	4399	2754	6075	5000	3470	565	760	846	789
Хиндистон	8000	8100	8000	7500	1409	1428	1568	1611	165	160	218	215
Покистон	2109	2270	2260	1309	781	980	816	1309	343	215	416	541
Бразилия	2034	2955	2075	1922	585	840	600	447	293	286	753	389
Миср	523	425	454	443	466	402	466	407	1002	955	1018	819
Туркия	672	608	615	642	522	586	615	470	935	861	948	817
Мексика	372	189	250	242	352	615	130	130	991	894	99.	925

эга эмас эди. XIX асрниң иккичи чорагидан бошлаб Мексика фўзасининг Упланд типидаги фўза навлари экилган.

Юқоридаги 1-жадвалда дунёдаги асосий пахта етиштирувчи мамлакатларнинг кўрсаткичлари берилган.

СССР ПАХТАЧИЛИГИ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛИ

Ўрта Осиё халқлари қадим замонларда ҳам пахтачилик билан шуғулланганлиги тарихий маълумотларда қайд қилиб ўтилган. Эрамиздан олдинги IV асрда Александр Македонский қўшинлари Хиндистонга юриш қиласанда, Ўрта Осиё халқлари пахта етиштириб, ундан мато тўқишлишининг гувоҳи бўлишган. Хитойнинг тарихий манбаларидан маълум бўлишича, эрамиздан олдинги II асрда Фарғона водийсида жуда кўп шаҳар ва қишлоқлар бўлган, ерли аҳоли дехқончилик ва тўқимачилик билан шуғулланган.

Узбекистон тадқиқотчилар билан СССР Фанлар академияси Археология институтининг профессори Ю. А. Заднеповский раҳбарлигига Чустда олиб борилган қазилмалар чоғида мато қийқимлари топилган. Бу мато эрамиздан олдинги X асрда тўқилган.

Хоразмдаги тупроққалъани академик С. П. Толстов раҳбарлигидаги бир группа археолиглар текширгандага топилмалар орасинда VI—VII асрларга онд пахта ашёси ва пахталик чопон парчаси топилган.

Х асрда яшаган араб географларнинг қўлёзма маълумотларига қараганда, Ўрта Осиё халқлари пахтадан тўқиган турли газлама ва хотин-қизлар ўрайдиган нафис рўмоллар Мари, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Чимкент шаҳарларидан қўшни давлатларга чиқарилган.

XVI—XVII асрларда Ўрта Осиё хонликлари Москва давлати билан савдо-сотиқ муносабатларини тиклаганларидан кейин, у ерга бошқа савдо-сотиқ моллари қатори ип-газлама, пахта толаси ҳам чиқарип турилган. XVIII ва XIX асрларга келиб, рус давлатига чиқариладиган пахта маҳсулоти ва пахта толаси анча кўпайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиё Чор Россиясига қўшилганидан сўнг, тўқимачилик саноатининг талабини қондириш мақсадида пахтачиликни ривожлантириш бўйича қатор тадбирлар кўрди. Жумладан, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун маҳаллий жайдари фўза (Г. Гербацеум) ўрнига Марказий Америкадан Упланд типига кирувчи Мексика (Г. Гирзутум) навларининг уругини келтириб экди. Натижка кутгандагидек бўлди. Пахта хом ашёсини ташиб кетиш ва айни вақтда ғалла ҳамда бошқа маҳсулотлар олиб келиш учун Красноводскдан Самарқандгача темир йўл қурилди.

Америкадан келтирилган янги навнинг бозор нархн бирмунча оширилди. Пахтакор районларга арzonлаштирилган ғалла келтириш, Мирзачўл ерларини ўзлаштириш учун сув чиқариш каби тадбирлар кўрилди (2- жадвал).

Пахта ялпи ҳосилининг ошишига қарамай, саноат учун хом ашё мутлақо етишмас эди. Революцияга қадар (1913 й.) етиширилган пахта ҳосили саноат эҳтиёжини 40% га таъминлагани ҳолда, қолган 60% пахта чет элдан сотиб олинар эди.

Закавказье пахтачилиги тарихи бўйича аниқ маълумот йўқ. Лекин Кавказ халқлари қадим замонлардан пахтачилик билан

2-жадвал

Ўзбекистонда Октябрь революциясига қадар пахтачилик

Йиллар	Экин маийони, минг/га	Ялпи ҳосил, минг т	Ҳосилдорлик (га/ц.)
1860	35,0	25,0	7,0
1870	43,0	30,0	7,0
1880	51,0	35,0	7,0
1890	101,0	81,0	8,0
1900	244,4	220,0	9,0
1905	200,4	200,0	10,0
1906	250,0	250,0	10,0
1907	273,0	300,0	11,0
1908	275,0	330,0	12,0
1909	259,0	350,0	13,5
1910	278,5	390,0	14,0
1911	320,0	480,0	15,0
1912	327,6	475,0	14,5
1913	429,3	521,0	12,2
1914	501,6	627,0	12,5
1915	542,5	830,9	15,3
1916	554,5	610,0	11,0

шүғулланган дейиш мумкин. Бу ерга пахта Эрондан кириб келгән бўлса керак.

Октябрь социалистик революциясига қадар пахта етишириладиган районларда ерни ишлайдиган янги техника етишмаслиги, алмашлаб экиш йўлга қўйилмагани каби омиллар пахта ҳосилдорлигини тез суръатлар билан оширишга йўл қўймас эди.

Бунинг устига гидромелиорация ишларининг ривожланиши замон талабига жавоб бермас эди. Мана шу каби қатор шароитлар Чор ҳукумати тўқимачилик саноатини чет элларга қарам қилиб қўйган эди. Етиширилаётган пахта бутун дунёдаги пахтанинг атиги 4,3% ини ташкил қиласарди, холос.

Октябрь революцияси ғалабасининг биринчи кунлариданоқ, мамлакатда гражданлар уруши ва чет эл интервенцияларига қарши кескин кураш кетаётганига қарамасдан, пахтакор районларни озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаб туришга катта аҳамият берилди.

1918 йил 17 майда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети томонидан «Туркистоңда ирригация ишларини ташкил этиш ҳақида» В. И. Ленин имзоси билан тарихий декрет чиқарилди. Ушбу декретга мувофиқ Мирзачўлда, Далварзин ва Учқўргон даштларида қарийб 600 минг ботмои (654 минг гектар) ерга сув чиқариб деҳқончилик қилиш учун ирригация қурилишларига 50 миллион сўм пул ажратишга қарор қилинди.

1920 йилнинг 2 ва 27 нояброда РСФСР Халқ Комиссарлар Совети томонидан В. И. Ленин имзоси билан иккита декрет қабул қилинди. Буларда мамлакатимиизда пахтачиликни қисқа муддат ичиде тиклаш ва тез суръатлар билан ривожлантириш тадбирлари белгилаб берилди. Шу декретлар асосида совет пахтакорлари учун қатор қулайликлар белгилаш, деҳқончилик маданиятининг қалити бўлган алмашлаб экишни пахтакор хўжаликларда жорий этиш, илгариги тажриба станцияларини қайта тиклаш, шунингдек янги тажриба далалари ва селекция станциялари барпо этиб, пахтачиликни илмий асосда олиб бориш маасалалари кун тартибига қўйилди.

Партия ва ҳукумат томонидан кўрилган тадбирлар туфайли Совет пахтачилиги тиклана бориб, 1928 йилда пахта майдони урушдан илгариги даражадан ортиб кетди. ВКП(б) нинг 1929 йил 18 июлдаги маҳсус қарорига асосан биринчи беш йилликда пахта майдонини кенгайтириш, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва бошқа қатор чоралар кўрилди.

Жумладан, сугориладиган ерлардан унумли фойдаланиш, янги ерларни ўзлаштириш ва ирригация иншоотлари барпо этиш, эски ирригация системаларини қайта лойиҳалаш ҳамда ҳамма сув иншоотларидан унумли фойдаланиш, баъзи шартли сугориладиган ва лалми ерларда ҳам пахта етишириш йўлга қўйилди. Тарихда биринчи марта саноат учун Шимолий Қавказ, Ўкраина жануби, Қрим, Қуйи Волга ва кейинроқ Молдавияда пахта етишириша бошлиниди.

Янги пахтакор районларда ғўза лалми экин сифатида етиштирилди. Об-ҳаво қулай келган йиллари гектаридан 3—4 ц дан, баъзи илгор бригада ва хўжаликларда эса 7—12 ц дан ҳосил олинди. Херсон областида гектаридан 30 центнердан ҳосил олинди. Бироқ мамлакатимизда кўпроқ дон етишириш, чорвачиликни ривожлантириш ва узумзор-боғларни кенгайтириб, аҳолига кўпроқ озиқ-овқат етказиб бериш мақсадида янги пахтакор районларда 1957 йилдан бошлаб пахта етишириш тўхтатилди.

1929 йилдан бошлаб саноат учун тола сифати қимматли бўлган ингичка толали Миср навлари экила бошланди. Пахтачикни тез суръатлар билан ривожлантириш учун илгор агротехника ва механизациядан унумли фойдаланиш туфайли 1932 йили мамлакатимиз ўртacha толали пахта етишириш бўйича тўлиқ мустақилликка эришид ва тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш учун резерв пахтага эга бўлди. Масалан, 1932 йили Узбекистонда ҳосилдорлик гектар бошига 7,9 центнерни, пахта майдони эса 1027,3 минг гектарни ёки СССР бўйича ҳосилдорлик 6,6 центнерни, пахта майдони эса 2172 минг гектарни ташкил этди. Саноатнинг ингичка толали пахтага бўлган талаби, 1938 йилда тўлиқ қопдирилди.

Иккинчи ва ундан кейинги беш йилликларда партия ва ҳукуматимиз совет пахтакорлари олдига ер майдонини кенгайтиргасдан туриб, пахта ҳосилдорлигини ошириш масаласини қўйди.

Колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш, пахтанинг тайёрлов нархини ошириш, шартномадан ортиқча етиширилган пахтага устами мукофот бериш, қишлоқ хўжалик артели янги уставини ҳаётга жорий қилиш, механизация ва минерал ўғитлардан унумли фойдаланиш, МТС лар хизматини янада яхшилаш ва бошқа бир қатор тадбир-чораларни амалга ошириши пахта ҳосилдорлигини кўтарди. Жумладан, 1937 йилга келиб, Узбекистонда гектаридан 16 центнердан ҳосил олинди. 1932 йили жумҳуриятда 804,3 минг тонна пахта етиширилган бўлса, 1937 йилга келиб 1562,4 минг тоннани ташкил қилди. Ёки жумҳуриятимиз мамлакат етишираётган пахтанинг 70% иш берди.

Учинчи беш йилликнинг асосий вазифаси сугорилаётган ерларни сув билан етарли таъминлаш бўлди.

1939 йили Узбекистонда 57 та ирригация иншооти қурилиб, ниҳоясига етказилди. Булар ичida Катта Фарғона канали Фарғона водийси ва Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятини сув билан таъминлаш имконини берди. Бу регионда яна 70 минг гектар янги ер сугориладиган бўлди. 240 километр узунликдаги бу канал ниҳоят жуда қисқа вақт ичida қуриб битканлди.

Тожикистонда катта Ҳисор канали, Вахш водийсида Киров новли канал қурилди. Бу канал ўн минглаб гектар ёрни сугориш имконини берди. Фақатгина 1940 йилда Урта Осиё, Қозоғистон-

нинг жануби ва Закавказье жумҳуриятларида 73 та ирригация ишооти бунёд этилди.

Ҳосилдорликни ошириш, айниқса тола сифатини яхшилаш мақсадида қатор янги навлар яратилиб, замон талабига жавоб беролмайдиганлари чиқариб ташланди (8517, 8196, 36—M₂, 0246, 2034, 35—1) вилт касалига анча чидамли, ҳосили бирмунча юқори, сифати яхши бўлган С—460, 18819, С—450—555 (С. С. Канашники), 1298 (И. С. Варунцян) ва фузаариоз касалига чидамли ингичка толали 2836, 2850, 10964 (А. И. Автономов) навлари яратилди.

1941—1945 йилларда фронт ва фронт орқасини озиқ-овқат билан таъминлаб туриш учун пахта майдонларини қисман қис-қартириб, озиқ-овқат экинлари экишга тўғри келди.

1948 йилда пахта етиштириш бўйича урушдан олдинги дарражага ва 1949 йилда эса ундан ҳам ошириб ҳосил олишга эришилди. Қейинги йилларда ҳосилдорлик янада ўсиб борди (3- жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек пахта ҳосилдорлиги ортиб бормоқда. Бироқ бу тармоқ олдида турган бутун масалалар ҳал этилганлигини билдирамайди, албатта. Муаммолар кўп. Ҳали замон талабига жавоб берадиган техника воситалари, минерал ўғит ва дорилар етишмайди. Тармоқда ҳамон қўйл меҳнатидан фойдаланиш даражаси юқори.


Бу кунда Совет Иттилоғи бўйича етиштирилаётган ҳосилни машиналарда териш салмоғи 40% ни, шу жумладан Ўзбекистонда 45% ни ташкил этмоқда. Яқин йиллар ичida мамлакат бўйича етиштирилаётган ҳосилнинг 80—90% ва ундан ортиғи машиналар ёрдамида териб олинишига эришиш керак.

Олимларимиз олдида турган энг муҳим масала ўрта ва ингичка толали пахтанинг сифатини яхшилашдир. Қатор навларимиз вилт касалига чидамсиз ва тола сифати замон талабига жавоб бермайди. Мамлакат пахтакорлари ҳосилдорлиги юқори, тола сифати яхши, касаллик-ҳашаротларга чидамли, тезпишар,


3-жадвал

СССР да пахта майдони, ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик

Йиллар	Экин майдони, минг га	Ялпи ҳосил, минг, т.	Ҳосилдорлик 1 га/ц
1913	688,0	744,0	10,8
1940	2076,2	2236,6	10,8
1950	2316,5	3538,5	15,1
1955	2198,5	3880,8	17,7
1960	2191,9	4289,0	19,6
1965	2441,6	5560,1	23,2
1970	2745,8	6890,4	25,1
1975	2921,4	7863,5	29,6
1985	3316,3	8755,1	26,4
1987	35270	8088,9	22,9
1988	3431,6	8689,2	25,3



1-расм. Дунёда пахта етиштирадиган районларнинг схематик харитаси.



2-расм. СССРда гўза ўстириладиган районларнинг схематик картаси.

машина теримиға қулай бўлган ғўзанинг янги навларини яратишни селекционерларимиздан кутмоқдалар.

Ер юзида пахта етиштирлайдиган майдоннинг шимолий чегараси, шимолий кенглигининг 44° ва жанубий чегараси эса жанубий кенглигининг 35° параллелига тўғри келади (1-расм). Мана шу мамлакатларда ҳозирги вақтда пахта майдони тахминан 34 млн га ни ва ялпи етиштирилаётган пахта толаси тахминан 15 млн тоннани ташкил қилади.

Совет Иттифоқида пахта етиштирлайдиган териториялар Ер шарининг 37° билан 43° параллели ўртасида шимолий кенглика жойлашган. Бу териториялар Ўрта Осиё ва Закавказье регионларига бўлшилади. Ўрта Осиё регионига Ўзбекистон, Тоҷикистон, Туркманистон, Қирғизистоннинг Ўш ва Қозогистоннинг Чимкент вилоятлари, Закавказье регионига Озарбайжон киради (2-расм ва 4-жадвал). Уларнинг табиий иқлим шароити бир-биридан анча фарқ қилади. Ўрта Осиё жумҳуриятларининг иқлими анча қуруқ, атмосфера ёғинларининг йиллик миқдори кам, ҳавонинг ҳарорати кўклам ва ёз ойларида юқори, куз ойларида Закавказьега нисбатан бирмунча паст бўлади.

Ўрта Осиё регионида гўзанинг икки тур навларини, яъни *G. hirsutum* L. га қарашли ўрта толали ва *G. barbadense* L. га қарашлп ингичка толали совет навлари ўстирилади. Ингичка толали совет гўза навлари Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Туркманистон жумҳуриятларининг ўсув даври узун ва ҳарорати юқори бўлган жанубий миңтақаларида етиштирилади.

СССРда пахта етиширадиган жумхуриятлар

Жумхуриятлар номи	Экин майдони, минг/га					Ялпи пахта ҳосили, минг т					Пахта ҳосили га ц.				
	й иллар					ий иллар					ий иллар				
	1940	1950	1960	1970	1980	1940	1950	1960	1970	1980	1940	1950	1960	1970	1980
Ўзбекистон ССР	948	1135	1450	1783	1877,7	1990	2016,7	1416	2282	2949	4667,7	6237	5382	5365	14,9
Туркманистон ССР	150	153	222	397	508	559	38,2	211	276	363	858,3	1258,3	1288	1340	14,0
Тоҷикистон ССР	106	126	172	254	308,5	309,0	320,7	172	289	399	726,5	1010,6	935	963	16,2
Озорбайжон ССР	188	151	220	193	249,6	296	299	154	288	366	335,2	883,5	788	616	8,2
Қазоғистон ССР	78	60	42	44	126,5	130	128	73	62	49	187,2	357,4	305	325	9,2
Кирғизистон ССР	64	65	71	75	76,3	28,0	31,8	95	120	126	105,3	214,9	58	78,7	14,8

Жадвал маълумотига қараганда пахтанинг ялпи ҳосили бўйича Ўзбекистон жумхурияти биринчи ўринда туради. Истиқболли планда ҳам жумхуриятимиз ялпи ҳосил бўйича етакчи ўринни эгаллади (4-жадвалга қаранг).

Бугунги кунда сурориладиган ерларнинг хар тарафлама упумдорлигини ошириш, алмашлаб экишни ҳамма районларда тўлиқ жорий этиш, яқин йиллар ичидаги пахта салмоғини 60% га тушириш, беда салмоғини эса 32—35% га кўтариш зарур. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланиш, бегона ўтларга қарши курашда агротехник ва химиявий йўлларни узвий қўшиб олиб бориш, териб олишда интенсив технологияни тўлиқ жорий қилиш, зарарли ҳашаротларга қарши курашда биологик усуllibарни қўллаш, фан янгиликлари ва илғорлар тажрибасини жорий қилиш пахтакор пудратчилар ва ижарачилар олдида турган асосий масалалардир.

ЎЎЗАНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

Гўзада, бошқа гуллн ўсимликлардаги каби ўсиш ва ривожланиш жараёнида навбат билан бир қанча органлар — илдиз, поя, барг, шох ва гуллар шаклланади.

ИЛДИЗ

Рўзанинг илдиз системаси у ёки бу ўсимлик билан боғлиқ ҳолда деярли барча агротехника қондалари бевосита таъсир қила оладиган муҳитда ривожланади. Агротехник тадбирларининг неча марта ўтказилиши ва уларнинг характеристики илдиз системасининг ривожланишига қараб ҳар хил даражада таъсир этиши мумкин. Бу рўзанинг ҳосил берадиган ер устки қисмининг ривожланишида ўз ифодасини топиши керак. Рўзанинг илдиз тузилишини, унинг ривожланиш қонуниятларини билиш эрта етиладиган ҳамда сифатли ва юқори ҳосил берадиган агротехника тадбирларини ишлаб чиқиша айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Рўзанинг илдизи ўқ илдиз, илдизнинг асосий (бош) ўқи илдиз бўғзидан бошланади. Илдиз бўғзи сугориладиган шароитда, етук ўсимликда, унинг турига, навига ва ўсиш шароитига қараб, одатда 1—1,5 баъзан 2, камдан-кам ҳолларда 3 см гача йўғонликда бўлади.

Етилган ўсимликнинг ўқ илдизи ерга чуқур кириб борган сари тез ҳингичкалашаверади, 20—25 см чуқурликда унинг диаметри 2—3, ҳатто 1—2 мм бўлиб қолади. Кейинчаликк унинг ингичкалашиб бориши жуда секинлашади.

Ўқ илдиз ер бетидан 4—6 см чуқурликка кириши билан ундан секин-аста ён томонга бирламчи тартиб ён илдиз пайдо бўлади. Уяда биттадан ўсимлик жойлашган бўлса, ўқ илдиздан чиқадиган биринчи тартиб ён илдиз унинг тўрт томонига жойлашган бўлади. Бу най тутамининг радиал жойлашиши билан боғлиқ бўлиб, бунга қарама-қарши томондан ён илдизчалар ўсиб чиқади. Агар уяда бир нечтадан ўсимлик жойлашганда бирламчи тартиб ён илдиз унинг ички томонидан, яъни асосий ўқнинг илдизга яқин жойидан эмас, одатда фақат бўш томонидан, яъни уянинг ташқи томонга қараган жойидан ривожланади. Агарда илдиз уянинг ички томонидан ҳам ривожланмаса,

демак ўсишдан тұхтайди ва нобуд бўлади ёки ниҳоятда суст ривожланганлигича қолади.

Биринчи тартиб ён илдиздан иккинчи тартиб ён илдиз ва ундан эса учинчи ён илдизлар чиқади ва ҳоказо. Шундай қилиб, ўсимликда кўпгина сертармоқ илдизчалар пайдо бўлади.

Етилган ўсимликнинг ўқ илдизидан чиққан қуий тартибдаги ён илдизлар, одатда, ёғочта айланган, дағал ва сирти пўкақ (пробка) тўқима билан қопланган бўлади. Юқори тартибдаги илдиз шохчалари ингичка, жуда нозик ва илдиз тукчалари билан қопланган. Ёш ўсимликларда илдиз тукчалари, ҳатто бир-ламчи тартиб ва ўқ (асосий) илдизнинг ҳали қотиб, сирти пў-кақ тўқима билан қопланмаган шохчаларида ҳам бўлади. Бундай илдизчалар худди илдиз тукчалари сингари тупроқдаги озиқ моддаларни нам билан бирга сўриб олади. Шунинг учун улар фаол ёки сўрувчи илдизчалар дейилади.

Фаол илдизчаларнинг узунлиги кўпинча 10—15 см га етади, диаметри эса фўзанинг навига ва турига қараб 0,640 дан 1,082 мм гача бўлади.


Илдиз тукчалари фаол илдизча сатҳининг бошдан-оёқ ҳам-масида бир текис эмас, балки унинг учдан бир қисмидагина жойлашади. Бунда, илдизча яланғочланиб қолади. Фаол илдизчаларнинг энг учидаги илдиз филофчаси бўлади. У илдизча ўсиб тупроққа киришида, уни механик шинкастланишдан сақлади. Илдиз тукчалари жуда ингичка бўлади, фўзада бу хилдаги тукчаларнинг узунлиги ўрта ҳисобда 4,014 микрон келади (В. И. Цивинский маълумоти бўйича).

Фаол илдизчалар билан уларда жойлашган илдиз тукчалари, шунингдек, бирмунча қари илдизларнинг учки, ёш нозик қисми — ҳаммаси биргалашниб фўза илдиз системасининг фаол қисмини ташкил этади. Сирти пўкақ тўқима билан қопланган, дағаллашган ён илдизлар асосий — ўқ илдиз билан бирга илдиз системасининг ўтказувчи қисмини ташкил этади. Бу илдизлар ўзидан озиқ моддалар ва намни ўтказиб туришидан ташқари, ўсимликнинг асосий поясини тик ҳолда ушлаб туриши учун ҳам хизмат қиласи. Фаол илдизчалар жуда нозик ва оқ тусда, ўтказувчи илдизлар эса ёғочланиб қотиб қолган ва сирти пўкақ тўқима билан қопланган, асосан жигар ранг тусда бўлади.

Ўсув даврининг охприга келиб асосий илдиз ер ости сувлари чуқур жойлашган, сув ўтказувчанлик қобилияти яхши бўлган ерларда 1,5—2 м, ҳатто 2,5—3,0 м чуқурликкача кириб боради. Баъзан ён илдизлар ҳам шундай чуқурликка таралади, лекин кўпинча ён илдизлар юзароқ жойлашади.

Сугориладиган деҳқончилик шароитида, ер ости суви чуқур жойлашган участкаларда ён илдизларнинг асосий қисми тупроқнинг 40—50 см устки қатламида, яъни ҳайдалма қатлам ва ҳайдалма қатлам ости қисмida жойлашади (3-раем).

Қадимги дунё (Осиё, Африка) ва йынги дунё (Америка) турига мансуб фўза илдизларининг ён томонга тармоқланиш ха-



З-расм. Сизот сувн чуқур жойлашған бұз тупроқли ерда ўстан илдизнинг схематик системаси.

киради ва катта ҳажмдаги тупроқни қамраб олади.

Ғүза илдиз системасининг (навга тегишли) бошқа хусусияттаридан яна шуни айтиш керакки, ён илдизлар тупроқ қатламлари бүйича турли даражада тақсимланади. Масалан, айрим ғүза навлари илдизи тупроқ қатламида бирмунча текис тақсимланса, бошқа бир ғүза навининг илдизи камроқ таравиб, күпинча юқори қатламда жойлашади. Тупроқ ва иқлім шароитига қараб нав танлашда ғүза илдизнинг үзігі хос бу хусусиятларни зерттеборға олиш зарур.

Ғүза агротехникасига доир табдирларни ишлаб чиқыш мақсадида үсімлік илдизнинг чуқурлыгини, яғни фаол илдизчаларнинг күп қысметі қанчалик чуқурға киришини билиш ніҳоятда мұхимдір. Илдизнинг чуқурлығы ғүзаниң үсиш шароитига, навнинг биологик хусусиятига қараб турлича бўлиши мумкин. Масалан, В. И. Цивинский маълумотига қараганда, Ўрта Осиёнинг сугориладиган бұз тупроқли ерларида ўсан ғүза илдиз системасининг чуқурлығы кўсаклар пишиб етила бошлаган даврда 1 метрга, айрим ҳолларда эса бундан ҳам чуқурроқ бўлади.

Илдизнинг ривожланиши уруғнинг унишидан бошланади, шундан кейин муртак илдизчаси тезда тупроққа қадалиб мустаҳкамланиб олади ва 5—6 см чуқурликка етгандан кейин шу ерда илдиз отади. Сўнгра уруғ барг ости тирсаги ўса бошлайди ва уруғ барг ер бетига олиб чиқади.


Тошкент шароитида асосий ўқ илдиздаги биринчи ён илдиз ғүза майсаси кўрингандан 5—6 кун ўтгач, яғни ўқ илдиз узун-

рактерида ҳам фарқ бўлади. Масалан, Қадимги дунё ғүза турларида ён илдиз кўпроқ шохлайди, лекин Янги дунё ғүза турлариниң нисбатан улар нозик бўлади. Қадимги дунё ғүза турларида барча тармоқланган илдиз сатхининг йиғиндинди Янги дунё ғүза туриниң нисбатан катта бўлади. Шунинг учун Қадимги дунё турига мансуб ғўзалар одатда янги дунё ғўзасига нисбатан қурғоқчиликка чидамлидир.

Ғүза илдиз системасининг морфологияси ва ривожланишида навларга хос фарқ бўлади. Тупи бақувват ўсадиган, илдиз системаси кучли ривожланадиган, бирмунча кечпишар навларда илдиз тупроққа анча чукур

лиги 12—15 см га етганда пайдо бўлади (В. И. Цивинский маълумоти). Бизнинг кузатишларимиздан маълум бўлишича, баъзан чигит ва майсалар тупроқда бирмунча вақт қадалгандা, ниҳоллар ер бетида пайдо бўлиш пайтида, уларда бирламчи тартиб ён илдизчалар кўринади ёки шаклана бошлайди.

Биринчи тартиб ён илдизчаларнинг пайдо бўлиш муддати, уларнинг ривожланиш тезлиги гўзанинг нав хусусиятига, шунингдек, ўсаётган муҳит шароитига боғлиқ. Ўсиш шароити қанчалик қулагай ва нав қанчалик тезпишар бўлса, шунга яраша ён илдизлар ҳам тез пайдо бўлади ва улар дастлабки пайтларда тез ўсиб ривожланади. Боллс маълумотларига қараганда, гўзанинг бош илдизи ҳар 10 мм ўсганда унда иккита ён илдиз пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам ўш ўсимликда дастлабки ўсув даврида жуда кўп бирламчи тартиб ён илдизлар шаклланади (4-расм). Лекин гўза ўсиб ривожланган сари, бошқа икки паллалн ўсимликлардаги каби, бирламчи тартиб ён илдизларнинг кўпчилиги ўсишдан тўхтайди, заифлашади ва қисман нобуд бўлади. Шу билан бирга ернинг ҳайдалма қатламида одатда 4—10 та ва ундан ҳам кўпроқ бирламчи тартиб бақувват ён илдизлар пайдо бўлади, булар тезда ёғочлашиб йўғонлашади ва ўсишда бирмунча майда ён илдизлардан ўзиб кетади. Ривожланишининг биринчи ойи охирида ёки иккинчи ойининг бошларида дастлабки бир неча биринчи тартиб бақувват ён илдизлар пайдо бўла бошлаган пайтда асосий ўқ илдизнинг юқори қисми тез йўғонлашиб ёғочлашади. Бу жараён бирмунча бақувват якка илдизлар шакланаётган ва кўплаб заиф бирламчи тартиб ён илдизчалар нобуд бўлаётган даврга тўғри келади. У 20—25 см



4-расм. Ривожлана бошлаган гўза илдиз системаси.

чуқурликкача ингичкалашиб боради ва аниқ билинадиган ко-
нуссимон шаклга киради. Бу етук ўсимлика хос хусусиятдир.

Ғўзанинг илдиз системаси дастлабки бир ойда, айниқса 15
жун ичида жуда тез, ер устки қисми эса аксинча, жуда секин
ўсади. Бу ғўза ёппасига гуллагунга қадар давом этади. Мана
шу вақтда илдиз деярли тўла шаклланиб бўлади, ўсимликнинг
бундан кейинги ўсишида илдиз тузилишида жиддий ўзгариш
рўй бермайди, лекин сугориладиган шароитда ўсув даврининг
охирига қадар у сустлик билан ўсишда давом этаверади. Ғўза
шоналашига қадар асосий ўқ илдиз бирмунча жадал ўсади, ун-
дан кейин ён илдизлар авжга киради.

Шундай қилиб, чигит экишда, экиш вақтида ва экишдан ке-
йинги даврда ҳам тегишли агротехника тадбирларини амалга
ошириш йўли билан ўсимликнинг биологик хусусиятига қараб,
ҳаётининг дастлабки пайтларида илдизнинг жадал ўсиши учун
қуляй шароит яратиш керак.

15 кунлик ғўза ниҳолларининг асосий илдизи бош поядан
3—4 марта узун бўлади. Ён илдизларнинг (бу вақтда ғўза ил-
дизн фаол илдиз ҳисобланади) умумий узунлиги эса ҳали ён
шох чиқармаган бош поядан 20—30, ҳатто 40 марта узун бўла-
ди (И. Бейдеман).

Дастлабки икки ҳафта давомида асосий илдиз ғўза навига
қараб суткасига 2,5—3,2 см, ён илдизларнинг умумий узунлиги
эса суткасига 15—49 см ўсади (В. И. Цивинский). Ўқ илдиз-
нинг ўсиш тезлиги чигит уна бошлагандан кейинги дастлабки
кунларда (суткаларда) айниқса кучли, 3—4 см га тенг бўлади.
Кейинчалик у сусайиб боради, лекин у анча вақтгача кучлили-
гича қолади.

Илдиз системасининг жадал ўсишига ўсимликнинг тур ва
нав хусусиятидан ташқари ташки шароит, айниқса ҳарорат
ва намлик катта таъсир кўрсатади. Масалан, Ф. М. Мауер маъ-
лумотларнга қараганда, ўқ илдиз +30 даражада (дастлабки
кунларда) соатига 1,03—1,33 мм, +17 даражада эса 0,36—
0,38 мм ўсади. Боллс ўзининг Мисрда ўтказган тажрибаларида
ҳам ҳудди шунга ўхшаш маълумотларни олган (+22 даражада
соатига 1,2 мм, +18 да эса 0,9 мм).

Кейинчалик асосий илдизнинг ривожланиши секинлашади.
Масалан, гуллаш даврида ғўза навига қараб ўқ илдиз суткасига
атиги 0,93—1,6 см ўсади. Барча ён илдизларнинг умумий узун-
лиги эса бирмунча ортади, чунки бу пайтда ён илдизлар кўплаб
янгида-янги шохча чиқаришга зўр беради.

Илдизни тупроқнинг нам кўпроқ жойига қараб ўсиш (гидро-
тропизм) хусусиятига эга эканлигидан тупроқ устки қисми қу-
рий бошлаши, яъни баҳордан ёзга ўтиши билан илдизнинг
майда шохлаган қисми чуқурроқ — сернам қатламга ўтиб, бу
ерда ўз фаолиятини кучайтиради. Илдиздаги физиологик фаол
қисмнинг маркази муҳит шароити ўзгариши билан у ёки бу да-
ражада ўзгариши мумкин. Бу жараён ғўзани сугорганда ёки
тупроқ юзаси ёғин-сочин тушиб намланганда, айниқса аниқ на-

моён бўлади. Илдизнинг физиологик қисми марказининг ҳайдалма қатламдан настроқ қатламга сурилиши натижасида, унда баъзи морфологик ўзгаришлар содир бўлади. Ернинг ҳайдалма қатламига жойлашган бирламчи тартиб ён илдизчалар шу қатлам қуришига қадар етарли даражада ривожланиб ва бақувватлашиб олишга улгурмаса, ўсишдан орқада қолиб ингичкалашиб кетади, занфлашади ва нобуд бўлади. Худди шунга ўхшаш ҳодиса нозик илдизларда, хусусан фаол илдизларда ҳам кузатилади. Бундан ташқари, тупроқнинг устки қатламида нам жуда камайиб (ўсимликка шафи тегмайдигац даражага тушиб) қолганда ён илдизлар йўяалишини кескин ўзгартириб, деярли тик ўсади, яъни тупроқقا чуқурроқ киришга ҳаракат қиласиди.

Шундай қилиб, ғўза нарваришида барча агротехника тадбирларни илдизнинг фаол қисми тупроқнинг устки — ҳайдалма қатламида ва униг остидаги қаватининг устки қисмида мумкин қадар узоқ вақт сақланишига қаратилиши керак. Илдизнинг фаол қисми тупроқнинг упумдор ҳайдалма қатламидан қанча кўпроқ фойдаланса, ғўзада ҳосил органлари шунчалик кўп тўплапади.

Муаллиф томонидаги ўтказилган кузатишлар шуни кўрсатадики, асосий ўқ илдиздаги катта ён илдизлар ва тупроқнинг юқори қатламидаги бирламчи тартиб йирик илдизлар сони (ён илдизларнинг бир қисми нобуд бўлаётган даврда) қанчалик юқорида жойлашиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бирламчи тартиб йирик ён илдизлар қанчалик юқорида жойлашса ва шу хилдаги илдизлар тупроқнинг юқори қатламида қаичалик кўп бўлса, ғўза шунчалик мўл ҳосил (мева) тўплайди. Ғўзанинг мева тўилаши илдиз системасининг ривожланишига боғлиқ. Бунинг учун ерни экишга тўғри тайёрлаш ва уни энг қулай муддатларда ўтказиш керак. Ернинг юқори қатлами етарли даражада қизиган ва ўсимлик ривожининг дастлабки босқичида нам етарли бўлиши ҳам шарт. Шундай шароит тупроқнинг юза қисмида (4—6 см чуқурликда) биринчи ёш ён илдизчалар пайдо бўлишига имкон беради. Бу илдизчалар тезда ўсиб ривожланиб, бақувватлашиб олади ва ернинг ҳайдалма қатламида тармоқланиб фаол илдизчалар беради. Дастлаб ён илдизнинг ўзи тупроқдан озиқ моддалар ва сувни сўрлб олади, у бироз дагаллашгандан кейин ундан анча майдага тармоқ илдизчалар бу вазифани ўзларн бажаради. Фаол илдизлар тупроқнинг юқори қатламидаги озиқ моддалардан анча вақтгача фойдаланади. Шунинг учун илдиз дастлабки пайтларданоқ бирмунча бақувват ва униг ер устки қисми ҳаётининг биринчи босқичида ёк, озиқ моддалардан тўлиқ фойдаланиб, яхши ўсиб ривожланади, кўплаб мева шохлари ва шоналар чиқаради. Кейинчалик озиқ моддалар ва сув яхши келиб туриши натижасида ғўзанинг ер устки қисмида ҳосил органларининг тушиб кетиши анча камаяди.

Шундай қилиб, ғўза ҳаётининг дастлабки пайтларида, яъни организми ҳали бирмунча эластик даврида, ташки муҳитнинг таъсирида илдизнинг ривожланиш характеристири ўсимликнинг ке-

Йинги ривожланишига ва пировард натижада ҳосилдорликка жуда катта ижобий таъсир кўрсатади. Ерни чигит экишга тайёрлашни ва гўза парваришини шундай ўтказиш керакки бунда қилинган ишлар илдиз системасининг яхши ривожланишига қулагай шароит яратсин.

Үқ илдиз тупроқнинг чуқурроқ қатламига секин кириб бориши сабабли ён илдизларнинг бир қисми аста нобуд бўлаверади. Бунда бирламчи тартиб ён илдизлар ўзак (ўқ) бўйича юқоридан пастга, бирламчи тартиб яланғоч ён илдизчалар эса иккиламчи тартиб ёш илдизчалардан бошлаб ва шу тартибда марказдан четга қараб нобуд бўлаверади. Бу жараённинг шу йўналишда бориши илдизнинг аста-секин қариши билан боғлиқ. Қариш бошланганда илдизнинг маълум бир участкаси ёғочланаби, пўкак тўқималар билан қопланади. Айнан шу жойда фаол илдизчалар нобуд бўлади. Фаол илдизчаларнинг нобуд бўлиши гўзанинг етилиши даврида кучаяди. Чунки 30—40 см чуқурликдаги ер ости сувидан фаол илдизчалар умуман баҳраманд бўлолмайди. Уларнинг жуда оз қисмигина энг сўнгига пўкакланмай қолиб, тармоқланади. Гўзанинг етилиш даврида фаол илдизчаларнинг нобуд бўлиши кучайишини В. И. Цивинский қуидагича изоҳлайди: гўзанинг ҳосил тўплаш даврида фотосинтез маҳсулотлари баргдан пояга ва илдиз томонига ҳаракатланади. Улар деярли бутун репродуктив органлар томонидан ушлаб қолинади, ўсимлик етарли даражада органик моддалар билан озиқлана олмайди, натижада бу илдизга ҳам таъсир этиб, фаол илдизчаларнинг ўсиш суратининг бузилишига олиб келади.

Бироқ, гўзанинг етилиш даврида ерга етарли мнқдорда ўғит солиш ва экинларни юқори агротехника асосида парвариш қилиш йўли билан фаол илдизчаларнинг нобуд бўлишини сусайтириш мумкин. Умуман олганда, асосий илдиз ва ён илдизчалар (фаол илдизчалар билан бирга) гўзанинг етилиш даврида жуда суст ўсади. Бунга юқорида кўрсатилганлардан ташқари ўсув даврининг охирида ҳароратнинг пасайиши, шунингдек, ўсимликнинг қаринши ҳам сабаб бўлади. Лекин айрим ҳолларда ўсув даврининг охирида ернинг юқори қатламидан то пастки чуқур қатламигача бўлган оралиқда жойлашган илдизнинг эски пўкаклашган қисмида кўплаб янги нозик ёш илдизчалар пайдо бўлиши кузатилади.

Одатда бундай ҳолатлар куз яхши, яъни иссиқ келган йилларда, айнинса, ўсимлик ноқулай шароитда ўсган, масалан, вильт касаллигидан қаттиқ зарарланган ёки сувсизликдан қийналган ҳолларда кузатилади. Ўсимлик ҳаётининг бирданига бундай қайта тикланиши гўза илдизининг қулай шароит вужудга келиши биланоқ осонликча ўзини тиклаб олиш қобишлиятига эга эканлигидан далолат беради. Лекин қорасовуқ тушиши билан бу жараён тўхтайди. Амалда бундай ҳолат аслида фойдасиздир.

Гўза етилиш даврида фаол илдизчалар нобуд бўлишининг кучайиши ҳосил органларининг шаклланишида ассимиляция

маҳсулотларидан деярли түлиқ фойдаланиши билан боғлиқ. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ғұза илдизининг ривожланиши фақатгина ўсимликнинг ер устки қисмини ривожланишига таъсир этибінша қолмай, балки ўсимликнинг ер устки қисмининг ривожланиши илдиз системасининг ривожланишига ҳам таъсир күрсатади. Бу ҳолат баъзи маҳсус кузатишларда тасдиқланған. Масалан, шоңа ёки шохни юлиб ташлаганда ғұза илдиз системасининг ҳажми апча катталашады.

Етилган ўсимлик илдиз системасидаги қуруқ масса оғирлиги унинг умумий оғирлігінинг 6—10% ини ташкил этади. У ўсув даврининг охирига келиб анча камаяди (В. В. Никольский маълумотлари бўйича 25% дан 6% га тушиб қолади).

Ғұза илдиз системаси, айниқса, ундаги майдада тармоқчалар физиологик жиҳатдан бирмунча ўзгарувчан. У намлик, температура, аэрация, тупроқ зичлиги, унумдорлиги ва бошқа факторларга таъсирчан бўлади. Ғұза илдиз системасини ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрига қараганда, намлик илдизининг ривожланиши характерини ўзgartирадиган асосий факторлардан ҳисобланади. Шунинг учун сугориладиган дәжқончилик шароитида экинларни сугориш йўли билан илдиз системасининг ривожланишини истаган томонга ўзgartириш мумкин.

Ғұза илдиз системаси ўзининг қуриган қисмини қайта тиклаш (регенерация) хусусиятига эга. Масалан, бир сугориш билан иккичи сугориш орасидаги даврда тупроқнинг қуриб қолган устки қатламидаги фаол илдизчалар улардаги илдиз тукчалари билан биргаликда қуриб нобуд бўлади. Лекин экин сугорилиши биланоқ қуриган илдизчалар ўринда янгилари пайдо бўлади. Илдизининг қайта тикланиш хусусияти экин қатор ораларини ишлаш вақтида кетмон ёки культиваторда ёи илдизлар кесилиб кетганда иамоён бўлади. Илдиз кесилган ёки узилганда заараланган жойидаги тўқима бўртиб битади ва шу бўртмалар четидан тутам шаклида бир қанча янги илдизчалар чиқади.

Ғўзанинг ёш даврида илдизининг қайта тикланиш хусусияти бирмунча етук ғўзаларга қараганда анча яхши ўтади, бунда тупроқнинг 6—8 см чуқурликдаги қатламида ундан ҳам чуқурроқ қатламдагига иисбатан бу жараён эртароқ бошланади. Масалан, 6—8 см чуқурликда кесилган ёи илдизларнинг шикастланган жойи 3 кунда битиб, ўрнидан янги илдизчалар чиқади, бирмунча чуқур қатламда эса ёи илдизчалар бундан 2—3 кун кейинроқ пайдо бўлади.

Ғұза илдиз системасининг қайта тикланиш хусусияти унинг йўқолган қисмларини қисман тикласа ҳам лекин илдизининг қаттиқ шикастланиши ўсимликни заифлаштиради ва ҳосилга анча путур етказади.

Ғўзани турли хил системада ўстириш ва ҳар хил усулда сугориш ҳам илдизининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Масалан, чигит қаторлаб экилиб, ғұза оддий усулда эгатлаб сугорилганда, ён илдизларнинг асосий қисми сув тараалган томонга қараб ўсади, бунда илдиз пайкалнинг ҳамма сатҳига бир

текисда жойлашади ва тупроқ унумдорлигидан бир меъёрда фойдаланади.


Илдиз системасининг ривожланишига шунингдек, кўчат қалинлиги ҳам таъсир этади. Масалан, кўчатниң нисбатан сийраклиги илдиздаги сўрувчи томирларни тупроқнинг юза қатламида таралашига олиб келади. Аксинча, ўсимлик бирмунча қалин жойлашганда эса сўрувчи томирлар тупроқнинг анча чуқур қатламига таралади. Бунинг сабаби, кўчат сийрак бўлганда, тупроқнинг юза қатламидаги намлик ўсимликнинг илдизига узоқ муддатга, кўчат қалин бўлганда эса шу миқдордаги намлик оз вақтга этади, шунинг учун илдиз нам қидириб тупроқнинг пастки қаватига тушади ва у ерда кўплаб илдиз шохчалари ҳосил қиласди. Кўчат қалинлигини ошириш ўсимликнинг илдиз тараладиган қаватидаги барча озиқ моддалар ва намлидан яхши фойдаланиш имконини беради. Буни ғўзага ўфит солишни белгилашда, суфориш сонини ва суфориш режимини аниқлашда ҳисобга олиш керак. Бу хусусиятлар ғўзага минерал ўфитлар солиш усусларини ишлаб чиқиша ва суфориш режимини белгилашда ҳисобга олиниши керак. Шуни ҳам назарда тутиш керакки, кўчат қалин жойлашганда ғўзани нормадан ортиқча суфориш ўсимликни ғовлаб кетишига, оқибатда эса ҳосилнинг миқдори ва сифатининг пасайишига сабаб бўлади.

Кўп йиллик кузатиш натижаларига қараганда, ўфитланган ердаги ғўзанинг илдиз системаси ўфитланмаган ердагига қаранганди анча кучли ўсади. Илдизнинг ривожланишига, айниқса, фосфор катта таъсир кўрсатади, яъни фаол илдизчаларнинг кўплаб пайдо бўлишини тезлаштиради. Шунингдек, ғўза илдиз системасининг ривожланишига тупроқнинг зичлиги ва шўрланганлик даражаси, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, уларнинг режими ҳам катта таъсир қиласди. Масалан, зич қатламили оғир тупроқларда ғўзанинг илдиз системаси енгил тупроқли ерга нисбатан суст ривожланади. Бундай ҳолатда илдиз ернинг чуқурроқ қатламига кириб боролмайди. Тупроқ қатлами ҳаддан ташқари зичлашиб кетган далаларда илдиз бир-бирининг орасига кириб, тўрсимон масса ҳосил қиласди ва унилг кўпдаланг кесимн шақоқланган овал (тухумсимон) шаклга киради. Бундан ташқари улар зич қатлам қаршилигини енгиб ва қаршилик бирмунча камроқ бўладиган (ёриқ жойлар, бўш ёки нисбатан юмшоқроқ) жойларни қидириб топиб, ҳар хил йўналишда тарқалиб кетади. Ута зичлашган ерларда қаттиқ ёғингарчиликдан ёки ғўзани ҳаддан ташқари қоидириб суфорилгандан кейин қурғоқчилик даври бошланиши билан баъзан унинг асосий (бош) илдизи кучли даражада эзилганлиги кузатилади.

Ғўза илдиз системасининг ривожланишига Ўрта Осиёнинг суфорилдиган ерларида учрайдиган ҳайдалма қатлам остидаги ўта зич қатлам ҳам салбий таъсир этади. Үк илдиз шу қатламга етгаца одатда деярли тўғри бурчак томон бурилади ва токи қандайдир ёриқ ёки бирмунча юмшоқроқ жойлар учрамагунча кўндаланг томонига қараб ўсаверади. Шундай жойни топиб ол-

гандан кейингиңина яна қайтадан пастта қараб ўса бошлайды (А. Ф. Устинович). Тупроқни чуқур юмшатыш (айни ҳолатда ҳайдалма қатлам остидаги қаттық қатламиш бузиш) ғұза илдиз системасининг ривожланишига фойдали таъсир күрсатади. Тупроқнинг шүрланиши илдиз системаси ривожланишини сусайтиради ва илдизнинг умумий ҳажмини камайтиради. Ер ости суви чучук ва унчалик чуқур жойлашмаган шунингдек, шүрланмаган ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқли ерларда ғұзанинг илдизи асосан атрофга тарашиб ўсади (5-расм).

Ғұза илдиз системасининг күчли ривожланиб, тупроққа чуқурроқ кириб бориши үсимликнинг құрғоқчиликкә чидамлили-



5-расм. Сизот суви юза жойлашган ўтлоқи тупроқли ерда ғұсан ғұза илдиз системаси.

гини, ердаги жуда оз миқдордаги намлықдан ҳам фойдаланиш қобилятини оширади. Лалми ерларда тупроқнинг 20 см чуқурликдаги қатламида намлық 7,5 фоиздан ҳам кам бўлганда, илдизда тукчалари ҳаёт фаол илдиэлар борлигн кузатилган (В. И. Цивинский маълумоти).

ПОЯ

Асосий ўқ илдизининг юқори қисми илдиз бўғзи орқали асосий пояга туташади. Етилган үсимликда асосий поя икки қисмдан иборат: қуйи калта қисми — бу илдиз бўғизи билан уруғ барг жойлашган оралиқ бўлиб, уруғбарг ости тирсаги (гипокотиль) дейнлади, юқори қисми — бунга поянинг уруғбарг жойлашган еридан юқори қисми киради. Буни уруғбарг устки қисми (эпикотиль) деб аталади.

Уруғбарг ости тирсагида ҳеч қандай чинбарг ва шох бўлмайди, поянинг уруғбарг устки қисмида эса чинбарг бўлиб, барг қўлтифида шохлади.

Етилган үсимликдаги асосий поянинг бўйи ғұзанинг бир йиллик ёки кўп йиллилигига, тур ва навига, үсиш шароитига қараб бир неча сантиметрдан бир неча метргача боради. Ер шари-

нинг тропик зоналарида ғўза кўп йиллик ўсимлик сифатида, ёввойи ва маданий ҳолда ўсиши мумкин. Шунинг учун бу хилдаги ғўзалар анча баланд бўлиб ўсади. Кўп йиллик ғўзаларниң ёйилиб ўсадиган айрим дараҳтсизон турларининг бўйи ёшига қараб 5—7 м, ҳатто 10—12 м гача етиши мумкин. Адабиётларда 40 йил Ф. М. Мауер, ҳатто 80 йилгача ўғсан дараҳтсизон ғўзлар топилгани ҳақида маълумотлар берилган (Пирс).

Бир йиллик ғўзаларниң, айниқса, ўрта минтақада ўстириладиган ғўзаларниң бўйи кўп йиллик ғўзаларниң қараганда анча паст бўлади. Масалан, мамлакатимизнинг қадимдан экилиб келинадиган сугориладиган районларида ўрта толали ғўзларда асосий поянинг бўйи ғўза навига ҳамда парваришлаш шароитига қараб одатда 70—80 см дан 120—140 см гача, кўпинча 100 см атрофида бўлади. Ингичка толали ғўзаларниң бўйи эса одатда 120—150 см, айрим ҳолларда 200 см гача етади. Қейинги йилларда селекция йўли билан ғўзанинг бирмунча паст бўйли хиллари яратилди.

Асосий поянинг диаметри ҳам худди унинг бўйи каби бирбиридан кескин фарқ қиласи. Урга Осиё ва Закавказье инг сугориладиган районларида совет нави ғўзаларида асосий поянинг диаметри (асосидан ўлчаганда) 1—1,5 см, баъзан 2 см га етади, ингичка толали совет ғўза навларида эса бироз ўғонроқ бўлади. Баландлиги бир неча метрга етадиган кўп йиллик дараҳтсизон ғўзларда асосий поянинг диаметри баъзан 20—30 см гача боради. Ғўзанинг турига, навига, шунингдек парваришлаш шароитига қараб поянинг баландлиги ва диаметрида кескин фарқ бўлиши мумкин.

Асосий поянинг тик туриш хусусияти ўсув даври охиригача амалий жиҳатдан жуда муҳимдир. Поянинг ётиб қолиши ниҳоятда ёмон ҳолдир, чунки бу қатор ораларини ишлашни, ҳосилни йиғиб-териб олишни қийинлаштиради, паҳтани ифлослантириб, сифатини бузади. Айниқса поя ерга ётиб қолса, ҳосил нобуд бўлади.

Асосий поянинг ётиб қолишини ғўза тупининг анатомик тузилишига, қисман илдиз системасининг тузилиш хусусиятига кўра содир бўлиши билан изоҳлаш мумкин.

Кузатиш маълумотларига кўра, ерга ётиб қолган ғўзада поя тўқимасидаги ҳужайраларниң деворчалари ётиб қолмаган ғўзаларниң қараганда юпқа бўлади. Ғўза тури жуда ўсиб кетса, айниқса, шоҳ-шаббаси ва кўсаклар ҳар томонга бир текисда тақсимланмаган бўлса, бўйи билан поя диаметри ўртасидаги нисбат бузилиб, ғўза ерга ётиб қолади. Ётиб қолган ғўзанинг илдиз системаси яхши ривожланмайди, хусусан, асосий ўқ илдизнинг юқориги йўғон қисми ётиб қолмаган ғўзанинг нисбатан қисқа бўлади.

Ўсимлик тупининг ерга ётиб қолишга мойиллиги, ётиб қолиш характеристи ғўзанинг навига қараб ҳар хил. Шу билан бирга, унумдор, айниқса, азотли ўғит кўп берилган ерларда, ғўзани ҳаддан ташқари катта нормада сугорилган жойларда унинг ётиб қолиш ҳоллари кўп учрайди. Ўсимликнинг ерга ётиб қоли-

шига бошқа факторлар, жумладан, ғұза тупларининг бир текисда жойлашмаслиги, үсув даврининг иккинчи ярмида қучли шамоллар бўлиши каби ҳоллар ҳам таъсир этиши мумкин.

Ғўзанинг турига қараб асосий поянинг кўндаланг кесмаси нинг шакли бир хилда бўлмайди. Қадимги Дунё ғўзасида (масалан, жайдари ва Ҳинди-Хитой ғўзасида асосий поянинг кўндаланг кесмасининг шакли думалоқ), Янги Дунё ғўзасининг (масалан, ўрта толали ва ингичка толали ғўзанини) эса овалсимон ва салгина бурчаксимондир.

Шунингдек, етук ўсимликнинг ёғочланиш характери ҳам ғўзанинг турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, жайдари ва Ҳинди-Хитой ғўза турларида поянинг ёғочланган қисми ниҳоятда зич қаттиқ бўлиб, у пichoқда ҳам осонликча кесилмайди; ўртacha толали ва ингичка толалин ғўза турларида эса у аксинча юмшоқ бўлади ва пichoқ билан осонликча кесиш мумкин.

Поя тукли ёки туксиз бўлиши мумкин. Тукланиш ҳар хил даражада: қалин, ўртача, снайрак бўлади. Масалан, поянинг юқори қисми сертук бўлиши мумкин, чунки ўсимлик қариб, дағаллашган сари поянинг пастки қисмидаги туклар тўкилиб кетади. Жумладан, ўртача толали совет нави ғўзалари ва жайдарн ғўзалар поясн тук билан қалин қопланган. Лекин бу турга мансуб ғўзаларнинг туксизлари ҳам учрайди. Ингичка толали ғўзалар одатда туксиз ёки снайрак тукли бўлади.

Поянинг тукланиши бир ва иккп қаватли бўлиши мумкин. Бир қаватли тукланишда туклар бир хил узунликда бўлади, икки қаватли тукланишда эса қисқа туклар билан узун туклар павбатма-павбат жойлашади. Бир қаватли тукланиш асосан ўрта ва ингичка толали совет нав ғўзаларига хос хусусиятдир. Икки қаватли тукланиш жайдари ғўзаларда учрайди.

Ғўзада асосий поянинг ранги яшил тусдан тўқ қизил тусгача бўлиб, қорамтир тўқ қизил, қизғиши биниша ва оч қизғиши рангда товланади. Поянинг ҳамма томони ёки бир томони — қўёшга қараган томони қизил бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам уни баъзан куйган поя дейилади. Поянинг қизил бўлиши эпидермис ҳужайраларидағи антоциан моддаларининг миқдорига боғлиқ. Поя антоциан моддалар туфайли қизил тусга кириши, шунингдек, унинг мавжудлиги ёки бўлмаслиги ва ўсимликнинг сербарглилиги катта таъсир кўрсатиши мумкин. Поя қанчалик сертук ва сербарг бўлса, антоциан ранг шунчалик нурсиз бўлади.


Поянинг қўйи томони илдиз бўғзидан дастлабки бир неча бўғим оралиғигача пўқак тўқима билан қопланади, натижада поянинг бу қисми жигарранг тусда кўрипади. Илдиз бўғзи жуда қисқа бўлиб, у ҳам пўқак тўқима билан қопланган. Ўнинг диаметри кўпинчча асосий илдизнинг бошланиш жойи ва шу илдиз бўғзига туташган жойи диаметри билан бир хилда бўлади, шунинг учун илдиз бўғзини ташқи томондан ажратиш қийин. Уни анатомик тузилишига қараб осонликча ажратиш мумкин. Чунки най тутамлари поянинг илдиз бўғзи орқали асосий илдизга ўтади, илдиз бўғзи (қисмida) бироз яссироқ бўлиб қолади. Булар

орасида унчалик күп бўлмаган қўшимча найлар группаси ҳосил бўлади.

Ғўзанинг илдиз бўғзи ер усти ва ер ости мұхит таъсирида бўлади, шунинг учун у замбуруғ ҳамда бактериал касалликларга чалиниб туради. Жайдари турга мансуб ғўзалар бундан айниқса кўпроқ заарланади. Бу хилдаги ғўзаларнинг илдиз бўғзидаги тугунсимон шинш бўлиб, уни «илдиз бўғзи раки» деб ҳам юритилади. Кўпинча поянинг пўкаклашган юқори қисмida қорамтири нуқта кўринишида смолали безлар бўлади. Улар ҳам туклар билан қопланган бўлиши мумкин.

Ғўзада асосий поянинг ривожланиши унга чигитнинг муртак илдизи тупроқса бироз қадалгандан кейин, уруғбарг ости тирсаги (гипокотиль)нинг ўсиши билан бошланади. Ҳазининг юқори қисми билан уруғ ичидаги уруғбаргига туташган уруғпалла ости тирсаги ўсиш жараёнида ёйсимон эгилиб, остидаги тупроқ қаватини суради. Кейин уруғпалла ости тирсаги ўсишда давом этиб, ёрилган чигит пўстси ичидан ўса бошлаган уруғпаллани чиқаради, шундан кейин ўзи аста-секин тўғрнланади ва уруғпаллани ер бетига олиб чиқади. Ғўзанинг уруғпалласи (уруғбарги) оддий, чети кертиксиз, буйраксимон бандли бўлади (6-расм). Уруғпалласининг ранги яшил бўлиб, ҳар хил навларда турли хил товланади. Унинг ҳажми ғўзанинг турига қараб турлича бўлади.

Уруғпалланинг аҳамияти ёш ўсимтани дастлабки чинбарг чиққунча фақат жамғарилган озиқ моддалар билан таъминлаб туришдан ва қисман ассимиляция қилишдангина иборат бўлмай, балки у ғўзанинг гуллашида, гул органларининг шаклланишида ҳам иштирок этади. Ниҳол униб чиқиши билан уруғпалла шикастланса ёки у бутунлай олиб ташланса, ўсимлик жуда заниф ривожланади, бу эса ҳосилнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Уруғпалла ўз визафасини ўтаб бўлгандан кейин тушиб кетади, поядга қарама-қарши жойлашган иккита из қолдиради. Асосий поядаги уруғпалла бўғими асосий пояди, якка ҳолда спираль шаклида навбатма-навбат жойлашган чинбарг бўғимидан шу билан фарқ қиласи. Айрим тур ғўзаларда, масалан жайдари ғўзада (*Gos. herbaceum*) оддий тукчалардан ташкил топган тукли уруғпалла ости тирсак бор. Урта толали турга мансуб ғўзаларда (*Gos. hirsutum*) уруғпалла ости тирсаги одатда туксиз (яланғоч) ёки ниҳоятда сийрак бўлади, ингичка толали ғўзада (*Gos. bargadense*) эса умуман тук бўлмайди. Уруғпалла ости тирсаги



6-расм. Уруғ палла:

а) ўрта совет ғўза нави; б) ўрта Осиё жайдари ғўзаси.

ўсимликинг дастлабки ривожланиш даврида жуда нозік ва мұрт бўлади, унга бирон нарса тегиб кетса, дарҳол синиб кетади. Уругпалла ости тирсаги аста-секин узаяди, йўғонлашади ва ёғонланисиб, баққуватлашади. Бунда ғўзанинг айрим тури, масалан, Г. гирзуутум уруғпалла ости тирсаги түқ қизил ранга бўялиши мумкин. Ғўзанинг бошқа турларида эса, масалан, Г. гербацеумда бу хилдаги ранг пайдо бўлмайди. Ургиналла ёзила бошлиши ва яшил тусга кириши билан аста-секин налла усти поя (эпикотиль) ҳам еса бошлайди (уругналла усти пояси муртакли пайтидаёқ бўртма ичидан биринчи чинбаргининг ўзи шакланган бўлади).

Ургапалла бандлари орасида жойлашган юқориги куртак дастлабки пайтларда жуда секин, бунга қадар ўсгани уруғпалла остики тирсагидан ҳам секин ўсади. Поянинг уруғпалла устки қисмининг ўсишига қараб унда барглар пайдо бўлади.

Асосий поядаги барглар спираль шаклида навбатма-навбат жойлашади. Бунда дастлабки 4—6 та барг жуфт-жуфт бўлиб, бир-бирига яқин жойлашади, чунки бунда қисқа бўғин оралиги билан узун бўғин оралиги навбатлашади. Баъзан биринчи жуфт барглар бўғим оралиги шунчалик қисқа бўладики, поядаги барглар бир-бирига қарама-қарши томонда тўғри жойлашганга ўхшаб кўринади. Жуфт жойлашган барглардан кейингиларининг жойланиси спираль шаклидаги яққол кўринади. Бу ҳар хил ғўза формаларида қўйидаги формулалар билан ифодаланади: 1/3, 2/5, 3/8. Ўрта толали ғўза турларида (Gos. hirs utum) барглар бирмунча оддий, жайдари ғўзаларда (Gos. herbasem) ва Ҳинди-Ҳитой ғўзаларда (Gos. argogetum) эса барглар бирмунча мураккаб формула ҳолатда жойлашади (С. Д. Нагибин).

Асосий поянинг жадал ўсиши ва ривожланишига ғўзанинг тур ҳамда нав хусусиятига боғлиқ ҳолда ташқи муҳит шароити масалан, температура, ёрғлик, тупроқ намлиги каби факторлар, шунингдек, тупроқ хили ҳам катта таъсир этади. Ташқи муҳит факторлари қанчалик қулай бўлса, асосий поя ва бутун ўсимлик органларн шунчалик яхши ривожланади.

Ғўзанинг биологик хусусиятидан бири, ўсув даврининг бошларида (чиғит учиб чиққандан то шоналашгача) ўсимликинг жуда секин ўсиб ривожланишиди. Шоналай бошлагандан кейин, айниқса, гуллаш даврида, ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади. Гуллаш даврининг охирин ва ҳосил етилиши даврида поянинг ўсиши ҳамда ривожланиши жуда секинлашади, ўсув даврининг охирига келшиб эса бутуплай ўсишдан тўхтайди. Бўғим оралиги сони кўпайишиб ёки уларнинг оралиги узайиб кетиши натижасида ҳам асосий поя ўсиб кетиши мумкин. Амалиёт нуқтани назаридан қараганда асосий поя бўғим оралиги сони етарли миқдорда кўпайиши ҳисобига ўсгани маъқул, лекин улар шунга яраша узунасига ҳам ўсиши керак.

Юқори температура (маълум бир чекланишгача), тупроқнинг ҳаддан ташқари сернамлиги, унинг таркибида етарли миқдорда азот бўлиши ва шуларга ўхшаш бир қанча сабаблар ҳам

поянинг бўғим оралиғи узайиншига сезиларли таъсир этади. Тезпишарларни жиҳатидан ҳар хил тур ва нав ғўзаларда асосий поянинг ўсиш тезлиги турлича бўлади. Масалан, кечпишар ғўзаларда ўсув даврида асосий поянинг ўсиш тезлигининг ортиб бориши, сўнгра сусайиши тезпишардагига қараганда бир меъёрда боради. Бунда гўзанинг кечпишар навларида, ўсув даврининг охирида поянинг бўйига қараб ўсиши, тезпишар навга мансуб ғўзадагиларга иисбатан кучлироқ бориши кузатилади. Биринчисида асосий поянинг тез ўсиши ўсимликининг гуллаши олдидан ва гуллаш даврида кузатилади. Ўсув даврининг охирида эса ўсиш тезлигининг сусайиши тезпишар ғўзаларда кечпишардагига қараганда тезроқ боради. Шунинг учун асосий поянинг суткалик абсолют ўсиши тезпишар ғўзаларда кечпишар ғўзлардагига қараганда ўсув даврининг охирида сустроқ, гуллаш даврида эса тезроқ ўтади.

1 *Ғўзада моноподиаль ва симподиаль шох ва шохланиш*

Бош поянинг барг қўлтифидаги ғўза куртакларидан ғўза шохлари ривожланади. Буида дастлабки 2—3 та барг қўлтифидаги куртаклар тиним даврида қолиб, шохламайди. Айrim ҳоллардагина бу хилдаги куртаклар кўкариб, улардан яхши ривожланмаган бир неча майда баргли шохчалар ўсиб чиқиши мумкин. Уруғбарг қўлтифидан камдан-кам ҳолларда шох чиқади. Уидан ғўза майсалари дастлабки чинбарг чиқаргунга қадар ёки дастлабки баргларини ёзиш пайтида асосий поянинг учки ўсиш куртаги шикастланган ҳоллардагина шох чиқади.

Одатда, ғўзада икки хил: ўсув шохи, яъни моноподиаль шох ёки моноподия ва ҳосил шохи, яъни симподиаль шох ёки симподия деб аталадиган шохлар чиқади. Ўсув шохи асосий поянинг қуий қисмидан, ҳосил шохи ўсув шохи юқорисидан, одатда, асосий поянинг кейинги барча барг қўлтифидан ўсиб чиқади (7- расм).

Моноподиаль шох асосий барг қўлтиқ куртагидан асосий пояга иисбатан ўткир бурчак ҳосил қилиб чиқиб, учки ўсиш куртагининг ривожланиши ҳисобинга бўйига қараб узлуксиз ўсоверади. Бу шох фақат битта куртакдан ўсиб чиққанлиги учун «моноподиаль» шох деб аталади. Бу қадимги грек тилица бир поғонали (одностопная) деган маъненинг англатади. Юқорида кўрсатиб ўтилган ўсиш характеристига кўра бу шох тик ўсади.

Одатда, ўсув шохи ҳосил шохига иисбатан бақувват бўлади. Лекин унинг қанчалик бақувват бўлиши кўп жиҳатдан ғўзанинг тур ва навига, жумладан, тезпишарларигига боғлиқ. Ғўза қанчалик кечпишар бўлса, ундаги ўсув шохи шунчалик кучли ўсади. Бундан ташқари, ўсув шохининг кучли ёки кучсиз ўсишига ташқи муҳит шароити ҳам таъсир этиши мумкин. Масалан, ғўзанинг озиқланиш ва ёруғлик шароити қанчалик қулай бўлса, ўсув шохи шунчалик бақувват бўлади.



7-расм. Урта толали ғўза түпининг схемаси:

1) асосий (ўқ) поя; 2) ўсиш шохи; 3) ҳосил шохи; 4) қўшимча ҳосил шохи; 5) асосий поянинг барг қўлтиғидаги ҳосил органлари.

Ўсув шохи ўсгән сари унда худди асосий поядаги каби спираль шаклида навбатма-навбат жойлашгани барглар пайдо бўлади. Ўсув шохининг барг қўлтиғидан иккинчи тартиб шохлар ҳам чиқиши мумкини, лекин дастлабки 2—3 та барг қўлтиғидан, асосий поядаги каби шох чиқмайди, яъни тиним ҳолатида қола-веради. Буидан кейинги бир неча барг қўлтиғидан ўсув шохлар, кейпигиларидан эса ҳосил шохлар чиқади. Ўсув шохининг энг уни ўсиш куртаги ва барг билан тугалланади, куртак ичидаги буралиб ётган баргчалар кўринмайди. Шундай қилиб ўсув шохининг ривожланишиш асосий поянинг ривожланишига жуда ўхшашибди. Бунинг бопси ғўзанинг ўсув органлари бўлмиш асосий поя билан ўсув шохларининг табнатга бўлгани эҳтиёжлари орасида ҳеч қандай фарқ йўқлигидадир.

Ўсув шохларида иккиламчи тартиб ўсув шохларининг пайдо бўлиши фўзанинг тезпишарлигига, унинг озиқ моддалар ва ёруғлик билан таъминланиш даражасига боғлиқ. Фўза қашкалик кечиншар, озиқ моддалар ва ёруғлик билан қашкалик яхши таъминланган бўлса, унда иккиламчи тартиб шохлар чиқиш эҳтимоли шунчалик кўпроқ кутилади. Фўзанинг ўта тезпишар турларида одатда, иккиламчи тартиб шохлар фақат ҳосил шох тарзida ривожланади. Ҳосил шох ўзининг пайдо бўлиш характеристики ва морфологик тузилиши жиҳатидан ўсув шохидан тубдан фарқ қиласди. У асосий поядан ўсув шохига қараганда кенгроқ бурчак ҳосил қилиб чиқади; бу бурчак кўнича тўғри бўлади.

Урта Осиё шароитида саноатбоп ҳар хил гўза нави шохларининг конструктив хусусиятларини ўрганиш мақсадида Л. А. Туркснинг олиб борган тадқиқотларига кўра, узуи шохлайдиган **навларда** ҳосил шохнинг асосий пояга нисбатан бурчаги ўртача $70-80^{\circ}$ га, шохи калта бўлиб ўсадиган навларда эса бу бурчак $40-50^{\circ}$ га тенг бўлган.

Ҳосил шохнинг биринчи бўғим оралиғи (тирасиги) асосий поянинг барг қўлтиғига жойлашган куртакдан чиқиб, учидаги гулкуратак чиқариш билан ўсишдан тўхтайди. Биринчи бўғим оралиғининг охиридаги гулкуратак ёнидан барг чиқади. Мана шу барг қўлтиғидаги куртаклардан бирин ўсгач, иккинчи бўғим оралиғи пайдо бўлади, бу бўғим оралиғи авватисининг давоми ҳисобланаб, гулкуратак билан тугулланади, бунинг ёнидан ҳам барг чиқади ва шу тартибда давом этади.

Шундай қилиб, ҳосил шохи кетма-кет пайдо бўлган бир печа куртакдан чиқар экан, зоро ҳосил шохнинг ҳар бир бўғим оралиғи айрим куртакнинг ривожланиш маҳсулни ҳисобланади. Ҳосил шохи шу тартибда ривожлангани учун у «симподиаль» шох дейилади. Симподиаль грекча сўз бўлиб, кўп поғонали деган маънени билдиради.

Барглар ҳосил шохнинг икки томонида **навбатма-навбат** жойлашади. Шунинг учун ундаги ҳар бир бўғим оралиғи, биринчидан, гулкуратакни четга сиљитади, натижада бу гулкуратак барг қаршисида бўлиб қолади, иккичидан, бўғим оралиғи ўсиш жараёнида бўйига чўзилиб, ёнидаги барг йўналишидан бироз четга чиқади. Кейинги бўғим оралиғи навбатдаги барг қўлтиғидан иккинчи, лекин қарама-қарши томонга бирмунча бурнлади ва ҳоказо. Шундай қилиб, ҳосил шохнинг ўқи у ёки бу даражада тирансли-поғонали бўлиб қолади.

Ҳосил шохнинг тирансликимонлик даражаси фўза турларига қараб ҳар хил бўлади. Шундай фўза турлари борки, бирида тиранси жуда аниқ, бошқасида ўртача ёки суст ифодаланади. Кейинши ҳолатдагисида тиранси деярли тўғри бўлади.

Фўзанинг юқорида баён қилинган хусусиятларидан маълумки, ҳосил шохнинг уни ҳаммавақт мева органи билан тугалланади. Бундан ташқари унинг ҳар бир бўғимида барг қаршисида мева органи бўлиб, у бевосита шох ўқида жойлашади.

Мева органлари ҳосил шохнинг учидаги ҳамда унинг бевосита

ұқида бўлиши ҳосил шохи тузилишидаги энг характерлы хусусиятлардан ҳисобланади.

Агар ҳосил шохдаги мева органлари ва ҳатто барглар тўкилиб кетган тақдирда ҳам уни ўсув шохидан ажратиш осон: чунки ҳосил шохнинг бўғимида иккитадан из қолади, бунинг биринчиси, бурчаксимон барг изи, иккинчиси думалоқ шаклли мева органининг изидир.

Мононодиаль шох бўғимида эса фақат бурчаксимон барг шаклида битта из қолади.

Юқорида таъриф қилинган ҳосил шох бир неча бўғим оралигидан иборат бўлса, у чекланмаган ҳосил шохи дейилади. Чекланмаган ҳосил шохдаги бўғим оралигининг сони гўзанинг ирсий хусусиятига, тур ва навига ҳамда ўсимликнинг озиқланиш шаронтига қараб ҳар хил бўлиши мумкини. Масалан, гўза қашчалик яхши озиқланса, унинг шохлари шуиччалик кучли ўсади ва унда бўғим оралиги ҳам кўп бўлади. Ҳосил шохи чекланмаган турдаги гўза туплари пирамида ёки ёйниш шаклда бўлади. Лекин ҳосил шохидан ўсимликнинг озиқланиш шаронтидаи қатли назар, фақат биттагина бўғим оралиги бўлади. Бундай турдаги ҳосил шохи чекланмаган ҳосил шохи дейилади (8-расм).




8-расм. Гўза ҳосил шохларининг турлари:

а) чекланмаган турдаги (бўғим оралиги битта) ҳосил шох; б) чекланмаган турдаги (бўғим оралиги бир неча бўлган) ҳосил шох.

Чекланган турдаги ҳосил шох фақат битта бўғим оралигидан иборат. Қисқа бўлганлиги сабабли кўпинча шохлари гуж ўсади (9-расм).

Ҳосил шохнинг бу хилда чекланган бўлишига сабаб шуки, биринчи ягона бўғим оралиги охирига жойлашган барг қўлтнгидаги куртак гулкуртакка айланади ва ўшишдан тўхтайди. Мана шу барг қўлтигидаги бошқа битта ёки иккита куртак ҳам қулагай шароит вужудга келиши билан кўкара бошлаб гул органига айланади. Шундай қилиб, қулагай шароитда чекланган тинидаги ҳосил шохнинг учидаги ҳам кейинчалик кўсакка айланниши мумкин бўлган 2—3 та, баъзан 4 та ва ундан ҳам



9-расм. Ёзға тупларнинг схематик тузилиши:

а) ҳосил шохи чекланган типдаги ёзға;
б) ҳосил шохи чекланмаган типдаги ёзға

Ёзганинг кўпчилик навпда ҳосил шох чекланмаган типда бўлади, чекланган типдаги ҳосил шох эса гўзанинг Г. гирзуум ва Г. барбанедзе турларида, қисман Г. гербациум ва камдан-кам ҳолларда Г. арбореум турларида учрайди.


Ҳозирга қадар экиб келнишетган ёзғаларнинг ҳаммасида ҳам ҳосил шохи чекланмаган типдадир. Ҳосил шохи чекланган турдаги ёзғалар экилганда, улар ўзини оқламади. Улар камҳосил, хом ашёси ва толасининг сифати ёмои бўлди. Лекин уларда тегишли селекция ишлари олиб борилса, тола сифати бироз яхшиланиши мумкин.

Шохлари чекланмаган ва чекланган типдаги ёзғаларнинг яна шундай навлари борки, буларда ҳосил шохи мутлақо шаклланмайди, гул (мева) баидлари асосий поядаги барг қўлтиғида битта ёки иккитадан, баъзан кўпроқ бўлиб жойлашади. Совет селекционерлари кейинги йилларда гулли шу типга мансуб бўлган бир қанча ингичка толали ёзға навларини яратдилар (10-расм) ва бунига «поль тип»даги гўзалар леб пом берилди.

Ҳосил шохи чекланмаган ёзға типлари бўғим оралиги (тирасиги) нинг узуилнигига қараб 4 та кенжада типга бўлинади: I кенжада тип — бўғим ораси тахминан 3—5 см гача бўлган қисқа бўғим оралиқли ёзғалар; II кенжада тип — бўғим ораси тахминан 6—10 см гача бўлган ўртacha бўғим оралиқли ёзғалар; III кенжада тип — бўғим ораси тахминан 10 см гача бўлган узун бўғим оралиқли ёзғалар; IV кенжада тип — бўғим ораси тахминан 20—25 см гача бўлган ўта узун бўғим оралиқли ёзғалар (11-расм).

кўпроқ гул пайдо бўлади. Чекланган типдаги ҳосил шох учida тўртта, камдан-кам ҳолларда буидан кўпроқ мева ҳосил бўлиши мумкин. Бунинг бири шохнинг тугалланиши ҳисобига, қолганлари эса барг қўлтиғидаги куртаклар ҳисобига бўлади. Шундай қилиб чекланган ҳосил шохнинг учи кўплаб кўсакчалар билан тугалланади, шатижада бутун тип ёзға етилганда пахтаси очилиб турган колонкага ўхшайди. Шунинг учун бундай типдаги ёзға туплар баъзан шингилсимон деб ҳам аталади.

Ҳосил шохнинг чекланган ва чекланмаган типда бўлиши маълум ёзға ғавига ҳос присий хусусиятдири.



10-расм. Шохланиши «ноль» типидаги ғүза тупи.

11-расм. Ғүзадаги чекланмаган ҳосил шохларининг кенжакишилдиги:

1) бўғим оралиғи қисқа; 2) бўғим оралиғи братача;
3) бўғим оралиғи узуни; 4) бўғим оралиғи жуда узуни

IV кенжакишилдиги оид ғүза навлари одатда, ингичка толали совет ғүза навларида учрайди. Мана шу асосий тўртта кенжакишилдиги мансуб ғўзалардан ташқари, оралиқ тип ғўзалар ҳам бўлади. Бундан ташқари 4 та кенжакишилдиги ҳар бирда шундай ғүза формалари ҳам борки, улардаги ҳар бир ҳосил шохидаги бўғим оралигининг узунлиги туртича, жумладан, дастлабки биринчи бўғим оралиғи кейинигиларндан бирмунча узунроқ бўлади.

Ғўзанинг чекланмаган тип ҳосил шохидаги бўғим оралиғи чекланмаган типидаги I кенжакишилдиги ғўзанинг нисбатан қисқа бўлганилигидан уларни баъзан шартли равишда «ноль тип»даги ғўзалар деб ҳам юртиллади. Энди ҳосил шох чиқармайдиган ғўзаларин «ноль тишига» киради, дейиш ҳам жуда тўғри эмас.

Ҳосил шохидаги бўғим оралигининг узунлиги гўзанинг у ёки бу формаси ёки навлига хос хусусиятлардан ҳисобланади. Албатта, ташқи муҳит шаронти таъсрида ҳар қандай ғүза форма-

сидаги ҳосил шохнинг бўғим оралиғи ҳам бошқа ирсий белгилар кабин ўзгариши мумкин, лекин одатда унчалик катта ўзгариш бўлмайди.

Ғўзанинг ўёки бу кенжага тиндаги ҳосил шохнинг умумий узунилиги бўғим оралигининг узунилигига қараб турлича бўлади. Демак, ғўза тупининг қай даражада ёйилган ўёки ғуж бўлиши ҳам шу бўғим оралиғи узунлигига қараб ҳар хил бўлади; бўғим оралиғи қанча узун (масалан, III ва IV кенжага тиндагидек) бўлса, шохи шунча узун ва тури ёйилиб, ўсади, аксинча, бўғим оралиғи қанча қисқа (масалан, I ва II тиндагидек) бўлса, шох шунча қисқа ва тури ғуж ўсади. Ҳосил шохи чекланган ҳосиллари бевосита асосий поядга пайдо бўладиган ғўза тинлари янада ғуж ўсади.

Ғўза тупининг жуда ёйиллиб ўсиши ва шохларининг настга осилиб тушиши қатор ораларини ишлаш ҳамда ҳосилни йигиб-териб олишини анча қийинлаштиради. Буидай тиндаги ғўзалар III ва IV кенжага тинпага мансуб ғўзаларда кўпроқ учрайди. Ғўза туплари ғуж бўлса, ўсув даврида қатор оралари сифатли ишланади, шунингдек, ҳосилни йигиб-териб олиш, айниқса, машиналарда териб олиш осон бўлади.

Ғўзанинг юқорида кўрсатиб ўтилган шохлаш схемасида ҳар хил ўзгаришлар бўлиши мумкин. Масалан, ўсимликнинг озиқланиш шаронти яхши бўлганда, асосий ўсув ва ҳосил шохлар ёнидаги қўшимча куртакдан янада қўшимча ҳосил шохлари ўсиб чиқиши мумкин. Ён куртакдан қўшимча ҳосил шох чиқаришга мойиллик ғўза навларига қараб ҳар хил бўлади. Ҳосил шохи чекланган тиндаги ғўзаларда айниқса кўпроқ кузатилади.

Қўшимча ўсув шох одатда асосий ўсув шох ёнидан, қўшимча ҳосил шох эса асосий ҳосил шох ёнидан ўсиб чиқади. Лекин ўсимликка озиқ моддалар ҳаддан ташқари кўп берилганда, у фовлаб кетиб, қўшимча шох баъзи бир пастки асосий ҳосил шох ёнидан ҳам чиқиши мумкин.

Ён куртакдан чиқиш қўшимча шох ёнидаги асосий шохга ишбатан кичик бўлади. Айниқса, қўшимча ҳосил шох янада кичик бўлиб, одатда уларининг ўзи ривожланадиган битта бўғим оралиғидан шаклланади.


Баъзан ён куртак қўшимча ҳосил шох (асосий поядга, ўсув шохидаги ва ҳосил шохда) ўрнига ён гул чиқаради. Бу хилдаги гул чиқариш ҳосил шохи чекланган тиндаги ғўза формаларига хос хусусиятдир.

Барг қўлтиғи жойлашган ва қўшимча ҳосил шохларда пайдо бўлган қўсаклар ўсув даври охиригача етилиб улгурса, пахта ҳосили анча ошади.

Асосий поядини учи тасодифан шикастланса ўёки атайлаб чиллиб ташланса, ғўзанинг шохлашида ўзига хос ажойиб ўзгаришлар юз беради, чунки бу ўсимликдаги озиқ моддаларининг қайта тақсимланishiiga сабаб бўлади.

Асосий поядга ҳосил шох пайдо бўла бошлагунча вужудга келадиган асосий ўсув шохларининг сони ғўзанинг навларига,

шуннингдек, қисман ўсиш шароитига қараб ҳар хил бўлади. Ёзанинг шундай навлари борки, дастлабки ҳосил шохи пайдо бўлгунча ундан жуда кўп (15 тадап 40 тагача) ўсув шохлар чиқади. Ёзанинг бундай типда шохлаши моноподиаль шохлаши иш дейилади. Лекин ўсув шохи мутлақо чиқмайдиган ёки дастлабки ҳосил шохгача нисбатан ўсув шохи кам (1—2—3 тагача) бўладиган ёзга формалари ҳам бор. Ёзанинг бундай шохлаши симподиаль шохланиш дейилади, Шохланиш жиҳатдан моноподиаль шохланиш билан симподиаль шохланиш ўртасида турадиган оралиқ ёзга навлари ҳам учрайди. Бундай оралиқдаги ёзсаларниң моноподиаль ёки симподиаль шохланишга яқинлашиш даражаси ҳад хил бўлиши мумкин (12-расм).



12-расм. Ёзанинг шохланиш типлари:

1) ҳосил шохи типида шохланган ёзга тупи; 2) ўсув шохи типида шохланган ёзга тупи; 3) оралиқ типида шохланган ёзга тупи (расмда ўсув шохлари — чизиқлар билан, ҳосил шохлар — кесик чизиқлар билан белгиланган). Шуннингдек, қўшикмча ён шохлар ҳам кўрсатилган).

Ҳосил шохи асосий поянинг юқорпсида жойлашадиган, яъни жуда кеч пайдо бўладиган типик моноподиаль ёзга навлари дарахтсими ёзсаларга хосдир ва улар жуда кеч гуллайди. Бу хилдаги ёзсалар фақат совуқ бўлмайдиган тропик зоналардагина пишиб улгурини мумкин. Иттифоқимизнинг пахта етиштириладиган минтақасида бу хилдаги ёзсаларни ўстириб бўлмайди. Ҳосил шохи асосий поянинг энг пастидап чиқадиган типик симподиаль ёзга тупи кичик бўлади. Бундай ёзсалар эрта гуллайди ва тезпишар ҳисобланади. Бу хилдаги тезпишар ёзсаларни фақат Ер шарининг тропик зоналаридағина эмас, балки ҳосилнинг пишишп учун ўсув даври етарли бўлган бошқа минтақаларда ҳам ўстириш мумкин.

Иттифоқимизда экилайётган барча ёзга навлари шохланishi жиҳатдан симподиаль типга киради. Улар тегишли қалинликда экилиб, юқори агротехника асосида парвариш қилинганда ҳар бир тупда одатда, кўпи билан 1—3 та ўсув шохи чиқади. Асосий

пояда биринчи ҳосил шох тезпишар совет ғұза навларига мансуб ўрта толалш ғұзаларда, уларнинг тезпишарлыгига қараб учинчи-түртнинчи, баъзан биринчи-иккинчи барг қўлтиғидан, бирмунча кечпишар (ўртапишар) ғұза навларнда эса бешинчи-саккизинчи барг қўлтиғидан чиқади.

Биринчи ҳосил шохнинг жойланиш баландлыги (hs) амалий жиҳатдан ғўзанинг тезпишарлыгини кўрсатувчи муҳим белгилардан ҳисобланниб, ўсув даври қисқароқ бўлган жойларда айниқса, унинг аҳамияти каттадир. Биринчи ҳосил шохнинг жойланниш баландлиги у ёки бу тин ва навнинг ирсий белгиси бўлиши билан бирга, ташқи муҳит шаронтининг, жумладан, агротехника тадбирлари натижасида ўзгариши мумкин. Биринчи ҳосил шох қанчалик пастда (hs) бўлса, у шунчалик эрта гуллайди, бинобарин, кўсаклари шуничалик эрта етилиб, кузги қора совуқ тушгунгача ҳосилнинг асосий қисми шишиб улгуради. Бундан ташқари, ғўзанинг маълум нав донрасида ўсув даври унчалик узоқ давом этмайдиган шаронтда (lis) ни пастга тушириш шу билан ҳар тупдаги мева органлариниц, яъни ҳосилни ошириш мумкин.

БАРГ

Ғұза барги барг шапалоги, барг банди ва барг банди асосида жойлашган иккита ёнбаргчадан иборат.

Барг шапалоги ғўзанинг навига ва турига ҳамда у ўсимликнинг қаерида жойлашганилигига қараб бутун ёки кертикли (ўйнқ) ли бўлиши мумкин.

Бундай навларда барг шапалоги одатда, асосий поядаги дастлабки 2—3 та барг бутун, кейингилари эса кертикли бўлади.

Барг шапалоги 3, 5, 7 та кертикли бўлганлигидан улар симметрик шаклда кўринади. Баъзан битта ўсимликнинг ўзида жуфт сонлии 2, 4, 6, 8 кертикли, яъни носимметрик барглар ҳам учрайди. Ғўзанинг исталган тур ва навлари орасидаи 2 тадан 8 тагача кертикли баргларни топиш мумкин. Бунда симметрик баргларнинг чап ва ўнг томонида пайдо бўлган кергиклар баргнинг носимметрик баргга ўтишига ёрдам беради.

Қўшимча кертиклар барг шапалогининг бир йўла иккала томонида ҳосил бўлиши (масалан, 3 дан 5 га ёки 5 дан 7 кертиклига ўтиши) мумкин. Бу баргнинг рацемик вариация берадиган энантно — ўзгарувчанлик (ойнасимон ўзгарувчанлик) ҳодисасидир.

Ғұза барги бутун кертикли бўлнишидан қатъи назар шакли юраксимон бўлади. Баргнинг юрак шаклида бўлниши ғұза турига қараб ҳар хил дараражада инфодаланади.

Барг шапалоги кертиклари учбурчаксимон, яъни ўртасига нисбатан таг томони кенроқ, гумбазсимон ва тухумсимон, яъни таг томони ўртасига қараганда энсиз ва наштарсимон бўлади. Барг шапалоги кертикли (бўлакча) тарининг шакли қандай бўл-

масин учлари қисқа, чүзиқ, салғина энли ёки энсиз найзасимон ўхуд сал найзасимон бўлиши мумкин. Қертик баргларининг сатҳи фӯзанинг турига, навига ва ўсиш шароитига қараб кескин дараҷада фарқ қиласди, масалан, 4 см² дан 400 см² гача бўлиши мумкин. Фӯзанинг бир тури иккинчи тури ўртасида; шунингдек, маданий фӯза билан ёввойи фӯза ўртасида бу фарқ айниқса катта бўлади.

Фӯзанинг ҳар бир тупидаги барг шапалоги ҳар хил катталикда бўлади. Масалан, тупнинг пастки қисмидаги барглар йирироқ, юқори қисмидагилари эса майдароқ. Бундан ташқари, асосий поядаги барглар ён шоҳлардан чиқсан баргларга қараганда йирнкроқдир. Шунингдек, ҳосил шоҳдаги барглар ўсув шоҳлардагидан майдароқ, қертиклари эса камроқ бўлади. Масалан, ўрта ва ишчика тоғали совет фӯза навларида ҳосил шоҳдаги барглар одатда 3 қертикли, ўсув шоҳдаги ва асосий поядаги барглар 5, баъзан 7 қертикли бўлади.

Барг шапалогининг сатҳи кўпинча текис, силлиқ, баъзан у ёки бу даражада тўлқинсимон бўлиб, уига қат-қат бурама шакл беради. Мазкур белгилар фӯзанинг тур ва нав хусусиятига боғлиқдир. 13-расмда иккита энг муҳим маданий нав фӯзанинг барг пластинкаси ва қертикларининг шакли кўрсатилган.



13-расм. Фӯзанинг ҳосил шохи ва ўсув шоҳларидаги ёнбаргчаларининг барг билан кўриниши

Барг бандининг юқори қисмидан, томир бўғими деб аталувчи жойидан барг шапалогининг ҳар бир қертигига асосий (марказий) томир ўтади, мана шу томирдан иккинчи, учинчи ва ҳоказо тартибдаги жуда майда томирлар тармоғи чиқади.

Биринчи тартибдаги асосий томирдан ташқари барг шапалоги қертигига боғлиқ бўлмаган яна 2—3 жуфт биринчи тартиб майда томирчалар ҳам бўлади. Шундай қилиб, фӯза баргига биринчи тартиб томирларининг умумий сони кўпичча 7—9, камдан-кам 11—12 та бўлади.

Томирларнинг таралиш бўғими — тугуни ва бунга майдароқ томирларнинг туташган қисми барг ранги каби яшил ёки ҳар хил товланадиган қизғиши (антониан) тусда бўлади. Масалан, ўрта толали совет ғўза навларида барг томирларидаги тугунларнинг қизғишилиги яхши кўриниш туради, ишгичка толали совет ғўза навларининг баъзи формаларида эса бу тугун салгина қизғиши тусда товланади ёки у бутунлай бўлмаслиги мумкин. Жайдари ғўза барг томирларида ҳам қизғиши ранг бўлмайди ёки у билинар-билинмас даражада бўлиши мумкин.

Ғўза турига қараб баргнинг орқа томонидаги асосий томирларда биттадан ҳар хил катталикдаги ва шаклдаги ширадон бор.

Кўпчилик ғўза навларида барглар яшил (оч яшил ёки тўқ яшил) рангда бўлади. Лекин қизғиши баргли ғўзалар ҳам учрайди. Шу рангларнинг ҳаммаси битта турга мансуб ҳар хил ғўза навлариларнда бўлиши мумкин. Жумладан, ўрта толали совет ғўза навларида барг кўпинча оч яшил тусда бўлади, лекин улар орасида барги у ёки бу даражада тўқ яшил ва қизғиши тусдаги гўза навлари ҳам учрайди.

Барча турдаги ғўзаларнинг барги маълум даражада туклар билан қопланган, шу билан бирга баргнинг орқа томони олд томонига ишбатан сертук, устки томони эса кўпинча туксиз бўлади. Гўзанинг шундай формаларин ҳам учрайдик, уларда барг шапалогининг ҳар иккала томони билинар-билинмас даражада тукланган, амалда эса буларни яланғоч — туксиз деса ҳам бўлади. Баргдаги туклар томирлар бўйлаб жойлашади ва у ғўза навларига қараб қисқа, узун ёки ҳар иккаласи ҳам бир ярусли ҳамда икки ярусли тукланиш бўлиши мумкин.

Барг чиқариш ва яшил тусга кириш жараёнида оғизчалар шакллана бошлайди. Деярли барча ғўза навларидаги баргнинг орқа томонидаги оғизчалар устки томонидагилардан тахминан 2 марта кўп бўлади. Масалан, айрим тадқиқотчилар (Е. А. Мәкеева) инг кузатишларига қараганда ўрта толали совет ғўза навларидаги устки томондаги баргнинг ҳар мм^2 сатҳида 115—128 та, орқа томонидаги баргда эса 245—250 та оғизча бўлади.

Барг бандининг кўпдалаиг кесими доира шаклида бўлиб, ост томони, айниқса пояга бириккан жойи йўғонроқдир. Барг банди тубида 2 тадан ўсиб чиқадиган ёнбаргча ғўзанинг турига қараб ўзига хос хусусиятга эга. Булар шакли, бўйи, кенглиги ва йўналиши жиҳатдан поя ўқи ёки ҳоҳга ишбатан бир-биридан фарқ қилиши мумкин. Ёнбаргчанинг шакли кўпинча ҳар хил кенглик ва узуспликдаги паштарга ўхшайди ҳамда узун ёки қисқа қулоқчасимон бўлади. Ёнбаргчанинг қисқа қулоқчасимон шаклда бўлиши, масалан, ўрта толали совет ғўза навларига хос хусусиятдир, бунда улар поя ёки шоҳ йўналишига қараб ўсади. Ишгичка толали совет ғўза навлари, шунингдек, Ҳинди-Хитой ғўзасида ёнбаргчалари паштарсимон бўлниб, поя ёки шоҳ йўналишига қараб ўсади. Жайдари ғўзада ёнбаргча қисқа ва жуда энисиз бўлиб, поя ёки шоҳга ишбатан чеига қараб ўсади.

Барча турдаги ғұзаларда ҳосил шохдаги ёнбаргчалар асосий поядаги ва ўсув шохдаги ёнбаргдаң күпинча қисқа ҳамда носимметрик, яғни ёнбаргчаниң биттаси ұзининг асосига нисбатан эшіңе жұда ўсиб кетиши характерлы белгиларидан ҳисоблашади. Асосий поядаги ва ўсув шохидаги ёнбаргчалар бир хил катталиңда бўлади.

Ёнбаргчаниң ранги одатда, барғ шанағоғи ранги билан бир хилда.

Асосий поядан чиқадиган дастлабки 1—2 та баргда күпинча ёнбаргчалар бўлмайди. Улар одатда бирмуңча эртароқ тўклиб кетади.

3. Ёнбаргча гўзаниң (нормал) ўсиб ривожланишида иштирок этади. Муаллифишиң тажрибалариңда аниқланишича, барча ёнбаргчаларни юлиб ташлаш ўсимликкинг бўйинга ўсишиңа, кўсакларининг йириклигига ва ҳосилдорликка кескин даражада салбий таъсир этади.

Ўсимликдаги барча барғ сатҳи йиғиндишини ва унда баргларниң қай тартибда тақсимланганлигини белгиловчи умумий сербарглик жуда мұхимдир. Барғ сатҳининг умумий йиғиндиши ўсимликдаги асосий ассимиляция ва транспирация аппаратининг ҳажмини кўрсатади. Баргларниң тақсимланиш характеристери эса барғ сатҳининг йиғиндиши ҳосил органларининг барғ билан қай даражада сояланиши белгилайди, кейинги ҳолат кўсакларининг етилиши даврида айниқса мұхимдир. Чунки шох ва поядада барглар бир-бирига жуда яқин жойлашса, бунинг устига барғлар йирик бўлса, кўсаклар сояланыб қолади ва улар жуда суст етилади.

Ғўзада баргларниң тақсимланиш характеристери асосан унинг тури ва навига, барғ сатҳининг умумий йиғиндиши эса кўп жиҳатдан ўсимликкинг ўсиш шаронтига боғлиқ. Тезпишар ғўза навларидаги умумий барглар сони бирмуңча кечпишар навлардагига қараганда камроқ бўлади.

Л. А. Туркс маълумотларнга кўра, ўрта толали совет ғўза навининг ҳосил шохи чекланмаган типдаги навлари суғориладиган ерда одатдаги агротехника шароитда парвариш қилинганда бир туп ўсимликдаги барғ сатҳининг йиғиндиши август ойида тахминан $2,5$ — $6,4$ минг см^2 га, ингичка толали совет ғўза навининг ҳосил шохи чекланмаган типдаги иавларida эса тахмина $5,1$ — $9,0$ минг см^2 га teng бўлган.

Ҳосил шохи чекланган типдаги ғўза иавларida ва гуллари бевосита асосий пояга жойлашган (симподиаль шох чиқармайдиган) иавларда бир тупдаги барглар сатҳининг йиғиндиши ҳосил шохи чекланмаган ғўзалардагига қараганда анча кам бўлади.

Барғ сатҳининг йиғиндиши октябрь ойида август ойидагига нисбатан бирмуңча кам бўлади, чунки август-октябрь ойларida баргнинг аччагипа қисми тўклиб кетади. Бунда бир хил павғўзаниң барги кўпроқ, иккинчи хилиники эса камроқ тўклилади. Яна шу нарса аниқланганки, ҳосил шохи чекланган типдаги

баъзи ғўза навларида, айниқса, ўсув даврининг охирида барги кўп тўкилади, баъзиларида эса ўсув даврининг охирига келиб барглар деярли қолмайди.

В. И. Кокуевнинг Ўрта Осиённинг (Тошкент атрофидаги) сурориладиган ерларида олиб борган тажриба натижаларида, симподиаль шохлари чекланган тинга мансуб айрим ғўза навларида барглар ўсув даврининг охирига келиб тўклилб кетар экан. Ўсув даврининг охирида баргларнинг тўкилиб кетиши амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга, чунки бу пахта теришни, айниқса ҳосилни машиналарда йиғиб-тернб олишни анча осонлаштиради.

Ғўза баргининг ўсув даври охирида табиий равишда тўкилиб кетиши масаласини кўриб чиқишида шуни эътиборга олиш керакки, тропик зонада ўсадиган ёввойи ғўзалар баргини ҳар йили қурғоқчнлик бошланиши даврида тўгади, бу эса кўсакларнинг айни пишган пайтига тўғри келади. Бинобарин, бизнинг шароитда ҳам ғўза баргининг табиий тўкилиши кўсакнинг пишиш даврига тўғри келади.

Ғўза Ер шарининг ўрта минтақасидаги илиқ иқлимли зоналарда ўстирилганда кузги қора совуқ тушиши билан улар ўсишдан тўхтайди, бундай шароитда баргларнинг табиий равишда тўкилиши уччалик аҳамиятга эга эмас. Лекин селекция ишлари олиб бориш йўли билан кузда ғўза баргини тўкилишини бирмунча тезлаштириш мумкин. Ҳозирда селекционерлар бу соҳада ишламоқдалар.



ҒЎЗА ГУЛИ

Ғўза гули икки жинсли, гул органлари бешта доири бўйича бештадан жойлашган (14-расм). Гул асоснинг ўзида гулбанди (кейинчалик у кўсак бандига айланади) бор. Гулбандининг юқори қисмида гулнинг бошқа ҳамма элементлари жойлашади: ташқи томонига 3 та йирик гулёнбарги, кейин уччалик катта бўлмаган, гулкоса, гулкосанинг ичидаги 5 та гулбаргдан ташкил топган гултоҷ, гултоҗининг ичидаги асосидан пастга қараб ўсадиган чангчи тўплами (андроцей) бор. Бу чангчи най жуда кўп миқдордаги майдаган чангчилардан ташкил топган. Гулнинг қоқ ўртасидаги уруғчи (гинецей) жойлашади. Уруғчи тугунча, устунча ва тумшуқчадан иборат: тугунча гултоҷ билан чангчи устунчаси, тумшуқча эса чангчи найчасидан ташқарига чиқиб туради (15-расм). Гулнинг юқорида кўрсатиб ўтилган элементларидан ташқарип алоҳида безчаси — ширдониг бўлади.

Ғўзанинг тури ва навига қараб гулбанд тўғри, бироз қийшиқроқ ёки жуда букилган, эгилган бўлиши мумкин.

Ўрта толали ва шигичка толали ғўза навларида гулбанд йўғон, тўғри, бўлади. Жайдари ғўза ва Ҳинди-Хитой ғўза навларида гулбанд ингичка, у ёки бу даражада эгилиб туради.

Гулбанд (мевабанд) ғўзанинг тур ва навига қараб 1—



14-расм. Фұза гүліннің диаграммасы.


15-расм. Фұза гүліннің тузылиши (күндалаң) кесімі:

1) гулбанды; 2) гуләнбарг; 3) гулкоса; 4) гултох барг; 5) өнгөчі нағчасы; 6) өнгөчі түгүнча; 7) өнгөчі устүнчасы; 8) өнгөчі түмшүкчасы.

10 см ва ундан ортиқроқ үзүнлікта бўлади. Ўрта толали совет ғўзасы навларида гулбанд ўртача 3—4 см, шигірдка толали совет ғўзаларидан эса бундан кўра үзүнроқ, айниқса ҳосил шох чиқармайдиган навларда гулбанд янада үзүнроқ бўлади.

Гуләнлиги баргча (гулёнлиги) фұза навларига қараб инсбатан каттароқ ёки ўртача катталықда (маданий навларда эніга ҳам, бўйига ҳам 4—5 см гача) бўлиши мумкин. Ост томони ўзаро бир-бири билан туташмаган ёхуд у ёки бу даражада туташган. Чети текис ёки арратишлы, тишилариннің сони 3 тадан 15 тагача, камдан-кам ҳолларда бундан кўпроқ бўлиши мумкин. Гуләнлигинин тишлиари ғўзанинг навига қараб ҳар хил үзүнлікда ва кенглиқда бўлади. Масалан, ўрта толали фұза турига мансуб навларда гуләнлиги четинин тишлиари тўғри, яъни марказий тишдан ташқарига эгилмаган, шигірдка толали совет фұза навларидан эса тишлиари марказий тишдан четга қайрилган (16-расм) бўлади.

Ҳар бир гуләнлиги асосидан тишка томон үзунасыга асосий томир ўтади, ундан эса кейинги тартиб томирчалар таради. Гуләнлиги баргча ҳар хил даражада тукланған бўлиши мумкин. Сунда тукчалар барғлардаги каби асосан томирлар ва барғла маданий тур ғўзаларда гуллашдан кейин тушиб кетмайди. Бу Р. Р. Шредер собиқ Туркистан қишлоқ ҳўжалик тажриба станицасыда олиб борган кузатишиларда тасдиқлаган. Лекин тажрибада гуләнбарглар баргча олиб ташланганда, у кўсакларининг йириклигига ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсанган. Бундай ҳолат Туркменистан Фаилар академиясида (А. К. Полосов) ўtkazilgani янги кузатишиларда, шунингдек, муаллифининг илмий кузатишиларидан ҳам тасдиқланган. Мана шу кузатишилардан маълум бўлишича, шоналар даврида ғўзанинг



16-расм. Энг мухим ғұза турларидаги гулёнбарглар.
1) Госсилиум гирзуутума; 2) Госсилиум барбадензада;

гүлёнбарги ұатто барғга нисбатан ҳам интенсивроқ ассимиляция (ташқы мұхитдаги моддаларнинг организм томонидан ўзлаштирилиши) қиласы.

Гуллаш ва күсакларнинг шаклланиш даврида ассимиляция жараёпи шу барглар билан бир хилда кечады, күсаклар етилиши даврида әса у тұхтайди.

Күсак етилиши билан ёндош барг ҳам қурийди ва у жуда мұрт бўлиб қолади, бу әса толани ифлослантирувчи асосий манбалардан бири ҳисобланади.

Косача 5 та косачабаргнинг бирикишидан ҳосил бўлиб, унчалик катта бўлмаган ёпик ёқага ўхшаб кетади ва гултожлар тагини ташқы томондан ўраб олади. Косачанинг устки чети ғұза навларига қараб текис, тўлқинсимон ёки арра тишли бўлиши мумкин, бунда ўйиқ ёки ташчаларнинг сони косачабарг сонига тўғри келади, яъни 5 та бўлади. Косача четидаги тўлқинсимон ўйиқлар ҳам, ундаги ташчалар ҳам ҳар хил даражада ифодаланиши мумкин.

Косачанинг ранги ғұза навларига қараб, оч яшил ёки қизғиши тусда бўлади.

Унинг сирти кўплаб қорамтири нуқта — безчалар билан қопланган.

Косачанинг вазифаси шира чиқаришдан ва маълум даражада ассимиляция қилишдан иборат. Ғұза гуллаб мева туккандан кейин ҳам у сақланиб қолади.

Гултож очилган ғұза гулида, воронкасимон кўришишда бўлади. Гултож баргларнинг шакли тескари тухумсимон иносимметрикдир. Агар гулбарг тиккасига ўртасидан иккى қисмга ажратилса, унинг бир чети у ёки бу даражада тўғри, иккинчи чети әса қапотга ўхшашиб эгилганилигини кўриш мумкин.

Гулбаргларнинг чети спираль шаклида буралиб, бир-бириниң орасига кириб туради. Лекин гулбаргларнинг бу хилда бўлиши барча ғұза навларидан бир хилда эмас. Масалан, (17-расм) ингичка толали ғұза навларининг гулбарглари ўрта толалилариникига қараганда бир-бирини кўпроқ қоплаб туралади.



17-расм. Ўрта толали ғўза гули.



18-расм. Ингичка толали ғўза гули.

ди. Бу ҳол гулнинг очилиш даражасига таъсир этади, шунинг учун ҳам ингичка толали ғўзанинг гултож вороикаси ўртача толали ғўзапикига нисбатан кичик бўлади (18-расм).

Ҳар битта гулбаргининг бир чети, яъни у ёнидаги (қўшини) гулбаргининг туксиз четига суюниб турган жойи икки томондан тукчалар билан қоиланган. Гулбаргчанинг тукли чеккасини қўшини гулбаргчанинг туксиз четига суюниб туриши шонанинг ёзилиб, очиқ гулга айланишига олиб келади. Лекин ғўзада айрим ҳолларда очилмайдиган (клейстогам) гуллар камдан-кам бўлса ҳам учрайди. Бу ҳам ғўза навларига қараб ҳар хил бўлади.

Гултож баргларнинг ранги ғўза навларига қараб оқ, сарғинш оқ, оч сариқ (лимон ранг), тўқ сариқ, пушти, қизил ва ҳар хил товлаадиган қирмизи рангда бўлади. Масалан, мамлакатимиизда экиладиган ўрта толали ғўза навларининг ҳаммасида гултож барглар сарғинш оқ тусда, ингичка толали ғўзаларда эса оч сариқ (лимон) рангдадир. Гуллаб бўлгандан кейин унинг ранги ўзгаради.

Қўинчилик ғўза навларида гултож баргининг остки қисмидаги ҳил товланишда ва турлича катталикда антоциан (пушти, оч қизил, тўқ қизил) дод бўлади, баъзи ғўза навларига бу хилдаги дод бўлмайди. Масалан, ингичка толали ғўза навларига антоциан дод бор, шунингдек, у жайдарни ғўзада ва Ҳинди-Хитой ғўзасида ҳам бўлади, ўрта толали ғўзаларда эса бу хилдаги додлар учрамайди.

Ғўза навларига қараб гултожининг ҳажми бир-биридан кескин фарқ қиласиди: у йирик (диаметри 7—8 см ва ундан ҳам катта), майда (диаметри 2—3 см) ва ўртача бўлиши мумкин.

Масалан, ингичка толали ғўзаларда у йирик, ўрта толали ғўза навларда ўртача, жайдари ғўзаларда кўпчилиги майда бўлади.

Чангчи найининг чангчи тўплами 5 та чангчи иплярининг бирикиб кетишидан ҳосил бўлади. Шунинг натижасида чангчи найндаги чангчи тўпламнинг сиртида жуда кўп майда чангчилар 5 қатор бўлиб, узунасига жойлашади, лекин бу қаторлар ҳаммавақт аниқ ифодаланавермайди. Чангчи қисми чангчи ипидан иборат бўлиб, баъзан бу ип ости қисмидан иккига ажралади ва ҳар бирининг учидаги иккиси уяли чангдои эркин жойлашади.

Чангчи тўплами, чангдон ва унда ривожланадиган чанг доначалари ғўзанинг турнига қараб оқ сариндан тўқ саринқ ва қизғиши саринқ ранггача ўзгариши, баъзи ғўза турларида эса пушти ҳамда қизил рангда бўлиши мумкин.

Чанг доначалари йирик, шакли думалоқ, унинг сиртида тиканчалари бор. Тиканчалар гулга қўйган ҳашарот танасига осонгина илашиб, чангланиш пайтида уруғчи тумшуқчасида яхши ушланиб қолиш учун хизмат қиласди. Чанг доначалари мана шу тиканчалари билан маҳкам ўринашиб олганлигидан шамол уни деярли учирив кета олмайди.

Оналиги одатда 3, 4 ва 5 уяли тугунчадан, камдан-кам ҳоллардагина 2 ёки 6—7 ва ундан ҳам кўпроқ уяли бўлади. Тугунча уясининг бу хилда ўзгариши тугунча пайдо бўлишида иштирок этадиган мева барг сонига боғлиқ.

Тугунча уясининг сони ғўза навларига қараб турлича характерга эга. Масалан, ўрта толали ғўза навларида ва жайдари ғўзаларда тугунчаси кўпинча 4—5 уяли, камдан-кам 3 уяли; ингичка толали ғўза навларида, шунингдек, Ҳинди-Хитой ғўзларида 3—4, айрим ҳолларда 5 уяли бўлади.

Маданий ғўзаларда битта уяда одатда 6—11 тагача, ёввойи навларида эса 2—3 тадан 9—11 тагача уруғкуртак бўлади. Оналлик тугунчаси устки жойланишдадир. У ишсимон устунчанинг давоми бўлиб, чангчи тўплами ўртасидан чиқиб туради. Тумшуқча у ёки бу даражада спирал шаклда буралган бўлиб, учига томон сал йўғонлашиб боради. Ғўза навларига қараб унинг узунлигига, чангчи найчасидан чиқиб туриши ва қанотчасининг сони ўзгариб туриши мумкин.

Ғўзанинг айрим навларида тумшуқча чангчи найидан анча чиқиб туради ва шу туфайли унинг оҳирги қисми юқори чангчида узоқлашиб кетади. Баъзи ғўза навларида эса тумшуқча салгини чиқиб туради, шунинг учун ҳам юқориги чангчи билан чангдон бирига тегиб тургандаи туюлади. Шунингдек, оралпқ формалар ҳам бор.

Тумшуқчанинг чангчи найидан чиқиб туриш ҳажми уидаги гулнинг жойланишига қараб ғўзанинг турни ва павидан қатъи назар битта тупнинг ўзида ҳам ўзгариб туриши мумкин.

Чангчи тумшуқчасининг катта-кичиклиги ва унинг чангчи устунчасидан қай даражада чиқиб туриши гулнинг чангланиш жараёнида катта аҳамиятга эга.

Түмшүқча қанотчасининг сони тугунчадаги уя сонига қараб 3—4 ски өт та, баъзан эса бундан озёхуд кўп ва тугунча уяси сонига тенг бўлади. Шунинг учун түмшүқча қанотчасининг сонига қараб бўлгуси кўсакнинг нечта чаноқли бўлишини олдиндан аниқласа бўлади. Түмшүқча қанотчаси бўйи билан ўзаро бириккан, баъзи ҳоллардагина унинг учи ажралган бўлади. Қанотчалар ўртасидан узунаси бўйлаб эгатча (арикча) ўтади.

Түмшүқча спрти чангни қабул қилишга хизмат қиладиган жуда кўп сўргичлар билан қопланган. Бу сўргичлар чангнинг ушланиб қолиши ва ўсишига ёрдам берадиган елимсизмон модда чиқаради.

Ширадон ўзидан шира чиқариб туриш учун хизмат қиласди. Мана шу шира гулга кўплаб ҳашаротлар, шу жумладан, асал ариларни жалб қиласди. Ёзга гулининг ширадонига гул ичидаги ширадон ва гулдан ташқаридаги ширадонига бўлиниади. Гулдан ташқаридаги ширадон ҳам ўз навбатида ички ва ташки ширадонига бўлиниади. Гул ичидаги ширадон гулкоса тубида, ичкини томонда яхлит ҳалқа шаклида жойташади. Гуллаб ташқаридаги ички ширадон З та бўлиб, гул ўрнашган жойда, гулкосача тубининг ташки томонидаги гулёнларнинг чети орасига биттадан жойлашади. Гулдан ташқариги ширадон ҳам З та бўлиб, гул ўрнашган жойдаги ҳар бир гулёнбарг тубининг ташки томонига биттадан жойлашади.

Гулдан ташқариги ширадоннинг ҳар иккى группаси кўнишча думалоқ, бурчаксимон-думалоқ ёки нотўғри учбурчак шаклда бўлиб, оқишиб, яшил, пушти ёхуд қизғиши тусда, сал ботиқ бўлади. Ширадонларнинг бу З та группаси ҳам туксиз ёки тукли бўлиши мумкин.

Ёзга асалчилик, бинобарин, ундаги деярли барча ширарни гул беради, барг ширадонидан эса шира жуда кам чиқади. Шунга қарамасдан асаларилар гулдан ташқариги ва барг ширадонларига кўпроқ келади, чунки булар асаларилар учун анчакулагай жойдадир.

Суфориладиган ердаги бир гектар ёзга мавсумда тахминан 300—350 кг гача, лалми ерлардаги ёзга эса 100 кг гача шира бериши аниқланган.

Ёзга турига ва навига қараб ўзидан ҳар хил миқдорда ширара ажратади. Масалан, ингичка толали ёзга навлари ўртача толали ёзаларга қараганда ширанини бирмунча кўп ажратади. Ёздан чиқадиган ширанинг миқдорига ва сифатига (серширилигига) иқлим ҳамда тупроқ шароити, шунингдек агротехника тадбирлари ҳам катта таъсир кўрсатади.

Шира гул очилиш вақтида чиқади. Гулдан ташқариги ширадонлардан эса шира гуллашдан кейин, яъни кўсаклар шаклла наётгандан ҳам чиқаверади.

Ёзада ширанинг кўп бўлиши асаларичиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Бунда асаларилар қимматбаҳо маҳсулот—асал бериши билан бирга ёзга гулларининг чанглаб

нишига ҳам фойдали таъсир кўрсатадилар. Ҳар бир уруғкуртакнинг нормал уруғланиши учун тугуңчадаги уруғкортакка қараганда чангчи доначалари кўп бўлиши керак. Пировард натижада гўза ҳосилининг ортишига, шунингдек ўсимлик авлодининг келгусида ҳётчан ва серҳосил бўлишига имкон беради.

Гўза гулининг очилгунча бўлган ҳолати шона дейилади. Шона шаклланиш даврида жуда кичкина бўлиб, кўзга кўрина-диган даражага етгаида тахминан 1—2 мм каттаникдаги уч қиррали ширамида шаклини эслатади. Шона четларни ўзаро бирниб кетган гулёнбаргдан ташкил топади. У катталашган саря гулёнбаргининг учлари сал ажралади, кейин унинг ичида чўзиқ шишига ўхшаш гулкоса, сўнгра гултожнинг юқори қисми кўрина-ди (19-расм).


Ўзипнинг шаклланишини тугаллаган ва очилиш ҳолатига келгани шона гулининг очилиш куни яқинлашгач, осонликча ёрлади.

Шонанинг шаклланишидан то очилишига қадар, гўзанинг ирсий хусусиятларига ва ўсиш шароитига қараб 25—30 кун ўтади. Ўрта Осиёning субориладиган ерларида ўртача толали гўза навларида дастлабки шона одатда, майнинг охири ёки июннинг бошларида найдо бўлади. Чигит экиш муддатига, гўзанинг нав хусусиятига ва об-ҳаво шароитига қараб Ўрта Осиёning жанубий районларига одатда, июннинг ўрталарида, шимолий районларда июннинг охири, июлнинг бошларида гўза гуллай бошлади.

Гўзада шонанинг пайдо бўлиши ҳосил шохлар чиқиши, унинг ўсиш ва ривожланиши билан бօғлиқ. Гўзанинг асосий поясидаги ҳосил шохлар шу поянинг ўсишига қараб бирин-кетин бўлади. Худди шунга ўхшаш ҳосил шоҳдаги шоналар ҳам шохнинг ўсишига қараб аста-секин пайдо бўлади. Ҳар бир туп ўсимликдаги шона ҳам худди юқоридаги тартибда олдинма-кетин очилади. Гўза то кузги қора совуқ тушгунча ўшишда давом

этади, демак, ўсимликнинг шоналаши ва гуллаши ҳам гўзанинг совуқ урғунча давом этаверади.

Ҳар бир тупдаги шона пастдан юқорига қараб шохма-шох, ҳар бир шохда эса унинг тубидац учига қараб очилади. Ҳар бир туп гўза гулининг кетма-кет очилиши (шунингдек, шоналарининг пайдо бўлиши) да маълум қонуният борлигини Г. С. Зайцев жаҳонда биринчи бўлиб аниқлади. Масалан, Ўрта Осиёда ўстириладиган гўза навла-




19-расм. Гўза шонасининг даврмадавр ривожланиши.

рида одатда ҳар түпдаги биринчи ҳосил шохнинг дастлабли бўғимидаги шона очилишидан иккинчи ҳосил шохнинг биринчи бўғимидаги шона очилгунча бу шонанинг очилишидан учинчи ҳосил шохнинг биринчи бўғимидаги шона очилгунча 2—3 кун ўтади. Ҳосил шохи чекланмаган типдаги ғўзанинг ҳар бир шохидаги дастлабки шона билан шу шохнинг иккинчи, сўнгра учинчи трўтинчи ва ҳоказо шоналари очилиши орасида 5—7 кун ўтади.

Гўзанинг пастдан юқорига қараб шохма-шох, ҳар 2—3 кунда гуллашига қисқа навбатли гуллаш; ҳар бир ҳосил шохдаги шоналарниң 5—7 кун оралатиб кетма-кет гуллашига узок навбатли гуллаш дейилади.

Хар туп фүзадаги шоналарнинг очилниш тартибини схема тарықасида кўрсатиш мумкин (20-расм). Бу схемада фўзанинг асосий поясини кўрсатувчи вертикал ва унинг икки томонидагиси яхшил шохни ифодаловчи чизиқ бор.



20-расм. Узоқ навбат билан гуллашишиг қисека навбат билан гуллашига иисбати 6:2 бўлганда, гўзанинг гуллаш схемаси (ўнг томондаги рим рақами ёсил шоҳ ярусларининг номерлари; ҳар икки томондаги араб рақамлари эса ярудаги шоҳларининг тартиб номерини курсадади).

Үсүв шохдан чиқадиган ҳосил шохлар ва бошқа құшымча шохлар бу схемада ҳисобға олинмаган. Ҳар бир үсүв шохдаги ҳосил шохларнинг гуллаш тартиби асосий поядаги ҳосил шохларнинг гуллашидан фарқ **құлмайды**.

Гуллаш схемасынға күра, тупдаги барча ҳосил шохнинг ҳар бири утта шохдан иборат ярусларга бўлиниади. Агар ғўзада қисқа навбатли гуллаш иккى кунга, узоқ навбатли гуллаш олти кунга тенг деб фараз қиласак, узоқ навбатли гуллаш билан қисқа павбатли гуллаш ўртасидаги нисбат учга ($6:2=3$) баравар бўлади. Бунда ҳар бир туп ғўзанинг гуллаши схемада кўрсатилганидек бўлади.

Шундай қилиб, ғўзада ҳосил шохлардаги биринчи бўғим шона пастдан юқоринга қараб олдинма-кетин очишлиши билан бирга, олдинги яруслардагига тегишли ҳосил шохларнинг учки томонидаги шона ҳам очилаверади.

Ғўзанинг шохдан-шохга кўчиб гуллаши бир шохнинг пастидан учки томонига кўчишига қараганда теэроқ бўлганидан, ҳар тупнинг маълум пайтда ҳосил қилган ўрини худди конус шаклига ўхшаб кўрниади. Ғўзанинг гуллаш тартиби кузатилса, яруслардаги ҳосил шохлар маълум бўғим шонасини ўз ичига олган гуллаш конусининг кетма-кет пайдо бўлганлигини кўрамиз. Масалан, биринчи гуллаш конуси биринчи ярус шохларнинг биринчи бўғим гулларидан; иккинчи конус—иккинчи ярус шохларнинг биринчи бўғим ҳамда биринчи ярус шохларнинг иккинчи бўғим тулларидан; учинчи конус — учинчи ярус шохларнинг биринчи бўғим, иккинчи ярус шохларнинг иккинчи бўғим ва биринчи ярус шохларнинг учинчи бўғим гулларидан пайдо бўлади ва жоказо. Шундай қилиб, гуллаш схемасининг юқорида кўрсатилтан йўл билан узоқ навбатли гуллашнинг қисқа навбатли гуллашга нисбати 3 га тенг бўлганлигидан, ҳар бир гуллаш конуси пайдо узоқ навбатли гуллаш даврида, яъни олти кун ичida вужудга келади.

Ғўза тупида гуллаш тартибини кўриб чиқишда шу нарса маълум бўляптики, ҳосил шохларнинг асосий поядаги учтадан шох бўлиб ярусларга бўлиниши ғўза гуллашининг биологик хусусияти билан боялиқдир. Ҳар бир яиги конус қўшымча яиги 3 та юқориги шохнинг гуллаши билан ифодаланади.

Мана шу схемага асосан, гуллаш конусининг қанча бўлишидан қатъи назар, ҳар туп ғўзадаги гул сонини назарий жиҳатдан осонгина аниқлаш мумкин. Масалан, гуллаш конуси 5 та бўлганда, тупдаги гул сони қўйидагича: биринчи конусда 3 та тул, иккинчи конусда 6 та, учинчи конусда 9 та, тўртинчи конусда 12 та, бешинчи конусда 15 та — жами 45 та гул бўлади.

Шундай қилиб, ҳар бир кейинги конус ўзидан олдинги конусдагидан 3 та гул кўп чиқаради. Лекин ҳақиқатда ҳар хил конусдаги гул, айниқса, шохнинг учига томон жойлашган гул сони кўпинича назарий жиҳатдан кам бўлади. Бу биринчидан,

тушнинг исталған жойнадаги шона очилишидан олдинроқ тұқыліб кетиши, иккинчидаң эса пастки ҳосил шохлар асосий пояга, шунингдек, түндеги башқа шохларга иисбатан номутаносиб равишда ривожланиши, пастки бирмунча қары ҳосил шохга иисбатан яныгы бүғим оралғаннинг тез ва узоқроқ сув ҳамда озиқ моддалар билан яхши таъминланған, шунингдек, күчат ҳаддан ташқары қалып бүлған ҳолаттар билан боғлиқ. Булардан ташқары шохлар бир-бирига иисбатан номутаносиб ривожланиши мүмкін. Мана шундай номутаносиблик инијасида пастки ҳосил шохларда бирмунча тұлық ташқын конус ҳосил бўлиши учун бўғимлар сони одатда етишмай қолади.

Ҳар хил ғўза формалари ҳамда навларидан пастки ҳосил шохнинг ва асосий поянинг ривожланишида бундай тенгсизлик (диспропорция) турлича ифодаланади. Шунингдек, битта ва шу навга тегишили ўсимликининг ўзида ҳам унинг ички потенциал күчига ҳамда ўспиш, хусусан озиқланиши ва ёруғлик билан таъминланиш шароитига қараб у ҳар хил даражада ифодаланиши мүмкін.


Ғўзанинг юқорида кўрсатиб ўтилган умумий гуллаш схемасидан ташқари, башқача турдаги гуллаш схемаси, масалан, қисқа навбатли гуллаш 2 кунда бўлгани ҳолда, узоқ навбатли гуллаш 6 кунда эмас, балки 5 кунда, яъни узоқ навбатли гуллашнинг қисқа навбатли гуллашга иисбати 3 га эмас, балки 2,5 га тенг бўлиши мүмкін. Бунда ғўза тупида очилган гул (шона) ларининг пайдо бўлиши биринчи турдаги гуллаш схемасига мансуб бўлган ўсимликлардагига қараганды тезроқ кечади. Бу амалий жиҳатдан жуда муҳимдир (21-расм).

Қисқа ва узоқ навбатли гуллашнинг давомийлиги ғўза тури ёки навига қараб турлича бўлади. Масалан, қисқа навбатли гуллашнинг давомийлиги (ёзда) ғўза формасига қараб 1,9 дан 4 кунгача, узоқ муддатли гуллашнинг давомийлиги эса 5,6 дан 10,7 кунгача, (Н. Н. Константинов маълумоти). Лекин тезпишарнав ғўзаларда навбатли гуллашнинг давомийлиги кечипишарнавга қараганда бирмунча қисқароқ.

Жайдари ғўзанинг қисқа навбатли гуллаш давомийлиги ўрта толали ва ингичка толали ғўзаларникига иисбатан қисқа (С. Д. Нагибин маълумоти). Қисқа ва узоқ навбатли гуллашнинг давомийлиги шунингдек, ташқи муҳит шароитига ва ўсимлик тупидаги у ёки бу қисмларнинг ёшига ҳам боғлиқ.

Ташқи факторлардан навбатли гуллашнинг давомийлигига айниқса ҳаво ҳарорати, ўсимликининг сув ва озиқ моддалар билан қай даражада таъминланғанлиги ҳам таъсир этади. Бу шароитлар қанчалик қулай бўлса, ўсимлик шунчалик қисқа вақт ичидаги гуллаб бўлади, шу билан бирга гуллаш сурати ва гул тўпланиши тезлашади.

Ўсув даври охирида, ҳаво ҳарорати пасайған сарп қисқа навбатли ва узоқ навбатли гуллаш муддати узоққа чўзилаверади. Қисқа муддатли гуллаш Ўрта Осиёда ёздаги 2—3 кун ўрини-



21-расм. Узоқ наебат билан гуллашнинг қисқа наебат билан гуллашга нисбати 5:2 бўлгандага гўзаннинг гуллаш схемаси.

га, кузга бориб 4—5 кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этиди. Шунга мувофиқ узоқ муддатли гуллашнинг давомийлиги ҳам чўзилади, лекин тўлиқ пропорционал равишда эмас.

Юқорида кўрсатиб ўтилган икки хил гуллаш схемаси ҳосил шохи чекланмаган типдаги фўзаларга тегишилидир. Ҳосил шохи чекланган типдаги фўзаларда гуллаш схемаси бутунлай бошқачадидир.

Битта бўғим оралиғи (тирсак) дан иборат бўлган чекланган типдаги ҳосил шох учидаги 1—4 та (баъзан 5 та) гача гулга айланадиган шона бўлади. Чекланган типдаги ҳосил шохнинг машина шуҳусусияти туфайли бу хилдаги фўзаларнинг гули ўзига хос тартиб билан очилади. Ҳосил шохи чекланган фўзалар учидаги шохларнинг бирин-кетин очилиши ўртасида тахминан 2 кун ўтади, яъни ҳосил шохи чекланмаган типдаги фўзаларда узоқ муддатли гуллашнинг давомийлиги ўртасидаги оралиқ муддат 2—3 марта кам бўлади. Ҳосил шохи чекланган тип фўзаларда қисқа наебатли гуллаш, яъни гулларнинг шохма-шох очилиши ўртасида ҳам тахминан 2 кун ўтади.

Шундай қилиб, ҳосил шохи чекланган тиидаги гүзаларда узоқ навбатли гуллаш амалда бўлмайди. «Узоқ навбатли гуллаш» ибораси бу тиидаги гүзаларга нисбатан фақат шартли равишда айтилиши мумкин. Бишобарин, ҳосил шохи чекланган тиидаги гүзаларда ҳар бир тиидаги шона ва гулларниң умумий сони ҳосил шохи чекланмаган гўза тупларидағига қараганда камроқ бўлса ҳам лекин гул тўплаш суръати ҳосил шохи чекланмаган тиидаги гўзаларниң гуллаш суръатининг тезлиги пахтачиликда, хусусан пахта селекциясида аҳамияти катта.

Гўзадаги ҳар бир гулниң очилишида ҳам ўзига хос хусусият бор. Гўза гули ёзда эрталаб очилади, масалан, июлда кечаси ҳаво ҳарорати қай дәражада бўлишига қараб, эрталаб соат 7—9 да, баъзан бундан ҳам эртароқ — 6—7 ларда очилади. Кечаси ҳаво қанчалик илиқ бўлса, гул эрталаб шунчалик барвакт очилади. Кузда, ҳаво совий бошлиши билан гулниң очилиши кун ўртасига сурита бошлайди; ўсув давриининг охирида эса гул ҳатто кун ярмида ва бундан ҳам кечроқ очилиши кузатилади.

Гўза гули ёзда атиги бир кун очилиб туради. Эрталаб очилгани гул ўша куни кечқуруп ёки иккичи куни сўлий бошлайди, бунда гултожининг тузи узгаради, масалан, ўрта толали гўза навларида оқиш сариқ, пушти раигга, сўигра бинафша тусга киради. Гултожлар тусининг бу хилда ўзгариши ҳужайраларда химиявий реакцияларининг ўзгариши ва эпидермис ҳужайрада антициан молда пайдо бўлиши билан бөглиқдир. Уларниң раиги ўзгариши билан бирга у сўлиб, ўрала бошлайди. Шундан кейин у ҳимарилиб, аста-секин қурийди ва орадан 2—3 кун ўтгач, тушиб кетади.

Кўпчилик гўза формаларида гул очилгандан кейин одатда тезда чангдон ёрилиб, чангланиш содир бўлади. Лекин гўзанинг баъзи бир формаларида, масалан, ингичка толали гўза навларининг кўпчилигида, шунингдек, ўрта толали гўза навларининг айримларида чангдон гул очилишидан олдин ёрилади.

Баъзан очилишга тайёр гулниң очилмай қолиш ҳоллари ҳам кузатилади. Улар эртасига эрталаб очилади. Бундай гулларда ҳам чангдоилар гултож очилгунга қадар ёрилади. Чангдон ёрила бошлагандан кейин (таксинан 2—3 соат ичидан) гул чангни тезда тўла этилади, бунда тумшуқча гул чангни слишга тайёр ҳолда бўлади.

Гул чангни допачалари тумшуқчага тушиши билан тезда ўсиб, пайча (трубка) ҳосил қиласиди; бу пайча тумшуқча почасининг ўтказувчи тўқимасига кириб, 12 соатдан кейин тугучанинг уруғ-куратагига бориб етади ва эртасига эрталаб уни уруглайди.

Гўза асосан ўзидан чангланадиган ўсимлик, лекин баъзан четдан чангланиш ҳоллари ҳам учраши мумкин. Гуллари очилмайдиган (клейстогам) ўсимликлар бундан мустасно.

Уруғланишда ўсимликтининг танлаш қобилияти, ўсимлик тури, тави, шунингдек, гул тузилишининг биологик ҳусусияти, ташки мұхит шароити (бунда ғұза гулига келадиган ҳашаротларнинг сони ва уларнинг турлари айниқса мұхим роль ййнайды), ўсимликлар орасидаги масофа, гуллаш даври (гуллай бошлаган, қиіфос гуллаган давр), ўсув давридаги об-ҳаво шароити, ҳусусан гуллаш даврида шамолнинг йұналиши четдан чангланишнинг күп ёки кам бўлишига сабаб бўладиган мұхим факторлардан ҳисобланади.

Ғўзанинг гул чангнин у ёки бу томонга кўчириб, ўсимликтин чанглатишда шамолнинг бевосита таъсири жуда кам-фонзнинг мингдан биринн ташкил қиласди. Лекин у, кучи маълум даражага етганда, кўплаб гул чаигини ташувчи ҳашаротларни жойдан-жойга кўчиради, бу эса ўз навбатида ўсимликларни яхши чангланишига ёрдам беради.

Четдан чангланишда ўсимликлар орасидаги масофа ҳам катта роль ййнайди. Масалан, масофа қанчалик олис бўлса, ўсимликларнинг четдан чангланиш ҳажми шупча кам бўлади ва аксила.

Четдан чангланиш ҳажмига гуллар орасидаги масофа ҳам таъсири қиласди. Шунинг учун ҳосил шоҳдаги бўғим оралиқ қанча қисқа бўлса, четдан чангланишнинг ҳажми шунчалик күп бўлади.

Ғўзада гуллаш вақтишнинг четдан чангланиб уруғланиш ҳажмига таъсири, биринчи гуллаш конусини ташкил этувчи дастлабки гулда четдан чангланиш ва ургуланиши фонзнинг бир улушига тўғри келишин билан ифодаланади. Кейинги бир-мунча кечроқ пайдо бўлган гуллаш конусенда эса бу кўрсатгич гиңча катта рақамни ташкил қиласди ва айрим тупларда 33 — 44 фонзга етади, ваҳоланки четдан чангланишда бутун ўсимлик бўйинча уруғланиш ҳажми қарийб 10 фонзга боради. Бунин қуйидагичча изоҳлаш мумкин: биринчидан, бу пайтда гуллаши эндиғина бошланганлиги учун гул у ер бу ерда кўринади, гул айрим тупларда пайдо бўла бошлайди; иккинчидан, кўпинча гуллар бир-бирндан бир неча метр узоқда туради; учинчидан, ҳашаротлар ёрдамида чангланиш деярли содир бўлмайди ёки жуда кам бўлади. Ғўза қиіфос гуллаганда эса барча тупларда гуллар орасидаги масофа яшги конуслар пайдо бўлниши ва уларнинг сони ошиб боравериши туфайли кескин қисқаради. Шунинг учун ҳашаротлар битта гулда кўп турмай, гулдан-гулга қўшиб шуга чанг юқтиради, яъни чанглайди. Бунинг устига ёзининг ўрталарида ғўза гулига келадиган ҳашаротлар сони анча кўпаяди (А. И. Автономов).

Л. Г. Арутюнованинг кузатишларидаги шу нарса аниқланганын, бир навга ҳос ўсимликтин тумшшуқчасига шу гулнинг ўзидан тушган гул чаиги бошқа ўсимлик гулидан тушган гул чаигига қараганда секинроқ ўсади. Кузатишлар натижасида ғўза ўсимлигин эволюция жараённада узоқ вақт ўзидан чангланаверишдек

салбий ҳолатни чөтлаб ўтишга имкон берадиган маълум бир мосланиш хусусиятини ишлаб чиқиши маълум бўлди.

Ғўзани вегетатив йўл билан кўпайтириш. Ғўза асосан жинсий урчиш йўли билан кўпаяди, лекин уни вегетатив йўл билан ҳам кўпайтириш мумкин. Тўғри, табиий шароитда ғўзани мана шу йўл билан кўпайтириш одатда кузатилмайди, лекин ғўзага тегишли қулай шароит яратилса, поянинг ҳар хил қисмидан, барг ва илдиздан қаламча тайёрлаб экиб, илдиз отдириш мумкин. Ҳар хил ғўза навларини ўзаро, шунингдек, турлараро бир-бирига пайванд қилинса, улар яхши тутиб кетади ва вегетатив дурагай ҳосил қиласди.

ҚЎСАК

Ғўзанинг меваси қўсак сифатида ривожланиб, етилганда очилади.

Қўсакбанд гулбанд каби 1 см дан 10 см гача, баъзан эса бундан ҳам узунроқ бўлади. Ўрта толали ғўза навларининг кўпчилигида қўсак бандининг узулини ўрта ҳисобда 3—5 см келади.

Тўла шаклланган, лекин ҳали очилмаган қўсакларининг шакли ғўза турига ва навига қараб тухумсимон, учি турли даражада чўзиқ-тухумсимон, думалоқ-овалсимон, шарсимон ва шарсимон-анжирсимон бўлиши мумкин (22-расм).

Қўсакнинг уни (тумшуғи) ғўза формаларига қараб: тўмтоқ ёки пайзасимон ва турли даражада узун ёки қисқа бўлади.

Қўсакнинг диаметри ҳам ғўза формаларига қараб турли катталнкда, масалан, 1 см дан кичик ва 5—6 см гача, ҳатто 7 см



22-расм. Ғўзанинг тўлиқ шаклланган қўсаги (очилгунга қадар кўршиши):

1) ўртача толалик ғўза қўсаги; 2) ингичка толалик ғўза қўсаги

гача бўлиши мумкин. Битта қўсакдан чиқадиган чигитли пахтанинг оғирлиги ёввойи ғўза навларида 0,25—1,1 г гача, маданий навларида эса 10—12 г гача ва ундан ошироқ бўлиши мумкин. Энг ийрик қўсаклар ўрта толалик ғўза навларида, энг майдаларини эса жайдари турга мансуб ғўзаларда учрайди.

Иттифоқимизда саноат асосида етиштирилалётган энг ийрик қўсакли ғўзалар ўрта толалик ғўза навларидир (7—8 г гача). Ингичка толалик ғўза навларининг қўсаги бирмунча майда бўлади (2,8—4 г гача).

Кўсакнинг йириклиги ғўза тури ва навларининг ирсий хусусиятларидан ташқари ташқи муҳит жумладан, агротехника шароитига ҳамда кўсак ўсимликнинг қаерида жойлашганлигига қараб ҳам ўзгаради. Одатда, энг пастда жойлашган 1, 2-ҳосил шохдаги кўсаклар энг юқоридаги бир неча ҳосил шохдаги ҳамда энг сўнгги бўғимдаги кўсакларга қараганда кичик бўлади. Ўсув шохда ривожланаётган иккиламчи тартиб ҳосил шохдаги кўсаклар ва қўшимча шохда шаклланган кўсаклар бирламчиз тартиб асосий ҳосил шохдаги кўсакларга қараганда майдада бўлади.

Кўсак етилгунча ғўза турига қараб унинг сирти силлиқ, сал чўтири, ғадир-будур, деярли буришган, баъзан сўгалли бўлиши мумкин. Масалан, ўрта толали ғўза навларида ва жайдари ғўзаларда кўсакнинг сирти силлиқ ёки салгина чўтири, ингичка толали ғўза навларда ва Ҳинди-Хитой ғўзаларида кўсак сирти майдада чуқурчали ёки бэзсимон бўлади. Бундан ташқари кўсак сирти ғўза тури ва навига қараб ялтироқ ёки хира, туксиз ёки тукли, мум-ғубор билан қопланган бўлиши мумкин.

Кўсак сиртида қорамтири нуқталар -- бэзчалар одатда яхши кўриниш туради. Кўсак тумшугидан таг томонига қараб ўтгап «чок» деб аталаидиган бўй чизиқлар ёки эгатлар бўлади. Кўсак етилганида у ана шу «чокидан» ёрилиб очилади. Ғўзапиг айрим навида кўсак тумшуги тепасида 3, 4, 5 бурчакли, ўлдузчасмон, қисқа эгатчалар (юлдузчалар бурчагининг сони кўсак чаноғи сони билан баравар) бўлади.

Етилмаган кўсакнинг тузи ғўза тури ва навига қараб яшил, оч яшилдан гўёк яшилгача ҳамда пушти ёки қизил рангда бўлиб, товланади. Шу билан бирга кўсагининг бир ёни — қуёшга қараган томони қизгнш, иккинчи томони яшил бўладиган ғўза формалари ҳам бор.

Кўсакнинг оч яшил тусда бўлиши, масалан, ўрта толали ғўза навларига ва жайдари турга мансуб ғўзаларга хос хусусиятдир. Ингичка толали ғўза навларида ва Ҳинди-Хитой ғўзаларида эса кўсак одатда тўқ яшил рангда бўлади. Кўсаги қизил ғўза навлари эса асосан жайдали ва Ҳинди-Хитой ғўзаларида, камдан-кам ҳолларда ўрта толали ғўза навларида учрайди.

Кўсак ичи тўсиқлар билан хоналарга бўлинган, бу хоналар ташқи томондан чаноқ билан қопланган. Кўсак очилгунча унинг чаноқлари бир-бири билан ўзаро туташган бўлиб, яхлит ғўза пўчогини ташкил этади. Кўсак ичини хоналарга бўлиб турган тўсиқлар ғўза пўчогининг бир қисми бўлиб, ҳар қайси тўсиқда қиличсимон чизиқ бор, бу чизиқлар бир-бири билан кўсак марказида бирлашади. Шу билан бирга ҳар бир чаноқ икки қўшни хонанинг ярмини қоплаб олиб, бир йўла уларни тўсиқлар билан ажратиб туради (23-расм).

Гул тугуничаси, бинобарин, чаноқлар сони хоналар сонига мос келади, яъши одатда 3—4 ёки 5 чаноқли бўлади. Масалан, кўсакнинг 3—4 чаноқли бўлиши ингичка толали совет ғўза навлари ва Ҳинди-Хитой ғўзалари учун характерлидир.

5 чаноқтун күсаклар камдан-кам учрайди. Күсакнинг 4—5 чаноқли бўлиши ўрта толали ғўзалари ва жайдарни турга мансуб ғўзалар учун хос хусусиятдири, лекин бу турдаги айрим ғўзаларда камдан-кам ҳолларда 3 чаноқли күсаклар ҳам учраб туради.


Бештадаи кўп ёки учтадаи кам чаноқли күсаклардан ташкил тонгани ғўзалар камдан-кам учрайди. Кўн чаноқли күсаклар нуқсонли күсаклар қаторига киритилади. Баъзан икки-уч чаноқли күсаклар учрайдики, булар ҳам нормал ривожланмаган, яъни нуқсонли күсаклар қаторига киради. Бундай күсаклар одатда чириб пахта сифатини бузади.

Нормал ривожланган күсакларда чаноқ ёки уялар сонининг кўп бўлиши амалий жиҳатдаи катта аҳамиятга эга, чунки чаноқ сени ортиши билан күсак йириклишади, бинобарин пахта ҳосили ҳам ортади. Күсакларда чаноқлар сонининг кўп бўлиши ғўзанишиг у ёки бу навларига хос хусусият. Бу ишлаб чиқариш шаронтида деярли кўп кузатилади.

Гўза юқори агротехника асосида парвариш қилинганда, кўсаги асосан тўрт-беш чаноқдан иборат бўладиган ўрта толали навларида беш чаноқли, кўсаги асосан уч-тўрт чаноқли ингичка толали навларда эса тўрт чаноқли күсаклар сони кўп бўлади. Ўснмлик унчалик яхши парвариш қилинмагандан эса биринчи турга мансуб ғўза навларида беш чаноқли күсаклар сони бирмунча камайиб, тўрт чаноқли ҳатто уч чаноқли күсаклар сони кўпаяди. Лекин уч чаноқли күсаклар одатда камдан-кам учрайди, учраса ҳам ҳамма тупларда эмас. Ингичка толали ғўза навларида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади.

Селекция йўли билан у ёки бу навга мансуб ғўзаларда кўсакдаги чаноқ (уя)лар сонини маълум даражада ўзгартириш мумкин. Масалан, А. И. Автономов ва В. Г. Кулебаевлар айрим ингичка толали ғўза навларида бу ирсий белгиларни ўзгартиришга муваффақ бўлганлар, яъни тўрт чаноқли күсаклар сонини кўпайишига эришганлар.

Кўсакни чаноқларга бўладиган тўсиқлар бориб туташадиган марказни марказий чигитбанд дейилади, чунки кўсакдаги барча уруф чигитларнинг банди шу ерда бўлади. Кўсакнишиг ҳар бир чаноғида 5—10 тадан чигит ривожланади, булар тўсиқнинг ҳар иккала томонида икки қатор жойлашиб, банди



23-расм. Ғўза кўсагини икки түзилиши:

- а) қўндаланг кесими; б) бўйига қаратса кесими; 1) ғўза пўчоги; 2) чаноқ хонаси; 3) марказий чигит банди; 4) чигит; 5) кўсакниш пишганда очиладиган жоий (чоки)

түсік чети орқалы күсак марказыға келади. Демек, әар бир күсакда ундағы чаноқ сонига қараб ўрта ұисобда 25—50 тага-ча чигит бўлиши мумкин. Күсак етилгандаң кейин қурпайди ва күсак чоклари ёрнилиб, чаноқларн сескин-аста атрофга керилади. Ёзаннинг шундай формалари ҳам борки, уларда етилган күсак салгина очилади.

Күсак чаногининг ўрта қисми четига қарағанда серэт ва сер-сув тўқималардан иборат. Улар қуриган пайтда серсув тўқималар қаттиқроқ бўлиб буришади, демек чаноқ четларни ўртага қараб тортади. Натижада күсак чокларидан ёрилади, у қуриган сари чапоқларн бир-биридан кўпроқ ажralиб, четлари орқасига сал қайрилади. Етилган күсакнинг очилиш даражаси ёзанинг ирсий белгисидир, унинг күсаги очиладиган навларида бу жараён: инчоятда хилма-хил бўлади. Масалан, баъзи күсак чаноги-нинг учи паства этилган, чаноқ четлари ташки томонга бироз қайрилган бўлиб, уч томонигина сал очилади.

Ёзга навларига қараб күсакларнинг очилиш даражаси ча-поқнинг ички анатомик тузилишига, жумладан, чаноқдаги ўтка-зувчи радиал тўқималар тутамишиниң сонига ва кучига ҳамда чаноқда қанчалик радиал жойланшишига боғлиқдир. Бу тўқима қанчалик кўп ва кучли ривожланган, шунингдек, улар қанчалик радиал жойлашган бўлса, күсак шунчалик катта очилади, чун-ки чаноқлар қурнган сари ундағи радиал жойлашган ўтказувчи тўқима тутамлари худди пай каби чапоқни бир-биридан ажра-тиб четларини орқага қайиради.

Күсакларнинг очилишида радиал тутамларниң сони, ради-алликни қай даражада ривожланганлиги ва унинг жойланши-дан ташқари чаноқларнинг узунаси бўйлаб тутамларниң қан-чалик бир текисда тақсимланганлигининг ҳам аҳамияти катта.

Пахтани териб олиш қулай бўлиши учун күсак яхши етилиб очилниши (лекин ҳаддан ташқарп очилиб кетмаслиги), чаноқ уч-ларн шунингдек, четлари орқага ҳаддан ташқарп қайрилмасли-ги, яъни пахта ўз-ўзидан тўкилиб кетмаслиги, айни вақтда уни ушлаб тортганда чаноқдан осонгина ажralиб, чиқадиган бўли-ши керак. Күсаги шу тартибда яхши очиладиган, лекин пахтаси ўз-ўзидан тўкилиб кетмайдиган гўзаларни шамолга чидал-мли ёзалар дейшилади.

Ўрта толали ёзга навларининг күсаги ёмон очилади, бу тур-га мансуб ёзаларнинг шамолга чидалми навларида пахтаси чаноқдан лўппи бўлиб чиқиб туради. Шунингдек ингичка то-лали ёзаларда ҳам күсак яхши очилади.

Кўпчилик жайдари ёзга навларидан күсак ёмон очилади, чун-ки күсаклари етилганда чоки ёки фақат тумшуғи ёрилиб пахта-си сал-пал кўриниш туради. Тўғрн, жайдари ёзалар орасида баъзан (Эрон ёзга навида) етилган күсак ўрта толали ёзалар-нинг күсагига ўхшаб яхши очиладиганлари ҳам учрайди.

Күсакларнинг ривожланиши оналиқ тугунчаси уруғланган, яъни гул очилган кундан бошлаб күсак етилгунча, яъни чокидан ёрила бошлагунча (күсаги очиладиган ёзга навларида) ўрта

толали ғұза навларда 50—60 күн, шигінка толали ғұзаларда эса яиада күйроқ вақт үтади. Күсак ривожланишининг давомийлиги ғұза тури әки шавишиң тезшишарлыгига, шунингдек, об-ҳаво шароитында қаралған агротехникага қараб у ёки бу томонға үзгәради. Ғұза тупида кечроқ пайдо бўлган кўсакларнинг ривожланиш даври 70—80 кунгача давом этиши мумкин.

Кўсакда кечадиган үзгариш характеристига ва ривожланиш даврига кўра қулай шароитда ҳар бирни 25—30 кун давом этидиган иккى босқичига бўлишади. Биринчи босқич давомида кўсак үзининг барча қисмлари билан ҳажми катталашиб, у ёки бу ғұза формасига хос катталинка етади. Агар 25 кунлик кўсакни кесиб қаралса, унинг иккى қисмлари ҳали шаклланмаганлыгини, чигити серсувларигини ва етилмаганинги кўриш мумкин. Кўсакнинг барча элементлари шаклланишни ва уларнинг етилиши ривожланишининг иккинчи босқичида содир бўлади.

Ҳар бир туп ғўзада шона пайдо бўлишида ва гул очилишида маълум тартиб бўлганидек етилган кўсакнинг очилиши ҳам худди ўша тартибда, яъни қисқа ва узоқ навбатли ҳамда гуллаш конусидаги каби рўй беради. Аммо қисқа ва узоқ навбатли гуллашга қараганда кўсакнинг қисқа ва узоқ навбат билан очилиши бироз кўпга чўзилади. Шу билан бирга кўсак қанчалик кеч очилса, очилиш навбати шунчалик узоқ давом этиади, чунки бунда кўсакнинг очилишига об-ҳавонинг ёмонлашуви сабаб бўлади. Бироқ, об-ҳаво билан бир қаторда баъзи агротехник шароитлар (сугориш, ўғитлаш, пайкалдаги кўчат қалинлиги ва бошқалар) ҳам таъсир қилиши мумкин.

Ўрта Осиёнинг сугориладиган деҳқончилик шароитида кўсаклар август ойининг ўрталаридан сентябркінг биринчи ўн кунлигигача бўлган давр ичиде очила бошлиайди, лекин бу жойгина географик кенглигига, навнинг тезшишарлыгига, ғўза парваришига ва об-ҳаво шароитига қараб үзгәради.

Ғўза кузги қора совуқ тушгунга қадар гуллашда давом этиди, шунинг учун кўсакларнинг ҳаммаси ҳам пишишга улгурмайди, Ўрта Осиё ва Закавказъеда одатда дастлабки 3—4, баъзан 5- конусидаги кўсаклар пишади. Совуқ урган хом кўсаклар ҳам об-ҳаво шароити қулай келганда тезда қуриб, очилади, лекин у етук кўсакка нисбатан кичик бўлади. Совуқ ургандан кейин у ёки бу даражада очилган ғўза мевалари кўса к дейилади. Ғўзанинг энг четки конусларида пайдо бўлган жуда ёш кўсаклар совуқ ургандан кейин очилмай қолади ёки уни салгина ёрилади, бундай кўсакларни кўрак ёки кўр кўса к дейилади.

У ёки бу муддатда ҳар тупдаги етилган ва етилмаган кўсакларнинг умумий сони (уларнинг ёшидан қатъи назар) ғўзанинг кўса клаши (мевалалари) дейилади. Ўсимликнинг ўсув даври охиридаги кўсакларни миқдори айниқса муҳим роль ўйнайди.

Пахтачиликда ғўзанинг умумий кўсаклаши эмас, балки хўжалик жиҳатдан фойдали ҳисобланган кўсаклар сони муҳимдир. Бундан кейин пайдо бўлган ялни кўсак сонидан ўта хом, яъни

совуқ ургандаң кейин ҳам ҳатто күрак пахта чиқмайдыган күсаклар чегириб ташланады. Бишібарин, хұжалық жиғатдан фойдалы күсаклар дегаңда, гүзәда ўсув даври охиригача пайдо бўлган ва яхшимин-ёмоғи пахта берадиган, етилган ҳамда тўла етилмаган күсакларининг умумий сони тушунилади.

Урта толали ғўза навларида кўчкат нормал қалинликда бўлга, ўсув даврининг охиригача ҳар тупда 8—10 тагача хўжалик жиғатдан фойдалы күсак бўлади. Агар ғўзалар юқори агротехника асосида парвариш қилинса, бу хилдаги күсаклар сони 10—12 тагача етади ва ундан ҳам ортади. Ғўзаси яхши ривожланган пайкалларда 30—40—50 та ва ундан ҳам кўпроқ пахта берадиган күсаклари бўлган айрим ғўза тупларини учратиш мумкин. Урта Осиёдаги айрим ғўза навларининг тупида 100—150 та, ҳатто бир неча юзтагача хўжалик жиғатдан фойдали ҳисобланган күсаклар бўлиши маълум. Бундай ғўза тупларини кўчталар ишоютда сийраклашиб қолган участкаларда учратиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси ғўзанинг ҳосил тўплашида катта потенциал имкониятлар борлигидан далолат беради.

Ғўзанинг күсаклаши, унинг тур ва нав хусусиятларидан ташқари, ўсиш шароитига, агротехникага кўп жиғатдаи боғлиқдири. Ўсиш шароити қаинат яхши бўлса, ғўзанинг күсаклаши ҳам шунча яхши бўлади.

Юқорида айтилганидек, СССРнинг пахтчилик билан шуғулланадиган минтақасида ғўзанинг ўсув даври бирмунча қисқа бўлганлигидан уларда пайдо бўладиган шоналар, гуллар, тугичаларининг ҳаммаси пахта берадиган күсакка айланмайди, чунки буларнинг кўп қисми ривожланишини турли босқичларида, асосан ёшлигига тушиб кетади. Шона ҳам, күсакчалар ҳам кўпинча ёшлик даврида тўклилади, бунда шонага иисбатан күсакчалар кўпроқ тушиб кетади. Ғўзанинг гули эса кам тўклилади.

Кўсакча ва шоналарининг 10 кунга тўлмаганлари, асосан 5—7 кунлик бўлганлари кўп тўклилади. 10 кунликкача бўлган кўсакчаларни тугунич аёниш қабул қилинган. Амалиётда ва пахтчиликка онд адабиётларда кўпинча «тугунчаларининг тўклиши» дегаңда 10 кунликкача бўлган тугунчалар эмас, балки барча ҳосил органлари — шона, гул ва ёшидан қатъи назар ҳар хил катталиқдаги кўсакларининг тўклиши тушунилади.

Ғўзанинг ҳосил органлари тўклиши миқдори одатда ўсимликларининг тур ва нав хусусиятига, шунингдек ўсиш шароити қараб кескин ўзгариади. Масалан, ўрта толали ғўза навларида уларининг қарийб 60—70 фоизи, ингичка толали навларда эса бундан таҳминан иккى марта кам тўклилади. Ғўзанинг ўсиш шароити ишқулай бўлганда, ҳосил органларининг 80—90 фоизи, баъзан 100 фоизи тўклишиб кетиши мумкин, қулай шароитда ўсиб ривожланган ғўзаларда эса ҳосил органларининг тўклиши кескин камаяди. Ҳосил органларининг тўкилниш миқдори ғўза тупи доирасида маълум бир қонуниятнинг ўзгариши билан боғлиқ. Масалан, ҳосил органларининг тўклиши конус-


нинг ички томонидан ташқи томонига ўтган сари аста-секин кўпая боради, лекин ташки конусларда унинг миқдори анча кўп бўлади. Ҳар бир конус донрасида унинг пастки қисмида ҳосил органлари юқори қисмида гига нисбатан кўп тўкилади. Шунингдек, пастдан юқорпага чиқкан сари ҳосил органларининг тўкилиши камаяди (24-расм).

Ҳар бир туп донрасида ҳосил органларининг тўкилишидаги қонуниятни дастлаб Г. С. Зайцев аниқлаган. Ҳосил органларининг тўкилишидаги бу қонуният ўсимликда мазкур органларининг жойлашниш ўрнинг, яъни фүзанинг озиқлантирувчи бош артериянинг асосий поядан ҳосил органларининг қанчалик узоқлигига ва жойлашиш баландлигига қараб рўй беради. Ҳосил органлари асосий поядан қанчалик узоқ ва баланд жойлашган бўлса, уларга озиқ моддалар ва сув шунча кам боради. Шу сабабли уларнинг тўкилиш эҳтимоли ортади.

Баъзан ҳосил органлари тўкилишининг ички конусдан ташқи конусга қараб аста-секин ортиб бориши бузиладп. Масалан, бу хилда бузилиш ички шоналаш ва гуллаш конуслари шакланаётганда суғориш режими ёки биронта шунга ўхшаш таъсири этувчи шароитнинг кескин ўзгартириб юбориш натижасида рўй бериши мумкин. Натижада мана шу конуслардаги шона ва ёш кўсакча (тугунча)лар одатдагидан кўра кўпроқ тўкилади.

Ҳосил органларида юқорида айтиб ўтилганлардан ташқари вақтга қараб тўкилиш қонунияти ҳам бор. Масалан, фўзанинг ҳосил органлари июль охири ва август бошигача (Ўрта Осиё ва Закавказъеда), одатда, унчалик кўп тўкилмайди, июль охири ва август бошидан августининг ўрталари ёки охиригача бўлган давр ичидаги ҳосил органлари айинқса кўп тўкилади. Ўсув даврининг охирига келиб ҳосил органларининг тўкилиши нисбатан камаяди.

Шундай қилиб, ҳар тупдаги ҳосил органларининг тўкилишида иккى зонани фарқлаш мумкин: биринчиси, ички зона, бунда ҳосил органлари унчалик кўп тўкилмайди; иккинчиси, ташки зона, бунда ҳосил органлари кўплаб тукилади.



24-расм. Ёза ҳосил органларининг тўкилиш схемаси (донра ичидаги юра ранг билан ҳосил органларининг илсий тўкилиш миқдори; рақамлар билан ҳосил органларининг охирги иомери кўрсатилган).

Хосил органларининг тўкилишига тупроқда нам етишмаслиги ёки сернамлик, минерал озиқ ва углеводларниңг етишмаслиги, азотиниг ортиқчалиғи, ёруғликнинг камлиги каби ташқи муҳит ҳам сабаб бўлади. Бу факторлардан ташқари ҳосил органларининг тўкилишига гўзага зараркунанда ва касалликларнинг шикаст етказиши, шунингдек, оналик тугуличасидаги уруғ-куртакнинг уругланмаслиги ҳам салбий таъсир этади.

Тупроқ бирдан қуриб қолиб ўсимликда транспирация (сувнинг буғланиб кетиши) жараёни кучайган пайтда, масалаң, гармсөл вақтида фўзага сув етишмаслиги унга айниқса, ёмон таъсир қиласди.

Тупроқда нам ва азот ҳаддан ташқари кўп бўлса, ўсимлик говлаб кетади, демак, озиқ моддалар ва сувнинг асосий қисми фўзанинг вегетатив органларига сарфланиши натижасида ҳосил органлари тўкилади. Шунингдек, фўзанинг ўсув органлари ҳаддан ташқари ривожланиши туфайли ўсимлик ораларига ёруғлик яхши тушмайди, натижада ичқи конусларда гуллар сояланиб, ундаги энг қимматли ҳосил органлари кўплаб тўкилади. Демак, ҳосил органларининг, айниқса, ичқи конусни ташкил этган ҳосил органларининг иложи борича кам тўкилиши учун тегишли агротехник тадбирлари қўлланиши керак. Фўза шохи чеккаларидаги ҳосил органларининг тўкилиши уччалик аҳамиятли эмас, чунки бу ерларда августнинг иккинчи ярмида пайдо бўладиган шоналардан ўсув даври охирнгача лоақал кўрак пахта берадиган кўсаклар пайдо бўлмайди. Шунинг учун бу даврда (август ойида) қилинадиган барча парвариш ишлари асосан шу вақтгача ҳосил бўлган кўсакларнинг сақланиб қолишига ва буларнинг нормал ривожланиб, яхши етилишига қаратилган бўлиши керак.

Фақат Ўрта Осиёнинг энг жанубидаги, яъни кузги илиқ кунлар бирмунча узоқ давом этадиган пахтакор районлардаги на августнинг иккинчи ярмида ва сентябрь бошларида пайдо бўлган гуллардан кўсаклар пайдо бўлиб, ҳосил олиш мумкин.

Ҳосил органлари фўзанинг тур ва навига қараб ҳар хил миқдорда тўкилади. Ҳосил органларининг тўкилишини селекция йўли билан ҳам камайтириш мумкин. Шу нарса маълумки, ҳосил органлари кўплаб тўкиладиган фўзалар орасида, баъзан шона, гул, тугунчалар жуда кўп бўлишидан қатъи назар уларнинг биронтаси ҳам тўкилмайдиган фўзалар учрайди. Бу эса фўзаларда ҳосил органларининг тўкилишига йўл қўймайдиган потенциал (яширин) имкониятлар борлигидан далолат беради. Тегишли селекция ишларини амалга ошириб, ҳосил органлари жуда кам миқдорда тўкиладиган фўза навларини яратиш мумкин. Фўзанинг ҳосил органлари тўкилишини камайтириш хўжалик нуқтаси назардан катта аҳамиятга эга. Ҳосил органларининг тўкилишига сабаб бўладиган физиологик-биохимиявий жараёнларни чукур ўрганиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу эса тўкилишига қарши кураш тадбирларини пешлаб чиқниш имкониятини беради.

Тұла шакллаған ва етилған чигит тухумсімөн ёки нотүғри ноксемон қүрініншда бўлади. Ғұза формаларыга қараб чигит узунчоқ, бироз узунчоқ, деярли думалоқ бўлиши мумкин. Чигит муртакдан ва уни ўраб олган иккита қобиқ (пўст)дан иборат. Ички пардасымон, ташқи пўсти ёғочланниб, қаттиқлашган бўлади, буни пўчоқ дейилади (25-расм).


Чигит пўчоғининг сирти туклар билан қопланган. Баъзи бир тур гўзаларда фақат узун туклар, бошқа бир турларида эса ҳам узун, ҳам қисқа туклар бўлади. Узун туклар тола, қисқалари эса чигит туки ёки линтер деб аталади. Ғўзанинг баъзи ёввойи навлари орасыда чигит спртида тола ва тукка ажралмайдынга фақат калта туклар ривожланади.

Чигитнинг кең томонини халаза, ингичка томонини эса микропиль деб аталади. Микрониле деб аталишига сабаб шуки, чигит учининг биқініда («ниш» томонида) тешикча — микрониле бўлади, уруғланиш вақтида чаңг найи шу микрониле орқали уруғкуртак ичига киради. Микрониленинг охири, одатда ўткир тумшуқча билан тугалланади, бу ёғочланган уруғбандидир.

Агар чигит спртидаги тола ва тукчаларни олиб ташланса, унинг бир биқини иккинчи биқинига қараганда бирмунча чиқиқ эканлиги кўринади; чиқиқ бўлмаган яесси биқини бўйлагб уруғ бандидан халаза томонга «чок» ўтади. Бу чок чигитнинг асосий пай тўқималар тутамидан иборат. Бу пай тўқима тутами халазада тармоқланади ва микрониле томонга кетган қалин томирлар ҳосил қилиб, шу ерда тугалланади.

Чигитнинг йириклиги гўзанинг тур ва навига ҳамда ўсиш шароитига қараб ҳар хил бўлади.

Чигитнинг катталиги ва ҳажми гўзанинг тури ва навхусусиятига, шунингдек, парваришлари шароитига (асосан озиқланиш шароитига) қараб инҳоятда хилма-хил бўлади. Чигитнинг шакли бирмунча узунчоқ ёки бироз думалоқ бўлиши мумкин. Масалан, ўрта толали ва ингичка толали гўза навларининг чигити жайдари ва Ҳинди-Хитой гўзалариникига нисбатан бирмуича йирик ва узунроқ бўлади.



25-расм. Чигитнинг тузилиши:

1) чигит туки; 2) чигитнинг ташқи каттиқ қобиғи; 3) чигитнинг ички пардасымон пусти. 4) муртак (магнэз); 5) уруғбанд қолдиги

спртида тола ва тукка ажралмайдынга

Чигитнинг узунаси 5 мм дан 14 мм гача, халазаси (энг кенг жойи) 3 мм дан 6—8 мм атрофида ўзгариб туради. Fўзанинг баъзи бир ёввойи турларида масалан, *Gossypium Stocksii M. Mast.* — узунаси қарийб 4 мм, энг кенг жойи 2 мм бўлади. СССР-да экилётган гўза навларида чигитнинг узунаси 10—11 мм, диаметри 4—6 мм келади. (Г. С. Зайцев номидэги Fўза селекцияси ва уруғчилиги институти маълумоти).

Чигитнинг оғирлиги ёки унинг массаси жуда муҳим кўрсаткич бўлиб, у асосан йириклигига ҳамда муртак ҳажмига ва тўқлигига қараб турлича бўлади. Бир дона чигит массаси Fўза турига ва навига ҳамда ўсиш шароитига қараб 50—200 мг гача, баъзан бундан кўра оғирроқ бўлади. Ёввойи Fўза (*Gossypium Stocksii M. Mast.*) чигитнинг массаси 10 мг атрофида, ўрта толали Fўза навларининг чигити 90—160 мг, ингичка толали Fўза навлариники эса 120—150 мг гача боради.

Пахтачлик амалиётида чигитнинг массаси 1000 дона чигит массаси ҳисобида ифодаланади. Чигитнинг мана шу массаси унинг қанчалик йириклигини кўрсатади. Лекин айрим ҳолларда чигитнинг йириклиги бир хилда бўлса ҳам массаси ҳар хил бўлиши мумкин. Бунига асосан муртак ва қобиқ массасида фарқ бўлиши, шунингдек, уруғнида ҳаво камерасининг бор-йўқлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чигит муртаги қанчалик йирик ва тўлиқ бўлса, массаси шунчалик катта бўлади. Пишган чигитнинг муртак ва қобигининг нисбий оғирлиги йириклигига қараб турличадир. Чигит майдалашган сари муртакнинг нисбий массаси камайиб, қобигининг нисбий массаси эса орта боради.

1000 дона чигитнинг массаси ҳамда ундаги муртакнинг нисбий массаси фақат Fўза турига ва навига, ташқи муҳит шароитига қарабгиша эмас, балки кўсак тупининг қаерига жойлашганлигига, ҳатто чигит кўсак ичининг қайси ерга жойлашганлигига қараб ҳам ўзгаради. Бу ҳосил органларининг тўкилиб кетиши борасида юқорида айтиб ўтилган қонуниятга ўхшацдир.

Одатда биринчи, баъзан эса иккинчи ҳосил шохининг пастки шохдан юқорига томон чиқсан сари чигит массаси аста-секин камайиб боради. Буни шундай изоҳлаш мумкинки, бош поядаги биринчи ҳосил шох одатда яхши ривожланмаган, суст бўлади. Иккинчи ҳосил шох ҳам маълум даражада шу билан фарқ қиласди.

Ҳар бир шохда кўсакдаги айрим чигитларнинг массаси уларнинг марказий уругбанддаги жойлашиш ўрнига қараб ўзгараади. Кўсакдаги марказий уругбанднинг ўрта қисмига жойлашган чигит одатда тўқ, 1000 донасининг массаси анча юқори бўлади. Уруғбанднинг энг учки қисмига жойлашган чигит, бу кўрсаткичлари жиҳатдан уруғбанднинг ўрта ерига жойлашган чигитдан, уруғбанднинг энг пастки қисмига жойлашган чигитдан, уругбанднинг энг пастки қисмига жойлашган чигит эса энг учки чигитдан орқада туради.


Битта кўсакда чигитларнинг бир-биридан шу хилда ўзаро фарқ қилиши марказий уругбанд бўйича жойлашган чигитларнинг озиқланиш шароти бпр хил эмаслиги билан изоҳланади.

Чигит муртаги (баъзан буни чигит мағизи деб ҳам юритилади) иккита уруғпалладап ва ўсимликниг асосий бошланғич органларидан иборат. Асосий органлар бошланғич учки ўсиш куртакдан иборат бўлиб, бундан пояшиниг уругбарг остики ҳамда пастки қисми ташқил топади; уруғбаргнинг остики қисми уни тупроқ ичидан ташқарига олиб чиқади. Учки ўсиш куртак юқорисида илдиз ги-лофчаси бўлган муртак илдизча ҳам шаклланади. Муртак илдизчадан асосий ўқилдиз ўсиб чиқади. Уруғбаргнинг остики қисми илдиз бўғизга, ундан иллизга ўтади. Муртак илдизча уругбарг остики қисми билан бирга анча йирик бўлганинигидан уни кўриш мумкин. Илдизчанинг уччи чигитниг микропиле томонига қараб ўсан. Учки ўсиш куртаги жуда кичик бўлиб, уни кўриш жуда қийин. Бу куртак чигитниг халаза томонига қараб уруғбарг илдизчаларниг туби орасига жойлашган (26-расм). Учки ўсиш куртаги уруғбарг илдизчаларнинг кенгайган қисми орасига ёриашганлигидан ташқи муҳитиниг ноқулай шароитлари чигит униб чиқишида бу куртакни шикастлай олмайди. Муртакниг асосий органлари ҳар томондан нисбатан йирик уруғбарг қатламлари билан ўралгай.

Уруғбарг юзи билан бўйига букилади, сўнгра жуда гижимланади ва кўплаб қатламлар ҳосил қиласди; чигит қуруқлигидан бу қатламлар тифиз жойлашганлигидан кўзга кўринмайди. Муртакниг уруғбарг палласи бир хил катталиқда эмас, ўралиб ётган бу палланинг бири каттароқ, иккинчиси кичикроқ, буни чигит униб чиққандан кейин ҳам кўриш мумкин. Муртакниг уруғбарги ва унинг бошқа қисмлари оқиш сариқ рангда товланади.

Кўпчилик фўза формаларининг уруғбарг сатҳида ва унинг состида қорамтир майдо нуқталарга ўхшаш жуда кўп безчалар бўлади. Бу безчаларда мураккаб органик моддалар, жумладан, қуюқ мойсизмон ҳолдаги заҳарли модда — госсипол бор.

Муртак танасининг асосий ҳужайраларида, айниқса уруғбарг ҳужайраларида алайрон доначалари шаклида запас моддалар ҳамда ҳар хил катталиқдаги мой томчилари ва крахмал доначалари жойлашган. Чигит муртагидаги мой, чигит массасининг ўртача 20—25 фоизини ташкил қиласди. Лекин чигитдаги мой миқдори фўзанинг тури ва навига қараб 18 дан 29 фоизгача ўзгариб туради. Муртакдаги мой миқдори муртак массасига нисбатан (қобигисиз) ўрта хисобда 40% ни ташкил этади.



26-расм. Чигит муртагининг тузилиши:
а — уруғпалласи ёзилган муртак; б — муртак марказий органларининг бўй қисми;
1 — уруғпала (трасидаги б — уруғпала кесими); 2 — уруғпала ости тирсаги; 3 — илдизча учкаги ги-лофча; 4 — ўсиш нуқтаси.

Ғўзанинг Г. барбадензе ва Г. гирзуум маданий турларининг чигити сермой бўлади. Айниқса биринчисининг чигити иккинчи синикига нисбатан сермойроқдир.

Иттифоқимизда экилаётган ғўзанинг янги саноатбоп навларида селекция ишлари яхши йўлга қўйилганилиги сабабли уларнинг чигитидаги мой миқдори илгари экилган саноатбоп навлариникига қараганда анча кўп.

Чигитнинг сермойлилиги ғўза тури ва пав хусусиятига, чигитнинг қай дараражада етилганилигига, кўсак тупининг қаерида жойлашганлигига, шунингдек, ўсимлпкнинг ўсиш шаронитига, жумладаи, об-ҳаво шаронитига ва қўлланган агротехникага қараб ўзгаради.

Чигит қанчалик яхши етилган бўлса, у шунча сермой бўлади. Ички конусдаги етилган кўсакнинг чигити ташқи конусдаги кўсак чигитиникига нисбатан сермой бўлади. Шу билан бирга биринчи конусдан кейингисига ўтган сари чигитнинг сермойлиги камайиб боради. Ички ва ташқи конусдаги чигитнинг сермойлиги бир-биридан кескин фарқ қиласди ва бу кўрсаткич 10 фоизгача стади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, чигит муртаги иккита пўст — ички пардасимон пўст ва қобиқ деб аталаидиган ташқи қаттиқ пўст билан ўралган. Пардасимон пўст жуда юпқа ва нозик бўлиб, муртак халтачасининг қолдигидан иборат, бу пўст муртакни зич ўраб олади. У муртакни ташқи ноқулай шаронит таъсиридан ҳимоя қилишда деярли хеч қандай роль ўйнамайди.

Чигит қобиғи тузилиши жиҳатидан анча мураккаб: у жуда мустаҳкам бўлиб, қалинлиги 0,25 мм кслади. Бу қобиқ ўз қалинлигининг ярми ёки учдан икки қисми жуда қалин деворчали узун цилиндр шаклида жойлашган панжарасимон (полисад) тўқималардан иборат бўлиб, жуда мустаҳкамдир. Панжарасимон тўқималар чигит етилганда бутун узунаси бўйлаб лигинин моддаси билан тўйиниб, ҳужайраларни мустаҳкам шоҳсимон ҳолатга айлантиради.

Панжарасимон тўқима ташқи интегумент қобиқининг девори ёълган ташқи ва ички эпидермис билан бирга чигит муртагини ҳар қандай ташқи муҳит таъсиридан жуда яхши сақлаб туради.

Чигит қобиғи шундай қаттиқи, унинг яхши пишиб қуриганини ҳатто ўтқир пиçoқда жуда қиийчилик билан кесиш мумкин.

Чигит қобиғи сульфат кислотага солиб қўйилгандага ҳам унинг таъсирига чидай олади. Масалан, муаллифнинг кузатишларидан шу нарса маълум бўлдики, чигит бир кеча-кундуз давомида сульфат кислотанинг кучли эритмасига солиб ишланганда ҳам у ўзининг униб чиқиш қобиқиятини йўқотмади.

Ёввойи ғўзалар чигит қобиғи қаттиқлиги жиҳатдан кескин ажралиб туради, уларнинг кўичиллигини «тош чигит» деб айтилиши бежиз эмас, албатта, чунки у сувда узоқ вақт турса ҳам ўзинга сувни ўтказмайди ёки шиммайди. Ёввойи ғўза чигити қобиғининг инҳоятда қаттиқлигини биологик жиҳатдан аҳамияти қатта, чунки у ташқи шаронитининг ноқулай таъсирига бардош

бера өлади ва шу бىлан бир мечә йилгача ҳаётчанлигини сақ-лаб қолади.

Пишган чигит қобиғи түк жигаррангда ёки қорамтирип жигар раңгли бўлади. Етилмаган чигит қобиғи эса унинг етилганлик даражасинга қараб оч жигарранг, сариқ, ҳатто оқиш тусда бўлиши мумкин. Чигит қанчалик яхши пишган бўлса, унинг пўсти шунчалик қорамтирип тусда бўлади.

Чигит қобиғининг жигарранг тусга киришига асосий сабаб унинг ривожланиши вақтида қобиғининг баъзи ички тўқима қатламлари хужайрасиңга аста-секин маълум пигментлар йиғилиб қолиши сабаб бўлади.

Пахта толаси асосан (узун тукчалар) тола ажратадиган машиналарда чигит сиртидан осонгина ажралади. Фўза ўсимлигини ўстиришдан асосий мақсад ҳам айнан тола етиштиришдир. Чигит сиртидаги узун туклар яъни — тола ажратиб олингандан кейин унда чигит туки деб аталадиган (калта тук) туклар қолади.

Чигит сиртида тукларининг тақсимланиши характери, қалинлиги, тифизлиги ва ранги фўза навларига қараб турлича бўлади.

Туклар чигит сирти бўйича ёки унинг бир қисми бўйича тақсимланиши мумкин. Чигит қисмаш тукли бўлганда тукчалар ё бир текисда тақсимланмай, доғ-доғ кўринишда ёки микропиленинг уч томонида фақат тутам шаклида бўлади. Чигит бутуни юзаси бўйлаб тукланган бўлса бундай чигит тукли чигит дейилади. Агар чигитда туклар жуда кам бўлиб, фақат унинг пастки қисмининг ёки уч томонининг у ер бу ерида учраса бундай чигитларни шартли равишда ялангоч чигит дейилади. Шартли равишда ялангоч чигит деб аталадиган чигитлар кўпчилик ишгичка толали фўза навларида учрайди. Ўрта толали ва жайдарий ғўзаларнинг чигити асосан тукли чигитлар (туклар чигитининг бутуни сатҳи бўйича бир текисда қопланган), лекин булар орасида баъзан ялангоч чигитли фўза формалари ҳам учрайди.

Чигит сиртидаги тукчалар қалини, ўртача қалин ва сийрак бўлиши мумкин. Бу белгилар ғўзанинг тури ва нав хусусиятига қараб ўзгаришидан ташқари нав, туп ва ҳатто битта кўсак доирасида ҳам ўзгаради. Демак, кўсакнинг битта чаноғида қўшини бўлиб турган чигитда тукларнинг қалинлиги турлича бўлиши ҳам мумкин.

Тукчалар зич (тифиз) бўлганда, чигит қобиғига қаттиқ ёпишиб, кигизга ўхшаб кетади; тукчалар ўрта зич бўлганда, чигит қобиғига унчалик қаттиқ ёпишиб кетмайди ва у ёки бу даражада тукли бўлади; тукчаларнинг зичлиги суст, яъни тукчалар ниҳоятда сийрак бўлади. Тукчаларнинг узулиги одатда 2—5 мм дан ошмайди.

Тукларнинг ранги фўза навларига қараб, оқ, кулранг, ҳар хил товланишдаги қўниғир ранг, сал яшил рангда бўлиши мумкин. Яшил рангдаги туклар қўёш нурида кулранг тусга ўтади.

Тукли чигитининг камчилиги шуки, у сирпанувчан (социлувчан) эмас ва бу хилдаги чигитни экиншда, айниқса, уяларга белгиланган миқдорда чигит экинша бирмунча қийипчиликлар туғ-

диради. Шунинг учун экишга мўлжалланган тукли чигитларнинг туклари иложи борича тозаланади ёки улар бутуслай туксизлантирилади. Айни вақтда яланғоч (туксиз) чигитли гўза навлари яратиш устида ҳам селекция ишлари олиб борилмоқда.

Гулнинг оналик тугунчасидаги уруғкуртак уруғлангандан кейин ундан чигит шаклланади. Чигит ўзи жойлашган қўсак билан параллел ривожланади. Бинобарин, чигит билан кўсак ривожланиши ўртасида битта умумий қонуният бор. Чигит билан кўсакнинг ривожланиш цикли қулай шароитда ўрта ҳисобда 50—60 кун давом этиб, ҳар бири 25—30 кундан икки босқичга бўлинади. Биринчи босқичда чигит асосан ҳажмига ўсиб, у мазкур шароитда ривожланётган гўза формасига хос қатталникка етади. Чигитнинг бу даврдаги ўсиши билан бирга унинг ичидаги баъзи бир ташкил топиш жараёнлари бошланади. Йккинчи босқичда асосан чигитнинг ички ташкил топиш ва пишиш билан боғлиқ бўладиган жараёнлар содир бўлади.

Чигитнинг асосий қисми ҳисобланган муртак тугунчадаги уруғкуртак уруғлангандан кейин ривожлана бошлаб, 15 кун деганда кенг муртак халтасида жойлашган, лекин ҳали қисмларга табақалашмаган кицкина оқиши дод шаклида кўриниб туради. Муртак тахминан 20-кундан бошлаб уруғбарг ва асосий органларга бўлиннишига киришади, ривожланишининг 25—30 кунлари чигит анча ўспб, унинг муртак халтасидаги бўшлиқ деярли тўлади. 35—40 кунлик чигитдаги муртак яхши шаклланган бўлиб, табақаланиш жиҳатдан етилган чигит муртагидан деярли фарқ қилмайди. Ривожланишининг иккинчи босқичи охирида чигит кўсак билан бир вақтда қурийди, чигит қобиғи ва муртак жуда зичлашади. Шунинг учун пишган қуруқ чигит эзилса, ундан қирс этган товуш чиқади.

Чигитнинг ривожланиши суръати гўзанинг тур ва наф хусусиятига ҳамда ташқи муҳим шароитига боғлиқ. Гўза қанчалик тезлишар ва ўсиш шароити қулай бўлса, чигит щунчалик тез ҳамда яхши ривожланади.

Етилган кўсакнинг очилиш пайтида ундан чигит морфологик жиҳатдан пишган бўлади, лекин унинг унувчанилиги ва кўкариш энергияси етарли даражада бўлмайди. Экиладиган чигитнинг энг муҳим сифат белгиларидан ҳисобланган бу хусусиятлар унинг физиологик пишишдан кейин ёки пахта териб олингандан сўнг бир қанча вақт ўтгач содир бўлади.

Пахта териб олингач, чигит пишиб физиологик жиҳатдан тўла етилгунча ўтган давр унинг тиним даври дейилади. Чигитнинг тиним даври гўза тури ва навига, кўсакнинг етилиш (морфологик етилиш) шароитига, шунингдек, пахта очилгандан кейин ундан чигитнинг физиологик жиҳатдан тўла етилиш шароитига, яъни пахтани йиғиб-териб олгунча далада ўтган вақт ва териб олингандан кейин чигитни сақлаш вақтида бўлган шароитга қараб тахминан 2—3 ҳафтадан бир неча ойгача, ҳатто 1—2 йилгача чўзилиши мумкин. Кўсакнинг етилиши ва очилишидан шароити қанчалик қулай, чигитни сақлаш шароити қанча яхши

бўлса, чигитда тиним даври шунча тез ўтиб, у физиологик жиҳатдан тез ва тўла етилади.

Географик келиб чиқиши турлича бўлган гўзаларда тиним даврининг давомийлиги турлича бўлади, чунки буларда кўсакпинг етилиши ва очилиш шаронти, шунингдек, очилган кўсакдаги чигитнинг қурици шаронти ҳар хил.

Одатда, ўтган йилги ҳосилдан олинган чигит, яъни пахта терилгандан кейин тахминан 5—6 ой сақланган чигит экиласди. Қулай об-ҳаво шаронтида етилган пахта чигити ҳам тўғри сақланганда, Ўрта Осиё ва Закавказье шаронтида унинг кўкариш энергияси ва умуман униб чиқиши қобилияти қониқарли ҳолатда (90 фоиздан юқори) бўлади. Чигитнинг униб чиқиши қобилиятини янада ошириш учун баъзан махсус тадбирлар қўлланиллади, масалан, қиздирилади.

Яхши етилган чигит қулай шаронтида ҳаётчанлигини узоқ вақтгача сақлайди. Масалан, муаллиф ўрта толали (2034) нав чигитини қуруқ хонада б йил сақлангандан кейин экканда, у қийғос униб чиққан. Н. Н. Константинов ва Ф. М. Мауэрнер коллекцияларида сақланган 10—15 ҳатто 30—35 йиллик чигитнинг айrim намуналари' экиласди, улар униб чиққанлиги ҳақида маълумот беришади.


ПАХТА ТОЛАСИ

Пахта толаси чигит қобиғидаги ташқи эпидермиснинг бўйига чўзилган айrim ҳужайрасидан иборат бўлиб, ҳар бир тола битта ҳужайра ҳисобланади.

Шунингдек, чигит тукининг ҳар бирни чигит қобиғидаги ташқи эпидермиснинг битта ҳужайрасидан вужудга келади. Зоро, бу ҳам битта ҳужайрадир, лекин у бўйига унчалик чўзилиб кетмайди.

Асосий толаларнинг пайдо бўлиши гўза гулга кирган кундан бошлаб, баъзи навларида (*Gossypium vagabondense*) ва шулар билан чатиштирилган баъзи дурагайларда гуллаш олдидан бошланади. Гул очиладиган кундан то тутунчадаги уруғкуртак ургуланишигача уруғкуртакининг ташқи эпидермисдаги баъзи ҳужайраларнинг ташқи деворчаси бўртиб чиқа бошлайди, натижада эпидермиснинг бошқа ҳужайраларидан ташқарига чиқиб турадиган ўсиқ пайдо бўлади. Уруғкуртак уруғлангач, ҳалиги бўртиб чиққан ҳужайралар бўйига тез чўзила бошлайди, диаметри ҳам сал катталашади, сўнгра деворлари қалинилашади ва шу тариқа ҳужайра толага айланади (27-расм). Уруғкуртакдаги ташқи эпидермиснинг толага айланадиган ҳужайрасини актив ҳужайра дейнлади.

Эпидермиснинг актив ҳужайраларидан ўсиқ пайдо бўла бошлиши билан бирга чигит ривожланишининг дастлабки кунларида эпидермис ҳужайралари бўлинади, яъни ҳужайралар кўпайди. Мана шу бўлинниш натижасида пайдо бўлган ҳужайраларнинг баъзиси актив ҳужайраларга айланади, тола ҳосил қиласди.



27-расм. Пахта толасининг ривожла-
на бошлиши:

1) гуллаш олдидан ургукортакдаги таш-
қы интегументнинг ташқи эпидермик
хужайраси; 2) шу хужайраннинг гул очил-
ган күмдаги ҳолати (фаол хужайралар-
дан тола хосил бўла бошлиши); 3) бир
суткалик тола; 4) икки суткалик тола

Биринчи босқичда тола асосан бўйига ўсиб, ғўзанинг тегиши-
ли тур ва навига хос катталикка етиб олади. Асосий тола жу-
да тез ўсиб, 15—16 кун ичидан ўзининг ҳақиқий узунлигининг
таксиний ярмига етади, 25—30 кун деганда унинг бўйига ўси-
ши деярли тўхтайди.

Шундай қилиб, ургу-
ланган ургукортак сир-
тида толага айланадиган
ўсиқларнинг ҳаммаси бир
вақтда пайдо бўлмайди.
Бундан ташқари, бу
ўсиқлар ургукортак сир-
тида бир текисда жой-
лашмайди ва буларнинг
ривожланиш тезлиги ҳам
ҳар хил бўлади. Масалан,
чигитнинг халаза қисми-
да толага айланадиган
ўсиқ гуллашнинг бирин-
чи кунида (*Gossypium
barbadense*), айрим ғўза
формаларида гуллаш ол-
диндан пайдо бўлади. Бу
ерда ўсиқлар бирмунча
қалинроқ жойлашади. Чи-
гитнинг микропиле томонида
толага айланадиган ўсиқлар
кеинироқ шаклланиб сийракроқ
жойлашади ва секинроқ
ўсади. Эпидермиснинг ай-
рим ҳужайралари сугорни-
ладиган деҳқончилик ша-
роитида ғўза гуллагани-
да 6—10 кун ўтгач, лал-
микор деҳқончилик ша-
роитида эса 4 кун ўтгач
бўртиб чиқиб, бўйига ўса
бошлиди. Лекин жуда
суст ўсади, сўнгра асосан
линтер пахта деб атала-
диган чигит тукига ай-
ланади.

Чигит ва кўсак ривож-
ланиши каби тола ривож-
ланиши ҳам икки бос-
қичга бўлинади, ҳар қай-
си босқич шароитда 25—
30 кун давом этади.

Тола пайдо бўлган кундан бошлаб то 12—15 кунгача унинг диаметри катталашаверади. Толанинг диаметри бошдан-оёқ бир хилда бўлмайди. Унинг асоси ёки тахминан ўртасининг диаметри бирмунча каттароқ. Тола узунлигини пастдан ҳисоблагандай иккidan уч қисмигача диаметрида унчалик катта фарқ йўқ. Толанинг юқори қисмиданнинг диаметри эса аста-секин қисқариб боради. Шу сабабли унинг уч томони сезиларли даражада ингичка, лекин учи тўмтоқ бўлади.


Тола бўйига чўзилаётгандай унинг деворчалари ҳаммавақт юпқалигича қолаверади ва улар мой-мум модда-кутина аралашгани клетчатканада ташкил топади, бу мой-мум моддаларининг миқдори ёзга формаларига қараб кескин даражада ўзгаради. Толанинг мана шу юпқа деворчаси кутикуладеб аталади.

Тола ривожланишининг иккинчи босқичида унинг ички қисми ташкил топади, яъни деворчалари (кутикула девори) нигички томонида цељлюоза қатлами пайдо бўлиб, тола деворчалари қалилашади. Тола деворчаларида цељлюоза қаватининг ҳосил бўлиш жараёни ёзга сугориладиган ерларда ўстирилганда, биринчи ривожланиш босқичининг охирида — тола пайдо бўлишининг 20—25-кундан бошлаб, лалмикор ерларда ўстирилганда эса тахминан 10-кундан бошлаб содир бўлади ва у кўсак пишиб, тола ҳамда кўсак қуригунча давом этади. Цељлюозанинг жадал ҳосил бўлиш жараёни толанинг 40—45 кунлигидан бошлаб аста-секин сустлашади.

Толанинг ривожланиш даврида цељлюоза деворчалари қатлам-қатламли мураккаб структурага эга бўлади. Буни толанинг кўндалангига кесиб қаралса, яққол кўриш мумкин (28-расм). Мана бундай қатламларда 25—30 та тўла етилган тола бўлади. Демак, кузги қора совуқ тушиш вақтида ёззанинг ҳар хил даражада етилган кўсакдаги пахта толаси деворчаларидағи цељлюоза қаватининг миқдори ҳам турлича бўлади. У ёки бу кўсакнинг етилиш даври яқинлашгани сари ундаги пахта толаси деворчаларида клетчатка қавати қалилашаверади.

Асосан ривожланишининг иккинчи босқичида шаклланган толадаги клетчатка қаватининг қалинлиги ёззанинг ирсий ва навхусусиятига, шунингдек, ўсиш шароитига қараб маълум даражада ўзгариши мумкин. Ёзга тушидаги кўсакининг қафарда жойлашганингига қараб ҳам тола деворчаларидағи клетчатка қаватининг қалинлигини ўзгарганлиги кузатилган. Ёззанинг ички конусидан ташкил конуспага ўтган сари клетчатка қаватининг қалинлиги камаяди.

Цељлюоза қаватларишинг пайдо бўлниш суръати



28-расм. Пахта толасининг кўндаланг кесими, ундаги деворчаларининг қатма-қат тузилиши.

амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. У гўза тури ва навнинг ирсий хусусиятига ҳамда ташқи муҳит, об-ҳаво, тупроқ ва шарваришилаш шароитига қараб турлича бўлади.

Толаси дағалроқ, шунингдек, тезиншар гўза павларидағи то-ла деворчаларида целлюлоза қаватлари бирмунча жадал суръ-атда пайдо бўлиши кузатилади. Бу гўзани кузги қора совуқ эртароқ уриб кетадиган йилларда жуда муҳимдир.

Тола деворчасида целлюлоза қаватлари спираль-фибрилл шаклида жойлашган, бу микроскоп остида яхши кўринади.


Тола ичида барча ўсимлик ҳужайраларидағи кабп магизли протоплазма ва ҳужайра шираси бўлади.

Толанинг дастлабки ривожланиш даврида унинг барча ички бўшлиғи протоплазма билан банд бўлади. Кейинчалик, клетчатка қавати қалинилаша бошлиши билан иротоплазма юпқа қатлам кўринишидан деворчага қочади, ҳужайра ширасининг вакуоласи эса жойинда бирлашиб толанинг энг ички қисмидаги бўшлиқларни тўлдиради. Шундай қилиб, протоплазма деворчаларга қонгдан кейин толанинг ичи каналча кўрпнишига эга бўлади, унинг ўртаси ҳужайра шираси билан четлари — юпқа деворчаларни эса ҳужайра мағзи (ядроси) турадиган протоплазма қатлами билан тўлади. Тола деворчасининг ичидағи клетчатка қатлами қалинилашган сарп каналга қараб аста-секин торашиб боради.

Толанинг ривожланиш жараёнида ҳужайра ширасининг химиевий таркиби ўзгаради. Масалан, 35 күплигига ушиш таркибида шакар кўп тўпланади, мъълум миқдорда тана ичидағи бўшлиқда ва кейнироқ бориб эса ҳатто унинг тўлиқ етилганида ҳам шакар борлиги кузатилади.

Тола деворчалари тола ривожланишининг бошлигининдан тўла етилгунга қадар целлюлоза тузилишида бўлади. Деворчаларишиг спртидан қоплаб олгани кутикула қавати тола ривожланиши жараёнида бирмунча қалинилашади.

Тола ривожленишдан тўхтагандан кейин у чигит ва кўсак билан бирга қурий бошлайди. Бунда ҳужайра шираси буғланиб кетади, протоплазма қолдиғи эса тола деворчаларида қурийди. Тола кўсак ёрилгандан кейин айниқса тез қурийди. Мана шу жараёнлар натижасида тола тарапланганишдан тўхтайди, унинг деворчалари кучайиб, тола пачоқланганига ўхшаб лента шаклига киради. Шу билан бирга тола буралиб спиралга ўхшаб қолади (29-расм).



29-расм. Пахта толасининг етилган даражасига қараб бураливучанлик характеристи:
1) исрмал етилган тола; 2) етилмаган тола; 3) хом, тола

Баъзан шундай толалар ҳам үчрайдікі, уннің деворчалари ҳаддан ташқары қалынлашған ва ривожланған бўлиб, тола курнганда бу деворчалар пучаймайди. Тола деворчалари пучаймагач, уннің кўндаланг кесими думалоқ шаклда бўлади. Бундай тола нормал етилмаган, ривожланған ва нормал етилган толадан маълум даражада фарқ қилиб, у одатда, ўта пишиб кетган тола дейилади. Лекин уни ўта ривожланған дейилса тўғри бўлур эди.


Яхши етилмаган ёки хом тола қуриганда деворчалари бироз ёки жуда пучайиб қолади, шунинг учун бундай толалар яхши ёки бир текисда буралмайди; етилмаган толада у мутлақо бўлмайди. Шунинг учун микроскопда ясси лентага ўхшаб кўрниади.

Нормал ривожланиб, етилган тола қуриганда, уннің деворчалари тўла пучаймайди, натижада деворчалари ўртасида тирқишига ўхшаш ковакча қолади, яъни шакли ўзгарган каналча ҳосип бўлади. Яхши етилмаган тола қуригандан кейин, уннің деворчалари шунчалик кучли пучаядикі, натижада деворчаларининг ички томони бир-бирига зич тегиб, каналча бўтуналай йўқ бўлиб кетади. Қуриган тола ичида ковак (тирқиши)ният бўлиши, толаларни бўяшда, амалий жиҳатдан катта аҳамиятгә эга.

Яхши етилнб пишган тола ялтироқ бўлади, хомларі эса ялтирамайди.

Ҳар бир чигитни уннің толалари билан бирга ботаникада летучка (чигит паҳта) дейилади (30-расм). Летучка хўжалик мақсадларида фойдаланиш ва қайта ишлашда асосий паҳта маҳсулоти ҳисобланади.

Кўсак ча ногида жой тор бўлганлигидан ҳар бир летучка толаси ривожланиш жараённида қисилиб, жула буралиб, букилиб, бир-бири ва ёнидаги летучка толаси билан чалкашиб кетади.



30-расм. Летучка (чигит паҳта):

1. Толалари тўғриламмаган чигит.
2. Толалари тўғрилашган чигит.
3. Тукли чигит.
4. Туксиз чигит.

Бунинг натижасида ҳар бир чаноқдаги летучкалар бир бутунга айланади, буни бир чаноқ пахта деб аталади.

Күсакда етилиб очилган чаноқ пахта толаси қуриб, намлиги ни аста-секин йўқотади. Унинг укпарланиши ортади ва қаддини ростлайди.

Совуқ ургандан кейин қуриб очилган, лекин яхши етилмаган хом кўсакнинг, шунингдек, касаллик ёки заараркунандалар шикастланиши оқибатида ривожланишдан барвақт тўхтаган, қуриб очилган кўсакларнинг чаноқ пахтаси унчалик укпарланмайди. Бунинг сабаби шундаки, етилмаган кўсакда тола деворчалари ҳам яхши ривожланмаган бўлади. Бунда кўсакнинг етилиш даражасига қараб чаноқ пахтанинг укпарланиш даражаси ҳам ўзгариади.

Етилиб очилган кўсакдаги ҳар бир чаноқнинг летучкалари ўза навларига қараб бир-бири билан ўзаро ҳар хил даражада бирикади. Ёзанинг баъзи навларида летучкалар ўзаро шунчалик яхши бириккан бўладики, кўсак очилиб, пахтаси тўла укпарланиб турған тақдирда ҳам бир чаноқ пахта ўзига хос шаклини анча вақтгача сақлаб қолади. Ёзанинг бошқа баъзи формаларида эса чаноқдаги летучкалар ўзаро яхши бирикмаган бўлиб, кўсак очилгандан кейин бироз вақт ўтгач, у шамол таъсирида ёки ўз оғирлиги билан ерга оқиб тушади ёки чаноғидаз осилиб қолади, шунинг оқибатида чаноқ пахтанинг шакли бутунлай бузилиб кетади. Чаноқдаги летучкаларнинг ўзаро ёмон бирикканлиги ҳосилнинг бир қисмини исроф бўлишига олиб келади ва бу хилдаги пахтани шпинделли машиналарда териб олиш анча қийинлашади. Шунинг учун летучкаларни бир-бири билан ҳаддан ташқари бўш ёки қаттиқ бирикиши унчалик яхши эмас.

Баъзан очилган кўсак чаноғининг элг остки бурчагига битта лўппи чигит маҳкам ўрнашиб қолади. Бундай ҳол айрим ўза навларига хос хусусият бўлиб, амалий жиҳатдан фойдасиздир. Чунки бу пахтани қўлда ёки машинада теришни қийинлаштиради ва чаноқда қолиб кетиб, исрофгарчиликка сабаб бўлади.

Нормал ривожланган кўсакнинг баъзи чаноқларнадаги айрим толалар яхши ривожланмаган бўлиши мумкин. Толаларнинг мёёрида ривожланмаслиги тугунчадаги айрим уруғкуртакларнинг уруғланмай қолиши натижасида содир бўлади. Маълумки, тола асосан гул очилган кундан бошлаб ривожланади. Лекин шу вақтда уруғланган уруғкуртак ҳамда уйдаги тола ривожланишга киришганда, уруғланмаган уруғкуртак ва уйдан ўсабошлилаган тола ҳам ривожланшишини давом эттириб, сўнгра тезда ривожланышдан тўхтайди ва иобуд бўлади. Бундай ўлик уруғкуртак пахта қуриганда қисқа толали тугунча бўлиб қолади, буни майдада ўлиқ дейилади.

Уруғкуртакнинг уруғланмай қолиши, унинг етарли даражада чангламаслиги ёки чангчи ва уруғчи чанг трубкасининг ўсипши учун ташқи шароит (температура, ҳаво намлиги)нинг иокулав бўлиши, шунингдек айрим уруғкуртаклар яхши ривожлана

Олмай уруғланишга қобилятсызлиги (қопчиғида муртак йўқлиги) натижасида рўй беради.

Уруғкүртакнинг уруғланмай қолиши натижасида ҳосил бўладидан майда ўлиқдан ташқари пахтада йирик ўлик ҳам бўлиши мумкин. Йирик ўлик уруғланган ва муртаги озми-кўпми ривожланган уруғкүртакнинг ўлиб қолиши натижасида вужудга келади. Демак, йирик ўлик — ривожланишдан қолиб, ўлган толадир.

Майда ва йирик ўлик пахталарнинг пайдо бўлишига, юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари кўпинча ўсимлик ва унинг айрим органларининг нотўғри озиқланиши, жумладац, яхши парвариш қилинмаслиги, фўзага касаллик, айниқса фўзага вилът касаллиги тушиши сабаб бўлади.

Ўлик пахта миқдори ҳар бир фўза навининг биологик ва бошқа ирсий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлади. Фўза павига қараб ўлик пахта миқдори (массаси жиҳатидан) 1 фоиздан кам, айрим ҳоллардагина 1 фоиздан сал ошади. Етилган чигитга иисбатан дона ҳисобидаги миқдори эса одатда бир неча фоиздан 20—30 фоизгача ва бундан ҳам кўпроқ бўлади.

Ўлик пахтанинг пайдо бўлиши ҳосилни камайтириб юборади. Тегишли фўза навларини яратиш, уруғланиш жараёнинг ёрдам бериш ва ўсимликнинг озиқ ҳамда сувга бўлган эҳтиёжини қондириш йўли билан ўлик пахта миқдорини кескин камайтириш, бинобарин, ҳосилни бирмунча ошириш мумкин.

Ўлик пахта ҳосилнинг фақат миқдоригагина эмас, балки сифатига ҳам ёмон таъсир этади. Бу пахтанин тозалаш, толани чигитдан ажратиб олишни қийинлаштиради, тозаланган толада қолиб кетган ўлик пахта йигириш ва тўқув машиналарининг нормал ишлашига, газламаларнинг аъло сифатли тўқилишига ҳалал беради.

Қўсакларда айрим толалар, баъзан бир группа толалар ривожланимай қолади, яъни бу толалар ривожлапишдаи барваҳт тўхтаб, қўсак очишли вақтида хом бўлади. Бундай толалар етарли даражада буралмаган ёки умуман буралмаган бўлади. Тўқимачлик саноатида эса «ўлик тола» тоифасига киритилади. Чапоқ допраснда нормал ривожланган толага деворчалари ҳаддан ташқари яхши ривожланган толаларни киритиш керак. Бу хизмати толалар қуриганда тўлиб кетмайди ва шунинг учун ҳам буралмайди.

Кўичилик маданий фўза формаларни тола оқ бўлади, лекин шундай фўза формалари ҳам борки, уларнинг толаси оқ-сарғиш, малла, яшил, нушти ва қўнғир тусда бўлади. Толанинг табиатин яшил ва қўнғир тусда бўлишига сабаб шуки, унинг целялюлозали деворчаларида катехин деб аталашиб мадда бор. У мураккаб органик моддаларга мансуб бўлиб — таниллар группасига киради.

Толаси рангли фўза навларининг хусусиятларидан бири шуки, тола сиртидаги кутикуляр қават оддий оқ толага қараганда бирмунча қалип бўлади. Масалан, Москвадаги Марказий пахта газламаси саноати илмий-тадқиқот институтининг маълумотига

қараганда, мой-мум мөддалардан ташкил төпган кутикуляр қават оқ толаларда массасига нисбатан атигы 0,6 фоиз бўлгани ҳолда яшил ва қўнғир толаларда 4—7 фонзга етади.

Кутикуляр қават толанинг йигирилиш хусусиятини яхшилайди. Бундан ташқари, кутикуляр қават целлюлозалийи девор ичига нам ўтказмайди, демак, толани бузилишдан сақлади.

Оқ тола асосан ўрта толали ғўзанинг кўпчилик навларига, жайдари ғўза, Ҳиндси-Хитой ғўза туридаги навларга хос хусусиятдир. Оч сариқ тусли тола эса асосан ингичка толали ғўза турига мансуб формалар учун характерлиди. Қўнғир тус толали пахта 4 та турдаги маданий ғўзаларнинг ҳаммасида кузатилади, яшил ёки оч яшил толали пахта эса асосан Г. хирзутум ва Г. гербациум тур ғўза навларига хос бўлиб, камдан-кам учрайди.

Пахта толасини ишлатишда унинг технологик хусусияти катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга чигитли пахтадан қанча миқдорда тола чиқиши ҳам хўжалик жиҳатдан жуда муҳимдир. Толанинг асосий технологик хусусиятларига: узунлиги, ингичкалиги, пишиқлиги, буралувчанлиги, эластиклиги, узилиш узунлиги ва етилиши киради.

Толанинг узунлиги. Маданий ғўзаларда толанинг узунлиги 18—20 мм даири 45—50, ҳатто 55—60 мм гача бўлади. Г. барбадензе тур ғўза формаларига мансуб Си-Айленд ғўзасининг пахта толаси энг узун бўлиб, бу турга ингичка толали совет ғўзаси ва миср ғўзалари киради. Бундан кейин эса толасининг узунлигин жиҳатдан ғўзанинг маданий турлари қўидаги тартибда боради: ўрта толали (*Gossypium hirsutum*), Африка-Осие ғўзаси (*Gossypium hergusonii*), Ҳиндси-Хитой ғўзасининг (*Gossypium agnusceum*) толаси энг қисқа бўлади.

Иттифоқимиэда экилаётган ўрта толали ғўзага мансуб кўпчилик навларда пахта толасининг узунлиги 30—33 мм, баъзиларида бундан кўра узунроқ, ингичка толали совет ғўза навларига эса 38—40 мм гача боради. Толанинг бошқа хусусиятлари яхши бўлиши билан бирга, тола қанча узун бўлса, қиммати шунча ортади. Қузатишларга қараганда, толанинг узунлиги 1 мм га ошса, газламанинг пишиқлиги 3 фоизга ортар экан.

Толанинг ингичкалиги. Қуруқ тола диаметри (энни) микрон ҳисобида белгиланади. Маданий ғўза навларига толанинг диаметри 7—10 микрондан 30 микронгача, кўпинча 15—20 микрон бўлади. Тола ингичкалигини қўпинча метрик номер билан ифодаланади, метрик номер 1 г толанинг метр ҳисобидаги ёки 1 мг толанинг миллиметр ҳисобидаги умумий узунлигини билдиради. Тола қанча ингичка бўлса, унинг метрик номери шунча катта, аксинча тола қанча йўғон бўлса, унинг метрик номери шунча кичик бўлади. Энг йўғон, дағал толанинг метрик номери 2500, энг ингичка толанинг метрик номери 12000 атрофида бўлади. Ўрта толали совет ғўзаларида толанинг метрик номери 5000—5500, ингичка толали совет ғўза навларига эса 6500—8000, кўпинча 7000—7500 га тенг. Тола қаинчалик ингичка бўлса (тола

деворчалари нормал ривожланганда), у шунчалик яхши ҳисобланади. Ингичка толали пахта қўлга ипаксимон юмшоқ, нафис бўлиб туюлади. Бундай толалардан ингичка ва жуда пишник ипнигирилади ва нафис газламалар тўқилади.

Ингичка толали совет фўзаси, мисер фўзаси ва Си-Айленд турнадаги фўза навларининг толали энг ингичка тола ҳисобланади. Толанинг ингичкалиги жиҳатидан ўрта толали совет фўзаси иккинчи ўринда, Африка-Осиё жайдари фўзаси учинчи ўринда ва Ҳиндн-Хитой фўзаси тўртингчп ўринда туради. Жайдари фўза турнадаги навлар пахтасини пайнаслаб қараганда, толаси қўлга дағалроқ, Ҳиндп-Хитой пахтаси эса кўпинча жуни каби дағал туюлади.

Етарли даражада узун ва пишиқ бўлган жунсимон дагал толалар камвол саноатида жуинга қўшиб ишлатилади.

Толанинг пишиқлиги деб, унинг ўқи бўйлаб йўналган узувчи кучга қаршилик кўрсатиш қобилиятига айтилади. Битта толанинг пишиқлиги граммлар билан кўрсатилади. Битта етилган толанинг пишиқлик даражаси фўза навларига қараб ҳар хил — ўртача 4—7 г/тексга тенг.

Хозирги ўрта толали совет фўза навларидан толанинг пишиқлигини 4,—4,9 г гача, кўпинча 4,5—5 г; ингичка толали совет фўза навларидан эса бироз кўпроқ —4,6—5,2 г, кўпинча 4,6—5,0 г.

Тола пишиқларни унданаги деворчаларнинг қалинлигига боғлиқ. Шунинг учун клетчатка қатламларни тола деворчаларида қанча кўп бўлса, яъни тола қанча яхши етилса, у шунча пишиқ бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, кузги қора совуқ тушгунча нормал пишпб очилган кўсакдаги пахта толаси яхши етилмаган толага ва кўсак пахта толасига қараганда пишиқ бўлади.

Толанинг эластиклиги. Толанинг эластиклиги, яъни чўзилувчаник хусусияти унинг пишиқлиги билан боғлиқ. Ингичка ва пишиқ тола ҳаммавақт эластик бўлади. Шунинг учун ингичка толали совет фўза турига мансуб ҳамда ингичка толали бошқа баъзи бир фўза формаларининг пахта толаси пишиқ ва эластик бўлади. Бундай толалардан баъзи техник мақсадларда, масалан, автомобиль шиналари учун астар (прокладка) қилишда, парашют қилинадиган газмоллар тайёрлашда фойдаланилади ва ҳоказо.

Толанинг буралувчанилиги. Толанинг энг муҳим хусусиятларидан яна бири, унинг буралувчанилигидир. Бундай толалардан ип ипнигирилганда улар ўзаро яхши бирнишиб, ипнинг пишиқлиги, яъни тўқима пишиқлиги ортади. Тола қанчалик буралувчан бўлса, у шунчалик яхши ҳисобланади.

Толанинг буралувчанилик даражаси унинг бир миллиметрининг қанчалик буралиши билан белгиланади. Нормал ривожланниб пишган толада буралиш даражаси фўзанинг тур ва навига қараб турлича бўлади. Одатда, тола қанча яхши буралса, шунча ингичка бўлади. Масалан, толаси иисбатан дагал жайдари фўзанинг ҳар 1 мм толаси тахминан 6—8 марта, ўртача ва ингичка толали совет фўзалариники эса 10—12 марта буралади.

Бундан кейиңгисиники одатда биринчисиникига қараганда бир неча марта күп буралған бўлади.

Толанинг неча марта буралишидан ташқарни, бу буралишларниң тола бўйига бир текисда жойлашишининг ҳам аҳамияти катта. Тола қанчалик бир текисда буралса, у шунчалик яхши ҳисобланади.

Толанинг узилиш узунлиги. Толанинг метрик номерини пишиқлик (грамм ҳисобидаги) кўрсаткичига кўпайтириб 1000 га тақсим қилипса, узилиш узунлиги келиб чиқади. Толанинг бу хилда ҳисоблаб чиқпилган узилиш узунлиги назарий жиҳатдан шундай узунылкни, агар толалар бир-бири билан учма-уч уланаверса, у маълум узунликка етганда ўз оғирлиги билан узилиб кетади. Ҳозирғи экилаётган ўрта толали совет фўзасининг саноатбоп навлари толасининг узилиш узунлиги одатда 23—25 км га, ингичка толали совет фўза навлари толасининг узилиш узунлиги эса 33—36 км га, баъзи навларда эса 36—37 км га етади.

Толанинг етилганлиги. Толанинг етилганлиги унинг деворчаларида клетчатка қаватларининг пайдо бўлиш даражасига қараб аниқланади ва буни шартли равишда етилиш коэффициенти деб аталади. Етилиш коэффициентини аниқлаш учун тола микроскоп остига қўйилиб, максус ишланган тола етилиш шкаласига солиширилади. Шкалада толанинг етилганлиги 0 дан 5 гача 0,5 бирликда 11 даражада (гредация) га бўлиб кўрсатилган. Шкаладаги 0 коэффициенти ўлик толани, 5 коэффициенти ўта етилган, яъни деворчалари жуда қалинлашиб кетиши натижасида буралувчанлиги бўлмаган толани кўрсатади. Деворчалари нормал ривожланиб, буралувчанлиги бир текисда яхши етилган тола етилиш коэффициенти шкаласида 2—2,5 разами билан кўрсатилади.

Сўнгги вақтларда пахта толасининг етилганлигини аниқлашнинг янги усули — поляризациоп ёруғликка солиб кўриш усули ишлаб чиқылган. Бунда ҳар хил нурга солиб кўрилган тола турли рангда бўлиб кўринади. Бу усул билан бир йўла толанинг пишиқлиги ва метрик номерини ҳам осонликча аниқлаш мумкин.

Толанинг чиқиши. Толанинг чиқиши маълум миқдордаги чигитли пахта массасида олинган соф (чиғитсиз) тола массасининг шу тола олилган чигитли пахта миқдорига бўлган % ҳисобидаги писбатидир. Бинобарин, толанинг чиқиши бир томондан соф толанинг массасига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан чигит массасига (подпушкаси билан бирга), чигит массаси унинг пуч ёки тўқлиги ва йириклигига боғлиқ.

Чигит юзасида толаларнинг сони турли гўза формалари доирасида бир-биридан кескин даражада фарқ қилиши билан бирга, битта турга мансуб бир неча пав доирасида ҳам турличадир. Масалац, гўза турларида чигит сиртида 7 мингдан 15 мингтагача тола бўлади (Н. А. Райкова ва М. С. Канаш маълумоти).

Маданий гўза формаларида толанинг чиқими 20 лан 50 фоиз атрофида ўзгариб туради. Ишлаб чиқарниш амалиётида тола чи-

қиши ҳажмини уч категорияга бўлиш қабул қилинган: тола чиқиши 30 фоиздан кам бўлса паст, 30—33 фоиз бўлса ўртача ва 33 фоиздан юқори бўлса юқори деб ҳисобланади. Бундай уч категорияга бўлиш шартли равишда қилинган, лекин селекцияда эришилган ютуқлар ва саноатининг талабига қараб у ўзгариши мумкин.

Иттифоқимизда ўстирилаётган фўза навларида толанинг чиқиши миқдори қуидагича: ўрта толали гўза навларида тахминан 35—38 фоиздан, ингичка толали навларда эса 28—34 фоиз. Бинобарин, СССРда экилаётган ўрта толали навларга мансуб пахта толасининг чиқиши проценти энг юқори, ингичка толали навларникдаи чиқадиганлариники эса кўпинча ўртача ҳисобланади.

Толанинг технологик хусусияти фўзанинг тур ва навларнинг фақат ирсий хусусиятигагина эмас, балки ҳар бир туп доирасида кўсакнинг жойлашиш ўрнига, шунингдек, ҳар бир кўсакда чигит марказий уруғбанднинг қаерида жойлашганлигига ва ҳар бир летучкада тола чигит сиртининг қайси ерида ўрпашганилиги қараб ҳам ўзгаради. Толанинг баъзи технологик хусусияти туп доирасида дастлабки конусдан кейинги конусларга томон камая борса, баъзиларида кўпая боради. Масалан, толанинг пишиқлиги ва диаметри камайиб борса, узунлиги ва буралувчанлиги ошиб боради.

Кўсакдаги етилган тола биринчи ички конусдан ташқи конусга ўтган сари унинг сони аста-секин камайиб боради. Бунда фўза тупининг биринчи конуси доирасида, яъни кузги қора соvuқ ургунга қадар нормал очилган кўсаклардаги яхши етилган толалар ташқи конуслардаги кўсакларда очилган пахта толасига қараганда жуда секинлик билан камайиб боради.

Шундай қилиб, толанинг технологик хусусияти фўзанинг бир туп ўсимлигидаги кўсакларда ҳам бир хил эмас. Толанинг бундай хусусиятларини билиш ҳосилни йиғиб-териб олишни тўғри ташкил этиш ҳамда тола ва чигитдан тўғри фойдаланиш учун жуда муҳимдир.

Биринчи конусдан кейингисига ўтган сари тола чиқишининг камайиши умумий тола массасининг чигит оғирлик массасига нисбатан бирмунча тез камайишига сабаб бўлади.

Толанинг технологик хусусияти чигитда жойлашишига кўра қуидагича ўзгаради. Чигитнинг халаза томонидаги толалар энг узун, микропиле томонидаги толалар энг қисқа, чигит биқининг жойлашган толаларнинг узунлиги эса ўртача (оралиқ узунликда) бўлади. Шунингдек, чигитнинг микропиле томонидаги толалар энг пишиқ, халаза томонидаги толаларнинг пишиқлиги эса энг паст, чигит биқинидаги толаларнинг пишиқлиги эса ўртачадир. Етилган толалар миқдори ҳар битта летучкада микропиледан халаза томонга қараб аста-секин камая боради.

Толанинг етилиш даражаси унинг пишиқлиги билан узвий боғлиқдир. Микропиледан халаза томонга ўтган сари лётучка доирасида етилган толанинг сони аста-секин камайиб боради. Шундай қилиб летучка доирасида толанинг сифати бир хил-

да эмас. Шу биләм бирға бундай нотекислик ғүза формаларига қараб ҳар хил даражада ифодаланади.

Летучка, шуннингдек күсак, ғүза тупи ва ниҳоят барча ҳосил массаси донрасида толанинг технологик хусусияти узунлиги, ингичкалиги, пишиқлиги ва бошқа хусусиятлари жиҳатдан қанчалик бир текис бўлса, бу тўқимачилик саноати учун шунчалик яхши бўлади.

Толанинг технологик хусусияти тупроқ ва иқлим шароитига, шуннингдек, қўлланиладиган агротехникага қараб ҳам маълум даражада ўзгаради. Толанинг чиқишида ҳам худди шуярни айтиш мумкин. Толанинг барча технологик хусусиятлари орасида толанинг узунлиги ташқи муҳитнинг таъсирига осонликча берилувчан бўлади. Бунда толанинг узунлигига ғўзани сугориш ва ўғитлаш айниқса катта таъсир этади, Ғўзани қондириб сугорилганда ва ўғитланганда тола узаяди. Лалмикор ерларда толанинг пишиқлиги ва узунлиги қисқаради.

Чигит тукининг тузилиши ва ривожланиши эса толанинг тузилиши ва ривожланишидан фарқ қўлмайди. Чигит тукининг чигит толасидан фарқи шундаки, тук жуда калта (2—5 мм), аммо унинг умумий диаметри асосий тола диаметридан 1,5—2 марта катта бўлади. Тукнинг деворчалари жуда юпқа, чунки унинг деворчаларида атиги бир неча қават клетчатка бўлади. Шунинг учун ҳам улар учча пишиқ бўлмайди.

Чигитнинг тукчалар билан қопланшининг биологик жиҳатдан аҳамияти ҳозирга қадар етарли даражада аниқланимаган, лекин бу ҳақда озми-кўпми айрим фикр ва мулоҳазалар ёритилади.

А. М. Мальцев тола ва тук ички томондан ёғ-мумли кутникула қатлам блан қопланган деган тахминни илгари суради. Бу қатлам ғўзанинг эволюция жараёни давомида пайдо бўлган ва маълум бир шароитда мосланувчан белги сифатида ирсиятда мустаҳкамланган.

Тупроқ ҳаддан ташқари сернам ёки зичланиб кетса ва ҳарорат етарли миқдорда бўлмаса, чигит сиртидаги тук уругни нафас олиши учун қулай шароит яратади, чунки толалар орасида ҳаво ушланиб қолади. Бундан ташқари Ф. М. Мауернинг фикрича, тупроқ етарли даражада намланмаса ва қурғоқчилик юз берса чигит сиртидаги тук уругни бўртишдан, яъни қулай шароит вужудга келгунча унинг ҳаётчанлигини сақлайди.

Шундай қилиб, чигитнинг тук билан қопланшининг биологик аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у ҳар қандай мураккаб шароитларда ҳам ўзининг яхши яшashi учун шароит яратишга мослашган.

Бироқ сугориладиган деҳқончиликда, яъни ғўзанинг нормал ўсиб ривожланиш шароити яхши бўлганда чигитнинг тукли бўлиши шарт эмас, айниқса уруг механизмлар ёрдамида аниқ уялаб экилганда.

ҒҮЗА ТУПИННИГ УМУМИЙ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ РИВОЖЛАНИШ ФАЗАЛАРИ

Чигитдан униб чиққан ғүза ниҳолларп янги чигнти пишгунга қадар маълум ривожланиш фазаларини ўтайди. Ғүза ривожланиш жараёнида 5 та асосий фазани ўтайди: 1) униб чиқиши фазаси, яъни уруғбаргнинг ер бетига униб чиқиши; 2) чинбарг чиқарниш фазаси; 3) шоналаш фазаси, яъни ҳосил шохлар пайдо қилинш фазаси; 4) гуллаш фазаси; 5) пишиш, яъни кўсакларнинг очилиш фазаси.

Бу фазалар ўсимликни бир асосий фазадан иккинчи асосий фазага ўтишга ҳозирлади. Масалан, чинбарг чиқариш фазаси асосий пояди биринчи чинбарг чиқишидан бошланади; биринчи чинбарг чиқариш билан бундан кейин кетадиган асосий фаза — шоналаш фазаси бошланишигача бўлган давр ичидан ғўздан навбатдаги чинбаргларни чиқаришдан иборат кичик фазалар ўтади. Пояда 6—8 та чинбарг пайдо бўлгаида, одатда, учиди шонаси бўлган биринчи ҳосил шох вужудга келади, бу эса шоналаш фазасининг бошланганигидан далолат беради.

Шоналаш бошланишидан кейинги келадиган асосий фаза — гуллаш бошлангунча ўтадиган давр ичидан, ғўзанинг асосий поясида навбатдаги ҳосил шохлар пайдо бўлишидан иборат кичик фазалар ўтади. Нормал ўсиш ва ривожланиш шаронтида, ғўзада 9—11 та ҳосил шох пайдо бўлади ва биринчи ҳосил шохнинг биринчи бўғимидаги биринчи шона очилади, бу гуллаш фазаси бошланишдан нишонадир.

Гуллаш фазаси бошланишидан кейин келадиган асосий фаза — кўсакнинг етилиш фазаси бошлангунча ўтадиган давр ичидан ғўзада навбатдаги, гуллашдан иборат кичик фазалар ўтади. Гуллаш ғўза тупининг пастдан юқорисига қараб кўтарилиб, тахминан 17—18-ҳосил шохига етганда биринчи ҳосил шохнинг биринчи бўғимидаги биринчи кўсак очилади, яъни пишиш фазаси бошланади.

Ҳосил пиша бошлагандан то ўсув даври охиригача кўсакларнинг қисқа навбат билан очилишидан иборат кичик ривожланиш фазалари ўтади. Бу даврдаги кичик ривожланиш фазаларининг сони асосан пишиш фазасининг бошланиш муддатига ва ўсимликни уриб кетадиган кузги қора совуқнинг бўлиш вақтига, об-ҳаво ҳамда агротехника шаронтига қараб ҳар хил бўлади.

Ривожланиш фазаларининг давомийлиги ғўза формаларининг биологик хусусиятларига, жумладан, тезпишарлик ва узоқ муддат яшовчанлик қобиљиятларига, шунингдек, ўсиш шаронтиларига боғлиқ. Ғўза тезпишар ва ўсиш шаронти қулай бўлса, ривожланиш фазалари шунчалик (маълум чегара доирасида) қисқа бўлади, аксинча ғўза кечлишар, ўсиш шаронти ноқулай бўлса, ривожланиш фазалари шунчалик узоқ давом этади.

Үрта Осиё ва Закавказъенинг суюориладиган дәхқончилик шароитида ғўзанинг ривожланиш фазалари ўрта ҳисобда қўйидаги муддатда: тупроқдаги температура ва намлик шароити қулай бўлганда, экишдан униб чиққунча 5—7 кун, шароит нокулай келганда эса 10—15 кун ва ундан ҳам кўпроқ давом этади; униб чиқишидан биринчи чинбарг чиққунча 8—12 кун; чинбарг чиқа бошлашидан шона пайдо бўла бошлагунча 25—30 кун; шоналай бошлашидан гул очила бошлагунча ҳам 25—30; гуллай бошлагандан кўсакларнинг пиша бошлашигача 50—60 кун ўтади.

Иттифоқимизда экилаётган ўрта толали ғўза навлари чигити экилгандан ҳосили пиша бошлагунча тахминан 125—150 кун, ингичка толали ғўза навларида эса 145—160 кун ўтади. Экилиб келинаётган кўпчилик ғўза навларида кўрсатилаётган муддат айrim навларнинг хусусиятларига ҳамда ўсиш шароитига қараб 5—10 кун атрофида ўзгариш кўпайиши ёки камайиши мумкин.

Ғўза ривожланишидаги бир кичик фаза билан иккинчи кичик фаза ўртасидаги вақт ҳам худди асосий ривожланиш фазаларидаги каби турли муддатга чўзилади. Масалан, ғўзада дастлабки чинбарг чиққандан кейин пайдо бўладиган 2—3 та баргнинг ҳар бири ўртача 4—6 кун оралатиб, бундан кейин пайдо бўладиган бир неча баргнинг ҳар бири 3—4 кун оралатиб чиқади; ғўзанинг ўсув даврида бирмунча иссиқ кунлар бошлангач, унда ҳар 2—3 кунда янги барг пайдо бўлиб туради. Ёз охиридан бошлаб то ўсимлик ўсишдан тўхтагунча бир барг билан иккинчи барг пайдо бўлиши ўртасида ўтадиган вақт аста-секин чўзила бошлайди.

Шоналаш даврида (шоналашдан гул очила бошлагунча) кичик ривожланиш фазалари навбат билан гуллашдан иборат бўлиб, бу ўрта ҳисобда ҳар 2—3 кун оралғида ўтади.

Бир ҳосил шоҳ билан иккинчи ҳосил шоҳ пайдо бўлниши ўртасидаги вақт ҳамда қисқа навбат билан гуллашининг давомийлиги, бир барг билан навбатдаги иккинчи барг пайдо бўлиши ўртасида ўтадиган вақт ўсув даври охирида аста-секин кўпаяди.

Пишиш даврида (кўсак очила бошланишидан ўсув даври охиригача) кичик ривожланиш фазалари кўсакларнинг қисқа навбат билан очианинидан иборат бўлиб, у дастлабки вақтларда тахминан 3—5 кун, ўсув даври охирида (асосан температура пасайиб ва ҳаво намлиги ошганлигидан) 7 ва ундан кўпроқ кун оралатиб ўтади.

Ривожланиш фазалари ва уларнинг нормал ўтишини, шунингдек, ривожланишнинг нормал боришини ўзgartirадиган шаронтларни билниш, ғўзанинг ҳолатини тўғри аниқлаш ва конкрет шаронтларни ҳисобга олган ҳолда агротехника тадбирларини тўғри қўллаш жуда муҳимдир.

Иссиқлийка бўлган талаби. Маълумки, гўза ер шарининг йил давомида мутлақо совуқ бўлмайдиган, йилнинг энг салқин ойларида ҳам ҳаво ҳарорати 18 дан пастга тушмайдиган тропик минтақадан келиб чиққан ўсимликдир.

Ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун, чигитнинг униб чиқишини ҳам қўшганда, энг қулай ҳарорат 25—30 даража ҳисобланади. 25 даражадан паст ҳароратда ғўзанинг ривожланиши еустлашади. Ҳарорат пасайганда гўза ривожланишига салбий таъсир қиласди ва бу яққол сезилади. Ҳарорат 17 даражага тушганда эса ўсимликнинг ривожланиши ҳаддан ташқари сенилашиб кетади.

Ғўзанинг ривожланишига оптимал даражадан паст ҳарорат оптималдан юқори ҳароратга қараганда кучлироқ таъсир қиласди.

Гўза ривожланишининг дастлабки пайтларида, кўпинча шоналаш даврида, температуранинг оптимал даражагача кўтарилиши ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишини тезлаштиради. Унда баъзи бир морфологик ўзгариш рўй беришига, масалан, асосий ноянинг пастроидан биринчи ҳосил шох чиқишига, шунингдек, ўсув шохларининг бирмунча кўп бўлишига олиб келади.

Чигитнинг уна бошлаши ва ғўзанинг зўрга ривожланиши учун етарли бўлгап минимал (энг паст) ҳарорат 10—12 даража ҳисобланади. Лекин Л. Г. Арутюнованинг кузатишларига қараганда, чигит 10—12 даражада уна бошласа ҳам у ер бетига чиқаолмайди. Чунки уруғпаллани ер бетига кўтариб чиқадиган уруғпалла ости тирсагининг ўсиши учун ҳарорат камида 16 даража бўлишп керак. Шунинг учун чигит жуда эрта, яъни ер сернам, лекин ҳарорат минимал даражадан паст бўлганда экилса, у сийрак униб чиқади ёки бутунлай униб чиқмайди, чунки чигит сурʼи узоқ вақт туриб қолиб уммайди ёки фақат уруғпалла ости тирсагисиз ўсимта беради ва у ҳаётчанлигини йўқотади, кейин чирийдн. Бир қатор тадқиқотларининг кузатишларига қараганда, баъзи бир гўза навларидан аҳён-аҳёнда 8—9 даражада униб чиқадиган чигитлар ҳам учраб туради.

Минимал ҳарорат ёки шунга яқин ҳарорат узоқроқ давом этса, гўза касаллана бошлади. Ҳарорат паст, лекин О даражадан юқори бўлганда, ўсимлик ўсишдан ва ривожланишдан тўхтайди, бир неча кун ичида баргини тўкиб, тиним ҳолатга ўтади. О даражадан паст ҳароратда ғўзани совуқ уради. Совуқ уруши ғўзанинг ёшига қараб турлича бўлади. Масалан, эндигина кўринган майсалар ҳатто эрталабки қисқа муддатли — 1—2 даражали совуқдан, етук ғўзалар эса кузда 3—5 даражали совуқдан зарарланади. Нисбий температуранинг давомийлиги ҳам айниқса муҳимдир: салгина совуқ узоқроқ давом этса, у ғўзага қисқа муддатли қаттиқроқ совуқдан кўра кучлироқ таъсир этади. Бевосита совуқдан кейин бўладиган баъзи бир ташқи шароит-

лар, жумладан, ғўзанинг сояда қолиб кетиши, ҳаво намлиги, шамол ва бошқа факторлар ҳам унга ёмон таъсир қилади.

Ғўзанинг турига ва навига қараб совуқ турлича таъсир этади. Масалан, ингичка толали ғўза турига мансуб павлар ўрта толали ғўза навларига нисбатан қора совуққа бирмунча чидамлироқ бўлади. Ғўзанинг ёввойи турлари ичida шундайлари ҳам борки, улар қисқа муддатли —5, —8, ҳатто —10 даражали совуққа бемалол чидайди.

Узоқроқ давом этадиган фойдали паст ҳарорат таъсиридан ғўза ҳолсизланиб қолади. Йилнинг келишига ва кузга фойдали паст ҳароратнинг (совуқ урадиган даражагача) давомийлигига қараб ўсимликнинг совуққа чидамлилиги турлича бўлади. Совуқ тушишидан олдин фойдали паст ҳарорат қанчалик узоқ давом этса, ўсимлик совуққа шунчалик чидамсиз бўлади. Шу жиҳатдан ғўза ўсимлиги, буғдои, арпа, жавдар, беда каби экинлардан кескин фарқ қиласди. Чунки мазкур экинлар шундай паст ҳароратда ҳам униб чиқа олади. Кейинги пайтларда 30 даражадан юқори бўлган ҳарорат ғўзага салбий таъсир қиласди деб хисобланади. Бироқ ҳозирги кундаги кузатншлар кўсак тугиш даврида ҳароратнинг 36 даражагача кўтарилиши кўсакдаги чигит ва толанинг ривожланишини тезлаштиришини кўрсатди (А. Н. Тодоров маълумоти).

Ҳароратнинг 36—37 даражадан ошиб кетпши эса ғўза тўқималарини қиздириб юборади. 40 даражада ва ундан юқори ҳарорат эса ўсимликка қаттиқ таъсир қиласди. Шунинг учун ёзининг жазирама иссиқ пайтлари ғўза кўпинча тунги салқинда, яъни кундузги иссиқ қайтганда ўсади. Ҳаддан ташқари юқори ҳарорат ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига умуман салбий таъсир қилишидан ташқари, унинг чанг доначалари ҳаётчанлик қобилиятини пасайтиради, бу эса ўлук пахтанинг кўпайишига ва тутунчаларнинг тушиб кетишига сабаб бўлади.

Ғўза гулидаги чанг доначалари ўзининг ҳаётчанлигини йўқотиши натижасида гул тугунчаси уруғланмай қолиб, кўплаб шоналар тўқилиб кетади. Бундай ҳодиса гармсел (иссиқ шамол) эсган пайтда ҳам кузатилиши мумкин, чунки одатда чангдонтар ёрилиб, чангланиш содир бўладиган эрталабки соатларда гармсел таъсирида ҳаво ҳаддан ташқари қуриб, ҳарорат анча кўтарилади.

Ҳаддан ташқарип юқори ҳарорат ғўзанинг озиқланиши шароитини сусайтириб, тола чиқишини камайтиради. тола узунлигини қисқартириб, пишиқлигини ёмонлаштиради. Нисбатан мўътадил ҳарорат эса тола чиқишини бироз ошириб, узунлигини ва пишиқлигини анча яхшилайди. Исенқлик етишмаганда тола қисқаради ва унчалик пишиқ бўлмайди, чигити ҳам яхши ривожлана олмайди. Бундай чигит нахта териб олингандан кейин анча вақт ўтгачетилади.

Фойдали ҳарорат ҳақида тушунча. Закавказьеда маҳсус ўтказилган тажрибалардан шу нарса аниқландиди, ғўзанинг ҳар хил ривожланиш фазасида унинг ҳароратга талаби бир хилда эмас.

Ғұза бир ривожланиш фазадан иккінчи ривожланиш фазага ўтиши учун маълум даражада, яғни ўртача суткалик температурадан паст бўлмаган миқдорда иссиқлик талаб қиласди. Яна шунарса аниқланганки, ҳар хил ғұза навларида битта ривожланиш фазасининг ўтиши учун ҳарорат түрлича бўлишн керак.

Ғўзанинг ҳар хил ривожланиш фазаси учун турлича ҳарорат зарур бўлиши билан бирга, битта ривожланиш фазасининг ўтиши ва тугалланиши учун маълум миқдордаги фойдали ҳарорат Сўлиши лозим. Фойдали ҳарорат деганда ҳавоининг ўртача суткалик температураси билан ўсимлик мана шу ривожланиш фазасини ўта олмайдиган дарајага тушниб қолган ҳарорат орасидаги фарқ тушунилади. Агар ғўзанинг бирорта ривожланиш фазасини ўтиши давридаги барча ўртача суткалик фойдали ҳарорат якунланса, шу ривожланиши фазаси учун зарур бўлган фойдали ҳарорат йиғинидиси келиб чинади.

У ёки бу ривожланиш фазасининг ўтиши ва тугаллапиши учун зарур бўлган фойдали ҳарорат йиғинидиси ёзга павига қараб турлича бўлади. Ўззанинг у ёки бу ривожланиш фазасини ўтиши учун талаб қиласидиган ҳарорат қучининг пастки чегараси констант В, у ёки су ривожланиш фазани тугаллаш учун зарур миқдордаги фойдали ҳарорат йиғинидиси констант А деб аталган.

Л. Н. Бабушкин маълумотига кўра, Ўрта Осиё шароитида ўрта толали фўза навлари учун фойдали ҳарорат йиғинидиси тахминан қуидагича бўлиши керак (б-жадвалга қаранг).

Жадвалда күрсатылган түзэ навлары чигитининг униб чиқиши ва ўсимликда шоналаш-гуллаш фазаларининг ўтиши учун зарур бўлган фойдали ҳарорат йингиндисини ҳисоблашда шартли равишда бир хилдаги қуий чегара ҳарорати (констант В) — 10 дараажа, гуллаш-пишниш фазасининг ўтиши учун эса — 13 дараажа олинди. Фойдали ҳарорат йифгиндисини оддий йўл билан шу тартибда тахминий ҳисоблаш жуда қулай ва баъзан у амалда қўлланилади.

5-жадвал

Үртатасындағы тағылаштырылған жаңылықтардың мәндерін анықтаудың маңыздылығын көрсеткіштіктердің орталықтандыруынан тура келеді.

Гүзәт наоларшының тез көмөрлөк дараражасы	Фойдалы ҳарорат йүнгидиси, чигит жеккелди			Гуллатыдан үсімдіктердің 50 % илаги хо- сил салынғанда зарур бүлгелі фойдалы ҳаро- рат йүнгидиси	Числит экимидан үсімдіктердің 50 % илаги хо- сил етилгенде зарур бүлгелі жами ҳарорат йүнгидиси
	Калысаттар күрнүгүн- чи	Инаналы- ғаца	Гуллаты- ла		
Тезкил ар наалдар	84	485	900	660	1500
Хұта тезкил ар наалдар	84	503	950	675—685	1625—1635
Кеңиздер наал ар	84	500	1050— 1200	720—800	1770—2000

Ғўзанинг ёруғлика талаби. Ғўза фақат очиқ офтоб тушиб турадиган ёруғ жойлардагина яхши ривожланади. Ғўзанинг барг сатҳи (пластинкаси) кун бўйи қўёшга қараб ўз холатини ўзгартиради, кечқурун — қўёш ботиши билан барглар пастга эгилиб олади. Ғўзанинг эндигина униб чиққан уругнапласида ҳам бутуњ кун бўйи худди юқоридаги ҳодиса кузатилади.

Ёруғлик етишмай қолганда, масалан, дараҳт соясида ёки осмонии қалин булут қоплаганда ғўза суст ривожланади, мева туғиши даври бошлигандага ёруғлик етишмаса ғўзада кўплаб шона ва тугунчалари тўклилади. Ғўза фақат дараҳт соясидангина қийналмайди, у ёруғлик етишмаслигидан эзилади. Шу муносабат билан ўсимликиниг илдизи ҳамда дараҳт фаолияти биргалашиб, тупроқдаги озиқ моддалари ва намешгини камайтиришига сабаб бўлади.

Маълумки, ёруғлик етишмаса ўсимликларда ассимиляция интенсивлиги ҳам сусаяди. Масалан, А. Б. Благовиценский (Тошкент вилояти) ўтказган баъзи бир тажриба якунларига кўра, ғўза баргнинг 1 m^2 сатҳи қўёшли кунда ўртапишар навларда бир соатда 1,46 г, тезпишар навларда эса 1,45 г моддани ассимиляция қилган. Шундан кейин тез орада ҳаво булут бўлганда ғўза баргнинг ассимиляция интенсивлиги кескин даражада пасайган. Яъни ўртапишар навларда 0,0073 г, тезпишар навларида эса 0,06 г га тушиб қолган. Лекин ҳамма навдаги ғўзаларда ёруғлика талабчаплик бир хилда эмас. Экваториал мамлакатларидан келтирилган дараҳтсизон ғўза навлари интенсив ёруғлика ўта талабчан бўлади. Ер шарининг барча минтақаларида бир йиллик экич сифатида ўстириладиган паст бўйли ғўза навлари (дараҳтсизон эмас) эса ёз ойларида бўладиган максимал даражадаги интенсив қўёш ёруғлигини талаб қилмайди ва улар қўёш нури бироз тарқоқ, масалан, ҳавода битта яримта булут бўлган пайтларда яхши ривожланиб мўл ҳосил тўплайди.

Ғўзанинг ривожланишига куннинг давомийлиги жуда катта таъсир кўрсатади. Бошқа ўсимликлар каби ғўза қисқа кун ўсимлиги ҳисобланади. Нормал ривожланиши учун туининг узоқ, куннинг қисқа бўлишини талаб қилади. Узун кун шароитида ўсимликиниг ривожланиши секинлашади, ҳосил тугишга кириши кечикади. Шунга кўра, СССР ва бошқа мамлакатларнинг пахта етишитираларидан районларида куннинг табиий узунлигини маълум даражагача сунъий равишда қисқартирилганда ғўза ривожланиши тезлашиб, ҳосил тўплайдиган фазага ўтади.

Ҳар хил ғўза навларида сунъий қисқартирилган кунга кўра, фотопериодик ўзгариш турлича бўлади (сутка давомида ёруғ давр узунлигини фотопериод деб аталади). Н. Н. Константиновнинг кузатишларидан маълум бўлишича, кўпчилик дараҳтсизон ғўза навлари сунъий қисқартирилган кунда, айниқса, кучли даражада фотопериоди ўзгариши билан фарқ қиласи. СССРда бир йиллик ўсимлик сифатида ўстириладиган унчалик кечинишар бўлмаган ғўза навлари, масалан, СССРда экиладиган ингичка толали ғўза навлари қисқартирилган кунни унчалик сезмайди.

Тезпишарлиги бўйича ингичка толали ғўза навларига яқинроқ турадиган ўрта толали ғўза навларига қисқартирилган кун жуда суст таъсир қиласди ёки деярли таъсир қилмайди.

Тошкент шароитида кун узунлигини сунъий равишда 9—12 соатга келтириш ғўза ривожланнишини тезлаштиришга жуда яхши таъсир кўрсатади.

Куннинг бу хилда қисқартирилган узунлиги ҳар хил ғўза формалари учун уларнинг келиб чиқиш жойига ва филогенетик ривожлантиришига қараб турлича бўлади.

Қисқартирилган кун таъсирида ғўзанинг асосий поясидаги дастлабки ҳосил шоҳ настроқда пайдо бўлади, шунинг учун шоналаш, гуллаш ва пишиш фазалари эртароқ бошланади.

Лекин Н. Н. Константинов маълумотига кўра, суткалик ёруғлиknинг қисқартиш давомийлиги ҳар хил (8—12 соатгача) бўлгандга гуллаш суръати ўзгармайди. Ёруғлиknинг давомийлигини кескин, масалан, 6 соатгача қисқартирилганда ғўзанинг гуллаш суръати секинлашади. Ғўзанинг фотопериодик реакцияси сунъий қисқартирилган кунида юқоридагилардан ташқари ўсимликнинг айрим морфологик элементларини ўзgartиради. Масалан, бунда поянинг бўйи, барг сатхининг ва ёнбаргчанинг ҳажми қисқаради, лекин баъзан ёнбаргчанинг ҳажми ўзгармаслиги ҳам мумкин.

Юқорида айтилганидек, қисқартирилган кун таъсири натижасида кучли фотопериодик ўзгариш ҳодисаси дараҳтсизмон ғўзаларнинг кўпчилик ўта кечпишар формаларида кузатилади. Бундай ғўзалар Тошкент шароитида далага экилса, буларда етилган кўсаклар пайдо бўлиши у ёқда турсин, ҳатто улар шоналаш фазасига ўтишга ҳам улгурмайди. Сунъий қисқартирилган кун таъсири натижасида бу хилдаги ғўзаларда дастлабки ўсув шоҳининг жойланиш ўрни жуда пастга (30—35 бўғимдан 9—11 бўғимга) тушади. Дастлабки ҳосил шоҳнинг бунчалик пастга жойланиши натижасида бу ғўза бизда етиштирилладиган ингичка толали ғўзаси навлари билан деярли бир вақтда гуллайди. Бу эса селекция ишларида дараҳтсизмон ғўзаларни биздаги оддий ғўза навлари билан чатиштириш имконини беради. А. И. Автономов мана шу йўл билан кўсаги йирик-ингичка толали ғўза навини яратди.

Қисқартирилган кун таъсирида ўсимликда пайдо бўлган хусусият кейинчалик одатдаги табиий узун кун шароитида ҳам сақланиб қолиши учун қисқартирилган кун билан таъсир этиш ғўза навларининг турига қараб ҳар хил муддатга чўзилиши керак. Масалан, Н. Н. Константинов томонидан ўтказилган тажрибалирга кўра, чигит униб чиқиб, майсалар кўрингандай кейин қисқартирилган кун таъсирида 45 сутка қолдирилди. Бунда ғўзанинг бирмунча тезпишар ҳамда баъзи бир дараҳтсизмон навлари ўзларида касб этган ўзгаришни кейинчалик табиий кун узунлигига ҳам сақлаб қолди, яъни фотопериодик таъсир кейинчалик ҳам давом этди.

Сунъий қисқартирилган кун билан ғўзага таъсир этишда ўсимликка ёруғлик куннинг қайси пайтида тушиши ҳам аҳамият-

лидир. Айниқса, бу ана шундай ҳолга бирмунча таъсириш да-рахтсимон ғұзанинг айрим турларига тегишилди. Ғұза әрталаб-ки соат 8 дан кеч соат 6 гача бўлган ёруғ кун давомида айниқса тез ривожланади. Кунни эрталабки ёки кечки соатлар ҳисобига бирмунча қисқартириш яхши натижка бермайди. Н. Н. Константинов тажрибаларида одатда куннинг ўрталарида 1—3 соат та-наффус бўлиши натижасида синовдаги ўсимлик реиродуктив ривожланиш фазасига ўтмади. Демак, сутка давомида ғұзани қанча вақт ёргуга қолдириш билан бирга, ўсимликинг ривож-ланishi учун ёруғлик нурининг (спектр таркибиинг) сифати ҳам катта аҳамиятга эгадид.

Ғұзанинг сувга бўлган талаби. Ғұза қурғоқчиликка чидамли бўлишидан ва илдиз системасининг кучли ўсиб, тупроқ ичига ани-ча чуқур кириб боришидан қатъи назар у сув билан старли миқ-дорда таъминлангаандагина яхши ўсиб ривожланади ҳам серкў-сак ҳосил шоҳлар чиқади, яъни мўл ҳосил тўплайди.

Урта Осненинг турли шаронтида ўсаётган ҳар хил ғұза на-ларида транспирация коэффициенти бутии ўсув даврида ўртача 600—700 га тенг. Бу рақам асосан ўсимликинг ўзиш шаронтига қараб күпинча 400 билан 800 орасида ўзгариб туради, баъзан 1000 га, ҳатто 1400—1600 га этиши ҳам мумкин. Ўсимликинг ўзиш шаронти қанча яхши бўлса, транспирация коэффициенти ҳам шунча кичик бўлади, демак, ўсимлик сувдан шунчалик тежаб фойдаланади. Бу ғұзани суғоришда (суви танқис бўлган ҳолларда) айниқса муҳимдири.

Транспирация коэффициентига ғұза ўстириш ва агротехника шаронтининг қанчалик катта таъсири этишиниң қўйидаги жадвал маълумотларида яққол кўриш мумкин (б-жадвал).

6-жадвал

Қўлланган агротехники даражасининг ғұза ҳосилига ва транспирация коэффициентига таъсири (СоюзНИХИ) нинг Оққовоқ тажриба станцияси маълумотлари бўйича С. Н. Рижов ҳисобаб чиққан

Йиллар	Пахта майдо-ни, га	Ҳайдаш чу-курлани, см	Ҳар гектарга солин-ган ўйт (соғ модда ҳисобида)			Ҳар гектарга солин-ган ўйт (соғ модда ҳисобида)	Пахта ҳосил. ц/га	Умумий қурӯқ масса ҳосил. ц/га	Транспирация коэффициенти
			V	P	K				
1926	33,8	11	30	16	16	4,4	11,0	27,5	1651
1928	10,5	13	26	21	9	5,0	14,9	37,2	1278
1930	12,5	15	5	2	1	5,0	15,7	39,2	1252
1932	71,4	18	39	27	15	5,8	15,3	38,2	1404
1935	50,3	20	55	55	1	7,7	21,5	53,7	947
1936	48,4	41	159	164	20	9,0	37,5	81,4	736
1937	33,0	24	229	250	67	9,1	40,2	90,4	723
1938	35,4	26	119	176	63	8,8	39,2	88,6	694
1939	37,0	28	151	180	69	8,4	43,6		602
1940	36,7	28	160	166	75	8,1	44,6	1	620

Жадвал мазълумотларидан, тажриба станицасида нисбатан паст агротехника қўйлланган 1935 йилда пахта ҳосили кам, транспирация коэффициенти эса жуда катта эканлиги кўриниб турибди. 1935 йилдан эътиборан агротехника тадбирлари бирмунча яхшиланди ва ҳосилдорлик анча ошди, транспирация коэффициенти эса камайди. Кейинги йилларда агротехника такомиллаштирилган сари пахта ҳосили аста-секин оша борди ва бир йўла транспирация коэффициенти камая бошлади.

Ғўза турли ривожланиш даврида ҳар хил миқдорда сув талаб қиласди ва ўсимликнинг абсолют сув сарфлаши ривожланиш даврига қараб турлича бўлади. Буни ғўзанинг транспирацияга сарфлаган сув миқдоридан ҳам кўриш мумкин.

В. И. Цивинский кузатишларига кўра, ғўзада транспирация интенсивлиги шоналаш даврида энг кучли бўлади. Гуллаш ва пишиш даврида эса у кескин даражада пасаяди. Суфориладиган ва лалмикор ерларда ҳар хил навга мансуб ғўзалариинг транспирация интенсивлиги кузатилганда у турли ғўза навларида турлича бўлиши маълум бўлди. Лалмикор ерларда ўстирилган ўрта толали тезпишар ғўза навларида, шунингдек, суфориладиган шароитда ўсган навларда транспирация жараёни кечпишар навларга қараганда жуда суст боради. Буни уларда илдиз системаси яхши ривожланмаганилиги билан изоҳлаш мумкин.

Ғўзада абсолют сув сарфининг транспирация интенсивлигидан фарқи шуки, ўсимлик гуллай бошлагунга қадар, жумладан, шоналаш даврида сарфлайдиган сувнинг абсолют миқдори унчалик юқори бўлмайди, чунки бу даврда ғўзанинг сув буғлатирадиган умумий сатҳи катта эмас. Бў вақтда ўсимлик атрофидаги ҳаво ҳарорати ҳам унчалик юқори ва қуруқ бўлмайди. Масалан, майсалар биринчи чинбарг чиқарган вақтда 1 га ердаги ғўзалар суткасига $10-12 \text{ m}^3$, шоналаш фазасида эса $30-50 \text{ m}^3$ сувни транспирацияга сарфлайди.

Ғўза гуллаш даврида унинг абсолют сув сарфи юқори даражага кўтарилади, чунки бу даврда ўсимлик кучли ўсиб, унда жуда катта буғлатиши сатҳи вужудга келади. Бундан ташқари гуллаш даврида ғўза атрофидаги муҳит ҳавосининг ҳарорати ва қуруқлиги юқори даражага етади.

Урта Осиёнинг суфориладиган деҳқончилик шароитида (июль-август ойларида) ғўзаларнинг транспирация учун сарфлайдиган суткалик максимал сув миқдори гектарига $80-90 \text{ m}^3$ га, ҳатто $100-120 \text{ m}^3$ га етади.

Ҳосил пишиш даврида ғўзанинг сув сарфлаши яна аста-секин камайади. Бу ғўзанинг ҳаёт фаолияти, жумладан, ўсиш жараёни сустлашиши, ўсимликларда барглар қисман тўкилиб, айрим кўсанлар пишиб, ғўзанинг умумий сатҳи камайиши билан ва бу даврда ҳаво температураси бироз пасайиб, намлиги сал ошиши билан болжиқдир.

Ғўзанинг етилини даврида транспирацияга сарфлайдиган суткалик сув миқдори гектарига тахминан $30-40 \text{ m}^3$. Бутун ўсув даври давомида эса тахминан $5000-6000 \text{ m}^3$ ни ташкил этади.

**Ўзанинг ўсув даврида абсолют сув сарфининг транспирацияга, ўсимликда қуруқ масса миқдорининг
ошишига ва транспирация коэффициентига таъсири (С. Н. Рижев матлумоти)**

Кўрсаткичлар	22.VI – 1.VII	1.VI – 11.VI	11.VI – 21.VII	21.VI – 1.VIII	1.VIII – 11.VIII	11.VIII – 21.VIII	21.VIII – 31.VIII	31.VIII – 10.IX	10.IX – 20.IX	20.IX – 30.IX	30.IX – 19.X	Жами	
Ўсув идишда транспирацияга кетган абсолют сув сарфи (кг)	1,60	1,75	1,70	4,30	7,70	8,60	8,15	7,15	6,95	6,15	5,80	4,80	64,69
Ўсимлик таркибида қуруқ массанинг ўсиши, г хисобида	0,96	2,66	2,95	8,66	14,80	22,80	29,20	26,7	23,1	17,0	7,30	0,00	156,7
Транспирация коэффициенти	1684	658	576	500	520	377	288	267	301	349	794	—	413

Эслатма: чигит 27 апрелда экилган: 12 июнга қадар ҳар бир ўсув идишда 2 тадан ўсимлик, 12 июндан бошлиб эса 1 тадан ўсимлик бўлган.

Бинобарин, транспирация коэффициентининг кескин даражада пасайиши ғўзанинг стилиш даврига қадар на параллел равишда боради, бу бир томондан транспирациянинг кескин пасайиши, иккичи томондан эса абсолют сув сарфининг ошиб бориши билан боғлиқ. Бунда транспирация коэффициентининг минимал вақти унинг минимал интенсивлик вақти билан ва ўсимликнинг абсолют сув сарфи ошиб бораётган вақтига тўғри келиб қолади.

Ғўза гуллаш даврида сувин максимал даражада сарфланганлиги сабабли ўсимликни етилишига қадар абсолют сув сарфи аста-секки ошиб боради. Бу ўсимликда қуруқ масса миқдорини ошиб бориши ва ғўзанинг гуллаш даврида бу миқдорни бирмунка ўсиши билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай қилиб ғўзанинг етилишига қадар транспирация коэффициентини кескин пасайишига сабаб транспирация интенсивлигини кескин пасайиши ва шу даврда ўсимликда қуруқ масса миқдорини жадаллик билан ошиб (ўсиб) боришидир (7-жадвал).

Урта Осиёда ҳам ўсимликнинг ўсиши йилнинг совуқ тушиш даври бошланиши билан тўхтайдиган бошқа барча районлардати каби ғўза ҳосилдорлиги унинг тезпишарлигига ва кўсагининг йирклигига ҳамда барвақт кўплаб кўсак тузишига қараб белгиланади.

Бу белгилар ташқи муҳит шароити, жумладан, ғўзанинг ҳар хил ривожланиш фазасида сув билан қай даражада таъминланганлигига қараб кескин ўзариши мумкин. Ғўзанинг сувга бўлган талабини сугориш йўли билан қондириб, ўсимликнинг илдиз системаси ва ер устки қисмини ривожланишига таъсир этиб, мўл пахта ҳосили етишириш мумкин.

Ривожланиш фазаларида ғўзанинг сув билан таъминланиши унинг тезпишарлигига, кўсагининг йирклигига ва ҳар бир тупдаги кўсак сонига турлича таъсир этади. Шу билан бирга бу таъсир ўсимлик навининг ирсий хусусиятига, шунингдек, ташқи муҳит шароитига, хусусан, тупроқ унумдорлигига, ер ости сувларининг чуқурлигига, об-ҳаво шароитига ва қўлланилаётган агротехника даражасига қараб ҳам турлича бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитида юқорида кўрсатиб ўтилган факторларнинг ҳаммаси ўзаро ва сув шароити билан турли даражада қўшилиб кетади. Шунга кўра сув ҳам турлича таъсир этиши мумкин.

Тупроқда намининг кам ёки кўп бўлниши ғўзада бир қанча физиологик ва морфологик ўзаришлар рўй беришига, масалан, баргдаги сўриш кучининг, барг тусининг поя учи рангининг ўзгаришига, юқоридаги гуллининг поя учига нисбатан бошқачароқ жойлашшига ва бошқаларга сабаб бўлиши мумкин. Мана шу ўзгаришларга қараб ғўзанинг сувга талабини маълум даражада аниқласа бўлади.

Ғўзанинг озиқ моддаларга бўлган талаби. С. А. Кудриннинг Союз ШИХИнинг Оққовоқ тажриба станицасидан олган маълумотларига қараганда Урта Осиё шароитида ғўзанинг бутун ер

усти қисмлари билан биргә, 1 т чигитли пахта стиштириш учун агротехника нүктән назаридан мұхым бўлган озиқ элементлардан таҳминан: 50 кг азот, 10 кг фосфор, 50 кг калий бўлиши керак. Бошқа элементлардан: ўрта ҳисобда 50 кг кальций, 10 кг олтингугурт, 10 кг магний ва шунча натрий, 2 кг гача темир, 200 г гача бор, 50 г дан камроқ мис, Б. В. Рогальский маълумоти бўйинча 1,5 кг атрофида хлор бўлиши керак.

Шүр ерларда ўстирилган ғүзәнинг озиқ моддаларга талаби бошқачароқ бўлади. Бунда ўсимликка хлор, магний ва натрий кўпроқ, кальций, темир ва бошқа баъзи элементлар камроқ ўтади.

Урта Осиё шароитида ўснмлик түри ҳамда навишинг физиологияк ва биологияк хусусиятига қараб ғўза ер усти массасига ишбатан 25—30 дан 50—60 фонзгача пахта олиш мумкин.

С. А. Кудрят ўрта толык совет фүзаларыннинг ер усти вегетатив массасы билан биргә 1 т пахта ҳосил қилиши учун 30—70 кг азот, 10—20 кг гача фосфор ва 30—80 кг гача калий талаб қилишини аниқлаган. Агар пахта фүзаныннинг ер усти қисемига нисбатан 50—60 фойзни ташкил қылса, уннинг азот, фосфор ва калийга талаби пахта умумий ҳосил (пахта ва ер усти қисми) иннинг 50 фойзидан оз бўлгандаги талаби пахта умумий ҳосилнинг 25—30 фойзинни ташкил қылганда айниқса кўшайди. Буни қуйидаги жадвалдан ҳам кўриш мумкин (8-жадвал).

8-жадвал

**Ғұзанинг ер усти ўсуы қисмінің қосыл қилиш ва 1 т пахга олиш учун
зарур бұлған азот, фосфор ва калий миқдори, кг**

Гүзәннинг ер усти қисмига нисбатан умумий ҳосиллннг күйидаги қисмини пахта ташкил этганда, %		P ₂ O ₅	K ₂ O
48 — 57	28 — 38	10 — 13	28 — 33
42 — 47	32 — 46	12 — 16	32 — 48
35 — 42	43 — 61	12 — 17	48 — 57
26 — 33	59 — 61	17 — 20	55 — 81

Үрта Осиё шароитида ингичка толали ғұзалар үрта толали ғұзаларга қараганда азот, фосфор ва калий моддаларнни бир-мунча күпроқ сарфлайді.

Бунин шундай ифодалаш мүмкінкі, ингичка толали гүзада майда күсакчалар Ўрта Осиё шароиттада иисбатан кеңчишиар ҳи-соблаиган ўрта толали гүзага қараганда всеятатив массаси күп бўлса-да, лекин ҳосили кам бўлади. Америкалик тадқиқотчилар-нинг маълумотларига қараганда, гүзада илдиң системаси пайдо бўлиши учун ўсимликнинг барча ер усти қисмига азотнинг 3—5, фосфорнинг 5—7 ва калцийнишг 7—10 фонзи сарфлаиади.

Чигит униб чиқкан пайтда ёш ниҳоллар азот ва фосфорни жуда кам талаб қиласы. Чигит униб, ниҳоллар шоналадай бошлагунга қадар талаб аста-секин ортиб боради. Шоналашдан күсак-

лар стилгунча азот ва фосфорга бўлган талаб кескин даражада ёшади, шундан кейин эса талаб яна кескин камайиб кетади.

Масалан, Бутуниттироқ ўғит ва агротуроқшунослик институти маълумотига қараганда, ғўза ривожланиш фазаларига қараб ердан азот ва фосфор моддасини қўйидаги миқдорда олади (шу моддалар умумий миқдорининг пировард натижада тўпланидиган ҳосилга нисбатан процент ҳисобидаги нисбати):

Чигит униб чиққандан шоналагунча — 7%, фосфор — 5%; шоналашдан гуллагунча азот — 46%, фосфор 35%;

гуллашдан пиша бошлагунча — азот — 44%, фосфор — 50%;
пиша бошлашидан пишиш даврининг охиригача — азот 3%,
фосфор — 10%;

Азот ва фосфорнинг бу хилда сарфланиши озиқ моддалар ўсимликка узлуксиз равишда ўтиб турган қулай шаронтдагина кузатилади. Кўсаклар ва репродуктив органларнинг ривожланиши тупроққа солинадиган азот ва фосфор ҳисобига содир бўлади, лекин бунда ўсимликнинг ўсув органларидағи шу хилдаги запас моддалар деярли сарфланмайди.

Агар тупроқда нам (сув) етишмаслиги оқибатида ёки бошқа бир сабабларга кўра, ғўзанинг гуллаш даврида унинг азот ва фосфорга бўлган нормал талаби бузилганда, шакллашган кўсакчалар ва бошқа репродуктив органлар маълум даражада ўсимликнинг ўсув органларидағи азот ҳамда фосфордан фойдаланиади. Бу эса ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Ғўзанинг ривожланиш фазалари ва даврларида озиқ моддаларининг етарли миқдорда бўлпши ўсимлик танаси ҳамда унинг айрим органлари тузилиши учунгина эмас, балки ғўзанинг нормал ўсиши ва ривожланишини белгилайдиган физиологик функцияларни бажариш учун ҳам зарурдир. Ғўзанинг ҳар хил ривожланиш даврида азот, фосфор ва калий каби муҳим озиқ моддаларнинг кам ёки керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг ривожланишига, оқибат натижада ундан олинадиган пахта ҳосилнга турлича таъсири этади.

Ривожланишининг дастлабки даврида ғўзага фосфорнинг етишмай қолиши ўсимлик илдиз системасининг ривожланишини секинлаштиради, унинг репродуктив фазага ўтишини кечиктиради.

Аксинча бу даврда тегишли миқдордаги азот ва фосфорнинг етарлича бўлиши ғўза илдиз системасининг ривожланишини тезлаштиради, натижада ўсимлик ер усти қисмининг ўсиши кучайиб, шоналаш фазаси тезроқ бошланади, бинобарин, қулай шароит мавжуд бўлганда навбатдаги фазалар ҳам барвақт бошланади.

Чигит униб чиқиши вақтида тупроқда азот кўп бўлса, майсаларнинг ер бетига чиқиши секинлашиб, илдиз системасининг ривожланиши заифлашади. Мана шу ҳолатда тупроқда фосфорнинг бўлиши азотнинг кучли таъсири (концентрацияси)ни қайтаради. Шоналаш даврига қадар, айниқса, бу даврининг дастлабки пайтларida, тупроқда азотнинг керагидан ортиқча бўлиши ўсимлик-

да ҳосил шохнинг юқоридан чиқишига сабаб бўлади, бундан ташқари ғўза ривожланишидаги асосий фазаларнинг бошланиши кечикади.

Шоналаш даврига қадар ўсимлик азот билан нормал озиқланганда унинг шонага кириши ва бундан кейинги ривожланиш фазаларини жадаллаштиради.

Ғўза ўзининг биологик хусусиятига кўра тез ўсиб, азот, фосфор ва калийни кўп миқдорда талаб қиласидиган ўсимлик. Шоналаш ва гуллаш фазасида тупроқда азотининг керагидан ортиқча бўлиши ўсимликнинг фовлаб кетишига, кўсакларнинг кеч етилишига ва унинг очилиш суръатини секинлаштиришга олиб келади. Аксинча, бу даврда азотининг камчил бўлиши эса ўсимликнинг заиф ўсиб, ҳосил шохлари кам бўлишига, бинобарин, кўсакларнинг камайшига ва майдада бўлиб қолишига сабаб бўлади.

Ғўзанинг гуллаш даври кўсакларнинг шаклланиши билан бир вақтга тўғри келади.

Бу даврда тупроқда фосфорнинг етарли бўлиши кўсакларнинг шаклланишини, ундан чигитнинг етилишини, шунингдек, буларнинг пишишини тезлаштиради.

Ғўзанинг ривожланишида калийнинг роли ҳам жуда катта, у ўсимликнинг репродуктив (ғўзанинг гуллаш, кўсаклаш, чигит етилиш) фазага ўтишига ёрдам беради. Бундан ташқари, калий моддаси етарли бўлганда ўсимликнинг ўзида сув сақлаб туриш қобилияти яхшиланади ва ўсимликларда буғланиш жараёни камаяди. Шунинг учун ўсимлик шоналаш фазасига кириш вақтида, шунингдек, шоналаш ва гуллаш даврида тупроқда калийнинг етарли бўлиши ғўзанинг умуман нормал ўсишига, шона ва тутунчаларнинг кам тўкилишига ёрдам беради.

Шундай қилиб, ғўзанинг нормал ўсиши, ривожланиши ҳамда ундан юқори сифатли мўл пахта ҳосили яратниши учун озиқ моддаларнинг, жумладан, азот, фосфор ва калийнинг тупроқда тегишли миқдорда бўлишигина эмас, балки ўсимликнинг турли ривожланиш фазаларида бу моддаларнинг тегишли ишебатда бўлиши ҳам ишоятда муҳимdir.

Ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига баъзи бир бошқа элементларнинг ҳам таъсир этиши аниқлаянган. Масалан, баъзи бирикма холдаги кальций (CaO_4 , CaHPO_4) ғўза илдизининг ўсишини ва янгиларни пайдо бўлишини жадаллаштиради.

Ғўзанинг ривожланишига микроэлементлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, ғўза гуленинг уругланиши органиларида кўплаб тўпланадиган бор элементи чангчининг ўсиш кучини оширади.

Ўсимликнинг озиқланишида қандайдир модданинг етишмай ёки керагидан ортиқча бўлиши ғўзадаги физиологик жараённинг нормал кечишни бузади ҳамда ичкн, шунингдек, кўзга кўринадиган баъзи бир ташқи морфологик ўзгарнушлар вужудга келишига сабаб бўлади. Масалан, азот камчил бўлганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши ёмонлашади, барглари майдалашади, барг тузи нормал яшил рангдан сарғим яшил рангга киради.

Аксинча, азот керагидан ортиқча бүлгандың үсімлік ғовлаб кетпб, барглардың тұқ яшил тусга киради. Агар тупроқда фосфор мөддаси етишмаса, үсімлік паст бүйли бўлиб үсади, барглардың майдашади, баъзан баргларда қизғыш томирлар пайдо бўлади. Қалий етишмагандың эса гўза баргидаги қўнғир доғлар пайдо бўлади, шундан кейин барг шапалоқлари ҳимарилди, аста-секин қурийди ва тушниб кетади. Баъзан баргнинг яшил қисми билан оқиш қисми навбатма-павбат жойлашиб, барг чипор тусга киради.

Агар үсімлікка темир мөддаси етишмаса, у хлороз касаллигига қалинади, натижада гўза барги оқиш-сариқ ва ҳатто оқ тусга киради.

Тупроқда марганец етишмагандың ҳам худди шундай ҳодиса содир бўлади.

Гўзанинг тупроққа бўлган муносабати (талаби). Гўза ҳар қандай тупроқда ҳам үсаверади, лекин буларнинг ҳаммаси үсімлікнинг бир меъёрда нормал үсишига мувофиқ келмайди. Шуннинг учун тупроғи ҳар хил, аммо бошқа шароитлари бир хил бўлган ерларда, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун гўза парваришига турли миқдорда меҳнат ва маблағ сарфлашга тўғри келади.

Суфориладиган шароитда ва лалмикорликда гўзанинг тупроққа бўлган муносабати (талаби) бир-биридан анча фарқ қиласади. Ўрта Осиё ва Озарбайжоннинг қуруқ чўл ёки чала чўл шароитида гўзанинг озиқланиш, үсиш ва ривожланисини биринчи навбатда сув фактори бўйинча белгиланади. Бунинг сабаби шундаки, суфориш йўли билан ҳар хил тупроқда лалмикорликдагига инсбатан гўзанинг юқоридаги факторларга бўлган муносабатини осонроқ бошқариш мумкин. Лалмикор ерларда гўза ҳаётидаги энг муҳим факторлардан бири ёғин-сочин сувидир. Ёғин-сочин қанчалик кўп бўлса, ҳосилдорлик ҳам шунга яраша кўп бўлади.

Суфориладиган дәхқончилик шароитида гўза шағал ёки қум қатлами бирмунча юзароқ жойлашган ерларда ҳам яхши үсаверади, лекин буларда озиқ мөддалар етарли миқдорда бўлса бас.

Ҳайдалма қатлами қалин, унга үсімлік илдизлари бемалол кира оладиган ва шу қатламда озиқ мөддалар етарли миқдорда бўлган жойларда гўза яхши үсади ва тупроқ ичига чуқур тараладиган илдиз масса ҳосил қиласади. Ўрта Осиёда жуда қадимдан суфориб келинаётган бўз тупроқли ерлар ана шу хилдаги ерлардан ҳисобланади, чунки бу ерлар азотдан бошқа барча озиқ мөддалар билан яхши таъминланган.

Механикавий таркиби қумлоқ тупроқдан қумоқ тупроққача бўлган ерлар ҳам гўзанинг үсиши учун қулай, лекин суфориладиган, шунингдек, лалмикор ҳамда енгил қумоқ тупроқли ерларда у жуда яхши үсиси ривожланади. Оғир қумоқ тупроқли ерларда гўза яхши үсмайди, аммо бундай ерларда ҳам баъзи бир агротехника тадбирларини амалга ошириб, пахтадан юқори ҳосил

етишириш мумкин. Лекин бу хилдаги тупроқни ишлаш учун нисбатан анча маблағ сарфлашга түғри келади.

Ғұза құмлоқ тупроқли ерларда құмоқ тупроқли ерлардагига қараганда ёмон ұсади, чунки бу хилдаги тупроқларнинг сув сиғимін кичик, ҳаво ва сув үтказувчанлик хусусияти ҳаддан ташқары катта, шунга күра улар тезда қуриб қолади. Аммо бундай ерлардан ҳам тегишли агротехника тәдбиrlарини амалға ошириб, мұл пахта ҳосили етишириш мумкин.

Үрта Осиёдагы үтлоқ ерлар күчли бўз тупроқли ерлар каби ғўза ўстириш учун энг яхши ҳисобланади. Үтлоқ-ботқоқ ерлар ҳам ғўза ўстириш учун жуда қулай, лекин бундай жойларда тупроқнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши зарур.

Шўр ерлар шўрланиш даражасига қараб ғўза ўстиришга яроқли ёки бутунлай яроқсиз бўлишп мумкин. Лекин уларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланса, яъни ҳайдалма қатлам ва шу қатлам остидаги тупроқларда заарали тузлар йўқотилса, бундай ерларда ҳам паҳтадан мұл ҳосил олиш мумкин. Шуни назарда тутиш керакки, ёш ғўзалар шўрга айниқса чидамсиз бўлади. Ғўза ўсиб катталашган сари унинг шўрга чидамлилиги ҳам бирмунча ортади.

Бир хил даражада шўрланиш ерларда ғўзага хлор ионлари кўпроқ, сульфат ионлари камроқ таъсири этади.

Тупроқдаги заарали тузларнинг салбий таъсири унинг таркибига ва миқдорига қараб ўзгаришидан ташқари, ернинг намлигига ҳамда бу тузларнинг кучини қирқадиган кальций ва бошқа баъзи бир тузларнинг бўлишига қараб турлича бўлади. Тупроқ эртмаси концентрацияси бир хилда бўлганн ҳолда, унда намининг кўп бўлиши ғўзаниш тузга чидамлилигини оширади (Л. И. Дашевский маълумоти).

Буларнинг ҳаммаси ҳар хил жойларда тупроқ шўри, гарчи бу шўрланиш даражаси бир хилда бўлса ҳам унинг ғўзага кўрсатадиган таъсири бир хилда эмаслигидан далолат беради. Масалан, Б. В. Федорова маълумотига кўра, Фаргона водийсидаги шўрхок ерлар шўрланиш даражаси бир хилда бўлган Мирзачўлдаги шўрхок ерларга қараганда ғўзага кучинзорқ таъсири этади. Чунки Фаргона водийсидаги шўрхок ерларда сульфат, Мирзачўл ерларида хлор тузлари кўпроқ. Закавказье даги Муған чўлнидаги тузларнинг концентрацияси Мирзачўл ерлари дагига нисбатая анча кучли ва шунинг учун ҳам у заҳарли. Н. А. Димо Мирзачўл тиуриғида кальций тузларнинг миқдори кўироқ деб изоҳлаиди.

Одатдаги агротехника усулида парварнш қилинаётгап ғўзларнинг ривожланишига ва ҳосилдорлигига тузларнинг заарали таъсири тупроқнинг ярим метр қатламида ғўзанинг ёппасига шоналаш давригача, қаттиқ қолдиқ 0,4—0,5% га, хлор 0,01% га ва SO_4 0,2—0,3% га етганда бошланади. Тупроқда қаттиқ қолдиқ 1,4%, хлор 0,12—0,14% ва SO_4 0,5—0,6% бўлганда эса ўснмлик ниҳоятда заифлашиб, қисман нобуд бўлади.

Шўр ерларда чигитнинг бўртиши ва унинг униб чиқиши сеқинлашади. Кучли шўрланиш ерларда эса чигит мутлақо униб

чиқмайди. Кучсиз шўрланган ерларда майсаларнинг кўринниши кечикади ва сийрак чиқади.

Бундан ташқари, шўр ерларда ёзанинг илдизи яхши ривожланмайди, ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш фазалари кеч бошланади, ҳосил органлари кўплаб тўкилади, ўсимлик суст ўсади. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада ҳосилнинг **камайишига** ва пахта толаси сифатининг ёмонлашувига олиб келади (9-жадвал).

9-жадвал

Ҳар хил даражада шўрланган тупроқнинг пахта ҳосили миқдорига ва сифатига таъсири (Б. С. Есқылов ва И. Е. Елоуловларнинг Мирзачўлда утказган тажриба маълумоти ари)

Ёзанинг шўр тупроқ тасиридан озор чеканлик даражаси	15 X да гўза тувишнаг бўйни, см	Пахта ҳосили		Толанинг узунлиги, мм	Толанинг пиштилиги, г
		тац	%		
Каттиқ тийна ган . . .	20 — 30	0,9	5,8	28,0	3,42
Кийналган . . .	30 — 40	3,7	24,0	28,8	3,40
Гамроқ тийна ган . . .	40 — 50	8,6	55,8	30,5	3,79
Ўртча ривож анизи (сатгила шурланган)	60 — 70 га ундан куро;	15,4	100,0	31,9	4,27

Ёзанинг ривожланишига ер ости сувининг чуқурлиги ҳам катта таъсир кўрсатади. Суфориладиган ерларда ер ости сувларининг юза жойлашиши, айниқса у ёки бу даражада шўрланган бўлса, кутилган натижани бермайди. Ер ости суви 3 м чуқурликда жойлашган бўлса, у экинга деярли заарар етказмайди. Айрим ҳолларда ер ости сувлари юзароқ бўлган зоналарда, ёзанинг ривожланиш даврида суформасдан ҳам ўстириш мумкин. Агар тупроқ шўрланган, бунинг устига ер ости сувлари юза жойлашган бўлса, бундай ҳолларда минераллашган ер ости суви тупроқнинг устки қатламини тезда қайта шўрланишига сабаб бўлади.

Ғўза ўстирилайдиган жойнинг дengiz сатҳидан баландлиги ҳам аҳамиятлиdir, чунки унинг ўзгарниши билан метеорологик ва тупроқ шаронити ҳам ўзгаради. Ўрта Осиёда ғўза дengиз сатҳидан 1200—1300 метргача баланд бўлган жойларда ўстирилади. Пахтацилик билан шуфулланадиган тропик зоналардаги баъзи мамлакатларда эса ғўза дengиз сатҳидан бундан ҳам баландроқ ерларда ўстпраплади.

ЁЗАНИНГ БОТАНИК КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Ёзанинг ҳозирги иайтда тарқалган барча тур, форма ва навлари Госсипиум (*Gossypium*) авлодига тегишилди. Бу авлод гулхайридошлар (*Malvaceae*) опласига мансуб. Баъзи ботаниклар бу оплага нисбатан ёзадошлар деган терминни ҳам

ишлатишиади. Қаноп ва дағал қаноп, бамия каби луб тола берадиган ўсимликлар ҳам шу оиласы мансубдир.

Ўсимликлар дунёсининг жумладан гўзанинг классификациясини ишлаб чиқиш билан қадим замон олимлари ҳам шуғуланишган. Эрамиздан илгариги V асрда Геродот, IV асрда Теофраст, эрамиздинг X—XI асрларида Беруний гўзанинг муқаммал бўлмаган таърифини беришган. Бунда баъзи ўсимлик турларн бир-бири билан аралаштириб юборилган. Масалан, гўза унга бирмунча яқин бўлган бамбаке оиласига қарашли ўсимликлар билан чалкаштирилган.

XVIII асрда яшаган швед олимни Карл Линней ўсимликларнинг дастлабки классификациясини илмий жиҳатдан асослаб берди. У Госсипиум авлодини 5 та турга бўлиб, бундан кўп ҳам ва кам ҳам бўлмайди деб ҳисоблади. Маълумки, табиатда доимо ўзгаришлар юз бераб туради, яъни янгидан-янги форма ва турлар вужудга келади. Демак, бунда чегара қўйиб бўлмайди.

Линнейга хос яна бир камчилик шундаки, у ўз классификациясини фақат қуритилган гербарий асосида тузган. Бу классификация сунъий ва метафизик деб ҳисобланади. Лекин шунга қарамай Линней ўсимликлар дунёси систематикасининг классиги ҳисобланади.

Линней классификациясидаи кейин ҳам қатор ботаник олимлар Госсипиум авлодини қайта-қайта классификация қилидилар. Буннинг боиси шундан иборатки табиатда янгидан-янги гўза формаларининг пайдо бўлиши, селекция ишлари туфайли янги форма ва навларнинг яратилиши бўлди. Тадқиқотчилар Госсипиум авлодини турлича миқдорда классификация қилишди. Умуман олганда XVIII асрда Линней тузган классификациядан бошлаб бизнинг асеримизгача тузилган барча классификацияларда Госсипиум авлодининг эволюцияси ёритилиб берилмаган деган холосага келиш мумкин. Бу классификацияларда гўзанинг биологик хусусиятлари, яшаш шароити, физиологик, цитологик ва бошқа жиҳатларнга мутлақо эътибор берилмаган.

Г. С. Зайцев Госсипиум авлоди классификациясини Тошкент яқинидаги Туркистон марказий селекция станциясида (хозирги Мехнат Қизил Байроқ орденли Г. С. Зайцев номидаги гўза селекцияси ва уруғчилик илмий-текшириш институти) амалга оширди. У ўз классификациясини жопли ўсимлик билан шуғулланиш, уларни биологик-фзиологик ва цитологик жиҳатдан ўрганиш, гўзанинг табиий ҳолда ер юзида тарқалишини ўрганиб чиқиш асосида тузиб чиқди. Г. С. Зайцев гўзанинг экиладиган формаларининг тадқиқот объекти қилиб олди.

Олим гўзанинг экиладиган маданий формаларининг барчасини иккι катта группага, яъни Янги дунё ва Эски дунё груп-паларига бўлади. Бунга кўра Янги дунё группада хромосома соматик ҳужайралар 52 та ва жинсий ҳужайралар 26 та. Эски дунё группасида хромосома соматик ҳужайралар 26 та ва жин-

сий ҳужаіралар 13 та эди. Катта группалар табиий ҳолда тарқалиши ва ғұзанинг бошқа хусусиятларига күра яна иккита-дан кенжә группаларга бўлиб чиқилади. Тадқиқотчи Янги дунё группасини Марказий Америка ва Жанубий Америка, Эски дунё группасини Африка ва Ҳинд-Хитой кенжә группаларига бўлади. Шундай қалиб, ҳамма экиладиган маданий ғўзалар 4 та кенжә группага бўлиниди.

Г. С. Зайцевнинг классификацияси текшириш ва тадқиқотларга асосланганлиги сабабли ўзидан олдинги ғұза систематикаларига қараганда прогрессив эди. Бироқ у ўз классификациясида ёввойи ғўзаларни эътибордан четда қолдириди. Бу унинг классификациясининг асосий камчилигидир. С. С. Капаш, А. И. Автономов, С. М. Мираҳмедов ва бошқалар эса ғўзани янги навларини яратишда кўп йиллик ёввойи ғўзаларнинг муҳим хусусиятларидан ҳам фойдаланишди. Чунки ёввойи ғўзаларнинг баъзи формаларида вертициллөз ва фузариоз вилтига, бактериоз, шидиз чириш касалникларига ва совуққа, баъзи ҳашаротларга ҳаддан ташқари чидамлилик, ерининг шўрланишга анча мойиллик хосдири. Гўзанинг айrim ёввойи турлари серкўсак, тезнишар, толаси ялтироқ ипаксимондир. Бундай хусусиятлар эса маданий ғўзаларда йўқ. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Г. С. Зайцев ўз классификациясини шуноясига етказмаган эди. Ундан кейинги систематиклар унинг классификациясини бир-мунча тўлдиришди. Улар баъзи ёввойи турларни классификацияга киритишли. Ҳозирғи вақтда Ж. Хатчинсон (Г. Н. Саундарс тўлдириши билан), Ф. М. Мауэр ва Л. А. Абдуллаевларнинг классификациялари қабул қилинган.

Жумладан, Ф. М. Мауэр ғўзанинг Госениум авлодини 35 та турга бўлган. Бундан 30 таси ёввойи ва 5 таси экиладиган маданий тур ҳисобланади (*G. hirsutum*, *G. darbadens*, *G. hirbaeum*, *G. arbagaeum* ва *G. tricuspidatum*). Ф. М. Мауэр систематикаси бўйича, ғұза авлоди филогенетик ривожланиш ва бошқа белгиларига кўра қандайдир битта умумий аждоддаги ҳар хил даврда келиб чиққан учта филогенетик тармоқ ва группадан иборат учта кенжә авлодга бўлиниди. Эугосениум — Эски дунё группаси, Карпас кенжә авлоди, Янги дунё кенжә авлоди ва Стуртия — Австралия кенжә авлоди. Булар ўз навбатида яна секция ва кенжә секцияларга бўлиниди.

Ф. М. Мауэр Совет Иттилоқида экилаетган ўрта толали ғўзани учта: Ўрта Осиё, Закавказье ва Шимолий Қавказ — Украина группасига бўлади ва айни вақтда ҳар бир группани яна кенжә группаларга: Ўрта Осиё группасини — жанубий, марказий шимолий ва тоғ этак; Закавказье группасини — шарқий тикислик ва фарбий тоғ этак; Шимолий Қавказ, Украина группасини — Шимолий Қавказ ва Украина кенжә группаларига бўлади.

Шунга ўхаш ингичка толали ғўзани иккита: Турон ва Озарбайжон группасига бўлади. Турон группасини эса шарқий ва фарбий кенжә группага бўлади. Озарбайжон группаси кичик бўлгани учун кенжә группага бўлмайди.

Бу иккала турнинг схематик классификациясини шартли деб айтиш мумкин. Тўғри, бунда уларнинг биологик хусусиятлари ва ташки шароитга бўлган талаблари ҳисобга олинади. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, баъзи гўза навлари марказий ва шимолий группа зоналарида ҳам экилади. Демак, бу схематик бўлиннишларни, албатта, шартли деб айтиш мумкин. А. Абдуллаев Мауернинг ишини давом эттириб, табиати Gossypium L. авлодининг 37 та тури мавжудлигини, шундан 4 таси маданий эканлигини исботлади. У Мауер таърифлаган бешта маданий турининг биттасини, яъни G. *tricuspidatum* L. тури кўп жиҳатдан G. *hirsutum* L. ўхшаб кетганлиги учун уни шу турга кенжака тур қиллаб қўшган (10-жадвал).

ҒЎЗА ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ БИОЛОГИК, МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1. *Gossypium hirsutum* табиин ҳолда Марказий Америкада жойлашган Мексика территориясида тарқалган. Шунинг учун уни Мексика ёки Марказий Америка ғўзаси ҳам деб юритилади. Бу турнинг Упланд группа навлари ҳам тарқалган. Бу гўзаларнинг ҳам кечпишар, ҳам эртапишар навлари мавжуд. Жумҳуриятимиизда ўстирилаётган ўрта толали ғўза навлари ҳам шу турга мансуб. Ер юзида етпширилаётган пахта толасининг таҳминан 70% и шу турдаи олинади. *G. hirsutum* L. нинг бизда экилаётган навларининг биологик хўжалик таърифи: ўсув даври узун, 110—150 кун. Битта етилган кўсақдан чиқсан чигитлп пахта-

10-жадвал

Gossypium L. авлоднинг турлари

Gossypium азвониниң турлари	Хромосомалар сони		Гекомструктураси	Табии ҳолда тарқалган жой
	Монопloid (2n=) 1	Дигипloid (2n=) 2		
	2	3	4	5

Янги дуиё ёввойи турлари

1. <i>J. aridum</i> (Rose and standee) Skovstedi	26	13	Д ₁	Калифорниянинг жануби
2. <i>J. armatum</i> Kearney	26	13	Д ₂₋₁	Мексиканинг Тихи океан
3. <i>J. harknessii</i> Brandg	26	13	Д ₂₋₂	кирготи,
4. <i>J. klotzschianum</i> Anderss	26	13	Д ₂₋₃	Мексиканинг габри
5. <i>J. davidsohii</i> Kell	26	13	Д ₃₋₁	Гаташагос ороллари ва
6. <i>J. raimondii</i> Ulbr	26	13	Д ₃₋₂	Перу
7. <i>J. thurderi</i> Tol	26	13	Д ₃₋₃	
8. <i>J. gossypoides</i> (Ulbr.) standal	26	13	Д ₃₋₄	Аризана, Мексика
9. <i>J. lobatum</i> Gentry	26	13	Д ₄	Аризана, Мексика
10. <i>J. trilobum</i> (Mos. et Sess ex Dc) Skovsted	26	13	Д ₅	Аризана, Мексика

Эскидук ёввойи турлари

1	2	3	4	5
11. <i>J. anomalam</i> Wawra et Peyr.	26	13	B1	Африка минг жануби-тарғи, Сахрои кабир, Сомали, Яшил Бурун
12. <i>J. triphyllum</i> (Har.) Hochst.	26	13	F2	
13. <i>J. hardo</i> Sanum Phill. an J. clem	26	13	B3	Турун ороли
14. <i>J. capitis</i> — <i>Viridis</i> Maner	26	13	B ₁	Яшил Бурун ороли
15. <i>J. stocksii</i> Mast	26	13	E ₁	Арабистон
16. <i>J. somalense</i> (Gurke) Hutch	26	13	E ₂	Африка
17. <i>J. areysianum</i> Detl	26	13	E ₃	Арабистон
18. <i>J. incanum</i> (Schwartz) Hille	26	13	E ₄	Арабистон
19. <i>J. longicalyx</i> Hutch et lee	26	13	E ₅	Африка

Эскидунёниг маданий турлари ва уларнинг ёвойи формалари

20. <i>J. herbacum</i> L	26	13	A ₁	Африка ва Осиё
21. <i>J. arboreum</i> L	26	13	A ₂	Африка ва Осиё
22. <i>J. herbacum</i> var. <i>africanum</i> (Watt) Hutch	26	13	A	Африка ва Осиё
23. <i>J. herbaceum</i> var. <i>acerifolium</i> (Guillet Perr) chevaller	26	13	A	Африка ва Осиё

Австралия ёвойи турлари

24. <i>J. sturtii</i> Mill	26	13	C ₁	Марказий Австралия
25. <i>J. robinsonii</i> Mill	26	13	C ₂	Австралия гарби
26. <i>J. australe</i> Mill	26	13	C ₃	Австралия шимоли-гарби ва шимолий
27. <i>J. bickii</i> Prokh	26	13	C ₄	Квисленд, Австралия
28. <i>J. costulatum</i> Töl	26	13	C ₅	Австралия гарби ва шимоли-гарби
29. <i>J. cunninghamii</i> Töl	26	13	C ₆	Австралия гарби ва шимоли-гарби
30. <i>J. populifolium</i> (Bekth) Mill	26	13	C ₇	Австралия шимоли
31. <i>J. pulchellum</i> (Garé) Fryx	26	13	C ₈	Австралия гарби ва шимоли-гарби
32. <i>J. timorense</i> Prokh	26	13	C ₉	Тимор ороллари
33. <i>J. sturtiaenum</i> var. <i>nannawrense</i> (Der) Fryx	26	13	C ₁₀ —п	Австралия

Янги дунёниг ёвойи ва маданий турлари

34. <i>J. hirsutum</i> L	52	13	(АД) ₁	Мексика жануби-
35. <i>J. tarbalense</i> L	52	26	(АД) ₂	Перу ва Галапагос ороллари
36. <i>J. tomentosum</i> Nutt ex Seem	52	26	(АД) ₃	Гавай ороллари
37. <i>J. tricuspidatum</i> Lam	52	26	(АД)	Антил ороллари ва
38. <i>J. mustelinum</i> Miers ex Watt	52	26	(АД)	Бразилия шимоли-шарқи

нинг массаси 5—8 г ва ундан кўпроқ, тола узунлиги 30—31 мм дан 34—36 мм гача, тола чиқиши 32—40% гача, 1000 дона чигитининг массаси 100—140 г. Чигити тукли ёки туки чигит сиртида сийрак бўлади, чигитининг 20—25% ини мой ташкил қилади. *G. hirsutum* L. турининг экилаётган кўпчилик навлари гоммоз, илдиз чириш ва вилт касалликларига мойнпроқ бўлади.

Морфологик белгилари: ердан униб чиққан ёш ўсимлик туксиз ёки уичча-мунча туки уруғбарг остики почасида бўлади. Уруғбарги яшил, буйраксимон шаклли, уруғбарг банди яқинида қизғиши доди бор. Пояси яшил, баъзи навларида қизил бўлиши мумкин. Поя сиртида кўпинча қизғиши (антацион) дод бўлади. Поя ва новдаларда майдо қора нуқта (без)си бўлади. Пояиниг ёш қисми (ўсиш ишқасига яқин) туклар билан қопланган. У ўсанган сарп пастки қисмидаги туки тўкилиб кетаверади. Туки бир ярусли.

Тупи бутасимон, бўйи 80—120 см. Шохлациши симподиал типга киради. Кўпинча симподиал шохлар сони парваришга қараб 13—16 га етганда чеканка қилинади. Унинг айримларида 20—25 тагача ҳосил шохлари бўлиши мумкин. Ҳосил шохларининг шохланиши кўпинча I—II кенжга типга, тезнишарлари I—кенжга ва кечнишарлари эса II—III кенжга типга киради. Пояиниг пастида нав хилига қараб 1—2, баъзан 3 тагача моноподиал ўсув шохи бўлади.

Барги навига ва парваришига қараб ҳар хил катталикда бўлади. Барг шапалоги қисқа учбурчаксимон бўлакларга бўлниган (3—7 та) бўлиши мумкин. Барги сийрак, тукли. Барг шапалогининг орқа томонидаги катта ва ён томирлари асосида тўғарак шаклдаги нектарниги бўлади. У нектарник (шира) ажратиб туради. Булар барг шапалогининг бандига яқинроқ жойда жойлашган. Барг шапалогининг ранги навига қараб оч ёки тўқ яшил рангда. Барг бандининг пояга ёки повдага туташган жойида иккитадан қулоқсимон барг ёнлиги ўспб чиқади, 2—3 ҳафтадан кейин қуриб, тўкилиб кетади.

Мева банди, одатда йўғон, узунлиги 3—5 см бўлади.

Гул ёнлиги катта, чети арра тишли, тишлари бир-бирига параллел бўлиб ўсади. Тишлар сони 5—7—11 та. Гул ёнлигининг сиртқи остики томонида биттадан шира чиқариб турадиган нектарниги мавжуд. Косача чети беш тишли ёки тўлқинсимон бешта чиқиқдан иборат. Гул ичида ҳам (гул косада) нектариниги бўлиб, унда туклар бор. Гул тожиси ўртacha катталикда (*U. bargbadense* L.) бошқа навларига ишебатан оқиши ва повзотранг, уларниг сони одатда бешта бўлади. Оталик чангдони ва чангни, одатда, сарғиши ёки хира оқиши рангда.

Кўсаги 4—5 чаноқли, баъзи түпларида учта ёки бештадан ортиғи ҳам учраб туради. Кўсаги тухумсимон, чўзиқ думалоқ шаклда. Кўсак сирти лишиб очилгунча, чаноқ чегараларин тилимли чок билан чегараланиб туради. Кўсак пишгунга қадар оч яшил ёки яшил, пишганда эса жигарранг тус олади. Пишган кўсак яхши очилади, пахтаси, лўппи, кўсакдан чиқиб туради.

Чигитти тухумсмон, пахта толаси оқ, ҳар хил товланади. Баъзи тур аро чатиштириб олинигган навларида эса оч пушти, поввотраңг, маллараңг ёки яшил тусда ҳам бўлиши мумкин.

2. *Gossypium barbadense* L. табиий ҳолда Жанубий Американинг Перу, Бразилия, Боливия давлатларида ҳамда Барбадос оролларида учрайди. Илгари бу тур биринчи марта Барбадос оролларида тоцилгани учун систематиклар Барбадос тури деб айтишарди. Бироқ, табиий ҳолда Перуда тарқалгани учун уни *Перу ғўзаси* деб айтилади. Бу тур ғўзанинг толаси маданий ғўзаларининг энг қимматлиси хисобланади. Шунинг учун бу навга бўлган талаб жуда катта. Турнинг ҳосилдорлигига пастроқ. Тур навлари Перу, Бразилия, АҚШ, Миср, Судан, Туркия, Эрон, СССР каби ўсув даври етарли бўлган давлатларда етиширила-ди. Мисерда бу ғўза катта майдонларда экшилди ва у ерда энг яхши навлар яратилган, Миср пахта толасини экспорт қилиш жиҳатдан дунёда биринчи ўрица туради.

Gossypium barbadense L. турдаги ғўза навларининг биоло-гик-хўжалик таърифи: ўсув даврининг узунлиги 130—155 кун. Баъзи навлари ҳатто ўрта толали ғўза навларидан эрта гуллайди ва эрта пишади. Аммо кўсакларининг навбатма-навбат етилиб пишиши секин боради. Битта нишган кўсакдаги чигитли пахта массаси 3,0—4,2 г, тола узунлиги 35—36 мм дан 40—42 мм гача, тола чиқиши 30—36 %. Чигит сиртида туки сийрак, у кулраңг ёки кўкимтири бўлиши мумкин. 1000 дона чигитнинг массаси 120—140 г. Таркибидаги мой миқдори ўрта толали ғўза чигитидагидан кўпроқ.

Бу тур навлар ҳам фузариз вилт, илдиш чириши ва гоммоз касалликларига мойнлароқ.

Морфологик белгилари: чигитти тупроқдан ушиб чиққанда, уругбарги остки почасида туки бўлмайди. Уруғбарги йирик этли, яшил раигда, қуйи қисмида билишар-билинмас қизғиши доди бўлади. Бош пояси ўрта толали ғўза навлариникига нисбатан ба-ланд ва йўғон, поя сирти бирмунча қизғиши, майда қора нуқта-чалари бор, ташаси сийрак туклар билан қопланган ёки кўпичча тук бўлмайди. Бош пояси ўспи шуқтасига яқин бўлган жойда тук кўпроқ бўлади. Туп одатда бир ярусли. Бош поянинг бўйи 90—110 см. Симподиал шохларининг ҳосил шоҳи чекланмаган тилга, яъни III—IV келжа тилга киради. Демак, тути тарвақай-лаб (ёйик) ўсади. Шу билан бирга қатор ғўза навлари шохла-май ўсади. Бунда мева бош поянинг барг қўлтиғидан, тўғридан-тўғри куртакларидан ўсиб чиқади. Уни шартли равишда «нулёв-ка ғўза» деб айтилади. Ғўза чеканка қилинмаса бош пояди 20—30 талаб ҳосил шохлар ёки бўғимларда мевалар ҳосил бўлади. Бу шаклдаги «нулёвка» ғўзалар жуда хипча бўлиб ўсади.

Барг шапалоги йирик, 3—5—7 бўлакли, шакли чўзилган уч-бурчак, юраксимон, кертиги уича чуқур эмас. Ранги тўқ яшил. Барг шапалоги томирларининг тугунчалари қизғиши рангда бўлиб, билишиб туради. Барг шапалогининг орқа томонидаги йў-

ҒОН ТОМИРЛАРИДА БИТТА-УЧТА ШИРА ЧИҚАРАДИГАН НЕКТАРНИГИ МАВЖУД.

Барг бандининг тагида иккитадан чўзиқ наштарсимон барг ёнлиги бўлади. Бу ҳам ўрта толали гўзанинига ўхшаш узоқ яшамайди. Кўсак бацди бирмуча йўғон, узуслиги 10 см гача бўлиши мумкин. Гул ёнлиги одатда учта, четлари арра тишли.

Гулкосачасининг юқориги чети тўлқинсимон ёки текис бўлиб, бешта чизиги бор. Қосача таг қисмининг ташқи томонида, гул ёнликларининг ўртасида биттадан нектарниклари бўлиб (ички гулдан ташқари ички нектарник), одатда, туксиз. Гулнинг ички қисмидаги нектарниги эса кўпинча тукли. Гултоҗиси йирик, тўқ сарпқ, баъзан новвот рангда ҳам бўлади. Гултоҗисининг пастки қисмида қизғиши ёки оч жигарранг холи бор. Гултоҷлари катта бўлгани учун уларнинг ёнлари бир-бирига киришиб кетган, очилганда эса карнайга ўхшаб кетади. Ботаникада буни тўлиқ очилмагани учун **клейстогамия гули** ҳам деб айтлади.

Оталик чангдопи ва чангдончаларни тўқ сарпқ, қисман новвот рангда бўлади.

Қўсагининг шакли тухумсимони, конуссимони, чўзиқ, тумшуғи узун, баъзан калта найзасимони, уч-тўрт чаноқли. Қисман бешта ёки икки чаноқлиги ҳам учраб туради. Кўсак сирти майдада чуқурчали бўлиб, унда қора шуқта бор. Рағи тўқ яшил. Кўсак сиртида бўйинга томон чаюқ сошини кўрсатадиган чоклари бор. Пишганда чоклар бир-биридан ажралиб қўсак очилади.

Чигити тухумсимони, қийшиқ иок кўрнишинида. Толаси олинган чигитининг халаза (йўғон кенг қисми) ва микропиле (ингичка узун қисми) томонлари сийрак тук билан қопланган. Туклари ҳар хил: оқ, қўнғир ва зумрад рангда бўлади. Толаси узун, ингичка, пишиқ ва эластик ишаксимони, оч қулранг ёки новвот ранг.

ПАХТАЧИЛИКДА НАВ АЛМАШИННИШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА САНОАТНИНГ ҒЎЗА НАВЛАРИГА ҚЎЙГАН ТАЛАБИ

Пахта етиштиришдан асосий мақсад ундан мумкин қадар кўпроқ ва пишиқ тола олишдир.

Навларга қўйилган асосий талаб: серҳосил, эртапишар, ҳосилининг деярли 90% и биринчи сортга ўтиши, касаллик ва ҳашаротларга чидамли, машиналар билан ишлашга ва ҳосилини машинада териб олишга қулай бўлиши керак. Ҳосилиниг 90—95% ини машиналарда териб, қолган ҳаммасини эса 20 октябргача йигиб-териб олиб, кузги-қишики дала ишларини декабрь ойн бошланмасдан тугаллаш кўзда тутилади.

Тўқимачилик саноати учун тола сифати бир қатор талабларга жавоб бериш керак. Бунда толанинг асосий технологик белгилари қўйилдагича бўлади: узунлиги, пишиқлиги (узилиш кучи), ингичкалариги [(метрик номер, линейний тифизлиги (м. текст) ва

узилиш узунлиги], нисбий узилиш кучи (пишиқликни м. тексга муносабати). Тола қанчалик ингичка, пишиқ ва узун бўлса, шунча яхши маҳсолот ишлаб чиқарилади.

Саноат талаб қиласидаги пахта толасининг ассортиментини иш-газлама саноати илмий-текшириш Марказий институти (ЦНИХБИ) шартли равишда еттига типга бўлиб, ҳар бир тип тола учун тахминий талабни ишлаб чиқкан (11-жадвал).

11-жадвал

Пахта толасига қўйилга ғифат талаблари (1980)

Тола типи	Штапель таса, то- га узунли- ги, мм	Узилиш ку- чи, кг дан зам бўлма- син	Линейний тигрэлиги, текедан кўп бўлмасин (метрик гомецидан кам бўлмасин)	Нисбий узилиш ку- чи, кг/тек	Чигитли нахтадан гоҳа чиқи- ши, %	Чигитга толани мустахкам- ланганли- ги, кг дан ошмасин
I	40 — 41	4,7	127(7900)	37,0	32,0	2,0
II	38 — 39	4,7	137(7300)	34,0	33,0	2,0
III	37 — 38	4,7	147(6800)	32,0	34,0	2,0
IV	35 — 36	4,7	167(6000)	28,0	34,5	55
V	33 — 34	4,7	179(5000)	26,5	36,0	45,9
VI	32 — 33	5,0	200(5000)	25,0	37,0	45,9
VII			Планлаштирилмаган			

Толанинг дастлабки учта типи (I, II, III) мамлакатимизда етиштирилган ингичка толали гўза навларига тегишли. Бу навлар кечпишар бўлиб, улардан юқори ҳосил олиш учун ўсув даври узун ва ҳарорати етарли бўлган Ўзбекистоннинг Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Наманган вилоятларида, Тожикистаннинг Вахси водийси ва Кўргонтиена вилоятида ҳам Туркманистоннинг Мари вилоятларида ўстирилади. Озарбайжонда эса кам ҳосил бергани учун у ерда ҳозир экнлмайдиган бўлди. Мамлакат бўйича пахта экиладиган майдоннинг тахминан 15% пин ташкил қиласиди ва ялии ҳосилнинг эса тахминан 10% ини беради. Қолган тўрттала (IV, V, VI, VII) типдаги пахта толаси эса ўрта толали гўза навларига мансуб. Бу навлар серҳосил ва тез-нишар бўлгани учун экин майдонларининг ва ҳосилнинг асосий қисмини ташкил этади. Пахта толасини VII типи ўзининг сифати бўйича бешинчи ва олтинчи типларнинг ўрнини қоплай олмагани сабабли планлаштирилмаган.

Навалмасиши. Ўрта Осиё территориясида ўтмишда гўзаси G. hirsutum турига мансуб бўлган жайдари гўза етиштирилди. Унинг ҳосили кам ва тола сифати паст бўлгани учун Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинигадан кейин Чор ҳукумати АҚШдан серҳосил ва тола сифати юқори бўлган G. hirsutum турининг Упланд типига қарашли навлар (Кинг, Клевланд, Рус-селье ва бошқалар) ии келтирилди. Келтирилган гўза навлари стихияли равишда, плансиз экилди, уруғчилик ишлари йўлга қў-

йилмади, оқибатда пахта заводларида қайта ишлаш натижасында түрли нав ууруғларп арашашиб кетиб, «завод аралашмасы» деган ном олди. Инқилобга қадар пахта далаларыда мана шу завод аралашмасы ва қисман маҳаллий жайдары ғүза уруги экилди. Завод аралашмасининг түрли тупроқ-иқлим шароитларыда узоқ йиллар экилиши натижасыда ўша ерларга мослашган ҳолда таңланган ғүзанинг янги формалари вужудга келди. Улар турлү тупроқ-иқлим шароитларыда бир-биридан ҳосилдорлуги, тезпишарлыгы ва толасининг технологик хусусиятлари билан тафовут қиласынан. Масалан, жанубий районларда кечпишар, серхосыл, күсаги йирик (Мари, Байрамали, Чоржүй, Андикон) завод аралашмасы; шимолий районларда (Чимбой, Чимкент, Ўзган) тезпишар, майда күсакли завод аралашмасы пайдо бўлди ва Ўрта зона районларыда (Тошкент, Самарқанд, Хива ва бошқа районларда) эса ўртача тезпишар завод аралашмаси популациялари вужудга келди.

Октябрь социалистик революциясидан кейин мамлакатимизда планли равища селекция ва ууруғчиллик ишлари олиб борилди.

Совет ҳукумати кўрган тадбирий чоралар натижасида 1922 йилдан бошлаб завод аралашмасининг популяциялари ва маҳаллий жайдары ғүза формалари ўрнига революциядан илгари яратилган ўртапишар Навроцкий (№ 0100), ўртача кечпишар Триумф Навроцкий (№ 0250), ўртача тезпишар Оқжўра (№ 182) ва Деҳқон (№ 169) селекцион навлар этиштирила бошлиди. Нав алмашиниш ишлари 1930 йилга келганда ниҳоясига етди. Бу селекция навлари ичиде Навроцкий (№ 0100) энг кўп экилиб, 1930 йили умумий пахта майдонининг 60% ини ташкил қиласы. Навнинг күсаги йирик (5,5—6,5 г), тола бериши юқори (34—35%) эди. Бироқ унинг толаси дағал ва калта (26—28 мм) бўлгани учун тўқимачилик саноати талабини қондира олмади.

Шундай қилиб, биринчи нав алмашиниш 1922 йилдан 1930 йилгача ўтказилган. 30-йиллардан Опа-Ватаи селекционерлари кўплаб янгидан-янги нав яратдилар. Бу навларнинг асосий хислатлари юқори ҳосилли, тезпишар ва саноат учун юқори спфатли тола беришdir. Шу муносабат билан 1934 йилдан 1938 йилгача иккинчи нав алмашиниш амалга оширилди. Бу даврда революциядан илгариги навларнинг ўрнига янги навлар экилди. Ўрта толали ғүза навларидан ўртапишар 8517 (Кохозчи), 2034 (Большевик), 36 м² (Пахтакор), тезпишар навлардан 1306 (Шредер), 8196 (Узун). Иккинчи нав алмашиниш даврида энг кўп тарқалгани 8517 нави бўлиб, у Навроцкий (№ 0100) навнинг ўриига бутун Ўрта Осиё жумҳуриятларида экилди. Бу навнинг асосий хусусиятлари: чигити экилгандан пишгунга қадар 145 куп талаб қиласы, битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахтанинг массаси 6,5—7,0 г, тола узунлиги 30—32 мм, тола чиқиши 37—38%. Камчилиги вилт ва гоммоз касалликларига бирмунча чидамсиз, тути тарвақайлаб ўсади (ҳосил шохи II—III кенжга типга киради). Тезпишар ғүза навларидан 1306 (Шредер)нинг чигити экилгандан пишгунига қадар 120—125 кун кеп.

рак. Шуннинг учун бу нав Ўрта Осиёниг шимолий районларида, тог этакларида ва ҳатто СССРнинг яиги суборилмайдиган районларида ҳам экилди. Бироқ кўсагидан чиқадиган пахтаси кам ($3,5-4,0$ г), толаси қисқа ($26-28$ мм), тола чиқиши кам ($31-32\%$) эди. Шуннингдек ҳосили етила бошлаганида туни ётиб қолишга мойнлоқ ва вилт касали билан кўпроқ касаллашарди.

Иккинчи нав алмашиш даврида ўрта толали павлар қатори Ўрта Осиёниг жанубий районларига 30-йиллар бошида Мисрдан келтирилган *G. barbadense* турининг Сакеляридис, Пиллон, Маарад, Ашмуни, Фуади, Упперс, Загора ва бошқа навлари экилди. Миср фўзаларидан индивидуал ташлаш ва дурагайлаш йўллари билан бирмунча тезпишар навлар яратилди. Булардан 2 ИЗ, 35-1, 35-2 ва бошқалар.

2 ИЗ нави чигити экилгандан пишгунга қадар ўртacha 150 кун талаб қиласди, туниниг бўйи ўртacha, шохлари тарвақайлааб ўсади, туни ётиб қолмайди. Битта кўсакдан чиқадиган чигитни пахтаси 3 г, тола узунлиги $38-40$ мм, тола шишиқлиги $4,5-5,0$ г/к, тола чиқиши $28-30\%$. Қамчиликларидан энг муҳими, вилт касаллигига чидамсиз ва ҳосили бирмунча кеч етилади.

Умуман олганда, иккинчи нав алмашиш давридаги экилган ўрта толали ва ингичка толали фўзанинг ҳамма навлари вилт касалига чидамсиз эди деб айтиш мумкин.

Иккинчи нав алмашиш туфайли ва шуннингдек фўза агротехникиси бирмунча яхшиланиши туфайли бу даврда пахта ҳосили $12-15\%$ га ошди. Бу, совет пахтакорларининг катта ютуғи эди, албатта. Шуннингдек тўқимачилик саноатининг талабига жавоб берадиган технологик сифати юқори бўлган тола олншга эришнлди. Жумладан, ўрта толали фўза навларидан тола чиқиши $28,9$ дан 33% гача кўпайди.

Учинчи нав алмашиш Улуг Ватан уруши йилларида (1941—1945) ўtkазилди. Бу даврда серҳосил тола сифати бирмунча яхшиланган ва вилт касалига анчагина чидамли ўрта толали навлар С—460 (Қанаш), С—18819, 1298 экилди.

Булар ичida энг кўп тарқалгани С—460 ҳисобланади. Бу нав ўртанишар, чигити экилгандан пишгунга қадар $145-150$ кун талаб қиласди. Аслида 1940 йилдан бошлаб 8517 нави С—460 нави билан алмаштирилди ва шуннингдек бошқа ўрта толаллар навларининг ҳам ўрнини эгаллади. Туни ётиб қолмайди, битта кўсакдан чиқадиган пахта массаси $7,0-7,5$ г, толаси $32-33$ мм, тола чиқиши $39-40\%$. Вилт касалига чидамли.

Мана шу ижобий хусусиятларга эга бўлгани учун бу нав Ўрта Осиёда энг катта майдонни эгаллади. Бироқ, кейинчалик бу нав аинча кечишар бўлганлиги сабабли куз салқин келган йилларда биринчи сорт пахтани кам берди, айниқса терим даврининг жуда ҳам чўзилиб кетишига сабабчи бўлди.

С—18819 нави толасининг сифати анча юқори ва вилт касалига чидамли бўлганни учун 2034 ва 8196 навларини сиқиб чиқаради. Навнинг дастлабки кўсагининг пишиши С—460 га иисбатан эртароқ бошланса ҳам навбатдаги кўсакларим очи-

лиш тезлиги жуда суст эди. Бундан ташқари теримда чанөк пахтанинг тагида якка чигит қолиб кетар, такрор териш натижасида терим унуми паст бўларди.

Фузариз вилт касаллигига чидамсиз бўлган ингичка толали эски навлар ўрнига бу касалликка чидамли С—10964; 504—В; 123—Ф каби янги навлар экилди. Бу даврда С—10964 нави Узбекистонда салмоқли майдонин эгаллади. Чигит экилгандан пишунга қадар 155 кун талаб қиласди. Бош пояси баланд, шохланиши IV кенжга типга хос, тути тарвақайлаб ўсади. Битта кўсакдан чиқадиган пахта массаси 4 г, тола узуилиги 37—38 мм, тола чиқиши 31—32%. Нав фузариз вилт касалига чидамли бўлгани учун 1955 йилгача экилиб келинди.

Учинчи нав алмашиниш натижасида пахта ҳосили 13—15% га ошди. Бундан ташқари 1944 йилга келиб ўрта толали навларининг тола узуилиги 30,5 мм га етди ва тола чиқиши эса 33% дан 35,5% гача ошди.

С—460 нави кечнишар бўлиб қолганлги ва тола сифати бирмунча пасайиб кетгани учун Улуғ Ватан урушин тугагандан сўнг — 1947—1950 йиллар давомида тўртинчи нав алмашиниш ўтказилди. С—460 нави ўрнига 108—Ф, С—450—555, 138—Ф, 149—Ф ўртапишар, КК—1086, КК—1083, С—3210, С—4727 тез пишар навлар эски пахтакор районлар учун ва янги пахтакор районлар учун эса 1306—ДВ, 611—б эртапшар навлар асосий навлардан ҳисобланди. Эски пахтакор районлар учун С—460 нави 108—Ф нави билан алмаштирилди. Янги нав бирмунча эрта етилиши ва вилт билан камроқ касалланиши туфайли тез тарқалди. Биринчи совуқ тушунга қадар териб олинган ҳосили С—460 га нисбатан 15—20% ортиқ бўлди.

108—Ф ва С—4727 навлари кейинчалик вилтга чидамсиз бўлиб қолса ҳам тола сифати юқори бўлгани учун ҳозир ҳам янги ўзлаштирилган ерларда ва вилт тушмаган тоза ерларда экилиб келинмоқда. Кейинги йилларда 108—Ф нав пахтасининг тайёрлаш нархи давлат томонидан оширилди. 138—Ф нави бирмунча ўртача кечнишарларнга қарамай ҳозпрги вақтда ҳам Узбекистон ва Туркманистоннинг жанубий районларида яхши ҳосил берганлиги учун экилади.

50-йилларнинг бошларида ингичка толали навлардан 5904—I, 5476—I ва бирмунча кечроқ С—6002, 9078—I, 8763—I, С—6015 каби навлар экила бошланди. Кейинги йилларда пахта етиширувчи деярли ҳамма жумҳуриятларда экилаётган ўрта толали ва ингичка толали ғўза навлари фузариз ва вертицеллёс вилт касали билан кўплаб касаллангани учун 1971 йилдан бошлаб бешинчи нав алмашиниш бошланди.

Асосий майдонларда етишириб келинаётган 108—Ф ўрнига «Тошкент—I» ва қисман АН—402 навлари экильмоқда. Лекин шу билан бирга экилиб келинаётган қатор навлар қисқартиб юборилди.

70-йилларда «Тошкент—I» нави бор-йўғи вилт касали билан 6—8% касалланган бўлса, 108—Ф эса 60—80% гача шикаст-



31-расм. 108-Ф нави.

ланди. Бироқ, кейинги йилларда «Тошкент—I» нави ҳам қатор вилоят ва районларда 50—70% гача вилт билан касалланадиган бўлиб қолди ва бундан ташқари навининг толаси дағал бўлгани учун тўқимачилик саноатининг талабини қондирмаёт. Айниқса, толаси дағал бўлгани учун вилт касали тарқалмаган районларда ушинг ўрнига яна тола сифати юқори бўлган 108—Ф ва С—4727 навларини экишга тўғри келди.

Тўғри, кейинги йилларда 30 дан ортиқ ғўза навлари яратилди ва экилмоқда, шундан 20 дан ортиғи ўртача толали ғўза нави. Булардан: «Тошкент—I», 108—Ф, 138—Ф, С—4727, 133, АН—402, С—2602, «Қизил ровот», «Чимбой—3010», «Чимбой—160», «Андижон—2», «Андижон—9», «Андижон—13», «Тошкент—6», «Регар—34», 3038, «Ташауз—17», «Оқ-олтин», «Регар—I», АН—«Самарқанд—3», АН—«Самарқанд—2», АН—«Ўзбекистон—3», 175—Ф, «Ўйчи—2», «Фарҳод», «Қирғиз—3», АН—«Боёвут—2», «Октябрь—60», «Бухоро—6» ва бошқалар. Ингичка толали навлар: 8763—И, 8386—И, 9732—И, 6465—В, 6249—В, 7318—В, С—6037, Т—14; Т—16, «Дружба—60», АШ—25 ва бошқалар.

ҮРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ

108—Ф нави. Бу нав селекционер Л. В. Румшевич томонидан Фаргона тажкириба станциясида яратилган (СоюзНИХИ-нинг Андижон филиали). 1947 йилда районлаштирилган. 108—Ф нави С—460 ғўза нави ўрнига экиладиган бўлди, чунки С—460 серхосил, кўсаги йириқ, тола чиқиши юқори процента гэга бўлишига қарамай, кечпишар бўлгани учун, қатор йиллар, айниқса куз ойлари ноқулай келган йилларн терим муддати чўзилиб кўрак-кўсак пахта миқдори кўпайиб кетарди. Унга нисбатан 108—Ф нави тезпишарроқ бўлиб совуқ тушгунча 15—25% ортиқ пахтасини териб олиш мумкин эди. Бироқ 1960—1970 йилларда бу нав вилт касали билан кўплаб зарарланганилиги туфайли уни бу касал тарқалмаган районларда ва айниқса янги ўзлаштирилган қўриқ ва бўз ерларда етиштирилиб келинмоқда (31-расм).

Мазкур нав ғўза ўртапишар, дастлабки кўсаги чигит экилгандан кейин 140—145 кунда етилади. Тупи умуман хипча бўлиб, шакли пирамидага ўхшайди. Бош поя баландлиги одатда 90—110 см, ҳосил шохлари I—II кенжа типга киради. Тупи ўсиш даврида азотли ўғитдан кўплаб озиқлантириб қўйилса ва шунингдек охириги вегетация суви нормадан ортиқ берилса ётиб қолишга мойил. Битта етилган кўсакдан чиқадиган чигитлик пахта массаси 7,0—7,5 г. Толасининг узунлиги 31—33 мм, тола чиқиши 35—37%, толанинг пишиклиги 4,5—4,9 г/к га тенг, метрик номери 5300—5600.

Тола сифати ҳозирги экилаётган ғўза навлариникига нисбатан яхши бўлгани учун тўқимачилик саноати бу пахта нав толасини кўплаб талаб қилмоқда ва шунинг учун уруғчилик

иши анча яхшиланмоқда. Бу нав пахтасининг харид нархи бирмунча оширилди.

«Тошкент—I» нави. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биология институтида ВАСХНИЛ академиги С. М. Мираҳмедов томонидан ғўзанинг мексиканум ёввойи кенжা тури билан тезпишар, серҳосил аммо вилт касалинга чидамсиз С—4727 навини чатиштириб. вилт касалинга чидамли бўлган бу ғўза нави яратилди.

Ғўзанинг бўйи, одатда, 90—110 см, ўсув шохлари 0,1—2,0 та, пояси пишиқ бўлгани учун ётиб қолмайди. Ҳосил шохлари бир ярим-иккинчи кенжা типга киради. Дастрлабки ҳосил шохлари бош поянинг 5—6 бўғимларидан ўсиб чиқади (32-расм). Нав ўртача тезпишар бўлиб, 135—140 кунда ёки бўлмаса 108—Ф навига нисбатан 7—10 кун эрта етилади. «Тошкент—I» нави 108—Ф га нисбатан вилт касалинга анча чидамли ва ҳосили эртароқ етилгани учун алмашинган.

Етилган битта кўсақдан чиқадиган чигитли пахта массаси 6,5—7,0 г. Чигити ўртача катталикда бўлиб, 1000 таспининг масса оғирлиги 120—130 г келади. Тола чиқиши 36,0—38,0 фоиз. Тола узунлиги 32—33 мм, метрик номери 5130—5350, пишиклиги 4,6—5,0 г/к, узилиш узунлиги 25—26,6 км га тенг, толаси бешинчи-олтинчи типга мансуб. «Тошкент—I» нави вилт касалинга чидамли, тезпишарлиги ва ҳосилдорлиги бўйича стандарт нав 108—Ф га нисбатан устун бўлгани учун тез орада Узбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон каби республикаларда тарқалиб, 1980 йилга келиб СССР бўйича 1263,3 минг гектар майдонда етиштирилди.

Кейинги йилларда вилт касалинга кўплаб чалинганлиги ва толаси дагал бўлиб қолганлиги сабабли экиладиган майдони кескин камайиб кетди.

АН—402 нави. Узбекистон ССР Фанлар академиясининг ўспемлклар экспериментал биология институтида ВАСХНИЛ мухбир аъзоси И. Н. Назиров ва илмий ходимлар Ф. Жониқулов, Х. Қамбаров, Ж. Дадажонов ва И. Қурбоновлар томонидан ёввойи, майда кўсақли, вилт касалинга чидамли бўлган Мексика кенжা форма ғўзасининг чигитини радиоактив фосфорли (32 р) эритмада ивтишиб экиб, ундан олинган ҳосил чигитини вилт касали билан зарарланган ерда қайта-қайта экиб олиниб, ундан танлаб олиш ўйли билан яратилган.

АН—402 нави давлат сорт синовида 1973 йилдан экилиб, 1979 йилдан бошлаб Узбекистон ССР ва Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятида районлаштирилган.

Нав ўртача тезпишар бўлиб, «Тошкент—I» навига яқин. Кўсақларининг пишиб очилиши бирмунча устун. Бош поя баландлиги 100—130 см, пояси мустаҳкам. Ўсув шохлари биттадан учтагача пайдо бўлади. Тупи хипча, ҳосил шохлари биринчи-бир ярминчии кенжা типга киради. Дастрлабки ҳосил шохлари поянинг 5—6-бўғимидан чиқади. Кўсақлари, асосан, беш чаноқли бўлиб, гоҳида тўрт чаноқлиси ҳам учраб туради. Битта



32-расм. «Тошкент-1» нави.

күсакдан чиқадыган чигитли пахта массаси 6,5—7,5 г, 1000 дона чигитининг массаси 120—130 г. Чигитидан олинадыган мойи 23 фоизни ташкил этади. «Тошкент-1» навига нисбатан 2—3 фоиз ортиқ. Тола чиқиш 37—38 фоиз, тола узунлиги 33—34 мм, толасининг пишиқлии 4,9 г/к, метрик номери 5600—5700, узилиш узунлиги 25,9—26,4 км. Пахтасидан V типга хос тола олилади. Вилт касаллигига чидамлиги жиҳатидан «Тошкент-1» га нисбатан устун туради. Йиллар ўтиши билан вилт касаллигига чидамлиги аввалгича қолмоқда. Пахта ҳосили стандартга нисбатан кўпинча 5—8% ортиқ ва шунингдек тола ҳосили ҳам бирмунча юқори.

Давлат нав синаш комиссиясининг кўп йиллик синов маълумотларига қараганда, пахта ҳосилдорлиги стандартга нис-



33-расм. АН-402 нағи.

батан 3—4 центнер, тола чиқиши эса 1,2 центнер юқори бўлганлигп қайд қилинганд.

«Тошкент—6» нағи. Селекционер С. М. Мираҳмедов, В. П. Сеноедов, Х. Хидаев, А. Аҳмаджонов ва Т. Холхўжаевлар томонидан тезпишар ва вилтга чидамсиз — С—4727 нағи билан

вилтга чидамли ёввои Мексика кенжак турини дурагаїлаш ва ундан олинган учинчи бўғинни қайтадан С—4727 нави билан чатиштириш ва вилт касали билан зарарланган майдонда қайта-қайта экиб касалга чидамли аломати бўлганидан танлаб олиш йўли билан яратилган.


Бўйи одатда 110—120 см, ҳосил шохлари биринчи ва бир яриминчи кенжак тилга киради. Дастребки ҳосил шохи бош поянинг бешинчи бўғимида пайдо бўлади. Кўсакларни ўртача катталикда ва юмалоқ. Ёзасин тезпишар бўлганилиги учун кеинги яратилган навлардан ажралиб туради. Экилган чигит тупроқда унгандан бошлаб, унинг кўсаги нишиб етилгунга қадар 119—125 кунни талаб қиласди (34-расм). Шунинг учун ҳам стандартга («Тошкент—I») нисбатан 10—12 кун эрта етилади. Биринчи сорт пахтани ҳамма ерда кўп беради. Бу эса юқори сифатли тола ва чигит мойи демакдир. Шу жиҳатдан мамлакатда Озиқ-овқат программасини ҳал қилишда ўзининг муносиб улушини қўшади. Тезпишар ва ҳосил шохлари калта бўғимли бўлгани учун кўчат сони «Тошкент—I» навига нисбатан 20—30 фоиз ошиқ бўлишликни тақозо қиласди. Агарда кўчат сийрак бўлса, ёзаси туплари бирмунча ётиб қолишга мойилроқ, бу камчиликка йўл қўймаслик учун қатордаги кўчат нормал қалинликда ҳамда уяларда якка тупдан тургани маъқул. Кейинги йиллардаги колхоз-совхозларнинг амалий тажрибаси шуни кўрсатади, кўчат сони гектар бошига 130—140 минг тупдан кам бўлмаганда юқори ҳосил беради. Вилт билан касалланиш даражаси «Тошкент—I» навиникидан бироз кам ёки баробар.

Битта кўсакдан чиқадиган пахтанинг вазни стандартга нисбатан бироз камроқ — 6,0—6,5 г келади. 1000 дона чигитниниг массаси 125—130 г. Тола чиқиши 37—38 фоизни ташкил қиласди. Тола узунлиги 34—35 мм, пишиқлнги 4,6 г/к. келади, метрик номери 5900, узилиш узунлиги 27,3 км бўлнб, толаси қатъий бешинчи тилга киради. Пахта ҳосили «Тошкент—I», «Қизил—Ровот» каби навларга нисбатан юқори. Айниқса тезпишарлигини ҳисобга олинса, октябрь ойининг иккинчи ярмига етар-етмас ҳамма ҳосилни йиғишириб олиш мумкин. Бу келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки дала ишларини эрта бошлаб юборишга кенг йўл очиб беради.

«А Н — Б о ё в у т — 2» нави. Узбекистон Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институтидан С. С. Содиқов, С. Султонов, Т. Ш. Шоцмоловлар томонидан яратилган. 1983 йилдан бошлаб районлаштирилган.

«АН—Боёвут—2» тезпишар гўзалар группасига киради. Ёзанинг гулга кириши стандартга («Тошкент—I») нисбатан 2—3 кун ва кўсакларининг етилиб пишиши эса 6—10 кун эрта бошланади. Теримга етилганда эса тезпишарлиги 15 кун ва ундан ортиқ. Умуман ўсув даври 125—130 кун (35-расм).

Ҳосил шохининг шаклланиши 1—1,5 кепжа тилга киради, тури хипча.



34-расм. «Тошкент-6» пави.


Битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 6,8—7 г, тола чиқиш 36—37 фоиз, тола узуилиги 33—34 мм, тола пишиқлиги 4,8 г/к, метрик номери 5650, узилиш узунлиги 27,0 км. Толаси V типга киради. Вертициллез вилт касаллиги стандартга нисбатан 20—30 фоиз кам. Бу нав кўсаклари пишиб етилиши билан барги табиий тўкилиб кетишга мойил. Шунинг учун ҳам пахта эрта етилганда дефолянтларни ишлатиш нормасини 40 фоизгача камайтириш мумкин.

«Самарқанд — 3» пави. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институтида О. Ж. Жалилов, Д. М. Бабаев, Н. С. Асриянилар томонидан яратилган, 1981 йилдан бошлаб районлаштирилган. Бу нав 108—Ф павинни АН—401 павининг мутантин билан чатиштириб, қайта-қайта ташлаш йўли билан олинган.



35 ратм. «АН-Боёвут-2» нази.

Нав күсакларининг пишиши жиҳатдан стандартдан фарқ қилмайды, яъни 135 кунда пишади. Лекин күсакларнинг пишиш тезлигиги бу нега жадал боради. Ҳосил шохининг шохланиши 1,0—1,5 кенжада тирига киради. Бўйи 80—120 см. Пояда 1—2 та ўсиш шохи ривожланган. Дастребки ҳосил шохи поянинг 5—7




36-расм. «Самарқанд-3» нави.

бўғимларидан ўсиб чиқади (36-расм). Битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 5,5 г. Тола чиқиши 37,5%, тола узунлиги 35,1 мм, пишиқлиги 4,7 г/к, метрик номери 5830, узилиш узунлиги 27,4 км. Толаси IV—V типларга киради. Вилт билан касалланиши стандартга нисбатан 10—15% кам.

«АН—Ўзбекистон—3» нави. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси инсти-

тутида Н. Р. Факиров ва И. И. Одилхўжаевлар томонидан яратилган. Ўза нави 1980 йилдан бошлаб районлаштирилган. Кўсакларининг етилиши 108—Ф навинпек билан тенг, яъни 133—136 кунда пишади. Тупи хичча, ҳосил шохнинг шохлашиши 15 кенжак тинга киради. Даастлабки ҳосил шохи поянинг 5—7 бўғимидаи пайдо бўлади (37-расм).



37-расм. «АН-Ўзбекистон-3» нави

Битта күсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 7,5—8,5 г. 1000 дона чигитнинг массаси 128—135 г. Тола чиқиши 36—37%, тола узунлиги 35—36 мм, тола пишиқлиги 4,8 г/к. Вилт касаллигига чидамли.

«Андижон—60» нави. «СоюзХЛОПОК» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Андижон филиалида А. Азизов, Ш. Иброҳимов, А. Кимлар томонидан яратилган. Навлараро дурагайлаш йўли билан чиқарилган. Нав 1985 йилдан бошлаб районлаштирилган. Бош поя баландлиги 110—120 см, тупи хнича ва пишиқ. Ҳосил шохларининг шохланиши 1,0—1,5 кенжә типга киради. Дастрекки ҳосил шох поянинг 5—6-бўғимидан ривожланади. Пахтаси пишганда чаноқларда яхши ушланиб туради, чигити яланғоч бўлиб ҳалаза томонида қисман қисқа тукли бўлади. Кўсакларни етилиб пишиш жиҳатидан ўртacha, битта кўсакдан чиқадиган пахтанинг массаси 6,0—7,0 г, тола узунлиги 32 мм, тола чиқиши 39%, толанинг пишиқлиги 4,8 г/к, метрик номери 5500. Гўза вилт касаллигига анча чидамли. Нав ҳосилдорлиги жиҳатидан Фарғона водийсида деярли биринчи ўринда туради. Толаси VI типга киради.

133 нави. 1967 йилдан районлаштирилган бу нав Андижон вилояти «Октябрь 50 йиллиги» элита-урӯччилиги совхозида Е. И. Аракатова ва З. М. Пудовкина томонидан чиқарилган. Бошқа урта толали экилиб келинаётган навларга ишбатан тола сифати устун туради. Вилт касалига чидамлиги 108—Ф навига тенг келади, аммо 1—2 кун ҳосили кеч етилади. Тупи нинг шакли кенг пирамидасимон, бош поя баландлиги 90—110 см. Пояси мустаҳкам бўлгани учун ётмайди. Дастрекки ҳосил шохи бош поянни олтинчи бўғимидан пайдо бўлади.

Туни бирмунча ёйик бўлиб ўсгани учун ҳосил шохларининг бўғим оралиқларини кенглигига ўртacha, иккиси ченжак типга киради.

Битта кўсакдап чиқадиган чигитли пахта массаси 6,5—7,0 г ёки 108—Ф навникига ишбатан 0,2—0,4 г кам. Тола узунлиги 35—37 мм, тола пишиқлиги 4,9—5 г/к, тола чиқиши эса 29—31 фонз. Толанинг метрик номери 6700, 1000 дона чигит массаси 125—140 г. Толаси пигичка, узуи бўлгани учун тўқимачилик саноати уни IV типга ва III типга қабул қилгани сабабли буни ҳатто пигичка толали нав толаси ўрнига қабул қилинади. Нав асосан Туркманистон ва Тоҷикистонда экилиб келинмоқда.

«Қизил Ровот» нави. Фўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Намангандаги «Қизил Ровот» экспериментал хўжалигига «Тошкент—I» фўза навини якка ташлаш усули билан А. Т. Циба, А. Ш. Шерматов, Ш. И. Иброҳимов, С. М. Мираҳмедов ва А. А. Автономовлар томонидан яратилган. 1976 йилдан бошлаб районлаштирилган. Навнинг асосий ҳислати «Тошкент—I» га ишбатан толаси сифатли ва 1—2 кун эрта пишади ҳамда серҳосил.

Морфологик белгиларп бўйича «Тошкент—I» га яқин туради. Тупи пирамида шаклида, бош поя баландлиги 100—110 см,

пояси пишиқ бүлгани учун ётиб қолишига мойил эмас. Дастрлабки ҳосил шохлари поянинг бешинчи-олтичи бўғимларидан пайдо бўлади. Ҳосил шохларининг шохланиши 1—2 кенжага киради (38-расм). «Тошкент—I» навига нисбатан вилт касаллиги билан бирмунча кам зарарлашиди. Қўсаклари асосан беш чаноқли. Битға қўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 6,0—6,5 г. Тола чиқинши 34,6%, толасининг узунлиги 33,4 мм, тола пишиқлиги 4,5 г/к. Толанинг метрик номери — 5860, узилиш узунлиги 26,4 км.

Тўқимачилик сапоатининг берган маълумотига қараганда, толаси типик, V типга киради.

«Қизпл Ровот» нави, асосан Ўзбекистон, Қозогистон ва қисман Қирғизистонда районлаштирилган.

С—2602 нави. 1977 йилдан районлаштирилган, бу нав Ф. В. Войтенок, И. Э. Шадраимов ва Е. И. Аракатовалар то-




38-расм. Қизил-Ровот нави.

менидан чиқарылған. «Тошкент—I» павға нисбатан Бухоро ви-
лоятининг жанубий районларида 4—6 фоиз ортиқ ҳосил берган-
лиги ва толаси IV типга кирганилиги учун экимлоқда. Тезлишар-
лиги ва вилт касалига чидамлилиги жиҳатидан стандартга
/«Тошкент—I»/ тенг келади.

Туп шакли кеңг пирамидасимон, бош поя баландлиги 90—
100 см. Поя пишиқ бўлгани учун туни ётиб қолмайди. Дастлаб-
ки ҳосил шохи поясининг 6—7 бўғимидан чиқади. Битта кўсак-
дан чиқадиган чигитли пахта массаси 6,5—6,8 г. Тола узунлиги
35—36 мм, тола пишиқлиги 4,6 г/к, тола чиқиши 30—32 фоиз. То-
ланинг метрик номери 6200 ва ишбий узилиш кучи 28—39 г/текс.
Пахта ҳосилини машина яхши теради.

С—4727 нави. Селекционер Б. П. Страумал ва А. И. Ти-
шенилар томонидан Мехнат Қизил Байроқ орденли Г. С. Зайцев
номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва ургучлиги инсти-



39-расм. С-4727 нави.

тутида яратилган. Нав 1961 йилда районлаштирилган, нав тез-пишар, 108—Ф га нисбатан 6—10 кун эрта етилади. Бош поя бўйи 90—110 см, тути хипча, ҳосил шохлари I кенжа типга киради (39-расм). Етилган кўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 6,5—7,0 г, тола чикиши 37—39%, тола узунлиги 32—33 мм, толанинг метрик номери 5600, пишиқлиги 4,6 г/к. 1000-дона чигитининг массаси 120—130 г. Бу нав вилт касалига унчалик чидамайди ва агротехника тадбирларига етарли эътибор берилмаса тути ётиб қолишга мойилроқ. Тупроғи вилт билан зарарланмаган шимолий районларда — Қорақалпоғистон АССР, Туркменистон ССРнинг Ташауз вилояти, Қозогистон ССР нинг Чимкент вилояти ва Озарбайжон ССРда экплади. Баъзи йиллар Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида май ойи ичидаги табиий оғат натижасида қайта экиладиган бўлса, бунда С—4727 навининг тезпишарлариги эътиборга олиш лозим.

«Чимбой—3010» нави. Нав 1976 йилдан бошлаб районлаштирилган. Селекционер А. В. Березнякова, Б. П. Страумал ва С. Қуатбаевлар томонидан С—4727 навидан танлаш йўли билан Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтидаги яратилган. Бу навининг ҳосилдорлиги С—4727 навига нисбатан 5—10 фоиз ортиқ. Тути хипча, колонкасимои шаклда. Бош пояси пишиқ, бўйи 100—110 см атрофида. Дастребаки ҳосил шохи бош поянинг тўртинчи-олтинчи бўғимидан чиқади. Ҳосил шохлари бир ярминчи кенжа типга киради. Кўсаги йирик, пишганда яхши очилади (40-расм). Етилган кўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 6,5—7,0 г. Тола узунлиги 32,0—33,0 мм, тола пишиқлиги 4,6 г/к. Тола чикиши 37—38%. Метрик номери 5800. Толаси тўқимачилик саноати маълумотига қараганда V типга киради.

Бу нав Қорақалпоғистоннинг шимолий районларида етиштирибо келинмоқда. Кўчат сопи С—4727 навиникдан фарқ қилимайди.

«Чимбой—160». Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий-тадқиқот институтидаги С—4810 X С—1973 навларини чатиштириш йўли билан яратилган. Бу нав 1980 йилдан бошлаб ҚҚАССР териториясида районлаштирилган. Нав С—4727 билан баробар етилади ёки унга нисбатан 1—3 кун ва шунга ўхшаш 108—Ф га нисбатан 2—6 кун эрта етилади. Бош поя бақувват бўлиб, 90—100 см бўлади. Ҳосил шохлари 1,5—2,0 кенжа типга киради. Толанинг чиқиши ва толасни технологик хусусиятлари С—4727 ва «Чимбой—3010» га ўхшайди. Толаси V типга киради. Фўзанинг ҳосилдорлиги С—4727 га нисбатан 5—8% ортиқ.

175-Ф нави. СоюзНИХИнинг Андижон филиалида А. И. Трубинский ва бошқалар томонидан мураккаб дуррагайлаш методи билан яратилган. 1980 йилдан бошлаб Андижон вилоятида районлаштирилган. Нав ўртапишар группасига оид бўлиб, ўсув даври 133—148 кунга тўғри келиб, «Тошкент-I» навига нисбатан 3—4 ёки 108-Ф га нисбатан 3—5 кун кеч ети-

лади. Битта пишгай күсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 5,2—5,6 г ёки «Ташкент-1» га нисбатан 0,1—0,4 г кам. Толаси IV типга киради, тола узуилигі 36,4 мм, метрик номери 6500, узиліш кучи 4,6 г/к, узиліш узуилигі 29,9 км. Тола чиқиши 32,4—33,8%. Нав хұжалик жиһатидан мұхим ахамиятга эга бўлган «Ташкент-1» павига нисбатан вилт касалига анча чидамли ва шунинг учун ҳосилдорлиги бирмунчча юқори үнсебтанаиди.

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ГЎЗА НАВЛАРИ

5904—И нави. Нав 1953 йилдан бошлаб районлаштирилган. Туркманистоннинг Илотай қышлоқ хұжалик тажриба станциясында селекционер К. И. Цинда томонидан етиштирілган.


Нав ўртапишар, 108—Ф гўза палыға нисбатан 5—7 кун кечроқ пишади. Бош поя баландлиги 120—130 см. Тупининг шакли колонкасімоп бўлиб, шохланиши чекланған типга киради. Аммо ҳосил шохи жуда қисқа бўлгани учун уни ҳатто шохениз «нуль» тинига ҳам киритишади. Меваси бош поянинг барг кўлтиғидаги куртаклардан пайдо бўлиб, улар бир-учта бўлади. Дастрлабки мевалар бош поянинг тўртинчи-олтинчи бўғимларидан чиқади. Кўсаги 3—4 чаноқли. Битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 3,2—3,5 г. Чигити йирик ва туксиз.

Тола сифат кўрсаткини бўйича III типга киритилган.

Нав серҳосил, сув камчиллигига, гармсептега анча чидамли. Фузарноз вилт ва қора илдиз чириш касалликларига чидамлилиги ўртача. Ҳосилнинг пахта териш машиналари яхши тेради.

Ўзбекистон ССРнинг Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг жанубий районларида етиштириб келинмоқда.

C-6037 нави. Нав 1977 йилдан бошлаб районлаштирилган Г. С. Зайцев номидаги гўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида селекционер Ю. П. Хоторний томонидан чиқарилган. Нав 5904—И га нисбатан 6—10 кун эрта пишади. Тупи чекланған гўза типига кириб, колонкасімоп шаклда. Бош поя баландлиги 100—120 см, пояси пишиқ, ётиб қолмайди. Дастрлабки кўсак поянинг тўртинчи-бешинчи бўғимидан пайдо бўлади (41-расм). Кўсаги 3—4 чаноқли, ундан чиқадиган чи-



43-расм. „Чимбей-3010“ нави.



41-расм. С-6037 нави.

Гитли пахта массаси, 3,6—3,8 г. Чигитли ўртача катталикда, **микропиль** (ингичка учли) қисми сертук ва қисман халаза (**йўғон**) қисмида бўлади. Тола узунлиги 40—41 мм, толанинг пишиқлиги 4,5 г/к, тола чиқиши 30—31 фоиз.

Толаси тўқимачилик саноатининг кўрсатишича II типга киради. Ёзга нави фузариоз ва бактериоз билтга ва шунингдек қора илдиз чириш касалликларига чидамли.

С-6037 нави Ўзбекистоннинг жанубий районларида 5904—И нави ўрнига экилмоқда.

«Термиз—14» нави. СоюзНИХИнинг Сурхондарё тажриба станциясида В. Г. Гаврилов ва Н. Х. Холмуродловлар яратишган. 1983 йилдан бошлаб районлаштирилган. Навнинг ўсув даври 128—130 кун ёки стандартга нисбатан 10—11 кун ёрта пишади, шунинг учун тезпишар ҳисобланади. Тупи хипча, шохланиши «нулевка» типига киради. Бош поясининг бўйи

110—120 см. Пояси мустаҳкам бўлиб, ётиб қолишга мойил эмас (42-расм). Битта кўсақдан чиқадиган чигитли пахта мас-саси 3,5 г, тола чиқиши 30,5 фоиз, тола узуилиги 40—41 мм, метрик номери 7430, пишиқли-ги 4,7 г/к, толасининг нисбий узилиш узунлиги 39,9 км. То-ласи III типга киради. Ингич-ка толали ўзга навлари пишида энг серҳосил ҳисобланади.

Ўзбекистон ССРнинг Сур-хондарё, Қашқадарё вилоят-ларида районлаштирилган.

«Ашҳобод—25» нави. Туркманистон шигичка толали ўзга селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг Ашҳобод бўлимидан селекцио-нер Д. Б. Бабаев томонидан яратилган. 1978 йилдан бош-лаб районлаштирилган.

Фузариоз вилтига чидамли-лиги ва тезнишарлиги жиҳати-дан 5904—И га teng келади.

Бош поя баландлиги 80—100 см. Ҳосил шохининг шох-ланиши 2-3-кенжага типга кира-ди. Туп сербарг бўлиб, баргла-ри майда. Кўсаги майда, уч чаноқли ва тухумсизмон шакл-да бўлиб, етилган битта кўсақ-дан чиқадиган чигитли пахта массаси 3,2—3,6 г. Тола чиқи-ши 33—35%, тола сифати I типга киради, тола узунлиги 40—41 мм. Узилиш кучи (пишиқ-лиги) 4,6 г/к., метрик номери 8000. Нав Туркманистон, Тожи-кистон ва Ўзбекистон жумҳориятларида экимлоқда.

9647—И нави. Туркманистон шигичка толали ўзга селек-цияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида селекционер-лар В. Г. Кулебаев ва бошқалар томонидан яратилган. 1970 йилдан бошлаб районлаштирилган. Пахта ҳосили 8763—И навига нисбатан 6—11% ортиқ. Фузариоз вилт касалига чидам-ли ва толасининг сифати юқори кўрсаткичга эга бўлиши билан бошқа навлардан фарқ қиласи. Нав 5904—И га нисбатан 6—8 кун кеч етилади. Бош поя баландлиги 110—120 см. Тури хип-ча, калонкасимон. Ҳосил шохлари поядан пайдо бўлмай, мева-лари тупдаги барг қўлтиғидан тўғридан-тўғри куртакдан пайдо бўлгани учун шохланиши «нүлёвка» типига киради. Битта кўсақдан чиқадиган пишган пахта массаси 3,4—3,6 г ёки 5904—И навиники билан баробар. Тола чиқиши 28—29 фоиз. Са-



42-расм. «Термиз-14» нави.

ноатда тола сифати I типга қабул қилинган. Тола узунлиги 39—41 мм, метрик номери 7900—8500, узилиш кучи 4,6—4,8 г/к, толанинг узилиш узунлиги 36,0 км. Нав Туркманистон ССРда экилмоқда.

6465—В нағи. Тожикистон дәҳқончилик илмий-тадқиқот институтининг Вахши филиалида селекционер В. П. Красичков ва Б. Сангиновлар томонидан яратилган.

1970 йилдан бошлаб районлаштирилган. Нав 5904—И ва 5595—В навларига нисбатан 2—3 кун эрта етилади. Ялпи ҳоспли бўйича 5595—В га нисбатан 7—10% ортиқ. Фузариоз вилт касалига анча чидамли. Бош поя баландлиги 110—120 см, тути ихчам бўлиб, колонкасимон шаклда, ҳосил шохининг шохланиши «нүлёвка» тирида бўлади. Битта қўсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси 3,0—4,2 г (3,6), тола чиқиши 30—33%. Толасининг сифати бўйича III типга киради, тола узунлиги 39—41 мм, узилиш кучи 4,5—4,6 г/к, метрик номери 6900—7000 узилиш узунлиги 34,9 км. Тожикистон ССР да экилади.

ПАХТАЧИЛИК ХЎЖАЛИКЛАРДА АЛМАШЛАБ ЭКИШ ВА ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ СТРУКТУРАСИ

Дәҳқончилик маданиятини юксалтиришда тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишда, чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак базаси билан таъминлашда алмашлаб экиш асосий омиллардан биридир.

Алмашлаб экиш ишлаб чиқаришда турли хил соҳаларни бирбири билан мақсадга мувофиқ тарзда боғлаб олиб боришини таъминлайди.

Пахтачилик хўжаликларида алмашлаб экиш қўйидагиларни таъминлаши керак:

а) қишлоқ хўжалигини ривожлантириш белгиланган пландаги сифатли ва юқори сифатли маҳсулот етишириш ҳамда давлатга сотиш бўйича давлат топшириқларини бажарилишини таъминлаши;

б) табиий зона шароитига боғлиқ ҳолда хўжаликнинг давлат томонидан белгиланган йўналиши бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларини тўғри ривожлантиришга ва уларни бир-бирига боғлаб олиб боришга ёрдам бериши;

в) Урта Осиё шароитида пахтачилик, чорвачилик, инакчилик, мевачилик, узумчиликни қўшиб ривожлантиришни қўзда тутниши;

г) ўт далали алмашлаб экишда кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, маккажӯхори, оқжӯхори ва оралиқ экинлар (кузги жавдар, арпа, кузги рапс, горчица, перко ва бошқалар) жорий этиш билан чорвачиликнинг мұстаҳкам ем-хашак базасини таъминлаши;

д) иоқулай ерларни планли равишда ўзлаштириш билан хўжаликнинг ҳамма өрларида мақсадга мувофиқ фойдаланишини таъминлаши;

е) тупроқ унумдорлигини тобора ошириш ва ҳамма экинлардан мүл ҳосил олишини таъмилаши;

ё) алмашлаб экиш далаларини тұғри планлаштириш ўюли билан колхоз ва совхозларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан рационал фойдаласып учун мувофиқ шаронит яратиши;

ж) қишлоқ хұжалик ишлаб чиқаришида комплекс механизацияни жорий этиши лозим.

Алмашлаб экишни жорий этмасдан туриб ўғитлаш, агротехника тадбирлари, бегона ўтлар, заараркунанда ҳашарот ва касалликлар билан курашнинг тұғри системасини құллаб бўлмайди.

Алмашлаб экиш деб, экинларнинг илмий асосда далалар ва ийллар бўйича навбатлаб экилишига айтилади. Ротация ёки алмашлаб экиш даври деб, ҳар қайси экин навбати билан барча далаларда бирма-бир экилиб ўтишига айтилади. Алмашлаб экиш схемаси деб, экинларнинг далалар бўйича навбатлаб жойлаштирилишига айтилади.

Алмашлаб экиш ўсимликдан олинадиган асосий маҳсулотларга қараб (дон, техника экинлари, сабзавот, ем-хашаклар ва ҳоказо) учта турга бўлинади: булар ўт-далали, ем-хашак ва маҳсус алмашлаб экишлардир.

Дон ва техникавий экинлар (дон, ғўза, ва бошқалар) ўстириладиган далалар ўт-далали алмашлаб экишга, майдоннинг ярмидан қўпроғига ем-хашак экинлари экилган бўлса, ем-хашак алмашлаб экишга киради. Ўт-далали ва ем-хашак алмашлаб экишларда ўстириб бўлмайдиган экинларни ўстириш учун маҳсус алмашлаб экиш жорий этилади. Бундай экинларга шоли, сабзавот, полиз ва бошқалар киради.

Алмашлаб экиш ғўза-беда; ғўза-беда-маккажӯхори, каноп-беда, қатор оралари ишланадиган экинларни алмашлаб экиш ва бошқаларга бўлинади.

Беда ва оралиқ экинларининг ерда ўсимлик қолдиқлари қолиши ҳисобига тупроқ органик моддалар ва гумус (чириниди) лар билан бойиб, унинг сув, физик хусусиятлари, химиявий таркиби ва микробиологик фаолияти яхшиланади. Бу ҳол ўғит, сув, меҳнат ва бошқа моддий сарфлардан яхшироқ фойдаланишга имкон беради. Алмашлаб экишда ўғит ва сувдан келадиган маңбаат ва меҳнат унумдорлиги ошади.

Беда ва оралиқ экинлари вилт касаллигига чидамли бўлганлиги учун улар ўсган даврда тупроқда вилт касаллигини тарқатувчи замбуруғлариииг қушандалари ривожланади. Шу сабабли беда ва оралиқ экин ўстирилган далаларда ғўзанинг вилт билан касалданиши камаяди.

Беда алмашлаб экишда ғўзанинг энг яхши йўлдош экинидир. У ҳатто шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ер устини қоплаб олган беда намнинг буғланишини камайтиради. Беда ҳар сугорилганда, ернинг уст қаватидаги шўр ювилиб, пастки қаватларга тушади. Ер ости сизот сувларининг пастга—чукурга тушишида ҳам беданинг роли катта. Беда бегона ўтларни анча камайтиради.

Беда тупроқда күп миқдорда илдиз (бир гектарда 20—25 тоннагача органик модда) қолдирады. Бу илдизлар азотта жуда ҳам бой бўлиб, улар ҳаводаги азот ҳисобига тугунак бактериялар ҳосил этадилар ва натижада тупроқ унумдорлигини оширадилар. Беда ўзининг уч йиллик умрида, уни яхши парвариш қилинса, ҳар гектар ерда 500—600 кг гача биологик азот тўплайди. Тупроқда бедадан кейин қоладиган жуда кўп органик модда—гумус (чирини) пинг таъсири ҳар гектар ерда 40—50т гўйгенинг ўринини босади. Бедадан чорва моллари учун, оқсанлга бой бўлганничан олинади. Иккича йил мобайнида юқори агротехника ўтказилган беда далаларида 300—400 ц гача қуруқ хашак олиш мумкин.

Кўп йиллик маълумотларнинг кўрсатишича, уч йиллик бедапоялар бузилиб, чигит экилган майдонларда пахта ҳоснли 20—40% гача кўпаяди. Пахта ҳосилининг ортишида биданинг

12-жадвал

Узоқ муддаг гўза ўстириған (монокультура) ва атмашлаб экишнинг пахта ҳосилига таъсири, га/ц.

Тупроғи ва тажрибани ўтказиш жойи	Роганинга бўнинг	Йиллар	Гўза доимо				Атмашлаб экини 2; 6; 3; 7; 6; 3; 7
			Ўтказишмаган	Азот, фосфор, калий, бернаган	Гўнг бернаган	№РК+ гўнг бернаган	
Типик бўз тупроқ СоюзНИХИ	—	1926 — 1936	15.3	20.9	21.8	—	—
	I	1937 — 1941	21.1	37.7	34.0	—	42.2
	II	1944 — 1947	14.2	35.5	31.8	—	42.5
	III	1950 — 1954	12.0	37.0	29.8	—	43.1
	IV	1957 — 1963	14.7	38.7	35.5	—	43.8
	V	1965 — 1971	13.6	30.7	32.7	—	33.9
	VI	1974 — 1984	15.3	31.6	32.3	—	36.3
Оч бўз тупроқ Андижон филиали		Ўртаси	14.9	32.2	30.8	—	39.4
		I	1936 — 1944	23.8	37.3	—	37.8
		II	1948 — 1954	19.3	35.9	—	38.6
		III	1958 — 1964	16.2	34.4	—	38.7
		IV	1968 — 1974	16.1	30.3	—	40.9
		V	1978 — 1984	17.2	29.1	—	38.1
		Ўртаси	18.3	33.4	—	—	38.8
Ўтлоқи бўз тупроқ Фарғона пахтавилик тажриба станцияси	I	1954 — 1963	25.2	34.6	—	36.8	38.2
	II	1964 — 1973	20.5	31.8	—	33.3	36.8
	III	1974 — 1983	20.3	34.6	—	37.1	40.8
		Ўртаси	22.0	33.6	—	35.7	38.6
Ўтлоқи—аллювиал тупроқ. СоюзНИХИ	I	193 — 1965	23.5	25.2	—	25.7	—
	II	196 — 1972	16.1	33.5	—	—	39.0
	III	192 — 1983	14.6	38.3	—	44.1	46.8
		Ўртаси	18.0	32.3	—	34.9	42.9
Ўтлоқи—такир СоюзНИХИ Сурхондарё пахтавилик тажриба станцияси	—	1960 — 1965	15.8	21.7	—	24.4	—
	I	1966 — 1974	16.1	28.7	—	30.6	35.3
	II	1975 — 1983	15.1	32.3	—	35.3	39.9
		Ўртаси	15.6	27.5	—	30.1	38.1

кучи бир неча йилга етади. Ҳатто беданоя бузилганидан сўнг еттиничи йили ҳам эскидан ишланиб, қаторасига фўза экилиб келинаётган ерлардагига қараганда пахта ҳосили гектарига 1—3 ц ошади.

СоюзНИХИ маълумотларига кўра, 59 йил мобайнида фўза ўстирилган майдонларда (монокультура) пахта ҳосили қуидагича бўлган: ўғитланмаган пайкалда гектаридан — 14,9 ц, ҳар йили гўнг берилган пайкалда — 30,8 ц, минерал ўғит берилган делянкада — 32,2 ц ва олти ротациини ўтган алмашлаб экишда 39,4 ц ташкил этган.

СоюзНИХИ нинг тажриба станицяларида узоқ муддат фўза ўстирилган (монокультура) ва алмашлаб экилган майдонлардаги ҳосил патижаларини қуидаги маълумотлардан кўриш мумкин (12-жадвал).

Оралиқ ўсимликлар орасида кузги жавдар тупроқ таркиби-даги вилт касалликミニдорини бошига ўсимликларга ишебатан энг кўп камайтиради. Кузги жавдар жумҳуриятиниң иқлимига чидамли бўлиб, гектарига 250—350 ц кўкпоя ҳосили олиш имконини беради. Унинг пояси витаминга бой бўлиб, эрта баҳорда чорва моллариниң ем-хашакка бўлган эҳтиёжини тўла қонидиради.

Оралиқ экшиларидан етиштирилган кўкпояни йиғиштириб олиш, далада қолган ўсимлик ҳамда илдиз қолдиқларини ҳайдаб юбориш яхши патижада беради. Кўкат ўғитлар таркибида 2% гача азот, 1 % гача фосфор ва 2 % гача калий бўлади. Улар микроорганизмлар томонидан жуда осон ўзлаштираоладиган органик ўғит ҳисобланади. Бундай ўғитдан пахта ҳосилдорлиги гектаридан 4 и гача ошади.

Қумоқ тупроқли ерларда эса пахта ҳосили гектарига 5—6 ц гача ошади. Шу туфайли қумоқ тупроқли ерларда оралиқ экшилари мумкин қадар кенг кўламда экиласди. Бу эса пахта ҳосилдорлигини оширишининг муҳим резервларидан бириди.

Алмашлаб экишни жорий этишикки даврдан, яъни алмашлаб экишни жорий қилиш ва уни ўзлаштиришдан иборат. Алмашлаб экишни жорий қилиш алмашлаб экиш лойиҳасини тузищдан ва уни аслига кўчиришдан, яъни ер тузиш ишлари ўтказишдан иборат. бўлади. Алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш учун 2—3 йил талаб этилади.

Алмашлаб экиш жумҳуриятимизининг барча пахтачилик хўжаликларида ўзлаштирилмоқда. 1987 йилда умумий майдоннинг 71,2% да алмашлаб экиш жорий этилган. XII беш йилликда жумҳуриятдаги ҳамма хўжаликлар алмашлаб экишга тўла ўтиши керак.

Ўзбекистониниң пахтачилик ноҳияларида алмашлаб экишни табақалаштирилган ҳолда жойлаштиришда пахта етиштириш бўйича давлат топшириклари билан бир қаторда тупроқ унумдорлиги, ернинг мелиоратив ҳолати, вилт касаллиги билан зарарланиши, чорвачиликни мустаҳкам ем-хашак билан таъминлаш ҳисобга олиниши керак.

Пахтачилик хўжаликларида 1988—1990 йиллар ичидаги майдонининг 67 %, 1995 йилга бориб 62,5 % гўза билан банд қилинадиган алмашлаб экиш схемалари жорий этилиши керак.

Гўза-беда алмашлаб экиш схемаларида беда 30% кам бўлмагани керак.

Алмашлаб экишни табақалаштиришнинг асосий принципи унча мадданийлаштирилмаган, табиий унумдорлиги кам бўлган ва шўрланиш даражаси юқорироқ ерларда беда экиладиган майдонди бироз кенгайтиришдан иборатdir. Агрономия ишлаб чиқариш белгиларига кўра жумҳуриятдаги сугориладиган ерлар икки зонага бўлинади:

I) тоғ олди минтақасига кирувчи бўз тупроқли зона—тоғ олди зона, ярим саҳро иқлими, ери шўрланмаган ва айрим жойлари шўрланган, эрозиядан заараланадиган сугориладиган бўз, бўз-ўтлоқ ҳамда ўтлоқ тупроқлардан ташкил топган. Ўз навбатида мазкур зона тупроғининг қай даражада шўрлангалиги, ўзидаи сувни ўтказиш хусусияти, шўрланиш даражасига қараб тўртта кичик зонага бўлинади, шунга кўра алмашлаб экиш схемалари ҳам табақалаштирилади.

Биринчи кичик зона—тупроғи яхши ишланган, серунум, алмашлаб экиш далаларида пахта майдонининг салмоғи бошқалардан анча юқори бўлиши керак.

Иккинчи кичик зона—тупроғи камроқ ишланган, сувни яхши ўтказадиган бўлиб, кам унумлиги билан фарқ қиласди. Бундай ерларда тупроқ унумдорлигини тиклаш ва кейинчалик оширабориш учун қисқа ротацияли, гўза салмоғи кам бўлган алмашлаб экиш схемасини тавсия қилиш лозим. Оралиқ экинлар сифатида сидератлардан фойдаланишнинг ҳам аҳамияти каттадир.

Учинчи кичик зона—бунга тупроғи яхши ишланган, кам шўрланган ва шўрланмаган (ювилган), лекин кейинчалик шўр босган ерлар киради. Бу ерлар нисбатан яхши, серунум, лекин шўрланиш ва ботқоқланишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўришини талаб қиласди. Мазкур зонада уч йил беда ўстириш билан бирга пахта далалари салмоғини ошириш имконини берадиган алмашлаб экиш схемаси жорий этилиши керак.

Тўртинчи кичик зона—тупроғи унча яхши ишланмаган, ўртacha ва кучли шўрлапгап. Сувда эрийдиган заарали тузларнинг мавжудлиги ва сизот сувининг юза жойлашганлиги учун тупроғи кам унумдор. Бу кичик зонада дастлабки мелиорация ишлари олиб бориладиган пайтда алмашлаб экишнинг сурункасига уч йил беда ўстириш ва гўза майдони салмоғини камайтириш имкониятини берадиган схемасини жорий қилиш маъкул кўрилади.

2. Текислик зона—бунга саҳро иқлими, сугориладиган шўр ва шўрланишига мойил тақир, тақир-ўтлоқ тупроқли ерлар киради. Тупроқ таркибида чиринди, азот ва фосфор моддаларининг камлиги, структурасизлиги, бунинг устига органик моддаларнинг тезда парчаланиши билан тоғ олди зонасидан

фарқ қиласы. Биобарни, бу зона учун алмашлаб экиш схемаси таңлашада, пахта майдонларини тез-тез алмаштириб туриши назарда тутиш керак.

Текислик зона тупроғининг ишланиши, шўрланыш даражасига қараб учта кичик зонага бўлинади.

Биринчи кичик зона—тупроғи яхши ишланган, серунум, кам шўрланган бўлиб, заарли тузлар анча дуруст ювилиб тупроқнинг қуйи қатламларига тушириб юборилган. Мазкур ерларда алмашлаб экиш далаларининг кўп қисмини ғўза билан банд қилиш мумкин.

Иккинчи кичик зона—кам ишланган, ўртача шўрланган тупроқдан иборат. Шўрланганилиги учун унумдорлиги бироз настроқ. Бу зонада алмашлаб экишнинг дастлабки йилларида сурушкасига уч йил беда экиш билан бир қаторда пахта саломгани ҳам уича кўпайтириб юбормаслик керак.

Учинчى кичик зона—кучли шўрланганилиги сабабли тупроғи уича унумдор эмас. Мелиорация даври ҳисобланган алмашлаб экишнинг дастлабки уч йили албатта беда ўстириш, ғўза билан далаларни камроқ банд қилишини талаб этади.

Баъзи кучли шўрланган ва мелиоратив тадбирлар бажарилиши лозим бўлган жойларда бир дала мелиоратив, уч дала беда ва тўрт-беш дала ғўзани алмашлаб экиш схемаси (1:3:4; 1:3:5) жорий этилади.

Тупроқ-иқлим шароитларига ҳамда пахта ва бошқа маҳсулотлар, чунончи чорвачилик маҳсулотлари етиширишда алмашлаб экиш экинларини қуидаги схемада жойлаштириш тавсия этилади: ғўза-беда алмашлаб экишда тўққиз далали 3:6 схемасида ғўза миқдори — 66,7%; ўп далали 3:7 схемасида ғўза миқдори — 70%; ўн далали 1:2:7 схемасида ғўза миқдори — 70% ни ташкил этади.

Ўн далали ғўза-беда алмашлаб экиш схемаси 13-жадвалда кўрсатилган.

13-жадвал

**10 дала-и ғўза-беда алмашлаб экишнинг — 3:7 схемаси бўйича
Экинларчинг жойлашиши қуидаги (таксминий) кўрининиша тузилади**

Алмашлаб екин алалари- нилларин да ротация нилларин	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
1	B_1	F_7	F_6	F_5	F_4	F_3	F_2	F_1	B_3	B_2
2	B_2	B_1	F_7	F_6	F_5	F_4	F_3	F_2	F_1	B_3
3	B_3	B_2	B_1	F_7	F_6	F_5	F_4	F_3	F_2	F_1
4	F_1	B_3	B_2	B_1	F_7	F_6	F_5	F_4	F_3	F_2
5	F_2	F_1	B_3	B_2	B_1	F_7	F_6	F_5	F_4	F_3
6	F_3	F_2	F_1	B_3	B_2	B_1	F_7	F_6	F_5	F_4
7	F_4	F_3	F_2	F_1	B_3	B_2	B_1	F_7	F_6	F_5
8	F_5	F_4	F_3	F_2	F_1	B_3	B_2	B_1	F_7	F_6
9	F_6	F_5	F_4	F_3	F_2	F_1	B_3	B_2	B_1	F_7
10	F_7	F_6	F_5	F_4	F_3	F_2	F_1	B_3	B_2	B_1

Үқорида келтирилган асосий ғүза беда алмашлаб экиш схемаларидан ташқари, қуйнадаги бўлинган алмашлаб экиш схемалари тавсия этилади:

2:4:1:3 — ғүза миқдори — 70 %
2:4:1:2 — ғүза миқдори — 66,6 %
3:4:1:2 — ғүза миқдори — 60 %

Бўлинган алмашлаб экиш схемаларининг 2:4 ва 3:4 бўллагида (звеносида) 2 ёки 3 дала беда ва 4 дала пахта, бўлинган 1:2 ва 1:3 бўллагида бир дала бир йиллик ем-хашак экинлари ва 2—3 дала пахта экишга ажратилади.

Бўлинган алмашлаб экиш схемаларинда (2:4:1:3 ёки 2:4:1:2) биринчи йили бедадан иккн-уч ўрим олиш учун бедани арна билан қўшиб экиш тавсия этилади.

Алмашлаб экиш майдонларидан самарали фойдаланиш, ем-хашакни янада кўпайтириш, тупроқни вилт инфекциясидан соғломлаштириш ҳамда унинг унумдорлигини ошириш учун кузда оралиқ экинлар спфатида озиқбоп ва сидерат экинлар экиш тавсия этилади. Бундай экинларни келгуси йили макка-жўхори, оқжўхори экишга мўлжалланган ерларга экиш тавсия қилинади. Ғүза алмашлаб экишда оралиқ экинлардан фойдаланилганда 2:4:1:3; 2:4:1:2; 3:4:1:2 схемалари қўл келади.

Пахтачилик хўжаликларида ғўза-беда алмашлаб экишнинг жорий этилиши ва ўзлаштирилиш тажрибаси шуни кўрсатади-ки, алмашлаб экиш схемалари бўйича далалар тупроқ унумдорлиги ҳамда мелиоратив ҳолати бир хил бўлган шароитда алмашлаб экиш массивларини 150—200 дан 300—400 гектарга-ча етказади. Йирик пахтачилик бригадаларини ташкил этиб, бригада ва бригадалараро алмашлаб экинин жорий этиш ҳисобига техникасидан юқори упумда фойдаланиш ва ўтказиладиган агротехника ҳамда мелиорация талбијларининг самара-дорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ғўза-каноп-беда алмашлаб экиш. Хўжаликларда алмашлаб экиш схемалари давлатга аввало пахта, каноп топшыришга қараб ташланади. Каноп—пахта етиштирадиган хўжаликларининг умумий майдони техник экинлар 66,7—70% ши ташкил этиши керак.

Алмашлаб экиш—3:6, 3:7, 2:4:1:3, 2:4:1:2, 3:4:1:2 схемалар тўртничи йили каноп ва ҳоказо ёки беданоя ҳайдалганидан кейин биринчи йили ғўза, иккинчи йили каноп учинчи йили ғўза, тўртничи йили каноп ва ҳоказо ёки беданоя ҳайдалганидан кейинги 2—3 йил ғўза, кейин каноп, сўнгра ғўза орасида дон учун ғалла ёки маккажўхори экилиб, шу йилнинг ўзида унинг анги-зига сидерат экинлари экилинин мумкини.

ЕРНИ ЧИГИТ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ерни асосий ишлаш системаси. Ерни ўз вақтида сифатли қоплиб экишга тайёрлаш — мўл ва эрта ҳосил етиштиришда ҳамда ердан самарали фойдаланишда асосий шартлардан биридинр.

Пахтацилик хўжаликларида ерни экишга тайёрлаш «ерни ишлаш» номи билан аталиб, бир қанча ишларни ўз ичига олади. Булар, ғўзапояни йиғиштириш, бегона ўт илдизпояларидан тозалаш, далани текислаш, ҳайдаш ва экиш олдидан суфориш, ер шўринин ювиш, маҳаллий ҳамда минерал ўғитлар солиш, кузги шудгорлаш, тупроқни эрта кўкламда ва экиш олдидан ишлаш кабилар,


Ерни экишга тайёрлаш (айниқса ҳайдаш) жуда кўп куч талаб этадиган иш бўлиб, унга гўза ўстириш учун сарф этиладиган умумий машина кучининг 40—50% ти кетади. Бу жараён мўл ҳосил пойдевори бўлиши билан бирга, унинг кетидан ўтказиладиган барча агротехник тадбирларнинг ижобий натижка бериш учун ҳам асосодир.

Ғўзапояларни йиғиштириб олиш. Даладаги ғўзапояни йиғиштириш ишлари тўғри уюштирилса, терпм машиналаридан унумли фойдаланилса, гўза ҳосилини териб олиш октябрь охири ноябрнинг бошланиши мумкин.

Вилт касаллиги тарқалгани далаларда ғўзапоянинг илдизи гўза корчевалкалари ёрдамида 14—16 см чуқурлика қирқилиб, йиғиштириб даладан ташқарига олиб чиқиб ташланади. Агар ўсимлик вилт билан касалланмаган бўлса, ғўзапояни йиғиштириш вақтида майдалаб далага сочиш мумкин.

Ғўзапоя юлишда КВ—3,6 (43-расм), уни майдалаб далага сочиш ёки даладан ташқарига олиб чиқиши мақсадида ҳозир КИ—1,2, КИ—1,8, ғўзапоя юлиб майдалагичдан фойдаланилади.

Бир тонна ғўзапояни майдалаб, далага сочиб юбориш организик ўғит сифатида ерини 15—20 кг азот ва бошқа озуқа моддалар билан бойнатади.




43-расм. KV-3,6 маркали ғўзапоя юлиб тўплаган.

Бегона ўт илдизпояларини йигиб-териб олиш. Далада күп йиллик илдизпоялы бегона ўтлар тарқалган уларни отвалсиз плуглар билан 18—20 см чуқурлукда юмшатыб, кейин осма ва тиркалма чиңеллар, шудгорда ишлайдынган культиватор ва осма бороңалар ёрдамида ер бетига чиқарылады. Ер бетига чиқарылған илдизпояларини тишли бороңалар ёрдамида түплаб, дала четига олиб чиқиб ташланады. ВКС—1,8 күп йиллик бегона ўтларининг илдизини йигиб-териб олишда ишлатылады (44-расм). Далада илдизпоялы бегона ўтлар тарқалган ҳолда ўсгал бўлса, бегона ўтга қарши курашиб ишлари ўша жойларнинг фақат ўзидағина ўтказилади. Бегона ўтларининг илдизпоялари йигиб олгандан кейин далага ўғит ва гербицид солинади.

Кўп йиллик илдизпоялы бегона ўтларни (ажриқ, гумай) йўқотишида далапон (пропинат) 85%, гербицид ҳар гектар ерга 40—50 кг, 400—600 литр сув қўшилган эритма ОВХ—14, ОВХ—28 маркали пуркагичлар ёрдамида пуркалади. Бу ишни шудгорлашдан кейин ўтказиш яхши самара беради. Гупроқ шўри ювиладиган майдонларда далапонни шўри ювилгач, кўкламда чигит экишдан 1,5—2,0 ой олдин, гектарига 20—25 кг солиш тавсия этилади. Ажриқ ва гумай ишқоятда кўп тарқалган участкаларга далапон ёппасига пуркалади. Далада илдизпоялы бегона ўтлар тарқалган ҳолда ўсган бўлса, далапон даланинг ҳаммасига эмас, балки ўша ўтлар бор жойларгагина ишлатылади.

Далани текислаш сугориладиган деҳқончилик маданийтиниң юксалтириш ҳамда пахтадан мўл ҳосил олишга қаратылган муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади.

Дала сифатли текисланса, қаторлар текис ва тўғри олиниади.



44-расм. ВКС-1,8 маркали илдиз тароқлагич


тракторчи экишда ва культивацияда, сувчи суғориш вақтида меңнат унумдорлигини оширади, шўр босган ерлар ҳам сифатли ювилади, ғўза пиҳоллари бир текис униб чиқади ва ғўзалар серавж ўсади, бир текис ҳамда яхши ривожланади. Натижада мўл ҳосил етиштиришга эришилади.

Дала асосли ва жорий текислашга бўлинади.

Асосли текислаш ишларни бульдозер, скрейпер ва гредерлар ёрдамида бажарнлади. Дала ҳар 10—15 йилда бир марта капитал (асосли) текислашиши керак. Бунда тупроқнинг 20—30 см ли ва бундан ҳам қалинроқ устки қатлами кесиб олиниб,



45-расм. ГН-4А текислагич.



46-расм. ППА-3,1 текислагичи.

бошқа ҳалқоб ерга сурилади. Тупроқнинг кесиб олинган қисмийнинг остиқи қатлами унумсиз бўлади. Бунда ерларга органик (гектарига 40—50 т дан гўнг), етарли миқдорда фосфор ва калийни ўғитларни солиш тавсия қилинади.

Асосли текислаш ишлари маккажўхори, оқжўхори ва бошқа эртәшишар экшилар йиғишириб олингандан сўнг беда экнладиган далаларда амалга оширилади. Шунингдек, шўрланган ерларда алмашлаб экиш схемаси бўйича битта далада мелиоратив тадбирларни ўтказиш учун ажратилган майдонларда ҳам ер асосли текисланади.

Жорий текислаш ер ҳайдашда пайдо бўлган пушта ва эгатлар ҳамда участканинг трактор айланадиган четларни текислаш ва бошқа микрорельеф нотекнсликларни йўқотишдан иборат. Жорий текислаш экиш олдидан грейдерлардан, узун базисли ер текислагичда молалаш билан бажарилади.

Жорий текислаш ишлари кузда шудгорлашдан кейин ўтказилиши мақсадга мувофиқидир (45-расм ГН—4А грейдер текислагичи), (46-расм ППА—3.1 текислагичи).

Ҳайдаш олдидан сугориш ва ер шўрини ювиш. Кузги шудгоргача ёғин гарчиллик бўлмаса, тупроқ намсизланиб, зичланиб, қаттиқлашади. Бу ҳолда ҳайдаш сифатсиз бўлиб, дала бир тикис ҳайдалмайди ва серкесак бўлади.

Ҳайдаш олдидан сугориш, ҳайдаш сифатни яхшилаш учун шаронит яратиш билан бирга тупроққа нам тўплашга имкон беради. Демак, бу сугориш запас сугориш вазифасини ҳам бажаради. Ҳайдаш олдидан ўтказиладиган сугориш нормалари тупроқнинг механик таркибига ва сугориш муддатига қараб олиб борилади. Ҳар гектар ерга эгатлар орқали 500—600 м³ сув берилади. Ер ости сизот сувлари чуқурда жойлашган бедапояларни ҳайдашдан 10—15 кун олдин сугориш яхши натижка беради.

Ўзбекистоннинг қадимдан сугорилиб келинаётган ерларнинг тахминан 50 % турли даражада шўрланган ёки шўрланишга мойилдири. Ўзлаштириладиган яиги ерларнинг деярли 90 % иш шўр тупроқлардан иборат.

Экин майдонларни сифатли текислаш, коллектор-зозвур тармоқлари барпо этиш ҳамда шўр ювиши ишлари мелиоратив тадбирлар жумласидандир. Мелиорация ишларидаи максимал даражада фойдаланиш учун шўр ювши ишлари ҳар қайси зонанинг иқлими ва хўжалик шаронитларига қараб ўтказилиши керак.

СоюзНИХИ да ўтказилган кўп йиллик тажрибаларга қаранганди ҳамма шаронитда ҳам шўр ювишини сизот сувлари энг пастга тушган ва буғланиш сусайиган пайтда ўтказиш фойдали эканлиги аниқланган.

Шўр ювишда сарфланадиган сугориш нормаси шўрланиш даражасига ва тупроқнинг механик таркиби енгил ёки оғирлигига қараб табақалаштирилади.

Ғўза ўсув даврида нормал сугорилса, яхши ривожланса, тузкукунлари кўзга ташланмаса, тупроқнинг бир метрлик қатла-

мида 0,02—0,03% гача хлор иони бўлган ерларнинг хар гектарига 2000 м³ сув қўйилса, илдиз таралган қатламни туздан холи қилиш учун етарли ҳисобланади. Кузга бориб, туз таъсиридан ғўзанинг заарланиш (бўйи наст, баргларида ғубор пайдо бўлса) аломатлари вужудга келса, у тақдирда тупроқ шўри бир-иккни марта ортиқроқ ювилади, яъни ершинг шўрланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, сув ҳам шуничалик кўп сарфланади.

Тупроқнинг бир метрлик қатламида хлор ион миқдори 0,05% ни ташкил қилганида, гектарига 3500—4000 м³, хлор ион 0,1% бўлса, 5000—6000 м³ сув билан 2—3, баъзан 4 маротаба ювилади. Тупроқ шўринин ювишда сарфланадиган суфориш нормаси механик таркиби енгил бўлган ерларда оз, механик таркиби оғир ерларда кўп сув сарфланади.

Кўшича куз-қиши пайтларида, яъни октябрь-декабрь ойларида шўр ювиш маъқулдири. Чунки бу пайтда буғланиш сусайгани, сизот сувларининг юзаси анча пастга тушган бўлади. Бу даврда тупроқ ҳарорати анча юқори бўлганилиги учун тузлар (айниқса, сульфат тузлари) яхши эрийди.

Қўкламги шўр ювиш ишлари кун исчиши билан дарҳол бошлишиб қисқа муддатда, узоғи билан 15—20 марта тугалланиши лозим.

Чўл иқлимли, суфориладиган шўр ва шўрланишга мойил тупроқли ерларнинг шўрини ювиш билан тупроқда нам тўплаш вазифаси ҳам бажарилади.

Шу сабабли шўр ювиш муддатларини тўғри танлаш ва чигит суви бермасдан ғўза ниҳолларини бир текис ундириб олиш учун замин ҳозирлаш лозим.

Энг қўлай шўр ювиш муддатлари қўйидагича:

Мирзачўл ерларида тупроқ шўри куз-қиши пайтларида октябрь-декабрь ойларида; Фарғона водийсизда — декабрь-март; Бухоро вилоятида октябрь-март; ҚҚАССР ва Хоразм вилоятида октябрь-декабрь ва февраль-март; Қарши ва Шеробод даштларида октябрь-декабрь ва февраль-март ойларида ювилади. Масалан, Мирзачўлда шўр ювиш ноябрда ўтказилганда, пахта ҳосили гектаридаи 37,3 ц, январда ўтказилганда — 31,5 ц ташкил этган.

Барча вилоятларда даставвал эртаги экшилардан бўшаган ҳамда кўп нормада сув бостиришни талаб қиласидиган, рельеф жиҳатидан пастқам майдонлар шўри ювилishi керак. Майдоннинг шўрланишиб турган қисмлари мавжуд бўлса, шўр ювиш ўша жойлардан бошланиши, кейинчалик эса бошқа участкаларга ўтиши керак. Буцдай жойларнинг шўрп енгил шўрланган ерлардагидан бир-иккни марта кўпроқ ювилади. Одатда хўжаликларда ер ҳайдалиб, яхшилаб текислангандан кейин пол олиниб, шўр ювилади. Полларнинг катталиги тупроқнинг сув ўтказувчанилиги, пишаблиги ва текислигига қараб 0,1 дан 0,5 гектаргача бўлиши мумкини. Дала қанчалик нотекис ва қия бўлса, поллар шуничалик кичик олиниади. Шўрланган майдонларда сувни полдан ўтказмай бостириб ювиш керак.

Поллар тез фурсатда сув билан түлдирилганды, сарфланади-
ган сув нормасини бостирилганды сув чуқурлигига қараб аниқлаш
мумкин. Масалан, сув ер бетини 15 см чуқурликда қоплаганда
гектарига ўрта ҳисобда 2000 м^3 , 20 см чуқурликда қопланғанда
 2500 м^3 , 25 см чуқурликда қопланғанда эса 3000 м^3 сув сарфла-
нади.

Тупроқ шўрини ювиш олдидан барча сув келадиган ариқ-
лар ва зовурларни тозалаш керак. Зовур ва коллектор шахоб-
чалари қанча чуқур ва яхши ҳолатда бўлса, ер ости суви шунча
пасаяди ва ер шунча яхши ювилади. Шўр ювишни қисқа муд-
датда тугаллаш учун бу ишни кечаю-кундуз ташкил қилиш
лозим.

Шўрларни тупроқ юзасига қайта кўтарилилмаслигини таъмин-
лаш ҳамда намнинг буғланишини камайтириш учун экин майдонлари
эрта кўкламда бороналаниши шарт. Кўкламги ёғин-
лардан кейин бороналаш такрорланади.

ЕРНИ ҲАЙДАШ ОЛДИДАН МАҲАЛЛИЙ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАРНИ ҚҰЛЛАШ

Ерни ўғитлаш пахтадан мўл ҳосил етиштиришнинг асосий
өмилларидан бири, ўғитлаш муддати, нормаси, нисбати ва тех-
никаси ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига кучли таъсир қиласди.
Гўнг (гектарига ўртача 12—15 тоннадан солинса, илфор брига-
да ва хўжаликларда 20—30 тонна) ва бошқа органик ўғитлар-
нинг (нормасини) ҳаммасини ер ҳайдаш олдидан солиш тавсия
қилинади.

Ери асосли текисланган майдонларда тупроқ юза қатлами
сурилган қисмларининг ҳар гектарига 40—50 тоннадан гўнг
солиш керак.

Барча шўрланмаган, тупроқ ҳайдов қатлами чуқур ерларни
ҳайдашдан олдин уларга фосфорли ўғитлар йиллик нормаси-
нинг 60—70% и, калийли ўғитларниг 50% и солинади. Тупроқ
шўри ер ҳайдалганидан кейин ювиладиган бўлса, у ҳолда ми-
нерал ўғитлар шўр ювишдан кейин, яъни чигит экишдан олдин
ери ишлашда, кучсиз шўрланган ерлар учун ҳайдаш олдидан
мўлжалланган пормада солинади.

Кузги шудгор. Кузги шудгорлаш мўл ва эрта пахта ҳосилини
етиштиришда асосий агротехника тадбирларидан биридир.
Ер кузги шудгор қилинганда, тупроқнинг ҳайдов қатлами юм-
шатилиб, ер бетидаги ўсимлик қолдиқлари, бегона ўтуруғлари,
солинган маҳаллий ва минерал ўғитлар, заараркунанда ҳашарот
ва касаллик қўзғатувчи микроблар ҳайдалма қатлам остига ту-
шиб чириб, кўплаб ҳалок бўлади, тупроқ органик моддалари-
нинг парчаланиши натижасида озиқ моддаларга (чиринди) бо-
йиб, тупроқнинг физикавий, химиявий, микробиологик хусуси-
ятлари тубдан яхшиланиб, унумдорлиги кескин ошади.

Кузги шудгорнинг баҳоригига қараганда афзаллиги шундаки,
ерни чуқурроқ ҳайдаш имконияти туғилади, кузда ҳайдаб қў-

Нүшлгап ер вақти-вақти билан музлаб эриши натижасида кесаклари майдаланиб, тупроқ майни донадор тузилиши бўлиб, унда нам кўп тўпланиди.

Кузги шудгор сифатли ўтказилса, пахта ҳосили 2—4 ц ошади. Кузги шудгор ўтказилиши туфайли баҳорда ерни экишга тайёрлаш ишлари анча енгиллашади ва чигитни ўз вақтида сифатли экиш учун имконият яратилади.

Кузги шудгорни сифатли ўтказиш талабларидан бири ерни қўшярусли плуг билан ҳайдашдир. Кузги шудгорлашнинг самародорлиги ерни ҳайдаш муддати, чуқурлиги, усули ва сифатига боғлиқ.

Кузги шудгорлаш муддатлари. Кузги шудгорлашнинг муҳим шартларидан бири, уни тупроқ обдон етилган пайтда ўтказишдир. Шудгорлаш қанча эрта ўтказилса, ҳосил шунча мўл бўлади. Кузгига шудгор октябрининг иккинчи ярмидан бошланиб, ноябрь ойи ичидан, совуқ ва ёнилар бошланиб кетишгача ўтказилади.

Биринчи навбатда маккажўхори, оқжўхори, полиз ва сабзавот, каноп ва бошқа экинлардан бўшаган ерлар шудгорланади.

Бедапоялар октябрининг охиригача ҳайдалиши керак.

Кузги шудгор чуқурлиги. Ерни ҳайдаш чуқурлиги пахтачилик зонасининг тупроқ шароитига қараб табақалаштирилади. Асосан пахта етиштириладиган ноҳияларда кузги шудгор 30 см чуқурликда ўтказилади. Агроригијацион ётқизиқлари кучли бўлгап тупроқларда эса ер 35—40 см гача чуқурликда ҳайдалиши мумкин. Ерни чуқур ҳайдаш туфайли тупроқнинг сув, ҳаво, озиқ ва микробиологик режими яхшиланади. Бегона ўт уруғлари ва илдизпоялар ерга чуқур кўмилади.

Сизот сувлари юза жойлашган бўз тупроқли ерларда ерни 40 см гача юмшатиб, кейин ағдариб ҳайдаш чуқурлиги 20—30 см, ўтлоқи, шўрланган механик таркиби оғир, зичланган ерларда 40—50 см чуқурликда юмшатилиб, 25—30 см ағдариб ҳайдалади. Шағал ёки қум қатлами юза жойлашган ерларда кузги шудгорлаш чуқурлиги шағал ёки қумни юзага чиқмаслигини таъминлайдиган қилиб ўтказилади.

Янгитдан ўзлаштириладиган ерларда дастлабки икки-уч йил мобайнида ҳайдаш чуқурлиги 20—22 см чуқурликда ўтказилиб, кейинчалик уни аста-секин 30—35 см га етказиш керак.

СоюзНИХИ нийнг тупроқ-иқлим шароитлари турлича бўлган ерларда олиб борган тажрибалари натижалари ерни чуқур ҳайдаш пахта ҳосилдорлигига ва сифатига ижобий таъсир этишини кўрсатди. Ҳайдаш чуқурлигини 28—30 см, алрим ноҳияларда 35—40 см га етказиш пахта ҳосилдорлигини гектарига 3—5 ц га оширади.

Қадимдан деҳқончилик қилиб келишаётган ва ҳайдалма қатлам остининг зичлиги $1,35-1,40 \text{ г}/\text{см}^3$ бўлгач барча ерларни кузги шудгорлашда, ерни ҳар уч-тўрт йилда бир марта 50—60 см гача чуқурликда ГР—2,7 юмшатгичи билан юмшатиб, кейин 30 см чуқурликда ағдариб ҳайдаш яхши самара беради.

Пахта майдонларини қүш ярусли ПЯ—3,—35, ПД—3—35 ва ПД—4—35 маркали плуглар билан 30—40 см чуқурликда шудгорлаш ерии одатдаги усулда ҳайдашдагига қараганда самарали эканлиги аниқланды. Бунда пахта ҳосили гектарига 2—4 цортди.

Ерин қүш ярусли плуг билан ҳайдаш тупроқнинг яхши аралашишни ва ҳайдалма қатламнинг яхши жойлашишини таъминлаб, бегона ўтлар ҳамда зааркунандаларга қарши курашибини одатдаги усулда ҳайдашдагига қараганда анча енгиллаштиради. Шунингдек, бу плугда ҳайдалган ерда озиқ ва органик моддалар тупроқнинг ҳайдалма қатламида тўғри тақсимланади ва тупроқ унумдорлиги ортади.

Буларнинг ҳаммаси ўсимликнинг яхши ривожланишига, ҳосилдорлигининг кўйиапшга ва пахта етиштириш учун қилинадиган харажатларни камайтиришга олиб келади.

Бедапояни ҳайдаш техникаси. Бедапояларни тўғри шудгорлаш, бунда беда илдизларининг баҳор кезларида кўкариб чиқмаслигига эришмоқ зарур.

Бедапояни П—5—35М маркали плугда ҳайдашдан олдин ер юзасига яқин жойлашган илдиз бўғизини плугнинг ағдармасини олиб, лемехларни яхши ўткирлаб ёки плугга маҳсус кесаш мосламаларни ўринатиб 5—6 см чуқурликда қирқиш (лущение) тавсия этилади. Орадан 10—12 кун ўтгач, бедапояни чимқирқарли плугда ҳайдалади.

Бедапоя қўш ярусли ПД—4—35 ёки ПД—3—35 маркали плугда ҳайдалса, унинг юқори корпусининг чап томонига кесаднган лемехлар 5—6 см чуқурликда ўринатилиб, 30 ёки 40 см чуқурликда ҳайдалади.

Бедапоялар биринчи йили чуқур ҳайдалади шу йили бу далаарда пахта етиштирилгандан кейин иккичи ва учинчи йиллари уни саёз, яъни 20—22 см ҳайдаш керак бўлади. Қейинги йиллари эса навбатма-навбат 30—20—30—20 ёки 40—20—40—20 см чуқурликда ҳайдалади.

Ҳайдаш чуқурлигини юқорида таъкнданганидек табақалаштирилганда, ҳар йили бир хил чуқурликда ҳайдалгандагига иисбатан пахта ҳосили гектарига 2—3 центнерга ортади.


Ҳайдаш усуллари ва ҳайдаш сифатини назорат қилиш. Ерга ишлов бериш кўпинча ҳайдаш усулига боғлиқdir. Энг кенг тарқалган усул тахта-тахталарга (загон) бўлиб ҳайдашdir. Ҳайдашини бошлашдан олдин ҳайдаш агрегатнинг кенглигига қараб дала 40—50 метрли тахталарга бўлинади. Тахталарни ҳайдашда қатлам ичкарига ёки ташқарига ағдарилади. Ҳар қайси тахтада ишлайдиган агрегатнинг иш йўли режа таёфи билан белгиланади. Ичкарига ағдариб ҳайдашда плуг тахтанинг ўртасидан, даланинг охирига етганда эса автомат плугни кўтариб ўнгга айланади ва ҳайдаш давом эттирилади бунда тупроқ биринчи ҳайдалган томонга ағдарилади. Шунда тахтанинг ўртасида марза (пушта) ҳосил бўлади. Қейинги ҳайдашлар навбат билан ҳар томондан давом эттирилади ва тупроқ ҳаммавақт

пушта томонга ағдарилади. Ташқарига ағдариб ҳайдашда плуг тахтанинг ўнг чеккасидан бошлаб, тахтанинг охирига етганда чапга айланади ва ҳайдашин давом эттиради. Шу тариқа у аста-секин тахтанинг ўртасига яқинлашади. Натижада тахта ўртасида эгат ҳосил бўлади.


Ҳайдашда ҳосил бўладиган пушта ва эгатларни камайтириш ҳамда даланинг рельефини бузмаслик учун бир тахтани ичкарига, иккинчисини ташқарига ағдариб ҳайдалади (47-расм).

Плуг тиркалган тракторининг айланishi учун тахталарининг ҳар икки томонидан махсус жой қолдирилади, бутун дала ҳайдаб бўлинганидан кейин жойлар ҳам ҳайдаб чиқилади. Дала ҳайдалгандан кейин ҳосил бўлган пушта ва эгатлар ҳамда бошқа потекисликлар кузда текисланади.

Ҳайдашнинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилиши мўл ҳосил олишининг муҳим шартидир. Шунинг учун ҳам ҳайдаш сифатини назорат қилиш, сифатисиз ҳайдалган ерларни ўз вақтида қайтадан ҳайдаш керак. Ҳайдашнинг сифати ер ўз вақтида ҳайдалиши, бир хил чуқурликда бўлиши, тупроқ қатлами қай дара жада ағдарилганилиги, чала жойлар қолмаслиги, шудгорда палахса ҳамда эгат ва марзаларининг кам бўлишлиги билан белгиланади. Ҳайдаш сифатида бўлган асосий агротехник талаблар орасида ҳайдаш чуқурлиги ва упинг бир текисда бўлиши ҳисобланади. Чуқурлик эгат ўлчагич (бороздомер) (48-расм) ёки оддий линейка билан аниқланади. Уни аниқланда плугнинг охирги корпуси ҳайдаган эгат чуқурлиги ўлчанади. Ҳар 10 гектарда ёки бир даланинг 25 жойидан ўлчанади. Кейин ҳамма ўлчов кўрсаткичлари қўшилиб, ўртacha кўрсаткич аниқланади. Сифатли ҳайдалган ерларда ҳайдаш чуқурлиги белгиланган кўрсаткичдан ± 1 см фарқ қилиши мумкин.



47-расм. Ерни ичкарига ва ташқарига ағдариб ҳайдашнинг навбатланиши.



48-расм. Ҳайдалган чуқурликни ўлчагич.

Ҳайдаш чуқурлигини ўлчаш учун әгатнинг қирраси ва туби юмшоқ тупроқдан тозаланади. Кейин әгат ўлчагичининг силжимайдиган рейкасн әгатнинг чап қирраси устига, силжийдиган рейкаси эса әгат тубига туширилади ва силжийдиган рейканинг неча см пастга тушганига қараб чуқурлиги аниқланади.

Ерни бир текис чуқурлиқда ҳайдаш плугни түғри созлашга ва ерни ҳайдашга яхши тайёрлашга боғлиқ. Чала (ҳайдалмагаң) жойлар күз билан чамалаб апиқ-

ланади. Күэга кўринадиган чала жойлар умумий майдонининг 0,2% тидан ортиқ бўлса, бу дала қониқарсиз ҳайдалган ҳисобланади.

Палахса ҳайдашда тупроқнинг увоқланиш даражасига оид кўрсаткич. Шудгорда диаметри 5 см дан катта бўлган кесаклар, кўп марза ва әгатларнинг бўлиши агротехникага зиддир. Ҳайдалган ер юзасидаги пушта 3—5% атрофида бўлса, ҳайдаш сифатли ўтказилган ҳисобланади. Ер юза ҳайдалганда марза катта, чуқур ҳайдалганда эса кичик бўлади.

Чигит әгатнинг пуштасига экиладиган далаларда кузги шудгор ўтказилиб, ер жорий текисланганидан сўнг трактор окучникларига маркёр ўрнатиб, қатор оралиқларини 90 ёки 60 см қилиб, 28—30 см баландликда әгат олинади. Қиш-баҳор даврида, ёғингарчилик етарли бўладиган зоналарда пушталар кузда ёки эрта кўкламда олинниб, экиш олдидан әгатларга сув қўйилиши мумкин. Чигитни шўрланмаган бўз ва ўтлоқи тупроқли ерларда әгат пуштасига экиш тавсия қилинади.

Ерга яхоб бериш ва эрта кўкламда экиш олдидан суғориш. Илига 200—250 мм дан кам ёғингарчилик бўладиган районларда тупроқда етарли даражада нам тўплаш, тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда чигитни тупроқнинг табиий намига бир текис ундириб олиш мақсадида далаларга яхоб суви берилади.

Ўзбекистоннинг Фарғона водийси, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, ва бошқа вилоятларида далани эрта кўкламда ва экиш олдидан суғориш яхши натижга бермоқда.

СоюзНИХИ нинг Андижон филиалида сизот сувларни чуқур жойлашган ва экиш олдидан суғорилган ерлардаги ҳосил, чигит суви берилмаган даладаги ҳосилга нисбатан гектаридан 3—4 ц га ошган.

Механик таркиби оғир тупроқли ерларда суғориш эрта кўкламда февраль-март ойларида, механик таркиби енгил тупроқларда экишдан 1—2 ҳафта олдин ўтказилади. Бунда механик таркиби оғир бўз тупроқли ерларнинг ҳар гектарига 1000—1200 м³, нам сиғими камроқ ҳисобланадиган механик таркиби

енгил құмоқ тупроқли ерларда эса 800—900 м³ сув сарфланади. Сув қүйишдан олдин трактор агрегатларига маркёр ўрнатилиб, 16—18 см چұқурликда ва қатор ораси 60—120 см кенгликтә әгатлар олинади. Суғорыш тармоқлари тозаланади. Ўқ ариқлар олиніб, сув әгатларга таралади. Суғорилған ерлар етилиши билан тупроқ дархол бороналанади.

Ерни әрта күкламда ва әкиш олдидан ишлаш системаси. Шудгор қилингандың далалар әрта күкламда тупроқ етилиши билан намни күпроқ сақлаш, униб чиқаётган бегона ўтларни йүкотиш ҳамда далани қисман текислаш учун бороналанади. Бороналаш тупроқнинг 8—10 см юза қатлами етилганида бир йўла икки қатор борона тиркалган ҳолда бажарилади. Бороналаш даставвал механик таркиби енгил тупроқларда, кейинчалик эса механик таркиби ўрта ва оғир тупроқларда ўтказилади.

Әрта күкламдаги бороналаш тупроқ ва иқлим шароитига қараб, кам ёғин гарчилик бўладиган районларда февралнинг охири — март ойининг бошларида, қолган жойларда март ойининг иккинчи ярмида ўтказилади. Шўрн ювилған, яхоб суви берилған далаларда тупроқни юмшатиш мақсадида унинг ҳолатига қараб чизеллаш ёки дискалаш бороналаш билан бирга бажарилади.

Йирик кесакли пайкалларда диска ишлатилади. Илдиизпояли кўп йиллик бегона ўтлар бор майдонларда дискали борона ишлатилиши мумкин эмас. Чунки дискали борона илдиизпояларни қирқнб уни кўпайтиради.

14-жадвал

Ерни әкишга тайёрлаш технологияси

Ерниң ҳолати	Ерни тайёрлашда ачалга оғирлайдиган тадбирлар
1 зона. Ерга яхоб суви берilmайди ва шўри кивilmайди	Әрта күкламда икки қаторли боронада бороналаш; Экиш олдиндан икки қаторли боронада бороналаш;
Кузги шудгор. Тупроги майдадонадор, зичланмаган, намлиги етарли ёки озгина етмайди.	Экиш олдидан текислаш, бороналаш; Әрта күкламда икки қаторли боронада бороналаш;
Кузги шудгор. Шудгор йирик кесакли, зичланмаган, намлиги етарли эмас.	8—10 см чукурликда дискалаш; Экиш олдидан бороналаш, молалаш;
Кузги шудгор. Тупроқ зичланмаган, йирик ёки майдадонадор, намлиги етарли	Әрта күкламда икки қаторли боронада бороналаш; 10—12 см чукурликда чизеллаш билан бирга бороналаш;
Баҳорги ҳайдаш. Тупроги зичланмаган, йирик кесакли намлиги етарли	Экиш олдидан бороналаш, молалаш; Икки қаторли боронада бороналаш;

II зона. Ери шүрләтмагач, экиш олдидаң якоб суви бәришли талаб қилади

Күзги шудгор. Экиш олдидаң сугорилган. Гупроги ўтириб зәчланған, намылғы етарлы.

Ерни баҳорда сугорғыб ҳайдаш. Тупроғининг меканик тархиби енгил ёки ўрга та, намылғы етарлы ёки етарлы эмас.

Ёрни баҳорда сугорғыб ҳайдаш. Тупроғининг меканик тархиби оғир, йирик кесакли.

Икки қаторли боронада бороналаш; 8 — 12 см чуқурликда чизеллаш ёки діскалаш ва бир йұла бороналаш; Экиш олдидаң бороналаш, молалаш. Икки қаторли боронада бороналаш Экиш олдидаң жорий текислаш ва бороналаш

Чизеллаш билан бирга бороналаш; Икки қаторли боронада бороналаш Экиш олдидаң бороналаш (икки—уч марта) молалаш.

III зона. Ери шүртәнгән, ювишти талаб этади


Күзги шудгор (шүріи күзда вакында ювилади), поллар баҳорда текисланади. Тупроқи ўтириб, зәчланғам

Баҳорда ерни ҳайдаш (уч—түрт марта шүріни ювиш, полини текислаш). Тупроғининг меканик тархыбы енгил ёки ўргатса, майда доңадор.


Әртә күкламда икки қаторлы боронада бороналаш; 12 — 15 см чуқурликда чизеллаш ёки 8 — 10 см чу урлікда діскалаш билан бир йұла бороналаш. Экиш олдидаң бороналаш ва молалаш.

Ҳайдашдан кейин дархол икки қаторли боронада бороналаш; Чизеллаш билан бир йұла бороналаш (бир—икки марта) бороналаш (икки—уч марта), молалаш.

Чигит экишдан олдин ўғитлагиң ЧКУ—4 маркалы чизель ёрдамида ерга минерал ўғитлар 15—18 см чуқурликда солинаади (49-расм).



49-расм. ЧКУ-4 маркалы чизель-культиватор.



50-расм. Бороналаш.

Ерин экишга тайёрлаш чигит қадашдан 5—10 кун олдии ўтказилади (50-расм). Ернинг ҳолатига қараб қуйидаги ишлар амалга оширилади (14- жадвал).

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ЧИГИТ ЭКИШ

Чигитни экишга тайёрлаш технологияси. Уруглик чигитни экишга тайёрлаш технологияси уни энг қулай агрономик муддатларда ва яхшилаб текислашган далаларга ўз вақтида, сифатли экиш, мұл ва эрта пахта ҳосили етиштиришнинг энг мухим агротехника тадбирларидан дир. Уруғлик чигит түғиа етилған, соғлом ва экишга тайёрланиб, қулай шароитда сақланса, ундан бақуувват ва мұл ҳосил беруучи гүза ўсимліги ривожланади.

Пахтачиликда иккى хил: тукли ва түксиз уруғлик чигитдан фойдаланилади. Уруғлик чигит давлат стандарты томонидан күйилған талабларга жавоб беріш керак. Давлат стандарты талабларига жавоб берадыған уруғлик чигитни кондицион уруғ дейнілади.

Уруғлик чигит асосий спфат күрсаткычлары бүйіча: униб чиқиши даражаси, навиининг тозалиги, сиртидагы қолдық тола миңдори, намлығы ва шикасталанышы давлат стандартыға түғри келіши керак.

Соғлом ва униб чиқа оладыған чигитлар фоизига унниг униб чиқиши даражаси дейнілади. Униб чиқиши даражасынша қараб уруғлик чигит уч классга бүлинади: 1-класс уруғининг униб чиқиши лаборатория шароитида —95—100%, 2-класс —90—94% ва 3-класс —85—89% теңг бўлиши керак. Униб чиқиши даражаси 85% дан паст чигитлар экишда қўлланмайди.

Пахтачиликда экиладыған гўза павларининг уруғи беш йиллик схемада янгиланиб турилади.

Бу жумҳурият Агросаноат давлат комитетининг 1988 йил, 22 июндаги 415-сонли бўйруғи билан тасдиқланган ва; элита — 0,1% экин майдони; биринчи репродукция — 0,9% экин майдони; иккинчи репродукция — 6,0% экин майдони; учинчи репродукция — 30,0% экин майдони ва тўртинчи репродукция — 63,0% экин майдонига экшилиши кўрсатилган. Элита уруғининг нав тозалиги — 100%, 1-репродукция — 99,2-репродукция — 98 ва 3-репродукция — 96% бўлиши керак. Уруғлик чигитнинг нав тозалиги қанча юқори бўлса, ундан униб чиқсан ўсимликнинг ривожланиши ҳамда олинадиган ҳосил ҳам мўл ва бир хил бўлади.

Тукли чигитнинг устидаги қолдиқ тола миқдори совет ғўза навларида 0,8% дан, ингичка толали совет ғўза навларида 0,4% дан ошмаслиги керак.

Чигит устидаги қолдиқ тола миқдори нормадан кўп бўлса, улар бир-бирларига илашиб, экиш аппаратларидан чигит бир текисда тушмаслиги ва ғўза ниҳоллари сийрак чиқиши мумкин. Чигит таркибидаги нам йўта Осиё ва Қозоғистонда қўл теримида 9%, машина теримида 10% дан, Озарбайжонда қўл теримида 10%, машина теримида 11% дан ошмаслигин керак. Давлат стандарти талабига кўра уруғлик чигитнинг шикастланиши қўл теримида 5% дан, машина теримида 7% дан кўп бўлмаслиги керак.

Чигитни экиншга тайёрлаш иши уруғлик сифатини ва кейинчилик пахта ҳосилини оширишга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди. Бу ишни бажариш жойи жиҳатидан икки даврга бўлиш мумкин: биринчиси пахта заводларида, иккинчиси эса колхоз ва совхозларда бажариладиган ишлар.

Заводларда пахтадан тукли чигит олиш учун, уни джин аппаратларидан ўтказиб, аввало узун, кейин қисқа (линтер) толалари ажратилади ҳамда касаллик ва кемирувчи заараркунандаларга қарши дориланади.

1989 йилдан бошлаб уруғлик чигитни дорилашда қўллапиб келинган ТХФМ ҳамда фентиурам препаратларини ишлаб чиқариш тўхтатилади ва улардан фойдаланиш таъкидлаб қўйилади. Уларнинг ўрнига қўйидаги препаратлар билан чигитни дорилаш рухсат этилади:

Тигам 70% памланувчи қукуп. Таркибида 50% ТМТД (тетраметилтирамисульфид) ва чигит сиртига таъсир кўрсатувчи актив моддалар аралаштирилган 20% гача ГХЦГ гаммаизомерли қукусимон дори. У илдиз чириш касаллиги қўзғатувчиларига қирон келтиради, уруғни тупроқдаги заараркунандалардан ҳимоя қиласди. Препаратни чигитнинг барча навларига ва ҳамма жойда қўллаш мумкин. Тигам гоммоз қўзғатувчиларига қарши наф келтирмайди.

Бронокот — 12% ли қукун. Гоммозга қарши қўлланади. У чигитни дорилаш учун қулай ҳамда гоммозга қарши самарали

восита ұсқынади. Бироқ у замбуруғли касалліклар, заарарлы ҳашаротларға қарши таъсир күрсатолмайды. Инглиз чириш касаллиғін тарқалмаган ва кеми्रувчи заарқунаидалар кам бўлган ноҳияларда гоммозга қарши фақат ана шу дори ишлатилади. Ҳар тонна уруғлик чигитга 6 кг бронокот сарфланади. Бошқа жойларда эса илдиз чириш касаллиги ва кеми्रувчи заарқунаидаларға қарши кураш мақсадида ҳар тонна уруғлик чигитга 10—12 кг тигам сарфланади.

Самарадорликни ошириш ва хавфсизлик техникасиға риоя этиш мақсадида уруғни заарсизлантириш иккиси усулда — ярим намлаш ва суспензия пуркаш тарзидан амалга оширилади. Ярим намлаш усулида ўрта ва ингичка толали пахта навларининг тукли ҳамда туксиз чигитлари дориланди. Бу иш маҳсус қайта жиҳозланган СП—ЗМ машинаси ёки бошқа конструкциядаги механизмлар ёрдамида амалга оширилади. Агар уруғлик чигит тигам ёки 12% ли бронокот билан дориландиган бўлса, аввало сув билан намланади, кейин дори пуркалади. Дори бир хилда тегиши учун яхшилаб аралаштирилади. Ҳар тонна тукли чигитни намлаш учун 25—30 литр, туксиз чигит учун 15—20 литр сув сарфланади.

Тукли ва туксиз чигитни суспензия усулида заарсизлантириш ОС—1 ва УОСХ—6, шунингдек мослаштирилган бошқа дорилаш машиналарида амалга оширилади. Улар пухта гермптизация қилинган бўлиши шарт. Бир тонна уруғлик чигитни дорилаш учун суспензия тайёрлашда 6 кг бронокот, 10 кг тигам, 30 литр сув сарфланади. Ҳосил бўлган 46 кг суспензия билан 1 тонна уруғлик чигит пуркаб чиқилади. Агар уруғлик фақат битта доривор билан ишланадиган бўлса, ҳар қайси дориворга тегишли миқдордаги сув сарфланади.

Янги препаратлар билан ишланган уруғликини сақлаш ва ишлаш чогида хавфсизлик чораларига риоя этиш талаб этилади. Дориланган уруғлик кўп қаватли қофоз қопларда сақланади. Уларга қайси препарат билан ишланганлиги ёзилиб, «Дориланган — заҳар!» деган муҳр босилади.

Тигам, бронокот ўта заҳарли бирикмалар тоифасига киради. Улар нафас олиш йўллари орқали организмга енгил кириб боради, терига заарарли таъсир кўрсатади. Мана шу кўнгилсиз ҳолларга йўл қўймаслик учун заҳарли дориворлар билан ишлаш бўйича белгиланган қоидаларга, хавфоизлик тадбирларига қаттиқ риоя этиш талаб қилинади.

Формалин — 40% ли формальдегиднинг сувдаги эритмаси. Уруғлик чигитни гоммоз касаллигига қарши экишдан олдин дорилаш учун тавсия этилади.

Буниш учун формалинни сув билан аралаштирилади (90 литр сувга 1 литр 40% ли формалин олинади). Аралашмани тўғри тайёрлаш учун формалиннинг кучини билиш керак. Буниш учун ареометр ёрдамида формалиндаги формальдегид миқдори аниқланади. Бир тонна ингичка толали гўза навларининг чигитини заарсизлантириш учун 300 литр, тукли чигит-

ларга эса 400 литр әрітма сарфланади. Бунга мувофиқ бир тонна чигитни заарасызлантириш учун 3—4 кг 40% формалин жерак бўлади. Бу иш хўжаликларда бевосита экиш олдидан бажарилади.

Тайёрланған әрітмани фақат чигитни заарасызлантириш кунидагина ишлатиш мумкин. Заарасызлантириш қўйидагича амалга оширилади: бочканинг ярмигача чигит солинади, 3/4 қисм ҳажмида формалин әрітмаси қўйилади ва ёғоч курак билан аралаштирилади. Заарасызлантириш 10 минут давом этади. Шундан сўнг әрітмани иккинчи марта пшлатиш учун бошқа бочкага қўйиб қўйилади.

Әрітмадан олиинган чигит брезент ёки полиэтилен плёнка билан ёшилиб, димлаш 3 соат давом этади. Агар димлаш 3 соатдан ошиб кетса, чигитнинг униб чиқишига салбий таъсир қиласади.

Агар дорилашган чигитни шу куниниг ўзида экишининг иложи бўлмаса, уни 4—5 см қалинликда брезент устига ёйиб қўйилади ва салқин жойда намлиги нормал бўлгунча қуритилади. Қейинчалик экиш пайтида чигит яна намланади. Уруғлик чигитни дорилаш пайтида одамларга зарар етмаслиги учун хавфсизлик тадбирларига қаттиқ риоя этиш талаб қилинади.

Кейинги йилларда уруғлик чигитни дорилашда ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимнининг Ўснмликлари ҳимоя қилиш институти олимлари томонидан яратилған (зарари кам) никамизалон препарати тавсия этилмоқда. Бу препарат айниқса гоммоз, илдиз чириш ва макроспориоз касалликларига қарши курашда яхши натижа бермоқда.

Чигитни никамизалон билан дорилаш пахта тозалаш заводларида бажарилади, бир тонна чигитга 7 кг сарфланади.

Тукли чигитни сочиувчаплигини таъминлаш учун уларни туксизлантириш ёки дражилаш (фунгицид дорилари ёпиштирувчи моддалар ёрдамида чигитнинг устига ёништириш) пшлатри бажарилади.

Аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкаларда экиш учун, тукли чигитни туксизлантириш механик ёки агрехимиявий усулда бажарилади.

Тукли чигитни механик усулда туксизлантириш СОМ—4 маркали машинада ўтказилади.

Чигитлар механик усулда стандартда белгиланған даражагача, яъни сиртида 0,2% тук қолгуича туксизлантирилганда бирмунча шикастланади, бу эса ўз навбатида уруглар унувчалигийининг бироз пасайишига олиб келади.

Чигитлар агрехимиявий усулда тайёрланганда, уруғлик шикастланмайли, шунинг учун бу усулда тайёрлашниң самарадорлиги жуда катта.

Аниқ миқдордаги чигит экиш учун сифатли туксизлантирилгандан сўнг КСМ—1,6 маркали машина ёрдамида сараланади ва колибрланади (катта-кичкликлигига қараб). Чигитни туксизлантириш, саралаш, колибрлаш, гоммоз, илдиз чириш касаллигига ва кемирувчи заараркундаларга қарши дорилаш ишлари

пахта заводларидаги марказлаштирилган усулда, махсус цехда бажарилади.

Хозир аниқ миқдордаги чигит капсулланиб ҳам экилмоқда.

Үруғлик чигит заводларда экишдан 1—2 ой ёки камида иккита ҳафта олдин дорилашинши керак.

Кохоз ва совхозларда уруғлик чигит махсус қуруқ бинода сақланышы керак. Чигитли қоплар, ёғоч, тахта ёки қамиш таглик устига қўйилади. Чигит тўғри сақлангандан, унинг сифати бузилмайди.

Аниқ миқдорда экиш учун тайёрланган туксизлантирилган, шунингдек дражиланган чигит намланимасдан қуруқ ҳолатида экилади.

Кохоз ва совхозларда тукли чигитни экишга тайёрлашга боғлиқ бўлгани ишлар намлаш ва димлашдан иборат.

Чигитни 1—1,5 метр кенгликда ва 20—30 см қаликликада асфальтланган майдонга ёйиб бир-уч марта намланади. Ҳар галтоннасига 200 литр сув сарфлаб, сув аста-секин пуркалниб, уюм эса белкуракда қориштириб турилади. Ҳар галги сув пуркашдан сўнг чигит баландлигини 50—70 см қилиб уйиб, устига қанор ёки брезент ёпиб қўйилади. Чигит 24—30 соат мобайннида намлаб димланади.

Тукли чигитни намлаш вақтида унинг бир тоиннасига 8—10 грамм қаҳрабо кислотаси (биостимулятор) сувда эритилиб пуркаласа, чигитни униб чиқинши ва гўзанинг ўсиб ривожланиши тезлашади ҳамда пахта ҳосили гектарига 2—3 ц ошади.

Қаҳрабо кислотасидан ташқари чигитни намлаш вақтида биостимулятор А—1, мивал, мигугендан фойдаланилади. 1 литр сувда 50 мг мивал, 200 мг мигуген биостимулятор эритилиб пуркалади.

Чигитни экиш технологияси ва усуллари. Ҳар бир хўжаликда чигитни агротехника жиҳатидан энг қулагай муддатларда ва яхшилаб текисланган майдонларга ўз вақтида ва сифатли экиш — гўза ниҳолларини эрта ва бир текис ундириб олиш, шу билан гўза ҳосилини барвақт етиштириб мўл, арzon ва сифатли пахта олишнинг муҳим тадбирларидан ҳисобланади.

Экиш муддатлари. Чигит экиш муддатларини аниқлаш, соғлом ғўза ниҳолларини эрта ва бир текис ундириб олиш ҳамда далаларини белгиланган миқдордаги қўчат билан таъминлаш — мўл пахта етиштиришининг асосидир. Чигит туроқнинг суткалик ўртacha температураси доимий равишда 13—14 даражага етганда экила бошлайди. Аввало тукли чигит, сўнг туксизлантирилган чигит экилади.

Узбекистонда чигит экишининг энг қулагай муддатлари тахмпнан қуяндагича: Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятининг жаңубий районларида 25 марта 10 апрелгача, шимолий районларда 1—15 апрель;

Бухоро, Наманган, Андижон, Сирдарё вилоятларида 1—15 апрель;

Тошкент, Фаргоня вилоятларида 5—15 апрель;

Андижон вилоятининг тоголди районларида ва Самарқанд вилоятида —5—20 апрель;

Хоразм вилояти ва Қорақалпогистон АССР жанубий районларида 10—25 апрель ва ҚҚАССР шимолий районларида 15—30 апрелгача.

Экиш муддатлари об-ҳавога қараб уч-беш кун илгарига ёки кейинга суриниши мумкин.

Чигит аввало тез қизийдиган механик таркиби енгил бўлган тупроққа ёки эгат пуштасига, сўнгра оғир тупроқли ерларга экилади. Ҳар қандай шароитда ҳам чигит саккиз-ўн иш кунида экиб тугалланиши керак. Уни ҳаддан ташқари эрта муддатларда экиш заарлайдир. Чупки уруғлик кўплаб озиқ моддаларни бекорга сарфлайди, ниҳоллар нимжонлашади бу эса ўз навбатида ҳосилдорликнинг пасайишига олиб келади. Чигитни муддатидан кечиктириб экиш ҳам пахтанинг ҳосили ва сифатига салбий таъсир этади. Чигит экишни оптималь муддатдан 10 кунга кечиктириш пахта сифатини пасайтириб юбориш билан бирга ҳосилини 20% гача камайтиради.

Экиш усуллари. Жумҳурият пахтачилигида экиш қўйидаги усулларда бажарилган:

1) Сочма ва жўяқ олиб экиш қадимдан асримизнинг 20-йиллари охиригача давом этди, бунда ҳамма иш қўлда бажарилган.

2) 1920 йилдан 1930 йил бошларигача чигит қўл сеялкалари от (тортув) кучи ёрдамида қатор оралари 60, 70, 80, ва 90 см кенглигнда экилган. Фўза даланинг бўйига қараб бир томонлама ишланган.

3) 1930 йилдан 1950 йил бошларигача чигит трактор сеялкаси ёрдамида оддий қаторлаб, қатор орасининг кенглигни 70 см қилиб экилган, бунда ҳам фўза бир томонлама ишланган.

4) 1954—1955 йилдан 1960—1965 йилларгача чигит асосий майдонларда квадрат-уялаб ва тўғри бурчакли уялаб, тор қаторлаб (60, 50, 45 см) асосан 60 см кенгликда, 60×60 см; 60×45 см; 60×50 см; 50×50 см схемаларда экилган. Фўза икки томонлама ишланган.

5) 1960—1965 йиллардан бошлаб чигит кенг қаторлаб (ораси 90 см) серуялаб ва тор қаторлаб (ораси 60 см) серуялаб экилмоқда.

Кам унум, қумоқ ва қумлоқ ҳамда нишаби катта бўлган далаларда чигит одатда тор қаторлаб, қолган тупроқ шароитларида эса кенг қаторлаб экилади.

Ҳозирги вақтда кенг қаторлаб, тор қаторлаб, уялаб, пунктир (ҳар бир уяга чигитни аниқ миқдорда) эгат пуштасига экиш усуллари қўлланмоқда.

Тукли чигитни уялаб экилади. Туксиз чигит уяларга асосан белгиланган (аниқ) миқдорда уруғ ташлайдиган сеялкаларда уялар ва пунктир ҳосил қилиб экилади. Тукли чигит уялаб экилганида гектарига 50—60 кг уруғ сарфланади. Яганалаш даврида ортиқча ўсимлик юлиб ташланади.

Қатор хўжалик ва районларда туксиз чигитин ҳар бир уяга белгиланган (аниқ) миқдорда серуя ва пунктир ҳосил қилиб экиш усули қўлланмоқда. Бу усул қўлланганда ҳар гектар ерга сарфланадиган чигит нормаси 25—30 кг ни ташкил этади, уялардаги чигитлар қийғос униб чиққач, ягана қилишга ҳожат қолмайди. Бегона ўтларни ўтоқ қилиш пайтида, уядаги ўсимликлар сонини кўздан кечириб чиқши кифоя.

Чигитни бир текис ва эрта ундириб олиш мақсадида эгат пуштасига экилади. Намлик етарли бўлганда температура ва ҳаво режими яхшиланиб, чигит тез ва қийғос униб чиқиши учун қулай шаронт вужудга келади.

Эгат пуштасига экилган чигитлар оддий экишга қараганда 4—7 кун олдин униб чиқади ва гектаридан 4,5—8,0 центнер қўшимча пахта ҳосили олишади.

ҚАТОР ОРАЛАРИ ВА ҚАТОРДАГИ УЯЛАР ОРАСИННИГ КЕНГЛИГИ

Хозирги вақтда чигит қатор ораларининг кенглигиги 90 см ва 60 см қилиб экилмоқда. Чигит экинда қатор оралари ва қатордаги уялар ораси ҳамда кўчкат қалилиги иқлим ва тупроқ шароитига, унумдорлигига, шўрланиш даражасига, нишаблигига, сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига, шунингдек экилаётган навининг хусусиятларига қараб белгиланади.

Қатор орасининг кенглигиги 90 см бўлганда, сеялка билан чигит серуя ва пунктир қилиб 90×20 , 90×15 , 90×10 , $90 \times 7,5$, 90×5 см ли схемаларда экилади. Қатор орасининг кенглигин 60 см бўлганда, сеялка билан серуя ва пунктир қилиб 60×30 , 60×25 , 60×20 , 60×15 , 60×10 см ли схемаларда экилади. Экиш схемасида биринчи рақам см ҳисобида қатор оралари кенглигини, иккичи рақам см ҳисобида қатордаги уялар орасининг кенглигини ифодалайди.

Экиш нормаси. Ҳар бир гектар ерга оғирлик бирлигига сарфланадиган уруғ миқдорига экиш нормаси дейилади. Чигитни экиш нормаси экиш усулига, экиш схемасига, қатор ораларининг кенглигига, урғанинг сифати ва йириклигига, чигитни тукли ёки туксизлигига, тупроқ ва температура шароитига, экиш муддатига қараб ўзгаради.

Серуя қилиб экиладиган тукли чигитдан гектарига 50—60 кг талаб қилишади. Бунда сарфланадиган чигит миқдори экиш схемасига қараб ўзгаради. Масалан, 90×20 см схемасида кейинчалик 2 та ўсимлик бўлишиллиги учун ҳар уяга 4—5 та чигит экиш керак; 90×10 см схемасида кейинчалик уяда битта ўсимлик бўлиши учун 2—3 та чигит экилади.

Қаторининг бир метрига қулай шароитда туксизлантириб сараланган чигитдан 18—20, об-ҳаво ноқулай келганда эса 24—26 тагача экилади.

Пахта усталарининг кўп йиллик иш тажрибаси чигитни ўтлоқи-ботқоқ ерларга аниқ миқдорда экиш яхши натижа беришини кўрсатади. Чунки бундай ерларда тупроқ нами

етарларда чигит экилгандан сүнг пайдо бўладиган қатқалоқ юпқа бўлганлиги сабабли экилган чигит текис униб чиқади ҳамда кўчат қалинилиги таъминланади.

Туксизлантирилган ва саралангани чигитдан бақувват ва серавж ўсимлик униб чиқади. Пахта ҳосилдорлигини гектаридан 1,5—2,5 ц оширишга эришилади.

Экиш чуқурлиги. Чигитни тегишли чуқурликда экилиши ўзашиниҳолларниң эрта ва бир текис униб чиқиншини таъминлайди.

Об-ҳаво ва тупроқ шаронтига қараб секин қизийдиган оғир тупроқли ерларда, ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқли ерларда чигит одатда саёзроқ —3—4 см, енгил бўз тупроқли ерларда кўпинча 4—5 см чуқурликда экилади. Қумоқ ва қумлоқ, шунингдек тупроқниң наими камайиб қолган далаларда чигит 5—6 см чуқурликда экилади.

Чигитниң бир текис чуқурликда экилиши, унинг қаторга вазияга тегишли миқдорда тушиши ва кўмилиши спичиклаб текширилиши лозим.

ЧИГИТ ЭКИШ БИЛАН БИРГА ГЕРБИЦИД СЕПИШ ВА ЎГИТ СОЛИШ

Бегона ўтлар тупроқдан жуда кўп миқдорда озиқ мөддалар ва сувни ўзлаштиришин билан бирга қишлоқ хўжалик зараркушандалари ва касалликлариниң тарқалиш маини бўлиб ҳам хизмат қиласди. Айrim хўжаликларда begona ўтларини ўз вақтида йўқотмаслик натижасида ҳосилдорлик баъзан 20% ва ундан кўпроқ камаяди. Бундан ташқари, ўтоқ қилиш ва begona ўтларни чопиб йўқотишга кетадиган меҳнат сарфи гектарига 20—25 киши-кушини ташкил қилиб, буни пулга чаққаца 50—60 сўмдан ошади. Begona ўтларга қарши курашда гербицидлардан фойдаланиш энг самарали тадбирлардан бири ҳисобланади. Бу усул қўллангандаги энг кам маблағ сарфлаб мўл пахта ҳосили этиштириш учун шаронт яратилади.

Бир йиллик begona ўтларини йўқотиш учун чигит экиш билан бир вақтда которан, прометрин, котофэр, толуни деб аталадиган гербицидларини сепиш яхши фойда беради.

Которан, прометрин, толуни ва котофор гербицидлар чигит экиш пайтида, уруғ кўмилаңдан сүнг пушта тупроғи юзасига 25—30 см кенглиқда пуркалади. Бу мақсадда СЧХ—4А, СТХ—4, СХУ—4 сеялкаларига ўриатиладиган ПГС—2,4Б ва ПХГ—4 мосламалардан фойдаланилади.

Ёғингарчилик кам тушадиган жойларда ва шамол эрозияси бўлган ерларда тупроқ бетига ёппасига трефлан ёки прометрин сепилиб, кейинчалик сиҳли ёки дискалл бўропалар билан кўмилади.

Енгил тупроқли ерлариниң бир гектарига 4 кг, ўртача ва оғир тупроқли ерлариниң бир гектарига 5—6 кг трефлон препарати 400 л сувга арлаштириб сепилади. Begona ўтларга таъсири 3,5 ойгача сақланади.

Енгил тупроқли ерларниң гектарига 4 кг, ўртача ва оғир тупроқли ерларниң гектарига 4—5 кг прометрин гербициді 400 литр сув биләп аралаштириб, экишдан олдин ёппасыга сепилади. Бегона ўтларга таъсири З ойгача сақланади.

Прометрин чигитни экиш пайтида ҳам ишлатилади.

Которан, толуин ва котофор гербицидлары асасаң чигитни экиш биләп бир вақтда құлланади. Которан гербицидининг бегона ўтларга таъсири 5 ойгача давом этади. Котофор гербициди механик таркиби енгил құмоқ ва шүрланған ерларда ҳамда ёғынгарчилик күп ёгадиган жойларда құлланыш учун тавсия этилади.

Тупроқниң механик таркиби, ундағы органик моддалар миқдори ҳамда қаторларниң көнглигига қараб чигит экиш биләп бирға гербицид сепиш нормаси (препарат ҳисобида га (кг) қуидагыча белгиланади:

Қатор оралығы 90 см бүлганды: каторан 0,9—1,2, прометрин 1,3—1,7, котофор 0,8—1,2. Қатор оралығы 60 см бүлганды: каторан 1,3—1,7, прометрин 2,0—2,5, котофор 1,2—1,8. Толуин гербициди 1 гектарига 1,5—2 л нормада сарфланади.

Жұмхұрияттың жаңаубий районларыда гербицидлар нормада 20—25% күпроқ сочилиши мумкін. Қатор оралары 90 см бүлганды, гектарига 125 литр әритма, қатор оралары 60 см бүлганды 200 литр әритма сарфланади.

Гербицид сарфлаш нормасини белгилашда бир хил миқдорда суюқлик чиқарадын учыллар үрнатилиши керак.


Шамол эсаёттегида гербицид суюқланыны учыб кетишига йўл қўймаслик учун ПГС—2,4Б ва ПХГ—4 мосламаларынга түсніклар үрнатилади. Гербицид пуштага сепилған далаларда чигит қайта экиладын бўлса, у ҳолда уруғ мумкин қадар дори тушган көнгликтан ташқарыга ташланыслығы керак, чиқиғи гербицид чигитни қайта экишда ярим нормада сепилади ёки экишдан олдин гербицид далага ёппасыга сепилған бўлса такрор сепилмайди.

Гербицидлар пуштага маълум көнглика сепилған далаларни культивация қилишда, дори сепилған көнгликтен бузиб юборгаслик керак.

Гербицидлар чигит экиш биләп бир вақтда сепилғаннан сўнг ёғынгарчилик бўлған (жала қуйган) далаларда, уларниң сийрак учиб чиқишига йўл қўймаслик учун тупроқ етилиши билан дарҳол культивация қилиш лозим.

Шундай қылгандағына гербицид буғининг ҳавога кўтарилишига қулайлик туғдирилиб, ниҳолларни заҳарланишдан сақлаб қолиш мумкін.

Чигит экиш пайтида уруғниң бир қисмими СЧХ—4А, СТХ—4, СХУ—4 сеялкаларына ўрнатылған ўғитлагич ёрдамида солиши катта фойда беради. Бунда ўғит сошниклар ёрдамида чигит экилған қатордан 5—7 см ёнга ва 12—15 см чуқурликкача (ўғит солишида пичоқсимвон сошниклар лойни ер бетига чиқармаслиги лозим) кўмилади.



51-расм. СХУ-4 маркали сеялка.

Тупроқ қатқалогига қарши кураш мақсадида, чигитни экиш даврида сеялкага махсус мослама ўрнатиб, бир йўла пушта тупроғи юзасига чириган, қуруқ, майдаланган гўйнг сепиш ҳам мумкин.

Экиш техникаси ва қаторлар йўналишини танлаш. Чигит экишда қатор ораларини ишлаш, сугоришини сифатли ўтказишда қаторларнинг тўғри йўналиши ва бир хил кенгликда бўлиши жуда мұхимдир. Қаторлар одатда, тўғри ва нишаброқ бўлиши керак. Ўлар парвариш вақтида ғўзанинг шикастланмаслигигини ҳамда сугориш вақтида даланинг бир текисда намланишини таъминлаши керак. Аксинча, қаторларнинг йўналиши қингир-қийшиқ, оралари ҳар хил кенгликда бўлса, ғўзани парвариш қилиш вақтида у қисман шикастланади ёки қатор ёnlари ишланмай қолади. Даланинг нишаби жуда катта бўлса ($0,005$ дан юқори), тупроқ ювилиб кетмаслиги учун қаторларнинг йўналиши нишаби камроқ томонга қаратиб олинади. Қаторларни йўл ёки сугориш шахобчаларининг йўналишига қараб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Чигитни ўз вақтида, сифатли қилиб экиш учун яхши тайёр гарлик кўриш ва экиш пайтида экишга алоқадор барча ишларни пухта уюштириш зарур.

Экишни бошлишдан олдин сеялканинг экиш чуқурлиги, нормаси ва маркёр оралари, гербицид сепиш ва ўғит солиш мосламалари текшириб кўрилади. Тракторчи агрегатни далага қоқилган нишон қозиқларга мўлжаллаб тўғри олиб бориши ва шубилан бирга маркёр дискаси сеялканинг навбатдаги ўтиш йўлини чизиб кетиши лозим. Тракторчи экиш вақтида олдинги

Ғилдирагиининг ҳеч оғишмай худди маркёр изидан боришига жиiddий эътибор қилиши керак.

Сеялкачи соялканинг ҳамма механизмлариши: экадиган қисмларни, чигит тушадиган трубаларни, сошиклар, загортач ва ғалтакларининг ишни, гербицид эритмасининг сепилиши, ўғитининг тушишни ва кўмилнб кетишини кузатиб бориши керак. СХУ—4 сяялкасида бу вазифаин автомат системаси бажаради (51-расм).

ЧИГИТНИ ЭРТА ВА ТЎЛА УНДИРИБ ОЛИШ УСУЛЛАРИ

Чигитни эрта, тўла ва қийғос ундириб олиш агротехника тадбирлари орасида муҳим ўрини эгаллайди. Асосий пахта етиштирувчи зоналарда бу соҳада қўлланиладиган чора-тадбирлар қўлай муддатларда экилган чигит 15 апрель билан 1май ўртасида бир текис, соглом ундириб олинишига қаратплган бўлиши керак.

Чигитни эккандан кейин унни тупроқдаги ҳолатини ва нишуринин муттасил кузатиб бориш лозим. Айниқса баҳор совуқ ва ёғингарчилик кўп бўлганида бундай контроллик ниҳоятда зарур. Ҳаво ҳароратининг наст бўлиши ва сел ёғиши чигитининг ниҳоятда сийрак униб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Баҳор совуқ ва серғин бўлганида шўр тупроқли ерларда сув буғланниши натижасида заарли тузлар ёриб юзага чиқиб, унаётган чигитининг нишлари ва мурғак ниҳолларга ҳалокатли таъсир қиласди.

Суғориладиган пахтачилик раёнларида кучли жаладап кейин тупроқ юзасида ҳосил бўлган қатқалоқни тез юмшатиш эндиғиниа униб чиқсан пиҳолларни сақлаб қолишида муҳим аҳамиятга эга. Қатқалоққа қарши курашни биринчи имконият бўлиши биланоқ бошлаш зарур, аks ҳолда ҳосил бўлган нишлар қатқалоқни ёриб чиқолмай, кўпинча нобуд бўлади, униб чиқсан пиҳоллар эса жуда эзишлиб қолади.

Таркибида чиринид кам бўлган структурасиз бўз тупроқда қатқалоқ пайдо бўлиши, айниқса хавфли. Ана шундай ерларда қатқалоқининг қалинлиги 3—4 сантиметрга етиши ва ундан ҳам ошиши мумкин. Агар у ўз вақтида юмшатилса, жуда қотиб кетади, сўнг ун юмшатишниҳоятда қийин бўлади. Структурасиз тупроқда қолган нам иссиқ кунлар бошлангач, тупроқнинг капиллярлари орқали тез юқорига кўтарилади ва ҳавога буғланниб кетади. Нам буғланниб бўлгунча тупроқнинг энг юқориги қатлами етарли даражада намга ўхшаб кўринади. Лекин кейинчалик тупроқ қуригач, унда чуқур ёриқли қатқалоқ ҳосил бўлади. Бу ҳол фўзанинг ўсиғи, ривожламиши ва ҳосилдорлиғига салбий таъсир қиласди. Бўни қўйидаги 15-жадвал маълумотларидан кўрин мумкин.

Структурали тупроқда ёғингарчилик натижасида тўпланган ҳаммининг деярли ҳаммаси кесакчалар орасидан сизиб ўтиб тупроққа яхши шимилади ва шу ерда сақланиб қолади. Бу хилда-

**Ғўзанинг ривожланиши ва пахга ҳосиличинг қатқалоқни юмшатиши
муддатига боғлиқлиги (Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
матъумотлари)**

Вариантлар	Шоқалоти фазаси		Гуллаш-мева тугани фазаси		
	асосий поля- нинг бўйи, см	ҳосил ишо- ларининг сони	асосий то- нинг бўйи, см	асосий ишо- ларининг сони	кусадлар- ининг сони
Қатқалоқ ўз вақтида юмшатилганида	30,2	6,1	97,0	13,2	8,0
Қатқалоқ 3 кун кечикиб юмшатилганида	25,5	4,5	91,3	12,3	4,7
Қатқалоқ 6 кун кечикиб юмшатилганида	23,5	3,7	87,7	11,5	3,8
					73,0

ги тупроқса ҳаво ҳам яхши киради. Структурали тупроқда буғланиш секунд бўлади, у намни узоқ сақлайди ва унинг юзасида қатқалоқ деярли ҳосил бўлмайди. Мана шунинг учун ҳам тупроқ майда кесакчали бўлиши унинг намни сақлаши ва ҳавони яхши ўтказишининг зарур шарти ҳисобланади.

Бинобарин, чигитни қийғос ундириб олишда ҳар галги ёғин гарчиликдан кейин қатқалоқ ҳосил бўлишига йўл қўймаслик жуда муҳимдир. Ер об-тобига келиб далада ишлаш мумкин бўлиши биланоқ тупроқнинг устки қисмни юмшатишни бошлаш ва уни 1—2 кун ичидаги тугаллаш керак. Бу намининг кўтарилиб кетишини камайтиради, тупроқдаги иссиқлик режимига ижобий таъсир қиласди, унинг аэрациясини яхшилайди ва чигитни соғлом ундириб олиш имконини беради.

Қатқалоқ босганилиги сабабли чигит униб чиқмаган участкаларда бутун майдондаги тупроқни ёпласига юмшатиш керак. Бунинг учун «зиг-заг» бороналар ва ротацион юмшатгич (мотига) лардан фойдаланиш лозим. «Зиг-заг» бороналар билан тупроқни чигит экилган қаторлариниң кўндалангига, ротацион юмшатгичлар билан эса узунасига қараб юмшатиш тавсия қилинади. Бу қуролларининг ҳар иккиси тупроқни 4—5 сантиметрдан чуқур юмшатмаслигига ва униб чиқаётган ниҳолни тупроқнинг юзасига чиқариб кетмаслиги лозим.

Агар қатқалоқ чигит униб чиққанидан кейин пайдо бўлса, уни юмшатиш учун боронадан фойдаланиш тавсия қилинмайди, чунки унинг сихлари мурғак ғўзаларни нобуд қилиши ёки шикастлантириши мумкин. Бундай ҳолда ротацион юмшатгичлар ёки РОР, УРОР ротацион юлдузчалар ўрнатилган трактор культиваторларидан фойдаланиш керак. Тупроқ бетини ёппасига юмшатиш учун ротацион юмшатгичлардан одатда ғўзани ягана қилгунгача фойдаланиш мумкин. Лекин шунда ҳам юм-

шатгич чигит экилган қатор бўйлаб юритилиши ва тупроққа 3—4 сантиметрдан ортиқ чуқурликка ботмаслини лозим. Агар экин қатор ораларини ишлашда фойдаланиладиган культиваторларда ротацион юлдузчалар бўлмаса, бундай ҳолда чигит экилган қаторлардаги ҳимоя зонасини қўл қуроллари ёрдамида юмшатишга тўғри келади.

Қатқалоққа қарши курашнинг юқорида кўрсатилган усуллари тупроқ намини тез кўтарилиб кетмаслигини таъминлайди. Бундан ташқари, бу тадбир бегона ўтларни йўқотишга ёрдам беради ва шундай қилиб, чигитни тўла ундириб олиш ҳамда ғўзанинг бундан кейинги ривожланиши учун қулай шаронт яратади. Мирзачўллик машҳур пахта устаси, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдураҳмон Исаев бундай деди: «Еримиз шўрланган. Кучли ёмғир ёққанида икки катта қийинчиликка дуч келамиз. Биринчидан, тупроқда нам кўпайиб кетиши ва қатқалоқ боснши натижасида экипининг бир қисми нобуд бўлади. Иккинчидан, кўчат жуда сийраклашиб кетади ва бунинг устига фўза ривожланишдан анча орқада қолади. Ана шундай кўнгилсиз ҳолга барҳам бериш учун шошилинч чоралар кўрамиз, культивацияядан сўнг, айниқса оғир тупроқли ерлардаги қатқалоқни қўл кучи билан юмшатамиз. Бунинг учун барча колхоз аъзолари оиласи билан далага чиқпешади. Шундай қилиб, биз бу муҳим ишни 1—2 кунда тугаллашга ва ҳар гектар ерда 40 центнер, бригадаларда эса 45—50 центнер ҳосил этиштиришга эришдик».

Чигит суви бериш. Чигит экилганидан кейин кўпинча кунлар исиб, тупроқдаги нам тез кўтарилиб кетади ва у чигитнинг тўла ҳамда соғлом униб чиқиши учун етарли бўлмайди. Ана шундай пайтда ёмғир ёғинини кутнуб ўтирумасдан дарҳол чигит суви беришга киришиш даркор. Бу тадбирни амалга оширишини пахта этиштириш соҳасида катта тажрибага эга бўлган кишиларга топшириш зарур. Чигит суви кам нормада қўйилиб, эгатларда секин оқиши ва пуштани бир меъёрда намиқтириши керак. Чигит тор қаторлаб экилган, шунингдек, ўтлоқ тупроқли ерларга кенг қаторлаб экилган жойларга сувни эгат ташлаб тараш тавсия қилинади. Нишаби катта, тупроғининг механик таркиби енгил, шунингдек тошлоқ ва қум қатлами юза жойлашган ерларга чигит суви экиш билан бир йўла олинган ҳар бир эгатга қўйилиши лозим.

Бу ҳолда тупроқни ортиқча намлаш хавфли, чунки тупроқ ҳали етарли даражада қизимаганлиги сабабли униб чиқмаган чигитнинг чиришига ёки униб чиққан ниҳоллар ёпласига илдиц чириш касаллигига чалинишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, рельефи нотекис пахта майдонларида ортиқча суғориш паст жойларни сув босишига олиб келади. Бундай жойларда тупроқнинг ҳарорати кескин пасаяди ва бу кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Чигит суви берганда далаларнинг нишаби ва тупроқнинг

сув ўтказувчанлик қобилятини ҳисобга олиш зарур. Суғориш эгатларининг узуғлиги худди мана шу омиллар билан белгиланади. Чигит тор қаторлаб экилган, нишаби кам, сув ўтказувчанлик қобиляти яхши бўлган участкаларда ўқариқларни машиналар билан ҳар 70—100 метрдан, ўта нишаб ва тупроғи сувни яхши ўтказмайдиган участкаларда эса ҳар 110—150 метрдан кейин олиш тавсия қилинади. Чигит кенг қаторлаб экилган пайкалларда нишаби кам ва тупроғи сувни яхши ўтказадиган бўлса суғориш эгатларининг узуғлиги 100—130 метр, ўта нишаб ва тупроғи сувни яхши ўтказмайдиган участкаларда 150—180 метр бўлиши тавсия этилади.

Суғориш эгатларининг чуқурлиги нишаби кам ва тупроғи сувни яхши ўтказадиган участкаларда 12—14 сантиметр, нишаби ўртача ва ўта нишаб пайкалларда 10—12 сантиметр бўлиши мақсадга муваффикдир.

Суғориш нормаси гектарига қарийб 600—700 кубметр белгиланса кифоя қиласди. Чигит суви берганда қўйилган сув тупроқни чигит жойлашган чуқурликда намлашига алоҳида эътибор берниш лозим. Бу муҳим агротехника тадбирини амалга оширишни фақат тажрибали сувчиларга топшириш тавсия этилади.

Хатосига экиш. Чигит барча пахта майдонида соғлом ва тўла ундириб олинганидан кейингина экиш тугалланади деб ҳисоблаш мумкин. Ҳатто чигит яхши униб чиқсан ва гўза туплари мўлжалдаги қалинликда бўлган далаларда ҳам сони сийрак ёки бўш уялар ёхуд қаторнинг айрим қисмларида бўш қолган жойлар бўлиши мумкин. Бу гектарларда кўчат қалинлиги нормал бўлмаслиги, натижада бирмунча камайишига сабаб бўлади.

Пайкалларда белгиланган миқдорда кўчат бўлишини таъминлаш учун сийрак ва хато чиқсан жойларга қўшимча равишда дориланган ва намланган чигит экиш керак. Илфор пахтакорлар чигит униб чиқишини тезлаштириш учун яхши намланган уруғларни ҳарорати 25 даражадан кам бўлмаган бино ичida бир жойга уюшади. Бундай шароитда чигит кечи билан бир кеча-кундуздан кейин ниш ура бошлайди. Нишланган чигитни аввал совуқ сувга чайқаб олиш ва сўнг сийрак ерларга ёки хатосига экиш лозим.

Кўпчилик хўжаликларда туксизлантирилган чигит экилади ва у тукли чигитга нисбатан тезроқ униб чиқади. Шунин унтурмаслик керакки, хатосига чигит экканда навларнинг аралашиб кетишига йўл қўйиб бўлмайди. Хатосига экиш учун шу далага қайси нав ва нечанчи репродукция чигит экилган бўлса, албатта худди шу нав ва репродукцияли чигит экилиши шарт.

Бир уяга 2—3 тадан ортиқ ниш урган чигит экиш тавсия қилинади. Хатосига чигит экиладиган ерларда тупроқда етарли миқдорда нам бўлиши керак. Ниш урган чигит қуруқ тупроқда униб чиқиши қобилятини йўқотади ва нобуд бўлади, намланган чигит эса умуман кўкармайди. Шунинг учун хато чиқ-

қан жойларга чигит экиш топширилган ходим аввал уруг қадала-
диган жойдагы тупроқнинг усткى қуруқ қатламйни сурнб ташла-
ши ва сўнг чигитни иам тупроққа 4—5 сантиметр чуқурликка
кўмиши лозим.

Далаларда кўчат қалинлиги нормал даражада бўлпши учун
муваққат ариқ (ўқариқ) ларнинг ёни-верига, тут дараҳтлари-
нинг орасига, даланинг йўлларнинг четига, умуман имкон
бор жойларга чигит экиш керак.

Андижон вилоятининг пахтакорлари чигитни тўла ундириб-
олиш ва ҳар гектар ерда фўза тупларининг зарур даражада
қалин бўлишини таъминлашга, айниқса, катта эътибор берि-
шади. Бу ерда бир қарич ҳам ер бўш қолдирilmайди. Масалан,
Ленин районидаги «Правда Востока», Карл Маркс номли ва
«Коммунизм» колхозларида зовур ёқасидаги ерларга ҳам чи-
гит экилади.

Туркманистон ССР Мари районидаги «Москва» колхозида
чигитнинг соғлом униб чиқиши ва кўчат қалинлигнинг норма-
да бўлниши мўл ҳосил олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга, деб
қаралади. Бу хўжаликда қизиқарли тажриба тўпланган. Колхоз-
нинг учта бригадаси ерлари қум барҳайлари билан чегарадош.
Ариқнинг пахта майдонига қараган томонига уялар оралигини
30 сантиметрдан қилиб чигит, барҳанларга қараган иккинчи то-
монига эса уялар оралигини 30—35 сантиметрдан қилиб нав-
батма-навбат чигит ва ошқовоқ экилади. Ошқовоқ фўзанинг норма-
лар ривожланишига ҳалақит бермайди, фўза эса ошқовоққа соя
туширмайди.

Шундай қилиб, бўш қоладиган ердан бир йўла икки экин ҳо-
сили олинмоқда.

Тошкент вилояти, Янгийўл районидаги «Коммунизм» ва Ле-
нин номли колхозларда йўлларнинг чети ва зовурларнинг ёқа-
сига фўза билан бирга ошқовоқ экилади. Ошқовоқ билан фўза-
нинг бу тарзда бирга ўстириш усули Ўрта Осиё жумҳуриятла-
ри хўжаликларида кенг тарқалган. Бу чорвачиликнинг ем-хашак
базасини тўйимли ширали озиқ билан мустаҳкамлашнинг қў-
шимча резервларидан ҳисобланади.

Одатда, яганалаш вақтида хатоларга бир йўла чигит экиб
кетилади. Агар чигит униб чиқмаган жойлар кўп бўлса, бундай
ҳолларда чигит экишни алоҳида жараён сифатида амалга оши-
риш лозим.

Зах ва совуқ тупроқда чигит узоқ вақт туриб қолса, айниқ-
са, баҳорда ҳаво паст келганда уруг ва энди униб чиққан ни-
ҳоллар чирпӣ бошлайди. Бундай ҳолда пайкалда кўчат ниҳо-
ятда сийраклашиб қолишини эътиборга олиб, агар ҳосил норма-
лар етилишига умид боғлаш имконини берадиган қулай муддат
ўтмаган бўлса, бундай далаларга чигитни бузиб қайта экиш
тавсия қилинади.

Сел босиб, фўза майсаларини ювиб кетганида ва далани
лойқа босиб қолганида ҳам чигитни қайта экишга тўғри кела-
ди. Ўрта Осиёда, одатда, май ойининг биринчи ўн кунлигидан

кейин сел унчалик хавфли эмас. Бу вақтда ғүза 2—3 тадан чинбарг чиқарған ва илдизи тупроққа мустаҳкам ўрнашиб олған бўлади. Сел ва жала бу вақтда ғүза тупларини ётқизиб ёки унинг уруғ баргларини юлиб, бироз шикаст етказиши мумкин.

Тошкент вилоятининг Бекобод районида, масалан, бир йили (21 майда) худди шундай ҳодиса юз берди. Сел оқими Ойбек номли совхоз териториясидан ўтиб, икки бўлимнинг ғўзасига катта зарар етказади. Лекин ғўза етарли даражада ривожланиб унинг илдизи тупроқда яхши ўрнашиб олишга ултурганлиги учун чигитни қайта экиш талаб қилинмади. Фақат ҳаддан ташқари кўп лойқа босган айрим майдонларгагина чигит қайта экилди. Яхши талаб парвариш қилиш ва озиқлантириш ғўзанинг ривожланишини тезлаштириди ҳамда қисқа вақт ичидан бошқа майдонлардаги ғўзатарга тенглаштириб олиш имкониятини берди.

Апрель ойининг охири ва май ойининг бошида бўладиган совуқ ғўза учун жуда хавфли. Агар совуқдан кейин бош пояни ўсиш нуқтаси ва асосий поянинг барг қўлтиғидаги куртакларнинг 55—65% и соғлом бўлса, чигитни экиш зарур эмас. Лекин ғўза ниҳоллари нобуд бўлган жойларга қўшимча чигит экиш шарт.

Май ойида ёққан дўл ҳам ғўза майсалари учун ниҳоятда хавфли. Лекин ғўза ниҳолларининг 60—70 фоизи шикастланган бўлса ҳам чигитни қайта экмаслик мумкин.

Тошкент вилояти Пскент районидаги Қалинин номли колхозда қуйидаги ҳолат юз берди: 12 май куни ёққан жала ва дўл ғўзага жиiddий зарар етказди. Мутахассисларнинг маслаҳатига кўра, пахта майдонининг асосий қисмига чигит қайта, бир қисм хатоларига эса қўй билан қўшимча экилади. Аммо чигит қайта экилган майдоннинг гектаридан 18 22 фоиздан, хатосига экилиб, ғўзаси яхши парвариш қилинган пайкаллардан эса 28—30 фоиздан ҳосил олинди.

Дўл урган ғўза тупларининг тузилиши шиксатланмаган ғўза туплариникидан кескин фарқ қиласди. Уларда тўрттадан етитагача, ўсув шохлари бўлади. Ҳатто тупнинг биринчи, энг пастдаги барг қўлтиғидан ҳам бақувват ўсув шохлари пайдо бўлади. Ўз навбатида уларда ҳосил шохлари ўсиб чиқади ва бутун туп тарвақайлаган, агар асосий поянинг ўсиш нуқтаси шикастланган бўлса туп шарсимон шаклга эга бўлади. Буидай туплардаги кўсаклар кеч етилади, уни ривожлантиришни тезлатиш учун озиқлантиришни кучайтириш, бунда айниқса азотли, фосфорли ва калийли ўғитларнинг нисбатига алоҳида эътибор бериш керак. Юқори ҳосил усталари минерал ўғитлардан ташқари, гектарига 10—15 тоннадан чириган гўнг солишни, ғўза қатор орасини одатдагидан 1—2 марта ортиқроқ ишлашни, уни кичик норма билан суғоришни тавсия қилишади. Үмуман асосий эътибор ғўзани яхши парвариш қилишга қаратилади. Чунки фақат шу йўл билангина мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин.

Ғұзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдор тигига яғана таш муддатининг таъсири (Тошкент қишлоқ хұжалик институти пактацилик кафедрасыннан үртаса түрт йиллис маълумоти)

№ №	яғана қилингай давр	I/VIII гача ассоий тоғыннан бўйни, см	Барғ ਯозасен-иине майдони (ангуз оғол-иинең охирнада), см ²	Ҳосил и охладженинг сони		Үсимиликкининг 50 % ила	Пахта ҳосилорлариги йиллар бўйича ц.га						
				I/VII гача	I/VIII гача		гуллаш	кусак ичиши	1-йил	2-йил	3-йил	4-йил	
1. Ургулла фазаси	75,2	3513,1	9,7	14,5	9/VII	10/IX	31,6	39,3	31,5	34,0	34,1		
2. Битта чинбарг чиқарганда	73,9	3472,6	9,4	14,0	10/VII	10/IX	30,2	39,2	30,4	33,5	33,3		
3. Иккинчи чинбарг чиқарганда	72,9	3324,6	9,1	13,4	11/VII	12/IX	29,5	36,5	27,8	32,0	30,4		
4. Учта чинбарг чиқарганда	72,0	3341,8	8,3	12,9	13/VII	14/IX	27,3	36,0	25,8	30,5	30,4		
5. Бешта чинбарг чиқарганда	70,4	3309,3	8,0	12,3	15/VII	17/IX	25,7	30,3	24,0	29,5	27,6		
6. Еттита чинбарг чиқарганда	66,6	3139,0	7,7	10,8	—	—	26,5	27,9	—	—	27,2		
				HPC (± ц/га) (P (%))					1,45 3,42	0,93 0,69	1,02 2,60	1,98 1,74	—

Эслатма: Олтинчи вариантнинг якунловчи маълумотлари үртаса 2 йилликдан иборат.

Янги униб чиққан ниҳол жуда нозик, мўрт бўлади ва шоналагунча жуда секин ўсиб ривожланади. Бу даврда ёш ниҳоллар яхши ўсиб ривожланишн учун ҳар тарафлама қулай шароит яратилиши керак. Бунда чигит униб чиққанидан кейин қатор ораларини қисқа муддатда сифатли қилиб юмшатиш, фўза тупларининг ёнбошига ўғит солиб озиқлантириш, яганалаш ва дланни бегона ўтлардан тозалаш лозим.

Ғўзани яганалаш энг зарур ва кейинга суриб бўлмайдиган агротехника тадбирларидан бири ҳисобланади. У қанча кеч ўтказилса, тупроқдаги озиқ моддалар ва нам шунча кўп исроф бўлади ва бу ғўзанинг бундан кейинги ривожланишига салбий таъсир қиласди. Масалан, СоюзНИХИ маълумотларига қараганда, бир гектар ерга 100 килограмм ҳисобидан чигит сарфлаб, 100 минг туп кўчат ҳосил қилинганида яганалаш вақтида юлиб ташланган фўза билан бирга тупроқдан 6—10 кг азот, 1—2 кг фосфор ва 4—6 кг калий чиқиб кетади.

Дастлаб уя оралари яқин қилиб экилган далалардаги ғўзани яганалаш керак. Бунинг сабаби шундаки, уяларда фўза ниҳоллари зич жойлашган бўлади ва улар бир-бирини эзиб қўяди. Бунга йўл қўймаслик учун яганалашни чигит тўла униб чиққанидан ва биринчи чинбарг чиқаришга қадар тугаллаш лозим (16-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдикки, ягалана什 кечиктирилса ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таалуқли барча кўрсаткичлар пасайиб кетади.

Илфор пахтачилик хўжаликларидан олинган маълумотлар яганалашни 8—10 кунда тугаллаш яхши самара беринини кўрсатмоқда. Борди-ю фўза илдиж чириш касаллигига чалинганилиги ёки кўп миқдорда кузги тунлам, шира ва трилс тушганлиги сезилса, шунингдек, об-ҳаво шаронти жуда ноқулай бўлса, одатда, пайкалларда кўчат нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мақсадида бу тадбирни бир неча кун кечиктириш лозим. Бундай ҳолда яганалашни фўза 2—3 та чинбарг чиқарган пайтда бошлиш лозим.

Кўпчилик илмий-тадқиқот муассасаларнда ўтказилган тажрибаларда тасдиқланган ва ишлаб чиқаришда исботланганки, фўзани ягана қилганда қаторлардаги уяларнинг оралигини кенгроқ қилиб ҳар бир уяда икки тупдан гўза қолдиргандан кўра, ҳар гектар ердаги кўчатнинг умумий сони етарли даражада бўлишини таъминлаган ҳолда уя орасини яқинроқ қилиб биттадан ўсимлик қолдирилса яхши самара беради. Лекин кўчат қалинлигига иккала ҳолда ҳам ўзгармаган. Уяларда бир тупдан ўсимлик қолдирилганида фўза бир меъёрида ривожланади ва, айниқса, кўсаклар бир текис етилади. Бу пахтани машиналар билан терганда уларнинг иш унуми юқори бўлиши учун имконият яратади, пахта ерга кам тўкилади.

Масалан, СоюзНИХИ в Тошкент қишлоқ хўжалик институтти ўтказган тажрибаларда шу нарса аниқланганкин, чигит қатор орасининг кенглиги 90 сантиметр қилиб экилган майдонлардаги ғўзаларни яганалашда ҳар 10 сантиметрда биттадан ($90 \times 10 \times 1$) ўсимлик қолдирилган участкаларнинг гектаридан олинган ҳосил ҳар 20 сантиметрда иккитадан ($90 \times 20 \times 2$) ғўза қолдирилган пайкаллардагидан 1,5—2 центнер ортиқ бўлган.

Бегона ўтлар босган участкалардаги ғўзаларни янгилашда уялар оралигини кенгроқ қилиш ва бу ердаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида ҳар бир уяди иккитадан ниҳол қолдириш тавсия этилади. Ўт босган далаларда ғўзани $60 \times 15 \times 1$ ўрнига $60 \times 30 \times 2$; $90 \times 10 \times 1$ ўрнига $90 \times 20 \times 2$ схема асосида жойлаштириш яхши самара беради ва ҳоказо (схемада, биринчи рақам экин қатор ораси кенглиги, см; иккинчиси — уялар оралиги, см; учинчиси — уядаги туп сони).

Бундан ташқари, Ўзбекистон ССРнинг Фарфона водийси, Тожикистон ССРнинг Ленинобод вилоятидаги айрим район ва хўжаликларнинг оғир тупроқли ерларида ғўзанинг ўсув даврида ривожланишини тезлаштириш мақсадида фақат қаторлар орасинигина эмас, балки уялар орасини ҳам қўлда ишлатиладиган асбоблар (масалан, кетмон) бўйлан ишлаш керак. Шунинг учун оғир тупроқли ерлarda уялар оралигини кенгроқ қолдириш лозим.

Қўлда яганалашни кескин камайтириш мақсадида Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССРнинг Мирзачўлдаги совхозларида, Жиззах чўлидаги янги совхозларда 100 фонз майдонга, шунингдек, мамлакатнинг бошқа пахтакор районларида хўжаликларда каттагина майдонга уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан туксизлантирилган, сараланган чигит экилади. Мирзачўлдаги юксак даражада механизацияланашган ва юқори ҳосилли совхозларнинг, хусусан «Малик» совхознинг кўп йиллик тажрибаси чигит энг қулай муддатларда аниқ ҳисоб-китоб қилинган норма билан ва бошқа агротехника қондаларига риоя қилган ҳолда экилганида ғўзанинг қўлда яганалашдан бутунлай воз кечиш мумкин эканлигини кўрсатди. Бу, қўл меҳнатини анча тежаш имконини берди ва ғўза яхши ривожланганлиги ҳисобига ҳосилдорлик гектарига 2—3 фонз ошиди.

Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, об-ҳаво шароити ноқулай бўлганида кўчат сийрак бўлиб қолишига йўл қўймаслик учун экиш нормасини бирор ошириш лозим. Бундай ҳолда далани кўздан кечирнб, қални жойларни яганалашга тўғри келади ва бу тадбир учун гектарига 2,0—2,5 киши-куни сарфлаш кифоя қиласди. Ваҳоланки, худди шундай иш учун тукли чигит экилганида бир гектар ердаги ғўзани яганалашга 4—5 киши-куни сарфланади.

Бизда ғўзани яганалашда қўл меҳнати сарфлашга бутунлай хотима бериш мақсадида турли хил тупроқ-иқлим шароитлари учун экиш технологияси ва уруғ сарфлаш нормаси умуман тўлиқ

ишлаб чиқилмаган. Лекин яқин йилларда бу мұхим агротехника тадбири ҳар қандай шароитда құлланилади. Олимларимиз ва илғор хўжаликларнинг тажрибакорлари ана шу агротехника тадбири устида тинмай иш олиб бормоқдалар.

КҮЧАТ ҚАЛИНЛИГИ

Ғўза ниҳоллари ягана қилингандан кейин, у далада қандай схемада жойлаширилишидан қатъий назар, бир гектар ердаги ўсимлик сони кўчат қалинлиги дейилади.

Кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиши ва ривожланиш шароитига, бинобарин ҳосилдорликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Маълумки, кўчат сийрак бўлса айрим ғўза тупларн бақувват бўлиб ривожланади ва уларнинг ҳар биридан кўплаб ҳосил тўпланади, лекин гектаридан олинадиган умумий ҳосил кам бўлади. Аксинча, кўчат қалин бўлса ғўзанинг яхши ўсиб ривожланиши маълум даражада сусайди ва бу ҳосилдорликка бироз салбий таъсир этади, лекин гектаридан олинадиган ялпи ҳосил миқдори ошади. Бироқ кўчат ҳаддан ташқарп қалин бўлса ҳосилдорлик кескин камайиб кетади.

Хозирги вақтда жумҳуриятнинг турли шароитларида кўчат қандай қалинлика бўлиши яхши ўрганилган ва аниқланган.

Кўчат қалинлигини тўғри аниқлаш мақсадида илмий-тадқиқот муассасаларининг маълумотлари ва уста пахтакорларнинг тажрибасини ҳисобга олиш зарур. Бу Урта Осиё, Закавказье ва Қозоғистон жумҳуриятлари шароитида кўчатнинг энг мақбул қилинганинг белгилаш имконини беради. Бунда тупроқнинг унумдорлигини, ернинг шўрланганлпк даражасини, сизот сувларнинг сатҳини сув билан қай даражада таъминланганлигини, экилиган чигитнинг нав хусусиятини, агротехникасини ва бошқа омилларни ҳисобга олиш керак.

Ҳосил шохи чекланмаган 1,5—2 тппга кирган ғўза навлари (175—Ф, 108—Ф ва бошқалар) учун ҳосил йиғим-терими бошлинишига қадар бир гектар ердаги ғўза тупларининг сони куйидагича бўлиши керак.

1) сизот сувлар чуқур жойлашган серунум бўэтупроқли, шунингдек шўрланган ерларда 120 мингдан 130 минг тупгача;

2) шўрланмаган сизот сувлар юза жойлашган ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроқлн ерларда ғўза яхши ривожланган бўлса 110 мингдан 120 минг тупгача;

3) ғўза паст бўйли бўлиб ўсадиган кам унум ва шағал, қум, қумлоқ қатлам юзароқ жойлашган ерларда 130 мингдан 140 минг тупгача;

4) шартли суфориладиган ва сув билан етарли даражада таъминланмаган ерларда кўчат қалин бўлмаслиги, яъни гектарида 70—80 минг тупгача кўчат бўлиши етарли ҳисобланади.

Ҳосил шохи учинчи ва тўртинчи кенжа типга мансуб бўлган сершоҳ ғўза навлари АШ—25, «Андижон—2», «Бухоро—6» ва

шунга ўхшаш навлар учун кўчат қалинлиги юқорида кўрсатилганидан 10—15 фоиз кам бўлиши мумкин.

Аксинча, ҳосил шоҳи биринчи кенжага тиғора ва шоҳланишига кўра чекланган тиғора мансуб бўлиб, тупнинг тузилиши устунсизмон кўринишдаги, шунингдек, шоҳланишига кўра «нол» тиғора кирадиган ёзга навларида кўчат қалинлигини 20—30% ошириш зарур. «Термиз—14», «Термиз—16», С—6037, «Тошкент—6» билар ана шу навлар жумласига киради.

Чигит кеч, яъни 10 майдан кейин қайта экилганда ҳам далаарда кўчатнинг қалинроқ бўлиши тавсия қилинади. Чигит кеч экилганида гарчи ёзга тупларида қўсаклар кам бўлса ҳам, лекин кўчатнинг қалин бўлиши ҳисобига улар барвақт очилади. Бундай ҳолда кўчатнинг сийрак бўлиши заарли, чунки ёзга ҳаддан ташқари ўсиб кетади ва натижада қўсаклар кеч етилади. Чигитни қайта экканда буни ҳисобга олиш ва ўззани ягана қилганда қаторларда одатдагидан кўра (гектарида 10—15 минг туп) кўпроқ кўчат қолдириш **керак**.

Кўчат қалинлиги одатда учта рақамли схема билан ифодаланади. Масалан, $90 \times 10 \times 1$ схемасида 90 қатор орасининг (сантиметр ҳисобида) кенглиги, 10 қатордаги уялар оралиғи, см ва 1 уядаги ўсимлик сони.

Бир гектар ердаги ўсимлик сонини аниқлаш учун бир уянинг озиқланиш майдонини билиш керак. Бир гектар майдон (m^2 ҳисобида) ана шу рақамга тақсим қилинса уялар сони, у кўпайтирилса битта уяда қолдириладиган ўсимлик сони келиб чиқади. Шунда кўчатнинг назарий қалинлиги аниқланади. Масалан, чигит $90 \times 10 \times 1$ схемада экилганда ҳар бир уянинг озиқланиш майдонини аниқлаш учун қатор орасининг кенглигини ($0,9$ м) қаторидаги уя оралиғига ($0,1$ м) кўпайтирилса $0,9 \text{ m} \times 0,1 \text{ m} = 0,09$ квадрат-метр келиб чиқади. Энди бир гектар ердаги уялар сонини аниқлаш керак. Бунинг учун бир гектарнинг майдонини (10000 m^2) бир уянинг майдонига ($0,09 \text{ m}^2$) тақсим қилиш керак. $10000 : 0,09 = 111111$ келиб чиқади. Бу схемада ҳар бир уяда биттадан ўсимлик бор эди. Шунинг учун бир гектардаги уялар сонини 1 та ўсимликка кўпайтириш лозим. Шунда бир гектар ерда $111111 \times 1 = 111111$ туп ўсимлик келиб чиқади. Даладаги кўчатнинг ҳақиқий сонини аниқлаш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Пахтачиллик амалиётида кўчатнинг ҳақиқий қалинлиги одатда икки марта: яганалашдан кейин 2—4 кун ўтгач ва ҳосил йиғим-териминн бошлаш олдидан (августнинг охири ва сентябрнинг бошида) аниқланиши керак.

Одатда ҳар бир даладаги кўчатнинг ҳақиқий қалинлиги ёзга қаторларининг ҳар ер-ҳар ердан намуна олиб аниқланади. Намуналар олинадиган қаторларнинг умумий узунлиги бир гектар майдоннинг мингдан бир қисмига teng келиши керак. Масалан, қатор орасининг кенглиги 90 сантиметр бўлганида бир гектар ернинг қатор узунлиги 11111 метрга ($10000 : 0,9 = 11111$) тўғри келади. Шунинг учун биз $11,1$ метрни оламиз ёки қатор ораси 60 сантиметр бўлганида бир гектар ер қаторининг узунлиги

16666 метрга ($10000:0,6=16666$) түгри келади ва бу ҳолда на-
муналар 16,6 метрдан олипади. Намуналар ҳар гектар ердан
битта ҳисобидан олинади.

Ҳар қайси намунада ҳақиқатда нечта туп ғүзә борлиги санаб
чиқилади. Намунанинг барча кўрсаткичларидан битта намуна-
да ўрта ҳисобда қанча ғүзә тути бўлиши ҳисоблаб чиқарилади.
Кейин намунага олинган ўсимликларнинг ўртача сони мингга
кўпайтирилади, чунки намуна бир гектар пахтазорнинг минг-
дан бир қисмига тенг келадиган жойдан олинган. Ана шундан
бир гектар ердаги ўсимликнинг ўртача сони келиб чиқади. Ай-
рим бригадалар ва умуман хўжалик бўйича ҳам бир гектар ер-
да ҳақиқатан ўрта ҳисобда қанча кўчат борлигини шу йўл би-
лан аниқлаш мумкин.

Юқорида беш хил тупроқда ғүзә кўчатининг мақбул қални-
лигига доир тавсиялар баён этилди. Экиш схемасини танлаш
ушбу тупроқ ва участка учун кўчат қандай қалинликда бўлиши
хақида берилган тавсияга боғлиқ.

Бир хўжаликнинг ўзида тупроқнинг хилма-хиллиги, унумдор-
ллги, сизот сувларнинг сатҳи, ўстирилаётган навнинг шохлаши,
ишчи кучи билан таъминланганлик даражаси ва бошқа шароит-
ларга қараб чигит экишнинг бир неча хил схемаси қўлланили-
ши мумкин. Масалан, Фарғона вилоят Қува районидаги илфор
«Коммунизм» колхозида ғўза одатда, жуда яхши ривожланади-
ган, сизот сувлар чуқур жойлашган, гектаридан 50 центнер ва
ундан ортиқ ҳосил олинадиган унумдор бўз тупроқли участка-
ларга «Тошкент—1» нави чигити $60\times15\times1$ схемасида экилади.
Йифим-терим даврига келиб, ана шу участкаларнинг гектарида
100—103 минг туп кўчат қолади. Гектаридан 35 центнерга яқин
ҳосил олинадиган, ҳосилдорлиги ўртача бўзтупроқли участка-
ларга одатда ғўза $60\times12,5\times1$ схемасида жойланади 1972 йил-
дан ҳозирга қадар ҳосил йифим-терим бошланадиган вақтда ғўза
тупларининг сони барқарорлигича қолиб, гектаридан 115—120
мингни ташкил этиб келмоқда. Шағал қатлами юза жойлашган,
тупроғи кам унум, шунингдек, янгидан ўзлаштирилган адир
ерларда $60\times10\times1$ схемаси қўлланилади ва ўсув даври-
нинг охирида гектарида камида 140 минг туп кўчат қолади.

Мазкур колхознинг қуий зонаси асосан етарли даражада
серунум, сизот сувлар чучук, ўтлоқ-тупроқли ерлардир. Ғўза-
нинг ривожини жадаллаштириш ва кўсақларнинг ёппасига очи-
лишини таъминлаш учун бу ерларга ғўза $60\times30\times2$ схема билан
шунда пахта йигим-теримн бошланиши олдидан ҳар бир гектар
ерда 90—100 минг туп ўсимлик қолади.

Шу колхознинг айрим бригадаларида ҳатто бир далада уя-
лар оралғи ва утардаги ғўза тупларининг сони турличалигини
кўрнш мумкин. Бу тупроқ шароити ва сизот сувларнинг сатҳи
ҳар хил чуқурликда жойлашганлиги билан изоҳланади. Брига-
даларда экиш схемаси ва кўчат қалинлиги ҳар қайси участка-
лар бўйича чигит экишдан олдин белгиланади ва ҳосилот сове-
тининг йиғилишида тасдиқланади.

Агар ҳар бир пахтачилик хўжалиги айрим участка ва дала-ларда кўчат қандаи қалинликда бўлиши масаласини барча объектив шароитларни ҳисобга олиб табақалаштириб ҳал қиласа, бу пахтадан барқарор ҳосил олишнииг ишончли гарови ва айни вақтда далаларни машина теримига яхши тайёрлашга қаратилган омил бўлади.

ҒЎЗА ҚАТОР ОРАЛАРИНИ ИШЛАШ ВА БЕГОНА ЎТЛАРГА

ҚАРШИ КУРАШИШ

Киринеъ. даво

Пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштиришда ғўза ораларини ишлаш, яганалаш, ўғитлаш, суғориш каби бир қанча агротехника тадбирларни ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб бажариш муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, чигит униб чиққандан кейин кўпинча тупроқ зичлашиб қолади, айниқса бу ҳол кўклам серёғин келган йилларда кузатилади. Бундай ҳолларда ғўза қатор ораларига ўз вақтида ишлов берилса тупроқда ҳаво алмашиши яхшиланади, ер яхши қизийди, илдиз чириш касаллигига камаяди, бегона ўтлар кўпайшининг олди олинади ва ғўза илдизининг ривожланиши учун қулай шароит вужудга келади. Аксинча ғўза қатор ораларини ишлаш кечикистириб юборилса, ерни қатқалоқ босади. Натижада намлик бекорга буғланисбет кетади, бегона ўтларнинг кўпайиши учун мувофиқ шароит вужудга келади, бундан ташқари, қатор ораларини сифатли ишлашнииг имкони бўлмайди, ғўзага бериладиган ўғитлар ернинг белгиланган қатламига тушмайди. Буларнинг ҳаммаси ғўзанинг нормал ўспб ривожланишига ҳалал бериб, ҳосилининг кескин камайиб кетишига олиб келади.

Кўклам қуруқ келган йилларда чигитни бир текисда қийғос уидириб олиш учун чигит суви берилади. Бунда ер етилиши биланоқ қатор ораларига вақтида ишлов бериш, тупроқни майин ҳолда сақлаш, унинг сув ва ҳаво режимини яхшилашни таъминлайди. Шўр ерларда эса, ғўзанинг илдиз системаси тарқалган қатламидаги заарарли тузлар кўтарилишининг олди олинади.

Шундай қилиб, ғўза қатор ораларини ишлаш билан бегона ўтлар йўқотилади, тупроқнинг майин ҳолатга келиши натижасида ундаги намнинг узоқ муддатгача юқорига кўтарилишига йўл қўйилмайди, ўсимликнинг нормал озиқланиш режимига эришилади, етарли миқдордаги иссиқлик ва ҳавонинг тупроқнинг чуқур қатламларгача сингиб кириши таъминланади, хуллас, ғўзанинг системали равишда озиқ моддалар ва нам билан таъминланиб туриши учун мувофиқ шароит вужудга келади.

Қатор ораларини ишлаш муддатлари. Ғўза қатор ораларини ишлаш одатда чигит экиб бўлингандан кейин бошланади. Кўпинча чигит экилгандан кейин ёғингарчилик бўлиб тупроқ зичлашади, ер бетини қатқалоқ босади, бегона ўтлағ кўпайиб кетади. Натижада ғўзанинг илдиз системаси нормал ривожлана олмай, озиқланиш, сув ва ҳаво режими бузилади. Майсалар мажмасиғил бўлиб қолади, кўпчилик майдонларда ил-

диз чириш касаллиги тарқалади. Кўклам сернам келиб ҳарорат пасайиб кетган ҳолларда бу касаллик айниқса авж олади ва кўчатлар сийраклашиб қолади.

Тошкент вилояти «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида олиб борилган кузатиш натижаларига қараганда қатор ораларини ишлашда ҳимоя зонаси одатдагича кенгликда (10—12 см) қолдирилганда кўчатларнинг 85,8% и илдиз чириш касаллиги га чалинган. Қатор ораларига ишлов берилгандан 15 кун ўтгач (20 майда) у 70,6% ни ташкил қилган. Қатор оралари ўсимлик қаторларининг икки томонидан 7—8 см ҳимоя зонаси қолдириб ишланганда илдиз чириш касаллиги 55% га тушиб қолган. Бошқача айтганда, кучли даражада касалланиш деярли 1,5 барабарга камайган.

Кўклам серёгин келиб, ҳарорат кескин пасайиб кетган иили ғўза қатор ораларида майсалар кўзга ташланиши биланоқ сифатли ишланганда кўчат қалинлиги ҳар гектар ерда 112,6 минг тупни ташкил қилгани ҳолда, қатор ораларига ишлов берриш 9 кунга кечиктирилганда кўчат қалинлиги 92,8 минг тупга тушиб қолган.

Чигит қийғос униб чиққандан кейин рўй берган ёғингарчилик натижасида пайдо бўлган қатқалоқни турли муддатларда юмшатиш ҳам ғўзанинг ривожи ва ҳосилига ҳар хил таъсир кўрсатган.

Пахтачилик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот муассасаларининг маълумотларига ва илфор пахтакорларнинг кўп йиллик тажрибаларига қараганда, бир йиллик бегона ўтларга қарши чигит экиш пайтида гербицид солинган майдонларда чигитлар қийғос униб чиқиши биланоқ қатор ораларини сифатли культивация қилиш катта аҳамият касб этади. Бу тадбирни эрта ўқазишнини сабаби шундаки, бунда эндишина униб чиқаётган ва униб чиққан кўпчилик бегона ўтлар қирилиб кетади, натижада ғўза ниҳоллари ердаги озиқ моддалар ва намдан тўлиқ фойдаланади, бу ўсимликнинг эрта авж олиб ўсишини таъминлайди. Демак, ғўзада шоналаш, гуллаш ва пишиш фазалари эрта бошланади, ҳосил барвақт етилади ҳамда мўл бўлади.

Масалан, Бухоро вилояти қишлоқ хўжалик тажриба станциясининг маълумотига қараганда, ғўза қатор оралари 6 кун кечиктириб ишланганда пахта ҳосили 25% камайиб кетган.

Ғўза қатор ораларини ўз вақтида сифатли культивация қилиш бегона ўтларнинг кўкариб чиқишини анча камайтиради, бегона ўтларни қўлда ўтоқ қилишга эҳтиёж қолмайди ёки қўл билан ўтоқ қилишининг кескин камайтиришга имкон беради, ҳатто бунда қатор ораларини ишлаш сонини қисқартриш мумкин бўлади.

Ғўза қатор ораларини ишлашда культиваторнинг иш органлари ғўзанинг ривожланиш фазасига, тупроқнинг ҳолатига қараб мумкин қадар кенгроқ ва белгиланган чуқурликда ишлайдиган қилиб ўрнатилиши керак. Масалан, қатор оралари 60 см қилиб экилган майдонларда культиваторнинг иш ор-

ганларни камида 40—45 см, 90 см дан экилган участкаларда эса 70—75 см кенгликда ишлайдиган қилиб ўрнатилиши лозим. Дастреки культивация вақтида культиваторнинг иш органлари майсаларни тупроқ билан кўмиб, уларни шикастлаб қўй-маслиги учун фўзалар ёппасига шонага кирган даврга қадар (бўйи 20—25 см бўлгунча) культиваторга албатта сферик дисклар тақилиши шарт. Бу фўзанинг тупроқ билан кўмилишига ва шикастлашига мутлақо йўл қўймайди. Шундай қилиб, фўзани ёшлик даврида культивация қилиш муддатлари даланинг ҳолатига, кўкламги об-ҳаво шароитига ва фўзаларнинг аҳволига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда пахтакор хўжаликлар чопиқ тракторлари билан етарли даражада таъминланган. Агарда фўзалар тор қаторлаб (60 см) ўстириладиган бўлса, битта чопиқ трактори учун 40—45 гектар, кенг қаторлаб (90 см) экиладиган бўлса 70—75 гектар ҳисобидан ер ажратилади. Борди-ю қатор оралари МТЗ—80 трактори билан 6 қаторли культиваторда ишлана-диган бўлса, бунда 100 гектар ер ажратилади. Шуни ҳам айтиш керакки, эндиликда фўзалар озиқлантириб сугорилгандан ке-йин ер об-тобига келиши биланоқ қатор ораларини ўз вақтида ишлаш учун шарт-шароит яратилган. Фўза сугорилгандан ке-йин қатор ораларини ер етилиши биланоқ ўз вақтида юмшатиш айниқса муҳимдир. Чунки бу иш бир кун кечикириб юборилганда ҳам ердан кўплаб нам бугланиб кетиб, фўза эрта чанқайдига! ғулади, ўсимлик ердаги озиқ моддалардан унумли фойдалана олмайди ва айниқса ер қотиб қолиб, культивация қилишда катта-катта кесак кўчади, бу эса фўза илдизининг шикастланишига ҳамда кўчатлар сийраклашиб қолиб, ҳосилнинг камайишига олиб келади (17-жадвал).

17-жадвал

**Фўза сугорилганда қейин ишлаш муддатлари инг ҳосилга таъсири.
гац (СоюзНИХИ маълумоти)**

Тажриба номери	Етилиши чилоноқ иш- ланганда	Ишлов бериш 4—6 кунга ке- чикканда	Ишлов бериш кечикишин хи- собига ҳосилнинг камайиши	
			га/д	%
1-тажриба	29,8	22,3	7,5	25,2
2-тажриба	34,1	27,6	6,5	19,1

Ёш фўзалар сугорилгандан кейин 4—5 кунда, у ўсиб қаторларни соялаган даврда эса 6—8 кунда ер культивацияга етилади. Фўза қатор оралари культивация қилингандан сўнг, қаторларда ўсиб чиқсанбегона ўтларни қўлда юлиб олиш қийин бўлганда, оғир тупроқли ерларда кетмон чопифи ўtkазиш ҳам яхши самара беради. Рельефи нотекис участкаларда сугорилгандан сўнг марзага сув тошган жойлари қотиб кетмасдан

кетмон билан юмшатплади. Шундай ерларни кетмон чопиги қилишдан илгари баъзи илғор хўжаликлар ва бригадалар нам яхши сақланиши, шунингдек, келгуси бериладиган сувдан сўнг қатқалоқ ҳосил бўлмаслиги учун қўлда ёки маҳсус трактор ўғитлагичида гўнг солишади. Бу тадбир Андижон вилояти Ленин районидаги «Правда Востока», Тошкент вилояти Бекобод районидаги Ленин номли колхозларда бир неча йилдан бўён амалга оширилиб, яхши натижаларга эришилмоқда. Илғор пахтакорларнинг тажрибаси культивациядан кейин 1—2 кун ўтгач, ғўзани ўташ ёки кетмон чопиги қилиш яхши самара беришини кўрсатмоқда. Кейинги йилларда гўза ўсиш даврида бегона ўтларга қарши гербицидларни ишлатиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Маълумки, кам йиллик бегона ўтларга қарши ишлатиладиган гербицидларни экиш олдидан ёки экиш билан бирга берилганда актив таъсири 1—1,5 ойга етади ва ундан кейин эса жуда камайиб кетади. Шунинг учун гербицидларни ишлатиш нормаларига ва қўллаш техникасига тўлиқ амал қўлинса, гўзага мутлақо салбий таъсири этмайди. Гербицид эритмасини ишлатадиган ПХГ мосламаси культиваторга инструкция бўйича ўринатилади. Эритма гўза қаторларининг иккала ёнбошидан, яъни гўза барги тагидан, унинг поясига нисбатан эгат томон қиялатиб 12—15 см кенгликда полоса бўйича пуркалди. Которан ва прометрин гербицидлари бегона ўтларга илдинзи орқали тез таъсири қилиши учун, сугориш учун эгат олиш билан бир вақтда берилиб, кетма-кет сугорилганда 3—4 кунда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бунда бегона ўтларнинг 72—73 фоизи, сугорилгандан кейин ишлатилганда 41—46 фоизи камайгани кузатилган. Демак, гербицид, асосан, биринчи сугориш олдидан берилиган фойдали. Бу даврда ғўзанинг бўйи 20—30 см дан ошмаган бўлиши керак. Сепиладиган гербицид масалан, которан гектарига 2 кг ҳисобидан сарфланади.

Жумладан, СоюзНИХИнинг Пахтаорол тажриба станциясида ўртача шўрланган ердаги ғўзани биринчи сугоришдан олдин гектарига 2 кг которан ва бошқа далада 4 кг прометрин ишлатилганда, бегона ўтнинг анчагина камайиши амалда кўрилган. Культивация ҳар галги сугоришдан сўнг пешма-пеш ўтказилади ва у одатда июлнинг охири, августнинг бошларида тугалланади. Лекин гўзаси ўсишдан орқада қолган, шунингдек, нотекис ўсган пайкалларни 10—15 августгача культивация қилиш мумкин.

Охирги культивация қилишда бир йўла сугориш эгатлари ҳам олиниади.

② Ғўза қатор ораларини ишлаш кенглиги ва чуқурлиги. Қатор ораларини ишлашдан мақсад: тупроқни юмшатиш, унинг озиқ, сув, ҳаво ва температура режимини яхшилаш, бегона ўтларни йўқотиш, тупроқни биологик муҳитини яхшилаш ҳамда ерда нам тўплаш ва шу йўл билан ўсимликнинг нормал ўсиб ривожламиши учун қулай шароит яратишдир.

Ғўза қатор ораларини ишлаш кенглиги ва чуқурлигини тўғ-

ри бслгилаш жуда муҳимдир. Ёзга тупларига шикаст етказмagan ҳолда қатор оралари кенгроқ ишланса бегона ўтлар кўплаб нобуд бўлади. Бу, биринчи навбатда, культиватор иш органларини тўғри танлаш иш сифатига боғлиқдир. Ҳимоя зонасининг, яъни ёзга тупларининг икки ёнбошида ишланмай қоладиган жойнинг кенглиги чигит қаторлаб ва тор қаторлаб экилган пайклларда ёзага биринчи, иккинчи ишлов бернишда 7,5—8,0 см бўлиши мақсадга мувофиқ. Буни З йил давомида Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ўтка-зилган тажрибалар ҳам тасдиқлади (18-жадвал).

18-жадвал

Ҳимоя зонаси кенглигининг бегоча ўтлар камайишига таъсири, 1 м да, дона


Ҳимоя зонаси кенглиги, см	1979 й.			1980 й. 7.VI			1981 й. 6.VI			З инклихининг ўртачаси		
	биз. йил-лик ўтлар	кўп йил-лик ўтлар	жамъи	биз. йил-лик ўтлар	кўп йил-лик ўтлар	жамъи	биз. йил-лик ўтлар	кўп йил-лик ўтлар	жамъи	биз. йил-лик ўтлар	кўп йил-лик ўтлар	жамъи
10—12	1,32	1,72	3,04	1,34	1,20	2,52	1,85	0,67	2,52	1,5	1,8	3,36
7—8	0,78	0,96	1,74	0,72	0,72	1,44	1,15	0,33	1,48	0,9	0,8	1,

Жадвал маълумотидан ҳимоя зонасини қисқартириш ҳисобига бир йиллик ва кўп йиллик бегона ўтлар сони деярли иккى баробар камайганлиги кўриниб турибди. Мазкур совхоз срлари маданийлашган, чигит ҳар йили кенг қаторлаб экилади ва шундай бир ўёла гербицидлар сепилади. Тупроғи унумдор бўлгани учун ҳам хўжалик далаларида бегона ўтлар умуман кам бўлади.

Бундан ташқари, ҳимоя зонаси 7—8 см бўлишига қарамасдан бир қатор тадбирий чораларни кўриш—сферик дискдан фойдаланиш ва тажрибали механизаторларнинг ишлаши туфайли гектардаги кўчат сонини ҳимоя зонаси 10—12 см бўлган участкалардагига нисбатан сийраклаштираслик мумкин. Бу тадбир кўклам серёғин келиб, далани ўт босган йиллари яхши самара беради.

Ёзга ўсиб ривожланган сайин, масалан, гуллаш пайтига келиб унинг шох-шаббалари ва иккинчи, учинчи, тўртинчи тартибдаги ён илдизларнинг кўпайиши ва йўғонлашиши ҳимоя зонасининг бирмунча кенгроқ 10—12 см бўлишини талаб қиласди, акс ҳолда трактор иш органлари ўсимликнинг ер устки ва ер остки қисмларини шикастлаши мумкин. Лекин рельефи нотекис, айрим сабабларга кўра культивация бирмунча кечроқ ўтказилётган бўз тупроқларда мустасно тариқасида ҳимоя зонаси 13—15 см гача кенгликда бўлишига йўл қўйиш мумкин.

Бегона ўтларни йўқотиш, тупроқ намини сақлаш, ўсимлик-



52-расм. 90 см ғұза қатор ораларидаги бегона үтларни йўқотиш ва қатқалоқни юмшатиш үчун ғоз панжалар ва ротацион қолдузчаларни үрнатиш схемаси


нинг нормал ўсиши ва ривожланишини таъминлашда қатор ораларини ишлаш чуқурлиги мұхим роль ййнайды, ўсув даврида ғұза қаторлари бир неча марта культивация қилинади, эгат олинади, шунинг учун әгатларнинг юмшатилған зонасида, одатда, бегона үтлар ўсиси чиқмайды. Лекин марздады бегона үтлар культивация вақтида ҳам қолиб кетади, шунинг учун уларни құлда үташ ёки кетмөн билан чопиб йўқотишга түғри келади.

СоюзНИИХИ ва Урта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институтидан үтказилған кўп йиллик тажриба маълумотлари, қатор оралари саёз ишланганга нисбатан чуқур юмшатилғанды бегона үтлар кам ўсиси чиқишини кўрсатади (52-расм). Аммо ерни чуқур ва

ұта чуқур юмшатилгандың бегона үтларнинг камайиши орасидағы фарқ үнчалик катта бўлмаган. Масалан, қатор оралари 12—14 ва 15—18 см чуқурликда юмшатилгандың бегона үтларнинг камайиши деярли бир хилда бўлган. Бироқ амалда бегона үт кўп босадиган, шунингдек оғир тупроқли ерларда ғўза қатор оралари чуқурроқ ишланиши яхши самара беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, пахтачилик билан шуғулланувчи кўпгина илмий текшириш ташкилотларида ғўза қатор ораларини ҳаддан ташқари чуқур ишлаш пахта ҳосилини камайишига олиб келганлиги қайд қилинган. Шунинг учун чигит тор қатор-лаб экилган майдонларда ишлаш чуқурлиги 12—14 см дан ошмаслиги керак.

СоюзНИХИнинг кўп йиллик тажриба маълумотларига ва



53-расм. 60 см ли ғўза қатор ораларидаги бегона үтларни йўқотиш ва қатқалоқни юмшатиш учун пичоқлар, фоз панжалар ва ротацион юлдуз-чаларни ўрганиш схемаси

тажрибали мутахассисларнинг фикрига кўра, чигит тор қаторлаб экилган пайкалларда ғўза қатор ораларини қўйидаги чуқурлиқда ишлаш тавсия этилади: ғўза ёш даврида қаторларнинг икки ёнбошида ишлаш чуқурлиги 6—8 см, қаторларнинг ўртаси эса 10—12 см бўлиши керак. Бу ҳимоя зонаси бегона ўт босган, оғир тупроқли ерларда ва кўклам серёғин келиб температура паст бўлган ҳолларда 7—8 см, агар пайкални унчалик кўп ўт босмаган, ер бети қатқалоқдан холи бўлса, 8—10 см бўлиши лозим. Бу даврда кўпинча культивациянинг ёнбошига пичоқ, ўртасига эса стрелкасимон панжалалар ўриатиб ишланади (53-расм).

Биринчи, иккинчи ҳатто учинчи культивация вақтида, яъни ғўзаларнинг бўйи 25—30 см га етгунча ҳимоя зонасини юмшатиш учун УРОР маркали ротацион юлдузчалардан фойдаланилади. Юлдузчалар одатда ўсимлик тупидан 3—5 см узоқликда тупроққа: дастлабки культивацияларда 3—5, кейингиларида эса 6—7 см гача кирадиган қилиб ўрнатилади. Шуни ҳам айтиш керакки, ротацион юлдузчалар фақат чигит экиш билан бир йўла гербицидлар сепилмаган пайкаллардагина ишлатилиши мумкин. Акс ҳолда, юлдузчалар гербицид эритмаси ер бетида ҳосил қилган парда—қатламни бузиб кетади ва шу жойда бир йиллик бегона ўтлар кўплаб чиқиши мумкин. Лекин гербицид ишлатилган майдонларда, чигит экилгандан сўнг ёнингарчилик натижасида қалин қатқалоқ пайдо бўлиб, чигитнинг тўлиқ униб чиқиши хавфли бўлган тақдирда, шунингдек, қатқалоқ ўш майсаларни нормал ўсишига халал берадиган пайтларда ҳимоя зонасидаги қатқалоқ ротацион юлдузчалар ёрдамида юмшатилиши шарт, албатта.

Кейинги ишлов беришда (суфорилгандан сўнг) қаторларнинг икки ёнбоши 8—10 см, ўртаси эса 14—16 см чуқурлиқда юмшатилади. Бунда бегона ўтлар кўплаб чиқсан майдонларда пичоқ ишлатилиб, қолган ҳолларда фақат нааральник (найзасимон юмшатгич) ёки қаторларни қатламма-қатlam юмшатадиган ККО маркали иш органларидан фойдаланилади. Эгатларнинг ўртаси эса ғозланжа билан юмшатилади. Ғўза қатор ораларига охирги ишлов беришда культиваторларнинг икки чеккасидаги иш органлари аввалгидек 6—8 см, ўртадагилар эса 14—16 см чуқурлиқда юмшатадиган қилнб ўрнатилади. Бунда ҳимоя зонасининг кенглиги 10—14 см бўлиши керак (54-расм).



Тупроқни қатламма-қатlam юмшатадиган ККО пш органинииг фойдали хусусияти шундаки, бунда тупроқ майин кўчиб, майда кесак ҳолда юмшайди. Эгат туби ва икки ёнининг устки қисми суфорилгандан сўнг бир вақтда етилган бўлса ҳам унинг остки қисмida нам кўп бўлгани учун ҳали яхши етилмаган бўлади. ККО иш органлари ерни қатламма-қатlam юмшатгани учун пастки қатlam тупроғи юқорига чиқмаганлиги сабабли ундаги нам тезда буғланиб кетмайди ва тупроқнинг технологик хоссаси айниқса яхши сақланади. Бу иш органи бошқа қуролларга нисбатан ҳозирги замон талабига тўлиқ жавоб беради. Ҳар бир

қаторни юмшатиш учун культиватор грядилига 7 тадан иш органи ўрнатилади.

ККО иш органлари фўза қатор ораларига ишлов бериш учун қуёйдаги тартибда: қаторларнинг икки чечини юмшатадиган биринчи жуфти 5—6 см, иккинчи жуфти 7—8 см, учинчи жуфти 9—10 см, еттинчиси эса эгатининг қоқ ўртасини 12—14 см чуқурлика юмшатадиган қилиб ўрнатилади. Кеч қизийдиган оғир тупроқли ерларда 2—3 см чуқурроқ қилиб ишлашга мосланади. Наральниклар қаторларининг икки чеккасини (биринчи жуфти) 8—10 см, охириги ишлов беришда 6—8 см қилиб, иккинчи жуфти 10—12 см ва эгат ўртасини юмшатадиган гозпанжалар 14—16 см, чуқурлика ишлайдиган қилиб созланади. Чигит кенг қаторлаб экилганда ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши тор қаторлаб экилгандагидан бирмунча фарқ қилганилиги юқорида қайд қилиб ўтилди. Щу сабабли қатор ораларига ишлов беришда ҳам у баъзи бир хусусиятлари билан фарқ қиласди. Масалан, кенг қаторлаб экилганда культиваторнинг иш энлами ҳам кенгроқ, шунга яраша унинг иш органлари катта ва қалип, шунингдек, бажарадиган иш ҳажми бир ярим баравар ортиқ бўлади.

Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, қатор ораларини ишлашда ҳимоя зонаси кенглиги фўза қатор орасининг кенглигидан (60 ёки 90 см) қатъи назар амалда ҳеч қандай фарқ қилмайди. Қатор ораларини ишлашда қаторларнинг икки ёнини ишлаш чуқурлиги ўртасида ҳам деярли фарқ йўқ. Бироқ, 90 см ли қатор ораларини ишлашда навбатдаги иш органларини бирмунча чуқурроқ ишлайдиган қилиб ўрнатиб, ишлатиш талаб этилади.

Демак, фўзани кенг қаторлаб ўстиришда, чигит экиш билан бир йўли гербицидлар сепилиши, ўсимлик ёппасига шонага киргунча унинг ҳимоя зонаси 7—8 см, бундан кейинги даврларда эса 10—12 см кенгликда бўлиши керак. Культиватор иш



54-расм. Фўза қатор ораларини ККО иш органлари билан қатлам-қатлам юмшатиш схемаси

органлари қатор ораларини қуйидаги чуқурликда икки ёни 6—8 см, ўрталари 10—12 см; ғұза ёппасига шоналаб гулга киргунча: икки четдагилари 8—10 см, ундан кейинги иккинчи жуфти 12—12 см, ўртадагилари 16—18 см; ғұза гуллаб күсаклаётганда икки четидеги биринчи жуфти 6—8 см, иккинчи жуфти 12—14 ва ўртасидегиси 16—18 см чуқурликда ўтказилади.

Жұмхуриятимиздеги бир қанча илғор хұжаликлар кейинги йилларда, айниқса ғұза қатор ораларининг кенглиги 90 см ли майдонларда чуқур культивация ўтказишга катта аҳамият беріб, пахтадан юқори ҳосил олмоқдалар. Тұғри, бундай ишлашганда айрым ён илдизлар шикастланғанда ҳам ғұза парваришининг зўри билан жароҳатланған жой тезда тузалиб кетади ва ўсиммилек жадал ўсиб, ривожланишида давом этаверади. Тошкент вилоятининг бўз тупроқли майдонларида қатор ораларини бир марта, яъни кўпинча май ойининг иккинчи ярмида 20—24 см чуқурликда ишланмоқда ва бу билан бир вақтда культиватор устига қўшимча яшик ўрнатилиб, гектарига 8—12 тоннадан чириган ёкн ярим чириган гўнг ҳам солинмоқда. Бунда қатор ораларининг ишлаш кенглиги 30 см бўлгани майқул кўрилмоқда ва ҳимоя зонаси қатор ораларининг икки ёнидан 30 см дан қолдирмоқда. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг пахтакор хұжаликларида ғўзани ўсув даврида икки марта чуқур культивация ўтказилмоқда.

Бу иш оғир тупроқли ерларда яхши натижада бериши қайд қилинмоқда.

Ғұза қатор ораларини сифатли ишлаш мақсадида баъзи қўшнамча тадбиrlар культивация билан бир вақтда ўтказилиши керак. Масалан, рельефи бирмунча нотекис майдонларда ғұза сугорилгандан кейин культивация қилиш учун ер бир вақтда етнлмайди. Жұмладан, даланнинг текис қисми сугорилганидан кейин 5-куни тобига келса, дўнг қисми 2—3 кун олдин етилади, сув кўллаб қоладиган паст жойларп 6—8 кундан кейин етилади. Бундай аҳвол асосли текислаш ўтказилган ерларда ҳам биринчи-пккнчи йили кузатилиши мумкин. Чунки, бунда ернинг сурғилган устки қисми берчнамо бўлгани учун (унга кузда гўнг солинса ҳам) культивацияга кеч етилади, тупроғи сурғилмаган қисми эса эрта етилади. Мана шу камчиликларни ҳисобга олиб, илғор пахтакорлар ва тажрибали механизаторлар сувдан чиққан пайкални бир вақтда ишлаш учун культиватор грядилига, яъни асосан иш органларининг олд томоинга «зиг-заг» боронанинг махсус узайтирилган сихларини ерга ботаднган қилиб ўрнатишади. Борона сихлари культиватор грядилларига шундай ўрнатиладики, улар эгатларининг ишланадиган қисми ни тўлиқ қамраб олади. Шундай қилиб, боронанинг узайтирилган сихлари ғұза қатор ораларининг қаттиқ қисмидеги кесакларни майдалаб беради ёки ернинг ҳали тўлиқ етилмаган сернам қисми бетини қашлаб ортиқча лой кўчирмасдан культиваторнинг асосий иш органларини белгиланған чуқурликда ишлашини таъминлайди.

Культивациянинг сифатли ўтказилиши учун культиваторга иш органлари түғри ўрнатилиши, гайкаларни тўлиқ бураб мустаҳкамлаш, шунингдек вақт-вақти билан унинг ишлаш чуқурлиги ва қамров кенглигини ҳам текшириб туриш зарур.

Культивация лаш сони. Пахта даласининг ҳар доим бегона ўтлардан холи бўлиши, тупроқ юмшоқ ва нам бўлишини таъминлаш, шунингдек шўр ерларда зарарли тузларнинг ер бетига кўтарилиб чиқишига йўл қўймаслик учун ғўза қатор ораларини неча марта культивация қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Культивация айrim дала ишлари билан биргаликда ўтказилса, тракторининг пайкалда юриш сони анча камаяди. Маълумки, чопик трактори пайкалда қанча кўп юрса, тупроқ маълум даражада зичлашаверади, унинг физик хусусияти ёмонлашади, яъни органик моддаларнинг чириши тезлашиб, чиринди модда миқдори камайиб боради, намлик тез кўтарилади, ғўза илдизларида вилт касаллиги авж олиб кетади. Шунинг учун ғўза қатор ораларини керагидан ортиқча культивация қилиш тавсия этилмайди.

Ўсув даврида ғўзанинг неча марта культивация қилиш ўт босиш даражаси, тупроқнинг механик таркиби, ёғингарчилик миқдори ва суғориш сони кабиларга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Керагидан ортиқча культивация қилиниши ҳосилни ошириш эмас, аксинча камайишига олиб келади. Буни Андижон вилоят Марҳамат районидаги Свердлов номли колхозининг А. Қорабоев бошлиқ бригадаси мисолида ҳам кўриш мумкин (19-жадвал).

Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида олиб борицган кўп йиллик тажриба шуни кўрсатдиги, ғўза қатор оралари 4 марта культивация қилинганда 6 марта ишланганга нисбатан ҳосил 1,5 ц ортиқ бўлган, 5 мартада эса ҳосилдорлик ўртасида деярли фарқ бўлмаган. Демак, мазкур совхоз шароитида асосий майдонларда ўсув даврида ғўза қатор ораларини 4 марта культивация қилиш мақсадга мувофиқ эканлиги амалда тасдиқланди. Шунга кўра, ҳозирги вақтда пахта етиштириш бўйича технологик картада ғўзани мавсумда 4 марта культивация қилиш кўрсатилган. Баъзи хўжаликларда ғўза навбатдаги суғоришдан кейин қатор ораларини 2 марта культивация қилиш одат тусига кириб қолган, бунда тупроқ яхши қизийди деган нотўғри фикр ҳукм сурмоқда. Натижада ғўза қатор оралари мавсумда 8—9, ҳатто 10 марта гача культивация қилинмоқда. Бу кўпчиллик ҳолларда ҳосилнинг камайишига сабаб бўлмоқда.

Кўклатм ва ёз ҳавоси салқин йиллари тупроқни яхши қизи-

19-жадвал

Культивация созининг пахта ҳосилига таъсири (108·Ф ғўза нави

культивацији соди	пахта ҳосили га/ц
5	46,4
7	43,4
9	39,4

ши ва фўзанинг тез авжга кириб ҳосил тўплаши учун ёки фўза нормадан ортиқча сугорилиб говлаб кетиш эҳтимоли бор пайтларда ортиқча нам ҳавога тез буғланиб кетсин, деган мақсадда галдаги сугоришдан кейин қатор ораларини 2 мартадан культивация қилиш ва иккинчи культивацияда бир йўла эгат олиб кетиш мумкин. Фўзанинг ўсув даври охирида культивация қилиш ва қатор ораларини юмшатиш билан бир йўла эгат ҳам очиб кетиш яхши самара беради. Бу халқ тажрибаси, айниқса, Сирдарё вилояти хўжаликларида кўпроқ қўлланилади. Масалан, Сирдарё районидаги «Правда» колхозининг бригада бошлиги, Социалистик Мехнат Қаҳрамони Тилов Маманов бу ҳақда шундай дейди: «Мирзачўлнинг ер ости сувлари юза жойлашган ерларида август ойининг бошларида ёк фўза қатор ораларини сўнгги культивация қилиш билан бир йўла чуқур эгатлар олиб қўйиш, эгат олинмаган далаларнинг фўзасига нисбатан ҳосилнинг 5—7 кун эрта етилишига ва биринчи сортга топшириладиган пахта миқдорининг ортишига, гектаридан олинадиган ҳосилнинг 3—3,5 ц юқори бўлишига имкон бермоқда, яна шуниси муҳимки, бундай дала-ларда фўзапоялар октябрь охирида ўғишириб олиниб, кузги шудгор барвақт тугалланмоқда. Шу районидаги «Малик» совхози ва бошқа илгор хўжаликларда июль ойининг иккинчи ярминдан август ойининг биринчи 10 кунлиги давомида фўзани культивация қилиш ёки сугориш эгатлари олиш билан бир йўла чеканка мосламаси ёрдамида пешма-пеш чеканка қилинади, яъни икки дала иши бир вақтда бажарнлади. Бундай тежамкорлик агротехник тадбирларни қулай муддатларда ўтказишга ва ниҳоят маҳсулот таннархининг арzonлашишига имкон беради.

Тупроқ шароитларига кўра, фўза гуллагунга қадар сугорилмайдиган ёки бир марта сугориладиган майдонларда кўпинча экин қатор оралари 2 марта, кўклам серёғин келган йилларда, шунингдек ўт босган майдонларда 3 мартагача культивация қилишга йўл қўйилади. Бундай ҳолларда кейинги культивациялар сугориш сонига боғлиқ бўлиб, одатда 2—3 марта ўтказилади. Агарда фўза 3 марта сугорилса 2 марта, яъни биринчи ва иккинчи сувдан кейин, 5—6 марта сугорилганда кўпинча 3, баъзан 4 марта культивация қилинади. Борди-ю, фўза мавсумда 8—9 марта сугорилса ҳам культивация сони деярли ўзгармайди. Илгорлар тажрибаси ва илмий текшириш ташкилотларининг кузатишлари ўсув даврида фўза қатор ораларини 5—6 марта, ўт босган, шунингдек, фўзаси ўсишдан орқада қолган ерлардагина мустасно тариқасида 7—8 мартагача культивация қилиш мақсадга мувофиқ эканлигидан далолат беради.

Фўзани ~~бера~~ ^{бера} ични ўтишигаёт мөн мөнни кимни

кенг қаторлаб экишга ўтилиши ва фўзалар кенг қаторларда ўстирилиб эгатлар чуқур юмшатилиши, гербицидлардан фойдаланиш ва ниҳоят дехқончилик маданиятининг юксак даражага кўтарилганлиги, кейинги йилларда бегона ўтларнинг кескин даражада камайишига ва бу ўз навбатида қатор ораларини ишлашда кетмон чопифини анча камайтиришга имкон берди. Энди-

ликда ғүза қатор оралари юмшатылғандан кейин асосан ҳимоя зонасыда ва уя ораларидан қолган унча-мунча бегона ўтларни ернинг нами кетмасдан илдизи билан юлиб олишининг ўзи кифоя қилинмоқда. Шунингдек, ғүзанинг ўсиш даврида гербицидни ишлатиш ҳам ўтоқ ўтказиши кескин камайтиради. Ғүза баргини тўкиш (дефолиация қилиш) олдидан ҳам пайкалларни бир карра кўздан кечириб, бегона ўтлардан сўнгги марта тозаланади. Экин майдонларини бегона ўтлардан, айниқса, кўп йиллик ўтлардан тозалашда ўроқ мутлақо ишлатылмаслиги керак. Юлиб олинган ўтлар, айниқса, ғумай, ажриқ каби кўп йиллик ўтлар пайкалдан четга чиқариб ташланиши лозим.

Илфор хўжаликларда ғўзалар мавсумда 1—2, баъзан 2—3 марта гача ўтоқ қилинади ва бу иш август ойининг иккинчи ярмида тугалланади.


Тупроғи кеч қизийдиган оғир тупроқлп ерларда ёш ғўзаларни ишланмайдиган ҳимоя зонасини ўт босса, буларни механизмлар ёрдамида йўқотиш қийин бўлади, шунингдек, рельефи нотекис бўлганлигидан культиватор иш органлари қамрай олмай қолган қаторларнинг икки ёнидаги ҳимоя зоналари қотиб қолмаслиги учун кетмон билан 6—8 см чуқурлиқда юмшатилади ва бир йўла бегона ўтлар йўқотилади. Кетмон чопиги асосан ҳимоя зоналарни юмшатиш ва бегона ўтларни йўқотиш мақсадида мавсумда 1—2 марта ўтказилади. Чопик қилишда ғўзаларни ширкастламасликка катта эътибор бериш талаб қилинади.

КУЛЬТИВАТОР ИШ ОРГАНЛАРИНИ ЎРНАТИШ СХЕМАЛАРИ

Ғўза қатор ораларини сифатли ишлаш культиватор иш органларини тўғри танлаш ва уларни ўрнатишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг учун текис майдончада каноп ёрдамида қаторлар андазаси (шаблон) тайёрланади ва шунга қараб культиваторнинг қайси турдаги иш органларидан фойдаланиш кераклигин аниқланади ҳамда шу асосда жойлаштирилади. Ғўза қатор ораларини дастлабки ишлаш даврида бегона ўтларни йўқотиш ва ерни юза юмшатиш мақсадида ўнақай ва чапақай пичоқ ва гозпанжалардан фойдаланилади. 60 см ли қатор ораларида ишлаш учун ҳар бир асосий қатор ораларига 2 тадан — ўнақай ва чапақай пичоқ ва 1 тадан гозпанжа, иккى ёнига эса схема бўйича 1 та дан пичоқ ва гозпанжа ўрнатилади. Шундай қилиб, ғўза қатор орасини дастлабки ишлашда культиваторга 8 та пичоқ (4 та ўнақай, 4 та чапақай) ва 7 та гозпанжа (ҳар бир қатор орасига ва тракторнинг ҳаракатлантирувчи фидираги олдига 1 тадан) ўрнатилади.

Қатор ораларига кейинги ишлов беришда агар бегона ўтлар кам бўлса, пичоқлар ўрнига наральник (найзасимон юмшатгич) ёки тупроқни қатламма-қатлам юмшатадиган ККО иш. органларидан фойдаланилади.

Бунда ҳар бир қатор ўргасига 4 тадан наральник, 1 тадан гозпанжа, туташ ён қаторлардан ўтадиган секцияларга 2 тадан




55-расм. 90 см ли ғұза қатор ораларини культивация қилиш билан бир йұла қатор ёшыга үғит солиш учун юмшатиши ғоз панжаларин жойлаштириш схемасы

наральник, 1 тадан ғозпанча ўрнатилади, шуннингдек тракторнинг ҳаракатлантирувчи ғилдіраги олдига ҳам юмшатгич ўрнатылади. ККО иш органлари билан ишлашда ҳар бір асосий қаторларга 6 тадан кичик панжа ва 1 тадан ғозпанжа, туташ ён қаторларни юмшатища эса 3 тадан кичик панжа, 1 тадан ғозпанжа ўрнатылади. 60 см ли қатор ораларини культивация қилишда ҳозир КРХ—4 ва КХУ—4 культиваторлар, 90 см ли қатор орасын ишлашда КРХ—3,6 КХУ—4 культиватор — үғитлагичлардан фойдаланилмоқда (55—56-расмлар).

ӘГАТ ОЛИШ ВА ҮҒИТ СОЛИШ ТЕХНИКАСИ

Әгатларга таралған сувнинг бир мөъерда оқиб, тупроқнинг белгиланған қатламигача етиб, марзаларни яхши намлаши ва унинг узоқ сақланиши тупроқнинг механик таркибиға ва ернинг нишабиға боғлиқ.

Әгатларнинг чуқурлігі ва кенглігі тупроқнинг механик таркиби, ернінг нишаблик даражасидан ташқары ғұзаның ёшиға



56-расм. 90 см ли ғұза қатор ораларыда әгат олиш билан бир йүла қатор ёнига үғит солиши схемасы

жам бөглиқдір. Эгатлар қаторларнинг ўртасидан белгиланған чуқурликда ва кенгликда олинса, қуийлған сув ҳамма марзаларға мұлжалдаги чуқурликда сингиб боради.

Ғұза ёш (3—5 чинбарг чиқарған) даврида әгатлар саёз олинади. Масалан, ернінг нишабы күзга тащланмайдыган ва ғұза қатор орасы 60 см дан қилинған участкаларда дастлабки суғориши әгатлари 10—12 см, шоналаш ва гулға кира бошлаган даврда 12—13, кейинчалик 14—15 см, бундан кейинги даврларда эса 16—18 см, сувни ёмон ўтказадыган оғир тупроқлы ерларда яна да чуқуроқ олнади. Чигит кенг қаторлаб —90 см дан қилиб әкилған далаларда әгатларнинг чуқурлігі дастлабки суғориши да 15—17 см, бундан кейинги даврларда эса 20—25 см гача бўлиши тавсия этилади. Лекин механик таркиби енгил, яъни сувни яхши ўтказадыган майдонларда әгатлар бирмунча саёзроқ олинади. Чунки әгатлар бундан чуқур олинса, сув марзаларга сингиб чиқа олмайды, унинг кўп қисми бекорга исроф бўлади. Натижада ғұза тез чанқайдиган бўлиб қолади, умуман ғұза сув-

га қонмайды. Шунинг учун сувни яхши ўтказадиган құмли ва құм аралаш шағалли ерларда әгатлар калтароқ олиннади ҳамда кетма-кет 2 мартағача суғорилади.

Нишаби ўртача ва каттароқ бўлган ерларда кенг қаторлаб экилган гўзаларни қондириб суғориш учун қатор оралари бирмунча чуқурроқ культивация қилинади, әгатлар эса саёзроқ олиннади. Чунки әгатлар чуқур олинса, марзага сув сингиб чиқолмай, гўза сувга қонмай қолади ва ҳосилга бирмунча зарар етиши мумкин.

Демак, суғориш әгатларининг чуқурлиги сув режимида муҳим шартлардан ҳисобланади. Буни Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг пахтачилик кафедраси ходимларининг Оққўргон ва Чиноз районларидаги бирқанча хўжалнкларда (кенг қаторлаб ўстирилган гўзаларда) ўтказилган кўп йиллик текшириш натижасида олинган маълумотлардан ҳам аннқ кўриш мумкин (20- жадвал).

20-жадвал

**Нишаби ўртача ва катта бўлган пайсалларда суғориш әгатлари чуқурлиги тиғ гўза ривоҷлаши ва пахта ҳосилига таъсири
(ТашҲИ маъъумо и)**

Суғориш әгатларининг чуқурлиги, см	Гўзанинг гуллаши ва кўсасларининг тилиш вақти		Пахта ҳосили, га ц		
	гуллаши	пишниши	Оққўргон раёниндаги Войтиңцоғиомлар союз	Оққўргон раёниндаги «Ўзод» колхози	Чиноз районлаги Назони поччи колхоз
	Чиноз р-ниндаги Навоий поччи колхоз				
25 — 30	11. VII	7. IX	—	45,85	37,81
18 — 20	12. VII	7. IX	26,12	47,0	39,79
13 — 15	13. VII	9. IX	27,25	48,79	40,28

Жадвал маълумотларидан суғориш әгатлари саёз олинганда тупроқда етарли миқдорда нам бўлганлиги ва яхши сақланганлиги учун гўзалар ривожланиб, юқори ҳосил берганлиги кўришиб турибди.

Шундай қилинб, қия ерларда әгатлар 13—15 см чуқурликда олинган ҳамма хўжаликларда пахтадан юқори ҳосил олинган.

Гўзалар ёш даврида әгатлар саёз олиниши билан бирга улар бирмунча торроқ олиннади, чунки шундай қилинмаса ёш майсалалар устига тупроқ тушиб кўмилиб қолиши ва зарарланиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун әгат олгич (очар) нинг катта қаноти олиб қўйилади. Кейинчалик гўзалар ростмана ўсиб әгатлар чуқур олиннадиган пайтларда катта қанотлар янга жойига қўйилади. Гўзалар дастлабки пайтларда кўпинча әгат оралатиб суғорилади, бунда әгатлар трактор ғилдираги юрган қатордан олинганн маъқул. Шунда сув яхши сингади ва бу культивацияни сифатли бўлишини таъминлайди.

Ўсув даврида суғориши эгатлари олиш билан бир йўла, одатда ўғит ҳам солинади. Лекин ер ости сувлари юза жойлашган майдонларда, шунингдек, ғўза ҳали унчалик чанқамаган — ёш даврида эгат олмасдан ҳам «қўруқ» ўғитлаш мумкин. Бунда ўғитлар 16—18 см чуқурликка тушishi керак. Биринчи озиқлантиришда — ғўзалар 3—5 чинбарг чиқарганида, ўғитлар ўсимлик туридан 15—17 см, иккинчи озиқлантиришда, яъни ғўзалар шонага кира бошлаган даврда 20—22 см узоқликда эгат тубидан 4—5 см, гулга кира бошлаган пайтда эса қаторларнинг ўртасига эгат тубидан 4—5 см чуқурликка кўмилади.

Кўклам серёғин келиб, тупроқ кўпроқ ўтириб қолгаи вақтларда шунингдек, оғир тупроқли ерларда биринчи ва ҳатто иккиси озиқлантиришда ўғитлагичнинг сошник (этикчаси) лари тупроқда ботиб киролмай ўғит саёз тушиб қолиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун культиватор-ўғитлагич сошниклари олдига культиватор грядлинига ушинг йўлнин юмшатиб берадиган нааралыниклар ўрнатилса, ўғит белгиланган чуқурликка тушади. Ўғитлаш вақтида унинг белгиланган чуқурликка бир меъёра тушишни мунтазам равишда кузатиб туриш, бунинг учун эса ўғитлагичлар тўғри созланиши ва сошниклар нормал ишлаши керак. Шундагина ғўзалар ўғитлардан самарали фойдаланади.

Озиқлантириш учун бериладиган минерал ўғитлар ёки уларнинг органик ўғитлар билан аралашмаси, одатда эгат олиш билан бир вақтда берилади. Дастребки 2 марта ўғитлашда культиваторга 4 та сошник, 2 таси асосий қаторларга (биринчиси ўнг, иккинчиси чап қатор бўйлаб), қолган 2 таси туташ ён қаторларга ўғит соладиган қилиб ўрнатилади. Бунда культиватор — ўғитлагичга бегона ўтларни йўқотиш учун ҳам иш органлари ўрнатилса, агрегат бир йўла 3 та — эгат олиш, ўғит солиш ва бегона ўтларни йўқотиш вазифасини бажаради. Культиваторга ҳаммаси бўлиб 5 та эгат олгич: бунинг 3 таси асосий қаторлардан, қолган 2 таси эса ён туташ қаторлардан ўтадиган қилиб ўрнатилади. Агрегатнинг окучниклари ён эгатлардан 2 марта да ўтгани учун ўғит нормаси 2 марта кам тушадиган қилиб созланади, шунда асосий қаторларга тушаётган ўғит нормаси билан тенглашади.

Ғўзанинг ўсув даврида бериладиган ўғит нормаси мўлжалланган жойга тўлиқ етиши керак, чунки у ортиб ёки етмай қолса ўғитлагичнинг нотўғри созланганлигидан далолат беради ва бу ғўзанинг ўсиш ҳамда ривожланишини издан чиқишига сабаб бўлади.

Ўғитлагич апаратларини аниқ нормада ўғит тушадиган қилиб созлаш учун созлаш банкасининг пастки чети билан тарелканинг ўғит ўтадиган тирқиши катта ёки кичик қилинади. Сургич тарелка айланаси бўйлаб сурилгандагина ўғит ҳар бир тукоправоддан бир хил нормада равон тушади. Ўғитлагич ғўзани озиқлантириш олдидан белгиланган норма асосида ўғит тушадиган қилиб созланади. Бунинг учун тракторга осилган культиватор-ўғитлагич иш ҳолатига келтирилиб, унинг ҳаракатлан-

тирувчи ўнг ёки чап четки ғилдираги осон айланадиган қилиб тағлика күтариб қўйилади. Ҳамма ўғитлагич аппаратларнинг ўғит ўтиказадиган тирқиши бир хил кенгликда қилинади ва ўғитлагич банкасига майдаланган (йириклиги кўпі билан 5 мм) ўғит солинади. Аппаратга ўрнатилган тукопровод (варанка) олиб қўйилиб ўрнига бир хил катталиктаги халтачалар осиб қўйилади.

Тайёргарлик ишлари тугаллангандан кейин тракторнинг етакчи ғилдираги двигатель ёрдамида ҳаракатга келтирилиб 10 марта айлантирилади ва белгиланган нормада ўғит тушадиган қилиб созланади. Олинган маълумот аниқ бўлиши учун бу иш 3 марта тақорланади.

Одатда, ўғитлагич аппаратидан ўғит тушиш нормаси қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$Q = \frac{(q_1 + q_2 b + q_3 + q_4) \times 10}{\pi D_n B}$$

бунда: Q — ўғитлагичдан ўғит тушиш нормаси, га/кг; $—q_1, q_2, q_3, q_4$ — ҳар бир аппаратдан тушган ўғит оғирлиги,; D — трактор етакчи ғилдирагининг диаметри, м; n — етакчи ғилдиракнинг айланиш сони. B — агрегатнинг ишлаш кенглиги, м; π — 3,14 (ўзгарамас сон).

Аппаратнинг ўғитлаш нормаси 10% дан ортиқ фарқ қилмаса, ўғитлагич тўғри созланган бўлади, агарда фарқи бундан кўпайиб ёки камайиб кетса, ўғитлаш аппаратларини қайтадан созлаш керак. Ўғитлагич аниқ нормада ўғит тушадиган қилиб созлангандан сўнг улар хомутлар билан маҳкамланади, тукопровод (варанка) аппаратга уланади ва ўғит бункерларга солниб, далада ишлашга шай қилиб қўйилади.

Дала шароитида ўғит бериш нормасини созлашда баъзан ўғитлагич тирқишлигини тахминан баб-баравар баландлликда очиб қўйиб, маълум килограмм ўғитни ҳамма бункерларга баравар солиб, тракторни картанинг бошида охиригача 2—3 марта юргизиб, қанча ўғит сарфланиши аниқланади. Сўнг эгат узунилиги ва ўғитлагичнинг иш энлами бир-бирига кўпайтирилса, неча квадрат метр майдон ўғитланганлиги келиб чиқади. Гектарига неча килограммдан ўғит кетишини билish учун бир гектар майдонни (квадрат метр ҳисобида) ўғит берилган майдон (квадрат метр) га бўлипадп. Чиқкан рақам сарфланган ўғит миқдорига кўпайтирилса, бир гектарга неча килограмм ўғит кетганлиги маълум бўлади. Агарда ўғит ортиқча кетган бўлса, аппаратларнинг тирқиши бироз кичрайтирилади, борди-ю ўғит кам тушаётган бўлса унда тирқиши бироз кенгайтирилади ва ўғитлагични қайта ишлатиб кўриб, ўғитлаш нормаси ҳисоблаб чиқлади. Бунда норма тўғри бўлса, хомутлар аппаратларга маҳкамланиб ишга киришнлади.

Ўғитлагични шу тартибда созлаш жуда ҳам аниқ бўлмайди, чунки бунда ўғит баъзан кўпроқ, баъзан камроқ тушиши

мумкин. Шунинг учун культиватор-ўғитлагични белгиланган нормада ўғит тушадиган қилиб созлашда юқоридаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади.

ҒЎЗАНИ СУГОРИШ

Ўзбекистонда сугориладиган майдон 4,0 миллион гектарга етди. Шундан 1,969 миллион гектарида пахта етиширилади. Унинг 50% шўрланган. Ўзбекистонда пахтачилик фақат сунъий сугоришга асосланган. Пахта етишириш пахта экувчи районларнинг сув ресурслари билан таъминланганлиги ва ерларнинг мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Ҳар йили жумҳурият сугориш учун 56—60 млрд³ метр сув олади, унинг қарийб 35—40% ташлама ва фильтрланиш йўли билан йўқолади.

Пахта етиширувчи хўжаликларда сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш учун инженерлик системалари қурилмоқда, сувни тақсимлаш механизациялаштирилмоқда, эгатларга сув қўйиш учун эса сугориш ва ёмғир ёғдириш машиналаридан, ер остида ва тупроқ орасидан сугориш усулидан фойдаланила япти.

Ғўзани сугориш усулини ва техникасини такомиллаштиришга қаратилган агротехника тадбирлари комплексини жорий этиш, шунингдек КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Янги хўжалик механизми шароитида нарх белгилаш системасини қайта қуришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 1987 йил 17 июнда қабул қиласкан қарорига биноан сув учун ҳақ тўлашнинг жорий этилиши сув ресурслари ҳамда ўсимликларининг потенциал имкониятларидан самарали фойдаланиш ва майдон бирлигидан мўл пахта ҳосили олиш имконини беради. Сувга ҳақ тўлаш пахтанинг харид нархига устама сифатида ҳисобга олинади ва ҳамма жойдаги пахта етиширувчи хўжаликларда 1991 йилдан бошлаб жорий этилади. Сув ресурсларига ҳақ тўлаш жорий этилиши билан ундан фойдаланиш коэффициентини ошириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш назарда тутилади. Бу муаммо барча хизмат кўрсатувчи тармоқлар билан биргаликда сув хўжалигига нарх муносабатларини жорий этиш, сув ресурсларидан фойдалангандик ва сугориш системаларини ишлатгандик учун ҳақ тўлашни белгилаш асосида ҳал қилиниши мумкин.

Ғўзанинг сувга муносабати. Ғўза З м гача чуқурликка кириб борадиган кучли илдиз системасига эга. Шунинг учун уқурғоқчиликка нисбатан чидамли. Ғўзанинг сувга бўлган талабини намгарчилик бўладиган районларда атмосфера ёғингарчилиги билан, намгарчилик ўртacha бўладиган районларда атмосфера ёғингарчилиги ва сугориш билан, Ўзбекистонга ўхшаган қурғоқчилик бўладиган районларда фақат сунъий сугориш билан тўла қондириш мумкин. Намнинг ҳаддан ташқари етиш маслиги чигитнинг униб чиқишига салбий таъсир қиласди. Ғўза нормал ўсиб ривожланиши учун унинг ўсув даврида ҳамма жой-

да бир хил бўладиган 500—600 мм атмосфера ёғингарчилиги минимум ҳисобланади.

Атмосфера ёғингарчилиги ҳамма жойда бир хил ёки унинг миқдори 500 мм дан кам бўлган районларда ғўзани қўшимча сугориш зарур.

Тупроқдаги намга жуда сезгир бўлган ғўзани ўстиришда сув ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Агар бу омил сугориш ёрдамида тегишли равишда тартибга солинса, шубҳасиз, юқорироқ ҳосил олиш мумкин.

Қурғоқчилик бўладиган районларда ғўза ўстириш умуман сугоришга боғлиқ, ўсимлик мақбул равишда сугорилса толанинг сифати яхшиланади.

Ғўзани сугориш ўсимлик ўзининг потенциал имкониятидан самаралироқ фойдаланиши ва ишлаб чиқаришнинг бошқа омилларини энг кўп даржада рентабелли қилиш имконини беради. Сугоришдан мақсад тупроқда нам етишмаган даврда ўсимликнинг сувга бўлган талабини қондиришдан иборат. Ғўзани сугориш пахта етиширадиган зонанинг тупроқ-иқлим шаронтига, сизот сувлар қандай чуқурлиқда жойлашганлигига ва у қай даржада шўрланганилигига боғлиқ.

Етиширилладиган пахтанинг ҳажми ва миқдори Урта Осиёнинг иқлим шароити ва хусусан экинларни сугоришда фойдаланиладиган сувнинг жамғармасига боғлиқ, чунки ана шу территорияда жуда кам миқдорда (бир йилда 150—300 мм) ёғингарчилик бўлади ҳамда иссиқлик, ёруғликнинг жуда катта запасидан ҳаммавақт ҳам интенсив фойдаланилмайди.

Тупроқнинг юзасидан намнинг буғланиши ҳам термик режимга қараб иқлим зоналари бўйича бир хил эмас. Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятларининг шимолий районларида буғланиш бир йилда қарийб 900 мм ни ташкил этади, Фарғона водийсининг марказий иқлим зонасида 1400—1500, Сурхон-Шеробод водийсининг жанубий районларида эса 1800—2000 мм гача этади. Айрим районларда эса ёғадиган ёғин миқдорига нисбатан 14 баравар кўп нам буғланади.

Эз даврида Ўзбекистоннинг бутун территориясида ва айниқса жанубий районларда амалда ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кўтарилигинида тупроқдаги нам жамғармаси кескин камаяди. Шунинг учун сунъий сугоришни амалга ошириш зарурати туғилади. Ҳаво намлигининг бу даражада камайиши ғўзанинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қиласида ва маҳсулдорлигининг камайишига олиб келади. Намнинг кам бўлиши билан бирга, шамолнинг узоқ муддат давом этиши баргларнинг қуриб қолиши ва ҳатто ёш ўсимликнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Микроиқлимнинг мақбул шароити ўсимликнинг яхши ўсиши ва ҳоспл беришини таъминлайди.

Жумҳурият территориясининг бешдан тўрт қисми текисликдан иборат. Уни қўйидаги зомаларга бўлиш мумкин. Биринчи зонага асосан пахта, беда, маккаждӯхори, сабзавот ва полиз

екинлари етиштириладиган, боғ ҳамда токзарлардан иборат сугориладиган ерлар киради (18%). Иккинчи зона саҳро-яйловлардан иборат бўлиб, барча территориянинг 62% ни эгаллайди ва у асосан Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ҳамда Қорақалпостон АССРда жойлашган. Учинчи зона тоғолди зонаси бўлиб, барча территориянинг 20% ни эгаллайди ва унда шартли сугориладиган дәхқончилик қилинади ҳамда ем-хаشاқ, полиз экинлари, мева етиштирилади.

Юқорида қайд этилган зоналар таркибида автоморф тупроқли, яъни бўз, тақир ва бўз-қўнғир тупроқли ерлар 67,3% ни, ўтлоқ, бўз-ўтлоқ ва ботқоқ тупроқли ерлар 32,7% ни ташкил қиласиди.

Сугориш манбалари ва сувнинг сифати. Ўзбекистонда ғўза экувчи районларнинг сув билан таъминланганлик даражаси энг қимматли бойлик ҳисобланган сув ресурсларини тежаб-тергаб сарфлашга ҳамда уни қўпайтиришга муттасил эътибор билан муносабатда бўлишини талаб қиласиди. Бошқа табиий ресурслардан фарқли равишда сув ресурслари йил сайин янгидан барпо этилади, лекин бу табиатда унинг чегараси йўқ деган маънони билдирамайди.

Ўрта Осиёдаги пахта етиштирувчи жумҳуриятлар ва жанубий Қозоғистонга мамлакатдаги ерусти сувлари жамғармасининг атиги 2% га яқини тўғри келади. Ана шу территориядаги ёғин (120—260 мм) ёғади. Шунинг учун бу қурғоқчилик зонасида сув жамғармасини ҳисобга олмасдан пахта ва бошқа алмашлаб экиладиган экинларни етиштириш амалда мумкин эмас ҳамда иқтисодий жиҳатдан фойдасиз.

Ўрта Осиёнинг тоғли районларида шаклланадиган дарёларнинг суви Ўзбекистонда сугориш учун ишлатиладиган сувнинг асосий манбаи ҳисобланади. Атмосфера ёғинининг асосий масаси тоғли вилоятларга тушади, эриганда Ўзбекистоннинг текис қисмидаги пахтачилик зонасига оқиб келувчи барча дарёларни сув билан таъминлайди.

Еrosti сувлари ва зовурларнинг суви ҳам ғўзани сугоришида фойдаланиладиган сувнинг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Ўрта Осиё жумҳуриятларида ана шундай сув жамғармасининг миқдори секундига 3500 м^3 га, шу жумладан Ўзбекистонда 1000 м^3 га етади. Ташлама ва зовур сувларидан ғўза ҳамда алмашлаб экиладиган бошқа экинларни сугоришида фойдаланиш ҳисобига сугориладиган майдонни 400—500 минг гектар кенгайтириш мумкин.

Мирзачўл ва Фарғона водийси хўжаликларида ер ости ва зовурларнинг сувидан ғўзани сугориш бўйича орттирилган тажриба, агар унинг 1 л таркибидаги тузнинг миқдори 3 г дан ортиқ бўлмаса, ана шу хилдаги сув билан ғўзани сугорганда гектаридан 32—36 ц атрофида ҳосил олиш мумкинлигини кўрсатади. Агар зовур сувининг 1 л таркибидаги тузнинг миқдори 4—6 г дан ортиқ бўлса, ғўзани сугоришида ундан фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки эрувчан туз ғўзани эзib қўяди, ҳосил-

дорлик камаяди ва тупроқда ортиқча туз түпланади. Бу кейин-чалик шүрни асосли равишда ювишни талаб қиласы.

Тупроқдаги нам өзіннен үндән фойдаланышы. Тупроқдаги нам турли ҳолатта бўлиши мумкин. Биохимия жараёнлари ва тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун суюқ ҳолдаги сув энг муҳим аҳамиятга эга.

Фовак тана каби тупроқ таркибида жуда кўп сув бўлади, лекин унинг ҳамма шаклларидан ҳам ғўза фойдаланмайди. Масалан, химиявий жиҳатдан боғланган, кристалл ва гигроскопик (мустаҳкам боғланган) сувдан ғўза фойдаланмайди. Бунинг сабаби тупроқнинг заррачалари сувни ўсимлик илдиз системасининг сўриш кучидан ортиқ бўлган жуда катта куч билан ушлаб қолишидан иборат. Тупроқ майин бўлганида ҳам ғўза сувдан кам фойдаланади, гарчи бу хилдаги тупроқ сувни маҳкам ушлаб қолмаса ҳам бу шаклдаги сув илдизнинг сўрувчи тўқималарига қийинлик билан ўтиб боради.

Тупроқда сувнинг юқорида кўрсатилган шакллари мавжуд бўлганида ғўза сув танқислигини сезади ва у сўлий бошлайди. Барқарор сўлиш аломати сув жамғармасининг ўсимлик нобуд бўлаётган даражасида намоён бўлади, яъни у ҳатто етарли равишдаги намлик муҳитига кўчирилганида ҳам яаш жараёни қайта тикланмайди. Худди мана шунинг ўзи сўлиш коэффициенти деб айтилади (СК). Ғўзанинг сўлиши турлича намоён бўлади.

Ғўза қум тупроқли ердаги тупроқнинг гигроскопиклиги 2—3%, қумлоқ тупроқли ерда 4—6%, сариқсимон қумоқ тупроқли ерда 7—9% ва лой тупроқли ерда 12—15% бўлганида сўлийди. Агар тупроқнинг намлик даражаси сўлиш коэффициентидан юқори бўлса, ўсимлик нобуд бўлмайди, лекин ўсиши секинлашади. Тупроқдаги нам минимум даражада бўлганида ҳам, дала нам сифимининг 60—65% га teng бўлганида ҳам ғўза сўлиш мумкин, чунки тупроқдаги сув жамғармасининг бундай миқдори билан намланиши ғўзанинг қил томиришининг узилишига яқинлаштиради.

Келтирилган маълумотлар шўрланмаган ерларда тупроқда туз эритмасининг тўпланиши 1 атм.га яқинлашганида, шўрланган ерларда эса у кўтарилиб, 2 атм.га етганида, ғўзани навбатдаги суғоришни амалга ошириш кераклигини кўрсатади.

Ғўза ўсуvinинг ҳамма даврларида ҳам сувни бир хил миқдорда истеъмол қиласайди, унинг ривожланишининг ҳар бир фазаси учун тупроқ, сув ва ўсимлик ўртасидаги ўзаро алоқани ҳисобга олиб маълум сув ҳамда озиқ режимини белгилаш керак. Ана шу ўзаро алоқанинг бузилиши ўсимликнинг ўсиши, ривожланишни сусайтириб кейинга сурилишига ва навбатдаги фаза даврига ўтишни кечкитиради. Айниқса гуллаш ва ҳосилга кириш фазасида сув режимининг бузилиши ўсимликка кучли таъсир қиласы, чунки бу даврда ҳосилга замин яратилади.

Тупроқнинг намлик динамикаси навбатдаги суғоришни ўтказишга ва қўлланилган агротехникага боғлиқ. Сувнинг мак-

сімал жамғармасы унпінг дала нам сіфими, яғни тупроқнинг намны бир меңдердаги ҳолатда сақлаш қобиلىгіті билан аниқланади. Ҳар галғы суғориша сарфланадиган сувенинг миқдори ҳам тупроқнинг дала нам сіфими ўзғаришиңга боғлиқ. Құм тупроқ учун у гектарға таҳминан 600—700 м³ га тенг бўлиб, тупроқ оғирлашса кўпайиб, 1000—1200 м³ гача етади.

Пахта даласининг микроқлими. Суғориши ғўза пайкалининг микронқлышини белгиловчи асосий омил, чунки нам ва иссиқлик алмашиш жараёнлари ҳамда ер юзидағи ва тупроқнинг юқори қатламида ҳавода ію берадиган ўзғаришлар суғоришиңга боғлиқ. Суғориладиган даланинг микроқлимидағи тафовут тупроқ ва ҳавонинг бир хилда намланмаслығы ҳамда қизиши натижасыда юзага келади.

Ғўза пайкалининг микронқлими деганда тупроқ ва ҳавонинг намлиги элементларидаги тафовут, тупроқ ҳамда ер юзидағи ҳаво қатламинынг ҳарорати, шамолнинг кучи ва йўналиши тушиналади. Ҳавонинг тупроқ устидағи энг қуий қатламида микроқлимининг юқорида санаб ўтилган элементлари жуда ёрқин намоён бўлади ва даланинг рельефи ҳамда ўсимлик қопламаси билан белгиланади.

Ўсув даврида ўсимликнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун қулаї шароит суғориладиган дәхқончилиқда, бемалол бошқарыш мүмкін бўлган микроқлим элементларидан ташкил топади. Сунъий суғориши ернинг юзасидаги ҳаво қатламида ва экин кўкариб турган дала тупроғининг юқориги қатламида псиқлик алмашиниви жараёнини белгиловчи асосий омилдири. Намланган тупроқнинг ҳарорати паст бўлади ва у ўсув даврида қуруқ тупроқдагига нисбатан кам ўзгариб туради. Бизнинг маълумотларимиз бўйича намланган пахта даласи тупроғининг ҳарорати 24,3 даражага, қуруқ тупроқдаги ҳарорат эса 32,4 даражага эди. Суғориладиган далада суғориши олдидан тупроқдаги ҳарорат кўтарнилиб, 29,3 даражага етган эди, суғоргандан кейин пасайиб 25,3 даражага тушди.

Л. Н. Бабушкиннинг маълумотлари бўйича кўпчилик суғориладиган экинларнинг мақбул ўсиши учун бир кечакундуздаги ўртача ҳарорат 26—30 даражага ўртасида бўлиши керак. Ҳарорат ошиб 39—40 даражага етганида фотосинтезга заарарли таъсир кўрсатади, айниқса бу ғўзанинг шоналаши ва гуллашига салбий таъсир қиласи, яғни ҳосил органларининг тўкилиб кетиш проценти кўпаяди.

Ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар суғоришининг таъсири остида тупроқнинг ҳарорати пасайиб, 8—10 даражага тушиши кўрсатди. А. Тоштемировнинг маълумотлари бўйича Самарқанд вилоятининг пахта далаларида тупроқнинг намлиги унинг дала нам сіфимининг 65% га тенг бўлганида тупроқнинг ҳарорати 35% га яқин, ҳавонинг намлиги эса 62% бўлади. Тупроқнинг намлиги унинг дала нам сіфимининг 75% га тенг бўлганида, ҳавонинг намлиги 82% бўлади. Ер юзидағи ҳаво қатламинынг ҳарорати ўзғариши ғўзанинг айрим органларидаги

ҳароратга ҳам таъсир қиласи. Чанқаган ва сўлиш аломатлари пайдо бўлган вақтда ғўза баргининг ҳарорати ҳавонинг ҳароратидан 5 даражада ортиқ бўлади. Тупроқнинг соя бўлишини белгиловчи ўсимлик тупларининг қалинилиги ер юзидағи ҳаво қатламининг ҳарорати ва намлиги кўрсаткичига таъсир қиласи. А. Н. Нешина ва Н. А. Тодаровнинг маълумотлари бўйича ҳавонинг ортиқча нам бўлиши ўсимликнинг касалланишига ва кўсақлар очилишининг кечикишига сабаб бўлади.

Ғўза экилган жойда ер юзидағи ҳаво қатлами намлигининг мақбул миқдори 50—60%, Ю. С. Носировнинг маълумотлари бўйича ёруғлик 50—70 минг лк. бўлиши керак деб ҳисобланади. Ёруғликнинг кўпайиб, 82 минг лк. га этиши фотосинтезни ва ўсимликнинг маҳсулдорлигини камайтирган.

Сугориладиган далаларда микроқлим шароитини тупроқдаги намни унинг дала нам сифимининг 70—75% ўртасидаги мақбул даражада сақлаш, ўсимлик туплари қалинилиги ёритишини эса қатор ораларининг кенглиги ва экиннинг ёруғлик қисмларига йўналганлиги билан тартибга келтириш мумкин (21-жадвал).

21-жадвал

Пахта даласи микроқлимичига кўчат қалинилиги ва экиш усулига боғлиқлиги (М. П. Меднис маълумотлари)

Ўсимликнинг жоғолаштириш схемаси	10—12 VII даги ҳарорат		Ўсимликнинг ёритиши, 10—12 VII
	тупроқ	барғ	
70 × 70 × 2	26,9	32,8	1537
60 × 60 × 3	24,8	32,0	1150
45 × 45 × 2	20,6	31,1	1099

Пахта даласининг ёритиши устидан олиб борилган кузатишлар ёз ойларида қуёшнинг тик тушган нурлари билан ёритиш очиқ жойда 9,5—10 минг лк.га этишини ўсимликлар орасида эса у 8—10 баравар кам бўлишини кўрсатди. Қуёш радиацияси оқими кундузи соат 12 дан 15 гача энг кўп келади, келадиган қуёш радиацияси оқими ғўзанинг баргли юзаси билан ўзаро алоқада бўлади ва ер юзасидаги ҳаво қатлами остидаги тупроқнинг ҳароратига таъсир қиласи.

Сугориладиган ва сугорилмайдиган далаларда июль ва август ойларида тупроқнинг ҳароратини кузатиш ва сугорилмайдиган дала очиқ майдонининг 0—5 сантиметр қатламида кундуз соат 15 да у 37 даражага этишини, 1—3—0 схемаси бўйича 4 марта сугориб тупроқ намланганида пасайиб, 30 даражага, 5 марта сугоргандага 28 даражага ва 6 марта сугоргандага 25 даражага келганлигини кўрсатди.

Юқорида келтирилган маълумотлар ғўза пайкалидаги микроқлим ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишига жуда катта

таъсир қилишиниң, сүфоришининг илмий жиҳатдан асосланган режимини белгилаш йўли билан эса уни мақбул доирада тартибга солиш мумкинлигини кўрсатади.

Ғўза баргининг сув билан таъминлашга боғлиқлиги. Тадқиқотлар ғўза сув билан етарли даражада таъминланмаса, унда кўп сонли кичрайган тўқимали оғизчалар бўлган учун ингичка майдада барглар пайдо бўлишини кўрсатди. Буни тасдиқлаш учун Г. А. Клюев ғўза баргининг ҳажми сув билан таъминланishiغا қараб ўзгариши юзасидан тадқиқотлар ўтказди.

Тажриба учун ғўзанинг учта асосий саноат нави тезпишар 1306, ўрталишар 2034 ва кечнишар С—460 навлари олинди. Юқорида кўрсатилган навлар уч хил сүфориш режимида етиштирилди. Ўсув даврида биринчи режимда 2—4—2 схемаси бўйича 8 марта, иккинчи режимда 0—1—0 схемаси бўйича бир марта сүфорилди, учинчи режимда 0—0—0 схемаси қўлланиб, ғўза сүфорилмади.

Сув билан таъминланиш шароити ўзгарганида ғўзанинг ҳамма синалган навларнда барг пластинкаларининг ҳажми аниқ ўзгарди. Сүфориш сони камайганида, демак сув билан таъминланиш ҳам ёмонлашганида ғўза барги пластинкаларининг ҳажми сезиларли даражада кичрайди, кўп ҳолларда бу баргининг узунлиги ва кенглиги қисқарниши ҳисобига юз берди. Сүфорилмаган шароитда ўтирилган ғўза баргининг пластинкалари жуда кичкина бўлади.

Масалан, 1306 навли ғўза ўсув даврида 8 марта сүфорилганда, барг пластинкасининг эни 62, узунлиги эса 78 мм, сүфорилмаган ғўза барги пластинкасининг узунлиги 53 ва эни 40 мм бўлди. Яна шу нарса ҳам аниқландик, қурғоқ шароитда (0—1—0 схемаси бўйича норма) тезпишар ғўза навлари баргининг пластинкалари шу турдаги ўрталишар нав ғўза баргининг пластинкаларига нисбатан анча кам қисқарди.

Тупроқда нам етпшмаганида барг пластинкасининг майдони ва думчаларининг ҳажми ўзгаради, тукчалар сони кўпаяди. Бу ғўза намни буғлантириши коэффициентини ўзgartириш ҳисобига унинг ортиқча йўқотилишидан ўсимликни сақлаш аломати ҳисобланади.

Барг пластинкаларida тукчаларнинг кўпайиши оқибатида қизишнинг камайиши ва бугланиш натижасида нам йўқолнишнинг камайишига олиб келди. Сув билан етарли таъминланманда ғўза баргининг пластинкалари қалинлашди.

Яна шу нарса ҳам аниқландик, баргининг пластинкалари қалинлашганида қурғоқчилик шароитида ўсимлик сувни буғлантиришдан нобуд бўлишини камайтириш ҳисобига унда сувнинг сақланишига, фотосинтезнинг ёмонлашувига ва оқибат натижада ҳосилдорликнинг камайишига олиб келади.

Илдиз системасининг тупроқдаги намга боғлиқлиги. Сүфориш режими ва тупроқнинг шўрланганлик даражаси илдиз системасининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Юқорида кўрсатилганларнинг ҳаммаси илдиз системаси ривожланишининг

характерига, ғұза тупининг ер устидаги қисмiga ва ҳосилдор-ликка таъсир қилади.

Суфориладиган ғұзанинг илдиз системаси ўқ илдиз типида бўлади, илдиз асосий ўқининг диаметри илдиз бўғинидан бошлаб 10—15 мм га, айрим ҳолларда ҳатто 40 мм га етади. Ўқ илдизининг диаметри ўсимликни ўсиш шароити ва сув билан таъминланганлиги, шунингдек ғұзанинг тури ва навига боғлиқ.

Совет ғұза навлари (*G. hirsutum* L.) ўқилдизининг диаметри камроқ, ингичка толали навлар (*G. barbadense* L.) ўқилдизининг диаметри бирмунча каттароқ.

Барча ён илдизлардаги пастки ингичка томирчалар тупроқдаги намни ва озиқ моддаларини сўриш вазифасини бажаради, шунинг учун улар фаол ёки сўрвчи томирчалар деб аталади. В. И. Цивинскийнинг мълумотлари бўйича фаол томирчаларнинг диаметри 0,640 билан 1,082 мм ўртасида бўлади ва уларнинг диаметрига тупроқдаги нам, ғұзанинг навлари ҳамда турлари катта таъсир кўрсатади. Илдиз туклари жуда кичкина бўлиб, узунлиги 4,014 микрондан ошмайди. Умуман эса асосий ўқилдиз тупроқдаги эритмадан ер устидаги қисмiga сув ва озиқ элементларини ўтказиш вазифасини бажаради. Шунингдек, ғұзанинг бутун ер устидаги қисмини тик ҳолда ушлаб туради.

Ғұзанинг асосий ўқилдизи тупроқда 1,5—2 м гача, айрим ҳолларда эса 3 м гача чуқурликка кириб бора олади. Ғұза илдизининг асосий йифиндиши эса тупроқнинг юқоридаги 40—50 см ли қатламида, яъни энг унумдор қатламларда тўпланган бўлади.

Суфориши камайтириш билан тупроқда намлик даражасини пасайтириш ўсимлик ўқ ва ён илдизларини намроқ горизонтларга кириб боришга унрайди.

Суфориладиган шароитда етишириладиган ғұза учун вегетация даврида яхши юмшатилган нам тупроқ бўлиши зарур.

Тупроқнинг шўрланганлиги, сизот сувларнинг минераллашганлиги ғұза илдиз системасининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.


Шу парса аниқланганкни, тупроқда туз ортиқча бўлганида илдизлар эзилиб қолади ва ҳажми камаяди. В. С. Шардаковни Фаргона водийсидаги минераллашган сувлар юза жойлашган ва шўрланган ерларда олиб борган кузатишлари ғұзанинг илдиз системаси тупроқнинг юқориги қатламларида — 50 см чуқурликда спиқилиб қолганилигипп, асосий ва ён илдизлар чуқурга кетмасдан ён томонга бурилганлигини ҳамда горизонтал йўналиш бўйича кетганлигини кўрсатди.

Юқорида қайд қилинганларнинг ҳаммаси ғұзанинг илдиз системаси жуда физиологик ўзгарувчан эканлигидан далолат беради (22-жадвал).

Шундай қилиб, сув ғұзанинг ҳаётида биринчи даражали аҳамиятга эга. Сув ўсимликнинг барча таркибий қисмларига киради ва ўсимликлар буғлантириб чиқариши ҳамда тупроқ-

Ғұза илдиз системасининг тупроқ горизонтларида тақсимганиши, %
(М. И. Тарановская маълумотлари)

Тупроқ горизонти, см	Илдизлар		Бутун илдиз сис- темаси
	Йүғонлари	Ишгичкалари	
0 — 20	65,5	22,1	42,4
20 — 30	9,6	6,7	8,0
30 — 50	10,2	14,1	12,2
50 — 100	10,9	34,7	23,6
100 — 200	38	22,5	13,8
0 — 200	100	100	100



57-расм. Ғұзанинг ер устки ўсуы органдарига ва илдиз системасына тупроқ намлиги: 1) тупроқ намлиги 70—70—60% (дала нам сиғымынга иисбатан); 2) тупроқ намлиги 65—65—60% (дала нам сиғымынга иисбатан);

нинг юзасидан буғланишга (физик буғланиш) сарф бўлади.

Ғўза поясининг ер устидаги қисми ва илдиз системасининг ўсиши тупроқнинг намига боғлиқ.

Агар тупроқда намлик етарли бўлса, ғўзанинг илдизи ва ер бетидаги ўсув қисми бир-бирига мос ҳолда ривожланади. Тупроқдаги нам етарли бўлмаса, ўсимликкининг илдизи нам излаб, тупроқнинг ҳосилсиз чуқур қатламларига тушиб, натижада ғўзанинг ўсиб ривожланиши сусайиб кетади.

Жиззах чўли мисолида келтирилган маълумотлар (23-жадвал) ғўза гуллаш-ҳосилга кириш даврида сувни энг кўп миқдорда ичишини ва бу сугориш сони кўпайиши билан ошишини кўрсатди. Жиззах чўлининг яшгидан сугорилган зонаснда ўсув даврида 1—5—1 схемаси бўйича 7 марта сугорганди, бир гектар ердаги ғўзанинг сув ичиши максимал даражага — бир кеча-кундузда $82,2 \text{ м}^3$ га етди.

23-жадвал

Ўсимлик ривожлачишиниң фазаларида пакта датасига бир кечакундузда ўртача сарфланадиган сув (гектарига м^3 ҳисобида)

Сугориш схемаси	Шоғолаш	Гуллаш	Гуллаш-ҳосилга кириш	Пиниб стилда
1—3—1 (контрол)	30,6	43,2	65,1	18,6
1—4—1	37,5	54,0	68,3	37,9
1—5—1	43,8	73,8	82,2	39,1
1--6--1	43,0	74,6	79,6	35,0

Ғўзада гуллаш ва ҳосилга кириш фазаларида бир кечакундузда энг кўп қуруқ модда ҳосил бўлади. Масалан, гуллачунча бир кечакундузда ўрта ҳисобда $0,3$ — $0,6$ г қуруқ модда ҳосил бўлган бўлса, гуллаш фазасида у $2,2$ — $2,9$ г га етди. Қуруқ модда миқдорининг ошиши ўсимлик буғлантиришга максимал даражада сув сарфлашини талаб қиласди. Буни ўсимлик ривожланишининг фазаларида сугориш режимини белгилаганда ҳисобга олиш керак. Ғўза ўсув даврида тупроқдан оладиган сувни буғлантиришга сарфлайди. Буғланиш деб ўсимлик қуруқ модда ҳосил қилиши учун сарфланган сув миқдори тушунилади. Айрим ҳолларда бу миқдор сув эквиваленти ёки қуруқ модданинг қиймати ҳам дейнлади.

Ғўза сувни буғлантириши коэффициентининг миқдорига ҳаво ва тупроқнинг ҳарорати, шамолининг кучи ва йўналиши, ёғини-гарчилик, ҳавонинг намлик даражаси, ўсимликларнинг озиқ элементлари билан таъминланиши, шунингдек ғўзани ўсиш фазаси ва навиишининг тури катта таъсир кўрсатади. Ўсув даври узоқ бўлган кечпишар навлар барги кўп бўлгани учун ўрта пишар ва тезпишар навларга қараганда сувни кўпроқ буғлан-

тиради. Гүзанинг сувни сарфлаш кўрсаткичи 1 т қуруқ модда ҳисобига 600—700 м³ этади.

Шуни айтиш керакки, буғланиш коэффициенти жуда ўзагурувчай бўлади. Шунинг учун гўзанинг сув истеъмолини аниқлаганда сувни истеъмол коэффициенти қабул қилинади. Бу коэффициентини ва иланлаштирилган ҳосилли билгаи ҳолда, пахта етиштиришда сарфланган атмосфера ёғинининг, қўшимча сизот сувларининг ва сугоришда сарфланган сувнинг йигинидиси миқдори тушуниладнган умумий сув ичишини ҳисоблаб чиқиш мумкин. Агар сувнинг умумий миқдорини, яъни сарфланган сувни олинган ҳосилга бўлиса, унда сув ичиш коэффициентини ёки 1 ц маҳсулотга қанча сув сарфланганлигини ҳисоблаб чиқиш мумкин. 1 ц га ўрта ҳисобда 150 м³ ташкил этади.

Гўзанинг буғланиш коэффициенти миқдорини билган В. М. Легостаев ва Б. С. Конъковларнинг формуласи бўйича тупроқнинг юзаси ва ўсимлик буғлантириши сабабли сарфланган сувни ҳисоблаб чиқиш мумкин.

$$M = p \cdot r K_{tr} + K_{n.b.},$$

бунда: M — умумий сув сарфи, гектарига м³; p — ҳосил миқдори, гектаридан тоинна; r — гўза учун 2,17 дан 2,75 гача тенг бўлган ўтказиш коэффициенти; K_{tr} — буғлантириш коэффициенти, тоннасига м³; $K_{n.b.}$ — тупроқнинг юзасидан буғланиш, гектарига м³.

Унумдорлиги юқори бўлган тупроқ учун гўзанинг сув ичишини аниқлаганда одатда, 0,90—0,92 га тенг бўлган тузатиш киритувчи коэффициент қўлланади. Шунингдек, сизот сувларининг жойлашуви ҳам ҳисобга олинади. Бунда сизот сувларининг ер юзига нисбатан жойланишига қараб, 0,40 дан 1,0 гача бўлган тузатиш коэффициенти қўлланади.

Гўзанинг умумий сув истеъмолини В. Е. Еременко таклиф қилган формула бўйича ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$E = Y \cdot K_y \cdot K \cdot i \cdot Z,$$

бунда: E — умумий сув истеъмоли, гектарига м³; Y — пахтанинг ҳосили, гектарига центнер; K_y — сув истеъмол коэффициенти, 1 ц чаҳтага м³; K — гидрогеология коэффициенти, 0,40 дан 1,0 гача; i — юқори унумли маданийлашган тупроқ учун сув ичишининг 0,92—0,90 га тенг тузатиш киритувчи коэффициенти, 3 — зона коэффициенти (шимолий зона учун 0,85, марказий зона учун 1,0 ва жанубий зона учун 1,15).

Усув даврларида хўжаликка сув беришни ҳисоблаб чиқиш учун ўсимлик ривожланишининг фазалари бўйича сув истеъмолини аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Гўза сувни сарфлаши динамикаси, қуруқ модда даврлари ва кўпайниши бўйича бир кеча-кундуздаги ўртacha сув истеъмолини, шунингдек ривожланиш фазалари бўйича сув сарфини аниқлаш мумкин.

Шундай қилнб, гўза ҳосилдорлиги қанча юқори бўлса, умумий сув истеъмоли шунча кўп бўлади, бинобарин ўсимлик сувориша қўйилган сувни тезроқ сарфлайди.

Пахта даласида сугориш нормасини сарфлаш даврини В. Е. Еременко таклиф этган формула бўйича аниқлаш мумкин:

$$T = \frac{W}{V \cdot K \cdot i},$$

бунда: T — сугориш нормасин сарфлаш муддати, кечакуидуз; W — сугориш нормаси, гектарига m^3 ; V — бир кечакуандзаги ўртача сув сарфи, гектарига m^3 ; K — сизот сувлардан фойдаланиши ҳисобга оловчи коэффициент; i — унумдорликка тузиши қиричуви коэффициент, юқори ҳосилдор ерлар учун 0,92—0,90.

Агротехника сифатсиз бўлганида ва ерга аввалдан экиб келинаётган шароитда сув истеъмол коэффициенти юқорилашиб кетади. Агротехника даражасини ошириш ва унумдорлик шароитини яхшилаш эса ғўзанинг сув истеъмол коэффициентини камайтиради, буни сугориш нормаси ва умумий сув истеъмоли ҳисоблаб чиқншда инобатга олиш керак.

Турли иқлим зоналарида ўстириладиган ғўзани сугоришнинг мақбул режимини тўғри белгилаш учун территориянинг гидромодул районлаштирилишини ҳисобга олиш зарур. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) гидромодул районининг жойн ва унинг деңгиз сатҳидан қанча баландлиқда жойлашганлигини;

б) ўсимликнинг сувга бўлган талабини белгиловчи иқлим ва тупроқ шароитини. Бунга тупроқ ва ҳавонинг ҳароратини, сугориш даврининг узоқлигини, атмосфера ёғинини, намининг буғланиши интенсивлигини, шамолнинг кучи ва йўналишини, ўсимликнинг озиқ элементлари билан таъминланганлигини киритиш мумкин;

в) сизот сувларнинг сатҳи ва унинг минераллашганлигини, тупроқнинг механик состави ва сув-физик хусусиятини ҳамда унинг шўрланганлигини;

г) гидромодул районлаштириш районининг сув билан таъминланганлиги ва гидрологик зона билан белгиланади;

д) юқсан агротехника қўлланадиган ва мўл ҳосил планлаштирилган тупроқнинг унумдорлигини.

Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон ва Жапубий Қозоғистоннинг пахта етиштирувчи территорияси доираси учта: шимолий, марказий ва жанубий иқлим зоналарига ажратилган. Ана шу кўрсатилган зоналарнинг ҳар бири ўз навбатида кичик зоналарга: шимолий (1 ва 2), марказий (1,2 ва 3) бўлинади.

Юқорида кўрсатилган омилларга қараб ҳар бир кенглик зонаси учун тўққиз ва ўнта гидромодул районлари ажратилган ҳамда ғўза учун сугориш ва сув қўйиш нормаларнинг миқдори белгиланган.

Мўл ҳосил олиш учун тупроқнинг намлигини мақбул ҳолда сақлаш йўли билан сугоришни ғўзанинг ривожланиш фазаларига тўғри тақсимлаш керак. Ғўза пайкалларида илмий жи-

жатдан асосланган сугориш режимишиң сақлаш ва сувдан фойдаланиш коэффициентининг юқори бўлишига эрниш учун ҳар бир хўжаликда сувдан фойдаланиш плани бўлиши керак.

Сувдан фойдаланиш планига риоя қилмаслик сувдан фойдаланиш коэффициентининг (СФК) кескин камайишига, шунингдек унинг хўжаликлароро ва хўжалик ичидаги сугориш тармоқларида анча побуд бўлишига олиб келиши мумкин.

Хўжаликларда ғўзанинг сувга бўлган талабини ҳисобга олмай оширилган нормалар ва номукаммал сугориш техникаси билан сугориш сувдан фойдаланишининг ёмонлашувига олиб келиши мумкин. Сугориш каналлари ва далада шимилиши натижасида сувиниг ортиқча побуд бўлиши сизот сувлар сатҳининг кескин кўтарилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу сугориладиган ерларининг шўрланишига ва ботқоқланишига олиб келади.

Сувдан тўғри фойдаланиш учун қўшимча коллектор-зовур тармоқлар қуриш лозим.

Ўзбекистонининг пахта етиштирувчи районларида ёғин гарчиллик кам бўлади (йилига 120—260 мм); экиш бошлангуича тупроқда чигитин ундириб олиш учун етарли миқдорда нам тўплап майди. Ўзбекистонининг, айниқса жанубдаги Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятларида, Тожикистон ва Туркманистонда куз-қиши даврида ва эрта баҳорда кам ёғин гарчиллик бўлади. Бу эса намининг етишмаслигини тўлдириш учун камлик қиласади.

Куз ва қиши даврида тупроқдаги нам жамғармасини тўлдириш қор ҳамда музликлар туридаги таъминлаш маибаъларининг шаклланишига боғлиқ. Ана шу маибаларининг суви эрта баҳорда ва июль-август ойларнда энг кўп сарфланади.

Тупроқда нам етишмаса ва туз кўпайса, пахта далаларига ўсув даврида, ерин ҳайдаш олдидан шўрни ювиш, нам тўплаш мақсадида ҳамда экиш олдидан махсус равишда сув қўйиш зарур.

Атмосфера ёғинни кам бўлганида чигитин тўла ундириб олиш учун чигит сувни берниш талаб қилинади. Агар пахта етиштириладиган районларда сугориш манбаидан келадиган сув музлик турида бўлса, бу чигит сувни бернишда қийинчилик туғдиради ва ўсув даврида сугориш режими бузилишига, бишбарин ғўзанинг ҳосилдорлигини камайишига олиб келади.

Ўсув даврида гўзани сугориш режими. Ўсув даврида ғўзани сугориш режими деб, сугоришни ўсимликининг ривожланиш фазаларига тўғри тақсимлаш, сугориш ва сув қуийиш нормалари миқдорини ҳамда сугоришни мақбул муддатларини белгилаш тушунилади. Ғўзадан мўл ҳосил олиш учун сувининг бутун ўсув даври давомида мақбул миқдорда тақсимланиши лозим.

Ғўзани сугориш режимига сугориладиган пайкал майдони, сугориш усули ва техникаси, сувдан фойдаланишининг плапли-

лиги, шуннингдек, қўлланадиган агротехника ҳамда механизациялаш даражаси таъсир қилади.

Ўусув даврида ғўзани сугориш миқдори маибабъларнда сувпинг мавжудлиги ва уни йирик массивларга тақсимлаш шароитига ҳам боғлиқ. Сугориш режимига гидрогеология шароити, яъни сизот сувларнинг сатҳи ва минераллашганик даражаси ҳам таъсир қилади.

Сувни йирик ер массивларига тақсимлаш учун сув хўёжалиги ташкилотлари одатда белгиланган сугориш схемаларидан фойдаланадилар. Ҳар бир иқлим зонаси ва гидромодул райони учун сугориш схемаси тупроқни мақбул равишда намлашга ҳамда ўсов даврида ўсимликни сув билан таъминлашга мўлжалланган ҳақиқий сугориш сонини акс эттиради.

П. П. Язиков ва М. Б. Баракаев (1972 йил) ғўзанинг энг кўп тарқалган «Тошкент—1», 108—Ф ва бошқа навларининг бутун ўсов жараёнини қўйидаги тўрт даврга бўлдилар:

Биринчи давр — чигит униб чиққанидан ғўза оммавий равишида шоналагунигача 30—35 кунга чўзилади;

иккинчи давр — шоналашдан ғўза гуллагунигача 27—30 кунга чўзилади;

учинчи давр — ғўза гуллаганидан то ҳосилга киргунигача ёки 14—16 та ҳосил шохи пайдо бўлгунигача 18—20 кунга чўзилади;

тўртничи давр — ғўза ҳосилга кирганидан то тўла пиниб очилгунигача 25—30 кунга чўзилади.

Сугориш схемаларини тузгандা амалда уч давр тавсия этилади: гуллашгача бўлган биринчи, гуллаш-ҳосилга киришдан иборат иккинчи ва пишиб етилишдан иборат учинчи давр. Ана шу даврлар бўйича сугориш сони белгиланади ва схемага киритилади. Бундай схемада биринчи рақам ўсимликларнинг 10% гуллагунгача бўлган сугориш сонини, иккинчи рақам гуллаш — ҳосилга киришгача бўлган сугориш сонини ва учинчи рақам пишиб етилишгача бўлган сугориш сонини билдиради. Шуни айтиш керакки, сугориш схемаси сугоришининг календарь муддатини белгилаш учун асос бўлолмайди. Иқлим зоналари, гидрогеологик районлар ва тупроқнинг унумдорлик даражасига қараб ғўзани сугориш схемаси кенг допрада ўзгариши мумкин. Мана масалан, шимолий зоиада ғўзани 1—2—0 ёки 1—3—0 схемаси бўйича уч-тўрт марта сугориш кифоя қилади. Марказий иқлм зонасида ўсов даврида ғўзани сугориш сонини кўпайтириб, беш-етти мартаға етказиш мумкин. Бунда сугориш сонини 2—3—0 ёки 2—4—1 схемалари бўйича тақсимлаяди. Жанубий иқлим зонасида эса ҳавонинг ҳарорати юқори ва ўсов даври узоқроқ бўлгани учун сугориш сонини кўпайтириб, 1—5—1 ёки 2—6—1 схемаси бўйича етти-тўқиз мартаға етказиш мумкин.

Ғўзани сугориш сони гидрогеологик районга қараб ҳам ўзгаради. Сизот сувлар 1 м атрофидаги чуқурликда жойлашган тўртничи гидрогеологик районда ўсов даврида ғўзани энг

кам — гектарига 3000—3500 м³ сув қүйиб 3—4 марта сугориш мумкин. Тұртшын гидрогеологик райондан биринчи гидрогеологик районга ўтганда сизот сувларниң сатқи чуқурлашиб, 3—4 м га етади, сугориш соңы ва сув қүйиши нормаси эса күпаядп, чунки бу ерда ўсимлик сизот сувларидан фойдаланилмайды.

Мавсумий ва ҳар галғи сугориш нормалари. Мавсумий ва ҳар галғи сугориш нормалари ғұзаны сугориш режимінде әнг муҳым параметрлар ҳисобланады. Г. Ф. Раскиннинг маълумотлари бўйича умумий сув олиш кўпайганда пахтачилк зонасида 1 г ер ҳисобига сув юбориш сезиларли даражада камайиб, 1980 йилда 9307 м³ га, 1985 йилда 8358 м³ га, 1986 йилда 8184 м³ га ва 1987 йилда 7839 м³ га келган.

Ғұзани сугориша сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ва барқарор ҳосил олиш кўп жиҳатдан сув қүйиши ва сугориш нормасига боғлиқ. Мавсумий ва сугориш нормаларининг миқдори ғұза сувни умумий ичиши, яъни тупроқнинг юзасидан ўсимлик буғлантириб чиқариши ва буғланишга сарфланадиган сувнинг миқдори билан ҳам белгиланади.

Турли иқлим зоналари ва гидромодул районлар учун сув қүйиши нормасининг миқдори бир хил әмас. Сув қүйиши нормаси деб тупроқдаги табиий нам запасига қўшимча равишда вегетация даврида сугориладиган 1 гектар далага берилishi лозим бўлган сув миқдори тушунилади. Сув қүйиши нормасини (соф) қўйндаги формула бўйича ҳисоблаб чиқиши мумкин:

$$M_n = E - 10 \cdot a \cdot p (\omega_n - \omega_n)' - \omega_r \text{ м}^3/\text{га},$$

Бунда: M_n — мавсумий сугориш нормаси (соф), гектарига м³; E — сув истеъмоли, гектарига кубметр; P — ўсув даврида ёқсан ёғиннинг миқдори, мм; a — шимолий ва марказий иқлим зоналари учун қабул қўслингандан фойдаланиш коэффициенти; ω_n — ўсув давриннинг бозиша тупроқнинг ҳисобланган қатламидаги намнинг жамғармаси, гектарига м³; ω_n' — ўсув давриннинг охирида тупроқнинг ҳисобланган қатламидаги намнинг жамғармаси, гектарига м³; ω_r — ўсув даврида сизот сувлардан тупроқнинг ҳисобланган қатламига келадиган сувнинг миқдори, гектарига м³.

Сув қүйиши нормаси иқлим зоналари бўйича жанубий зонада гектарига 6—8 дан 10—12 минг м³ гача бўлади (24-жадвал).

Кўрсатилган сув қүйиши нормалари ўсув даврида ғұза ривожланишининг фазалари бўйича тақсимланади ва сугориш нормаси шаклида бўлиб-бўлиб юборилади. Сугориш нормаси деб тупроқнинг ҳисобланган қатламини намлаш ва пахтадан юқори ҳосил олиш учун пахта даласининг бир гектарига бир марта сарфланадиган сувнинг миқдори тушунилади. Сугориш миқдорини тўғри белгилаш учун қўйидаги кўрсаткичларни ҳисобга олиш зарур: сугориш олдидан тупроқдаги намликининг

**Иқлим зоналари ва сугориш усулиниң қараб түзага сув қўйиш нормаси,
гектарига минг м³**

Иқлим зоналари	Сугориш усули		Ёнгир ёғдирини усули билан сугориш
	Энгат орқали	тупроқ орасидан сугориш	
Шимолий	4 — 6	3 — 4	1,5 — 2,0
Марказий	6 — 8	5 — 6	2,5 — 3,0
Жанубий	10 — 12	7 — 8	3,0 — 4,0

қўйи чегарасидаги энг кам дала нам сифими; мақбул намланшиниң қўйи чегарасини; намланадиган қатламниң (ҳисобланган) чуқурлигини, тупроқниң г см³ ҳисобидаги ҳажм оғирлиги (вазни); сугориш техникасиниң усуллари ва элементларини; сугориш вақтида ернинг юзасидан сувниң буғланишини.

Сугориш нормасини (*m*) қўйидаги тенглама бўйича белгилаш мумкин:

$$m = (A - B) \cdot h + K,$$

бунда: *m*—сугориш нормаси, гектарига м³; *A*—тупроқниң дала нам сифими, ҳажмга нисбатан %; *B*—сугориш олдида тупроқниң шу қатламдаги намлик, ҳажмга нисбатан %; *h*—тупроқниң ҳисобланган қатлами чуқурлиги, см; *K*—сувниң йўқотилиши (сугориш жараёнида 5—10% буғланиш); гектарига м³.

Сугоришниң шўр ювиш режимига риоя қилганда формулага фильтрланиш ва ташламага қўшимча сув сарфини киритиш зарур.

Фильтрланиш ва ташламага йўқотниши ҳисобга олган ҳолда белгиланган сугориш нормаларини қўлланиш, тупроқниң мақбул намлигии ушлаб туриш шунинг учун мұхимкин, бунда сувдан фойдаланиш коэффициенти ошади ва түзанинг ҳосилдорлиги ортади.

Тўзани сугоришниң белгиланадиган нормаси тупроқда илдиз системасининг тарқалиш даражасини ҳисобга олади, илдиз системаси эса турли чуқурликка кириши мумкин. Демак, тўза илдиз системасининг асосий массаси шоналаш фазасида 50—70, гуллаш-ҳосилга кириш ва пишиб етилиш фазаларинда 70—100 см чуқурликка етади.

Сугориш нормасиниң (25- жадвал) нисбий миқдори иқлим зоналарига, яъни ҳавонинг ҳарорати, ўсув давриниң узоқлиги, атмосфера ёғин гарчилиги, етиштирилаётган наянинг биологик хусусиятлари, тупроқниң механик тарқиби, сизот сувлариниң сатҳи, унинг минераллашганилиги ва тупроқниң шўрланганилигига қараб табақалаштирилади.

Шимолий иқлим зонасидан жанубий иқлим зонасига ўтиш билан ҳавонинг ҳарорати ошади, натижада ўсимлик буғлан-

Суғориш нормасининг суғориш усуллари ва тупроқнинг механик составига боғлиқлиги (гектарига м³)

Суғориш усуллари	Иқлим зоналари		Тупроқнинг механик состави ва унинг ҳажм массаси		
	шимолий	жанубий	енгил d=1,20	ўртча d=1,35	оғир d=1,50
Полосаларга сув қўйиб суғориш	7,0	12	900—1000	1200—1300	1400—1600
Эгатларга сув оқизиб суғориш	6	10	600—700	800—1000	1100—1200
Тупроқ орасидан суғориш	5	9	500—600	700—900	1000—1100
Ёмғир ёғдириб суғориш	2	4	350—400	400—500	600—700
Томчилатиб суғориш	0,6	1,0	56—60	70—80	90—100

тиришга кўп сув сарфланишига олиб келади. Бу эса суғоришлар орасидаги муддатларни қисқартирган ҳолда тез-тез суғориши талаб қиласди.

Сиёзт сувлар чуқурликда жойлашган бўлса, жанубий иқлим зонасидаги фўзани, айниқса ингичка толали павлар фўзасини оширилган норма билан тез-тез суғориш зарур. Даланинг нам сифими кам, механик таркиби енгил бўлган тупроқли ерлардаги фўзани гектарига 700—800 м³ гача камайтирилган норма билан суғориш керак, тупроқ оғирлашганда эса унинг дала нам сифими ошади ва суғориш нормасини гектарига 1000—1200 м³ га етказиш керак. Механик таркиби енгил тупроқда, ўсув даврида суғориш нормасини камайтириш, сонини эса кўпайтириш, аксинча оғир тупроқда суғориш сонини камайтириш, нормасини эса кўпайтириб, гектарига 1000—1200 м³ га етказиш керак. Шўрланган тупроқда суғориш нормасини илдиз жойлашадиган қатламдан турларни қисман ювилиши зарурлигини назарда тутиб ҳисоблаб чиқиши керак. Ҳисобланган норма гектарига 900—1000 м³ бўлса, шўрни ювиш учун қўйилган сув билан кўпайиб, 1100—1200 м³ га етди.

Суғориш нормаси суғориш усули ва техникасига боғлиқ. Ёмғир ёғдириб суғорилганда 1 га ерга 400—500 м³, эгат орқали суғорганда 800—1000 м³, полоса бўйича (беда) суғорганда 1200—1600 м³ сув қўйиш керак (26- жадвал).

Суғориш нормасининг миқдори ва уни далага бир хилда тақсимлаш суғориш техникасининг элементларига: суғориш эгатларининг узунлигига, эгатдаги сув оқимининг миқдорига ва суғориш эгатларининг нишаблигига боғлиқ.

Узун эгатлар орқали суғориш сувнинг фильтрланиб нобуд бўлишига ва суғориш миқдорини оширишга сабаб бўлади. Фў-

Суғориш муддатинн турли усуллар билан белгилагандаги пахта досили

Суғориш усулі	Суғориш нормасы, гектарига м³	Сув құйинш нормасы, гектарига м³	Хо.ил., гектаридан, ц	Сув сарфи, гектарига м³
Дала нам ситетменинг 70—70—60 % иға тәнг намлык	1000	5625	46,9	1-0
14—16—18 атм. сурш күчи бүйінде	1000	5625	47,4	118
12—14—16 атм. сурш күчи бүйінде	800	6551	50,1	131

Эслатма: гуллаш-хосилга кириш фазасыда суғориш нормасы гектарига 1000—1200 м³ ни ташкил этди.

зани қисқа әгатлар орқали суғориш сувдан ва ердан фойдаланыш коэффициенті камайшига олиб келади.

Әгатга қўйиладиган сув оқими миқдорини тўғри танламаслик марзалар ёнининг бузилишига, тупроқ ва минерал ўғитлар ювиллиб кетишига, шунингдек сувнинг кўп сарфланишига сабаб бўлиши мумкин. Суғориш әгатларини чим, қофоз салфеткали тўсиқлар билан мустаҳкамлаш, сув ўтказишни тартибга келтирувчи сифонлар найчалар ва эгилувчан трубопроводлар ўрнатиш керак. Сифонлар найчалар ва эгилувчан трубопроводларни қўллаш белгиланган сув оқими билан суғориш, сувнинг фильтрланиш ва ташламага нобуд бўлишини камайтириш имконини беради.

Сувни ерга шимилнуб ва буғланиб ортиқча нобуд бўлишига йўл қўймаслик, суғориладиган ер ботқоқланиши ҳамда шўрланишининг олдини олиш мақсадида хўжаликка сув ажратгич тортилади, бунда хўжалик ичидаги суғориш тармоғигача сув тақсимлашнинг барча бўғинларида юбориладиган сув қатъий ҳисобга олинади.

Суғориш муддатини белгилаш табақалаштирилган суғориш режими комплексида жуда муҳим аҳамиятга эга. Агар навбатдаги суғориш ўз вақтида ўтказилса ҳамда намлик танг дара жадан пастга тушишига йўл қўйилмаса, хосил элеменлари тўкилиб кетмайди ва мўл ҳосил олинади. Фўзанинг навбатдаги суғориш муддатини баргнинг физиологик сўриш кучи ва ҳужайра ширасининг тўпланиши, ўсимликнинг ташқи кўрининиши, барг иластинкаларининг ранги, барг пластинкаларининг тургор ҳолати, асосий пояниниг ўсиб кетиши ва гуллаш бўғинларининг ўзгариши, тупроқдаги намликтин суғориш олдидан ўзгаришига қараб белгилаш мумкин.

Суғориш муддатини физиологик аломатга қараб белгилаш. Фўза ривожланиш фазаларида унинг суга бўлган талаби бир хил эмаслиги навбатдаги суғориш муддатини имкони борича аниқ белгилашнинг асосий шарти ҳисобланади.

Гуллаш — ҳосилга кириш фазаси мүл ҳосил түплашиниң масъулитли вақтидир. Шунинг учун бу даврда ўсимлик сув билан таъминланганинг кузатиб бориш айниңса зарур. Ғұза сув талаб бўлган вақтии унинг физиологик аломатидан билиш мумкин ва навбатдаги сугоришиниң барг пластинкалари сувсизланганинг даражасига қараб белгилаш зарур. Баргининг сўриш кучи ва унда ҳужайра ширасининг түпланиши тупроқда нам етишмаслигининг физиологик кўрсаткичи бўлиши мумкин. Физиологик усул тупроқниң сув режимини ўсимликниң талабига биноан жуда аниқ тартибга келтириш имконини беради.

Тупроқда нам камайса ҳужайра ширасининг түпланиши шунга мувофиқ равишда кўпаяди ва баргининг сўриш кучи тупроқдаги нам ўсимликка келмай қолгунича ошиб боради. Тўқимада физиологик жараёнинг бузилиши ҳосил элементларининг тўклишишига, ҳосилдорликининг камайишига ва ҳатто ўсимликининг нобуд бўлишига олиб келади. Шундай қилиб, тупроқдаги нам жамғармаси билан ҳужайра ширасининг ўртасида бевосита алоқа бор.

С. А. Гельдиевнинг бўз тупроқли ерда ғұза устида ўтказган тадқиқотлари гуллаш фазасигача ҳужайра ширасининг түпланиши 8% га етиши натижасида сув етишмовчилиги юз берганинг ишларини ва навбатдаги сугориши амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. Ғўзанинг гуллаш-ҳосилга кириш фазасида ҳужайра шираси түпланиши қуруқ модданинг 10 фоизгача, ҳосил пишиб етилиши фазасида 12—14 фоизгача етишига йўл қўйиш мумкин. Ҳужайра шираси түпланишиниң юқорида келтирилган миқдори тупроқда унинг дала нам сифимининг қарийб 70—65% га тенг нам мавжудлигига тўғри келди.

Ҳужайра шираси түпланиши 10% етганида навбатдаги сугориши амалга ошириш гектарига ўрта ҳисобда 41,8 ц ҳосил олишини таъминлайди. Ҳосилнинг бу қадар мүл бўлиши тупроқниң намлик режими мақбул даражада эканлигидан далолатдир. Ҳужайра ширасининг түпланишини қўл рефрактометри билан аниқлаш энг қулайдир (27- жадвал).

27 - жадвал

Ўтлоқ тупроқли ерда ҳужайра шираси турлича түпланганида (ХШТ) пахта ҳосили

Сугориши вариантилари ва схемалари	Сув қўлиш нормаси, гектарига м ³	ХШТ %	Асосий поясининг бўйи, см	Ҳосил, гектаридан, ц	Сув сарфи, гектарига м ³
0—2—0	2600	19,0	62,0	28,4	96
1—2—0	3300	16,5	78,6	31,2	105
1—3—0	4000	14,5	81,0	35,5	118
1—3—1	4600	12,5	87,0	39,7	114
2—3—1	4900	10,0	97,0	41,8	118

Усимликинг ташқи кўринпшига қараб навбатдаги суғоришини белгилаш. Тупроқдаги намзаси камайган сари тўқима шарбати тўпланиши кўплайди ва барг пластинкаларининг ранги ўзгариб, яшил тусдан қорамтирияши тусга айланади. Союз НИХИда ўтказилган тадқиқотлар ўсимлика қорамтири-яшил ранг пайдо бўлиши билан навбатдаги суғоришини амалга оширганда гўзанинг ҳоснлдорлиги камайиб, гектарига 34 ц га тушишини, нормал яшил рангдалигинида суғорилганда эса у ошиб, 46,8 ц га етишини кўрсатди.

Гуллаш-хосилга кириш фазасида барг пластинкаларининг ранги энг кескин ўзгарди, бу эса ана шу аломат бўйича навбатдаги суғоришини қийинлаштириди.

Гўза барги рангининг ўзгариш интенсивлиги тупроқнинг унумдорлиги ва ўфитларни ошиқча норма билан солишга боғлиқ, буни навбатдаги суғоришини белгилаганда ҳисобга олиш керак. Унумдорлиги юқори бўлган тупроқда (ҳайдалган кўп йиллик ўтларнинг ўрни) ёки минерал ўфитлар кўп норма билан солниган далаларда ўсув даврида ўсимлик барги пластинкаларининг ранги интенсив ўзгаради, яъни қорароқ бўлади. Баргнинг рангига қараб навбатдаги суғоришини белгилаганда буни ҳисобга олиш керак.

Гуллаш фазасигача навбатдаги суғоришини барглар бироз сўлиганида ўтказилади. Тупроқдаги нам жамғармасининг камайиши ва барг пластинкаларининг қорайиши, айниқса, куннинг иссиқ вақтида (соат 14—15 да) сўлишга ҳамда тургор ҳолатининг тубанлашувига олиб келади.

Тургор ҳолатини ҳисобга олишни 8—10 гектар майдондэ, даланинг кўндалангидаги 8—10 нуқтада, ўртадаги 300—400 туп ўсимлика амалга ошириш керак. Тургар ҳолатини асосий поясининг ўсиш нуқтасидан, учинчи-тўртинчи барглардан аниқлаш лозим. 15—20% ўсимлика сўлиш аломати борлиги навбатдаги суғоришини белгилаш учун асос бўлади.

Гўза асосий поясининг бўйини ва унинг бир кечакундуздаги ўртача ўсишини тартибида келтириш йўлни билан навбатдаги суғоришининг мақбул муддатини белгилаш етарли даражада яхши натижга берди. Асосий поянинг ўсишига қараб навбатдаги суғоришини белгилаш юзасидан П. П. Язиков ва М. Б. Барақаевлар томонидан ишлаб чиқилган усул ривожланиш фазаларида ўсимлик бўйининг ўсиши ва белгиланган баландликка етишига асосланган.

Шундай қилиб, марказий иқлим зонасида 108—Ф, С—4727, «Тошкент—1» ва «Тошкент—2» навлари мақбул муддатда экилганда шоналаш фазасида бир кечакундузда 0,3—0,5 см ўсиши ва асосий поянинг умумий бўйи эса 14—18 см га, гуллаш фазасида бир кечакундузда ўрта ҳисобда 0,8—1,5 см ўсиши ва тупнинг умумий бўйи 42—50 см га, 14—16 ҳосил шохи пайдо бўлганида бир кечакундузда ўрта ҳисобда 0,8—1,3 см ўсиши ва асосий поянинг бўйи 75—85 см га етиши керак. Ўсиш суръати ана шундай бўлганида гўзадан гектарига 36 центнер

ёкп сугориш календарь муддатда ўтказилганинга ёки тупроқнинг намлиги, унинг дала нам сиғимининг 65—60% ига тенг бўлганинга нисбатан 3—5 ц кўп ҳосил олинишини таъминлайди.

Гуллаш ва ҳосилга кириш даврларида энг кўп ҳосил тўпланди, шунинг учун бу даврлар ўсимликнинг ҳаётида энг масъулнитли ҳисобланади. Ҳатто тупроқда сувнинг озгина етишмаслиги ҳам маҳсулдорликнинг камайишига олиб келади. Гуллаш-ҳосилга кириш фазасида сувнинг моҳияти яна шунинг учун ошадики, ўсимлик сув билан бирга жуда зарур бўлган озиқ элементларини ҳам олади (28- жадвал).

Гуллаш-ҳосилга кириш даврида сугориш муддатини гуллаш тугуни ўзгариши бўйича белгилаш мумкин. Сугориш муддатини белгилашнинг бу усули ҳосил шохларининг ўсиш суръати қонуниятига ва қисқа навбатли гуллашнинг ўтишига асослан-

28 - жадвал

Пахта ҳосилининг навбатдаги сугориш муддатини белгилаш усулига боғлиқлиги (П. П. Язиков ва Баракаев)

Вариант	Сув қўйиш нормаси, гектарнга м³	Бўйн, см	Ҳосил гектарнда, т	1 ц пахтага сув сарфи, центнерга м³
Тупроқнинг намлиги дала нам сиғимининг 65—65—60% тенг бўлганида сугориш	4155	87,7	32,2	129,0
Хужайра шираси тўпланганида сугориш 8—10—12%	3145	77,5	35,0	90,0
Поя усиш тезлигига караб сугориш	3254	82,4	36,4	90,0

ган. Ҳосилга кириш фазасида ғўза асосий поясининг ўсиши ва ҳосил шохларининг пайдо бўлиши қисқа навбатларнинг ўтиш суръатига нисбатан сезнларлар секинлашади. Ўсув даври бошидан охиригача очиладиган гулчаларнинг ўнш нуқтасига яқинлашиши тезлашади. Худди мана шунинг ўзи гуллаш бўғининг бўйи ёки ўсиш нуқтасидан биринчи ҳосил шохидаги биринчи гулгача бўлган қаторлар сони деб аталади. Гуллашнинг бошланини даврида энг кўп бўғин ҳосил бўлади.

Сугориш режими тўғри бўлганида, ғўза тупида биринчи гулча ўсимликда саккиз-тўққизта ҳосил шохи пайдо бўлганида очилади. Гул, ўсиш нуқтасининг саккизинчи-тўққизинчи бўғинида бўлади. Ғўза ривожланган сари ўсиш нуқтасида янги ҳосил шохлари пайдо бўлаверади, гулчалар ҳам асосий поянинг юқорисида юзага келади. Тупроқнинг намлиги юқори даражада сақланганида, янги ҳосил шохлари асосий поянинг юқорисида, гулчаларнинг очилиш суръатига нисбатан тезроқ пайдо бўлади.

Гули бўлган энг юқоридаги ҳосил шохининг (гуллаш бўғинининг баландлиги) ўсиш нуқтаси ўртасидаги бўғинлар сони кўпаяди.

Агар тупроқда шам етарли бўлмаса, янги ҳосил шохлари пайдо бўлиши секинлашади, гуллаш эса давом этади ва тупнинг ташқарисига кўчади. Гул гўё ўсиш нуқтасига ва ён шохларга яқинлашади. Чанқатилган далада гўза тупнинг тенасига чиқади. Сугориш муддати тўғри белгиланганида фўзанинг ўсиш нуқтасидан юқорида, июль ойининг ўртасида тўққизтacha, июль ойининг охири-август ойининг бошида еттиtacha, август ойининг охирида тўртта-бештага яқин бўғин бўлиши керак.

Гуллаш бўғинининг баландлиги ана шу чегарадан ошиши фўза кўп сугорилганлигини, вегетатив қисмларнинг ўсиши, яъни янги ҳосил шохларининг пайдо бўлиши гуллаш суръатидан ўзиб кетганлигини кўрсатади. Гуллаш бўғини камайса ҳамда гуллар ўсиш нуқтасининг жуда яқинида пайдо бўлса, бу фўза чанқаганлигини ва ўсиши секинлашганини кўрсатади. Факат фўза тўғри ва ўз вақтида сугорилса, ҳосил шохларининг пайдо бўлиш, гуллаш ва гуллаш бўғини баландлигининг камайиши нормал давом этади (29- жадвал).

29 - жадвал

Гуллаш бўғичига қараб сугорганда ўсимликнинг ривожланиши ва фўзанинг ҳосилдорлиги (В. Ф. Поярков бўйича)

Вариант	Асо кї боянинг баландлиги, см	Ҳосил шохларнинг соли	Кўсақлар- нинг соли	Ҳосил, гектарндан ц	
				умумий	совуқ кунлар бошлангунгана
Гуллаш бўғинининг ўз- тариш аломати бўйича Сугориш схемаси бўйи- ча	107,8 99,5	15,1 13,6	12,8 12,5	39,1 38,6	34,5 32,0

Гуллаш бўғинининг ўзгариши бўйича сугориш муддатини белгилаш қўлланмаси қўйидагилардан иборат: гуллаш фазасида, сугориши бошлаш олдидан ҳар бир далада, пайкала кўйдалангига қараб жойлашган икки қатордан 100 тупдан учтўрт карра жами — 300—400 типик ўсимликни танлаб олиш керак. Барча танланган ўсимликларни этикеткалар ёки қозиқчалар билан белгилаб қўйиш ва улар гуллашининг суръатини кузатиб бориш лозим. Гуллаш фазасида ўсимликнинг 12—25% ни гуллаганда сугориш, гуллаш бўғинининг бошланғич баландлигини аниқлаш ва шундан сўнггина навбатдаги сугоришини белгилаш лозим.

Фўзанинг совет навлари учун СоюзНИХИ томонидан гуллаш бўғинининг қўйидаги ўлчами белгиланган:

а) гуллаш бошланишидан июль ойининг учинчи ўн кунлигигача ҳар бир сугориша 0,5—0,7 бўғин;

б) июль ойининг учинчи ўн кунлигигача 0,8—1 бўғин;

в) август ойининг иккинчи ўн кунлигидан пишиб етилиш бошлангунгача гуллашнинг тезлашуви 1,1—1,3 бўғинга этади.

Хоразм тажриба станициясида гуллаш бўғинининг ўзгарувчи баландлиги бўйича ғўзани навбатдаги сурориш белгилаганда, ривожланиши фазалари (схема) га асосан суроргандагига нисбатан гектаридан 0,6 ц кўн ҳосил олинди. Усув даврида ўсимликнинг гуллаш бўғини ўзгариши бўйича навбатдаги сурориш амалга оширилганида гўза сув билан бир текис таъминланди, бу бўйнинг тез ўсишини, ҳосил шохлари пайдо бўлишини, кўсаклар сони кўпайишини ва совуқ кунлар бошлангунча юқорироқ ҳосил олишни таъминлади.

Тупроқнинг сурориш олдидан белгиланган намлиги бўйича сурориш муддатини белгилаш. Ғўзани навбатдаги суроришни тупроқнинг сурориш олдидаги намлиги камайиб, белгиланган чегарага келганида амалга ошириш мумкин. Бунда тупроқдаги мақбул намликнинг қуий чегараси диапозонини тўғри белгилаш зарур. Ана шунда юқори ҳосил олишни таъминловчи илдиз системаси ва унинг ер устидаги қисми ўсиши ҳамда фаолиятининг энг қулай исбати намоён бўлади. Бу ерда гап намикнинг тупроққа осон келиш интервали; яъни унинг ўсимлик унумли фойдаланиши мумкин бўлган запаси ҳақида бормоқда.

Ғўзанинг ўсув даврида сув истеъмол қилишини юқорида кўрсатилганидек, уч даврга бўлинади: 1) экиндан гуллаш бошлангунгача; 2) гуллаш-ҳосилга кириш; 3) пишиб етилиш. Ғўзанинг гуллаш ва ҳосилга кириш фазасида сувга бўлган талаби кучаяди. Бу даврда ғўзадаги физиологик жараёнларнинг бузилишини (суроришлар ўртасидаги давр узоқлаштирилиши) тез-тез сурориш ва озиқлантириш билан ҳам тиклаб бўлмайди.

Тупроқдаги мақбул намликнинг қуий чегараси диапозонини ва сурориш режимини белгилашда тупроқ актив қатламининг ҳисобланган қалинлиги, яъни сурорганда тупроқнинг зарур намланиш чуқурлиги ва сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги катта аҳамиятга эга. Ғўзани сурорганда тупроқнинг ҳисобланган қатламн қалинлиги деб одатда шоналашгача бўлган даврда сурориш учун 50 см, шоналаш даври ва ҳосилнинг пишиб етилиш фазасида 70 см ҳамда гуллаш-ҳосилга кириш даврида 100 см қабул қилинган. Сизот сувлар чуқур жойлашган бўлса, тупроқнинг ҳисобланган қатлами камайиб 0—50 сантиметрга келади. Бу сурориш нормасининг камайишига, бинобарин сувни кўпроқ тежаб-тергаб сарфлашга олиб келади.

Тупроқда нам етишмаслиги ҳужайра шираси тўпланишининг кўпайишига ва ҳосил элементларининг бирмунча тўкилиб кетишига ҳамда ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлади. Жиззах вилоятининг Мирзачўл районида енгил бўзтупроқли ерларда ўтказилган тажриба пахтадан мўл ҳосил (гектаридан 34,8 ц) олиш учун (30-жадвал) сурориш олдидан тупроқдаги нам дала нам сифимининг 70—70—60 фоизига тенг бўлиши зарурлигини кўрсатди. Намликнинг бу режимида баргда ҳужайра шираси тўпланиши қуруқ модданинг қарийб 10—12% ига (пишиб етилиш фазасида) тенг бўлиши керак. Қашқадарё ви-

лоягининг ерларида тупроқ намлиги юқори (тупроқ дала нам сифимининг 75—75—70 фоизига тенг) бўлганида энг кўп ҳосил (гектаридан 41,7 ц) олинди.

ҚҚАССРнинг жанубий районларида ғўза суфорилганда тупроқнинг намлиги дала нам сифимининг 70—80—65 фоизига тенг бўлиб, энг яхши натижада берди. Гектаридан 40—43 ц ҳосил олиш учун 1—4—0 схемаси бўйича гектарига 600—1000 м³ дан сув қўйиб, беш марта суфориш етарли.

Тузнинг ғўзага заарли таъсирини камайтириш учун гуллаш ҳосилга кирпиш фазасида тупроқнинг намлигини ошириб, уни дала нам сифимининг 80 фоизига етказиш кифоя қиласди.

30 - жадвал

Тупроқда нам турличи бўлишининг ҳосилга таъсири ва толанинг технологик хусусияти (А.В. Шуравилли маълумотлари)

Тупроқнинг суфориши олдилаги намлиги, тупроқ дала нам сифимита ичибатан, фонз	Хужайра шира ининг тупланishi %	Усимликнинг I/VII даги бўйи, см	Ҳосил шоҳларининг I/VII даги соғи	I туп ҳисимликдаги кўсаклар соғи, дона	Ҳосил гектаридан ц
60—60—60	12—14—16	65,4	8,1	6,5	25,7
60—70—60	12—12—16	71,6	10,3	9,8	29,7
70—70—60	10—12—16	78,2	11,2	11,7	34,8
70—80—60	10—10—16	91,5	11,9	10,3	32,6
80—80—60	8—9—16	96,7	12,5	9,9	30,9

СоюзНИХИнинг кўп йиллик тажрибалари натижасида шу нарса аниқланганки, тупроқнинг бошқа турларида мақбул намликтининг қуи чегарасининг кўрсаткичи табиий ҳолда типик бўзтупроқдагига нисбатан бошқача бўлади. Шу билан бирга, навнинг биологик хусусиятига қараб тупроқнинг намлик дараҷаси тезпишар навлари учун бирмунча юқори, кечпишар навлар учун камроқ бўлиши мумкин.

Тупроқ намига қараб навбатдаги суфориш белгиланганда суфориш нормаси ҳам аниқланади. Тупроқда тўплланган намликтининг қанчалигини билган ҳолда, унинг ҳисобланган қатламда етишмаслигини, яъни уни тўлдириш учун етмайдиган сув миқдорини ҳам ҳисоблаб чиқиши мумкин.

Умумлаштирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, тупроғи шўрланмаган ерларда етиштириладиган ғўза учун нам тупроқ дала нам сифимининг 65—70 фоизи даражасида бўлиши ва ҳосил йиғим-терими бошланганда камайиб, 60 фоизи даражасигача тушиши мумкин. Тупроғи шўрланган ерларда суфориш олдидаги намлик юқоририқ даражада — тупроқ дала нам сифимининг 75—80 фоизи даражасида бўлиши ва у ҳосил йиғим-терими бошланганида камайиб, 65—70 фоизи даражасига тушиши мумкин. Тупроқ намининг юқорида ҳисобланган миқдори навбатдаги суфориш муддатини белгилашга ва суфориш нормасининг миқдорни ҳисоблаб чиқишига асос бўлиши мумкин.

Шимолий зонада ғұзанн сүфориш. Қабул қилинған районлаштиришга биоан шимолий иқтим зонасига турли хил тупроқли (ҚҚАССР, Хоразм вилояти ва Тошкент вилоятининг) тоголди районлари киради. ҚҚАССР ва Хоразм вилоятида тупроқ шүрланадиган ёки шүрланган, Тошкент вилоятида эса шурланмаган. Бу зонадаги тупроқ асосан сүфориладиган тиник бўзтупроқ ва ўтлоқ тупроқдан, механик таркиби чангтўзонли ўрта ва оғир қумоқ тупроқдан иборат. ҚҚАССР ва Хоразм вилоятидаги шүрланган ва шүрланадиган тупроқли ерларда куз-қиши ҳамда баҳорда гектарига 3000—5000 м³ сув қўйиб, шўрни ювиш талаб қилинади (31-жадвал).

Шимолий ва марказий иқтим зоналарнда эгатга сув қўйиб сүфориш кенг тарқалган.

Ғўза асосий техника экини сифатида эгатлар орқали ва ёмғир ёғдириб сүфорилади.

Сизот сувлар чуқур жойлашган бўзтупроқли ерлардаги ғўза 5—6 марта сүфорилади. Сув қўйиши нормаси гектарига 800 дан 1000 м³ гача бўлиши лозим.

Сизот сувлар чуқур жойлашганда тупроқнинг ҳисобланган қатламини ошириб 120—130 см га етказиш мумкин. Бундай норма билан сүфорганда сүфориш сонини камайтириш, сүфоришлар ўртасидаги даврни узайтириш керак.

Марказий зонада ғўзани сүфориш. Бу зонада ғўзани ўсув даврида 7—10 марта сүфориш лозим. Асосий майдонда сүфориш ер бетидан сув оқадиган эгатлар орқали ўтказилади, ёмғир ёғдириш усулл билан сүфориш эса фақат айрим далаларда қўлланилади.

Сирдарё, Жиззах, Андижон ва Фарғона вилоятлари учун

31-жадвал

ҚҚАССР, Хоразм ва Тошкент вилоятларида ғўзани сүфориш режими

Тупроқ	Сизот сувларнинг чуқурлиги	Жами сүфориш	Фазалар бўйича сүфориш сони			Сув қўйиши нормаси, гектарига м ³
			гулла гунича	гуллаш ҳосилга кириш	пиншиб этилиш	
ҚҚАСРда						
Ўтлоқ, оғирхумоқ шўрланган	1—2	2—3	1	2	0	2000—3000
Бўз-ўтлоқ шўрланган	2—3	4	1	3	0	3000—4000
Хоразм виоятида						
Бўз-ўтлоқ	1—2	3—4	1	3	0	4000—5000
Бўз-ўтлоқ шўрланган	2—3	4—5	1	3	1	5000—6000
Тошкент вилоятларида						
Сүфорилашган ўтлоқ аллювиял шўрланмаган	1—2	3—4	1	3	0	4500—5000
Сүфориладиган типик бўзтупроқ	3—4	5—6	1—2	3	1	5000—6000

Сурхондарё вилоятида ғўзани сугориш режими

Гидромодул районлар	Сугориш сони	Сугориш муддати		Сугориш нормаси, гектарига м³
		бошланиши	тамом бўлини	
I	10	5/V	20/I-X	9800
II	9	10/V	20/I-X	8400
III	8	15/V	15/I-X	7600
IV	7	20/V	10/I-X	6800
V	6	25/V	5/I-X	6000

Тупроқ шароити ҳамда гидромодул районларга қараб ғўзани сугориш режими жадвалда кўрсатилган.

Ўтлоқ-бўзутпроқ ва бўз-ўтлоқ тупроқли ерларда ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдикн, гидромодул районга қараб ўсув даврида ғўза гектарига 4550 м³ дан 7000 м³ гача сув қўйиб, 4 мартадан 7 марта гача сугорилганида пахтадан етарли даражада мўл ҳосил (гектаридан 34 ц ва ортиқ) олинди.

Марказий иқлим зонаси шароити учун сизот сувлар юза жойлашган ўтлоқ тупроққа татбиқан Тошкент ва 108—Ф навлари учун тупроқнинг сугориш олдидағи намлиги унинг сув сифимининг 70—70—65 физигза тенг бўлиши керак.

Жанубий зонада ғўзани сугориш. Жанубий зонада асосан ўсув даврида гектарига 8000 дан 10000 м³ гача сув қўйиб 6 мартадан 11 марта гача сугоришни талаб қиласидиган кечишишар ва ингичка толали пахта етиширилади.

Ингичка толали пахта чопиқ қилинадиган экин сифатида етиширилади ва эгат орқали сугорилади. Сув эгатга эгилувчан шлангали ППА—165 маркали машиналарда ва сугориш гидрантлари ҳамда эгилувчан трубопроводлари бўлган ёпиқ сугориш системаларида тақсимланади.

Ингичка толали ғўзани сугориш режими бу зонада албатта гектарига 1200—1600 м³ норма билан сув қўйиб, экиш олдидан сугоришни ҳисобга олишга асосланган.

32-жадвалда Сурхондарё вилоятидаги тақирсимон ерларда ингичка толали ғўзани сугориш режими кўрсатилган.

Ингичка толали ғўзани 1—5—1 схемаси бўйича сугориш хўжаликларда қарор топған режимга (1—2—1 ёки 1—3—1 схемаси бўйича гектарига 1600—2400 м³ сув қўйиб сугориш ва 8400 м³ сув қўйиш нормаси билан 4—5 марта сугориш) нисбатан самаралироқдир. Ўсув даврида, контролдаги 4—5 марта ўрнига етти марта сугорганди, пахтанинг ҳосилдорлиги гектар бошига 10,6—11,9 ц ошди (33-жадвал).

С—6030 нави гуллагуича 1—5—1 ёки 2—6—1 схемаси бўйича гектарига 650—700 м³, гуллаш-ҳосилга кирнш даврида 900—1000 м³ норма билан жами 7000—7500 м³ сув қўйиб, 7—9 марта сугорилади.

Янгидан сугорилаётган тақир тупроқли ерларда албатта

Марказий иқлим зонасига татбиқан сув қўйиш нормаси ва ғўзани сугориш схемаси

Тупроқ	Гидромодул район	Сугориш схемаси ва сони	Сув қўйининг муддатлари			Сув қўйиш нормаси гектарига м³
			бошланиши	тамом	бўлиши	

А. В. Шуравилин маълумотлари, 1973 — 1980 йиллар

Ўтлоқ-буз тупроқ ва бўз-ўтлоқ тупроқ	II	2—4—1	16.V	10.IX		7000
	III	2—3—1	20.V	5.IX		6200
	IV	2—2—1	25.V	31.VIII		5600
	V	1—2—1	5.VI	25.VIII		4500

В. В. Қочетков, А. Абдукаримовларнинг маълумотлари

Оч бўз тупроқ	I	1—5—1	11.V	15.IX		8000
	II	2—5—0	11.V	11.IX		7400
	III	2—4—0	16.V	5.IX		7000
	IV	2—4—0	16.V	5.IX		6000
	V	2—3—0	21.V	31.VIII		5700
	VI	1—3—0	26.V	28.III		4600
	VII	0—3—0	1.VI	20.VIII		4400
	VIII	0—3—0	11.VI	20.VIII		2900

гектарига 1200—1300 м³ норма билан экиш олдидан сугориш назарда тутилади.

Хозирги вақтда Ўзбекистоннинг жанубий районларида ингичка толали ғўзанинг районлаштирилган 5904 «А» нави ўрнини ҳосили юқорироқ, толасининг технологик хусусияти юқори бўлган «Термиз—14» нави эгаллади. Юқорида кўрсатилган навларнинг ҳосили ва толасининг технологик хусусияти кўп жиҳатдан мақбул сугориш режимини қўллашга боғлиқ.

«Термиз—14» нави сув режими жиҳатидан 5005—И навига нисбатан бирмунча фарқ қиласди, шунинг учун унинг сугориш режими 1983, 1984 ва 1985 йилларда Шеробод районидаги Ў. Юсупов номли совхоз даласида ўтказилган маҳсус синовларда ўрганилди. Синов қабул қилинган умумий агротехника бўйича бўз-тақири тупроқли ерларда ўтказилди. Ўрганилаётган навлар учун сугориш муддати тупроқнинг экиш олдидаги намлиги бўйича белгиланди. Тупроқнинг экиш олдидаги намлиги гуллагунча 0—70 см лик, гуллаш—ҳосилга кириш ва пишиб этилиш фазаларида 0—100 см лик қатламда аниқланди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдикни, намни тупроқ дала нам сифимининг 65—65—60 фоизи даражасида сақлаш учун «Термиз—14» навли ғўзани биринчи марта 4—6 июнда, охириги марта 2—5 сентябрда сугориш керак. Бу вариантларда сугориш нормаси гўза гуллагунгача гектарига 1080—1110 м³, гуллаш—ҳосилга кириш фазасида 1210—1240 м³, ҳосил пишиб этилганида 1070—1190 м³ бўлиши керак. Сув қўйиш.

нормаси экиш олдидан сугоришни ҳисобга олмаганда гектарига 5,8—6,3 минг м³ бўлниши лозим.

Намни кўпайтириб, тупроқ сув сифимининг 70—75—70 фоизига етказиш учун 1—4—1 схемаси бўйича 6 марта сугориш талаб қилинди, ўсув давридаги сув сарфи кўпайиб, 7,6—7,9 минг м³ га етди.

Тупроқ намни дала нам сифимининг 75—80—75 фоизи даражасида сақланиши учун «Термиз—14» ва «Ашхобод—25» навларини гектарига 9,2—9,5 минг м³ сув қўйиб, 1—5—1 схемаси бўйича 7 марта сугориш лозим.

Экиш олдидан тупроқ намни дала нам сифимининг 65—65—60 фоизи даражасида бўлганида ва «Термиз—14» нави экилганида ўзга баргида ҳужайра шираси ошганлнги маълум бўлди. Бунда ҲШТ қуруқ массанинг 10,2—14,6—15,3 фоизи даражасида бўлди.

Тупроқ намни кўпайиб, дала нам сифимининг 70—75—70 фоизи даражасига етганида «Термиз—14» нави баргида ҳужайра шираси тўпланиши камайиб, қуруқ модданинг 8,9—13,3—14,2 фоизига, нам янада кўпайиб тупроқ намни дала нам сифимининг 75—80—75 фоизига тенг бўлганида эса ҳужайра шираси тўпланиши камайиб, қуруқ модданинг 8,1—11,8—12,5 фоизи даражасига келди.

Сугориш режими ингичка толали ўззанинг бўйи, ривожлашиши ва ҳосил тўплашига таъсир қиласиди. Сугориш олдиндан тупроқ намни дала нам сифимининг 65—65—60 фоизи даражасига тенглигида, ўззанинг бўйи энг паст (74,6—76,2 см) бўлди. Бунда ўсимликдаги кўсаклар сони кам бўлди, ўртача оғирлиги эса 2,7—2,8 г дан ошмади.

Тупроқ намининг миқдори дала нам сифимининг 70—75—70 фоизига етганида, ўззанинг бўйи ўсиб, 77,5—83,2 см га, кўсаклар Бунда ўсимликдаги кўсаклар сони кам бўлди, ўртача оғирлиги ошиб, 2,8—2,9 г га етади.

Тупроқ намининг миқдори дала нам сифимининг 70—75—70 фоизидан кам бўлмаса «Термиз—14» нави учун қулай шароит ҳисобланади. Гектарига 7570—7860 м³ сув қўйиб, 1—4—1 схемаси билан 6 марта сугориб, тупроқ намни дала нам сифими нишни 70—75—70 фоизига тенг бўлганида, бир гектар ердан энг юқори — 36,3—39,8 ц ҳосил ва 3498,5—3683 сўм даромад олиниади.

Алмашлаб экишда ўззани сугориш режими фақат ҳосилдорликнинг ошишида эмас, балки толанинг сифати яхшиланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. СоюзНИХИда бедапоя ҳайдалганидан кейин 1-, 2-, 3-йил ўззани сугориш юзасидан тажриба (1980—1982 йиллар) тупроқ намни дала нам сифимининг 70—75—70 фоизи даражасида бўлганида, энг яхши натижага эришиш мумкинлигини тасдиқлади.

Тупроқ намини бундай даражада сақлаш учун ўззани гуллагунгача ва ҳосили пишиб етилгунгача гектарига 5,5—6,0 минг м³ норма билан сув қўйиб 700—800 м³, гуллаш ҳамда ҳосилга

кириш фазасида 1000 м³ норма билан 2—3—1 схемаси бўйича 6 марта сугориш талаб қилинади. Алмашлаб экшида сугоришининг бундай режими ва бир гектар ердаги ўзаси энг кўп миқдордаги (300 кг) азотли минерал ўғит билан озиқлантириш пахтанинг ҳосилдорлиги энг юқори — 47,8 ц га етишига сабаб бўлди.

Тупроғи шўрланган ердаги ўзаси сугориш. Ўзбекистондаги сугориладиган ерларининг тахминан 50% шўрланган ва шўрланишга мойил. Шу сабабли ҳар йили пахтачилик зоналарида катта ҳажмдаги мелиорация ишлари амалга оширилади.

Ерларининг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштирадиган, туз тўпланиши ва пахта ҳосилдорлигининг камайшишига сабаб бўлади. Сугориши ҳамда минераллашгани сизот сувлар тупроқнинг шўрланиш даражасига таъсири қилувчи асосий ошиллардан биридир. Тупроқда эрийдиган тузларнинг мавжудлиги унинг сув-физик хусусиятини, ўсимлик сувдан ва озиқ элементларидан баҳраманд бўлишини ёмонлашириди.

Тупроғи шўрланган ва шўрланишга мойил бўлган пахта етиширувчи районларда тупроқнинг сув-физик хусусиятини ҳисобга олиб, мақбул сугориш режимини танлаш лозим (34-жадвал).

34-жадвал

Тупроқнинг сув ушлаш кучи учун тарқибидаги тузга борлиқлиги

Шўрланмаган тупроқ		Кам шўрланган тупроқ (0,50% туз)		Кучли шўрланган тупроқ (2,13% туз)	
тупроқнинг намлиги, % ҳисобида	сувни ушлаш кучи, атм. га нисбатан % ҳисобида	тупроқнинг намлиги, % ҳисобида	сувни ушлаш қобилияти, атм ҳисобида	тупроқнинг намлиги, % ҳисобида	сувни ушлаш қобилияти, атм ҳисобида
9,4	20	9,3	35	9,9	243
12,2	10	12,4	26	13,3	59
18,3	2	18,6	18	19,6	30

Тупроқдан ўсимликка сувининг келиши барглар ва илдизларнинг сув ушлаш қобилияти ҳамда сўриш кучи миқдорининг ишбати билан аниқланади. Тупроқда туз кўп, нам эса оз бўлса, унда ўсимликка сув ва унда эриган ҳолдаги озиқ элементлариниң келиши қийинлашади. Бу эса тупроқнинг физиологик қуруқлигига ва ўсимлопкларда минерал озиқнинг бузилишига олиб келади. Тупроқда тузнинг кўпайиши ўсимликда натрийнинг ортиқча тўпланишига ва туздан зарарланишига сабаб бўлади.

Тупроқдаги тузнинг ўзага салбий таъсирини камайтириш мақсадида сугоришининг шўр ювиш режимини қўллаш ва оширилгани нормада минерал ўғитлар солиш лозим.

Сугориш техникасини танлаш йўли билан ҳам тузнинг гўзага зарарли таъсирини анча камайтириш мумкин. Сирдарё ва Амударё ҳавзаларида шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқли ерларининг қиялиги, зовурларининг озлиги, табиий оқиб

чиқиб кетиш йўллари камлиги туфайли ортиқча сугоргандо минераллашган сизот сувлар кўтарилиб, ерларнинг қўшимча шўрланишига олиб келади.

Шўрланган ерларда экинларни сугориш усуллари ва техникасини тўғри танлаш сувининг ташлама ҳамда фильтрланиш натижасида истроф бўлишига, минераллашган сизот сувларни чуқурликнинг охирги чегарасида ушлаб туришга ва ернинг қайта шўрланишига йўл қўймайди.


Ғўзани шўр ювиш режими билан сугориш ерларнинг шўрланнишига қарши курашишининг асосий усулларидан биридир. Шўрланган ва шўрланишига мойил ерларда экиш олдидағи намлик даражаси, айниқса, гуллаш — ҳосилга кириш фазасида шўрланмаган ерлардагига нисбатан ортиқ бўлиши керак. Ғўза учун бу даврдаги тупроқ нами дала нам сифимининг 75—80 фоизи, пишиб етилиш фазасида эса 70—75· фоизи даражасида бўлиши лозим.

Экиш олдидағи тупроқдаги намни ошириш учун сугориш нормасини кўпайтириш, яъни гектарига 1000—1200 м³ га етказиш талаб қилинади. Бу тупроқнинг ғўза илдизи жойлашадиган қатламини чуқурлаштириш ва ана шу зонада тупроқ эритмаси тўпланишини камайтириш учун керак.

Мирзачўлиниг шўрланган ерларида 600 минг гектар сугориштадиган ерни мелиорациялаштирувчи 2500 дан ортиқ тик зовур ишлаб турибди. Пахта майдонлари учун тик зовурнинг бошқа турдаги зовурлардан устуналиги ерни тежаш ва тармоқни реконструкция қилишдан йборат. Тик зовур ерни шўрдан тозалаш муддатини 2—3 марта тезлаштириш имконини беради, у 1 гектар ер ҳисобига 5000 м³ гача сувни ва 17,1 тона тузни чиқариб ташлайди. Очиқ горизонтал зовур ишлаганида (Т. Ковалевининг маълумоти бўйича, 1978 йил) пахтанинг ҳосилдорлиги гектарига 17—19 ц дан ошмайди, тик зовур шароитида эса у 29 ц га, айрим хўжаликларда эса 35—40 ц гача етади. Мелиорация ишларига пул маблағи сарфи 1 гектар ер ҳисобига очиқ горизонтал зовур қазиганда 88—89 сўмни, ёпиқ горизонтал зовур қазиганда 176—184 сўмни ва тик зовур қазиганда 54—86 сўмни ташкил этди.

Узуилиги (гектар ҳисобига) 35,7 м³ дан иборат ёпиқ зовурни тўғридан-тўғри ишлатиш харажати 24 сўмдан иборат, умумий харажати эса 56 сўмга етади, тик зовурни тўғридан-тўғри ишлатиш харажати 20 сўмга, умумий харажати эса 60 сўмга тўғри келади.

Пахта майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун 1,54 млн гектар ерда тик зовурлар қуриш ва сугоришиниг шўр ювиш режимини қўллаш лозим. Пахта майдонларида сугориш манбаларидан сувни олиш ва ун пайкалларга ҳамда фойдаланувчиларга тақсимлаб бериш вазифасини бажарувчи инженерлик сугориш системалари қуриш талаб этилади. Сугориш системаси доимий каналлар, муваққат сугориш ва коллектор-зовур тармоқларидан иборат.



58-расм. а) Трубопроводлар орқали эгатларга сув тарашиб б). Бетон новларидан сув олиш ва эгилиувчан трубопроводлар орқали фўзани сугориши

Сугориш техникасини такомиллаштириш пахтанинг ҳоснларни оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўртача қияликдаги ерларда, ишлаб чиқариш шаронтида ўтказилган тажрибалар сугориш техникаси тўғри танланганида қилинадиган сарф-харжатлар 25—30 фонзга камайишини, сувчиларнинг сменадаги иш унуми ошиб, 3 гача етишини кўрсатди. Қатор оралари 90 см бўлган фўзалар сугорилганида сувдан яхши фойдаланаади.

Пахта далаларида сугориш тармогини танлаганда нов тармогининг каскад типидаги каналларининг доимий схемасига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир (58-расм). Пахта майдонининг мелиоратив ҳолати ноқулай далаларда узунлиги 300—350 м га яқин бўлган барча эгатлардан секундига 1,0 литр сув оқизиб қарама-қарши сугориш ва сўнг эгат оралатиб сугориш энг яхши натижага берди. Сугориш техникасининг элементларн ана



59-расм. а) Новлар ва ёниқ трубопроводлар ёрдамында гүзани сүфориш
б) Мирзаңұл шаронтындағы гүзани тупроқ остидан сүфориш системаси.

шундаій бўлганида ҳосил бирлигига қилинадиган сув сарфи 20
фонд камаяди, сувчилариңг мөхнат унумдорлиги ошади, ЕФҚ
кўпаяди, эгатнинг бутун бўйида тупроқнинг бир текис намла-
нишига эришилади ва пахтанинг ҳосилдорлиги кўтарилади
(35-жадвал).

Гүзани тупроқ остидан ва тупроқ орасидан сүфориш (59-
расм) истиқболга эга. Бунда гектарига 500—600 м³ норма би-


Эгатларга таратға і сув оқими ұажминичг әгат охирига етиш тезлигига таъсирі

Көтөр орасыннан көкеслигін	Сув оқими, секундика метр	Сув оқимининг әгат охирига етиш вақти минут							
		50 м	100 м	150 м	200 м	250 м	300 м	350 м	400
90 см	0,6	25	75	133	243		376538	726	966
	0,8	26	66	142	239		359520	712	931
	1,0	18	60	127	220		336483	655	839
	1,2	19	60	122	201		325405	649	789

дан сугорганда әгат орқали сугоргандагига нисбатан күпроқ ҳосил олинади, минерал ўғындардан оқылона фойдаланилади ва ЕФК ошади. Тупроқ орасидан сугорганда ҳосил анча юқори бўлади ва гектарига 34,5—43,3 ц та етади.

Тупроқни бир текис намлаш ғўзанинг яхши ўсишини ва мўл ҳосилни таъминлайди. Ғўзани сугорнида ишлатилган ҳар бир сугориш комплектидан фойдаланишининг йирик иқтисодий самараси 293—300 сўмни ташкил қиласди.

«Волжанка» ДКШ—64 ва «Кубань» маркали (60-расм) ёмғир ёғдирив берувчи машиналардан фойдаланиб, сув ҳамда қўл меҳнати сарфини камайтириш ва ғўзанинг ҳосилдорлигини



60-расм. «Кубань» ёмғир ёғдирив сугориш машинасининг ғўзани эгатлаб сугоришдаги ҳолати

бирмунча ошириш мумкини. Үтказилган кўп сопли тажриба «Волжанка» маркали ёмғир ёғдиривчи машина гектарига 1000 м³ норма билан сув қуёйб сугорганда тупроқнинг бир текис намлашишини таъминлашини, бир гектар ерга меҳнат сарфи 6,10 киши-соатдан ошмаслигини кўрсатди. Бу әгат орқали сугоргандагига нисбатан 3,3 баравар кам.

«Кубань» маркали ёмғир ёғдирувчи машина билан ғұзани әгат орқали сүргөрганды сувдан самарали фойдаланылады, тупроқ бир текис намланади ва пахтадан юқори ҳосил олинади.

ҒҰЗАНИ ҮФИТЛАШ

Үфиттинг аҳамияти, Минерал, маҳаллий, микро ва бактериал үфитлардан самарали фойдаланыш пахтадан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан ҳисобланади.

Үсімлікка, бир тонна пахта ҳосил қилиши учун ўрта ҳисобда 60 кг азот, 50 кг калий ва 20 кг фосфор зарур. Ингичка толали ғұза навлари учун эса ўрта толали ғұзага нисбатан 10—15% ортиқ үфит талаб қилинади.

Үфит фақатгина ҳосилдорликни ошириб қолмай, балки ҳосил сифатига ҳам катта таъсир этади. Агар ғұза азот, фосфор, калий ва шунингдек микроэлементлардан етарли миқдорда фойдаланмаса, тола сифати, чигиттинг навдорлик ва мой беріш хусусиятлари камайиб кетади. Демек юқори ҳосил ва сипатлы пахта етиштириш учун ғұзани макро ва микроүтлар билан ҳам етарлы даражада таъминлаш керак.

Хозирги вақтда мамлакатимиз бүйіча етиштирилаётган пахтанинг ярмн минерал үфитлар ҳисобига олинмоқда. Үфитларнинг самарадорлигини ошириш учун тупроқ агрохимия картограммалари асосида үфитларни құллаш ва ғұзани илғор агротехника асосида парварищ қилишга катта әзтибор берилмоқда.

Андижон вилоят Ленин районидаги Мәңнат Қизил Байроқ орденли «Правда Востока» колхози сурункасига бир неча йилдан буён 1 кг азот әвазига 20—22 кг пахта етиштироқда. Шунингдек, Хоразм вилояты Хива районидаги Фрунзе номли, Тошкент вилояты Янгийүл районидаги «Коммунизм», Ғалаба районидаги «Победа» колхозларнда ҳам 1 кг азот ҳисобига юқори ҳосил олишга әришилмоқда.

Маълумки, алмашлаб экинш түлиқ жорий қилиш пахтадан мүл ҳосил етиштиришда биринчи даражали аҳамиятга эга. Алмашлаб экинш ўз навбатида фойдаланиладиган үфит самарадорлигини оширади. Буни СоюзНИХИнинг бўз тупроқли ерларда ўтказған тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин (36-жадвал).

Фосфор ва калий үфитларидан фойдаланилаётганда, алмашлаб экинш даласи бўйича уларнинг нисбатини тўгри белгилаш керак. Шундагина ғұза бақувват ўсиб, серкўсак ва эртапишар бўлиб етилади ҳамда пахта терадиган машиналарнинг иш уними юқори бўлади. Шўр ерларда үфитлардан фойдаланишдан олдин ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, яъни зовурлар ва коллекторлар тоза ва талабга жавоб берадиган дараҷада чуқур бўлиши, ерлар паст-баланд бўлмаслиги, шўр ювиш энг қулай агротехника муддатларда сипатли ўтказилиши кепрак. Буни Сирдарё вилояти, Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз мисолида кўриш мумкин.

**Алмашлаб экишида ўгитниң пахта ҳосилига таъсири, га/ц
Синки марта ўтказилған тажриба натижасыда олинған ўртача маълумот**

Алмашлаб экиши далалари	Үгитланмагандай	Хар йили үгитланғандай
Бетонды бузилғандай кейин пахта ҳосили		
1-йил	35,5	47,5
2-йил	35,1	47,6
3-йил	30,5	44,9
4-йил	29,7	46,9
5-йил	25,2	39,0
6-йил	19,9	40,0
6 юнілік ўртача ҳосил	29,3	44,3

Мазкур хұжаликпен зовурлари тартибга келтирilmagan, ери нотекис, тупроқ шүри сифатыда ювилмаган участкасыда гектаридан 21,0 ц ҳосил олинған қолда, зовур тармоқлари яхши ишлайдиган, ери сифатли текислапған, гүнг солинган ва шүри яхши ювилған майдонларидан гектаридан 38,4 ц ҳосил етиширилған. Ерларнинг мелиоратив қолати яхшиланған, ғұзалар илор агротехника ва фан ютуқлари асосида парвариш қилинған бригадаларда гектаридан бундан ҳам юқори ҳосил олинған.

Фосфорлы ва калийлы ўғитларни тупроқ картограммаси асосида құлланиш ўғитларнинг самарадорлігінни оширишда ахамияти катта. Чунки тупроқ картограммасында қайсын далада қайсын ўғитлар етарлы ёки етишмаслығини анық күрсатиб беради.

МИНЕРАЛ ЙҰГИТЛАР

Ғұза ва бошқа әкинларга солинадиган азотли, фосфорлы, калийлы ўғитлар таркибида бир печа хил ўғит тури бўлған мураккаб ва микро ўғитлардан ташкил топган.

Азотли ўғитлар. Аммиакли селитра (NH_4NO_3) — оқ майдада кристалл, тезда муштлашиб қолади, донадор (гранулланған) ҳолдагиси деярли муштлашиб қолмайди. Таркибида 33—34% соф ҳолдаги азот бор, намин ўзига тез торталы, қуруқ жойда сақланмаса, зах тортиб муштлашиб қотиб қолади, сувда тез эрийди.

Натрийли селитра (NaNO_3) — оқ тусдаги кукун, майда ва йирик кристалл ҳолда бўлади, таркибида 16% азот бор, сувда тез эрийди. Үзинга нам тортиши ўртача, майдада кристалл ҳолдагисининг муштлашиб қолиши ўртача, йирик кристалл хили деярли муштлашмайди.

Кальцийли селитра [$\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$] — оқ тусдаги кристалл симон кукун, таркибида 17% азот бор. Сувда тез эрийди, намин ўзинга ўртача тортади, тез муштлашиб қолади.

Сульфат аммоний [$(\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$] — оқ ёки кулранг тусдаги

майда кристалсимон кукун, таркибида 20—21% азот бор. Ўзига намни жуда секин тортади, салга муштлашиб қолмайди, сувда тез эрийди.

Мочевина (карбамид) [CO(NH₂)₂] — оқ кристалл шаклидаги бирикма. Ҳозир донадор ҳолда ишлаб чиқарпмоқда. Бу ўғит қаттиқ ҳолдаги азотли ўғитлар ичиде энг ўқори концентрацияли бўлиб, таркибида 46% азот бор. Ҳаво намроқ бўлганда намни ўзига ўртacha тортади, сувда яхши эрийди.

Сувсиз аммиак [NH₃] — рангиз суюқлик бўлиб, таркибида 82,5% азот бор. Сувда тез эрийди. Паҳтакор зоналарда сувсиз аммиакни сувли аммиакка айлантириб ишлатиш тавсия қилинади, чунки у арzonга тушади, сақлаш қулай.

Фосфорли ўғитлар. Суперфосфат [Ca(H₂PO₄)₂]⁺ — оқ ёки кулранг модда, таркибида: I сортида 19,5%, II сортида 19,0% ва III сортида эса 14,0% соғ ҳолдаги фосфор бор. Сувда секин эрийди. Намни ўзига осонгина тортиб олиб муштлашиб қолади. Донадор суперфосфат яхши сочиувчанлик хусусиятига эга, куқунсимон суперфосфатга нисбатан самарадорлиги ўқори ва яхши сақланади.

Преципитетат (CaHPO₄ · 2H₂O) — оқ кукун бўлиб, таркибида 38—40% фосфор бор, ўзига нам тортмайди ва муштлашиб қолмайди, сувда умуман секин эрийди.

Иккиласи суперфосфат Ca(HPO₄)₂ · 2H₂O — кулранг кукун ҳолидаги модда, таркибида 40—50% фосфор бор. Сувда секин эрийди, ўзига нам тортмайди ва муштлашиб қолмайди.

Калийли ўғитлар. Калий хлорид (KCl) — ташқи кўришишдан майда кристалсимон оқ тузга ўхшайди, таркибида қисман натрий хлор ҳам аралашган. Үнда 52—60% калий бор. Сувда эрийди, ўзига намни кам тортади, тез муштлашиб қолади.

Калий туси — буни калий хлориддан фарқи шуки, у оқ майда кристаллигидан ташқари йириқ, турли рангда, кўпчилиги пушти рангда бўлади. Таркибида 25% чамасида натрий хлор (NaCl) аралашган, бунда 40% калий бор. Сувда эрувчан, намни ўзига кам тортади, муштлашиб қолади.

Калий сульфат (K₂SO₄) — майда кристалсимон кукун бўлиб, кулранг тусда бўлади. Таркибида 45—50% калий бор. Сувда яхши эрийди, ўзига нам тортмайди, муштлашмайди.

Мураккаб ўғитлар. Мураккаб ўғитлар таркибидан 2—3 хил озиқ моддалар бўлган ўғитлардан ташкил топади. Буларга микройғитларни ҳам қўшиш мумкин. Мураккаб ўғитлардан фойдаланиш ўғитларнинг самарадорлигини янада оширишга, бажариладиган иш ҳажмини анча камайтиришга имкон беради. Бу хилдаги ўғитлар таркибида кўп миқдорда бир неча хил озиқ моддалар бўлганлиги учун уларни ташиб келтиришда транспорт воситаси кам талаб қилинади, сақлаш учун унчалик кўп жой талаб қилинмайди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли Химия институтида суюқ мураккаб ўғит (СУМ-БЖ) ихтиро этилди. Бу ўғит таркибида 10—12% азот ва 10—12% фосфор бор. Уни иш-

лаб чиқаришда синааб күрилганда яхши самара берганлиги қайд қилинди.

Аммофос ($\text{NH}_4\text{H}_2\text{PO}_4$) — оқимтири тусдаги, кристалл ҳолдағи тузга ўхаш модда, таркибида 10—12% азот ва 44—50% га-ча фосфор бор. Сувда яхши эрийди, ўзига нам тортмайды, муштлашмайды ёки салгина муштлашиши мумкін.

Диаммофос ($(\text{NH}_4)_2\text{HPO}_4$) — оқимтири кристалл ҳолдағи тузсімон модда бўлиб, таркибида 20—22% азот ва 52% фосфор бор. Сувда яхши эрийди, намни ўзига кам тортади, кам муштлашади.

Аммонийлаштирилган суперфосфат ($[\text{Ca}(\text{NH}_2\text{HPO}_4)]\text{CaHPO}_4$) Қоратовдан қазиб олинадиган хом ашёдан тайёрланади, ранги сарғыш, донадор ҳолда ишлаб чиқарилади. Таркибида 14,5% фосфат ва 15% азот бор. Сувда ўртача эрийди, ўзига намни кам сингдиради, кам муштлашади.

Нитрофос — оқ тусдаги қуқунсімон модда, сувда эрувчанлиги суперфосфатта нисбатан ўртача, таркибида 24% азот ва 14% фосфор бор.

Нитрофоска. Қейинги йилларда жумхуриятимиз таркибида азот, фосфор ва калий бўлган уч қўшалоқ ўғит — нитрофоска олмоқда. Уни турли маркалари ишлаб чиқарилади. Энг кўп тарқалган маркаси (В) таркибида 10—12% азот, 10—11% фосфор ва 11—12% калий мавжуд бўлган бу ўғит донадор, оқ рангли. Бошқа ўғитлар билан яхши аралашади.

МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАР

Маҳаллий ўғитлар ичиде гўнг асосий ўринни эгаллади. Маълумки, гўнг таркибида фўза учун энг зарур ҳисобланган азот, фосфор ва калий ўғитлари, шунингдек, ўсимликлар кам миқдорда талаб қиласидиган микроэлементлардан: Бор (B), Марганец (МП), Қобальт (Co), Мис (Cu), Рух (Zn), Молибден (Mo) каби моддалар ҳам бўлади. Булардан ташқари гўнгда кальций, магний, олтингугурт кислота ва бошқа фойдали моддалар ҳам бор.

Гўнг экинларга озиқ бўлишидан ташқари, ундаги органик моддалар тупроқ структурасини яхшилаб, унумдорлигини оширади. Гўнг солинган ерларда тупроқнинг ғоваклиги ошади, сув ўтказувчанлиги яхшиланади, намни узоқ сақлаб туради. Таркибида органик моддалари кам, оғир тупроқли ерларда унинг ҳажмини оширишда, сув ва ҳаво режими ҳамда микробиологик жараёнларни яхшилашда гўнгнинг роли айниқса катта. Механик таркиби енгил тупроқларда эса унинг қовушоқлик хусусияти яхшиланади.

Гўнг ерга солинган минерал ўғитларнинг самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун минерал ўғитларни органик ўғитлар билан аралаштириб солиш тавсия қилинади. Айниқса, у тупроқда секин эрийдиган фосфорли ўғитларнинг эрувчанлигини кучайтириб, уни ўсимлик осон ўзлаштирадиган ҳолга келтиради.

Гүнгнинг сифати молга едириладиган озиқ, ҳайвонлар тури ва уларни сақлаш усулига боғлиқ. Бунда түшама ҳам катта роль ўйнайди, чунки унинг таркибида айниқса азот кўп бўлади.

Түшама сифатида нишхўртлар, яроқсиз бўлиб қолган сомон, майдаланган ёш қамиш, шоли похоли, торф, фўзапўчоқ кабилардан фойдаланиш мумкин.

Қорамол ва отлар учун бир суткада 3—6 кг, қўй, эчкилар учун 0,5—1,0 кг, чўчқалар учун (болалари билан) 6—8 кг түшама керак бўлади. Ф. А. Скрябин маълумотига кўра, бир бош етук қорамолдан бир йилда 4,5 т, бир бош бузоқдан 2,5 т, отдан 4,0 т, қўйдан 0,4 т, чўчқадан — 0,6 т атрофида гўнг чиқиши мумкин.

Молхона ва отхоналардан тўплланган гўнглар махсус чуқурларга тўпланиб шу ерда чиритилади ёки дала четларига уюмлаб, усти тупрсқ билан кўмилади. Гўнгдаги азотнинг камайиб кетишининг олдини олиш ва фосфорли ўғитни ўсимлик яхши ўзлаштириши учун уни далага чиқариш олдидан ҳар тоннасига 20—40 кг суперфосфат аралаштириш яхши самара беради.

Гўнгни фермалардаги гўнгхоналарда сақлашда ер 0,8—1,2 м чуқурликда қазилади, эни 3,0—3,5 м кенглиқда олинади ва баландлиги 2 м бўлгунча гўнг ташлаб яхшилаб шиббаланади. Уюмларда сақлашда эни 3,0—4,0 м, баландлиги 1,5—2,0 м қилинади. Ҳар иккала усолда ҳам уюмларнинг узунлиги сақланадиган гўнг миқдорига боғлиқ. Шу хилдаги гўнгхоналарда 60—75 т чамасида гўнг сақлаш мумкин. Гўнг яхши сақланиши ва чириши учун униг усти яхшилаб шиббаланади, кейин устига 10—15 см қалинликда тупроқ тортилади.

Гўнг ерларни кузгп шудгорлаш олдидан махсус машиналарда сочилади. Бунда ҳар гектар ерга ўрта ҳисобда 20—25 т дан солиши тавсия қилинади. Лекин жумҳуриятимизнинг кўпгина илғор хўжаликлари гўнг тўплаш ва сақлашнинг яхши ташкил этиб, ҳар гектар ерга 20—30 т дан гўнг солиб, пахтадан йил сайин мўл ҳосил этиштиromoқдалар. Бу соҳада хоразмлик пахтакорлар алоҳида ўрнак кўрсатмоқдалар. Гўнг обороти графиги бўйича пахта майдоннинг 20—25% и ҳар йили гўнгланиши кепрак. Кўпгина хўжаликлар ва бригадаларда гўнг билан бирга бошқа маҳаллӣ ўғитлардан, жумладан, парранда ахлати, најас, торф, ппак қурти ғумбаги; майдада кунжара, дўнг ерлар тупроғи, ариқ лойқаси, фўзапоя кули, фўзапўчоқ (қовачоқ) кабилардан ҳам ўғит сифатида фойдаланилмоқда. Бу хилдаги аралашмалардан гектарига 15—17 т солиши яхши самара беради (37-жадвал).

Парранда ахлати, ипак қурти чиқиндиси ва ғумбаклари энг кучли ўғитлардан ҳисобланганни учун уларни кунжараси каби фўзанинг ўсуви даврида минерал ўғитлар билан аралаштирилиб бериш тавсия қилинади. Нажасни ерга солишдан олдин уии кампостлаш керак. Бунинг учун ерга солишдан 2—3 ой илгари пайкал ёнига (уни заҳроқ ерда тайёрлансан яхши бўлади) эни 2—2,5 м ва 0,7 м чуқурликда чуқур (траншея) қазилади, узун-

Маҳаллий ўғитлар тарі ибидаги азот, фосфор ва калий миқдори (соғ модда ҳисобида)

Маҳаллий ўғит турлари	Іт гүнгир таркибидағи озиғ модда, кг		
	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
Құй-әккининг:			
куруқ гүнгіда	16	5	14
нам гүнгіда	8	2,5	7
От гүнгіда	5	2,5	6
Қорамол гүнгіда	4	2,5	5
Чүчқа гүнгіда	4	2,0	6
Учдан иккى қисми тупроқ түшамадан иборат аралаш гүнгі а	1,8	0,9	2
Түртілән уч қисми тупроқ түшамадан иборат аралаш гүнгіда	1,3	0,7	1,5
Хандакдан олинган нажасда	4,5	1,5	1,5
Камистланған нажас	6	2	2
Парранланнинг:			
куруқ ахлатида	34	16	8
шунингде нам ахлатида			
төв ахлатида	15	18	9
үрдакларниңде	8	5	5
гозларниңде	6	5	10
Чигит күнжарасыда	66	28	16
Пилла куртиның: ҳүл ахлатида,	25	15	—
хүритеңде ахлатида	50	10	—
Пилла кургининг куруқ гүмбагида,	100	20	15
қүл гүмбагида	50	10	—
Қырдан олинған янги тупроқ ва ариқ лойқасыда	0,6	1,2	0,7
Ғүзапоя кулида	—	80	30
Янги юлинған ғүзапояда	9,3	5,8	2,8
Янги қовачо да	10,3	4,8	30,2

лиги эса нажас миқдорига қараб бўлади. Нажас чуқурга ағдарилигандан кейин усти 5—10 см қалинликда тупроқ билан кўмилади ва ишлатишга 3—4 ҳафта қолганда яхшилаб аралаштирилиб, шудгорлаш олдидан гектарига 10—12 т дан солинади.

Кўкат ўғитлар. Бир ерда сурункасига бир неча йилгача ғўза ўстиравериш натижасида тупроқда чиринди моддалар камайиб кетиб, унинг физик хусусиятлари ёмонлашади ва бу ғўза ҳосилининг камайишига сабаб бўлади. Бу ҳол алмашлаб экиш далаларида ҳам кўзга яққол ташланади. Масалан, бедапоядан чиққан ерларда 4—5 йилдан бошлиб пахта ҳосили кескин камая боради. Бундай ҳолларда тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида органик ва минерал ўғитлар нормасини ошириш билан бир қаторда кўкат ўғитлардан фойдаланиш энг яхши самара беради. Кўкат ўғитлар тупроқни чириндига бойитади, унинг физик хусусиятларини яхшилади. Фикримизнинг далили учун Тожикистон ССРнинг Вахш тажриба станциясида олинган

маълумотларни келтирамиз. 10 далали ғўза-беда алмашлаб экишнинг бир тўлнқ ротациясида гектарида 38 ц пахта олинган. Худди шу алмашлаб экишда 4- ва 6-йиллари кўкат ўғитлардан фойдаланилганда ҳосилдорлик 42 ц га етган, яъни гектаридан 4 ц ортиқ ҳосил етиштирилган.

Сурункасига ғўза ўстирилган далаларда (монокультурада) ҳам кўкат ўғитлардан фойдаланилганда ҳосилдорлик гектар бошига 7,3 ц ошган.

Кўкат ўғит сифатида кўк нўхат, нўхат, бурчоқ, мөш, қизил себарга, шабдар (эрон бедаси) каби дуккакли экинлар, шунингдек, кузги жавдар, рапс, горчица (хартол), перко кабилар экилади.

Бу экинлар кузда ва эрта кўкламда озиқлантирилса, кўп миқдорда кўк масса тўплайди. Айниқса, дуккакли бўлмаган экинлар етарли миқдорда озиқлантирилиши шарт. Кўкат ўғит учун экилган экинларни апрелнинг бошларида ҳайдаб тупроқ-қа аралаштирилиб юборилади ва ер бироз тингандан сўнг чигит экилади. Кўкат ўғит учун экилган экинларни кўкламда молларга едириб кейин ангизини ҳайдаш мумкин, шундай қилингандан ҳам тупроқда тўпланган органик моддалар ғўзанинг ўсишига, ривожланишига ва пахта ҳосилига ижобий таъсир этади.

Бактериал ўғитлар. Тупроқда ҳаёт кечиравчи турли-туман микроорганизмлар ичида, шундай бактериялар борки, улар ҳаводаги эркин азотни олиб тупроқ унумдорлиги ва экинларнинг ҳосилдорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Бу бактериялар иккى хил бўлиб: тупроқда эркин яшайдиганларни азотабактер (азотабактерин) ва дуккакли экинлар илдизида яшайдиганларни эса тугунак бактериялар (нитрагин) дейлади.

Азотбактерни шўрланмаган ўтлоқ, ўтлоқ-ботқоқ, шунингдек, бўз тупроқли ерларда гўнг солингандан кейин берилса, пахтадан 1—3 ц қўшнимча ҳосил олиш мумкин. Нитрагин қўлланни дуккакли экинлар ҳосилини 10—15% ва бундан ҳам кўпроқ оширади.

Бактериал ўғитларнинг самарадорлигнни ошириш учун унинг ишлатиш қондаларига тўлиқ риоя қилиш керак. Айниқса уруғларни шу ўғит билан ишлаётганда ва экиш вақтнда унга қўёш нури тушмаслиги шарт, акс ҳолда унинг нафи бўлмайди. Бактериал ўғитлар тайёр ҳолда бутилкаларга солиниб, хўжаликларга юборилади. Буни ишлатишдан 1—2 соат олдин битта бутилкадагиси 2—3 л сувда суюлтирилади ва уруғлар 5—10 см қалинликда ёйилиб устига гулчелакдан сепилади, кейин қориштирилади, бироз шамоллатилгандан сўнг уруғни экишга киришилади.

Агарда хўжаликда нитрагин бўлмаса, бузилган бедапоя тупроғидан 300—500 кг олиб уни РУМ—5 ва РТТ—4,2 ўғитлагичлар билан бир гектар ерга экиш олдидан сепиш йўли билан пайкалга тугунак бактериялар юқтириш мумкин. Бу тадбир за-

рурат бўлган тақдирдагина қўлланилади. Тупроқ унумдорлигини оширишда ва экинлардан мўл ҳосил етиширишда дуккакли экинлар экиш катта резервлардан ҳисобланади.

Ўғитлаш нормаси

Одатда ғўзани ўғитлаш нормаси бир қанча факторларга боғлиқ, булар орасида тупроқ типи ва унинг қай даражада маданийлаштирилганлиги, қўлланиладиган агротехника даражаси, иқлим шароити ва бошқалар энг муҳимлари ҳисобланади. Ўғитлар нормасини белгилашда тупроқнинг табиий унумдорлиги ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Ғалаба районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалигининг ўтлоқ тупроқли ерларида ғўзалар юқори агротехника асосида парвариш қилинганда 5 йил ичидагектаридан олинган ўртacha ҳосил 38—43 ц ни ташкил этгани ҳолда, механик таркиби енгил бўлган ерларида ғўза парваришида бир қатор қўшимча тадбирлар амалга оширилишига қарамай ҳосилдорлик гектар бошига 22—25 ц дан ошмади.

Ғўзани ўғитлаш нормаси одатда олинадиган ҳосилга қараб ҳам белгиланади. Масалан, 1 т пахта етишириш учун 30—80 кг азот, 10—20 кг фосфор ва 40—70 кг калий сарф бўлади.

Кўп йиллик илмий текширишлар ва илгор хўжаликларнинг амалий тажрибалари шуни кўрсатадики, 1 т пахта етишириш учун одатдаги агротехника қўлланилганда 60 кг азот, 20 кг чамасида фосфор ва 50 кг калий талаб қиласди. Ерга солинган ўғитларнинг ҳаммасини ўсимликлар ўзлаштира оладими, дегаң савол туғилади. Текширишлар шуни кўрсатадики, ўсимликлар ёрга солинган азотнинг одатда 40—50% ини, ғўзалар юқори агротехника асосида парвариш қилинганда эса 70% ини, минерал ўғит чириган гўнг билан аралаштириб берилганда эса 80% ини ўзлаштира олар экан. Колган азотнинг бир қисми нитрат ҳолида ер бетига кўтарнилиб ҳавога чиқиб кетса, бир қисми тупроқнинг пастки қатламига ювилиб тишади ёки оқава сув билан пайкалдан чиқиб кетади. Шундай қилиб, келгуси йили ундан келадиган фойда жуда кам бўлади.

Фосфорли ўғитларни ўсимликлар биринчи йили 15—20% ини, кейинги йили эса атиғи 12—14% ини ўзлаштиради, холос.

Маълумки, Урта Осиё тупроғи калийга анча бой ҳисобланади, шунга кўра гектаридан 25 ц дан ортиқ ҳосил етишириладиган майдонларга калий солиш тавсия этилади, аммо бундан кам ҳосил берадиган ерларда ҳам фойдали экан. Кейинги йилларда ўтказилган тажримбалар ғўзадан юқори ҳосил етишириш учун азотга нисбатан калийни ярим нормада солиш яхши самара беришини кўрсатмоқда. Хоразм ва Бухоро вилоятлари пахтакорларининг тажрибаси шўр ерларда ҳам шўр яхшиплаб ювилгандан сўиг калий ўғит бериш пахта ҳосилини оширишда салмоқли ҳисса қўшаётганлигидан далолат бермоқда. Сирдарё пахтакорлари эса шундай ерларда ҳосил ошибгина қолмай, ҳатто пахта сифатини яхши бўлишини аниқладилар.

Ўзбекистондаги пахтакор зоналарнинг тупроғи асосан учтига: бўз тупроқ, ўтлоқ тупроқ ва ўтлоқ-ботқоқ тупроққа бўлинади. Маданийлашган тупроқ текшириб кўрилганда уларнинг таркибида азот, фосфор ва калий миқдори турлича: жумладан, бўз тупроқда фосфор, ўтлоқ-ботқоқ тупроқда эса азот кўплиги маълум бўлди.

Демак, ўғит нормасини белгилашда тупроқ тури катта роль ўйнайди. Деҳқончилик маданийнинг калити ҳисобланган фўза-беда алмашлаб экишда ўғитлар ҳар бир хўжалик ва бригада бўйича плаштирилган ҳосилга қараб тақсимланади, бунда азотнинг фосфорга бўлган нисбати ҳам ҳисобга олинади.

Тупроқда табиии ҳолдаги фосфор ва калий ўғитларни ўсимликлар учун етарли ёки етарли эмаслиги, ҳар бир вилоят учун зонал агрохимия лабораториялари томонидан 4—5 йилда бир марта аниқланиб, у тупроқ картограммасида акс этирилади. Тупроқ типини ҳисобга олган ҳолда пахтадан неча центнер ҳосил олинишига қараб ўғитлаш нормаси СоюзНИХИ тавсиясига кўра белгиланади.

Масалан, типик бўз тупроқли ерларда фўза ўсимлиги нормал ўсиб ривожланиши учун гектаридан олинадиган ҳосилга қараб азотли ўғит нормаси қуйидагича берилади: пахта ҳосили 15—20 га/ц—100; 20—25 га/ц—150; 25—30 га/ц—200; 30—35 га/ц—250; 35—40 га/ц—300 ва 40—45 га/ц—350 кг.

Бошқа турдаги тупроқлар учун бериладиган азот нормаси қуйидаги коэффициентлар шкаласи кўрсатувларнига амал қилинади (38- жадвал).

38 - жадвал

Фўзага табақалаштирилган ҳолда бериладиган азот ўғитининг коэффициент шкала кўрсатылди

Типик бўз тупроқда	Коэффициенти	Оч тусли бўз тупроқда	Коэффициенти	Чўл зонасида	Коэффициенти
Типик бўз ва ўтлоқ-бўз тупроқлар		Оч тусли бўз ва ўтлоқ-бўз тупроқлар	1,1	Тақир, ўтлоқ-тақир тупроқлар	1,2
Ўтлоқлар	1,0	Ўтлоқлар	0,9	Ўтлоқлар	1,0
Тўқ тусли ўтлоқлар	0,8	Енгил ва ўртача шўрланган шўри ювиладиган ўтлоқ тупроқлар	0,9	Тупроғи шўрлани ё, шўри ювиладиган ўтлоқлар	1,2
Кам унумли, эрозияга учраган тупроқлар	0,7	Кам унумли эрозияга учраган тупроқлар	1,1	Кам унумли, эрозияга учраган тупроқлар	1,4
	1,2		1,3		

Ўтмишдош экинлардан бўшаган майдонларда фўза ўстириладиган тақдирда азотли ўғитлар бериш миқдорларини кўрсатувчи коэффициентлар қуйидагича (39- жадвал).

Юқоридаги илова асосида азотли ўғитлар белгиланган нормада берилиб, фўза ўз вақтида ва сифатли парваришланса ҳар доим пахтадан юқори ҳосил етиштирилади.

Үтмишдош экинларга азот бериш көзфициенти

Үтмишдаоц экинлэр	Азотнинг кўрсаткич көзфициенти
Маккажўхори	1,2
Бедапоя бузилгандан кейинги биринчи	0,6
Бедапоя бузилгандан кейинги иккинчи йили	0,8
Бедапоя бузилгандан кейинги учини ва кейинги йиллар	1,0

Гектаридан 45—50 ц ҳосил этиштираётган илғор хўжаликлар ва бригадаларда гектарига 300—350 кг азот ва шунга яратса фосфор ва калий берилмоқда. Бундай хўжаликларда ўғитларнинг самарадорлигини оширишда, илғор тажриба ва комплекс механизацияга катта аҳамият берилмоқда. Хоразм вилоят Хива районидаги Фрунзе номли, Фарғона вилоят Кува районидаги «Коммунизм», Самарқанд вилоят Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхозлар, Наманган вилоят Уйчи районидаги «Қизилровот», Сирдарё вилоят Оқ олтин районидаги «Фарғона», Тошкент вилоят Фалаба районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» каби совхозлар ана шундай хўжаликлардан ҳисобланади. Шунин алоҳида таъкидлаш керакки, ўғит нормаси ҳаддан ташқари кўпайтирилган сари олинадиган ҳосил шунга мувоффқ равишда ошавермайди, аксинча у зарарли таъсир этиши мумкин.

Ўғитларнинг тури кўп бўлганлиги учун уларнинг таркибида ги соф модда миқдорини билниш, ҳар гектар ерга солинадиган ўғит миқдорини белгилашда катта роль ўйнайди. Таркибидаги соф модда миқдорига қараб ўғит нормасини белгилашга доир маълумотлар 40- жадвалда келтирилди.

40 - жадвал

Ўғит нормасини таркибидаги соф озиқ модда миқдорига қараб
белгилаш, га/кг

Соф ҳолда- ги ўғит норма, га/кг	Суперфосфат		34% ли аммиакли селинтра	20,5% ли аммоний сульфат	46% ли карбамид ло. селинтра	40% ли калий тузи	60% ли калий хлорид
	14% ли	19% ли					
5	35	25	15	24,5	11,0	12,5	8,3
10	71	52	30	49,0	22,0	25,0	17,0
15	107	78	45	74,0	33,0	37,0	25,3
20	142	104	60	98,0	43,0	50,0	33,0
30	213	156	90	147,0	65,0	75,0	50,0
40	284	208	120	196,0	87,0	100,0	67,0
50	335	260	150	245,0	109,0	125,0	83,0
100	710	520	300	490,0	218,0	250,0	170,0
150	1065	780	450	740,0	327,0	375,0	253,0
200	1420	1040	600	980,0	436,0	500,0	330,0

Юқорида айтиб ўтилганидек, тупроқ ўсимликнинг асосий озиқ манбаидир. Шунинг учун унинг турларига қараб таркиби-даги азот, фосфор ва калий миқдори ҳам турлича бўлади.

Бинобарин, ўғитлаш нормасини белгилашда қўлланиладиган ўғитларнинг самара дорлигини ошириш учун уларнинг нисбатига катта эътибор бериш керак.

Эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган бўз ва бўз-ўтлоқ тупроқларда азотнинг фосфорга нисбати 1:0,7—1:0,8, ўтлоқ тупроқларда 1:0,8—1:0,9 бўлгандагина талабга тўлиқ жавоб беради.

Янгидан ўзлаштирилган бўз ерларда дастлабки йилларда азот ва фосфор кам бўлганлиги учун буларнинг нисбати 1:1, ўтлоқ ва ўтлоқ-ботқоқ ерларда эса 1:2 бўлиши керак.

Бедапоядан чиқсан ерларда органик моддалар ва азот кўп бўлганлиги учун дастлабки икки йил ичидаги азотнинг фосфорга нисбати 1:1,5 ва 1:1,6, учинчи ва тўртинчи йиллари тенг миқдорда бўлиши тавсия қилинади. Кўкат ўғит учун экин экилган ерларда азотнинг фосфорга нисбати 1:1,3 чамасида бўлади. Кейинги йиллари тупроқ таркибида азот миқдори камаяди, шунга кўра ўғитларнинг нисбатини 1:0,7 га етказиш керак. Азотнинг фосфорга нисбати ва унинг пахта ҳосилига қандай таъсири қилиши 41-жадвалда келтирилади.

41 - жадвал

Эскидан ҳайдалиб келинаётган ва бедапоядач чиқсан ерларда ўғитлаш нормасига қараб азогнинг фосфорга нисбати ва унинг пахта ҳосилига таъсири, га, ц (Союз НИХИ маълумоти)

Азотнинг фосфорга нисбати	Э. кидан ҳайдалиб келинаётган ерларда	Бедапоядан чиқсан ерларда
1 : 1,6	—	46,1
1 : 1,2	—	46,9
1 : 1,0	42,5	45,6
1 : 0,75	43,2	—
1 : 0,6	42,9	43,9

Ўғитлаш муддатларига қараб ўғитларнинг тақсимланиши

Ғўза ўзининг бутун ўсув даврида барча турдаги ўғитларга талабчан бўлади. Бироқ, ривожланиш фазалари бўйича ўсимлик ўғит турини ўзлаштиришнинг қараб турли миқдорда талаб қиласади. Ғўза ёш пайтида, яъни шонага кирган давригача фосфорли ва азотли ўғитларга талабчан бўлади.

Экин экиладиган йили тупроқ фосфор ва калий ўғитлари билан турли даражада таъминланган, айниқса эскидан ишланиб келинаётган ерларда азот умуман жуда кам бўлади. Зоро, ўғит нормасини белгилашда тупроқдаги фосфор ва калий миқдојини ҳисобга олиш керак. Буни тупроқ картограммасига қараб билиш мумкин (42- жадвал).

Тупроқ таркибидаги фосфор ва калий миқдорига қараб ўғит нормаси

Тупроқнинг ўғит билан таъминланиш даражаси	Соф ҳолдаги таъсирдан ўғит миқдори, 1 кг тупроқда, мг		Азотнинг фофорга нишбати	Азотнинг калийга нишбати
	фосфор	калий		
жуда кам	15 гача	100 дан кам	125	125
кам	15—30	100—200	100	100
ўртacha	31—45	200—300	75	75
куп	46—60	300—400	50	50
жуда кўп	60 дан ортиқ	400 дан ортиқ	25	25

Жадвал маълумотларига кўра, тупроқнинг фосфор ва калий ўғитлари билан тўйиниш даражасига қараб, ўғитларни турли нормаларда ва муддатларда бериш тақозо этилади. Агарда 1 кг тупроқдаги ҳаракатчан фосфор миқдори 15 мг гача бўлган тақдирда фосфор ўғитини уч муддатда: ерни шудгорлаш олдида, чигитни экиш билан бир вақтда ва фўза гулга кирганд; тупроқ таркибида 16—30 ва 31—45 мг бўлганда ерни шудгорлаш олдидан ва чигит экиш билан бир вақтда берилади. Тупроқ таркибидаги ҳаракатчан фосфор 46 мг дан ортиқ бўлса, уни фақат шудгорлашда, 60 мг дан ортиқ бўлганда фақат чигит экишда берилади.

Шунингдек, калийни ўғитнинг ярми кузги шудгор олдидан ва ярми фўза шонага кира бошлаганида берилади. Аммо, калийни ўғитнинг йиллик нормаси — планлаштирилган ҳосилда гектарига 100 кг дан ошиб кетса, уни юқоридагига ўхшаб икки марта ва ундан кам бўлган тақдирда эса бир марта фўза шоналашга кира бошлаганда берилади. Шундай қилиб, планлаштирилган пахта ҳосилини етишишида тупроқнинг фосфат ва калий билан қай даражада таъминланганлиги, тупроқ типи, унинг маданийлашганлик даражаси, фўза-беда алмашлаб экиш, иқлим-шароит, агротехник тадбирлар каби омиллар ҳисобга олинган ҳолда ўғит нормаси белгиланиши керак.

Дастлабки ҳосил шохлар поянинг пастки бўғимларидан чиқади. Бу эса фўзанинг эрта шоналашига олиб келади. Кейинги шоналашдан гуллашгача бўлган даврда фўзалар фосфорли ўғита нисбатан азотли ўғитни кўпроқ талаб қиласиди. Чунки бу даврда ўсимлик ҳосил тувишга нисбатан поянинг бўйнга ўсишига ва кўплаб шох-шабба чиқаришга зўр беради. Олимларимизнинг кузишиларига қараганда, бу даврда фўза азотни фосфорга нисбатан 10—13% ортиқ ўзлаштирад экан. Гуллаш ҳосил тувиш даврида фўзалар азотга нисбатан фосфорни 5—10% кўпроқ талаб қиласиди. Сабаби, бу давр ўсимлик учун ҳосил тўплаш ва кўсакларнинг тўлиқ етилиш даври ҳисобланади.

Шундай қилиб, илмий-тадқиқот муассасаларининг кўп йиллик текширишлари, уста пахтакорларнинг тажрибалари тупро-

111 шўрламмаган ерларда фосфорли ўғитнинг йиллик нормасини 60—70% и кузги шудгор олдидан маҳаллий ўғитлар билан ара-лаштириб бериш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди.

Калийли ўғитнинг йиллик нормаси, одатда, азотнигина нис-батан 50% миқдорида бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунинг ярмини шудгорлаш олдидан солиш тавсия қилинади. Йиллик норма 100 кг дан кам бўлса уни фақат фўзанинг ўсиш даврида бериш тавсия этилади.

Интенсив технологияга асосланаб, бедапоядан бўшаган ерда тўртинчи йили пахта етиштириш учун гектарига 30—40 тоннадан чириган ёки чала чириган гўнг солиш керак.

Шўр ерларга минерал ўғитлар тупроқ шўрн яхшилаб ювил-гандан сўнг берилиши керак.

Баъзи объектив сабабларга кўра, ўғит кузги шудгорлаш ол-дидан бутунлай берилмай қолган бўлса, бундай ҳолларда кўк-ламда экиш олдидан ётарли миқдорда солинади. Кўкламда экишгача азотли ўғитнинг йиллик нормаси гектарига 250 кг ва бундан ортиқроқ бўлса, унинг 20—30% ини экиш олдидан бериш лозим.

Экиш билан бир йўла азотли ва фосфорли ўғитлар бериш гў-за майсаларининг ўсиш ҳамда ривожланишини тезлашишига ижобий таъсир кўрсатади, пахта ҳосилинни ёширади. Масалан, СоюзНИХИ нинг кўп йиллик қузатишларини гектарига 250 кг ва бундан ортиқроқ бўлса, унинг 20—30% ини экиш олдидан бериш лозим.

Чигит экишга қадар ерга ётарли миқдорда фосфор ўғити бе-рилган бўлса, бундай ҳолда гектарига 15—20 кг азот бериш ло-зим. Агар экишгача ётарли миқдорда фосфор берилмаган бўлса, иккала ўғит аралаштириб солингани маъқул. Бунда фосфор гек-тарига 20—30 кг ҳисобидан берилади.

Фўзани ўсув даврида озиқлантириш муддатлари ва нормаси хўжаликда қолган ўғит тури ва миқдорига қараб белгиланади.

Фосфорли ўғит чигит экишга қадар ва экиш билан бир вақт-да ётарли миқдорда берилган бўлса, унинг қолган қисми фў-зани охириги озиқлантиришда ётарли миқдорда берилма: ан бўлса, уни икки марта—ўсув даврининг бошида ва охириги ўғит-лашда берилади.

Азотли ўғит нормасидан гектарига 120 кг дан қолган бўлса, буни иккига бўлиб: фўза шоналаи ва гуллай бошлаганда, бун-дан ортиқ бўлса, уч марта: биринчиси фўза яганадан чиқиб 2—3 та чинбарг чиқарганда, иккинчиси фўза ёппасига шонала-ганда ва учинчиси гуллаганда берилади. Минерал ўғитларининг самараадорлигини ошириш учун фўзани ўсиш даврида чириган (сеткадан ўтказилган) 2—2,5 кг гўнгни 1 кг аммиакли селитра билан аралаштириб берилади.

Ўрта Осиё шароитида фўзани озиқлантиришни асосан 5—10 июлгача тугалланиши лозим. Озиқлантириш бундан кечикиб кетса, фўзанинг шох-шаббаси кўпайиб кетиши ҳам мумкин.

Масалац, Тошкөйт қишлоқ хұжалик институтиннің агрохимия кафедрасыда ўтқазилған тажрибаларда шу нарса маълум бўлдики, ғўза гулга кира бошлаганда, ўсимлик азот билан озиқлантирилғанды гектарндан 45,2 ц, августда озиқлантирилғанды эса 42,1 ҳосил олинган. Ўсув даврида бериладиган калийли ўғитларни ғўзалар шонага кира бошлаганда солиш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда пахтадан юқори ҳосил етиштириш, уни қисқа муддатларда териб олиш мақсадида гектардаги ғўза туплари сони илгариги йиллардагига нисбатан бирмунча ошириб юборилди. Ғўзаларни ёрта етилтириш ва ортиқча ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун озиқлантириш 1 июлгача тугаллашмоқда. Демак, бундай майдонларда ўғитлашни ёрта тутатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу ҳосилнинг ёрта етилишнга ва унинг асосий қисмими машиналар билан йиғиб-териб олишга имкон беради. Ғўзаларни ўсув даврида озиқлантиришда минерал ўғитларга чириган гўнгни аралаштириб қатор ораларига бериш, «шарбат суви» оқизиш—пахтадан мўл ҳосил етиштиришда муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Бу ғўзаларни тупроқдаги озиқ моддалардан фойдаланиш қобилиятини яхшилашга олиб келади, айниқса тупроқдаги намин узоқ сақлашга имкон беради. Кейинги йилларда ўғитлагичлар гўза қатор ораларига чириған гўнг соладиган қилиб мосланмоқда, баъзан шу мақсадда РУМ ва маҳсус гўнг сочадиган машиналардан фойдаланилмоқда.

Ўғитлаш усуллари ва техникаси. Ўғитларниң санарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан ўғитлаш усулларига ва техникасиңга боғлиқ. Бунда ўғит соладиган механизмлардан нечоғлик фойдаланиш, ўғитларни қандай чуқурликка солиш айниқса муҳимдир. Чигит экишгача, экиш ва ғўзанинг ўсув даврида озиқлантиришда ўсимликни мумкин қадар ўғитларни ёртароқ ва осонликча ўзлаштира олишини кўзда тутиш керак.

Демак, бу тадбир кузданоқ бошланиши лозим. Шунинг учун агрономлар, бригадир ва механизаторлар ҳар бир килограмм ўғитдан ниҳоятда унумли фойдаланишни ҳисобга олишлари зарур.

Ер ҳайдаш олдидан бериладиган маҳаллий ўғитлар ер бетига бир текисда ва бир хил қалинликда тушишини таъминлаш учун маҳсус гўнг сочадиган машиналардан РТО—4 (РОУ—6) фойдаланиш лозим. Шунингдек, далага минерал ўғитлар сочишда янги чиқарилған РТТ—4,2, РУМ—5 каби машиналардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Далага минерал ва маҳаллий ўғитлар сочишда юқ машиналаридан фойдаланмаслик керак. Акс ҳолда ўғитлар ерга бир текисда тушмай, тўп-тўп бўлиб қолади, бу эса экинларни бир текисда авж олишига имкон бермайди.

Шудгорлаш олдидан солинган ўғитларниң самарадорлигини ошириш учун ер албаттә икки ярусли плуглар билан ҳайдалиши лозим. Бунинг самарасини СоюзНИХИ тажрибаларидан ҳам кўриш мумкин:

Икки ярусли плуг билан ўғит солмасдан ҳайдалганда

30,2

Оддий плуг билан ўғит солиб ҳайдалганда

33,6

Икки ярусли плугда ўғит солиб ҳайдалганда

35,7

Күзда ҳайдалган ерларга кўкламда минерал ўғитлар солишда уларни ер бетига сочиб, тегишли қуроллар билан тупроққа аралаштирилганга нисбатан культиватор ўғитлагичлар — КРХ—4, КРХ—3,6, КРТ—4, КХУ—4, ва чизел-культиватор ўғитлагич ЧКУ—4 ва ЧКУ—4 М лар солиши пахта ҳосилини анча оширишга имкон беради. Бунда культиватор-ўғитлагич сошниклари бир-биридан 20—30 см узоқроқ ўрнатилади ва ўғитлар 15—18 см чуқурликка тушадиган қилиб созланади.

Кўкламда ерни ишлайдиган чизель-культиваторларга ўғитлагич ўрнатилиб (янги чиққан ЧКУ—4 чизель-культиваторида ўғитлагич бор) юқорида айтилганидек, бир йўла қолиб кетган ерларни ўғитлаш ҳам яхши натижা бермоқда. Бу механизмлар далани кўндалангига ишлаш учун мўлжалланган. Чигит экиш билан бирга минерал ўғит беришда ўғит экиш чизигидан 5—6 см узоқроққа ва 10—12 см чуқурликка тушиши керак.

Ғўза ўсув даврида, асосан, сугориш олдидан ва қисман культивация қилни билан бир йўла озиқлантирилади.

Бунда ғўзанинг ён илдизларини ортиқча шикастлаб қўймасликка алоҳида эътибор берилши керак, шунинг учун ҳам ғўза ёш даврида ёнбошдан озиқлантириллади. Биринчи озиқлантиришда, яъни ғўзалар 2—3 та чинбарг чиқарганда ўғитлагич сошниклари ўсимликдан 15—16 см, иккинчисида — ғўза шоналай бошлаган даврда 20—22 см қочириброқ ўрнатилади. Ҳар иккага ҳолатда ҳам ўғит 15—18 см чуқурликка тушиши керак, бунда ўғит сугориш эгати тубидан 4—5 см чуқурликка тушсин.

Кўкламда ер бироз ўтириб қолган бўлса, ўғитлагич сошниги ўғитларни тегишли чуқурликка кўма олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда культиватор грядили олдига наральник ўрнатиб ишлатилса, ўғит нормал чуқурликка тушадиган бўлади. Чунки бунда наральник сошникнинг ишлаш йўлнни анча пастроққача юмшатиб беради.

Ёш ғўзаларни ёнбошдан озиқлантиришнинг самараадорлигини 43-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Ғўза ёппасига шоналаб, гулга кира бошлаган даврда ўғитлар эгатининг ўртасига, эгат тубидан 4—5 см чуқурликда берилши керак.

Кейинги йиллағда кенг қаторлаб ғўза ўстириладиган майдонлар йил сайни кенгайиб бормоқда. Шунга кўра, ғўзани ўғитлаш усули ва техникасида ҳам одатдаги тор (60 см) қаторлаб экилгандағига нисбатан бироз фарқ бор. Агар ўсимлик 3 марта ўғитланадиган бўлса, дастлабки 2 марта ўғитлаш тор қаторлаб ўстирилган ғўзаникidan фарқ қилмайди, лекин 3-озиқлантиришда ўғит ғўза тупларидан 30—35 см олисроққа ва

Суғориш олдидан азотли ўғит бериш усулининг пахта ҳосилига таъсири, га/га

Ўғислаш усули	Типик бўз тупроқли ерларда	Ўтлоқ тупроқли ерларда	Оч тусли бўз тупроқли ерларда
Харбабир эгат ёнига солинганда Суғорилмайдиган эгат ёнига солинганда	39,4 35,6	35,3 30,3	42,8 38,9
Суғориладиган эгат ёнига солинганда	39,9	33,4	41,9
Суғорилмайдиган эгат ўртасига солинганда	32,4	27,0	39,8
Суғориладиган эгат ўртасига солинганда	35,7	30,0	37,5

суғориш эгат тубидан 4—5 см чуқурга берилса, бу қаторларнинг ўртасига солинганга нисбатан яхши натижа беради.

Ер ости сувлари юза жойлашган ўтлоқ-ботқоқ ва ўтлоқ тупроқли ерларда фўзани биринчи, ҳатто иккинчи марта озиқлантиришдан сўнг кетма-кет суғорилмайди. Бундай ҳолларда экин культивация қилиш билан бир йўла «қуруқ» озиқлантирилади. Ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқда фўза озиқлантирилгандан сўнг ўз вақтида суғорилиши керак (44-жадвал).

**Суғориш схемасининг ўғит самараадорлигига таъсири
(СоюзНИХИ маълумотлари)**

Тажриба вариантилари	Суғориш схемалари бўйича пахта ҳосили га/га		
	1-3-1	1-4-1	2-4-1
Ўғитланмаган	25,3	26,4	29,1
Ўғитланган	26,9	30,0	34,0
Қўшимча ҳосил	1,6	3,6	5,0

Фўзаларни ўғитлашда ўғитларнинг белгиланган чуқурликка тушишига эътибор бериш лозим, айниқса бу экиш олдидаи ва экиш билан бир вақтда солища, ўсув даврида ўғитлашда жуда муҳимдир. Бунинг учун ўғитлагич сошниклари аниқ кенглийка ўрнатилиши; ўғит ҳамма тукопроводлардан бир меъсрда тушишини мунтазам равишда изорат қилиб туриш зарур.

Ўғитлашни сифатли ўтказиш билан бирга фўза парваришидаги бошқа агротехник тадбирлар ҳам ўз вақтида юқори савияда бажарилиши керак. Шундагина ўғитларнинг самараадорлиги юқори бўлиб, пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин.

ҒҮЗАНИ ЧЕКАНКА ҚИЛИШ

Ғұза бошқа иссиқсевар техник әкинларға нисбатан узоқ муддат үсади, бунга үсимлиқ тупидаги меваларнинг бириң-кетин пайдо бўлиши, озиқ моддалар, сув ва бошқа омиллар билан таъминланиш даражаси бир хилда эмаслиги сабаб бўлади. Ғўзаларнинг барқ уриб үсиши ва жуда кўплаб мевалаши, асосан, июль ойининг иккинчи декадасидан августнинг бириңчи яримигача бўлган муддатга тўғри келади. Айни мана шу даврда үсимлиқ озиқ моддаларнинг, намликтинг етарли бўлишини, зааркунандалардан сақланишини, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида юқори сифатли ўтказилишини талаб қиласди. Одатда, ғўза юқори агротехника асосида парвариш қилинганда ҳам ўрта толали совет ғўза тупларида пайдо бўлган меваларнинг ярмидан кўпи, ингичка толали совет ғўза навларида эса 35—40% и тўкилиб кетади. СоюзНИХИ маълумотларига қараганда, гидропоникада мева тўкилиш ўрта толали ғўза навларида 6—7% ни ва пахта ҳосили гектарига 120—140 ц ни ташкил этган. Агарда үсимликка озиқ моддалар, сув ва бошқа зарур факторлар етарли бўлмаса, шунингдек зааркунанда ҳашаротлар кўплаб шикастласа, меваларнинг 90% и, баъзан бундан ҳам кўпроғи тўкилиб кетиши мумкин. Текширишлар шуни кўрсатдики, ўрта толали ғўзаларда шонага нисбатан тугунчалар (10 кунликкача бўлган ёш кўрак), ингичка толали совет ғўза навларида эса аксинча, тугунчага нисбатан шона кўпроқ тўкилар экан. Ғўзаларнинг нормал ривожланишини таъминлаш ва ҳосил органларининг тўкилишини камайтиришда чеканка муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланади.

Чеканка ғўзаларнинг ривожланиши ва гектардаги туп сонига қараб турли муддатларда ўтказилади, бунда үсимликнинг асосий поя ва үсув шохи учлари чимдиг ташланади. Шундай қилинганда ғўза бўйига ортиқча үсиб кетмайди, озиқ моддалар ва сув илгари пайдо бўлган ҳосил шохларига тақсимланади.

Тажрибалардан маълум бўлишича, ғўзалар июлнинг охири августнинг бошларида чеканка қилинганда орадан 14 кун ўтгач, үсимлик тупининг дастлабки 3 ярусидаги меваларда умумий азот миқдори 1230 мг, чеканка қилинмаган ғўзаларда эса бундан 191 мг кам бўлган. Бошқа бир мисол, чеканка қилинган ғўза меваларининг 1 г қуруқ моддасида углеводлар миқдори 46,2 мг, чеканка қилинмаган ғўзаларда эса 41,6 мг ни ташкил этган. Шунинг учун ҳам чеканка қилинганда ҳосил органларининг тўкилиши камаяди, кўсакларнинг вазни ошади, ҳосил эрта етилади ва ҳосилдорлик юқори бўлади.

Илмий текшириш муассасаларида олиб борилган тажрибалар шундан далолат берадики, ўрта толали совет ғўза навларининг ҳар тури чеканка қилинганда кўсаклар сони 2,9 тага ошар экан.

Битта кўсакдан чиқадиган чигитли пахта вазни ўрта толали совет ғўза навларида 0,2—0,4 г ошганлиги, кўсаклар 3—8 кун

ва бундан ҳам эртароқ етилганлиги, совуқ тушгунча териб олинган пахта ҳосили 10% гача ортганлиги, шу билан бирга пахта сифати анча яхшиланганлиги кўп йиллик тажрибалар натижасида аниқланган.

Жумладан, кейинги йилларда СоюзНИХИ нинг марказий экспериментал базасида ўтказилган тажрибаларнинг якуни шуни кўрсатадики, фўза ҳар хил муддатларда чеканка қилинганда ва ўғитлаш нормалари ҳам ҳар хил бўлганда, пахта ҳосилига катта таъсир қилишини 45-жадвал маълумотидан кўриш мумкин («Тошкент—1» фўза навида).

45-жадвал

Чеканка муддати ва ўғитлаш нормаларининг пахта ҳосилга таъсири, га ц

Муддати	1-йили	2-йили	3-йили	4-йили	Уртача 4 йилни
---------	--------	--------	--------	--------	----------------

Одатдаги ўғит нормалари: азот 250 га/кг, фосфор 125 га/кг, калий—125 га/кг,

Контрол (чеканка қилинмаган)	40,3	39,3	38,4	37,7	38,9
10 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	37,8	36,5	35,8	35,2	36,3
12 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	47,2	46,4	45,7	44,8	46,0
14 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	43,1	42,3	40,9	39,3	41,4
16 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	41,3	40,5	38,5	37,9	39,6

Оширилган ўғит нормалари: азот—375 га/кг, фосфор—250 га/кг, калий—125 га/кг

Контрол (чеканка қилинмаган)	47,1	46,5	46,9	45,7	44,3
10 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	45,3	44,9	43,7	42,9	44,3
12 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	51,0	50,3	48,9	47,6	49,5
14 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	53,6	52,6	51,4	50,8	51,1
16 та ҳосил шохи пайдо бўлганда	56,6	55,1	54,3	53,2	54,8

Жадвал маълумотларига кўра чеканка эрта қилинганида фўза бачкилаб кетган. Фўза одатдаги нормада ўғитланганда 12 та шох чиқарган ва юқори нормада ўғитланганда эса 16 та шох чиқарган. Шунда юқори ҳосил олинган.

Турли тупроқ-иқлим шароитида ўтказилган тажриба маълумотларига кўра, чеканка қилинмаган пайкалларининг гектаридан 32,2 центнердан ва чеканка қилинган пайкаллардан эса 37,1 центнердан ҳосил олинган. Чеканка туфайли пахтани машиналар билан теришда (айниқса биринчи теримда) иш унуми юқори бўлмоқда. 1-сорт пахта миқдори ва пахтани машиналарда териб олиш коэффициенти ортмоқда, маҳсулот таннархи арзоиашмоқда ва гектаридан олинадиган соф фойда ошмоқда. Юқорида айтилгандек, чеканка қилиш муддати фўзанинг ҳолатига, айниқса кўчат қалинлигига, экилган нав хусусиятларига, иқлим шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Пахтакор раёнларида тупроқ-иқлим шароити турлича бўлишидан қатъи назар, чеканкани июль ойининг иккинчи декадасидан бошлаб 5—10 августгача тугаллаш тавсия қилинади (46-жадвал).

Ўрта толали ғўза навларида чеканка қилиш муддатининг пахта ҳосилига таъсири, га/ц

Тажриба ўтказилган жой	Чигит экилган вақт	Чеканка қилинган вақт	Ҳосил шохлар сони	Қўлиничча ҳосил (+/-) га/ц
СоюзНИХИнинг Марказий экспериментал базаси	23.IV	10.VII 25.VII 8.VIII 19.VIII	8,0 11,0 15,0 16,0	-3,3 +0,3 +3,1 +1,9
СоюзНИХИ нинг Андижон филиали	5.IV	10.VII 15.VII 25.VII 10.VIII	11,0 12,0 14,9 17,0	+3,6 +5,2 +5,1 +2,6
САИМЭ тажриба далаларида	11.IV	30.VI 10.VII 20.VII 25.VII 30.VII	6,1 8,2 11,8 14,0 19,5	-1,0 +1,7 +3,2 +2,8 +2,1
Қорақалпогистон қишлоқ хўжалик институти (Чимбай)да	4.V. (қайта экилган)	15.VII 20.VII 25.VII 5.VIII	9,0 11,0 13,0 15,0	-3,0 +1,2 +3,1 +1,3
Туркманистондаги Чоржўй тажриба станциясида	10.IV	15.VII 20.VII 25.VII 30.VII 5.VIII 10.VIII	10,1 12,1 13,0 14,0 15,0 15,7	-1,5 +0,6 +3,6 +3,8 +4,1 +2,4

Чеканка қилиш муддати зонанинг об-ҳаво шароитига, чигит экиш муддатига, кўчат қалинлигига, ғўзанинг ривожланишига, қўлланилган агротехника тадбирларига қараб жадвалда кўрсатилганидан бир неча кун олдин ёки кейин ўтказилиши мумкин.

Кейинги йилларда тўплланган кўпдан-кўп маълумотларга қараганда, ғўза чеканкасини ўтказишда ҳосил шохлар ҳисобидан ташқари, кўчат сони ва ғўза тупида пайдо бўлган қўсак миқдори ҳам эътиборга олиниш мақсадга мувофиқ экан (47-жадвал).

Ғўзани чеканка қилиш муддатлари

Ғўза наси	Кўчат қалинлиги, га/миниг дона	Ҳосил шохлар сони	Қўсак ми.до.ни
Ўртача толали	100—120 130—140	15—16 13—14	3—4 3—4
Ингичка толали (шохланиши «нулев-ка» тип)	130—140 150—160	20—22 18—20	5—6 5—6

Ғўзаси ўсишдан орқада қолган далаларда чеканка қилиш ҳосилнинг ошишига фойдали таъсир қилмайди, шунинг учун бундай пайкаллардаги ғўзаларни чеканка қилиш тавсия этилмайди.

Чеканка қилишда асосий поянинг учи — ўсиш нуқтаси билан бир вақтда барча ён, яъни ўсув шохларининг учи ҳам чимдиг ташланади. Одатда, бизнинг шароитимизда ғўза навига қараб 1—3 та ўсув шохи чиқаради. Чеканка вақтида ён шохлар учини чимдишда чала қолдирмаслик керак, акс ҳолда унинг нафи кам бўлади, бунинг устига унга сарф ўсув шохи кўпинча бақувват ривожланади. Ғўза кўчатлари ланган вақт ва меҳнат зое кетади. Учи чимдиг ташланмаган қалин қолдирилган майдонларда, одатда, ён шохлар яхши ривожланмайди ёки мутлақо бўлмайди, бундай ҳолларда фақат асосий поя учини чимдиб кетилади, холос.


Қўлда чеканка қилишда асосий поянинг учи тўла шакллана бошлаган 1—2 та барги (1—1,5 см) билан чимдиг ташланади (61-расм). Ноль типда шохланадиган ингичка толали ғўза навларида асосий поя учини чимдиг ташлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу хилдаги ғўза навларида асосий поя учини 1—1,5 см узунликда чимдиг ташланса, ҳосилнинг бир қисми йўқолади, яъни 2—3 та кўсак бой берилади. Шунинг учун чеканкада фақат асосий поянинг ўсиш нуқтасинигина, ён шохларидан эса энг юқоридаги мева пайдо бўлган оралиққача бўлган қисмини чимдиб олиш лозим.

Чеканка асосан бир марта ўтказилади, лекин ўсишдан орқада қолган ғўзаларни қолдириб кетиб орадан 6—10 кун ўтгач, яъни етилгач, чеканка қилиш яхши самара беради. Агарда чеканка кечикса унда ёппасига ўтказилади.


Чеканка қилиш қўл меҳнатини кўп талаб қиласи, масалан, бир гектар ердаги ғўзани чимдиш учун 3—4 иш куни керак.

Кейинги йилларда қўл меҳнатини кескин камайтириш мақсадида ғўзаларни машиналар ёрдамида чеканка қилишга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки бу усул кунига 25—40 киши-кунини тежаб қолишига имкон беради.

Илмий-текшириш ташкилотларининг маълумотларига (САНИИЭСХ, САИМЭ) қараганда, бир гектар ердаги ғўзани қўлда



61-расм. Ғўзани чеканка қилиш



62-расм. ЧВХ-4 чеканка қилиш мосламасини КРХ-4 культиваторига осиб ишлатиш схемаси.

чеканка қилиш 6 сүм 15 тийнга, механизмлар ёрдамида (шкки марта ўтказиш ҳисобида) — 1 сүм 68 тийнга тушади. Механизмлар ёрдамида иккى марта лаб чеканка қилинганида 1 гектар ердан 4 сүм 47 тийин иқтисодні самара олинади. Битта ЧВХ—4 мосламаси бир мавсумда 49,5 гектар ердаги ғұзани чеканка қылганда 221 сүм 69 тийин фойда беради. Шунинг учун ғұзани механизмлар билан чеканка қилиш иш ҳажми шил сайин ортиб бормоқда.

Чеканка қилиш трактор учун жуда енгил иш бўлгани сабабли бир йўла ғўза қатор ораларига ишлов бериш каби ишларни ҳам бажариши мумкин. Бу соҳада Иттифоқ миқёсида донг таратган, қишлоқ хўжалик ишларни комплекс механизацияга асосланган Ленин орденли «Ўзбекистон ССР беш йиллги» совхози тажрибаси диққатга сазовордир. Совхозда пахтачилликка доир барча ишлар қатори чеканка қилиш ҳам тўла механизациялаштирилган.

Чеканка қилишда ЧВХ—4 ва ЧВХ—3,6 мосламалардан фойдаланилади. ЧВХ—4 мосламаси 60 см ли, ЧВХ—3,6 ва ЧХТ—4Б лар эса 90 см ли қатор ораларидаги ғўзаларни чеканка қплишда ишлатилади (62, 63, 64-расмлар). Бу мосламалар фақаг асосий поянинг учини қирқиб кетади, шунинг учун яхши ривожланган ён ўсув шохларини қўлда чилпиншга тўғри келади (62, 63, 64-расмлар).


Шуни ҳам айтиш керакки, мосламанинг пичоқлари асосий поя учини 3—5 см узунликда қирқиб кетадиган қилиб трактор олдига ўрнатилади. Мослама бир йўла маълум баландликдаги ғұзани бир текис чеканка қилади, юқорида айтилганидек, бунда ҳам ўншдан орқада қолган ғўзалар қолдприлади ва орадан 7—10 кун ўтгач, такрорий ўтказилади. Лекин энди пичоқлари олдингига нисбатан 3—5 см баланддан қирқадиган қилиб ўрнатилади.

Машинада чеканка қилинганда мослама асосий поя учпни қўлда чимдиганга нисбатан кўпроқ қирқади. Шунга кўра машиналарда чеканка қилинадиган пайкаллардаги ғўзаларнинг ҳосил шохи қўлда қилинадиган участкалардагига нисбатан 2—3 та кўп бўлгани маъқул. Бинобарин, чеканка машинаси аппаратининг пичоқлари шундай ўрнатилиши керакки, улар 2—3 тадан ортиқ бўғимни қирқмасин.

Иш жараёнида ЧВХ—4 агрегатидаги пичоқлар ўртасидаги масофа 597 мм дан кам бўлмаслиги, тракторнинг юриш тезлигиги эса соатига 4—5 км дан ошмаслиги лозим.

Ғұзани механик усулда чеканка қилиш билан бир қаторда бугунги кунда химия воситасидан ҳам фойдаланилмоқда.

Ғұзани ТУР препарати (хлорхолинхлорид) билан химиявий усулда чеканка қилиш бошқа усуллардан устун туради. Чунки қўлда чеканка қилинса, кўп қўл меҳнатини талаб қиласди. Машинада амалга оширилганда ҳам ён ўсиш шохларининг учини барни-бир қўлда қилишга тўғри келади. Химиявий усул эса қўл меҳнатидан мутлақо озод қиласди. ТУР ўсимликка яхши таъсир



63-расм. ЧВХ-4 мосламасининг иш органларини жойлаштириш схемаси
64-расм. ЧВХ-3,6 мосламаси иш органларининг жойланиш схемаси

Этиш оқибатида ўсуви ёш поя ҳужайраларини бўйига ўсишдан вақтинча тўхтатади, ҳужайраларни кўндалангига бўлиш хусусиятини кучайтиради, бош поя йўғонлашади. Ўсимликнинг қурғоқчиликка, иссиққа, совуққа, баъзи касаликка чидамлигии оширади.

Препарат кўсакларнинг этилишинин 2—3 кунга тезлатади ва пахта ҳосили эса 0,9—3,5 га/ц ошади.

Химиявий усулда гўзани чеканка қилиш муддатлари юқоридаги 47-жадвалда берилган рақамлар асосида ўтказилади.

ТУР препаратини белгиланган нормада сарфланганда келадиган фойда юқори бўлади. Шунинг учун бир гектар ерга ўрта толали гўза нави учун 0,25 кг ва ингичка толали гўза нави учун 0,4 кг (соғ модда ҳисобида) ишлатилади.

ТУР препарати — суюқ паста ҳамда кристалл шаклида бўлиб, уни қанчадан ишлатиш кераклигига қараб га/кг ҳисобида

олннади (48-жадвал) ва пшчи эритма тайёрланиб бир гектар ерга 300 литр эритма сарфланади.

48-жадвал

ТҮРНИНГ ТОВАР ШАКЛГИГА КҮРА БИР ГЕКТАРГА САРФЛАНАДИГАЧ МИҚДОРИ

Соф молда миқдори кг/га	Суюқ шаклди (60% ли сувли эритма)		Пастасимош шаклди (18% соф молда)		Кристалл шаклди (28% соф молда)	
	оғирлиги, кг	ҳавакки, л	оғирлиги, кг	ҳажми л.	оғирлиги, кг	ҳажми л.
0,20	0,33	0,30	0,22	—	0,204	—
0,25	0,41	0,37	0,28	—	0,255	—
0,30	0,50	0,45	0,34	—	0,306	—
0,35	0,58	0,50	0,40	—	0,357	—
0,40	0,66	0,60	0,45	—	0,408	—

Эритмани ОВХ—14, ОВХ—28 ёки хўжаликлардаги марказий машина парки ва сельхозтехника бирлашмаларида тайёрланиб мосламаларда пуркалади. Эритмани пуркаш эрталаб ёки кечки пайтларда, шамол тезлиги секундига 6 м дан ортиқ бўлмаганида амалга оширилади. Препарат билан ишлайдиган кишлари санитария-гигиена чоралари ва хавфсизлик техникасига риоя қилиши шарт. Ишдан кейин ОВХ лар сув билан ювилади.

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАМДА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

↗ Пахта ҳосилини ошириш, унинг сифатини яхшилаш, таннархини камайтириш учун ғўза заараркунандаларига, касаллик қўзғатувчиларга ҳамда бегона ўтларга қарши энг самарали кураш тадбирлари комплексини ўз вақтида ва кенг ўтказиш лозим.

Ғўза ва бошқа экинларни заараркунандалардан ҳимоя қилиш бутун бир системага асосланади. Бу система ташқилли-хўжалик, агротехника, карантин, биологик ва кимёвий тадбирларни ўз ичига олади. Мазкур тадбирларнинг ҳаммаси заараркунандаларниг ривожланишига йўл қўймасликка ва уларни қприб ташлашга қаратилган.

Заараркунанда ҳашаротларнинг оғиз аппаратининг энг кўп тарқалган типи сўрувчи, кеми्रувчи ва санчиб-сўрувчилардир. Ғўза заараркунандалари сўрувчи ва кемирувчилар группаларига мансуб.

Ғўза учун ўргимчаккана, шира (полиз, акация, катта ғўза шираси), тамаки трипси ва кемирувчилар — кузги тунлам, ғўза тунлами (кўсак қурти), карадрина, чигирткалар жнддий хавф туғдирадиган заараркунандалардир.

Зааркунандалар гүзага бутун ўсув даври давомида зараретказади. Ривожланнинг дастлабки даврида чигитни, ёш ниҳолларин, кейинчалик барг ва поясини, шоналаш давридан бошлаб ҳоснл органларини заарлайди.

Ҳашаротлар индивидуал ривожланиш жараёнида ёки оптогенезида икки даврии — тухум ичида эмбрионал ва тухумдан чиққандан кейинги постэмбрионал ривожланишни кечиради. Бу уч ёки тўрт фазани: тухум, личинка, ғумбакли (ҳаммасида эмас) ва етукликни (вояга етган ҳашарот) ташкил қиласди. Тухумдан чиққандан кейин ривожланадиганда бир фаза бошқа фазага айлапиб боради.

Онтогенезнинг бундай хилини метаморфоз ёки бир фазадан иккинчисига айланиб ривожланиш дейилади.

Умуман ҳашаротлар нотўлиқ ва тўлиқ ривожланади. Нотўлиқ ривожланганида ҳашарот кетма-кет тухум, личинка ва вояга етган ҳашарот каби учта ривожланиш фазасини кечиради.

Тўлиқ ривожланган ҳашаротлар тўртта: тухум, личинка (қурт), ғумбак ва вояга етган фазаларини (имаго) ўтказади.

Ҳашаротлар ҳар хил усулда кўпаяди. Кўпчилиги тухумдан кўпаяди. Бироқ айрим ҳашаротлар бошқача: тирик туғиши, партеногенез, педогенез ва полизембрионал ҳам кўпая олади.

Тирик туққанда — муртакнинг эмбрионал ривожланиши она танаси ичида тугалланади, шу бонсдан тухум ўрнига личинка ёки ғумбак қўяди. Тирик туғиши ўсимлик битлари, баъзи сувараклар, триплар, қўнғизлар ва пашшаларгагина хосдир.

Партеногенез — ёки жуфтисиз урчиидиганларда, тухум қўядиганларда ҳам, тирик туғадиганларда уруғланиш содир бўлмайди. Бу ҳодиса нинанини ва қандалалардан бошқа деярли барча ҳашарот туркумларида учрайди.

Педогенез ёки болаликдаги урчиш личинка фазасида кўпайишдан иборатdir. Бунда личинканинг тухумдонидаги тухум партеногенетик ривожланиб, улардан личинкалар пайдо бўлади, у она личинка танасини еб ташқарига чиқади, янги бўғин личинкалари ўз навбатида педогенетик усулда ривожланади ва икки жинсли бўғин пайдо бўлгунча шу тартибда кўпаяверади. Педогенез партеногенезнинг ҳар хил тури ҳисобланади. У қўнғиз ва қандалаларнинг айрим турларида учрайди.

Полизембрионал ёки кўп муртакли кўпайиш ўзига хос тухум фазасида урчишдан иборат бўлиб, баъзи паразит пардақанот ва еллигичсизон қанотлиларга тааллуқlidir. Полизембрионал рўй берганда хўжайин танасига қўйнлган тухум мураккаб жараёнлар йўли билан жуда майдаланиб кетадида, уларнинг ҳар қайси личинка ҳосил қиласди. Бу кўпайиш паразит ҳашарот учун фойдали бўлиб, онанинг тирик моддасини кам сарфлаган ҳолда тур сонини жуда кўпайтиришга имкон беради.

Ҳашарот асосий жинсий функцияни адо этгандан кейин ўлади.

Тухумлик фазасида етуклик фазасигача давом этган ривож-

лапиш циклини бўғин ёки генерация дейилади (бунда ҳашарот урчиш қобилиятига эга бўлиб қолади).

Ҳашарот йил мобайнида бир неча марта бўғин бериши мумкин. Масалан, ғўза бити ўсув даври давомида 20—26 гача гўзатунлами учтўрт марта, фитономус эса бир марта бўғин беради.

Кузда салқин тушиши билан ҳашарот қишлоғга тайёргарлик кўра бошлайди. Бунда мұхитнинг гигротермик шароити, шунингдек озиқнинг биохимиявий структурасидаги сифат ўзгаришлари мұхим роль ўйнайди. Бу эса гўзанинг асосий зааркунандаларининг ривожланишини узоқ муддатга мўлжаллаб прогноз қилишда асос бўлади. Ҳашарот ҳар хил шароитда қишлоғди, аммо ҳаммаси ҳам тупроқда, пўстлоқ остида, органик қолдиқлар тагида совуқдан ўзини ҳимоя қиласди. Бунга у олдиндан тайёргарлик кўради.

Бўғин бериш сонини, уларнинг ривожланиш муддатларини, турнинг озиқланиши ва қишлаш усулларини билиш назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки заарли ҳашаротларга қарши қураш чораларипп қўришда шуларга асосланади.

Ҳашарот теварагимиздаги табиатни бир қисми бўлгани ҳолда, у билан ўзаро мустаҳкам боғланиб туради. У биоценоз таркибиغا, яъни бирор территория участкасида яшовчи тирик ўсимлиқ ва ҳайвон организми комплексига киради. Биоценоз организмлар ўзаро мустаҳкам боғланган ҳолда бир-бирнга катта таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ҳашарот жонсиз (абиотик) табиат таъсирига йўлиқиб туради. Ҳашарот ҳаётига одам ҳам таъсир қиласди.

Биоценоз — ўсимлик ва ҳайвонлар комплекси яшайдиган озми-кўпми бир хил тупроқ ва пқлим шароити мавжуд территориянинг ҳар қайси биотипи учун хосдир. Пахта даласи, бедапоя, маккажӯхори, ўтлоқ ва ҳоказолар биотипидир.

Муайян ҳашаротнинг йил мавсумларида учрайдиган барча жойлари стация дейилади. Бу жойлар онтогенезнинг турли даврларинда ёки ҳар хил генерацияларда турли хил биотипларга мансуб бўлиши мумкин. Масалан, кузги тунламнинг популяцияси гўзанинг шоналаш давригача давом этади. Бу зааркунанданинг бошқа бўғинлари бўлак экинларда ва бегона ўтларда бўлади, яъни яашаш стацияси генерациялар бўйича алмашиб туради. Гўзага тушадиган полиз ва акация битлари, қандалалар каби бошқа бальзи зааркунандаларда ҳам худди шундай аниқ маизара кўзга ташланади.

Ҳашаротга ҳарорат, намлик ва ёруғлик жиддий таъсир этади. Унинг тана ҳарорати теварак мұхит ҳароратига қараб доим ўзгариб туради. Кўпгина ҳашаротларнинг ҳаётини маълум даражада тупроқ билан боғлиқдир. Шу сабабли улар тупроқ хилига, унинг физик-химиявий таркибиغا, намлик ва органик моддалар миқдорига талабчан бўлади.

Кузги тунлам енгил тупроқни ёқтириб, оғир соз тупроқдан қочади; чигиртка эса аксинча, тухумини ҳайдалгай майдон-

лардан нарироқдаги ташландиқ ерларга құяды. Зааркунанда-ларнинг ривожланишига қарши қатор агротехника тадбирлари амалға оширилганды — ана шуларга жиддий эътибор берилади.

Табиаттинг ўзига хос қонунларини ҳисобға олган ҳолда уни оқилона бошқариш, заарали ва фойдалы ҳашарот турлари ўртасидаги монанд бөгланишларни аниқлаш — ўсимликларни ҳимоя қилиш ишиниң тақомиллаштиришнинг муҳим шароитидир.

Хозирги вақтда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг уйғунлаштирилган (интегрированная) системаси ишлаб чиқарилған. Бу системанинг мақсади энтомофагларни түлиқ сақлаб қолған ҳолда агротехник, биологик, химиявий ва бошқа усулларни комплекс күллаш йўли билан зааркунандаларни йўқотишдан иборатdir.

СҮРУВЧИ ҲАШАРОТЛАР

Үргимчаккананың таңаси. Бу зааркунанда пахта етиштирилдиган барча районларда кенг тарқалған. Үргимчакканалар ўсимлик қолдиқларида, кесаклар тагида, бегона ўтлар ва тут дараҳтларида, дала чеккаларидан қишлоғайи ва баҳорда шу жойлардан гўза ниҳолларига ўтади. У ҳаммахўр зааркунанда ҳисобланиб 200 дан ортиқ турдаги ўсимлик билан озиқланади: гўза, тут, қовун, тарвуз, қовоқ, ловия, соя, нўхат, беда, олма ва ҳоказо; парник ва теплицаларда эса бодрингни зааррлайди. Үргимчаккананың зарар келтириши унинг гўзага тушиш муддатига ва ўсимликларда қанча туришига боғлиқ. Қанча барвақт тушса, шунча кўп шикаст етказилади.

Үргамчаккананың таңаси овал шаклида, бўйи 0,3—0,6 мм га боради. Унинг баҳор ва ёздаги авлоди яшил-сариқ, қишлоғаб чиқадиганлари — тўқ сариқ, қизил тусда бўлади. Таңасининг ён томонларидаги иккита қорамтири доғлар яққол кўриниб туради.

Урфочиси ўзининг ривожланишида тухум, личинка, пронимфа, дейтонимфа ва вояга етган (имаго) даврларини кечиради (65-расм). Личинкада уч жуфт, нимфа ва имагосида тўрт жуфтдан оёқ бўлади.

Үргимчаккананың ёзда (июнь, июль, августда) 8—12 кунда, май ойида 15—20 кунда, март-апрель ойларида эса 25—30 кунда ривожланади. Иил мобайнода, географик ҳолат, об-ҳаво шароити ҳамда гўзаннинг турига қараб 12 дан 20 тагача авлод беради, шундан 8—12 авлоди июнь—август ойларига тўғри келади. Ривожланыш вақтида уларнинг 40% ва ундан кўпроғи табиий равишда қирплиб кетади. Урфочи үргимчакканан совет гўза навларидан 100—160 тагача тухум қўяди. 30—40 кун ҳаёт кечиради. Ингичка толали навларда 40—50 та тухум қўйиб, 10—15 кун яшайди; бегона ўтларга 30 тагача тухум қўяди ва 10 кундан зиёдроқ умр кечиради.

Үргимчаккананың одатда шамол ёрдамида, үргимчак иплари воситасида, шунингдек, иш қуроллари ва ҳоказолар орқали тарқалади. У ингичка толали гўза навларига суст, ўрта толали гўза навларига кучли таъсир этади. Үргимчакканалар гўза

баргларининг ости қисмига гуж-ғуж бўлиб ўрнашиб олади. Ўзанинг бутун ўсув даври давомида ўсимлик шираси билан озиқланади. Зарарланган баргларнинг устки томонида унда-бунда оч тусли, қаттиқ зарарланган жойларида эса қўнғир ва қизғиш доғлар пайдо бўлади. Натижада кучли зарарланган ғўзаларнинг барглари ва ҳосил органлари тўкилиб кетади.


Кураш чсралари. Бунда даставвал энг чидамли гўза навларини экишга, алмашлаб экишга, ғўзапоянни кузда тозалаб йиғиширип облишга, далани кузда шудгор қилишга, қишида яхоб беришга, уват, йўл ва ариқ ёқаларини бегона ўтлардан тозалашга, даладаги ва теварак-атрофдаги ўсимлик қолдиқларини йўқотишига, бўш-ётган ерларни ўзлаштиришга, далаларни текислашга, тут дараҳтларининг танаси ва илдиз бўғизни бачки новдалардан тозалашга, дараҳт тагларини чопишга ва ҳоказоларга катта эътибор бериш керак.

Ғўзани ягана қилиш ва тупларини ростлашда, биринчи навбатда касалланган ҳамда зараркунанда таъсиридан шикастланган ғўзаларни йўқотиши керак. Ўргамчикканага қарши курашишда уват, йўл ҳамда сугориш тармоқлари ёқаларидаги бегона ўтларга ва тут дараҳтларига кўкламда химиявий дорилардан нитрофеннинг 4—6% ли эритмаси сепилади. Бу иш тут дараҳтларни куртак чиқармасдан олдин, ҳавонинг ўртача ҳарорати 7—8 даражага кўтаришган пайтда бажарилади.

Ғўзага қўйнадаги препаратлардан бирортаси билан ишлов берилади: хлор этанол 20% қ.э. 3—5 кг/га; антио 25% қ.э. 2—2.5 л/га; фосфамид (Би—58) 40% қ.э. 1,5—2,5 л/га; золон 35% қ.э. 2,5—3 л/га; золон (бензофосфат) 30% н.к. 3—3,3 кг/га; карбофос 50% қ.э. 0,6—1,2 л/га; тедион (польякаритокс) 50% н.к. 3—5 кг/га; тедион 30% н.к. 4—6 кг/га; трихлорметафос 3,50% қ.э. 2 л/га; этафос 50% қ.э. 4 л/га; этафос 30% н.к. 4 кг/га; коллоид олтингугурт н.к. 2—5 кг/га; олтингугурт кукуни 20—30 кг/га; 0,5—1° оҳак-олтингугурт қайнатмаси (Исо) — 300—600 л/га.

Контактли препаратлар ОВХ—28 маркали ерда ишлайдиган аппаратлар ёрдамида сепилади. Бунда ишчи суюқликнинг сарфи гектарига 200—400 л/га, авиация ёрдамида химиявий ишлов берилганда эса ишчи эритма сарфи гектарига 50—100 л ни ташкил этади.

Ўргимчакканаларга қарши курашда навбатма-навбат инсектицидлар билан турли химиявий составда (бевосита юқтириб ёки аралаш ҳолда) акарицид препаратлари ишлатилади.



65-расм. Ўргимчаккан

Қисқартырылған шартлы белгилар

- К — кукун
Қ. С. — қуюқ суспензия
Қ. Э. — қуюқ әмульсия
Н. К. — памланувчи кукун

Үргимчакканапинг күргина (қарийб 40 тур) күшандаси бор, аммо булардан стеторус құнғизи, канахұр трипс, йиртқич қандала, (ориус) ва олтінкүзлар биологик курашда катта ахамиятта әгадир.

Қанахуртрипс суткасига кананинг 50 тагача тухуми ва личинкаларини, стеторус личинкаси ва құнғизлари 100 тагача, олтінкүзнинг катта ўшдаги личинкаси эса 800 тагача тухумини ейди.

Кейинги йилларда йиртқич кананинг фитосейус корнигер ва метасейус оциденталис турлари үргимчакканага қарши биологик курашда фойдаланмоқда.

Үсимлик битлари (шира). Ғұзага беда ёки акация бити, ғұза ёки полиз ва катта ғұза бити зарар етказади. Шира үсимлик қолдиқларida, тупроқда қышлайди. Баҳорда бегона ўтлардан бедадан, ғұза ниҳолларига ўтади. Шира бағларининг остки құсмуга, ғұзанинг ниҳолларига, ўсиш нұқталарига ғуж-ғуж бўлиб ўрнашиб олади. Ү үсимлик шираси билан озиқланади. Шинрадан шикастланиш натижасида ўсиш нұқтаси қурийди, ғұза бағлари буришиб қолади, ҳосил органлари тўкилиб кетади. Бундай үсимликлар жуда суст ўсади. Заараланган үсимликларда ҳосил 15—20% гача камайиши мумкин.

Шира, айниқса, баҳорда катта зарар келтиради: ғұзанинг ўсиш нұқтаси шикастланиши натижасида у ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади. Шунингдек, шира пахта терими вақтида ҳам катта зарар келтиради. Бунда үсимлик битлари чиқарган шира билан тола ифлосланади ва ёпишқоқ бўлади. Бундай толаларда кўпинча қора шира (қора мөфор) пайдо бўлади, у толанинг сифатини бузади.

Үсимлик битлари сўрувчи майда ҳашарот бўлиб, чала ўзгариб ривожланади. Мавсум мобайнида 20—26 та, беда бити эса 12—15 тагача авлод беради. Үргочилари ёзда 18 кун яшайди ва 150 тагача личинка беради. Личинкалар ривожланиб, тўрт марта пўст ташлайди ва беш ёшни кечиради. Яшаш жойи алмашганида уруғланган тухумлар асосий үсимликларда қышлайди.

Беда ёки акация бити. Акация бити ғұзадан бошқа беда, оқ акация, срёңғоқ, нұхат, шунингдек полиз экинларига шикаст стказади. Ғұзага май-июнь ойларida энг кўп зарар етказади. Ү ғұзанинг ўсиши ва ривожланишини сусайтиради.

Тирик туғувчи урғочининг танаси ялтироқ қора бўлиб, бўйи 1,3—2,1 мм га боради (66-расм).


Акация бити белада у дағаллашгунча ривожланади, кейинчалик бошқа үсимликларга, асосан акацияга ўтади.

Акация бити ғұзада ва бошқа дуккаксиз үсимликларда озроқ (30 кун) яшайди. Қанот пайдо қилган битлар бедапояга

учиб ўтади ва кеч күзгача ўсимликларнинг илдиз бўғизида бўлади. Дастребки совуқ тушиши билан жиис ташувчилар, эркаклар ва тухум қўядиган ургочилар пайдо бўлади.


Полиз бити—ғўза, полиз экинлари, ерёникоқ, каноп ва ҳоказоларга қаттиқ зарар етказади.

Полиз бити бегона ўтларда, асосан тугмагул, ёввойи горчица каби ўсимликларда личинка ва етук бит ҳолида қишишлайди. Полиз бити апрель ойнда қишишлаб чиқади ва дастлабки вақтда



66-расм. Беда ёки акация бити:

1) қапотли ургочиси; 2) қапотсиз



67-расм. Полиз бити:

1 ва 2) катта қапотли ургочилари, 3) қапотсиз ургочиси, 4 ва 5) личинкалар

бегона ўтларда учрайди. Май ойининг бошида ғўза ва полиз экинларига униб ўтади. Май—июнь ва сентябрь—октябрь ойларида ёппасига урчиб кўпаяди. (67-расм).

Катта ғўза бити — ғўза, мош, ловияга кўплаб тушади, бегона ўтларда янтоқда ҳам учрайди.

Катта ғўза бити танасининг узунлиги 3,5—4 мм га боради. Ривожланишининг ҳамма босқичларида танаси кўкиш ёки сарфиш, кўзлари қизил, оёқ учлари қўнғир тусли бўлади. У ғўзапояда ва янтоқзорда тухум фазасида қишишлайди. Баҳорда эса майининг иккинчи ярмида ғўзада пайдо бўлади.

Катта ғўза бити йил давомида тўлиқ ривожланиш даврини кечиради, ёзда партеногенетик усулда (эркаксиз тирик туғиб) кўпаяди, кузда эса битта жинсий бўғин натижасида тухум қўяди.

Кураш чоралари. Ургимчакканага қарши агротехник тадбирларни амалга ошириш ва заарланган ғўзаларни қўйидаги инсектоакарацидлар билан дорилаш тавсия этилади: антио 25% к.э. 2—2,5 л/га; фосфамид(Би—58) 40% к.э. 1,5—2,5 л/га;

золон 35% к.э. 2,5—3 л/га; золон (бензофосфат) 30% н.к. 3—3,3 кг/га; карбафос 50% к.э. 0,6—1,2 л/га; трихлорметафос 3,50% к.э. 2 л/га; этафос 50%, к.э. 4 л/га; этафос, 30% н.к 4 кг/га.

Үсимлик битларини йўқотадиган афидофаг—йиртқичлар ва паразитлардан—бит қўнғизи, визилловчи чинвиллар, «хон қизи», олтинкўз ва галлица пашшаларидан биологик курашда кенг фойдаланилади. Масалан, олтинкўз личинкаси 300 тагача, «хон-қизи» қўнғизи бир суткада 50—200 та, унинг личинкаси ривожланиш даврида 300—600 тагача үсимлик битларини йўқотади.

Қандалалар. Улар санчиб зарар келтириш йўли билан ҳосилдорликни камайтиришдан ташқари, касалликлар ҳам тарқатади. Фўзага икки тури—беда ва дала қандаласп энг кўп зарар етказади.

Беда қандаласи асосан ўзининг оғиз аппарати билан фўзанинг шона, гул, кўсакларини санчиб-сўриб зааррлайди. Қаттиқ зааррланган шона ва гуллар қуриб қолади, кўсакдаги тола камайиб, сифати пасаяди.

Беда қандаласи чўзинчоқ, 6,5 дан 9,5 мм гача катталикда бўлади. Қандала үсимлик поялари, хусусан беда ва бошқа бегона ўтлар ичига жойлашган тухум фазасида қишлиайди. Баҳорги иссиқ бошланиши ва анғиз ўсиши билан тухумдан личинка чиқа бошлайди. Беда қандаласи Ўзбекистон шароитида ёз бўйи уч-тўрт авлод беради. У беда ўриб олиниши билан ёппасига фўза ва бошқа экинларга учиб ўтади.

Дала қандаласи шакли жиҳатидан беда қандаласини эслатади, аммо бирмунча кичикроқ: бўйи 3,5—4,0 мм, ранги яшил, қора гули бўлади. Қандала улғайган ҳолида даладаги үспимлик қолдиқлари остида ва бегона ўтлар орасида қишилаб чиқади. Эрта баҳорда у ҳар хил ўтлар ва маданий үсимликлар билан озиқланади.

Қандала барглар ва барг бандлари ичига тухум қўяди. Инкубация даври бпр ярим ҳафтага чўзилади. Личинкасининг ривожланиши 25—30 кун давом этади. Лавлаги шўра, каноп ва фўза қандаланинг энг хуш кўрадиган үсимликлари ўтади.

У эрта кўкламдан то қузгача фўзанинг бутун ер устки қисмларини зааррлайди. Майса пайдо бўлганидан шоналагунча ўсув нуқтасига ва ёш баргларга шикаст етказади, шоналаш ва гуллаш—уруғ ҳосил қилиш даврида шона ва тугунчаларини тўқади. Зааррланган кўсакларда қорамтири ботиқ доғлар пайдо бўлади, уларниң ривожланиши ва ётилиши кечикади. Қандала Ўзбекистон шароитида йилига уч-тўрт марта авлод беради.

Кураш чоралари. Үргимчакканаларга ва битларга қарши қўлланадиган инсектоакарицидлар қандаланн ҳам йўқотади.

Тамаки трипси—фўзага кўп тушадиган зааркунданда ҳисобланади. У фўзадан бошқа инёз, карам, помидор, картошкага ҳам шикаст етказади.

Тамаки трипси майда ҳашарот, бўйи 0,8—0,9 мм келади. Оғиз аппарати санчиб сўришга мослашган, калта. Тамаки

трипси ер бетига тўкилган барглар ва ўсимлик қолдиқлари остида қишилайди. Март ойида трипс бегона ўтларда ривожланади, кейин фўзага ўтади. Ургочиси бир ойча яшайди ва шу вақт мобайнида ўсимлик тўқималарига 100 тагача тухум қўяди. Уч-тўрт кундан сўнг тухумлардан личинка чиқиб, асосан барг томири бўйлаб озиқланана бошлади. Тўрт марта пўст ташлагач, личинка вояга етган ҳашаротга (68-расм) айланади. Ўзбекистон шароитида трипс етти-сақкиз марта авлод беради. Фўза майсаларида трипслар ёш баргларга ва ўсув нуқталарига жойлашиб олади. Зааралангган баргларининг ост томони ўзига хос равишда кумушсимон ялтираб қолади, шикастланган куртакларда эса мажмрафил барглар ёзилади. Учки куртаклар ўлгач, ўсимликнинг ривожланиши издан чиқади, баъзан ёш ўсимлик нобуд бўлади.

Кураш чоралари. 1. Ургимчаккана ва битларга қарши тажрибада кўрилган профилактик кураш тадбирлари қўлланади.


Трипсга қарши курашда: антио 25% к.э. 2—2,5 л/га; золон 35% к.э. 2,5—3 л/га; золон 30% н.к. 3—3,3 кг/га; карбофос 50% к.э. 0,6—1,2 л/га; хлорофос 80% н.к. 1,5—1,8 кг/га; трихлорметафос 3,50% к.э. 2 л/га препаратлардан фойдаланиш яхши самара беради.

Цикадалар. Санчиш йўли билан фўза ва бошқа ўсимликларинг барглари, барг банди, пояларини шикастлайди. Бутар орасида энг заарлиси сариқ цикададир. У барча пахта етиштирувчи жумҳуриятларга кўп зарар кеширади. Цикадалар янтоқзорларда, шунингдек қизилмия ва аччиқмия ўсадиган жойларда яшайди.


Сариқ цикада (ургочиси) фўзанинг, шоналаш даврида поясига тухум қўйғичисини санчиб шикастлайди ва ўша шикастланган жойига 10—20 та тухум қўяди. Оқибатда поянинг шикастланган қисмидан юқорпси сўлшидиди ва қуриб қолади. Июнь ойида тухум қўяди. Тухумлардан чиқкан личинкалар тупроқ ичига кириб, ҳар хил ўсимликларинг, жумладан фўзанинг ҳам илдинлари билан озиқланади. Нимфа ҳолига етгунича уч пил ўтади. Нимфалар қишилайди, эрта кўкламда эса улар етук ҳашаротларга айланаб, май ойида учиб чиқади. Генерация—бўғин бериш даври тўрт йилга чўзилади (69-расм).

Кураш чоралари. Далаларда ўтказиладиган агротехника тадбирлари цикадаларнинг личинкаларини йўқотади.

2. Зааракунанда тўпланадиган портов ва бўш ерлар ўзлаштирилиши, уларнинг доимий макони бўлган қизилмия ва янтоқзорлар йўқотилиши керак.



68-расм. Тамаки трипс:
чапда — личинкаси, ұнға —
кatta ёшдагиси



69-расм. Цикада:

1 ва 2) катта ёшдагилари, 3) личинкаси; 4) заараланган поя; 5) тухум күйинши

КЕМИРУВЧИ ҲАШАРОТЛАР

Кузги тунлам сугориладиган районларнинг деярли ҳамма ерида тарқалган. Фўза, беда, лавлаги, маккажўхори ва полиз экинлари, шунингдек, печакўт, ёввойи тожихўроз, олабута кузги тунламнинг энг яхши кўрган озиғидир.

Кузги тунламнинг капалак қуртлари тупроқнинг 5—10 см чуқурликдаги қатламида қишлияди. Мартда бу ҳашарот қурт шаклидан ғумбак шаклига ўтади, апрелда капалаклар учча бошлайди ва тухум қўяди. Кузги тунлам қуртлари униб чиқаётган фўза майсасини шикастлаб, уруғ паллаларни тешади, илдизларни ёки илдиз бўғзи яқинидаги пояни кемиради, баъзан майсанинг ер устки қисмига ҳам зарар етказади. Бу ҳашаротнинг биринчи авлоди асосан фўзага зарар етказади. Қуртлар ёппасига кўпайган йиллари фўза нихоллари шу қадар сийраклашадики, қайта экиш зарур бўлиб қолади.

Кузги тунламнинг етук қурти 5 см га етади. Баҳорда ўртача суткалик ҳарорат 10 дараҷадан ошганида қишлиаб чиққан қуртлар тупроқдаги инларини ташлаб ер бетига кўтарилишади ва ғумбакка айланишади. Капалакларнинг учиши Ўрта Осиё шароитида апрель-май ойларида давом этади. Бу ҳодиса 40 кунгача ва ҳатто 60 кунгача чўзилиши мумкин.

Қапалаклар 20—40 кун яшаб, жуфтлашиб тухум қўйишиди. Ҳар бир қапалак кўпи билан 2000 та, аксари 500—600 та тухум қўяди. У тухумларни ўсимликнинг илдиз ёнидаги қисмларга ва тупроқ бетига қўяди. Уч-етти кундан кейин тухумлардан майда, тўқ кул ранг қуртлар чиқади. Даастлабки қуртлар баргларнинг орқа томонида бўлиб, уларнинг эти билан озиқланади, кейин тупроққа тушади. Қуртлар тунда тупроқ бетига чиқиб ўсимликларнинг ер устки қисмларини зааралайди. Улар 30—40 кун яшайди ва шу вақт мобайнида беш марта пўст ташлайди, олтинчи ёшдаги қурт озиқланиб бўлгач, тупроқдаги инчасида гумбакка айланади (70-расм). Орадан 2—3 ҳафта ўтгач, гумбаклардан янги авлод қапалаклари чиқади ва урчиш даври яна бошдан такрорланади. Кузги тунлам Ўрта Осиё ва Закавказье шаронитларида, мавсум мобайнида 3—4 бўғин беради.

Биринчи авлод қуртлари ёш ғўза ниҳолларига зарар етказади. Учинчи авлод кузги бедага, шунингдек картошка, сабзавот ва полиў экинларига катта зарар етказади.


Кузги тунламниң табиии кушандалари бўлган йиртқич ва паразитларнинг 50 турдан кўпроғи рўйхатга олинган. Буларнинг орасида браконид, ихнеумонид, трихограмматид, тахинид опласига мансуб ўнтача турни кузги тунламни камайтиришда аҳамиятлайдир. Экин сугорилиб, кузги тунлам қуртлари ер бетига чиқсан пайтларда, қушлар уларни камайтиришда хизмат қиласди.

Кураш чоралари. 1. Кузда ерни шудгорлаш, яхоб суви бериш, бегона ўтларни йўқотиш, қатор ораларига ишлов бериш, уват, ариқ ёқаларини чопиш ва ҳоказолар;

2. Кузги тунламга қарши курашиш мақсадида ғўза ниҳолларни упиди чиққач, ўсув даврида ҳар гектар ҳисобига инсектицид ва бионпрепаратлардан 80% и.к 1,5—1,8 кг миқдорида хлорофос пуркалади.

Кузги тунламниң 1—2 ёшдаги қуртларига қарши ҳар гектар ҳисобига микробиологик препаратдан 3—4 кг битоксибациллин, 0,7—1 кг дендробациллин ишлатилади.

3. Ҳашаротнинг катта ёшдаги қуртларига қарши гектарига 20—50 кг хлорофос билан дориланган кунжара ёки шрот (ҳа-



70-расм. Кузги тунлам:

1) қапалак; 2) кузги тунлам қуртларини ғўза илғизини шикастлаётгани

шарот сонига қараб) ишлатилади (100 кг кунжара ёки шротга 3 кг хлорофос қўшилади).

4. Ҳашарот калалаклари тухум қўйиши даврида уларнинг кушандалари бўлмиш трихограмма қўйидаги уч даврда чиқарилади; тухум қўя бошлаганда — гектарига 60 мингта, 5—6 кундан кейин — гектарига 80 мингта ва учинчи марта гектарига 60 мингта. Бошқа кушандалар ҳам кузги тунламни камайтириша катта аҳамиятга эгадир.

Ғўза тунлами (кўсак қурти) — Ўрта Осиёда ҳамма жойда учрайди. Ғўза тунлами — ҳаммаҳўр зараркунанда. У ғўза, маккажўхори, помидор, дуккаклилар, ошқовоқ, ерёngoқ ва бошқа ўсимликларга шикаст етказади. Бу ҳашаротнинг гўзага зарар келтирувчи фаолияти ёпласига шоналаш даврида бошланади. Тунлам ғўзанинг гуллари, тугунчалари ва кўсакларинп шикастлайди. Гўзага тушган кўсак қурти пахта ҳосилини камайтириб, сифатини пасайтиради.


Кичик ёшдаги қуртлар ғўзанинг юқори қисмидаги баргларни этини ейди ва униш ёш шоналари билан озиқланади. Ўрта ёшдаги қуртлар шона ва гулларни, катта ёшдагилари эса тугунчалар ва кўсакларни ейди. Заарланган шона, гул ва тугунчалар қуриб тўкилади. Кўсакларнинг шикастланган қисмларига сапрофит замбуруғ ва бактериялар тушиб, уларни чиритади. Ҳар қайси қурт ривожланиш даври давомида ғўзанинг 15—20 тагача ҳосил элементларини шикастлайди. Апрель-май ойларидан тупроқнинг ҳарорати 16 даражадан ошганда, капалаклар учиб чиқа бошлайди ва учиш 30 кундан кўпроққа чўзилади.

Тунлам кўпинча тухумларини бегона ўтларга — дағал каноп, бангидевона, гулхайри, тугмачагул, мингдевоналарга қўяди. Ғўза тунламиининг биринчи авлоди ҳамиша кам бўлади. Улар эртаги экинлардан нўхат, помидор ва маккажўхорида ривожланади. Гўзага шоналаш даврида тухум қўя бошлайди. Зараркунанда ёзнинг биринчи ярмида барвақт ривожланган ўсимликларга, иккинчи ярмида эса анча кечки экинларга тушади.

Қапалаклар ғўзаси ғовлаб ўсан, сернам далаларни ёқтиради. Гигротермик шароитларга қараб, тўрт-олти кун оралатиб тухумлардан қуртлар чиқади. Тухумдан чиққан қурт оч яшил, рангли бўлади, кўп ўтмай қуртнинг боши қораяди, танасининг ранги эса яна ҳам тўқ тус олади.

Қуртнинг танаси майда қилчалар ва ҳолчалар билан қопланган. Олти ёшни кечириш даврида қурт танасининг тузи ҳар хил стадияларда ва ўсимликларнинг органларида озиқланишига қараб қўнғир — қора — кўк ёки яшилдан сарғиш рангчча ўзгаради.

Озиқланиб бўлган охирги ёшдаги қуртлар тупроққа тушади ва унда 5—12 см чуқурликда ин ҳосил қилиб, фумбакка айланади. Орадан 8—12 кун ўтгач, фумбакдан капалак учиб чиқади. Ғўза тунламиининг урғочиси организмнинг ҳаётий хусусиятига ва қўшимча озиқланишга қараб 400 дан 1000 тагача тухум қўяди (71-расм).



71-расм. Гўза тунлами:

1) қапалак; 2) гулни заарлаши; 3) кўсакни заарлаши

Усув даври мобайнида гўза тунлами уч-тўрт авлод бериши мумкин. Гўза тунлами ўзининг тўлиқ ривожланиш даврини (генерациясини) тухумдан то капалакка айлангунча 30—40 кун мобайнида тугаллади.

Гўза тунлами асосан гўза, маккажўхори, помидордан бўшаган далаларда, шуингдек уларга ёндош пайкал ва уватларда қишлияди.

Тухумхўр — трихограмма. Ўзбекистон шаронтида гўза тунламига қарши курашда оддий трихограммадан фойдаланилади.

Гектарига трихограмма чиқариш нормаси зааркунаанданинг сонига боғлиқ. Тухумхўрни биринчи марта далага чиқариш зааркунаанданинг тухум қўйини билан бошланиб, ҳар хафтадан кейин тақрорланади. Аниқлаинган тухум мидорига кўра, паразитининг зааркунаандага бўлган иисбати 1:1 ёки 1:2 қилиб олилади.

Пахта маёденининг ҳар гектарига камида 100 та жойга (яъни ҳар 10 м оралатиб) эрталаб қўйниб юборган маъқул.

Апантелес фақат гўза тунламини йўқотадиган паразитdir. Анаигелес паразити баркоидларининг энг агрессив турларидан ҳисобланади. Унча катта бўлмаган пардақанотли ҳашарот тухумларини биринчи ва иккинчи ёшдаги қуртларниң танасига қўяди. Кушанданинг личинкаси қурт танасида ривожланади ва вояга етган қурт хўжайин танасининг ўрта сегментларидан ташқарига чиқади. Кушанди личинкаларидан холи гўза тунламиниң қуртлари бир неча кун яшаб ҳалок бўлади. Кушанди личинкаси эса хўжайидаи чиқиб, 30—40 минут ўтга, ўзига қалин иштла ўраб олади.

Габробракон — ғўза тунлами, кичик қуруқлик тунлами ёки карадрина ва бошқа тангақанотлиларнинг эктопаразитиди. Габробракон заараркунандаларнинг ўрта ва катта ёшдаги қуртларида текинхўрлик қиласди.

Ихнеумонид катта ёшдаги ғўза тунлами қуртларининг кушендасидир. У йирик ҳашарот бўлиб, ўз тухумини катта ёшдаги қуртларга қўяди.

Тахина чивини — ғўза ва кузги тунламининг бу хил кушендаси Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Олтинкўз — Хриноза авлодига мансуб нозик тўрқанотли ҳашарот. Гўза заараркунандаларининг, жумладан гўза тунлами турлариппинг самарали табиий кушандаси ҳисобланади. Олтинкўз жағлари кучли бўлиб, аксари заараркунанданинг ёш қуртларига ташланади. Ўзидан чиқарган алоҳида моддалари билан дастлаб қуртларни фалаж қилиб қўяди. Олтинкўзлар сони жиҳатидан нахта майдони биоценозида энтомофаглар орасида етакчи ўринини эгаллайди.

Кураш чоралари. Алмашлаб экишни жорий этиш, ғўзапояни кузда тозалаб юнишириб олиш, кузда далани шудгорлаш, қишида яхоб бериш, уват, йўл ва ариқ ёқаларини бегона ўтлардан тозалаш, дала ва теварак атрофдаги ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, ғўзани чеканка қилишда чиллиб олинган қисмларни даладан ташқарига чиқариб кўмиб ташлаш керак.

Биологик усуулда кураш олиб борнишда оддий трихограмманинг маъдданий турларидан фойдаланилади.

Трихограммалар заараркунандалар ҳар гал тухум қўя бошлиганида уч-тўрт марта ҳамда то тухум қўйиш охиригача 3—5 кун оралатиб далага қўйиб юборилади. Ҳар қайси бўғини беришга қарши ҳар гектар майдонга қўйиладиган трихограмманинг нормаси заараркунанда сонига бояниқ бўлиб, бир гектар майдонга $60+80+60$ минг схема бўйича чиқарилади. Ғўза тунлами қуртларига қарши гарбобракон 1:20, 1:10 ва 1:5 нисбатда, 7—8 кун оралатиб чиқарилади. Унга қарши курашда апантелес, олтинкўз, тахина чивини ва бошқа энтомофаглардан фойдаланиш ҳамда уларнинг ривожланиши учун қулай шароит яратиш, шунингдек, биоценозларни биолабораторияларда кўпайтирилган энтомофаглар популяцияси билан тўлдириш керак. Ҳар 100 туп ғўзада 8—12 тадан гўза тунлами тухумлари ёки қурт борлигин аниқланса, далага қуйидаги препаратлар билан ишлов берилади: микробиологик препаратлардан битоксизациллин 3—4 кг/га, дендробациллин 0,7—1 кг/га (1—2 ёшдаги қуртларга қарши);

инсектоакарацидлардан: золон 35% к.э. 2,5—3 л/га; золон (бензофосфат) 30% н.к. 3—3,3 кг/га; севин 85% н.к. 2—2,5 кг/га; хлорофос 80% н.к. 1,5—1,8 кг/га; хлорофос 60% мкг 2—2,3 кг/га; гардон 75% н.к. 1,8—2 кг/га; гардон 50% н.к. 2,5—3 кг/га ишлатилади.

Катта ёшдаги қуртларга қарши курашда синтетик перитронидлардан кенг қўлланилади. Булардан амбуш 25%—

0,8 кг/га, деңис 25%—0,7—1,0 кг/га, цимбуш 25%—0,3 кг/га, шурелл—Д 20%—0,4 кг/га фойдаланилади.


Кичик қуруқлик тунлами — **карадрина** — гўзанинг хавфли зараркунандаси бўлиб, Урта Осиё ва Закавказье жумҳуринятларининг барча пахтакор районларида кенг тарқалган.

Карадрина ҳаммахўр зараркунанда. У фўза, беда лавлаги, каноп, нўхат, маккажӯхори, картошка, сабзавот ва бошқа экинларга, ёввойи ўсимликлардан эса олабута, қўйпекач, ёввойи тожихўroz, итузум ва бошқаларга қаттиқ шикаст етказади. Кичик ёшдаги қуртлари барг этини қиртишлаб ейди, катта ёшдагилари эса баргларни тешиб, унинг чеккаларини, новдаларнинг учларини, мевабандини кемиради, гулёнбаргларини, гулларни еб битиради, баъзан ҳоснил органларига тешиб киради.

Урта Осиё жумҳуриятларининг пахтакор районларида карадрина капалаги эрта кўкламдан (мартдан эътибораи) уча бошлайди ва то кеч кузгача учиши давом эттиради.

Қишилаб чиққан бўғинининг битта ургочиси 2000 тагача, ундан кейинги бўғиндан чиққани 300 дан 600 тагача тухум қўя олади. Дастлабки иккинчи ёшгача бўлган қуртлар баргларда тўп-тўп бўлиб туришади ва озиқланиш натижасида уни плматешик қилиб юборишади. Учинчи марта пўст ташлагандан кейин ўсимлик бўйлаб жилиб ерга тушншади ва жойдан-жойга ҳаракатланиб озиқ излашади. 16—22 кун мобайнида олти ёшни кечирган қуртлар ўсимлиқдан ерга тушади ва 5—15 см чуқурликда беланчак ясад, унда гумбакка айланади. Гумбаклик даври 8—10 кун давом этади (72-расм).

Карадрина Узбекистон шаронтида йилига 5—6 марта бўғин беради. Ҳар қаиси бўғининиг ривожланиши ўртacha 30 кун да-



72-расм. Карадрина: 1) жапалак; 2) қурт; 3) беланчак рўлибаги билан; 4) миқастлаши

вом қилади. У қийғос тухум құяётган ва ёш қуртлари чиқаётган даврда (илмій жиҳатдан тавсия этиладиган) дорилаш муддатты қисобланади.

Кичик қуруқлик тунламининг йиртқичлари ва күшандалари: Күшандаларни — браконидлар, ихнеумонидлар ва тахиналардир; Йиртқичлардан — чумолиплар, олтинкүзлар, қандала-ори-устлар, «хон қызы» құнғазынан түзилген чивинлар. Бу ҳашарстлар зааркунандаларниң тухуми ва қуртларни билан озиқланади. Уларни энтомофаглардан ташқары қүшлар ҳам күплаб йўқотади.

Кураш чоралари: 1. Бўш ётган ер ва қўриқларни ўзлаштириш; бегона ўтларни мунтазам йўқотиб бориш, ерни кузги шудгорлаш, қишида яхоб бериш ва ўсимликларниң ривожланишини тезлатадиган агрономия тадбирларини амалга ошириш; экипларда кўплаб пайдо бўлганида қўшимча сугориш.

2. Эрта кўкламда уват, йўл ва сугориш тармоқлари ёқалари ҳамда пахта далаларининг атрофида ўсадиган бегона ўтларга нитрофен эртмаси билан ишлов бериш тавсия этилади.

3. Фўза тунламига қарши биология курашда қайси препаратлар қанча миқдорда ишлатилса, карадринага қарши курашда ҳам шулар қўлланади.

Карадринага қарши маҳсус кураш тадбирларини ўтказиш 3—5% ва ундан кўп ўсимликлар заарланганнанда тавсия этилади.

Заарарли чигирткалар. Чигирткаларниң ҳаммаси ҳаммахўр ҳисобланади. Личинкалари фўза ва бошқа экинларни шикастлайди, етук чигирткалар эса барг, ёш шохлар, ҳатто шона ва гулларни еб битиради. Фўза ва бошқа экинларга кўпинча Марокаш, Осиё ва Уват (Италия) чигирткалари катта заар етказади. Чигиртканинг ҳамма тури деярли бир хил ҳаёт кечиради. Кўпчилиги бир марта ва фақат баъзилари, масалан, Осиё чигирткасининг якка ҳолда яшайдиган фазаси икки марта авлод беради.

Ёзда, жуфтлашгандан кейин ургечи чигиртка ерда чуқурча ясаб унга тухум қўяди. Баҳорда тухумлардан личинкалар чиқади. Личинкалари катта чигирткага ўхшайди-ю, лекин кичик, қанотсиз ва бошқача рангда бўлади. Уз ҳаёти давомида тўрт марта пўст ташлайди ва етук чигирткага айланади.

Чигиртканинг личинкаларини даври 25—45 кун давом этади. Қанот чиқаргач, 7—8 кундан кейин тухум қўйишга киришади. Тухум қўйиш биринки ойга чўзилади.

Марокаш чигирткаси гўзадан ташқари кўпинча бошқа экинларга, жумладан маккажўхори, оқжўхори, беда, сабзавот-полиз экинларни ва бошқаларни шикастлади.

Чигиртка личинкаси беш ёшни кечиради. Чигиртка личинкалари жапубий районларда апрель бошида, шимолий районларда эса апрель ўрталарида тухумдан чиқа бошлайди. Тухумдан чиққан личинкалар дастлаб унча катта бўлмаган тўдалар

жесил қиласы. Қиңиң өзінде үлгайған сары тарқалаверади ва тобора күпроқ майдоннан әгаллады.

Тұртпинчи ва бешинчи ёшдағы личинкалар, шунингдек қанот пайдо қынғанлары айнанға тез тарқалады. Личинканың ривожланиш даври 25—35 кунда тугалланып, май ойининг биринчи ярмида қанот пайдо қыла бошлайды. Қанот чиқарғаннан кейин 3—5 кун ўтгач жуфтлашишга киришады, 15—20 кундан сүнг яна тухум құя бошлайды. Тухум қүйненш аксары май охирда бошланип, шоңь ойининг охири, июлнинг бошида тугалланады. Ташландық ерларда, күзачаларниң соши 1 м² 10—100 тага тұғри келады. Жуда күпайыб кетган шиллары чигиртка тұдала-ри узоқ масофаларға күчіб ўтиши мүмкін.

Чигиртка личинкаларның учинчи, тұртпинчи ёшга кирмасдан қириб ташлаш керак.

Осиё чигирткасы — «пахтацилык районларида» бу чигиртка-ларның гала-гала ҳам якка ҳолда яшайдыған фазалары мав-жуд. Пахтазорларда унда-бунда якка ҳолда учрайдиганлари катта заар етказмайды.

Май ойининг биринчи ярмида тухумлардан личинкалар чиқады, уларниң ривожланиши 40—45 кунға чўзилады. Чигиртка личинкаси беш ёши кечиради. Июнь ойда қанот чиқаради. Қанот пайдо бўлганидан кейин орадан 30—40 кун ўтгач (июль ўрталарида) тухум қүйненшга киришады.

Тұдалашып учадиган чигиртка йилинде бир марта, якка учадигани эса икки марта бўғин беради. Биринчи бўғин личинка-лари априль ўрталарида пайдо бўлиб, май ойи ўрталарида қа-пот чиқаради ва шонда кўзача қўйненшга киришади. 15—20 кун-дан сүнг тухумлардан иккинчи бўғин личинкалари чиқады, булар августда қанот пайдо қиласы, септембрда эса тухум құя-ди. Тухумлары келгуси йил кўкламиғача қишилаб чиқади.

Уват (Италия) чигирткасы — фўзага энг кўп заар етказади-ган турларидан ҳисобланади. Личинкалари пахта майдоннинг яқин жойларда тухумдан чиқады ва личинкалик вақтида ёк фўзага ўтиб уни заарлайды.

Шунингдек, беда, дон-дуккаклилар, полиз экинлари, ерени-гоқ маккажүхори, оқжүхори, буғдой, ариа, сули каби экинлар-га ва ўтлоқларга тушади. Токининг новдаларини, мева дараҳт-лари баргларини, ёш новдаларини, мева ва барг бандларини кемиради.

Уват чигирткасы тухумли кўзачаларни кўпинча уватларга, дала, йўл чеккаларига, пахта далалари орасидаги чимларга, бўш ётган ерларга, қаровсиз қолган бедапояларга, токзорларга ва бўз ерларга қўяди. Чигиртка тухумнин асосан, сийрак чим-зорларга қўяди. Тухумли кўзачалар айрим жойларнинг 1 м² ида 1600 тагача боради, аммо кўпинча 5—20 дан ошмайди.

Йилинде бир авлод беради. Личинкалар априль охирда чиқа бошлайды ва шонъ ойининг бошигача давом этади. Уларнинг ривожланиши 35—40 кун мобайнинде тугалланади. Чигиртка июнь бошидан то июль ўрталаригача қанот чиқаради.

Тұхумдан чиққан личинкалар гүж-гуж бўлиб тўпланмайди, балки кичик группаларга бўлининб туради, аммо жуда кўпайиб кетганида тўда-тўда ҳолда учрайди.

Кураш чоралари. Чигирткаларни қприш ва уларга қарши кураш тадбирлари муваффақиятли ўтиши учун ўз вақтида тайёргарлик кўрпш, хусусан, заарланган майдонларни тўлиқ ашиқлаш лозим.

Чигирткаларга курашда қўлланадиган агротехника тадбирларидан қўриқ ва ташландиқ ерларни ўзлаштириш, уват, дала ва йўл ёқаларинн ҳайдаб юбориш муҳим ўрши тутади. Чигиртканни ўқотиш учун тавсия этилган инсектицидларга 12% ли ГХЦГ дусти киради. Ана шу препарат трактор ёки авиация воситасида (гектарига 25 кг сарфлаб) чаинглатилганиң да чигиртка ва унинг личинкаларининг 60—70% ўқолади.

Қарбофосининг 40% к.э. си гектарига 2—3 кг дан пуркалади.

Чигирткаларни ўқотишда заҳарли емлардан фойдаланилади.

Булар кепак, шоли ёки ёғоч қиниги, кунжара ёки широтдир (100 кг смга 3 кг хлорофос ёки 3 кг 12% ГХЦГ қўшилади). Заҳарли ем сочиладиган қилиб намланади. Заҳарли емлар чигиртка тушган далаларга (гектарига 20—50 кг ҳисобида, ҳашарот сонига қараб,) чигиртка тўдалари тўхтагаңда, қош қорайганди ёки тунда сочилади. Барча курашиш тадбирларини личинкалар учини ва тўртинчи ёшга ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

ЎЎЗА КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

СССРининг пахта етиштирадиган жумҳуриятларида гўза ўсимлигида учрайдиган энг кўп тарқалган хавфли касалликлар вертициллез ва фузариз вилт (сўлиш), илдиз чириш, қора илдиз чириш, гоммоз ҳисобланади. Бу касалликлар гўза организмида модда алмашинув жараёнларининг бузилиши натижасида физиологик ва морфологик ўзгаришларни вужудга келтиради. Бунда ташқи ноқулай шароптлар ва ўсимликнинг механик шикастланиши касалликларни тез ривожланиши ва тарқалишига сабаб бўлади. Ўсимлик заарланганда, касаллик белгилари бутун органларнда — илдиз, ноя, барг, новда, меваляр ва ҳатто чигитда ҳам кўришади.

Илдиз чириши касаллиги тупроқда яшайдиган замбурург ва бактериялар, асосан Rhizoctonia soalani (Ризактоя Солани) ризактонид деб аталган замбурург таъсири натижасида бунёдга келади. Илдиз чириш касаллиги чигит тупроқда унган вақтдан бошланиб ўсимликда кўпинчча икки — учта чинбарг пайдо бўлган давргача давом этади.

Гоммоз касаллигини бактерия (бактериум мальвациарум) вужудга келтириб, у ўззанинг уруғи, чинбарглари, пояси, ва меваларида пайдо бўлиб туради.

Вилт (сўлиши) касалликларини тупроқда яшайдиган верти-

цилле замбуруғи құзғатиб, у ўрта толали ғүзаларни ва фузиаридоз замбуруғи эсо асосан шигінчка толали ва қысман ўрта толали ғүзаларни касаллантиради. Бу иккала касаллик ғүза шоналаётгандан баъзан уңдан олдинги даврда ҳам найдо бўлиб, ғүзани союқ урганга қадар кўпайиб боради.

Ғүза касалларни фақатгина пахта ҳосилини камайтириб қолмай балки пахта толасини ва чигиттинг уруғлик сифатини ҳам пасайтиради. Касаллар туфайли ҳар йили ўрта ҳисобда етиширилган пахта ҳосилининг 10 фоизи ва уңдан ортиғи нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам бу касалларни тарқатувчи замбуруғ ва бактерияларининг табиатини ўрганиб, буларга қарши ўз вақтida биологик, агротехник ва химиявий кураш чораларини қўллаш керак.

Илдиз чириш касаллиги. Ғўзадаги илдиз чириш касалини тупроқда янайдиган (комилекс микроорганизмлар) Rhizoctonia Soalaonii Kuhn замбуруглар қўзгатади. Бу касаллик бизда ва чет элларда кўплаб тарқалган. Касаллик чигит тупроқда унгани вақтдан бошлиниб, ўсимликда кўпинча икки-уч чишибарг пайдо бўлгунча давом этади кейинчалик касалланиш тўхтай бошлайди. Ёш ўсимликда асосан илдиз бўғзи касалланиб, олдин саргаяди ва қўнгир туслага ўтиб яра кўришинидаги сувсимон додлар найдо бўлади. Бу додлар қулай шаронитда тўқималар ичига ботиб киради, баъзида тўсиқ ҳосил қолади. Шу заарланаған жойининг пўстлоги титилиб, баъзан ёғочлиги очилиб қолади.

Бу касаллик билан қаттиқ заарланаған ғўза уруғ барглари сўйииди, бош ноя ётиб қолиб, сўнгра қуриб қолади. Айниқса чигит экилгадан кейин тупроқнинг ҳарорати насайғанда, фасл серёғини келганда касаллаған чигитлар чириб кетиб, каттакатта майдонларда кўчкат сийрак бўлиб чиқади.

Жумҳуриятимизда ҳар йили ўртача 300 минг гектар, ҳатто бундан ҳам ортиқ майдондаги срларда ушбу касаллик туфайли кўчкат ола бўлиб қолади. Оқибатда ола чиққан ерларга қўшишимча чигит экиллади (Шунин ҳам айтиш керакки, қулайроқ шаронтларда ғўза ўсаётган бўлса, кейинчалик соғайиб кетишин мумкин, бироқ, шунда ҳам нормал ўсаётган ғўзага иисбатан ривождан бирмунича орқада қолади). Эндигина уна бошлаган ва росмана унгани ғўзанинг илдиз чириш касаллигини поқулай шаронтлар ҳам сабаб бўлади. Ерии экиш олдидан жорий текислашга яхши эътибор берилмагандан айрим участкаларда сув ҳалқоб тўпланиб қолади, оқибатда захи ошиб кетган ерда ўсимлик сийрак ва касалманд бўлиб ўсади, паразит замбуруғ ҳамда бактерияларининг ривожланиши учун қулай шаронт яратилади. Экилладиган чигит сифатига эътибор бермаслик, уни намлаш ўринига ивнитиш, чигитни чуқур экиб қўйинш касалликни ривожлантиради.

Чигит экилгадан сўнг ёғин гарчиллик таъсирида ер бетини қатқалоқ босиб қолиши, тупроқнинг чигит экилган қатламига ҳавониниң яхши сингиб кирмаслиги каби шаронтлар ҳам илдиз чириш касаллигининг авж олишинга қулай шаронт яратди.

Қасалликка қарши кураш чоралари. Ерни асосли вә жорій текислаш чора-тадбирлари тұла амалға оширилғаї, ёғын сув-ларининг ерда ҳалқоб бўлиб қолишига йўл қўйилмагандан илдиз чириш касаллигининг олдини олишга нмкон туғи-лади.

Шунингдек, ғўзани сифатли суғориш ва бунида сувни тежаб ишлатиш, культивацияни сифатли ўтказиш ҳам касалликка қарши кураш чораларидан ҳисобланади. Шундагина гўза нормал ўсиб, юқори ҳосил беради.

Экиладиган чигит давлат стандартти (ГОСТ) талабига жа-воб бериши шарт. Буниң натижасида уруғлик чигитниң униш энергияси ва ушиб чиқиши юқори бўлиб, у эрта кўкариб чиқиб, нормал ривожланади, бу эса ўсимликиниң илдиз чириш ва бошқа касалликларга чидамли бўялшига сабабчи бўлади.

Чигит нормал (4—5 см) чуқурликка экилиши керак, агарда чуқур экиб қўйилса, чигитниң чириб кетишига ёки ёш маис-ларининг илдиз чириш касалига учрашишига сабабчи бўлади.

Чигит униб чиқунга қадар ёғишгарчилик натижасида пайдо бўлган қатқалоқни далани кўндаланг бўйича ёппасига «зинг-заг» борона ёки бўйига ротациоп мотига билан юмшатиш шарт. Бу усул илдиз чириш касаллигин камайтириб, нормал ва соғлом кўчкат олишига имкон яратади. Илдиз чириш касали пайдо бўлган далалардаги гўза қатор оралари культивация қилинаётган бир вақтда гўзаниң ҳимоя зонасини УРОР юмшат-гич мосламаси билан юмшатиб кетилади. Бу эса касалланган гўза илдиз системаси жойлашган зонага кўплаб иссиқлик сингишига ва ҳаво алмашиниш жараёни яхшиланиб гўзаниң тезда согайиб кетишига сабабчи бўлади. Умуман юқори ҳосил етиштириб келаётган бригада а хўжаликлар гўза ҳали тўлиқ униб чиқмасданоқ қатор ораларнига биринчи комплекс ишлов беришни тезда ва сифагли қилиб ўтказадилар, натижада гўзалар тез ривожга кириб ҳосил эрта етилади.

Ургулик чигитниң касалликлар ва ҳашаротларга қарши тегишли чидамлилигини ошириш учун унга химиявий препаратлар билан пахта тозалаш заводларида марказлашган ҳолда фунгицидлар ёки комбинирлашган препарати билан ишлов бериледи.

Гўза касалликларига химиявий кураш чоралари «Чигитни экишга тайёрлаш» бобида берилган.

Чигитни белгиланган миқдорда сеялкада экиш учун уни олдин туксизлантирилади, колибрковка қилинади ва сараланганда сўнг юқоридагича миқдорда дориланади.

Қора илдиз чириш касаллиги. Бу касаллик асосан ингичка толали гўза павлари экиладиган районларда тарқалган бўлиб, у пахта ҳосилини 10—15% камайтириб, тола ва чигит сифатини бузади. Касал қўзғатувчи *Theiaviopsis basicola* Ferr тупроқ замбуруғи беш-олти кунлик ёш гўза майсаларида илдиз чириш ва катта ёшдаги гўзаларда илдишип қорайтириб, ўсимликиниң сўлиб қолишига сабаб бўлди (қора илдиз чириш кафа-

ли ҳам ингичка толали, ҳам ўрта толали ғўза навларида бўла-ди). Кўкламда бўладиган илдиз чириши натижасида ғўзалар сийракланиб қолниши сабабли хатосига қайта, қўлда экилади. Баъзан барча майдонлар бузиб экилади.

Кузда — август ойининг иккинчи ярмида тупроқ намлиги ошиб кетганда касалланиш фақат ингичка толали ғўза навларида бўлади. Кейинги йилларда ушбу касаллик тез авж олиб кетмоқда. Жумладаш, Ўзбекистон ССР ишинг Сурхондарё вилоятида кўп йиллик маълумотга қараганда, 13 дан 27% гача, Тожикистон жумҳуриятпда эса умумий ингичка толали ғўза ўстирилган майдонининг 47% дан ҳам ортигини эгалла-моқда.

Касалликнинг ташқи белгилари: ёш майдонларда одатдаги чириш касаллигидан фарқ қўлмайди, лекин уруғ барги сўлниб, ғўза ётиб қолади ва қурийди. Охирги дақиқаларда илдиз тўқималари деярли қора туслага киради ва шунинг учун ҳам касаллик қора илдиз чириш деган номни олган. Ғўза 4—5 тачин-барг чиқарганда касалга чалиниши учча хавфли бўлмай, ҳарорат ва тупроқ намлиги етарли бўлгани учун одатда ўсимлик соғайиб кетади, уни қуриб қолиши камдан-кам бўлади. Агарда касалланган ўсимлик текшириб кўрилса, илдиз бўғзи чирпмага, балки қисман ёрилган ва йўғонлашган бўлади. Лекин барг тургорлик ҳолатини йўқотмай, ранги бироз ўзгариб қўнғирроқ, ёки антационы ҳолли бўлади.

Куздаги қора илдиз чиришда ғўза туши сўлниди, бироқ унлаги мевалар сақланиб қолади. Ғўза барглари тургорлик ҳолатини йўқотади, қурий бошлайди, рашиги яшил туслан қўнғир ҳолатга ўтиб, мурт бўлиб қолади. Ғўза туши ҳам қуриб қолиб, ошиқ қуниғир туслага ўтади ва поя муртлашади. Илдиз бўғизи йўғонлашиб, илдизнинг табиий шакли йўқолади. Илдиз бўғизини узунасига кесиб қарабса, 5—15 сантиметр қисмидаги тў-қималар қизғиши қўнғир туслага кирган бўлади.

Касал қўзғатувчи замбуруғ тупроқ микроорганизми ҳисобланиб, ўсимликларининг қолдиқларида сапрафит ҳолда яшаб, об-ҳаво қулай келганда ўсимликнинг шикастланган жойидан кириб олиб, паразит ҳолда яшашга ўтиб олади. Умуман замбуруғ тупроқда бир неча йил яшайди.

Кураш чоралари. Ғўзаси қора илдиз чириш касалига учраган майдонларда куз фаслида ғўзапоясин илдизин билан йиғишириб олиб даладан йўқотиш шарт. Бундай майдонларда ғўза-беда алмашлаб экишга катта аҳамият бернилиши керак, чунки иккичу йиллик бедадан кейин касалликни қўзғатувчи замбуруғ камайиб кетади. Қора илдиз чириш касалига чидамили бўлган ингичка толали ва ўрта толали ғўза навларини экиш керак.

Вертициллез вилт. Вилт (сўлиш) ғўзада энг кўп тарқалган ва хавфли касаллик бўлиб, уни қўзғатувчи *Verticillium dahliae* klebsahu (вертициллез) ўрта толали, қисман ингичка, толали ғўза навларини заарлайди *Fusarium oxysporum* schlecht

(фузариоз) замбуруглари эса ингичка тоғали ва қысмай ўрта толали ғұза навларига зарар келтиради.

Вертициллес вилти. Қасаллик пахта етиштирадиган барча жумхуриятларда тарқалған. Бу қасаллик фақаттанаған гүзәнін шикастлантириб қолмай, балки турли оиласларга қараашлы 700 турдан ортиқ маданий ва ёввойи үсимликтарни ҳам зарарлайды.

Қасаллик пахта ҳосилини кескін камайтириб юборады. Шуннингдек, тола сифатини тушириб, чигиттіннің уруғынан хусусияттін камайтирады, жумладан ёғ миқдори камайиб кетады. Ҳөсилиннінг камайиб, маҳсулот сифатининг ёмонлашувын ғұза навининг қасаллікка чидамли ва чидамсиз бўлишига, уннинг үсимликтада эрта ёки кечроқ ривожланишига bogliq. Умуман олганимизда, вилт қасаллигидан фақат Ўзбекистонда баъзи йиллари ялпі пахта ҳосили камайиши 400—500 минг тоналағача етмоқда.


Вилт қасаллини қўзгатувчи замбуруглар гүзәнінг барча фазаларидан шикастлайверади. Бунда қасаллик тупроқда унгай чигит үсимтасининг механик шикастланған түқималари, илдиз бўғзи, уқ ва ён илдизлар орқали киради. Паразит үсимлик организмига кириб олиб ривожлана бошлайды. Аммо уруғ баргда қасаллікнинг пайдо бўлиши асосан ғўзада 3—4 та чишибарг чиқаргандан ривожлана бошлайди, бунда уруғ барглар четки томонидан саргаяди. Оқибатда тургорлик ҳолатини йўқотиб, 2—3 кундан сўнг кўкимтириш-пушти рангга ўтиб қуриб тўкилиб кетади. Кейинчалик қасаллик дастлаб чишибаргларга юқа бошлаб, унда вилтнинг доғлари пайдо бўлади. Бу эса ғўзанинг ўсиш ва ривожланишига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаверади.

Ғўза қасаллікка йўлиққанда унда дастлаб поянинг пастки барглари, сўнгра аста-секин юқори барг шапалогларида ёйилған сарғиш доғлар пайдо бўлади, аста-секин қасаллик кучайиши натижасида бу доғлар қўнғир тусга кириб бутун барг шапалогини қоплаб олади, умуман поянинг юқориги ярусларида бўлған барглар ҳам қасалланиб, қуриб тўкилиб кетади ёки қисман қуриб қолган барглар поядага сақланиб қолади. Агарда үсимлик енгил формада қасалланған тақдирда барг шапалогларида сарғиш доғлар кам бўлиб, бунда барглар тўкилавермайди.

Вилт қасаллиги кўшиппча ғўзада 5—7 та чишибарг чиқаргандан бошлаб, гуллаш-мевалаш даврида кучайиб, ёз охиригача кўпайиб бораверади.

Августнинг охири ва сентябрининг бошларидан ғўза бирданнанда вилт қасалига дучор бўлади, үсимликтин ҳамма барглари сўлиб қолиб, 2—3 кун ичидан ўспмлик қуриб қолади. Бу қасаллікнинг ҳамма шаклида ҳам ғўза ростмана қасалланади ҳамда тупда пайдо бўлған шона, гул ва тугунчалар тўкилиб кетади, ёш кўсаклар эса етилиб пишмай очишлиб кетади.

Вилт (тарқатувчи) қасаллігининг поядаги аломатини кўриш учун уннинг илдиз бўғиз қисмига яқин жойдаи кўндалангига ёки



73-расм. Вертисциллоз касалынынг гүзадаги ташқы ва шти аломатлари:

1) барғда хромик формада пайдо бўлиши; 2) соғ гўзапоянинг кўндаланичга Қирқилгани; 3) касал ўсимлик кўринишси; 4) гўзанинг тез сулиши; 5) барглариниң тўкилиши, кўсаклариниң етилмай очилиб кетиши.

қиялатиб кесиши керак, шунда поя ўзагини (ёғочлигини) қорай-
ганини кўриш мумкини (73-расм).

Касалликни тарқатувчи вилт замбуруги тупроқда ва ўсимликтининг қолдиқларида бўлиб, 22—26 даражада тез ривожланади, ўсимлик илдизининг шикастланган қисми орқали гўзага ўтиб, олдин илдизини, сўнг поя ичини шикастлайди. Ўсимликкининг кўплаб касалланиши гўза шоналангандан бошланади.

Вилтни қўзғатувчи замбуруғи ўсимлика озиқ-овқат ва сувни ўтказадиган ёғочлик пайларида ривожланиб ўзидаш танага заҳарли шира тарқатади, бу сув билан барча баргга бериб, унинг нормал ўсиб ривожланиш фаолиятини бузади. Кузда ғўзапоя йиғишириб олингандан сўнг, тупроқда қолган ўсимлик илдизлари ундағи вилтни қўзғатувчи кўплаб қорамтир тугуличалар ҳосил қиласди, буни мікросклерация дейнилиб, у шароит бўлганида кейинчалик соғ ўсимликларга кириб касаллантиради.

Фузариз вилт — ингичка толали гўзашинг касаллиги ҳисобланиб, кейиниг вақтда ўрта толали гўза навларида ҳам қисман учраб турадиган Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг жанубий районларида тарқалган. Касаллик Fusarium oxysporum Vasinusectum (Lenelh) замбуруғ қўзғатади. Фузариз вилтнинг вертициллездан фарқи шундаки, гўзанинг бутун вегетация даврида пайдо бўлиб, чигит униб чиққандан токи кўсак пишгунча давом этаверади.

Касалликнинг ривожланиш даражаси экиладиган гўза навларининг чидамлилиги ва қаршилигига, иқлим шароитига ва дәхқончилик маданиятиниң қай аҳволдалигига боғлиқ. Касалликнинг ривожланиши ўсимликининг уруғ барг ва дастлабки чиңбарг чиқариш фазаларида пайдо бўлиб, барглар олдин саргаяди, сўнг қўнғир доғлар пайдо бўлади. Энг муҳим белгиси барг шапалоқларида саргиш томир тўр тўқималар пайдо бўлади ва бутун шохланиб кетиб барг шапалоғини тўлиқ эгаллаб олиши мумкин, бу айниқса ёриққа қаратилганда яхши кўринади.

Кейинчалик касалланган ўсимликининг илдиз бўғзи ўғонлашади, бўғни оралиги қисқаради, барглар қисман тўқилиб кетади, қолгаплари эса бужмайиб қолади. Бундай ёш ўсимликларда мевалар мутлақо пайдо бўлмайди ва тезда побуд бўлади.

Касаллик туфайли пояни кўпдалангига ёки қнялатиб кесилганида унинг ёғочланган қисми ўртасидаги сув ўтказадиган капилляр найчалари қўнғир тусга киради ва ўсимликининг яшаш шароитини бузади.

Фузариз вилти таъсири натижасида касалланган ўсимликлар—гўзада 2—5 та чинбарг чиқарганда камайиб кетади, бироқ кўчат қалинлигини сийраклатиб юборади. Бундан кейинги фазаларда касалланганда гўзанинг ўсиш ва ривожланиши сусаяди ёки ўсимлик бутунлай қуриб қолиши мумкин. Натижада пахта ҳосили камайиб кетиб, унинг сифати пасаяди.

Умуман гўзанинг шоналаш фазаси ўсимликининг кўп касал бўладиган даври ҳисобланади. Июнь ойининг охирига борганда бирмунча камаяди. Эртаги кўсаклар пиша бошлагандага (ҳарорат бироз пасая бошлайди) касаллик янада ривожланади.

Замбуруғнинг ўсиш ва ривожланиши нормал даражада бўлишлиги учун ҳарорат $+18, +27^{\circ}$, тупроқнинг намлиги унинг тўлиқ дала сув сифимига нисбатан 40—70% бўлиши керак. Тупроқ муҳити — РН нинг 4 дан 7,5 гача бўлиши керак.

Фузариоз касалликни қўзғатувчи замбуруғ тупроқнинг зарарланган 0—60 см қатламида сапропит ва ўсимликда эса паразит ҳолида яшайди. Бунда илдизнинг сув ўтказувчи найларида мицеллйини ривожлантириб, организм учун патоген бўлиб қолади ва сапропит ҳолда яшашдан паразит ҳаёт кечиришига ўтади ва касал тарқалишга сабаб бўлади. Тупроқ билан чигит фузариоз вилт касаллигининг маібай ҳисобланади. Касалланган гўзапояни ерга ҳайдаш, заарланган даладаи чиққани оқова сувдан, тозаланимagan иш қуролларидан фойдаланиш ва бошқа йўллар билан соғ далаларни заарлантириш мумкин.

Касалликка қарши кураш чоралари. Вертицилlez ва фузариоз вилт замбуруғлари жуда кўпайиб кетса, тупроқ ҳайдалма қатламишини ҳаммасига тарқала беради, қиши ва ёзнинг об-ҳаво шаронтларига бардош берадиган бўлиб қолади. Шундай ҳолда касалликка қаршп курашиши қийинлашади. Тупроқнинг вилт касали юқишидан тозалайдиган асосий чора колхоз ва совхозларда гўза-беда алмашлаб экиш усулига қатъни риоя этишdir. Беда тупроқни касаллик инфекциясидан соғломлаштирибгина қолмай балки тупроқ унумдорлигини ҳам оширади;

49-жадвал

Ўтмишдош экичларни гўзалинг вилт касаллигига таъсир этиш даражаси (Союз НИХИ майлумотлари)

Вариант	Касалланган ўсимлик миқдори, %		
	Бедагон 1-йил бузилганида	Бедагон 2-йил бузилганида	Седагон 3-йил бузилганида
Ғўза (контрол)	45	56,8	68,2
Икки йиллик беда	11,6	22,8	30,7
Уч йиллик беда	10,6	21,6	28,0
Ск жўхори + иўхат кўкат учун	16,4	30,8	34,3
Маккажўхори силос учун	17,6	34,0	36,9
Маккажўхори + иўхат кўкат учун	20,2	34,4	39,0
Арпа + маккажўхори дон учун	19,3	33,1	38,4
Арпа + вика кўкат учун	22,1	32,1	37,1

умуман деҳқончилик маданиятини кўтаришда муҳим омил ҳисобланади.

Беданинг вилт касаллигини камайтиришдаги самарадорлиги 49-жадвалда келтирилган.

Жадвал майлумотларига қараганда 3 йиллик беда бузилиб, ғўза ўстирилганда вилт касали биринчи йили 4,2 марта, иккинчи йили 2,6 марта ва учинчи йили 2,4 марта; икки йиллик беданини бузуб ғўза ўстирилганда юқоридагига ўхшаш 3,9; 2,3 ва 2,2 марта камайиб кетган. Айни вақтда беда пахта ҳосилнини оширади ҳам (50-жадвал).

Вилт билан касалланган даладаги бедапоя бузилиб, гүза ўстирилганда, досидорлык, га'ц (Союз НИХИ маълумотлари)

Вариант	Бедапоя бузилгандан сўнг гүза ўстирилган йиллар			
	1-	2-	3-	4-
Гўза (контрол)	30,1	28,3	27,5	23,9
Икки йиллик беда	34,2	29,4	20,6	29,0
Уч йиллик беда	36,8	29,1	32,2	30,1

Вилт билан касалланган ерларда беда ўстирилганда тупроқнинг микробиологик жараёни кучаяди, вилт билан касалланган ўсимликларнинг органик қолдиқларнни минерализацияси тезлашиб тупроқда бўлган касаллик қўзғатувчи замбуруғлар, бактерияларнинг қирилиб кетишига сабабчи бўлади.

Вилт касаллигини камайтиришда гўза беда алмашлаб экишда фойдаланпладиган ем-хашак экинларидан маккажӯҳори (шўр ерларда оқжӯҳори) ва оралнқ экинлардан кўкатлар катта роль ўйнашади, жумладан улар инфекцияни камайтириб тупроқни соғломлаштириши қатор илмий-текшириш институтлари тажрибасида узил-кесил амалда тасдиқланган. Энг муҳим оралиқ экинларни алмашлаб экиш даласида бедадан кейин тўртингичи, бешинчи йиллари экиш яхши натижа бериши аниқланган.

Касалликни кўнайтириш ва тарқатишда касалланган гўза ўсимлиги сабаб бўлади. Кузда гўзаси касалланган майдонлардаги гўзапоялар илдизи билан йиғиштириб олинмай ерга ҳайдаб юборилаверса, йил сайин ерда инфекция ортиб бораверади. СоюзНИХИ Фаргона тажриба станциясининг маълумотларига қараганда, вилт билан кучли зааралланган майдон гўзапоя илдизлари билан ҳайдалганда келаси йили 74 фоиз ўсимлик касалланган, гўзапоя йиғиштириб олинганда эса касалланиш 58,3 фоизга тушгап. Шу сабабли вилт касаллигини қўзғатувчи замбуруғнинг камайтириш учун йиғим-терим тугагач гўзапояни илдизи билан йиғиштириб олиш керак.

Буниинг учун гўзапояни йиғиштириб оладиган техника билан этагт шутасининг 15—16 см пастидан қирқиб олиб, даладан чиқариб юбориш керак. Бунда яна пахта майдонлари анча текисланади ва ерни икки ярусли плуг билан чуқур ҳайдаш учун яхши имконият яратилади, шу билан бирга касаллик қўзғатувчи замбуруғнинг қишловчи формаси — микросклероцларни анча-мунча камайтиришга сабабчи бўлади.

Кузда шудгордан кейин пешма-пеш ўтказиладиган жорий текислашда вилт касали билан зааралланган майдонларда тупроқни карта ичиди кўплаб у ёқ-бу ёққа ортиқча суриш керак ёмас, акс ҳолда, касаллик тарқатадиган инфекция майдони кенгайиб кетади.

Вилт түшгән майдонларда чигит экиш даврида ҳарорат ва наимликка катта эътибор бериш керак. Чунки тупроқ етарли миқдорда қизимаган ва зах бўлганда унаётгай ўсимта ёки ёш майсалар илдиз чириш касалига учрайди, ягана кеч ўтказилганда эса унинг ён илдизлари кўплаб механик шикастланади ва оқибатда вилт қўзғатувчи инфекция гўза танасига кўплаб кириб олади, гўза яганасида кўчат қалинлиги бирмунча ортиқроқ бўлишига эътибор бериш керак. Жумладан, СоюзНИХИ-нинг маълумотларига қараганда, вилт билан касалланган майдонларда гўза кўчат қалинлиги унинг касалланиш даражаси ва пахта ҳосилига таъсири қўйидагича бўлган: бир гектарда 108,2 минг туп бўлганида, касалланиш 24,8%, ҳосилдорлик 37,7 га/ц. Бир гектарда 80,6 минг туп кўчат бўлганида, касалланиш 38,0% ва ҳосилдорлик 30,0 га/ц ши ташкил этган. Демак, гўза кўчати қалин бўлганда касалланиш 1,5 марта кам, ҳосилдорлик эса 7,7 га/ц ортиқ бўлган.

Шуидай қилиб, илмий ташкилотларниг кўп йиллик текширишича, илгор бригада ҳамда хўжаликларининг тажрибасига кўра вилт ҳосилини бирмуича камайтириб юборадигац далаларда кўчат сони гектар бошига 15—20% ортиқ қолдирилиши мақсадга мувофиқ. Гўза қатор оралари культивация қилинаётганда гўза ёпи илдизларининг ортиқча шикастланишига йўл қўймаслик лозим.

Гўзани суғориш нормалари ва муддатларини бузиш ҳам вилт касали кўнайнишига сабабчи бўлади. Гўзани ортиқча захлатиб ва тез-тез катта нормада суғорилганида эгатларда ҳаво ҳарорати пасаяди, бу эса вилт касалининг ривожланишига шароит яратади. Текширишларга қараганда, гўза ортиқча сув ичгани майдонлардаги ўсимликларда 15—20% чамасида касаллик кўнайган ва пахта ҳосили эса гектар бошига 1,5—2,5 га/ц камайган.

Гўзани ўғитлаш муддатлари, нормалари ва иисбатини тўғри белгилаш вилт касалининг олдини олишда катта роль ўйнайди. Бир тарафлама азотли ўғитларни кўп ёки кам берилиши, айниқса ўсимликнинг ёш даврида вилт касалининг кўнайнишига олиб келади. Шунинг учун азот, фосфор ва калий писбатига катта аҳамият бериш керак. Инфекция ортиқ тарқалмаслиги учун фақат чириган гўиг солиш зарур.

Вилт касаллигини камайтиришда ўғитларни экишгача ва экиш билан бир вақтда ҳамда гўзанинг ўсиш даврида эртароқ берилганда, яъни гўзада 2—3 та чинбарг пайдо бўлгандан бошлаб гўза гуллай бошлагандан тамомлаш самарадорлиги юқори эканлиги аниқланган. Бунда азотнинг 50% ини экишгача ва экиш билан қолган қисмини эса ўсиш даврида солинади. Фосфорли ўғит йиллик нормасининг 70% и шудгор олдидан ва қолган 30% и экиш олдидан ёки экиш билан бирга, калий ўгининг 50% ини шудгор олдидан ва 50% ини эса ўсиш даврида, яъни шоналаш фазасида бериш мақсадга мувофиқдир.

СоюзНИХИ да қатор йиллар давомида азотли ўғитларининг

турли формалари синаяб кўрилганда, чигит экканга қадар ва экиш билан бир вақтда аммиак ва амидни формалари, ғўзанинг ўсиш даврида эса аммиакли селитра берилганда ғўзада вилт касали анча камайган ва пахта ҳосили юқори бўлган.

Умуман ўғитни қатор ораларининг ўртасига солиш тавсия этилади.

Уруғ сифати ҳам ғўзанинг вилт касаллигига таъсир кўрсантиши амалда кўрнлган, буни қуийдаги 51-жадвалдан кўриш мумкин.

51-жадвал

**Ғўзанинг вилт билан касаллачиш даражасига чигиг сифатининг таъсири
(СоюзНИХИ маълумотлари)**

Вариант	Ўсимликнинг вилт билан касалланганлик минддори %		Пахта ҳосили га/га
	Ҳаммаси	Шу жумладан кучли касалланганда	
Чигит — пахта заводидан олинган (контрол)	56,5	12,5	28,6
Чигит-бедапоя хайдалиб, биринчи ва иккинчи йили гуза ўстирилган майдондан олинган	43,0	6,0	37,3
Чагит монокультура шароитида етиштирилган даладан (42—44 йил) олинган	63,8	17,0	22,8
Чигит вилт билан касалланган ўсимликдан олинган	62,2	20,4	21,6

Жадвалдан кўринниб турганидек, соғлом ерда етиштирилган пахтадан олинган чигит экилганда ўсимлик кам касалланган ва ҳосили юқори бўлган. Монокультура ва шунингдек вилт билан касалланган ғўзадан олинган уруғлик чигит кейинчалик кўп касалланган ва ҳосили кам бўлган.

Вилт касалинга кўплаб чалинадиган ғўза навлари бу касалликка чидамли бўлган янги навлар билан алмаштирилиши керак. Иқлим шароити қулай бўлган районларда ўрта толали ғўзалар кўплаб вертициллэз вилт билан касалланса, у ерда вертициллэз ва фузариоз вилт касалликларига чидамли бўлган ингичка толали ғўзалар ўстириш керак. Вилт касалининг кўпайиб кетмаслиги учун карбомид (мочевина), пентахлоринитробензол (ПХИБ), узген, алгин каби химиявий препаратларни қўллаш тавсия этилади.

Карбамиднинг 1,5% ли ишчи эритмасини ғўзада 3—5 та чинбарг чиқарган фазада пуркаш яхши самара беради (касаллик 20—25% камаяди). Ишчи эритмасини тағёрлаш учун 1,5 кг карбамид 100 литр сувда эритилб, бундан ҳар гектар ерга 400 литр сарфланади. Экилган чигитни тўлиқ ундириб олиш ва ғўзани замбуруғлардан сақлаш учун кузда тупроққа пентахлар тробензолдан гектарига 50—75 кг иш чигит сеялкаларида ер

бетидан 15—20 см чуқурлікка беріләди. Бұнда вилт ва илдиз чириш касаллари камайиб, ғұзанинг ривожланиши апча дуруст бўлиб, пахта ҳосили гектарига 2—4 центнер ошади.

Ғұза вилт касали билан күплаб шикастланадиган майдонларда алгин ёки узген препаратлардан гектарига 75—100 кг иши минерал ўғитлар билан аралаштириб шудгор олдидан солинади.

Яна иккала турдаги вилт касаллукларига қарши кузги шудгорлаш ёки өзиш олдидан ҳар гектар ерга 15—20 кг биопрепарат—триходерин бериш тавсия қилинади.

ПХНБ, алгин, узген, триходерин препаратлар билан ишлап аётганды санитария-гигиена қоңдаларига тұлық амал қилиш керак. Ишлайдиган кишилар махсус кийим-кечак (комбинезон, құлқоп, респиратор) билан таъминланади. Бу шига балогатга етмаган ёшлар, ҳомиладор аёллар, шунингдек аллергия, эндокрин, ошқозон-ичак, жигар, буйрак, нафас йўли касаллуклари билан касалланган кишилар қўйилмайди. Химиявий препаратлар билан ишлайдиган кишиларинг иш вақти 4 соатдан ошиб кетмаслиги керак.

Гоммоз. Гоммоз касали ер юзидаги пахта етиширадиган ҳамма давлатларда, жумладан СССР да ҳам пахта етиширадиган жумҳуриятларда тарқалған.

Баҳор салқын ва серёғин келиб, ёзнииг бирнчи ярмида тез-тез ёғынгарчылық бўлиб турадиган йилларда бу касаллик күпроқ пайдо бўлади. Баъзи йилларда ғұзанинг гоммоз билан касалланиш даражаси 60—70 фонзга етиши мумкин. Касаллик ғұзанинг уруғ барги, чишибарги, поя, новда, ҳамма турдаги меваларида тўқ яшил мойсимон доғлар шаклида пайдо бўлади ва толаси ҳам бу касаллик билан заарланаади. Бунинг натижасида пахта ҳосилдорлиги камаяди, пахта толасининг технологик хусусиятлари ва чигитнииг навдорлик сифати пасайиб кетади.

Ғұза ўсимлигига гоммоз касалининг аломатлари. Ғұза уругбаргининг касалланишига касалланган чигит сабаб бўлади ёки ҳали чиrimaga ўсимлик қолдигидаги инфекция ўтади.

Уругбарг касалланганида уннииг сиртіда мойсимон тўғарак доғлар пайдо бўлади. Касаллик кучайиб кетганда доғлар катталашиб, барг бандига ва ундан нояга ёки новдага ўтади. Бундай уругбарглар тезда қуриб қолади. Табнатан эса уругбарглар ғұза гулга киргунча яшайди. Уругбардаги доғлар қуриб қолганда унда кул тусли нарда пайдо бўлади. Бу парда касалликни вужудга келтирувчи бактериялар йнгинаңдисидан ташкил тоғган. Ғұзанинг уругбарг формадаги гоммоз касали пахта ҳосилини камайтиришда хавфли эмас, аммо такрорий инфекциянииг тарқалиши хавфли ҳисобланади, чунки у барг, новда ва пояда бўладиган касалликни келтириб чиқаради.

Баргдаги гоммозиниг формаси — такрорий инфекция бўлиб, у уругбардан ўтади. Чишибарг гоммоз билан касалланганда

барг томирлари оралығыда бурчаксімөн мойли доғлар ва шуннингдек касаллик юқсан баргнинг асоснй томирлари бўйлаб ҳам пайдо бўлади. Барг формадаги гоммоз, асосан, ғўза шоналагунча давом этади.

Баргдаги иккала формадаги гоммоздан анча хавфлиси томир бўйлаб пайдо бўлган доғлар ҳисобланади. Бунда бактериялар томирлар ва барг банди орқали кўпайиб (ҳаракатга келиб) пояга ёки новдага етиб бориб гоммоз формасидаги касалликни қўзғатади, бу даврда ғўзада беш-ўнта чинбарг пайдо бўлган бўлади. Кучли касалланган барглар эрта қўнғир тусга ўтади, мўрт бўлиб қолади ва тўкилиб кетади (74-расм).



74-расм. Ғўза гоммози:

1) кўсакда; 2) уруг баргда; 3) чинбаргда; 4) појада

Гоммознинг поя формаси. Бунда барг банди ўрнашган ерда мойланиб турадиган чўзиқ доғлар пайдо бўлади. Қасаллик зўрайиб кетганда доғ катталашади ва поя ёки новдани ҳалқа шаклида ўраб олади. Бундай ҳолда поянинг ҳалқа

бўлган қисми ингичкалашади ва бирмунча қораяди, натижада у мўрт бўлиб қолади. Натижада ўсимликларнинг пояси кучли шамол бўлганда, эгатда одам юрганда тегиб кетса, синиб тушиди ёки турган жойида қуриб қолади. Агарда поя соғ қолгудек бўлса ҳам нормал ривожланмайди. Пайдо бўлган доғлар ёрилади ва пояди чўзиқ қорамтири гоммоз излари қолади. Баъзан поянинг шикастланган қисмининг пастки томонида уйқудаги куртаклар уйғониб янги шохлар пайдо бўлади. Буларда пайдо бўлган мевалар кечки бўлгани учун кўпинча кўрак ёки кўсак пахта етилиб одатда паст сортларга ўтади.

Гоммозлинг гулёнилиги формаси пахтакор жумхуриятиларида кам учрайди. Лекин намгарчилик кўпроқ бўладиган зоналарда, ер ости зах суви ер бетига яқин жойлашган ўтлоқ-ботқоқ ерлардаги майдонларда учрайди. Касаллик гулёнилиги томирларининг атрофида узуироқ мойли доғлар пайдо қиласди. Гулёнилигининг касалланиши гулбандларнга инфекциянинг ўтиши учун хизмат қилиб, кейинчалик кўсакка ўтади.

Гоммознинг кўсак формаси тўқ кўк рангдаги юмaloқроқ доғ сифатида пайдо бўлиб, унинг катталиги 5—10 мм бўлади. Секин-аста доғлар катталашиб бориб, улар бир-бири билан қўшилиб кетади. Кўсакнинг касалланган жойида тўқималари емирилиб гоммоз бактерияси толага ўтади ва унинг рангини сарғимтири қўнгир тусга айлантиради. Алоҳида-алоҳида толалар бир-бири билан ва улар кўсакнинг чаноқларига маҳкам ёпишиб олади.

Баҳорда уруғбаргда дастлабки инфекция ривожланниб, такориий инфекция даражасига ўтганида, касаллик кўпая бошлайди. Бундай ҳолатда гўзани тезда яганалаб касалланган гўзалар юлиб олинниб, даладан четга чиқариб кўмиб ташланиши зарур. Бунинг натижасида соғ ўсимликларнинг касалланиш даражаси кам бўлади. Баҳор ёмғирлари касалликинг кўп тарқалишига сабабчи бўлади, шунинг учун ҳам ғўза маїссасини яганалашни мумкин қадар эрта ўтқазиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Гоммоз бактерияси тупроқда жуда қисқа вақт яшайди (12—13 соат) ва йўқ бўлиб кетади. Аммо чиримаган ғўзапоя қолдиқларида — поясида, ғўза пўчиқи ва ҳоказоларда касаллик бактерияси қишдан омон-эсон чиқиши мумкин. Гоммоз бактерияси асосан чигит туклари орасида ва унинг ичида ҳам сақланиб йилдан-йилга тарқалиб туради. Бактерия кўсак бандидан чигитнилг касаллик билан қайта зарарланиши уни экиш олдидан намлаб-димланаётганда бўлади. Бунда ҳатто чигитнинг микропиле қисмидаги тешикчадан инфекция чигит ичига кириб олади. Демак, экилган чигит тупроқда униб ривожланаётганда касаллик ҳам бир вақтда авжга киради. Умуман олганда, касаллик энг кўп тарқалиши ғўзанинг дастлабки ривожланиш фазасига тўғри келади. Шунинг учун уруғлик чигитга химиявий ишлов бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, ғўзапоя йиғишириб

олинаётганда ерни икки ярусли плуг билан чуқур қилиб шуд-горлаш, яганани мумкин қадар эрта ўтказиш касалланган май-саларни юлиб олиш керак.

КҮСАК ВА ТОЛА КАСАЛЛИКЛАРИ

Гүзанинг ўсип даврида, айниңса күсаклар етилиб ниша бошлаганинда унга түрли касалликлар ўтади, оқибатда тола ва чигитни шикастлайди ёки уларни мутлақо яроқсиз ҳолга келтириб қўяди. Тола касали клетчатка структурасини бузади, пишиқлик кучни камайтиради ва ундан тайёрланган газламаларнинг сифати паст бўлади. Тола кучли касалланган бўлса, уни тўқимачилик саноатида ишлатилмайди. Тола касали чигитнинг униб чиқиши қобиљнатини камайтиради, сифатини пасайтириб, ҳатто экинга яроқсиз ҳолга келтиради. Ундан кам мой чиқади.

Кўсак ва тола касаллигини замбуруғлар, бактериялар ҳамда об-ҳаво шароити келтириб чиқаради. Касалликларнинг аломатлари турли-туман бўлгани учун уларнинг номи касалликнинг ташки аломатларига ёки касаллик қўзғатадиган замбуруғлар номи билан юртилади.

Хозирги вақтда кўсак ва тола касалликлари ичида кўп тарқалганлари: пушти чириш, кулранг чириш, Мукороз Клейкий бактериоз, Альтернариоз, қора шира, тола товланиши, кўсак гоммози.

Пушти чириш. Кўсак чаноқларининг сиртини *Trichothecium Ioscutum* Link замбуруғи пушти парда билан қоплайди. Кўсакнинг шикастланиш муддатига қараб ё очилади, ё чала очилиши мумкин. Замбуруғ чаноқдан аста-секин толага ўтиб пушти рангга киради. Замбуруғ кўсакка қараганда толада яхши ривожланади, мицелий замбуруғи эса укпарланиб (бўртиб) туради. Касалланган тола ва чигит яроқсиз ҳолатга тушиб қолади. Касалланган кўсак эса тупда омонат ушланиб туради ва кўпинча тўқилиб кетади. Кўсак эндигина очила бошлаганда, замбуруғ ҳали қуримаган нам толага ўтиб олади. Тола мана шу даврда пушти ялтироқ рангга киради.

Мукороз. Ҳали очилмаган кўсак сирти *Mycog. Aspergillus* замбуруғлари ва бошқа мөгор замбуруғлар таъсирида юпқа қора парда билан қопланган бўлади. Касалланган кўсак чаноқлари бўшашиб қолади ва у очилган сари замбуруғ толага ўтиб унн тўқ қўнғир рангга киритади. Касал кўсак тупда омонат ушланиб туради ва кўсак банди томонидан енгил очила бошлайди. Касал кўсакларда ўлик тола кўп бўлиб, унинг пишиқлигига икки баравар камайиб, чигит сифати кескин пасайиб кетади. Мукороз замбуруғи билан кўсаклар кўчат қалин бўлиб қолганда, ер ортиқча захлаб, фўза ғовлаб кетганда касалланади.

Альтернариоз. Касални қўзғатувчи *Alternario* тенісу замбуруғи кўсакнинг барча шикастланган, ўлиб қолган тўқималарида ва толада учрайди. Замбуруғ фўза барги, кўсак вя айниңса чапоқ нахтани зарарлайди. Касалланган кўсак сиртида донра

шаклидаги түқ күк рангда дөп пайдо бўлади, кейинчалик у кўйнинг бориб қўнғир рангга киради. Касаллик пахта ҳосилини камайтириб, толанинг технологик хусусиятини пасайтиради ҳамда чигит сифатини бузади. Бу замбуруғ касали кўп даражада ингичка толали ғўзанинг нахтасини шикастлантиради. Шунинг учун ҳам касаллик Ўзбекистоннинг ингичка толали пахта етиштирадиган Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ва Наманган вилоятининг Чортоқ районларида тарқалган.

Ёпишқоқ бактериоз. Толанинг шикастланниши кўсак очилгунга қадар беда қандаласи томонидан шикастланади. Бунда кўсак чаноғининг ички томонида тўқималардан клейси-мон массса ажралиб чиқади. Шикастланган тола чапоққа ёпишшиб қолиб, тўқ жигарраиг тусга киради. Натижада кўсак чала ривожланади ва ўзишинг табиий шаклини йўқотади. Касал толаларнинг сифати пасаяди, ўлик толалар миқдори кўпаяди, узилиш кучи ва тола чиқиши камаяди. Чигитнинг унаб чиқиши 25—30% га камайиб кетади.

Ёпишқоқ бактериоз касали далаларда озми-кўшии учрайди. Баъзи йиллари сезиларни даражада иқтисодий заарар келтиради. Бу касалликдан қутулиш учун ўргимчакканага қарши ишлатиладиган препаратлардан фойдаланилганда касалликни тарқатадиган беда қандаласи қирилиб кетиб, кўсак ва тола касалланимайди.

Қора шира. Толанинг шира касали билан шикастланниши ҳавонинг наст келиши билан кўпаяди. Гўза ёки сабзавот бити ўсимликнинг ёш баргларида ҳаёт кечираётганда ўзидан чиқарган ёпишқоқ шира толага тушади. Толадаги шираага турли хил мотор замбуруглари — сопрофитлар ўтиради. Оқибатда тола қора ёпишқоқ массса билан қопланади. Намиқсан пахта буитларда сақланётганда ва бунда ҳарорат + 13° ва ундан ортиқ бўлса замбуруглар тез ривожланади. Натижада тола спфати ва чигитдан толани ажратиб оладиган тола ажратувчи машиналарнинг иш унуми пасайиб кетади. Қора шира касалига қарши курашнинг бирдан-бир йўли ғўза ва сабзавот шира-сига қарши курашиш ҳисобланади.

Қўнғир чириш. Кўсак очилганда ундан пахтанинг ҳамаси ёки уннинг бир қисми укпарланмага ҳолда бўлади. Бунда чаноқ сиртида тўқ қўнғир ранг пайдо бўлиб, кўплаб қора нуқталар билан қопланади. Буни қўзғатувчи *Nigroaspora gossypii* L. laer замбуруғ касални ҳисобланади.

Касалланган кўсакдаги кўпчимаган пахталар, унинг ичидаги турмаганилиги учун тунни силкитилса дувуллаб ерга тўкилади. Касалланган чаноқ пахта толасининг анигина қисми ўлиб қолган бўлади. Тола узумлиги 5—6 мм қисқариб, пишиклиги иккни марта камаяди. Касаллик ҳавонинг нисбий намлиги юкори бўлганда, кузда кўсакнинг кечикиб очишлиши; кўчнатининг қалин бўлиб жойлашиши ва унп бсгона ўтлар босиб кетиши туфайли пайдо бўлади.

Кўсак гоммози. Кўсак гоммози кузда ёғингарчилик

күп бўлган районларда ва гўзани сунъий усулда ёмғирлатиб сугорганди пайдо бўлади. Касални қўзғатувчи бактерия *Xauzh-pyopas malvacazum* кўсак чаноғи орқали, айниқса чаноқ чокларида инфекция бўлганда ичкарига ўтиб, толани тез зарарлайди. Одатда, гоммоз касали чаноқ пахтасининг тагидан (асосида) у срдаги кичик сариқ додча ўрқали ўтади. Қейинчалик касаллик чаноқ пахталарининг пастки қисмини бутунлай қамраб олади.

Баъзан гоммоз касали чаноқ сиртпда доғ ҳосил қилмаганда ҳам кўсакка инфекция киради. Бунинг сабаби кўсак банди орқали гулёилигига ўтиб, ундан кўсакка киради. Бу касалликдан чаноқ пахта ҳам чириб кетади, аммо унинг ёнидаги соғлом чаноқ нормал ривожланиб, пахтаси етилиб пишиб, уқнорланиб туради. Касалланган пахтанинг сифати паст бўлиб, чигитини экишга рухсат берилмайди. Чунки чигит ичиға касаллик кирган бўлади.

Кураш чоралари: Гўза кўчатлари ортиқча қалин бўлиб қолмасин, айниқса гўзанинг охирги вегетация суви кечиктириб юборилмаслиги керак, бунда сув маромида қўйилиши лозим. Сизот сувлари ер бстига яқин жойлашган майдонларда шюль ойининг иккичи ярмидан бошлаб зовур ва коллекторларни тозалаш керак. Хуллас, гўза майдонлари ортиқча захлатиб юборилмаслиги катта аҳамиятга эга. Гўзани ўғитлашда азотли, фосфорли ва калий ўғитларининг ишебатига эътибор бериш бунда азотли ўғитларни йиллик нормасини ошириб юбормаслик ҳамда кеч муддатларда бериб қўймаслик керак. Гўза ўсиш даврининг иккичи ярмида унинг ётиб қолишига, айниқса говлаб кетишига қарши тадбирий чораларни олдиндан кўриб қўйиш зарур. Гўза қатор ораларини культивация қилишда илдизларни ортиқча шикастлаб юборишга мутлақо йўл қўймаслик чораларни кўриш керак.

Пахта далалари, уватлар, ариқ ва зовур ёқаларидағи бегона ўтларни ўз вақтида йўқотиб турниш зарур.

Ўруғлик пахтани теришдан олдин апробация ишлари юқори савињада ўтказилиши шарт. Ҳосили машинада териладиган майдонларда олдин касалланган пахтани қўлда териб олиш жуда ҳам зарур. Пахта йигим-терим ишлари тугаши биланоқ гўзапоялар томири билан даладан олиб чиқилиб йўқотилиши керак. Қузги шудгор икки ярусли плуг билан 35—40 см чуқурликда ўтказилади. Бундан бошқа касалликларга қарши агротехник, биологик ва химиявий тадбирлар ўтказилади.

ПАХТАНИ ЙИГИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ТЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ТЕРИМ ОЛДИДАН ПАХТА ҲОСИЛИНИ АНИҚЛАШ

Терим олдидан кутилаётгани пахта ҳосилини аниқлаб чиқиш хўжаликларда йигим-терим камнаниясига тайёргарлик кўрниш ишларини ташкил қилиш, йил бўйи қилинган меҳнат якунини

чамалаб кўриш ва ҳар гектар ердан неча центнердан ҳосил этиштирилганини билиш учун жуда муҳимдир.

Кутилаётган ҳосилга, асосан, пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш заводлари, шунингдек, шу маҳсулотга алоқадор бўлган бошқа корхоналар ўзларининг келгуси йил режаларни тузишда ҳам бунга катта аҳамият берадилар.

Кутилган ҳосил икки усулда аниқланади: 1. Узоқ муддатли, 2. Терим олдидан. Узоқ муддатли усулда ҳосилни аниқлашда агротехника тадбирларини ўтказиш сифати ва муддатлари, об-ҳаво, сув билан таъминлаш, гўзанинг касаллик ва ҳашаротлар билан зарарланиш даражаси ва уларга қарши кураш, кўчат қалинлиги, ривожланиш фазаларининг ўтиш муддатлари, биринчи августда бўлган кўчат қалинлиги ва ҳар бир тун фўзда нечтадан кўсак пайдо бўлиши ҳисобга олинади. Бунда қўйидаги кўрсаткичларни: дефолиация олдидан (август охири ва сентябрь бошида) ҳар бир гектар ердаги фўза туплари сонини (минг тун ҳисобида); ҳар бир тундаги ҳосил берадиган кўсаклар сони ва ҳар бир кўсакдан чиқадиган чигитли пахта массасини (г ҳисобида) билиш керак.

Ҳосилни аниқлашда унга тўғридан тўғри таъсир этадиган омиллар, масалан, кузининг қаандай келиши, фўза баргини тўқтириш (дефолиация қилиш муддатини тўғри аниқлаш, бунда препаратлар самолётда ёки ерда ишлайдиган аппаратлар ёрдамида сепилишини ҳисобга олиш керак), гектарлардаги кўчат сони ҳам катта аҳамиятга эга. Кўчат қалинлигини аниқлашда, пайкалини икки бошидаги қатор ораларини ишлашда трактор буриладиган майдон карта ичидаги ўқариқлар, дала ичидан ўтган уват ариқлар ҳисобдан чиқариб ташланиши керак. Бундан ташқари ҳосилга салбий таъсир этадиган бошқа шарт-шароитларни ҳам эътиборга олиш зарур.

Кутилаётган ҳосилга доир маълумот тўлиқ ва аниқ бўлиши учун бу тадбирни иложи борича терим яқин қолганда ўтказиш лозим.

Кутилаётган ҳосил ҳар бир дала учун алоҳида-алоҳида аниқланади. Фўзаларнинг авжига қараб ҳар бир тундаги кўсаклар сонини аниқ билиш, уларнинг ҳосил бериш хусусиятларини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Чунки асоснӣ маййондаги ҳосил машиналар билан териб олинини муносабати билан фўза баргини тўкишда дефолиантларнинг қўлланиш муддати, уларнинг қай даражада таъсир этиши, фўзанинг биологик хусусияти, кўсак ёши эътиборга олиниши керак. Ҳисобга олинадиган кўсакларнинг энг кичиги 20—25 кунлик бўлиши лозим. Буни нормал етилган кўсакка таққослаб тахминлан айтиш мумкин. Кўсак морфологик жиҳатдан одатда 30 кунлик бўлганда деярли тўлиқ ҳажмга эга бўлади.

Бу маълумотлар ҳар бир даладан намуналар олиш йўли билан аниқланади. Намуналар олиш сони пайкалиниг катталигига боғлиқ, яъни ҳар гектар ердан биттадан памуна картанинг диагоналини бўйинча юриб олинади. Ҳар бир намуна катталиги

бир гектардаги ҳамма қаторлар умумий узунлигининг мингдан бир қисми ҳисобидан олинади. Бунинг учун олдин ғұза қатор ораларининг кенглигini билиш керак. Масалан, .90 см ли ғұза қатор ораларида бир гектар ердаги қаторларнинг умумий узунлиги IIII м. Демек, намуна олишда буни мингдан бир қисми II,I м, 60 см ли қатор ораларида эса қаторларнинг умумий узунлиги 16666 м, демек, намуна узунлиги 16,6 м ҳисобидан олинади. Құчат қалинлиги ва күсаклар сонини билиш учун на-мунадаги ҳамма ўсимлік сони ва шу намуна охирдаги 10 түп ўсимлікдаги күсак сони дафтарга ёзиб борилади. Агар карта-нинг катталағи 12 га бўлса 12 та намуна олинади.

Бир гектар ердаги ўсимлік түп сонини билиш учун карта-дан нечта намуна олинган бўлса, ўшанча намунадаги ўсимлік-лар сонини бир-бирига қўшиб, сўнг намуна сонига бўлинса, ўртача ўсимлік сони чиқади, бу рақам орқасига 3 та ноль ёзилса, бир гектардаги ўртача кўчат сони келиб чиқади. Энди бир түп ғўзада ўрта ҳисобда нечта күсак борлиги ҳам худди юқоридаги каби ҳисоблаб чиқарилади, лекин бунда ҳар бир намунада 10 тупдан ўсимлік олинганилгип учун 10 га тақсм қилиб бир тупдаги күсак сони ёзиб борилади. Демак, бир гек-тардаги ғўза тупи ва ҳар тупдаги ўртача күсак сони маълум. Энди битта күсакдан чиқадиган чигитли пахта массаси керак. Бунда ғўзанинг пав хусусияти, құлланылган агротехника дара-жаси, тупроқ ушумдорлиги, иқлім шароити кабилар эътиборга олинади. Ўрта толали ғўза навида битта күсакдан чиқадиган пахта массаси кўпинча $3,0-3,5-4,0$ г деб ҳисобланади. Ишгич-ка толали ғўза павларида $2,0-2,5$ г олинади.

Тушупча аниқроқ бўлсиз учун мисол келтирамиз, Фараз қылайлик, бир гектарда ўртача 103,2 минг түп ўсимлік, бир түп ғўзада ўртача 9,3 та күсак бор, битта күсакдан чиқадиган пахта массаси 4 г. Бизга кўчат сони маълум, энди бир түп ғў-задаги ҳосил миқдорини билиш учун күсак сонини, битта кү-сакдан чиқадиган чигитли пахта вазнига (масса) кўпайтира-миз $-9,3 \times 4 = 37,2$ г. Демак, бир түп ғўзада 37,2 г чигитли пахта бор экан. Гектаридан чиқадиган ҳосилнин билиш учун ўсимлік сони (103,2 минг) ни бир тупдаги ҳосилга (37,2 г) га кўпайти-р-сак: $103,2 \times 37,2 = 38,4$ га/ц.

ПАХТА ТЕРИМИ

Пахта йигим-терими пахтациликда энг мураккаб ва оғир меҳнат талаб қыладыган ишлардан ҳисобланади. Ҳисоб-китоб-ларга қараганда, пахта етиштиришга йил бўйи қилинган жами сарф-харажатларининг 50—55% и пахта теримига кетади.

Кейинги йилларда партия ва ҳукуматимиз пахтациликни йил сайни ривожлайдыршга, айниқса пахта теримини комп-лекс механизациялашга катта аҳамият бермоқда.

Ҳосилни машинада териб олиш учун аввало, ғўзаларни ма-

шинабол қишлиб ўстириш·ва·парваришлаш керак, бунда ери кузда сифатли шудгорлаш, күп йиллик бегона ўтларга қарши химиявий ва агротехник чөралар күриб; ғұзаныңг ўсув даврида уларни құйғайышында йүл құйымаслик, маҳаллій ва минерал ўғитлардан тұғри ва унумлы фойдаланиш, чигит әкишда сеялка яхши созланған бўлиши, трактор режа таёқчалари бўйича аниқ юриши, маркерлар тұғри ўрнатылышин жуда муҳимдир. Айниқса, иккала маркер белгиланған кенглиқда аниқ ишланмаса, яъни бирн узун, иккинчишнан калта бўлса, кейинчалик қатор ораларини машинайлар билан сипатли ишлаб бўлмайди, айниқса терим машинайлари нормал ишлай олмайди. Машина теримнің ажратылған пайкалларда қатор ораларини культивация қилишда культиватор иш органлары белгиланған кенглиқда ва чуқурликда тұғри ишлаши керак, яъни иш органлары ўнг ёки чаң томонга сурнлиб кетмасын, акс ҳолда бу сугориши әзатларини тұғри олинишын салбий таъсир күрсатади. Ғұзани сугоришда ҳар галғы очилған әзатлар қаторларининг қоқ ўртасидан бирн хил чуқурликда ва кенглиқда бўлишын эътибор бериш лозим. Әзатлар қаторлар марказында ўнг ёки чаң тарағфа сурнлиб очилған бўлса, терим машинайлари пахтани чала ва ифлос теради, кўплаб пахта ерга тұқылади. Натижада машинаниншы иш унуми насаныб кетади, ерга тұқылған пахтани тереб олиш учун кўплаб қўл кучи талаб қиласди, пахтаниншы серти бузилади ва ҳоказо.

Пахтаси машинайларда териладиган участкаларда ғұзани сугориши озиқлантириш билан узвий боғлаб олиб боришини ва минерал ўғит билан озиқлантириш 1—5 ишолгача туталанышы керак. Айниқса, охирги сугоришда сувин кечиктириб ёки катта нормада береб ғұзаларин говлатиб юбормаслик лозим. Охирги сувдан кейин ер етилиши билан оқ бегона ўтларин илдизи билан юлиб олиб, даладан четга чиқарыб ташлашиши, ўқариқлар ўз вақтида машинайлар ёрдамида текисланиши зарур.

Одатда уруглиқ учун ажратылған пахталар, асосан қўлда терилади. Уруглиқка ғұзаси соғлом, эртапишар ва серхосил участкалар қолдриллади. Кейинги йилларда уруглиқка ажратылған ғұзаларин шам баргини тұқиб, пахтаси маҳсус иккиси ярусли машинайлари ёрдамида тереб олинимоқда ва бунда шам сипатли уруг тайёрланмоқда.

Пахтани териш, ташиш ва тошириш вақтида побудгарчиликка йўл құйымаслик лозим. Мана бирн неча йилдиркі, пахта ташишда прогресив усул — маҳсус трактор · тележкаларидан қол-қанореиз ташиш усули кең миқёсда қўлланилмоқда ва юқори күрсаткичларга эришилмоқда. Бу эса интенсив технологияншы шегизидир.

Пахта терадиган, кўсак узадиган, тұқыладиган пахтани йиғадиган, кўрак чувийдиган машинайлар, пахта ташийдиган тележкалар ва ·шунға ўхшаш машина-транспорт воситалари билан ишлашда хавфсизлик техникаси барча қондаларнга тўлиқ риоя қилиниши шарт.

Маълумки, ғўза ўсимлигининг биологик хусусиятларига, об-ҳаво ва бошқа шароитларга қараб кўсаклар турли муддатларда пишади. Шунга кўра унинг сифати ҳам турлича бўлади. Хўжаликлар томонидан давлатга топширилаётган пахта сифати давлат стандарти (ГОСТ) бўйича баҳоланади.

Пахтани қабул қилишда унинг ташқи кўриниши, етилганлик даражаси, толанинг кўпчиб уқиарланиб туриши ва толанинг узилиши кучига (пишиқлигига) қараб, давлат стандарти бўйича чигитли пахта тўртта сортга бўлинади.

Машинада пахта териллаётганда қўйидаги қондаларга риоя этиш талаб қилинади:

Ингичка толали пахтадан уруғлик чигит тайёрланадиган ва ўрта толали пахтанинг элита ва биринчи реиродукция ҳосилини тераётганда машинадан фойдаланишига рухсат берилмайди. Уруғлик чигит тайёрланадиган майдонлардаги ғўзани дефолиация қилиш учун фақат ўсимликка юмшоқ таъсири этадиган преиарат ишлатилиши керак. Уруғлик пахта иккι яруслни пахта териш машинаси билан фақат бир марта терилади. Бунда гўза ёарги 80% дан ортиқ тўкилган ва гўза тунидаги ҳосилининг ўртacha ҳисобда 70—75% и очилган бўлиши керак.

Чигитният механик равишда шикастланниши 1% дан ошиб кетмаслиги керак. Пахтани давлат тайёрлов нуқтигига тоширишида ҳамма ҳужжатларга қўлди терилгаси пахта сифатига қараб қўйидагича рақамлар ёзилади: Биринчи сортга — I; иккинчига — II; учинчига — III, тўртнинчига — IV, машина теримига-рақам орқасига «М» ҳарфи ёзилади (мисол тариқасида, биринчи сорт I M ёки тўртнинчи сорт — IV M). Тўкилган пахтани қўлда ва машинада терилладиган бўлса бунда «П» ҳарфи қўшиб ёзилади (мисол учун, тўкилган пахта қўлда терилганда ШП, тўкилган пахта машинада терилганда III сорт — ШП).

Тўкилган пахта ва кўрак-кўсак қўлда териллиб, дала шароитида ғусак чувнидиган машинаси тозалангандагина тегинли стандарт сорти бўйича қўлда терилган деб қабул қилинади. Машинада терилган пахтанинг сортлари бўйича қабул қилиш шартлари қўйидагича (ўрта толали ғўза навлари учун).

I сорт пахтаси қўлда сиқиб қўйиб юборилганда уқиарланиб асл шаклига қайтади. Гўзанинг навига, парваришлаш шароитига қараб I сорт пахта оқ новвот рангидан бўлади. Толанинг узилиш кучи (шириклигига) 4,4 г/к ва ундан ҳам юқори. Шудринг ёки ёмғирдан сўнг тола спртида сарғиш додлар пайдо бўлади.

Пахтаси якка чигит пахта бўлиб, доилька (чапоқ пахта) си бирор сиз ўзишлган, толалари салгина бурсалиган.

II сорт пахтаси I сортга нисбатан камроқ уқпарлапади, асосан тўлиқ етилган. Кам сувликда, паст ҳэрораатда ва бошика ноқулай шароитда очилган кўсаклардан терив олиниади. II сорт пахтанинг ранги навига ва парваришлаш шароитига қараб

оқ ёки оч новпот рангли (ингичка толали навларда хирапқ) бўлади. Шудринг ёки ёмғирдан кейин толасида сариқ дөглар пайдо бўлиши мумкин. Толанинг узилиш кучи 3,9—4,3 г/к. Пахтаси алоҳида, летучка ва долькасида чўзилган толалар учраши мумкин. Бу хилдаги толанинг сирти йилтираб, жилоланиб туради.

III сорт — очилган ва чала очилган кўсаклардан териб олиниади, пахтаси асосан етилмаган, ичиди хомлари ҳам арадашган бўлади. Бу сортга мансуб пахта II сортга иисбатан ҳам камроқ укпарланади ва қўлда сиқилганда асл шаклига кам қайтади. Рангги оқишихирадан оч новпот рангача бўлиб, тола сиртида тўқ сариқ дөглар учрайди. Долькаси чўзилган, толалари буралган. Унда алоҳида-алоҳида етилмаган ва чўзилмаган долькалар аралашган бўлади. Пахтаси ялтироқ, спилиқ чаноқдаги ҳар хил катталикдаги хом пахтани эслатади. Толанинг узилиш кучи 3,2—3,8 г/к.

IV сорт-хом, тўлиқ етилмаган, чала очилган ва очилмаган кўсак-кўраклардан териб олиниади. Пахтаси қўлда сиқилганда қўпчимайди, укпарланмайди, асл ҳолига қайтмайди. Рангги хира оқ ёки оч новпот рангдан тўқ новпот рангача товланади, тола сиртида қорамтир (ингичка толали ғўза навларида пахтанинг ранги оч новпот рангдан сариқ новпот рангача бўлиб, толасида тўқ сариқ) дөглар бўлади. Унда ўлик толалар III сортдагига иисбатан кўп бўлиб, ялтираб тобланиб долькасини деярли қоплаб туради. Бу хилдаги пахта, асосан, кўсак ва кўраклар териб олингандан кейин кўсак чувийдиган машиналардан ўтказилади ва тозаланиб чиқарилади. Бу сортда толанинг узилиш кучи 2,1 г/к ва бундан кам бўлади.

Давлат стандарти бўйича тайёрлов пунктига пахтани қабул қилинда уннинг массасидаги ифлослиги ва намлиги қўйидаги 52 ва 53-жадвалда берилган.

52-жадвал

Шпинделли машина териғат подборлиниг ифлослиги ва намлиги

Пахта сорти	Ифлослиги, %			Намлиги, %		
	аслида бўлиши керак	йўл қўйилиши мумкин қабул қилиши чегарасининг нормаси		аслида бўлиши керак	йўл қўйилиши мумкин қабул қилиши чегарасининг нормаси	
		машина терими	подбор		машина терими	подбор
I	0,5	10,0	16,0	8,0	12,0	14,0
II	1,0	10,0	16,0	10,0	13,0	16,0
III	1,9	12,0	18,0	11,0	15,0	18,0
IV	3,6	20,0	22,0	13,0	20,0	22,0

Қўлда териладиган пахта ҳам машинада терилган пахтанинига ўхшашиб тўртта сортдан иборат бўлиб, уннинг белгилари қуийдагича:

I сорт-пахтасың құлда сиқиб қүйіб юборилғанда, укпарланиб аслы шаклиға қайтади, толалари яхши етилған, бақувват долька (чаноқ пахта) си күпчиб туради. Толасининг узилиш кучи 4,4 г/к ва ундан ортиқ. Ранги гүза навига ва парвариш шаронитига қараб оқ ёки оч новвот рангли бўлади. Шудринг ва ёмғир таъсирида тола сиртида майды сариқ доғлар учраши мумкин.

53-жадвал

Құлда терилған пахтанинг ифлослигиги ва намлигиги

Пахта сорти	Ифлослиги, %		Намлиги, %	
	асыла бўлинни перак	йўл қўйилини мумкин	асыла бўлинни ке, ах	йўл қўйилини мумкин
I	0,5	3,0	8,0	9,0
II	1,0	5,0	10,0	10,0
III	1,9	8,0	11,0	11,0
IV	3,6	16,0	13,0	13,0

II сорт якка чаноқ пахтаси I сортникидан кичикроқ, камроқ укпарланиб туради. Толасининг узилиш кучи 3,9—4,2 г/к, сув етишмаслиги натижасида тезроқ очилған ёки етилмаган бўлса ҳам паст ҳароратда — совуқ тушгандан кейин очилған кўсаклардан териб олинади. Ранги навига ва парвариш шаронитига қараб оқ ёки оч новвот рангли бўлади. Шудринг ёки ёмғир натижасида тола сиртида унча катта бўлмаган сарпқ доғлар ҳосил бўлади.

III сорт — якка чаноқ пахтаси II сортникидан кичкинароқ ва кам укпарланиб туради, асосан очилған ва чала очилған кўсаклардан терилиб олинади. III сорт пахтанинг толаси тўлишиб етилмаган, баъзан хом, ранги оч хира рангдан оч новвот ранггача товланади. Тола сиртида сарнқ доғлар бўлади. Унинг узилиш кучи 3,2—3,8 кг.

IV сорт — Давлат стандартига мувофиқ, совуқ уриб ривожланишдан тўхтаган, етилмаган кўсак ва кўраклардан чувиб олинади. IV сорт пахта таркибида кўплаб ўлик толалар бўлади. Бу хилдаги пахтанинг ранги оч новвот рангдан тўқ новвот ранггача товланади, қўнгир доғлари бўлади. Толасининг узилиш кучи 2,1 г/к ва ундан ҳам камроқ бўлади.

Пахта машина ёки қўлда хом терилиб, унинг намлигиги ва ифлосланиши тош, шағал, ип-газлама парчалари, кўм-кўк кўсак, йирік барг (сатҳи 4 см² ортиқ бўлган), кўм-кўк бегона ўтлар аралашган бўлса қабул қилинмайди. Агарда топширувчи (хўжалик вакили) билан қабул қилувчи (пунктниг классификатори) ўртасида баъзан сорт бўйича келишилмовчилик бўлса, бундай ҳолларда маҳсус асбоб (ЛИС-4) орқали толасининг узилиш кучига қараб лаборатория шаронитидаги анализ ўткази-

лади ва шу асосида сорт қабул қилинади. Ҳар бир хўжалик тайёрлов пунктага топшираётган пахта сорти, машина териими ва қўл терими бўйича алоҳида-алоҳида бунтда сақланади.

ПАХТАНИ ҚЎЛДА ТЕРИШ

Пахта йигим-терими ўйл саёни кенг миқёсда механизация-лашиб бораётган бўлсада, ҳозирги вақтда ҳосилининг бир қисмини қўлда териш давом этмоқда. Айниқса уруғлик учун ажратилган пахтанинг дастлабки иккি терими, кичик пайкаллар, машина теримига яроқсиз бошқа участкалардаги пахта қўлда терилмоқда. Шундай экан, пахтаси қўлда териб олинадиган жойларда иш ҳажмига қараб ишчи кучи тўғри тақсимланиши, теримчилар старли миқдорда этаклар билан таъминланishi, пахта қўртилладиган хирмон, бостирмалар тўлиқ ремонтдан чиққан бўлиши керак.

Бутун терим даври учун ишнинг кун тартиби тузилади, бунда теримчиларнинг ишга чиқиш ва ишдан қайтиш вақти, эрталабки ионушта ва тушки овқатланиш вақтлари кўрсатилади, кун бўйи пахта терими учун маълум миқдорда қаторлар ажратиб берилади.

Пахта терими бошланиши олдидаи ғўза тупларида камида 2—3 тадан тўлиқ пишган кўсак бўлиши керак.

Пахта теришда биринчи навбатда тўлиқ ишган, касалланмаган, соглом кўсакларда очилган лўппи пахталар териб олиниди, касалланган, тупи ерга ётиб қолиб шикастланган кўсаклар, очилган пахталар алоҳида терилиб, этакдаги кичик чўнтақка солиб алоҳида тоширилади. Теримда пахтага ҳар хил хас-чўплар, қуриған барг, чаноқ ва бошқа ифлос нарсалар, шунингдек, хом пахта аралашиб кетмаслиги лозим. Акс ҳолда унинг сорти бузилади ва бу ҳўжаликка катта иқтисодий зарар келтириши мумкин. Бундан ташқари ифлос пахтадан тўқилган газламалар унчалик сифатли бўлмайди.

Етиштирилган ҳосилни мавсумда кўп деганда 4 маратагача териб олиш тавсия қилинади. Юқорида айтилганидек, биринчи теримга тахминан 20—25% (2—3 та) кўсак очилганда, иккинчи теримга қолгар ҳосилнинг 35—40% очилганда киришилади ва у совуқ тушгунча тугалланади. Учинчи терим иккинчидан кейин тахминан (куз ҳавосининг келишинга қараб) 10—15 кун оралатиб ёки совуқ тушиши биланоқ бошланади ва тезда таомланади. Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи теримдаги пахталар I-сортга топширилади. Учинчи терим кўпинча I-сортга, баъзан етилмаган кўсак пахталар аралашиб қолиши ҳисобига II сортга қабул қилинади. Тўртинчи теримда кўсак ва кўрак пахтанинг чиқишига қараб III ёки IV сортга ўтади.

Баъзан куз салқин келган йилларда ғўзага химиявий препаратлар сениб (десикация қилинисиб) кўсак ва кўраклар тупида қуртиллади, сўнг кўсак тергичларда териб олиниб, кўсак чувшиш машинасида пахтаси ажратиб олинади. Ғўзалар юқори

агротехника асосида парвариш қилинса ва теримга яхши тайёргарлик кўрилиб барча ишлар уюшқоқлик билан олиб борилса, етиштирилган ҳосилинг 85—90% иш 1-сортга топшириш мумкин. Пахта юқори сортларга қанча кўп топширилса, ундан келадиган даромад шунчалик кўп бўлади.

Уруғчилик хўжаликларнда уруғлик пахта териш олдидан маҳсус комиссия томонидан кўриб чиқилади ва уруғликка яроқсиз деб ҳисобланган далалардаги пахта умумий теримга қўшиб юборилади. Уруғлик участкаларда фўза тусларида 3—4 тадан бўлиқ кўсак етилиб очилганида теримга тушилади. Бунда дастлабки икки терим (10—15 октябргача) уруғлик учун терилиб, қолгани эса техникавий пахта сифатида давлатга топширилади. Давлатга топширилдиган уруғлик пахтани тайёрлов пунктига юборишдан олдин, агар у шудринг ёкп бўлиб ўтган ёмғирда намиққаи бўлса, олдин Давлат стандарти талабига жавоб берадиган даражада қуритилиши, тегишли ҳужжатларга дала группаси ва дала апробацияси кўрсатилиши шарт.

Пахта териш нормасини тўғрн белгилаш иш унумини ошишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунинг учун терим нормаларини белгилашда кўсакларниг очилиш даражаси ва ўстирилган фўза навига эътибор бернилиши керак. Совет фўза навлари учун териш нормаси тахминан қўйидагича: теримнинг дастлабки даврида 40—60 кг, кўсаклар яхши очилгандан, кўпинча иккинчи теримда 60—80 кг, ўнинчи теримда 30—40 кг, кўсак ва кўрак теришда 80—120 кг. Ҳар бир теримчин мавсумда ўрта ҳисобда 5000—7000 кг пахта териши керак. Мусобақа ва теримчиларни моддий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган хўжаликларда илгор теримчилар мавсумда 10—15 минг килограммдан пахта термоқда. Бу одатдаги теримчиларга нисбатан икки баробар кўп демакдир. Теримчи бир йўла 2 қатордаги пахтани теради, бунда ҳар бир қаторда 3—4 туп фўзадаги сўнг икки қўллаб қарама-қарши тупнинг тепасида пастга, пастдан юқорига қараб териб чиқса, иш унуми анча ошади. Текширишлар шуни кўрсатдики, уста теримчилар бир минутда 70—80 тагача очилган кўсакдаги пахтани териш, бир кунда эса 250—350 кг ва бундан кўпроқ пахта териши мумкин экан.

ДЕФОЛИАЦИЯ ВА ДЕСИКАЦИЯ

Пахтани ўз вақтида сифатли қилиб машинада териб олиш учун йигим-теримга тайёргарлик кўришдаги агротехника тадбирлар ичida баргларни тўқтириш (дефолиация) ва ўсимликини қуритиш (десикация) иннинг аҳамияти катта. Пахта терими олдидан фўзаларниг барги химиявий препаратлар ёрдамида тўқтирилса, фўза қатор ораларидан шамол ўтиши яхшиланади, пайкалларда ҳавонинг нисбий намлиги камаяди. Натижада фўза тупларининг орасида, айниқса ўрта ярусида шохлардан ер бетигача бўлган оралиқда ҳаво ҳарорати юқори бўлиб, у кўсак-

ларнинг барвақт өтилишнга ва очишлишида фойдали таъсир этади.

Бу даврда поянинг пастки қисмидаги қариган баргларнинг қуриб секин-аста тўқилашвиши ҳам кўсакларнинг пишиши ва очишлишини анча тезлаштиради.

Кўсакларнинг пишиш суръати гўзанинг турига ва навига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Гўзанинг биологик хусусиятига кўра, кўсакларнинг пишиши бизни шароитимизда дастлабки қора совуқ тушгунча давом этаверади.

Барглари тўқилмаган фўзалардаги пахта машинада терилганида ифлосланади, толаларига барг шиralарни юқиб саргайиб қолади, терим машиналарининг иш унуми кескини камаяди. Мана шундай ҳолларнинг олдини олиш учун фўза баргларини тўктириш, яъни дефолиация қилиш керак. Фўзага химиявий дорилар сепилганда барглари узоғи билан 10—12 кунда қуриб тўқилади.

СоюзНИХИ ва Ўзбекистон ССР Файлар академияси йўсимликлар экспериментал биологяси институтининг кўп йиллик маълумотларига кўра, дефолиация қилингандан 12—13 кун кейин очилаган кўсаклар сони одатдагидан 20—25% ортиқ бўлган. Бу доснлиниг 90% дан ортичини дастлабки совуқ тушгунча териб олиш имконини берди. Шу билан бирга I сортга тошириладиган пахта миқдори 4—5% ортган, толанинг ифлосланиши кескини камайган, пахта териш машиналарининг иш унуми 20—25% га ошган, маҳсулот танинхии анча арзоилашган ва йигим-терим муддати бирмунча қисқарган.

Пахта 2 марта териб олингандан кейин одатда хом, яхши стилмаган кўк кўсаклар қолади. Бу ҳол кўпинча куз салқин келиб, тупроқда нам кўп бўлганда рўй беради. Бундай пайтларда кўсак ва кўракларнинг очишлишини тезлаштириш ва қолган ҳосилни қисқа муддатда йиғиб-териб олиш мақсадида фўза десикация қилинади, яъни туплари турган жойинда қуритилади. Десикация қилинганда ўсимликниг хаёти бутуилай тўхтайди, унинг ўсуви органлари, жумладан пишиб етилмаган кўсаклар ҳам тезда қуриб қолади. Натижада кўсак чаноқлари тезда селгиб десикация қилинмаган ерлардагига қараганда тезроқ очилади.

Демак, фўзани дефолиация ва десикация қилиш пахта ҳосилни қисқа муддат ичидаги йиғиб-териб олиш ва кузги-қишики дала ишларни эрта бошлаб юбориш имконини беради. Бу эса келаси йил мўл ҳосили учун замин тайёрлашда муҳим агротехник тадбирлардан ҳисобланади.

Дефолиация ва десикация қилишда ишлатилядигандорилар. Химия саноати дефолиант ва десикантларнинг бир неча хилларини ишлаб чиқармоқда. Магний хлорат, кальций хлорат-хлорид, эркин цианамид, Дропп ва бошқалар шулар жумласига киради.

Магний хлорат $[Mg(ClO_3)_2 \cdot 6H_2O]$ — рангиз кристалл модда бўлиб, таркибида 58—66% магний хлорат ва 30% чамасида натрий хлорид ва бошқа моддалар бор. Бу препарат сувда осонги-

на эрийди, ўзига нам тортади. Ишлатилаётганда ундан билинар-билинмас ёқимсиз ҳид чиқади. Магний хлорат қуруқ омборларда сақланниши керак.

Бу препарат ўсимликка кучли таъсир қилади ва баргни тез қуритади. Уни ҳаво ҳарорати $12-15^{\circ}$ бўлганда ҳам ишлатиши мумкин. Магний хлоратининг яна бир яхши хусусияти шундаки, уни катта нормада сепиб десикант сифатида ҳам қўллаш мумкин.

Бундан ташқари, магний хлорат эритма ҳолида ишлатилгани учун уни шудринг тушмайдиган барча районларда кенг кўламда ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Кальций хлорат-хлорид $[\text{Ca}(\text{ClO}_3) + \text{CaCl}_2]$ — оч сарин тусдаги суюқлик бўлиб, таркибида 30—32% кальций хлорат ва 28—29% калий хлорид бор. Бу препарат сувдан 1,5 марта оғир, сувда яхши эрийди ва ўзига намни тез тортади. Фўза баргига магний хлоратга нисбатан бироз кучсизроқ ва секинроқ, аммо кальций-цианамидга нисбатан тезроқ таъсир қилади. Мазкур **дорининг яхши** хусусиятларидан бири, ҳаво ҳарорати паст бўлганда ҳам у баргни тўқаверади, лекин бунда гектарига сарфланадиган нормаси бироз оширилади. Кальций хлорат-хлоридни паст ҳароратда ҳам ишлатиш мумкин, шунга кўра ундан десикант сифатида ҳам кенг кўламда фойдалапса бўлади.

Эркин цианамид эритмаси (H_2CN_2) — оч ранги суюқлик бўлиб, таркибида тахминан 40% цианамид бор. Ҳаво ҳарорати 20° дан юқори бўлганда, у ҳаво таъсирида парчаланиш кетади ва дефолиантлик хусусияти камаяди. Шунинг учун эркин цианамид паст ҳароратда берк жойда сақланиши керак. Цианамиднинг парчаланмаслиги учун эритмага 5% ли бор ҷислота қўшилади.

Бу препарат сувда яхши эрийди, тез бузулмайди, уни бир йилгача сақлаш мумкин.

Дропп. Ўзбекистонда 1986 йилдан бошлиж фўзани дефолиация қилишда ишлатилмоқда. Препарат 50% ли қўлланувчи кукун ҳолда ишлаб чиқарилади. Иссиқ қонли жониворларга салбий таъсири кам. Шу туфайли бошқа дефолиантларга қараганда юмшоқ таъсир этганилиги учун уни эрта муддатда ишлатилади (август охири ва сентябрь ойининг ўрталарида), ушинг ҳиди деярли бўлмайди. Дропп системали таъсирига эга бўлганилиги сабабли, фақатгина супензия томчилари теккан баргигина тўкилади. Шу сабабли Дропп билан фўзага ишлов берилганда трактор нурка-гичлари қўлланса, баргларнинг тўкилиши ва кўсақларининг очилиши самаралироқ бўлади.

Хозирги даврда жумҳуриятимизда магний-хлорат препарати катта майдонларда қўлланмоқда, бунда баргларнинг тўкилиш даражаси Дроппга нисбатан камроқ, бироқ тўпларда тўкилмай қуриб қолиши даражаси кўп бўлмоқда. Биз буни ўрта толали фўза навларга таъсирини қўйидаги 54-жадвалдан кўреак бўлади.

Дропп препарати нигичка толали фўза баргларнинг тўкинида ҳам жуда яхши самара бермоқда. Препарат таъсири кўз иссиқ

келган регионларда айниңса яхши бўлади. Шунинг учун ҳам препаратни ишлатишда суткалик ўртача ҳарорат $20-25^{\circ}$ бўлиши керак, агар ҳарорат ундан ортиқ бўлса, препарат таъсири янада самарали бўлади.

Препаратнинг яна бир хислати шундан иборатки, барг асосан нам ҳолда 10—12 кун ўтгач ёппаснга тўкилиб кетади, бу эса пахтани шпинделли машиналар билан теришда ифлосланиш даражаси камайтиради ва маҳсулот сифатини оширади.

Препаратларнинг фўзага таъсири. Препаратлар одатда фўза баргига пуркаш ёки чанглаш йўлни билан таъсир этирилади. Бунда препаратлар барг ҳужайраларига сингиб кириб уни шикастлайди ва секин-аста қуришиб ўсимлик ҳаётини

54-жадвал

Препаратлар таъсирида фўза баргларининг тўлилиши, % ҳисобида

Вариант	Инъекциянинн портфели, г/дн	Тонкент вилоятида (С-4880)		Наманган вилоятида (С-6524)		Қашқадарё вилоятида (108-Ф)		Тоҷикистон ССРда (108-Ф)	
		6 кунда	12 кунда	6 кунда	12 кунда	6 кунда	12 кунда	6 кунда	12 кунда
Магний-хлорат	8	58,8	63,8	53,0	68,0	63,0	70,0	56,5	73,4
Дропп	0,5	—	—	85,9	93,6	—	—	—	—
Шунинг ўзи	0,6	—	—	—	—	—	—	74,3	88,8
Шунинг ўзи	0,7	32,9	82,4	—	—	77,4	92,3	—	—
Бутылкаптакс + дропп	4±0,2	70,9	91,1	85,0	96,8	—	—	83,4	90,1
Шунинг ўзи	4±0,4	—	—	—	—	68,0	90,0	77,4	87,4

тўхтатади. Шундан кейин барг қурпб бандининг қуий қнсмидан ёки новдага бириккан жойидан узилиб тушади. Дефолиация белгиланған муддатда ўтказилса, 8—10 кунда фўза баргларининг 80—90% и тўкилади. Лекин баргга секин таъсир этувчи Дропп эритмаси пуркалганда барг 10—12 кунда яхши тушади.

Фўзага секин-аста таъсир этувчи препаратлар пуркалганда баргдаги озиқ моддалар ҳаракатга келиб мевага ўтади ва дори тўғри қўлланилганда ҳосилнинг маълум миқдорда ошишига ёрдам беради. Фўзанинг барглари тўкила бошлиши билан қуёш ҳарорати таъсирида ўсимлик туплари, кўсаклари, шунингдек, ер қизий бошлайди, ҳаво ҳарорати фўза қатор ораларида куидуз кунлари $3-5,5^{\circ}$ кўтарилади, намлиги эса 4—13% ва ундан ҳам ортиқ камайиши мумкин. Шундай қалил, дефолиация қилинган майдонларда кўсакларнинг очилиши 10—15 кунга тезлашади.

Дефолиация қилишнинг пахта ҳосилнга таъсири уни ўтказиш муддатига, ўсимлик ҳолатига ва химиявий препаратларнинг турига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу кўп йиллик тажрибалардан ҳам маълум (55-жадвал).

Жадвал маълумотидан, дефолиация муддатидан илгарироқ ўтказилганда (айниҳа магний - хлорат таъсирида) ҳосилдорлик камайиб кетганилиги кўриниб турибди.

Дефолиация энг қулай агротехника муддатида ўтказилса, пахта толасининг технологик хусусиятлари, шунингдек, чигит сифати пасаймаслиги Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кўп йиллик тажрибаларида ҳам тасдиқланган.

Кейинги йилларда профессор А. И. И момалиев бошчилигига бир группа илмий ходимлар ўзларининг кўп йиллик тажрибалирига асосланаб дефолиация қилишнинг аниқ муддатларини белгилаб ишлаб чиқарнишга тавсия қилдилар. Масалан: Қорақалпоғистони АССР ва Хоразм вилоятида кўпчилик ғўза тупларида 2 тадан кўсак етилганда, Марказий пахтакор районларда эса кўпчилик ғўза тупларида 2—3 тадан кўсак етилганда ўтказила-

55-жадвал

Дефолиация қилиш муддатлари ва препарат турларининг пахта ҳосилига таъсири

Тажриба ўтказилган жой	Дори сепилгаш муддат	Дори сепиш олдидан пинги гаи кўсак сони	Пахта ҳосили, гац	
			барг тўкилмагандан	барги тўкирилганда (магний-хлор эргаси сепилгандан)
Қирғизистон тажриба станцияси СоюзНИИХИнинг Андижон филиали	7.IX 14.IX	1,4—1,6 2,4—2,7	43,3 43,3	37,4 42,0
Пахтаорол тажриба станцияси Хоразм тажриба станцияси	11.IX 24.IX 15.IX 25.IX 4.IX 14.IX	2,0—2,3 3,4—3,8 0,6—1,1 3,0—3,1 1,5—1,8 2,8—4,8	35,7 35,7 27,9 27,9 34,3 34,3	34,4 35,6 — 27,7 32,0 33,8

ди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур районлардаги юқори ҳосил етиширилган майдонларда, шунингдек, уруғчилик участкаларида агрономнинг рухсати билан кўпчилик ғўза тупида 3—4 кўсак етилганда дефолиация қилиш тавсия этилади. Жумҳуриятимизнинг жанубий районлари Сурхондарё, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида куз узоқ ва иссиқ бўлиб, ғўзанинг ривожланиши учун шароит қулай бўлганлигидан дефолиация кўпчилик ғўза тупида 3—4 тадан кўсак пишиб очилганда ўтказилади.

Ингичка толали совет ғўза навларида кўпчилик ғўзада 5—6 тадан кўсак очилганда дефолиация қилиш энг яхши самара беради.

Кейинги йилларда ғўзанинг дефолиацияга биологик жиҳатдан етилишини ҳар томонлама ўрганилганда, пахта ҳосилдорлиги ҳар хил бўлишидан қатъи назар, ўрта толали ғўза навларда кўсакларнинг 35—40% и пишганда ва ингичка толали ғўза

навларида эса 50% и пишганда ўтказиш ҳосилга ҳам тола си-фатига ижобий таъсир кўрсатиши аниқланди.

Дефолиантларнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ташқи му-хит шароитига боғлиқдир. Масалан, ғўзалар серҳосил бўлиб етилган майдонларда ўсимлик сербарг бўлганлнгидан кўсаклар-нинг очилиши кечроқ бошланиши мумкин. Бунга ғўзага катта нормада азотли ўғит бернилиши ва шунингдек охириг вегетация сувини кўпроқ бериши ҳам сабаб бўлади.

Бундай ҳолда ғўза баргини тўкишда, бирмунча дефолиант нормасини ошириб, трактор пуркагичларидан фойдаланиш яхши самара беради. Машинада териладиган уруғлик участкаларда бу тадбир айниқса қўл келмоқда. Ғўза баргини тўкиш учун ерда ишлайдиган аппарат ёрдамнда икки марта дори сепиш ёки ярусли (қатламма-қатлам) усул деб айтилади. Бунда препарат дастлаб ўсимлик тубида (марзадан) 35—40 см баландлпккача сепилади ва орадан 6—8 кун ўтгандан сўнг дори ғўзанинг юқори қисмига пуркалади. Иккинчи дорилашда препарат нормаси биринчисига нисбатан 0,6—0,7 миқдорда олинади. Дефолиация даврида ғўзалар чанқаб қолмаган бўлиши керак, акс ҳолда де-фолиантларнинг таъсири камаяди, барвлар чала тўкилади ва бу ҳосилнинг камайишига олиб келади. Шунинг учун ғўзалар чанқаган бўлса, дефолиация қилишдан олдинроқ енгил сугори-лиши зарур. Шундай қилинганда дефолиантлар самарали таъ-сир этади, ғўза яхши ривожланади, ҳосилдорлиги ортади. Де-фолиация қилиш олдидан тупроқ намлиги дала нам сифимига нисбатан 60—65% бўлиши керак. Ер ости сувлари чуқур жой-лашган бўз тупроқли ерларда дефолиация қилиш муддати яқин-лашиб қолган пайтда ғўза сув талаб қиласа тезда кичик нормада сугориш тавсия қилинади.

Дефолиация қилиш муддати кечиктириб юборилганда ҳам дефолиантларнинг таъсири кескин камаяди. Чунки бунда паст-ки ва ўрта ярусдаги барвлар қариб қолади, қариган барвларга эса дефолиантлар яхши таъсир қилмайди, натижада барвлар-нинг тўкилиши ҳам жуда қийин бўлади. Бундай майдондаги ҳо-силни машиналарда терганда машинанинг иш унуми паст бўла-ди ва пахтаси ифлосланиб кетади.

Дефолиантлар нормадан камроқ сепилса, сепилгандан сўнг, айниқса, ҳаво ҳарорати пасайиб кетган ёки ёмғир ёққан бўлса, барвлар тўкилмай қолиши мумкин. Бундай ҳолларда ғў-зани такорий дефолиация қилишга тўғри келади. Биринчиси-да магний-хлорат сепилган бўлса, у кучли таъсир қиладиган препарат бўлгани учун такорий пуркашда ҳам шунинг ўзи ишлатилиши мумкин. Аммо бунда гектарига сарфланадиган нормаси 15—20% оширилади. Очилган пахта машинада бир ёки икки марта териб олингандан сўнг, кўрак ва кўсаклар машинада, ҳатто қўлда териладиган вақтда кўпчилиги етилмаган (кўк) бўл-са, шунингдек, ҳаво ҳарорати пасайиб кетса, бундай ҳол-ларда ғўзани десикация қилиш тавсия қилинади. Шунда кўсак ва кўрак қуриб, тез очилади.

Ғұзаси кеч ривожланған ёки бузиб әкілған, дүл урган майдонларда құсакларнинг кеч очилиши табиийдір, бундай дала-ларда дефолиацияни құлай муддатларда үтказиб бўлмайди, зеро, уларни десикация қилиш тавсия этилади. Шундай ҳоллар ҳам бўлиши мумкінки, масалан, картанинг бир қисмидаги құсаклар нормал етилиб, иккинчи қисмидаги құсакларнинг кўпчилиги кўм-кўк бўлади, бундай ҳолларда ҳам даланинг мана шу қисмидаги ғўзалар десикация қилинса, ҳосил ёппасига этилади ва ўз вақтида териб олниади. Бу тадбир шундай ташкил қилиниши керакки, даладаги ҳамма ҳосил 20—25 октябрғача йиғибериб олниши лозим.

Препаратларни ишлатиш нормаси ва усули. Препаратлар ишлатиш нормасини тўғри белгилаш ғўза баргини ўз вақтида ва сифатли тўқишлишини, құсакларнинг қнийғос етилиши ва очилишини таъминилайди. Дефолиация ва десикация қилиш учун ишлатиладиган химиявий препаратлар ишлатиш нормасини мазкур райондаги ўсимликларни ҳимоя қилиш отряди ва район агрорсаноат бирлашмасининг умумий раҳбарлигига колхоз-совхоз агрономлари белгилайди.

Дори сепиш нормаси ғўзанинг бўйи, ҳосил шохлари сони, уларнинг қай даражада ривожланғанлиги, кўчат қалинлиги, ишлаш муддатлари, кузнинг келиши, хуллас барча шарт-шароитлар ҳисобга олинган ҳолда аниқ белгиланиши керак. Бунда ҳар бир ғўза пайкали учун алоҳида-алоҳида норма белгиланади. Ўсимлликка секин (юмшоқ) таъсир қилувчи Дропп препарати сепиш одатта август ойи охиридан бошланиб 5—10 сентябрь атрофида тугалланади.

Кейинги йиллардаги амалий ишлар Дропп эрта муддатларда сепилганды, ғўзанинг авжига қараб гектарига 0,4—0,7 кг, ғўзаси бақувват, серҳосил бўлиб ривожланған участкаларда эса 0,6—0,7 кг ҳисобидан препарат сарфлаш яхши самара беришини кўрсатмоқда. Препарат сепиш нормаси бундан кам бўлганда кўпинча ғўзани такорий дорилашга тўғри келмоқда. Дропп препаратига бутилкаптакс аралаштириб ишлатилса баргларнинг тўқиленш даражаси ошади ва құсаклар очилиши тезлашади. Бунда бутилкаптакс зоналари 4 кг/га ва Дроппдан 0,2—0,3 га/кг сарфланади.

Дефолиация қилишиниң дастлабки пайтларида жапубий ва марказий Дропп, кейинроқ кальций хлорат—хлорид, энг сўнгги муддатларда эса кучли таъсир этувчи магний хлорат сепиш тавсия қилинади. Кейинги иккала препарат фақат дефолиант сифатида эмас, шу билан бирга десикант сифатида ҳам хизмат қиласади.

Ингичка толали совет ғўза навлари экилған жойларда дефолиация қилиш учун Дропп, кальций хлорат—хлорид, магний хлорат ёки магний—хлоратнинг бутилкаптакс билан аралашмасини сепиш яхши самара беради.

Урта толали ғўзаларнинг авжи ва кўчат қалинлигига қараб қўйидаги норма тавсия этилади, га/кг:

Дропп 0,4—0,7 бутилкаптакс билан Дропп аралашмаси 0,4,—0,2

магний-хлорат—8—12

кальций хлорат—хлорид—20—25

Бутилкаптакс билан магний-хлорат аралашмаси (ҳар бирдан 5 кг дан)—10 кг.

Ингичка толали ғұза навлари учун: Дропп 0,3—0,5 га/кг, магний хлоратдан 15—17 га/кг ва хлорад—хлорид кальцийдан эса 26—30 га/кг ишлатилади.

Ғұзани десикация қилишда магний-хлорат, кальций хлорат — хлорид қуйидаги нормада сепилади (56-жадвал).

Дефолиация қилингандай майдонларда байланыс 8—10 кундан кейин ҳам баргларнинг 70% дан камроғи түкилади ва бу пахта териш машиналарининг ишини қийинлаштириб юборади, бундай ҳолларда хұжалык агрономи томонидан чиқарылған хулосаға күра тақрорный дефолиация қилиншга түғри келади. Гектарига

56-жадвал

Десиканттарнинг құлланиш нормаси, га/кг

Препараттар	Үрта толали ғұза навлари	Ингичка толали ғұза навлари
Магний-хлорат	25—30	30—32
Кальций хлорат-хлорид	45—50	50—60

сепиладиган препарат нормаси ҳар бир дала учун ҳаво шаронти, ғұзанинг ҳолатига ва биринчи дефолиацияда баргларнинг түкилишнега қараб белгиланаади.

Ўзбекистон Фанлар академиясынан көйинги йилларда ғұза баргларини түктириб юборадиган түрли УДМ типидаги дефолиант ва десиканттар яратылған. Бу препараттар арзона ва ғұза баргларига юмшоқроқ таъсир қилиб, баргларнинг 80—90% ини түкиб юборади. УДМ—I дефолиант магний хлорат билан аммофос аралашмасынан иборат болып, бу ўсимликка юмшоқ таъсир этгандығы учун август ойи охири ва сентябрь ойининг бошларыда ишлатында яхши натижә беради. УДМ—II препарати УДМ—I га нисбетан ўсимликка бироз қаттықроқ таъсир қылғаны учун сентябрь ойында ишлатынш тавсия қылнади. УДМ—III магний хлорат билан карбамид аралашмасынан иборат. УДМ—IV препарати ғұзаны тақрорий равишда дефолиация қилишда ва десикация үтказында құлланилади. Бу препарат магний хлорат билан аммиак селитра аралашмасынан иборат. Дефолианттарни ғұза баргини самарағын түкніш учун ҳаво ҳарорати 18—21° бүлгани маңызды қысметтегендеги. Агарда ҳарорат 22°дан ортиб кетсе, ишлатынш нормаси 10—15% камайтырилади ёки аксионда ҳарорат бирмунча пасайса (14—15° бүлганды) 15—20% оширилади. Одатдаги нормалар қуйидаги 57-жадвалда берилген.


Препаратларни ишлатиш нормалари, га/кг ҳисобида

Препарат	Август охири ва сентябрь бошларидан		Сентябрь боши ва урталарида	
	Кучли ривож-ланган	Үртака ривож-ланган	Кучли ривож-ланган	Үртака ривож-ланган
Урта толалиғүзәнавлари				
УДМ-1				
Магний-хлорат	7	6	8	6
Аммофос	12	10	12	10
УДМ-11				
Магний-хлорат	8	7	9	8
Карбамид	12	10	12	10
Ингичкатаолалиғүзәнавлари				
УДМ-1				
Магний-хлорат	—	—	10	9
Аммофос	—	—	14	12
УДМ-П				
Магний-хлорат	—	—	10	9
Карбамид	—	—	12	10
Такрор ишлов берилеш вә десикация қилиш				
УДМ-IV				
Магний-хлорат				8-10
Аммиакли селитра				
Магний-хлорат				10
Аммиакли селитра				10-15
				15-20
Десикация қилинганданда				

Препаратларни ишлатишда уларнинг эритмаси ғўзага пуркалади. Трактор пуркагичларда гектарига 400 л эритма сарфланади. Кўчат бирмунча қалин ва ингичкатаолалиғүзәнавлари учун ишлатиладиган ишчи эритмалар трактор ёрдамнда ишлатилганда 450 л гача кўпайтирилади. Препарат компонентларини тайёрлаш ва уларни ишлатиш тегишли тавсия асосида бажарилади.

Дефолиант ва десикантлар сепишда Т-28Х4 ва МТЗ-50Х маркали чопиқ тракторларига ўрнатилган ОВХ-14 маркали чанглагич—пуркагичлардан фойдаланилади. Бу чанглагич—пуркагичнинг иш унуми кам бўлганлиги учун кейинги йилларда иш унуми юқори ҳамда давлат сифат белгисини олган ОВХ-28 чанглагич-пуркагич кўплаб ишлаб чиқарилмоқда (75-расм). ОВХ-14 аппарати ғўза қатор ораси 60 см ли пайкалларни ишлашда 20 та, 90 см ли пайкалларда эса 12 та қаторни қамраб олади. Қаторлардан адашмаслик учун трактор кирадиган қатгорга, одатда картанинг икки бошида белги қўйилади.

Дефолиация ва десикация қилишда эҳтиёт чоралари. Ғўзани дефолиация ва десикация қилишда ишлатиладиган препаратлар



75-расм. OBX-28 маркали чанглагич-пуркагич

заҳарли бўлгани учун қатнашадиган шахслар заправшиклар, техниклар, тракторчилар ва бошқалар медицина кўригидан ўтишлари шарт. Дорилашла қатнашадиган ҳамма кишилар Ф—46 маркали респиратор, резинка қўлқоплар, ҳимоя қўзойнаклар, комбинзои, шунингдек, бошқа керакли буюмлар билан тўла таъминланниши ва улардан тўғри фойдаланишлари шарт, албатта. Ҳар галги дорилашдан кейин иш кийимлари ва буюмлар махсус ажратилиган жойларда сақланиши керак.

Чанглагич—пуркагичда дори сепишда тракторда кабина бўлиши лекин тракторчи кабинада ишляяпман деб, махсус кийимларини ечиб қўймаслиги зарур. Кабинада ҳар хил дори-дармонлар солингган аптечка бўлиши керак.

Овқатланишдан олдин ва иш тугаллангандан кейин, албатта юз-қўлни совунлаб ювиш, оғиз ва томоқни чайқаб ташлаш, ҳар куни душга тушиб ёки сувда совунлаб юваниш лозим.

Химиавий препаратлар билан ишлаётган ҳар бир кишига ишдан бир соат олдин қоидага кўра 0,5 л қайнатилиган ёғли сут белуп берилади. Дорилаш пайтларида қўшни карталарда ҳар қандай иш тўхтатилади. Дори сепилган пайкаллар, ён участкаларга камида 3 кундан кейин киришга рухсат этилади. Химиатлар сепишдан олдин маҳаллий аҳоли, айниқса мактаб ва мактабгача бўлган болалар муассасалари қатъий огоҳлантирилади. Далада иш бошланишига қадар, ишлов берилиши лозим бўлган участкаларнинг чегараларига огоҳлантириш (карантин) белгилари қўйилади ва ишлов бериш тугагандан кейин 7 кун ўтиши билан белгилар олиб ташланади. Иш жойларида медицина ходимлари навбатчилик қиласидилар.

ДАЛАНИ МАШИНА ТЕРИМИГА ТАЙЕРЛАШ

Дефолиация қилиш бошланишидан бир неча күн илгари пахтаси машинада териладиган далаларнинг икки бошида 8—10 м кенгликда трактор буриладиган жой ажратилади ва ғўзалар десикация қилинади. Бурилиш майдончалари умумий пахта далиснинг 8—10% ини ташкил қиласди, бу албатта кўп. Кейинги йилларда илфор хўжаликлар чигит экишда бир-бирига рўпара бўлган карталар ўртасидаги йўл, марза, ариқ, мувакқат ариқларни кўмиб, текислаб бурилиш майдончаси ўрнида фойдаланимоқдалар. Карталарнинг боши ёки охиридан ўтган ариқларни текислаб юбориш учун тупроқ бўлмаган тақдирда тележка, ҳатто скрейперларда тупроқ ташиб кўмилмоқда ва шу йўл билан майдонлар кенгайтирилмоқда. Шундай қилинганда ғўзаларга мутлақо зарар етмайди.

Бурилиш майдончаларидаги очилган пахталар машина териимиға 3—4 кун қолганда териб олиниб ғўза туплари кўсаклари билан қўлда ўриб олинади ва дала четига чиқариб ёйиб қўйилади, улар тўлиқ очилгандан сўнг териб олиниади.

Бурилиш майдончаларида қилинадиган ишларни механизациялаштириш мақсадида кейинги йилларда чигит экиш вақтида пайкалнинг иккала томонида (пайкал боши ва охир) сеялкада кўндалангига 3—4 марта чигит экиш расм бўлмоқда. Кейинчалик эса мана шу майдон узунасига ва кўндалаигига тракторда ишланаверади. Ғўзага охирги сув берилгандан кейин, шу майдонда кўндаланг эгатлар олиниади, сўнг дефолиациядан бир неча кун олдин пуркагич чанглагичларда десикация қилинади ва 70—80% кўсаклар очилганда пахтаси машинада, қолган кўрак-кўсаклар кўрак терадиган машинада, ерга тўкилган пахталар эса подборщикларда йиғиб-териб олинади ва ғўзапоялари юлиб олиниб ер грейдер ёки бульдозерларда текисланади.

ҲОСИЛНИ МАШИНАДА ТЕРИШ

Пахтачиликда интенсив технологияга асосланган илфор хўжаликлар тажрибаси, ғўза машинабоп қилиб ўстирилганда, ҳосилни эрта етиладиган қилиб парваришлаш ва бошқа агротехника қондаларига тўла риоя қилинганда, етиштирилган ялпи ҳосилнинг деярли ҳаммасини машиналарда териб олиш мумкин эканлигидан далолат бермоқда. Масалан, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг пахтакорлари ялии ҳосилнинг 75—85% иш машиналарда териб олмоқдалар.

Тошкент вилоятидаги Коммунистик, Галаба, Сирдарё вилоятидаги Оқ олтии, Наманган вилоятидаги Задарё каби бир қанча районлар машинада пахта теришда энг юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Илфор механизаторларнинг иш тажрибасини ўрганиш ва амалда қўллаш пахтани қисқа муддат ичida териб олиш, терим машиналаридан унумли фойдаланиш, маҳсулот таннархини арzonлаштиришда катта имкониятлар очиб бермоқда. Совет конс-

трукторлари яратган 14XB—2,4; XНП—1,8; XBБ—1,8Б; XBA—1,2; XBН—1,8А; XBН—1,2А; XBН—1,8; 17XB—1,8 каби пахта териш машиналари дәхқон мәжнатини енгиллаштирумoqueда. Ҳосилни териб олиш учун пахтаси машинада териладиган карталар теримга ҳар томонлама пухта тайёрланиши, шунингдек машинанииг ўзи, айниқса унинг иш органлари, хусусан барабанлар ўртасидаги тирқиши кенглиги, аппаратларнинг ердан баландлиги, шпиндель чүткалари ва бошқа қисмлари яхши созланган бўлиши керак (76-расм).

Шпиндель барабанлари орасидаги тирқиши дастлабки пахта теришда олдинги жуфтлариники 30—32 мм, баъзи ҳолларда эса 34—36 мм, орқадагилариники эса 28—30, 32—34 мм бўлиши лозим. Тирқишлиарнинг кенглиги сўнгги марта далада очилмаган кўк кўсакларини барабан шпиндели тишларининг эзишига ёки унда чуқур из қолдиришга қараб аниқланади ва шунга кўра созланади. Агарда етук кўк кўсакларда тишларнинг изи яқол кўзга ташланиб турса, тирқиши бироз кенгайтирилади. Машиналарни пахта терими олдидан сўнгги марта созлашда яна шунга эътибор бериш керакки, иш жараёнида қаторнинг ҳар 10 м да узиб-эзиб туширган кўсаклар сони 2—3 тадан ошмаслиги лозим.

Терим машиналари иш бошлаганда трактор фақат сеялкада чигит экилган қаторлардан юриши керак, акс ҳолда машинанииг иш унуми пасаяди, пахтани чала теради уни ерга тўкиб сифатини бузади.

Иккиччи теримда олдинги жуфт барабанлар тирқишининг кенглиги 28—30 мм, орқадагиларники эса 24—26 мм, бўлиши мақсадга мувофиқдир. Машинада пахта теришда унинг маълум



76-расм. XНП-1,8 маркали пахта териш машинаси

бир қисми ерга түкплады, уларни териб олиш учун эса анчагина маблағ сарфлашга түғри келади. Күпгина илғор хұжаликлар бунга йўл қўймаслик учун машинага маҳсус мослама—пневмо-подборщик ўрнатиб, ерга тўкиладиган пахта миқдорини икки мартадан ҳам зиёдроқ камайтиришга ва машиналарнинг иш унумини 4—5% оширишга эришмоқдалар.

Иш жараёнида терим машина шпинделлари ифлосланиб қол-маслиги учун уни вақт-вақтида ювіб, тишлари тозаланади. Вентилятор ременлари яхши тортилган бўлиши керак, агар у бўшашиб кетган бўлса, тўла оборот билан ишлай олмайди. Шунингдек, кустоподёмниклар ҳам бир меъёрда ишлатишни таъминлаш зарур. Хуллас; машина теримида техника хизмат кўрсатишга жиддий аҳамият бериш талаб қилинади.

Илғор хұжаликларнинг кўп ийллик тажрибаси терим машиналарини группа-группа қилиб ишлатиш энг қулай ва прогресив усул эканлигини кўрсатмоқда. Жумҳуриятимиз шароитида пахтани йиғишириб оладиган ва ташийдиган отрядлар учун 400—500 га дан 700—750 га гача майдон ажратиш мақсадга мувофиқ. Пахта майдонларини теримга тайёрлаб берадиган отряд 1—2 та звенодан иборат. Машинада пахта териш учун ҳар бирин 4—6 тагача машинага эга бўлган 2—3 та ёки 4—5 тагача звено биркитнлган отряд тузилади. Икки сменали иш кунида ҳар бир агрегатда 2 киши ишлайди. Сменачи ҳайдовчининг ёрдамчиси ҳисобланади.

Териб олинган пахтани тайёрлов пунктига топширишда, транспорт (асосан тележка) воситаларига ортиш ва ташиш учун 2—3 звено, ҳосилни йиғиб оладиган 1 та звеноға уни ташийдиган 1 та звено хизмат қиласи. Баъзан пахтани йиғиб-териб оладиган 2 та звенога 1 та катта ташиш звеноси биринчириб қўйилади. Пахта қабул қилиш пунктида доимий ишлаш учун катта отряддан 1 та трактор (ҳайдовчиси билан) ажратилади. Бу трактор тележкаларда келтирилган пахтани пункт ичига олиб кириб, бўшаганда пунктдан олиб чиқиб бериб туради. Отряднинг ягона графиги бўйича асосан тунда ишлайдиган техника хизмати кўрсатувчи 1 та звено, умуман хұжалик бўйича ёки йирик отрядларда 10—15 машина ва тракторга техника хизмати кўрсатувчи мустақил звено ташкил қилиш мумкин. Ҳар бир отрядда ишчиларнинг маданий дам олиши ва овқатланиши учун майний хизмат кўрсатиш звеноси тузилади.

Техника воситалари, отряддаги звенолар сони 58-жадвалда берилган шамуна асосида ҳар бир хұжаликнинг шарт-шароитига ва имкониятнга қараб ўзгариш мумкин.

Масалан, 400—700 га участкалари бўлган колхозларда (пахта майдони 120—160 га) 1 звено тузилади. Мана шундай звено-ларнинг 3—4 тасини бирлаштириб 1 та отряд тузиш мумкин. Отрядга (совхозларда бўлим бошлиғи, колхозларда ишлаб чиқариш участкасининг мудири ёки бошқа мутахассис) агроном, механик ва бригадир бошчиллик қиласи. Агроном звено далаларини теримга тайёрлашни, дефолиация муддати ва сифатини,

Рўза терим агрегатлари ҳаракати маршрутини белгилаб беради, бажарилётган барча ишлар сифатини ва технологик жараённи кузатиб туради, зарур бўлса, тегиши ёрдам кўрсатади.

Механик агрегатларни тузатиш ва техник қаровига жавоб беради. Бригадирлар ўз навбатида, терим машиналари ва ташиш воситаларининг конкрет аҳволини ҳисобга олиб бориш ва тайёрлов пунктига жўнатиб туриш билан шуғулланади.

Отрядда хизмат қилаётган ҳамма кишилар меҳнатига ҳақ тўлашда ишнинг сифати ҳамда бажарилган муддати ҳисобга олиниб, амалдаги норма ва расценка асосида ҳақ тўланади. Звено бошлиқларига раҳбарлик ишлари ва бажарилётган ишнинг сифати устидан назорат қилганликлари учун звено аъзоларига ўртacha иш ҳақининг 10—15% и миқдорида қўшимча ҳақ тўлашади.

Хўжалик раҳбарларига социалистик мусобақани ҳар томонлама авж олдириш, отряд механизаторлари, звенолар, илфор механизаторларининг кунлик ва 5 кунлик иш якунларини кўриб чиқиб, уларга Кўчма Қизил байроқ, вимпеллар ва қимматли совғалар бериш тавсия этилган.

58-жадвал

Пахгани йигиб-териб оладига 1 вз топширадиган отряд звеноларининг техника бисми таъминланиш намунаси

Кўрсаткичлар	Механизация воситаларининг сони	
	400—500 га	700—750 га
Далани тайёрлаш звенолари: чизеллар, текислагичлар, грейдер ёки ўльдозер билан жиҳозланган ҳайдов тракторлари	2—3 1 4—5	4—5 2 6—7
ОВХ—28 пуркагичли чопик трактори тракторчилар;		
Терим звенолари:		
пахта териш машиналари, сони	10—12	17—20
ўйрак терадиган машиналар, сони	3—4	5—6
механик подборщиклар, киши	2—3	3—4
кўсак чувайдиган машиналар, сони	3—4	6—7
механик ҳайдовчилар, киши	20—24	34—40
Пахта ташайдиган звенолар:		
пахта ташайдиган трактор агрегатлари, сони	4—5 20—25	7—8 35—40
төлежжалар, сони	1	2
пахта юкатичлар, сони	9—11	16—18
тракторчилар, киши		
Техника хизмати кўрсатиш звеноси ҳаракатдаги ремонт устаконаси, сони	1	1
техники қараш агрегати	1	1
заправка қилиш агрегати	1	1
ОВХ—28 пуркагичли чопик тракторлар (дала тайёрлангандан кейин берилади) мастер—наладчиклар, шоффёлар, слесарыналадчиклар, тракторчилар	1 5—6	2 7—8
Маданий хизмат кўрсатиш звеноси:		
жиҳозланган юк машинаси, сони	1	1
хизмат курсатувчилар, киши	4	6

Терим машиналарининг иш унуми юқори бўлиши ва пахта сорти бузилмаслиги, шунингдек, йиғим-теримнинг тугалланиши учун энг қулай усул қўйидагичадир:

пахтани шпинделли машинада асосан икки марта териб олиш. Бунда биринчи терим юқорида айтилганидек 55—60% кўсаклар очилганда, иккинчисини эса биринчисида очилмай қолган кўсакларнинг 20—30% и очилганда, яъни биринчи теримдан 10—15 кун кейин бошлаш;

тупларда қолган пахта ва кўсакларни кўрак терадиган машинада териб олиш;

ерга тўкилган пахтани подборшик ёрдамида икки марта териш;

ғўзапояларни йиғиштириб олиш ва даладан чеккага чиқариб ташлаш.

Одатда ингичка толали шпинделли машина билан уч марта терилади.

Умуман айрим ҳолларда баъзи майдондаги пахтани З марта теришга тўғри келади. Бундай пайтларда пахта терадиган машинага бир йўла кўракларни эзиб ва ундаги пахтани чувиб оладиган ПДК мосламасини ўрнатиши яхши самара беради. Шундай қилингандага пахта ва кўрак алоҳида-алоҳида терилиб, унинг сифати бузилмайди. Агар фақат кўрак йиғадиган машинанинг ўзи ишлатиласа, у қолган пахтани кўрак билан аралаш йиғади ва ифлослайди. Иккинчи теримдан кейин кўпніча ёмғир ёғади (айниқса шимолий зоналарда). Ёнингарчиликдан кейинги подборшикларда терилган пахта III сортга, кўсак терадиган машинада йиғиштириб олингандан кейин тўкилган ва подборшик ёки қўлда териб олинган пахта одатда IV сортга топширилади.

МАШИНАДА КЎРАК ТЕРИШ

СКО—2,4 ва СКО—3,6 кўрак териш машиналари кўрак, кўсак ва ғўза тупларида чала қолиб кетган пахтани ёппасига теради. Мазкур машиналар қатор ораси 60 см қилиб чигит экилган пайкалларда Т—28Х4М, Т—28Х4, 90 см ли қатор ораларида ишлаш учун эса Т—28Х—4, МТЗ—50Х, МТЗ—80Х тракторларига ўрнатилади.


СКО—2,4 кўрак териш машинаси З хил технологик схемада ишлаши мумкин:

1. Кўсак теради, терилган кўсак ва кўракларни чувиб, гўзапчоқ, шох ва бошқа хас-чўплардан тозалайди ва бункерга узатади.

2. Терилган кўрак ва кўсакларни чувиб бункерга узатади.

3. Терилган ҳосил (хом кўсак, кўрак ва пахта)ни тозаламай бункерга узатади.

Куз иссиқ, қуруқ келганда кўсак ва кўраклар қуруқ бўлади. Бундай ҳолларда СКО—2,4 ва СКО—3,6 машиналари фақат биринчи технологик схема бўйича ишлайди. Терим машиналари



77-расм. СКО-3,6 маркали күрак териш машинаси

пахтани 2 марта териб олгандан сўнг одатда, кўм-кўк, нам кўсак-кўраклар қолади ва тупида қуритилади—десикация қилинади, бунда намлиги 20% дан ошмаслиги керак. Булар ҳам шу технологик схема асосида тозаланади (77-расм).

Машина ғўза қаторларидан юрганда ғўзапоя пастдан юқорига қараб кўсак териш аппаратининг тирқишидан ўтали ва айланниб турган тишли валиклар тупдаги кўсак, кўрак, ғўза пўчоқлари ва баъзан шохларни ҳам синдириб—юлиб олиб, буларни тарновга узатади. Тарнов ичидаги айланадиган шнек ҳамма аралашмани кўндаланг шнекка, кўндаланг шнек эса лентални транспортёрнинг қабул дарчасига узатади. Транспортёр аралашмани юқорига—тозалагичга узатади. Бир қанча жараёнлардан ўтиб тозаланган пахта пневматик транспортёрга ўтиб, сўрувчи вентиляторлар ёрдамида бункерга тушади. Шу хилда тозаланган пахта УПХ—1,5 В тозалагичдан бир марта ўтказилиб тайёрлов пунктларига топширилади. Агар кўрак—кўсакларнинг намлиги 25% атрофида бўлса, кўрак териш машинаси иккичи технологик схемада ишлаши керак.

Бу схеманинг муҳим томони шундаки, бунда кўсак чақилиб қуритиш мосламаси асосида ишлайди ва кўсак тозалагичнинг фақат чақиш барабанингагина тушади. Чашмаларни кўсак ва кўраклар эса тез қуриб яхши тозаланади.

Кўрак ва кўсаклар ўта нам (30% дан ортиқ) бўлганда тозалаш қурилмаси уни тозалай олмайди. Шундай қилиб, териб олинган аралашма тозалагичга ўтмай, тўғридан тўғри бункерга тушади.

СКО—2,4 ва СКО—3,6 кўрак териш машиналари унумли ва сифатли ишлаши учун унинг ҳамма аппаратлари тўғри созланиши, вақти-вақти билан техник қаровдан ўтказилиши лозим.

Ғўаси серҳосил бўлиб етилган далаларда трактор I ва II тезликда юриши тавсия қилинади.

СКО—2,4 машинанинг иш унуми (назарий жиҳатдан) трактор II—III тезликда ишлаганда соатига 1,2—1,5 га, СКО—3,6 бўлса, трактор соатига 5—7 км тезликда ишлаганда шунча гектардаги ҳосилни йиғиб териб олади.

ТЎКИЛГАН ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШ ВА ТОЗАЛАШ


Ғўза қатор ораларида тўкилган пахтани теришда 60 см қатор орасида ПХН—1,2 ва 90 см ли қатор ораларида эса ПХН—1,8 маркали подборшиклардан фойдаланилади (78-расм).

Машинна иш жараённда супуриш чўткалари ёрдамида пушталарига тўкилган пахтани қатор ораларига туширади. Териш аппаратининг секциялари қатор ораларининг ласт-баландлигига мосланиб боради. Машинанинг териш тасмалари етакланувчи шкивнинг атрофидан ўтаётганда ерда ётган пахтани қамраб олади, сўнг уни етакчи барабанга олиб боради, бу ердан эса цилиндрик барабангга тушади. Барабан тозалагичнинг тасмалари ёрдамида ҳаракатга келади. Тасмалар пахтани илиб олиб, уни транспортёрга узатади.


Аралашма транспортёрда бункерга бораётганда тароқнинг планкалари орасидан ўтади ва улар қайтаргичга дуч келиб, олдинга улоқтириб ташланади.

Подборшиклар ҳам юқорида айтилганидек, пахта териш машиналари каби сеялканинг дастлабки — экиш вақтидаги изидан юриши керак.

Машиналар ғўза қатор оралари қуруқ бўлган вақтдагина ишлатилиши лозим, акс ҳолда машина аппаратлари пахтани нобуд қиласди. Тўкилган пахтани териб олишни кечиктириб юбор-маслик керак, чунки бу иш чўзилса, айниқса ёнингарчиликдан



78-расм. ПХП-1,8 маркали тўкилган пахтани терадиган машина



79-расм. УПХ-1,5В маркали күрак чувишдиган машина

сүнг пахтанинг сорти бузилади. Об-хаво куруқ келгап йилларда подборщик билан бир марта терилганда ерга түкилган пахтанинг 60—70% и, иккинчи марта терганда эса биринчисини ҳам қўшиб ҳисоблагандага 90% ини териб олади, бунда ерда терилмай қолган пахта гектар бошига 20—40 кг ни ташкил қиласди. Подборщиклар бир иш кунида 12—16 киши кунини тежайди.


УПХ-1,5Б ва УПХ-1,5В күрак чувиш машиналари пахта териш машиналарининг пневматик подборщиклари, механик подборщиклар ёрдамида ерга түкилган пахтани тозалаб беради. Бундан ташқари машина қўлда терилган кўсак-кўракни чувиб тозалайди шунингдек пахтани қоп-қанорсиз ташишда уни тележкаларга ортади, қуритилган пахтани, нам кўсакларни тақоририй равишда тозалайди (79-расм).

ПАХТАНИ ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШ ВА ЮКЛАШ ВОСИТАЛАРИ


1959 йилдан бошлиб пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган, ўзи ағдарадиган тележкалар ишлаб чиқарилмоқда. Пахта териш машинаси терган пахтасини тўғридан-тўғри тележкага ағдаради. Дастреблини чиқарилган ПТС-3—766 маркали тележка 2 т гача, кейинги чиқсан 2 ПТС-4—793 ва 2ПТС-4—793А тележка эса 4 т гача юкни кўтара ва таший олади. Бу тележкалар Т—28Х4М, МТЗ—50, МТЗ—52 ва «Белорусь» тракторларига тиркалади.

Йўллар равон, кенг ва текис бўлган жойларда битта трактор 4—5 тагача тележкани юки билан пахта тайёрлаш пунктига тортиб бора олади (80-расм).

Тележкадан фақатгина пахта ташишда фойдаланмай, балки унда силос, сенаж, минерал ва органик ўғитлар ҳамда бошқа юклар ташиш мүмкін. Ўғит, гүнг ва бошқа юклар тележкага ПГХ—0,5 универсал юклагичда ҳам ортилади. Шундай қилиб, пахтачылык хұжаликларида ортиш-тушириш ва ташиш ишлари тұлық механизациялашған деса бўлади (81-расм).



80-расм. 2ПТС-4-793 маркалы тележка поездін



81-расм. ПГХ-0,5 маркалы юклагич

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ҒЎЗА ЎСТИРИШ

Ингичка толали ғўзага Госсириум барбадензе (G. barbadense) тури киради. Перу давлатида табиий ҳолда қадимдан ўстанлиги учун уни Перуан ғўзаси деб ҳам айтилади. У табиатан ва бирмунча кечпишар бўлгани учун пахта етиширувчи мамлакатларда ўрта толали ғўзага нисбатан камроқ тарқалган.

Ингичка толали ғўза навлари мамлакатимизда 1930 йиллардан бошлаб етиширилмоқда. Толасининг технологик хусусиятлари етиширилаётган ўрта толали ғўзаларницидан анча устун туради. У толаси узун, пишиқ, ингичка бўлгани учун I, II ва III типларга киради. Шунинг учун ҳам ундан олий сифатли, пишиқ техника буюмлари, нафис ва қимматбаҳо газламалар ва бошқа хилма-хил маҳсулотлар олишда фойдаланилади.

Шу сабабли ингичка толали ғўза навлари халқ ҳўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, партия ва ҳукуматимиз селекционерлар олдига ингичка толали ғўзанинг тезпишар, серҳосил, тола сифати янада юқори, касаллик ва ҳашаротларга чидамли навларини яратишни вазифа қилиб қўйди. Маълумки, ингичка толали ғўза нави учун йиллик фойдали ҳарорат йиғиндиси 2.100—2.200° дан кам бўлмаслиги талаб этилади. Бу навларнинг кўсаклари етилиб пишунга қадар 110—120 кундан 140—150 кун вақт ўтади. Бизда талаб қилинган шароит бор.

Ингичка толали ғўзанинг маҳаллий шароитга мос келадиган навларини яратиш ва унинг агротехникасини ишлаб чиқиш ҳамда районлаштиришда профессор А. И. Автономовнинг роли бениҳоя катта бўлди. Шунинг учун совет пахтакорлари чиндан ҳам уни бизда ипак пахта отаси деб айтишади.

Бугунги кунда ингичка толали ғўза навлари экиладиган майдонлар йил сайин кенгаймоқда, ялпи ҳосили ва ҳосилдорлиги ошиб бормоқда (59- жадвал).

59-жадвал

СССР да ингичка толали ғўза етиширувчи жумҳуриятлар

Йиллар	Узбекистон ССР		Тоҷикистон ССР		Туркманистон ССР		Хосилдор-лини га
	Пахта майдони, минг га	Стилти-рилаган пахта, минг тона	Пахта майдони, минг га	Стилти-рилаган пахта, минг тона	Пахта майдони, минг га	Стилти-рилаган пахта, минг тона	
1940	30,1	36,1	12,0				
1950	27,5	41,1	15,0				
1960	36,1	64,8	17,9	57,1	129,9	32,5	80,7
1965	34,4	72,5	21,1	74,7	218,8	29,3	63,2
1970	69,9	197,4	28,3	84,2	261,2	31,0	112,1
1975	89,9	239,1	26,6	78,9	238,5	30,3	139,4
1980	125,6	357,3	28,5	97,3	315,4	32,4	172,5
1985	193,2	565,8	29,3	88,4	279,6	31,6	197,2
1987	198,9	531	26,7	91,2	276,4	30,3	197,9
1988	203,5	561	27,6	105,2	328,9	31,2	234,3
							443,6
							18,9

Етиштирилаётган ялпи ҳосили бўйича ипак пахта етиштираётган жумҳуриятлар ичида Ўзбекистон етакчи ўринни эгаллайди. КПСС XXVII съезди материаларида қайд этиб ўтилганидек, жумҳуриятимиз бундан кейин ҳам ингичка толали пахта етиштириш бўйича етакчи ўринни эгаллаб боради. Мамлакатимизда ипак пахтадан гектар бошига 40—50 центнер ва ҳатто бундан ҳам юқори ҳосил етиштириб келаётган пахта усталаримиз кўплаб топилади.

Ипак пахта толаси ингичка, узун ва пишиқ бўлгани учун ундан кўп миқдорда нафис ва қимматли газламалар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, толаси V типга кирган 108—Ф ва С—4727 ўрта толали навларининг 1 тонна толасидан 8620 м² газлама тайёрланиб, унинг қиймати 7870 сўмни ташкил қилса, толаси I типга кирган 9732—И, С—6037 ва «Ашхобод—25» ингичка толали ёзга навларининг 1 тонна толасидан 15150 м² дан ортиқ батист—креман олиниб, қиймати 22680 сўмни ташкил қиласди.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ингичка толали ёзга навларини етиштиришда бирмунча ортиқча харажат қилинади. Жумладан, ўғит ортиқча (10—15%) берилади, кўсаги майдада бўлгани учун пахта терниди иш унуми бирмунча паст бўлади ва бошқалар. Ортиқча меҳнат ва материал харажатларини ҳисобга олиб, ингичка толали пахтани тайёрлаш нархи (тола сифат типига қараб) ўрта толали ёзга навлариникага нисбатан давлат нархи 1,2—2,0 ва ҳатто 3 баравар ортиқ юради.

Ингичка толали ёззанинг баъзи бир морфологик, физиологик ва биологик хусусиятлари ўрта толали ёзга навларидан бирмунча фарқ қиласди.

Профессор А. И. Автономовнинг маълумотларига қараганда, ўсимликнинг ҳужайра шираси 0,3—0,5% ортиқ бўлгани, илдиз системаси бақувват ва тупроқнинг анча пастки қатламигача боргани учун ўрта толали ёзага нисбатан вақтинча сув тақчил бўлган шароитга бирмунча чидамли. Пояси мустаҳкам бўлиб, оғиб кетиш ёки ётиб қолишга мойил эмас. Кечпишар ёзга навларида дастлабки ҳосил шохлари бош поясининг 5—8 бўғимидаи, тезпиншарларида эса 3—4, баъзан ундан ҳам пастроқдаги бўғимидаи ҳам мева пайдо бўлиши мумкин.

Умуман уларнинг шоналари йирик, бироқ кўсаклари майдада, ундан 3,0—4,3 г ва баъзан 4,5—5,0 г чигитли пахта чиқади. Одатда 1000 дона чигитнинг массаси 130—150 г, унда туклар жуда сийрак ёки умуман бўлмайди, туки ингичка учли (микропил) қисмида бўлади. Пахтадан 29—36% соф тола чиқади. Толаси оч новвот рангда, узунлиги 36—42 мм бўлиб, у майин, таркибида 0,7—1,2% (толага нисбатан) мой-мум моддаси бўлгани учун пишиқ. Лекин ёзга ҳосили бир хил шароитда ўрта толали ёзага нисбатан (25% чамасида) камроқ.

Ингичка толали ёзга чигити бир хил шароит ва муддатда экилганида ўрта толали билан бир вақтда ёки 1—2 кун эрта униб чиқади. Чинбарг эса 1,5 кун эрта пайдо бўлади. Ингичка толали ёззанинг кечпишар навида шоналаш ўрта толали ёзга-

га қараганда 2—3 кун кеч, эрта пишар навида 2—3 кун эрта бошланади. Худди шундай аҳвол кўсакларнинг етилиб пишишида ҳам кузатилади. Ингичка толали ғўзаларда мева тўкилиши ўртacha 35—45% ни ташкил қилиб, бунда асосан шона, камдан кам тугунча тўкилади.

Ўрта толали ғўзаларда меванинг 65—70% и, асосан тугунчилиси тўкилади. Ингичка толали ғўзада кўсак миқдори кўп бўлгани учун ва унинг биологик хусусиятига кўра пишиш суръати секин боради. Шу сабабли сентябрь ойида терим даражаси пастроқ, кўсаклар пишиб ёппасига очилганда (сентябрь охири, октябрь бошида) юқори бўлади.

Ингичка толали ғўза ўзининг табиати жиҳатидан қургоқчиликка чидамли бўлиб, унинг илдиз системаси умуман ўрта толали ғўзанинг илдизига нисбатан бақувват ривожланганлиги учун кузда чуқур ҳайдалганда юқори ҳосил олинмоқда. СоюзНИХИ нинг Сурхондарёдаги вилоят тажриба станциясининг маълумотига қараганда, бўз тупроқли ерларда ГР—2,7 чуқур юмшатгич билан 50 см юмшатиб, кейин одатдагича икки ярусли плуг билан 30 см ағдариб ҳайдалганда ва шу билан бирга ёки яхоб суви берилганда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига одатдаги чуқурликда ҳайдалган ерга нисбатан 8 центнер ортиқ бўлган. Бундан ташқари бегона ўтлар 40—60 фоизгача, жумладан, кўп йиллик бегона ўтлардан ғумай, ажриқ, саломалайкум, печаклар кескин камайиб кетган.

Шундай қилиб, тупроқ хусусиятини эътиборга олиб ҳар 4—5 йилда бир марта ерни 45—50 см юмшатиб туриш керак. Эндиликда икки ярусли плугга қўшимча равишда чуқур юмшатгич ўрнатиб, ҳар йили 40—45 см гача ерни ҳайдаш одат тусига кириб бормоқда. Шудгор олдидан гўнг, фосфорли ва калийли ўғитлар берилиб, чуқур ҳайдалади. Сўнг ер пешма-пеш текисланниб, келгуси йили чигитни пуштага экиш учун маркер ёрдамида эгат олиб қўйилади.

Кўкламда экишдан 1—15 ҳафта илгари эгатлар сугориб олиниб, ер етилиши билан борона бостирилади ва чигит экишга киришилади. Агар экиш олдидан об-ҳаво пасайиб кетса, фақат тупроқ ҳарорати етарли бўлганидагина чигит қадаш тавсия этилади. Акс ҳолда, ингичка толали ғўза навларини шикастлайдиган қора илдиз чириши ва фузиариоз вилти кўпайиб кетиши мумкин. Умуман чигит экиш олдидан сугориб олиш унинг эрта, қалин униб чиқишини таъминлайди, ғўза эрта ривожга киради. Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларида чигитни пуштага экиш муҳим агротехник усул ҳисобланади.

Ингичка толали ғўза навларининг чигити сермой (ўрта толали ғўза навларига нисбатан 3—5% ортиқ), яланғоч ва йирик, жумладан 1000 дона чигит массаси, ўрта толали ғўзаникига нисбатан 10—15 г ортиқ бўлади.

Кўчат сони ўрта толали ғўза навлариникига нисбатан ортиқроқ, («нулёвка» типидаги ғўзалар) бўлгани учун ингичка толали ғўза уругини экиш нормаси бироз ортиқроқ бўлади. Гом-

моз, илдиз чириш, томир қурти каби касаллик ва ҳашаротларга қарши дориланаётганды чигит яланғоч бўлгани учун уларни сиртига юқтиришга катта эътибор берилади.

Сув ингичка толали фўза чигитига ўрта толали фўза чигитига нисбатан тез сингийди. Шунинг учун уни қисқа муддатда намлаб олиш керак, акс ҳолда униб чиқншига салбий таъсир кўрсатади. Чигит эрта муддатларда экилаётганды ва тупроқ намлиги етарли бўлганда, уни ҳатто намламай ва димламай қуруқ ҳолда экиш тавсия этилади. Чигит экилаётганды тупроқ намлиги етарли, бироқ ҳарорат бирмунча пастроқ бўлса ҳам ўрта толали фўзанинг уруғига нисбатан 1—2 кун эртароқ униб чиқади. Шу сабабли ингичка толали фўза уруғини 3—5 кун эрта экиш мақсадага мувофиқ ҳисобланади.

Бироқ жуда эрта муддатларда чигит экилса, кўчат сийрак униб чиқиб, у илдиз чириш касалига учрайди ва ниҳоят пахта ҳосилдорлиги камайиб кетади. Агарда экиш муддатлари кечиктириб юборилса, ўсимликнинг ўсиш даври қисқариб кетиш ҳисобига ҳосилдорлик пасаяди.

Олимларнинг кўп йиллик текширишлари ва уста пахтакорларнинг иш тажрибаларига қараганда, чигитни 5—6 иш кунида ёки 40—50 соатда экиб олиш яхши натижা бермоқда. Бунинг учун ер яхши тайёрланган ва экиш агрегатлари етарли бўлиши талаб этилади.

Ингичка толали фўза чигитининг экиш усули, ўрта толали фўзаникidan ортиқча фарқ қилмайди. Бироқ, яна шуни айтиб ўтнш керакки, ерининг ишшаби катта, сувни ўзидан тез ўтказиб юборадиган қумоқ, қумлоқ шағал қатлами ер бетига яқин ётган катта майдонларда чигит тор қаторлаб (60 см) экилади. Бунда ҳар гектар ерга экилаётган чигит нормаси ўрта толали фўза на вига қараганда 10—15% ортиқ бўлади. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уруғлик чигитни нормадан ортиқча ишлатилса, фўзанинг яганалашда ортиқча қўл меҳнат сарфланади, ўсимликларнинг ён илдизлари кўплаб шикастланади, оқибатда гўза ривожи кечикади ва ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Фўза кўчат қалинлигини белгилашда фўза тупининг конструкцияси, тупроқ унумдорлиги, агротехник тадбирларни ўтказиш савиаси кабилар эътиборга олишади. Фўзанинг сер ёки кам барглиги кўп жиҳатдан кўчат сонига боғлиқ. Мана шу жиҳатдан фўза майдонларида энг қулай микроклимат яратиш муҳим аҳамиятга эга. Олимларнинг узоқ йиллар изланиши ва пахта усталарининг амалий иш тажрибарига қараганда кўчат қалинлиги фўзаси «нүлёвка» (шохланиши чекланган) типига кирган навлар учун (жумладан, С—6037, «Термиз—14» каби) тупроғи ўтлоқ, сизот сувлари яқин майдонларда гектарига 130—140 минг, типик ва оч тусли бўз тупроқли ва ери шўрланган майдонларда 140—150 минг ва ниҳоят кам унумли ерларда 160—170 минг туп қолдирилиши мақсадага мувофиқдир. Ҳосил шохланиши 3—4 кенжга типига кирган фўза навларида (жумладан

«АШ—25») күчтөн сони юқоридагига нисбатан 15—20% кам бүлиши керак.

Яғанани об-ҳаво қулай келгандай иши, ғұза 1—2 та чинбарг чиқарғанда ва об-ҳаво ноқулай келгандай, ҳарорат пасайиб, тупроқ захлаб кетгандай, ғұзага шира, трипс ва томир қурти тушгандай, 2—3 та чинбарг пайдо бўлгандай ўтказилади. Яғана ўтказилиштагандай уруғ барглари шикастланмаган соғлом ўсимлик қолдирилиб, яхши ривожланмаган ва уруғ барги ёки чинбаргда сариф тўр (фузариоз вилти) ёки мой доғлар (гоммоз касали) пайдо бўлган ўсимликлар юлиб олиниб, даладан ташқари олиб чиқилади ва кўмиб ташланади.

Маълумки, ингичка толали ғұза ривожланиши учун жуда қулай шароитни талаб қиласиди. Шунинг учун ғўзалар кўзга тўлиқ ташланган даврдан бошлаб, апрель ойининг охирида даёв биричи комплекс ишлов ўтказилади.

Ингичка толали ғұза ўғитларга анча талабчан бўлгани учун у ўрта толали ғўзага нисбатан 10—15% ортиқ берилади. Ингичка толали ғўзада кўсак миқдори 1,5 баравар ва ундан ҳам ортиқ бўлади. Шу туфайли уни эртароқ муддатларда етнитириб олиш учун ўғит миқдорини, нисбатини, солиш муддатларини тўғри белгилаш керак. Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, азот, фосфор ва калийнинг нисбати 1: 0—0,8: 0,5 бўлгани маъқул ҳисобланади. Илгор пахта усталари гектарига 300—350 кг азот, 250—280 кг фосфор ва 120—150 кг калий сарфлаб, 40—45 центнердан ҳосил олмоқдалар. Бунда ўғитларнинг умумий нормаси қўйидагича тақсимланади. Фосфорни 60—70% и шудгор қилиш олдидан, 10% и чигит экиш билан бир вақтда ва қолгани эса ғұза гулга кира бошлаганида, яъни охириги ўғитлашда азот билан бирга берилади. Азотли ўғитни 20—30% экиш олдидан 6—8% экиш билан бирга, қолганини ғўзанинг ўсиш даврида 2—3 га бўлиб, шоналаш олдидан ва ғұза гулга кира бошлаганда, 3 марта берилса, ғұза 2—3 та чинбарг чиқарғанда, шоналай бошлаганда ва гулга кирганида берилади.

Калий ўғитини иккига бўлиб, шудгор олдидан ва шоналай бошлаганда берилади. Минерал ўғит билан охириги озқлантириш 15 июлгача давом этади. Бундан кейингиси эса ғұза ёппасига гулга кириб кўсаклаётганда, яъни озиқлантиришин талаб қиласидиган майдонларга гўнг берилади. Қатор ораларининг ўртасига сугориш эгатлари олинаётганда, гектарига 10 тонна чамасида махсус мосламаларда чириган гўнг солиниб, сўнг сугорилади. Бу операция 10—15 августгача давом этиши мумкин.

Ингичка толали ғўзанинг сув режими ўрта толали ғұза навларидан бирмунча фарқ қиласиди. Жумладан «нүлёвка» типидаги ғўзалар бирмунча плгарироқ ва кичикроқ нормада сув ичишини талаб қиласиди. Мана шу асосда сугориш сони бир марта ортиқ бўлади. Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда биринчи сув ғўзада 4—6 та чинбарг пайдо бўлгандай, кичикроқ нормада берилади. Агарда бу муддатдан кечикиб кетса, у вақтда поянинг пастки ярусларида шоналар кўпроқ

тўкилади, бу эса ҳосилнинг бирмунча камайишига олиб кела-ди. Шу сабабли сугориш вақтини тўғри белгилаш, сугориш-нинг қулай муддатларини қабул қилиш фоятда муҳимдир. Тупроқ намлиги гуллашга қадар ўрта толали ғўза навлари учун тўлиқ дала нам сифимиға нисбатан 70% бўлса, ингичка толали ғўза учун 60—65%, гуллаш, кўсак туғиш даврида ўрта толали ғўза учун 75% бўлса, ингичка толали ғўза учун 70% ва кўсакларнинг пишиш даврида эса ўрта толали ғўзалар учун 70% бўлса, ингичка толали ғўза учун 60% бўлиши зарур. Сугориш нормаси дастлабки сугоришда 700—800 м³/га, кейингиларида 1000—1200 ва охиргисида 700—750 м³/га, мавсумий сугориш нормаси эса 7000—8500 м³/га бўлади. Мана шундай сув режимидаги ингичка толали ғўзадан юқори ва сифатли пахта етиштирилади. Агар охирги сув нормадан ортиқ берилса шона кўпроқ тўкилади ва кўсакларнинг етилиб пишиш даражаси бирмунча кечикиб кетади.

Бу эса терим кампаниясининг чўзилишига ва пахта толаси сифатининг пасайишига олиб келади.

Ингичка толали ғўзани чеканка қилиш унинг нав хусусияти ва шохланиш типига қараб ўрта толали ғўзадан бирмунча фарқ қплади. Жўмладан, эртапишар ва шохланиши чекланмаган, тўртинчи кенжак тигига кирган «Ашхобод—25» нави унумдор ерларда 16—17 та, унумдорлиги ўртача майдонларда 12—14 та ҳосил шохи чиқарганда шунингдек, кечпишар навлари 14—16 та ҳосил шохи чиқарганда ўтказилади.

Ўсишдан орқада қолган майдонлардаги ғўза одатда чеканка қилишимайди. Союз НИХИнинг Сурхондарё филнали маълумотига қараганда, 10 августдан кейин чеканка қилинганда унинг фойдаси бўлмаслиги аниқланган. Шунинг учун ҳам чеканкани 10 августдан кечикмай ўтказилиши маъқул ҳисобланади. Мана шу усулда чеканка қилинганда меваларнинг тўкилиб кетиши камаяди, ҳосилдорлик ортади.

Ингичка толали ғўзадан юқори ҳосил ва сифатли тола олиш учун уни заарарли ҳашарот ва касалликлардан ҳимоя қилишни тўғри ташкил этиш фоят муҳимдир. Заарарли ҳашаротлардан полиз ва акация битлари, кузги тунлам, кўсак қурти, карадрина касалликлардан фузариз вилти, гоммоз, қора илдиз чириш, макроспориозга қарши ўз вақтида профилактик ва бошқа чораларни ўтказиш ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ҳосилни машинада териш ва терим муддатини қисқартириш учун ғўза дефолиация қилинади. Ингичка толали ғўза кўсакларнинг 50% и пишганида дефолиация ўтказилади. Бунда дефолиант препаратлардан — хлорат-хлорид кальцийдан гектарига 26—30 кг, хлорат магнийдан 15—17 кг, бутилкаптакс ва хлорат магний аралашмасининг ҳар биридан 5 кг дан ва ниҳоят Дроппдан 0,3—0,5 кг ишлатилади. Ингичка толали ғўза ҳосилни теришда ХВИ—1,2 А ва ХВН — 1,8 машиналаридан фойдаланилади.

Пахтани машина билан териш учун ғўзанинг камидаги 80%

барги түкилган, күсакларнинг 55—65% очилған бўлиши зарур. Интенсив технологияга амал қиласётган хўжалик ва бригадаларда ялпи ҳосилнинг 85—90% машиналар ёрдамида териб олинмоқда.

ПАХТАЧИЛИКДА ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛГОРЛАР ТАЖРИБАСИНИ ҚЎЛЛАШ

Пахтачиликда фан ютуқлари, илфор хўжалик ва бригадаларнинг юқори ҳосил етиштириш борасидаги тажрибаларини қўллаш пахта ҳосилдорлигининг ошишига, таниархининг арzonлашишига дэхқончилик маданиятининг кўтарилишига сабабчи бўлади.

Ҳозирги пахта усталарининг авлоди 30-йилларда шаклландин дейиш мумкин. Чунки ўша даврда мамлакат тўқимачилик саноатини пахта билан тўлиқ таъминлаш энг долзарб масалалардан бирн эди.

Гектаридан олинадиган ҳосилни, ялпи ҳосилни кўпайтиришда 1935 йилда пахта тайёрлаш нархининг оширилиши билан бирга давлатга контрактация илланидан ташқари топширилган ҳосил учун устама мукофот беришнинг жорий этилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Мана шу ва бошқа қатор тадбирларининг ҳаммаси пахта ҳосилдорлигини, ялпи ҳосплни кескин оширишга сабаб бўлди. Шу даврда колхоз ва совхозлар, бригада ва звенолар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа авж олди.

Улуғ Ватан урушингача бўлган пахта усталари фойдали агротехника усуллари билан биргаликда ерни омоч билан эскича ишлаш тажрибасига асосланиб, баъзи камчиликларга ҳам йўл қўйдилар. Жумладан, ўша вақтларда ерни плуг билан иккى — уч мартадан ҳайдашди. Бунда тупроқ кукунлашиб кетиб, унинг агрофизик ҳусусиятлари ёмонлашарди, оқибатда тупроқнинг табиий памлиги буғланиб кетарди.

У вақтларда звеноларга биринтирилган ер 3—4 гектар атрофида бўлиб, ҳар бир ишловчига ярим гектар ҳам ер тўғри келмас эди. Бригадаларининг ер майдони ўртacha 10—15 ва колхозларда 120—150 гектарни ташкил этган пахта усталари ҳар бир бажарадиган агротехник чора тадбирларни ўз вақтида ва сифатли қилинб ўтказилишига жуда катта эътибор беришган. Жумладан гўнг ва бошқа хил маҳаллий ўғитлардан кўплаб фойдаланнинган. Эски девор тупроқлари, ариқ-зовурлардан чиққан лойқалар, дўнгликлар тупроғи шудгор олдидан ва ёзга ўсиш даврида ерга солинган. Солинган маҳаллий ўғитлар миқдори гектар бошига 100 тонна ва ундан ҳам ошарди. Бу ўғитларнинг асосий қисмини шудгорлашда, шунингдек, ёзсаннинг ўсиш даврида, унинг талабини ҳисобга олган ҳолда бўлиб-бўлиб бериларди. Лекин у даврда минерал ўғитлар кам бўлгани учун оз ишлатилган. Ёзсанни парвариш қилишда ҳар бир дала-нинг шаронтига, ҳатто даланинг айrim қисмидаги ёзсаннинг

ўишиш ва ривожланиш хусусиятларига қараб парвариш қилинган.

Ерни экиш олдидан текислашга катта эътибор берилган. Улар еринг текис бўлса, ишинг тўқис бўлади, деган бобо пахтакорларнинг мақолига тўлиқ амал қилишган. Чигитни сифатли қилиб тайёрланган ерларга қисқа муддат ичидаги экишган. Чигит экиш билан бир вақтда қўш эгат ҳам олинган, чунки тупроқнинг нами уни ундириб олиш учун етмаган тақдирда чигит суви қўйилган. Қўклам об-ҳавоси қуруқ келган йиллари экишга қадар ерга яхоб суви берилиб сўнг чигит экилган. Ернинг нишаби кўзга ташланмаган майдонларда пол, қия ерларда эса жўяк олинниб сугорилган.

Уста пахтакорлар гўза майсалари бир оз кўзга кўриниши биланоқ культивация ўтказганлар, кетмон чопигини қилишган.

Стахановчилар ҳаракатига қўшилган пахта усталаридан, Бухоро вилояти Ғиждувон районидаги ҳозирги «Гулистон» колхозининг Файзулла Юнусов бошлиқ бригадаси 1935 йилда ҳар гектар сурʼадан 57 центнердан пахта етиширган. Наманган вилояти Наманган районидаги «Ижтимоият» колхозидан Иброзим Раҳматов ва бошқа кўплаб пахта усталари ҳам юқори ҳосил олиб элга танилганлар.

Улуғ Ватан уруши муваффақиятли тугагандан сўнг совет пахтакорлари кучли техника воситалари ва янги серҳосил гўза навлари (108—Ф, С—4727 ва ҳ.к.) яратишиди. Шунингдек, мицерал ўғитлар ишлаб чиқарилиши кўпайниши туфайли юқори ҳосил ва арzon пахта етишира бошладилар.

Жумҳуриятда комплекс механизациялашган бригадаларга машҳур механизаторлардан, Андижон вилояти Ленин районидаги Карл Маркс номли колхоздан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Манноп Жалолов, Наманган вилояти Поп районидаги Ленин номли колхоздан (ҳозирда совхоз-техникум) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мелиқўзп Умурзоқов, Фаргона вилояти Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қурбон Қенжакев, Тошкент вилояти Янгийўл районидаги Ўрта Осиё машина синаш станцияснинг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Валентин Тюпко кабилар бошчилик қилдилар. Улар жумҳурият пахтачилик тарихида чуқур из қолдирдилар.

Тошкент вилояти Янгийўл районидаги «Шарқ ўлдузи» (ҳозир Турсынқулов номидаги) колхозининг раиси уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хамроқул Турсынқулов Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» (ҳозирги Қим Пен Хва номли) колхози раиси иккى марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қим Пен Хва, Андижон вилояти Ленин районидаги «Правда Востока» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон Собиров, Хоразм вилояти Богот районидаги Нариманов номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Дўсов кабилар Улуғ Ватан урушидан кейин етишиб чиққан машҳур пахтакорларидир.

Кейинги йилларда пахта етиштиришда интенсив технология кенг қўлланмоқда.

Одатда эскидан дехончилик қилиб келаётган хўжаликларда ҳар 10—13 йил деганда ер бир марта асосли текислаб олиниади. Чунки ер ҳар йили ишланиши натижасида тупроқ у ёқ-бу ёққа сурилиб ер бети паст-баланд бўлиб қолади. Бунинг оқибатида сувчиларнинг иш унуми пасаяди ва сугориш сифати бузилади, ниҳоят сув ортиқча исроф бўлади. Гўза сугорилганидан сўнг ернинг халқоб жойи культивацияга ўз вақтида етилмайди. Демак, культивация сифати бузилади ҳамда ўзанинг ўспи ша ривожланиши бир меъёрида кечмайди. Буни қуидаги мисолда кўриш мумкин. Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Ўрта чирчик районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалигига ернинг нотекислиги натижасида пахта ҳосилдорлиги турлича бўлган (60-жадвал).

60-жадвал

Ерни текислик даражасиning пахта ҳосилига таъсири

Тупроқ тири	Репеф	1-йил		2-йил	
		кўчал қа- линиаги, терим фр- ийдан, минг туп	пахта ҳо- слини, га/ц	кўчал қа- линиаги, терим фр- ийдан, унинг туп	пахта ҳо- слини, га/ц
Ўтлоқ тупроқ	текис ер	78,3	25,6	76,0	29,3
	ҳал об ер	27,3	15,8	56,1	20,7
	дўнг ер	54,2	20,2	57,4	24,0
	төвис ер	80,1	28,3	73,7	31,8
Типик бўз тупроқ	халқоб ер	56,3	19,7	56,0	23,4
	дўнг ер	61,2	15,6	52,1	18,2
	төвис ер	80,3	21,6	72,1	23,6
Енгил буз тупроқ	ҳал об ер	62,4	18,0	54,4	18,4
	дўнг ер	60,0	12,4	43,0	9,2

Ерни асосли текислашдан сўнг, уни ҳайдаш олдида гектарига 30—40 тонна гўнг солиш тавсия қилинади. Баъзи илгор хўжаликлар, жумладан Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози бундай ерларга 60—80 тоннадан, Чимкент вилояти «Пахтаорол» совхозида 60—70 тоннадан гўнг солнинди. Ерга гўнг тушгандан сўнг ҳосилдорлик тез қўтарилади. Жумладан, «Пахтаорол» совхозида ер асосли текислангач, ҳосилдорлик 8,8 га/ц бўлган, текислангандан сўнг 23,7 га/ц ни ташкил этган. Мирзачўл шароитида асосли текисланган ерларни атвали олиб ташланган плугда ҳайдашади. Бунинг сабаби, ағдариб ҳайдалганда ернинг узумсиз ва агрофизик қатлами паст бўлган тупроғи ер бетига чиқмайди. Бу усулда ер ҳайдашни бошқа вилоятларда ҳам қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хоразм вилоятида пахтадан муттасил юқори ҳосил олаётган бригадалар ва ҳатто хўжаликлар ҳар гектар ерга шудгор

олидан 30—35 тоннадан маҳаллий ўғит солишиб, ерни 35—40 см чуқурликда ҳайдашади.

Хоразм хўжаликларида гўнг тўплаш, бунда тўшамадан фойдаланишга катта аҳамият берилади. Хонадонлардан қорамол, қўй-эчки, парранда гўнглари тўпланаётганда унинг миқдорини янада ошириш учун тўшамалар ҳам аралаштирилади.

Эски иморатлар, пахса девор тупроқлари ҳам ғўзанинг ўсиш даврида яхшилаб майдаланиб солинади. Бундан ташқари, зовур ва ариқлардан чиққан органикага бой бўлган тупроқлардан даланинг ўзида компост тайёрланади. Шундай қилиб, Хоразм шароитида пахтадан юқори ҳосил олишда маҳаллий ўғитлардан унумли фойдаланилади. Ёки ҳар йили бир гектар ерга ўрта ҳисобда 15 тонна чамасида маҳаллий ўғит солинади.

Тупроқ унумдорлигини оширишда ва тиклашда энг етакчи омил ғўза-беда алмашлаб экилишидир. Бу усул бериладиган минерал ўғитлар самарадорлигини ҳам оширади.

СоюзНИХИ маълумотларига қараганда, сурункасига (60 йилдан ортиқ вақт) ғўза ўстирилиб, мутлақо ўғит берилмагандан 13—15 га/ц пахта олинган, ўғит берилганда 33—36 га/ц, алмашлаб экишда минерал ўғит берилганда эса — 43—45 га/ц ҳосил олинган.

Ҳозирги вақтда тавсия этилган ғўза-беда алмашлаб экпш схемасидан ташқари, бригада ичиде ёки участка ичиде алмашлаб экиш йўлга қўйилган. Масалан, Хоразмда бригада ичиде далалар бўйича алмашлаб экишга ўтилган бўлса, Сурхондарёда эса участка бўйича (200—250 га) ўтилган бўлиб, буларда ҳам пахтадан, ҳам ем-хашакдан юқори ҳосил этиштиришга эришилмоқда.

Маълумки, жумҳуриятимизда сугориладиган майдонларнинг ярмидан ортиғи шўрланган бўлиб, бу ерларнинг мелиоратив шароитини яхшиламасдан туриб ғўза ва бошқа экинлардан юқори ҳосил этиштириб бўлмайди. Агарда шўрланмаган ерлардан олинадиган пахта ҳосилининг 100 фонз деб олсак, енгил шўрланган ерларда 15—20, ўртacha шўрланганда 25—40 ва кучли шўрланган ерларда эса ҳосилдорлик 70—80 фонзга камайиб кетади. Бундай ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда зовурларнинг роли катта. Тик ва ёпиқ горизонтал зовурлар ҳар доим тоза, талабга жавоб берадиган ҳолда ушланса, ер унумдорлиги сақланади ва ҳосилдорлик юқори бўлади.

Пахта усталарн ҳар қандай ноқулай шароитда ҳам сувдан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиш йўлларини билишади.

Жумладан, сув камчил бўлган йилларда сувчиларимиз фўзани Чуст усулида сугоришиади. Бунда калта эгат олиш йўли билан қисқа вақт ичиде сугорилади. Ҳар бир сувчига бир сутка давомида 10 л/сек сув ўлчаб берилади, мана шу сув билан бир гектар ердаги ғўза сугориб олинади.

Тошкент вилояти Янгийўл районидаги ҳозирги Назарали Ниёзов номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Назарали ота Ниёзов ери қия бўлган майдондаги

ғўзани сугоришда жуда катта маҳорат кўрсатган. Ота ерни шудгор қилишда кейинчалик ёғадиган ёғин сувлари далада кўпроқ сақланиб қолишини ҳисобга олиб далани кўндалангига ҳайдашга катта эътибор берарди.

Бутун звено ерига сувни отанинг ўзи тараварди. У саратонда ғўза қатор ораларига сув тараашда шундай қиласарди: кун тик тушиб турадиган майдондаги ғўзага сув тараганда қатор орасида ҳаракат қилаётган сув, шу эгатдаги намдан кейин юрарди, аксинча кунга тескари бўлган қия ерларда эса сувни бир вақтда юргизарди. Бу эса ғўзани шароитга қараб сув билан тўлиқ таъминланishiга имкон берарди. Миришкор сувчиларнинг карvonбошиси Назарали ота пахтадан муттасил юқори ҳосил етиштириб келган хизматлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак мукофот олишга сазовор бўлган бўлса, қия ва ўта қия ерлардаги ғўзани сугориш соҳасидаги маҳорати учун СССР Давлат мукофоти лауреати мукофотига сазовор бўлган.

Назарали ота Ниёзов уста пахтакор ва миришкор сувчи бўлиши билан бирга ажойиб ғўза навларини ҳам яратди. У яратган Н—1, Н—2 навлари ҳосил шохларининг шохланиши чекланган типга киргани учун тури хипча, машинабоп, серҳосил эди. Ота бу навларни парвариш қилиш агротехникасини ҳам ишлаб чиқади. Шунинг учун ҳам у ҳалқ селекционери деган номга ҳам сазовор бўлди.

Бугунги кунда ғўзани сугориш асосан оғир қўл меҳнатига асосланган. Эндиликда бу вазифанп механизация ва автоматизация зиммасига юклашдек зарур вазифа турибди. Шундагина сувчилар меҳнати енгиллашади, сувни тежашга эришилади.

Маълумки, етиштирилаётган пахтанинг ярмидан кўпи минерал ўғпти ҳисобига олинмоқда. Улардан келадиган самарадорликни ошириш учун алмашлаб экиш, маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланиш ва ҳамма агротехника чораларини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш талаб қилинади. Бундан ташқари, қўлланиладиган азот, фосфор ва калий ўғитларининг нисбатлари, ўғнитлаш муддатлари тўғри белгиланиши керак. Бунга тўла-тўқис амал қилаётган бригадаларда бир килограмм азот ҳисобига 20—25 кг гача пахта, хўжаликларда 18—20 кг, районларда 15—17 кг ва вилоятларда эса 14 кг гача пахта етиштирилмоқда.

Жумҳуриятимизда пахтадан 40—50 центнердан ҳосил етиштираётган бригадалар кўп. Хўжаликлар эса 30—40 центнер чамасида пахта олаётнлар. Бу кўрсаткичларни янада ошириш мумкин.

Жумладан, СоюзНИХИ нинг гидропоника, яъни контрол қиласадиган шароитларида узлуксиз ўғит, сув билан тўлиқ таъминлаш, оптималь даражада ёруғлик ва ҳарорат режимларини қўллаш туфайли ғўзадан 150—180 га/ц ҳосил олинмоқда. Демак, дала шароитда янада кўп ҳосил етиштириш учун каттакатта имкониятларга эгамиз.

Чигитни оптимал муддатларда экиш мұхым аҳамиятга эга. Құп үйлік амалий тажриба маълумотларында, жаңубий районларда март ойининг учинчи декадаси, КҚАССР ва бошқа вилоятларда эса апрель ойининг биринчи ярми ҳисобланади. Масалан, Тошкент вилояти учун энг құлай календарь муддат апрель ойининг биринчи декадаси ҳисобланади. Фан күрсатмаларида тупроқнинг 10 сантиметрли қатламида ҳарорат 14—15° бўлганда экиш тавсия этилади. Бироқ, амалда ҳарорат 12—13° да, ҳатто ундан пастроқ бўлганда ҳам капсулланган чигитни экиб нормал кўчат олиниб келинмоқда. Баъзан ҳарорат ўзгариб турганда пахтакорлар иккиланиб қоладилар. Тошкент вилояти Пскент районидаги Тельман номли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Мехнат Қаҳрамони Ҳаким полвон Қодиров бундай деган эди: «Деҳқон мард бўлиши керак, бугун ҳаво ҳарорати паст келса, эргага юқори бўлиши мумкин. Гўзанинг кун санашини ҳаммамиз яхши биламиз. Пахтани эрта етиштириш керак. Менинг узоқ йиллар кузатишинга қараганда, 10—15 йилда бир марта адашиш мумкин экан. Шунда ҳам тўғри тадбир кўрилса, ҳосил чўғига путур етказилмайди».

Илғор тажриба ва фан текширишларнга қараганда, суғоришдан кейин, ер етилиши биланоқ гўза қатор ораларини ишлаш энг құлай муддат ҳисобланади. Бу операция кечикса, кесак кўчади, гўза туплари сийраклашади, айниқса уларнинг илдизлари кўплаб шикастланиб, тупроқ нами кескин камайиб кетади (61-жадвал).

61-жадвал

Суғоришдан сўнг культивациялаш муддатларининг пахта ҳосилига таъсири га/ц

Культивация муддатлари	1-йил	2-йил	3-йил	уртача 3-йил	контрольдан фарқи
Ер етилиши биланоқ (контрол)	43,2	44,1	39,7	42,6	—
Ер етилгандан сўнг 2 кун кечиккан	39,9	38,6	38,6	38,8	—3,8
Ер етилгандан сўнг 4 кун кечиккан	38,5	36,8	37,5	37,6	—5,0
Ер етилгандан сўнг 6 кун кечиккан	37,2	35,4	37,9	36,8	—5,8
Ер етилгандан сўнг 10 кун кечиккан	36,5	34,5	36,5	35,7	—6,9

Қатор ораларини ишлаш эни гўзанинг ривожланиш фазаси ва тупроқнинг ҳолатига қараб ўзгарилиши. Худди шунингдек, ишлаш чуқурлиги ҳам даврнинг ўтиши билан ўзгариб боради. Тўғри, гўзанинг тури ва нав хусусиятларнга қараб ишлаш эни ва чуқурликлари ҳали фанда тўлиқ ишлаб чиқилмаган.

Муттасил юқори ҳосил етпштириб келаётган пахтакорларнинг далалари ҳар доим бегона ўтлардан тоза сақланиб тураси

ди. Бунинг учун улар кўп йиллик ва бир йиллик бегона ўтларга қарши курашда гербицидлардан унумли фойдаланишади. Ер икки ярусли плуг билан чуқур ҳайдалади, чигит эккунга қадар униб чиқа бошлаган бегона ўтлар машиналар ёрдамида («зиг-заг» бороналар, культивация қилиш) қириб ташланади ва кейинчалик эса ғўзанинг ўсиш даврида культивация ёрдамида ёки гербицидлар қўллаб йўқотилади. Умуман ғўза ўтдан икки-уч марта тозаланади.

Жумладан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўзбекистонда хизмат кўрсатган машҳур механизатор Энвер Алиев бригадасида бир вақтлар ғўза 3—4 марта ўтоқ қилинган бўлса, эндиликда 2 мартадан ортиқ ўтоқ қилинмайди. Лекин пахта ҳоснлдорлиги ҳар йили 40 центнердан ортиқ бўлмоқда.

Тошкент вилояти Бекобод районидаги Ленинномли колхознинг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Адолатхон Рӯзматова бригадасида бегона ўтлар кам бўлган йилларга чигит экилаётганда гербицид ишлатилмайди, бригада пахта далаларидағи ариқ ёқалари, уват ва йўл ёқаларида бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўйилмайди, бу эса пахта даласини ўт босишдан сақлайди. Лекин бегона ўт уруғлари сув билан ёки ҳавода учнб келиб далада кўпайса дарҳол унга қарши курашилади. Пахта устаси қўшни бригадалардан ҳам бегона ўтларга қарши мунтазам курашишни талаб қиласди.

Пахта усталари ғўзани чеканка қилишга катта эътибор беришади. Чунки ғўзада кўплаб мевалар тўпланганда уларни мумкин қадар камроқ тўкилиши ҳамда ҳоснлишинг эртароқ етплиши шунга боғлиқ бўлади.

Фан маълумотлари ва илфорларнинг кузатишларига қаранганд, айинқса унумдор ерларда чеканкани қулай муддатларда ўтказилганда ўрта толали ғўзаларда ҳосилдорлик 5—7 центнергача ва ингичка толали ғўзаларда 3,5—4,5 центнерга ошган. Илфор хўжаликларда чеканка ҳар доим такрорий ўтказилади. Натижада ўсишдан орқада қолган ғўзаларнинг бўйи чеканка қилинган ғўзаларнига етказилади ва даладаги барча ғўза туплари 100% чеканкадан чипқади. Шароитга қараб баъзан сийрак, кўкламда оласига кўпроқ экилган ернинг ўт-бети нотекисроқ бўлган майдонларда, шунингдек, ғўзани қўлда чеканка қилинишганда новданинг меваси бор бўғинигача бўлган оралиқдаги қисми чимдиг олинади. Бу эса ён ўсув шохининг ортиқча ўсишини ва янгидан новда чиқаришининг олдини олади. **Машинада** чеканка ўтказилган майдонлардаги ғўза 7—10 кундан сўнг такрорий чеканка қилинади.

Ғўзани зааркунанда ҳашаротлар ҳамда касалликлардан ҳимоя қилишда йил сайнин биологик кураш чоралари кўпроқ қўлланисиб, химиявий препаратларни қўллаш кескин қисқариб бормоқда. Бу атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олмоқда, ортиқча харажатлар ҳам кескин камаймоқда.

Касаллик ва заарли ҳашаротлар уста пахтакорларнинг даласида умуман кам бўлади. Чунки йўл ёқалари, ариқ-зовур

бўйлари ва увватлардаги бегона ўтлар кўкариб чиқмасдан агротехник ва химиявий препаратлар билан ишлаб қўйилади.

Ғўздан юқори ҳосил олишда ҳар бир ўтказилган тадбир ва чоралар муҳим роль ўйнайди. Ёки аксинча, ўтказилмаган тадбирлар ҳосилдорликни камайиншига сабаб бўлади. Буни «Союзхлопок» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг маълумотларидан ҳам кўрсак бўлади (62-жадвал).

62-жадвал

Пахта етиштиришдаги асосий агротехник тадбирларнинг самараортиги

Агротехник тадбирлар	процент	га/ц
Ҳосилдорлик ошади		
Кузги шудгор	9	3—7
Икки ярусли плуг билан ҳайдаш	8	2,5—3,0
Алмашлаб экиш	22	7—10
Гўнг солиш	16	5—7
Минерал ўғитлар солиш	60	21—23
Ғўзани ўсув даврида сугориш дала нам сифимга нисбатан 70—75—65 %	30	5—15
Чигитни пуштага экиш	9	3—7
Чигитни капсуллаб экиш	8	2,5—3
Ғўза яганасини 2 та чинбарг чиқаргунча ўтказиш	12	3—5
Культурология	20	5—7
Чеканка	20	3—10
Ҳосилдорлик камаяди		
Бегона ўтлар	30	5—15
Вилт	30	3—16
Заарарли ҳашаротлар	30	5—15

Жадвалда келтирилган 11 та тадбир-чораларни бир-бирига қўшиб чиқарсан, унда олинадиган қўшимча ҳосил гектар бошига 60—143 центнерга ошиши керак. Ёки бегона ўт, касаллик ҳамда заарарли ҳашаротлар ҳисобига эса ҳосилдорлик 13—46 центнерга камайиб кетади.

Фан ютуқлари ва илфор тажрибаларни омилкорлик билан қўллаш юқори самара беришини Тошкент Қишлоқ хўжалик институти ходимлари ўтказган кўпдан-кўп тажрибалар натижасидан ҳам кўрсак бўлади.

Жумладан, Э. Норқуловнинг бўз тупроқли ерда ўтказган тажрибаси натижалари қўйидагича бўлган. Контрол вариандада: хўжаликда пахта етиштириш учун одатдаги агротехника қўлланганида ҳосилдорлик гектарига 27—29 центнер қилиб белгиланган. Бунда азотнинг йиллик нормаси 225, фосфор — 175 ва калий 100 кг/га бўлган. Шудгор 30 см чуқурликда ўтказилган. Уруғлик чигит тукли бўлиб, ҳар бир уяга 3—4 тадан 90 x 10 схемада экилган, ягана 2—3 та чинбарг чиқарганда, чеканка 13—14 ҳосил шохи пайдо бўлганда ўтказилган. Дефо-

лиация кўпчилик фўза тупларида 2—3 та кўсак очилганда ўтказилган.

Тажриба вариантида азотнинг йиллик нормаси — 300, фосфор — 225 ва калий — 150 кг/га бўлган. Ўғитлашда тупроқ агрорхимкартограммасидан фойдаланилган, шудгор 40 см чуқурликда ўтказилган, туксизлантирилган ва сараланган чигит 90Х10 схемада экилган. Бунда ҳар бир уяга 2 тадан уруғ тушган. Ўтказилган агротехник тадбирлар контролдан фарқ қилимаган, лекин ҳамма иш ўз вақтида ва сифатли бажарилган. Чекапка 16—17 та ҳосил шоҳи чиққанида, дефолиация кўпчилик тупларда 3—4 та кўсак пишганда ўтказилган. Бунда дефолиант нормадагидан 15—20 фоиз ортиқ ишлатилган.

Текшириш ишларни уч йил давом этган ва натижага қўйида-гича бўлган.

Контролда (одатдаги агротехникада) ҳосилдорлик 31,7 ц.

Тажриба вариантида (фан янгиликлари ва илфор тажрибани қўллаган ҳолда) ҳосилдорлик 43,2 ц бўлган. Ёки гектаридан олинган ортиқча даромад 625 сўм 60 тийинни ташкил қиласкан.

Институтнинг бошқа бир тажрибасида (Р. Эшчонов маълумоти) ўтлоқ тупроқни ерда худди мана шунақанги вариантиларда уч йиллик ўртача ҳосил 31,0 ва 44,9 ц ёки гектаридан олинган ортиқча даромад 517 сўм 70 тийин бўлган. Демак, фан янгиликлари ва илфор тажрибалардан омилкорлик билан фойдаланилганда самараадорлик юқори бўлган.

ПАХТАЧИЛИКДА ИНТЕНСИВ ТЕХНОЛОГИЯ

Юқори ҳосил етиштириш, маҳсулот сифатини кўтариш ва таннархини арzonлаштиришни таъминлайди. Бунинг учун кадрларнинг малакали бўлиши, технологик жараёнлар тўғри бажарилиши талаб қилинади. Мана шундагина етиштирилган маҳсулотнинг миқдори, сифати юқори бўлиб, унинг таннархи арzonга тушади, рентабеллик ошади. Масалан, Тошкент вилояти Фалаба районидаги колхоз ва совхозларда пахта ҳосилдорлиги областнинг ўртача кўрсаткичига нисбатан 5—6 центнер ортиқ, меҳнат унумдорлиги 1,6—2,2 баравар юқори, пахтанинг таннархи эса 12—28 фоиз арzon бўлмоқда. Бу хўжаликларда пахта эрта етиштирилиб, ҳосилнинг 90—95 фоизи машиналар ёрдамида терниб олинмоқда. Натижада октябрнинг иккеничи ярмидан келгуси йил ҳосили учун мустаҳкам замин тайёрланмоқда.

Пахта етиштиришда интенсив технологияни қўллашда фўза нави муҳим аҳамият касб этади. Нави серҳосил, тола чиқиши юқори ва сифати тўқимачилик саноатининг талабига тўлиқ жавоб бериши, ҳар хил ҳашарот ва касалликларга чидамли ва эртапишар бўлиши зарур. Ҳар бир навнинг агротехникиси тупроқ, иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши керак.

Қўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, шимолий зоналарда 15—20 октябргача, марказий зоналарда 20 октябргача ва жанубий зоналарда 1—5 ноябргача пахта ҳосили тўлиқ йиғиб-териб олинса, кузги қишики дала ишларини ўз вақтида ўтказиш имконияти туғилади. Бунинг учун ғўзанинг интенсив навлари экилиб, тезпишар ва кўсакларининг етилиб пишиш суръати жадал бўлиши керак. Ғўза ўсимлиги хипча, айниқса ҳосил шохлари қисқа бўғимли, дастлабки ҳосил шохлари поянинг пастки бўғимларидан ўсиб, пояси мустаҳкам бўлиши, оғиб ёки ётиб қолмаслиги зарур. Ғўза ўсимлигининг асосий фазалари қисқа муддатларда ўтиши керак. Ғўзалар 1 августда 6—7 та кўсак туккан бўлиши ва 20—25 августда кўпчилик ғўза тупларида 4—5 та кўсак пишиши биланоқ пахтани машинада териш учун ғўза баргини сунъий усулда тўкишга киришиб, 8—10 сентябрдан бошлаб пахтани ёппасига машинада тера бошлаш керак. Бунда биринчи ва иккинчи теримда ҳосилнинг 80—85 фоизи ва қолган қисми кўсак терадиган машиналарда териб олинниб, қўл меҳнатидаи бутунлай воз кечилади.

Маълумки, интенсив технологияда барча операциялар сифатли амалга оширилса, мўл ва арzon пахта етиштиришинг асос солинади.

Алмашлаб экиш. Илмий-текшириш ташкилотларининг маълумотларига қараганда, ҳайдаладиган ерларнинг 60—65 фоизи да пахта, 35—40 фоизда эса ем-хашак ва дон экинлари етиштирилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маълумки, юқори ҳосил олишда беданинг роли жуда катта. Яхши парвариш қилинган З йиллик беда бузилганда гектарига 300—400 кг биологик азот тўпланади. Беданинг кўк массаси ер бетини йил бўйи қоплаб тургани учун тупроқ намининг буғланиши ер бетидан бўлмай, ўсимлик орқали бўлгани учун шўрланган ерларда зарарли тузлар ер бетига кўтарилиши кескин камаяди ёки кўтарилемайди. Тупроқда гумус миқдори (20—30 процента) кўпайиб унинг физик хусусиятини яхшилади. Тупроқнинг сув сингдириш ва сақлаб туриш қобилияти ортиши хисобига бедапоя бузилгандан сўнг ҳам дастлабки 2—3 йил ичida ғўзанинг сувга бўлган талаби камаяди.

Беда вилт касалини анча камайтириб юбориш хусусиятига эга. Буни Ўрта Осиё Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг маълумотларидан кўриш мумкин. Беда экиш олдидан ғўза (2 та тажриба даласида) 35—40 фоиз касалланган, уч йиллик беда бузиб ғўза ўстирилганда эса 5,4 фоиз касалланган, ёки бошқа бир тажрибада беданинг бузиб биринчи йили ғўза ўстирилганда 9 фоиз касалланган, шунга ўхшаш 2-йили 12, учинчи йили 30, тўртинчи йили 39 ва бешинчи йили эса 41 фоиз касалланганини кўрамиз. Умуман олганда, алмашлаб экиш вилт касалини 40—50 фоизга, ерларни ўт бошиш даражасини икки марта камайтиради.

Шундай қилиб, алмашлаб экиш интенсив технология самарадорлигини кескин оширишда жуда катта роль ўйнайди.

Бедапоядан бўшаган ерларда фўза етишириш учун тупроқ шаронтига қараб ерни ёки далани 40 см чуқурликда икки ярусли плуг билан ҳайдаш керак. Тупроқда тўплланган органик моддалар ҳар йили оз-оз парчаланганда ернинг табиий унумдорлиги узоқ вақт сақланиб ундан рационал фойдаланиш имконияти туғилади.

Маълумки, бедапоядан бўшаган срлар дастлабки йиллари гумусга ва азотга бой бўлгани учун бу ўз навбатида, гектар бошига кўчат қалинлиги ҳар хил миқдорда бўлишини талаб қиласди. Масалан, бедапоя бузилиб дастлабки икки йил ичида ер бақувват бўлгани учун кўчат қалинлиги гектар бошига ўрта толали фўза навларида 100—110 минг туп бўлса, 5—6-йилтари 120—130 минг туп бўлиши керак.

Ерга ишлов бериш. Октябрь ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ер ағдариб ҳайдалса, кейинги ўтказиладиган барча агротехник чораларнинг юқори самарадорлигига эришилади. Шудгор олдидан, айниқса, вилт билан касалланган майдонлардаги фўзапояларни илдизи билан тозалаб даладан олиб чиқиб ташлаш зарур. Кўп йиллик бегона ўт босган ерларда шудгор олдидан ва шудгордан сўнг қўшимча қатор ғабирлар ўтказилади. Ерни икки ярусли плуг билан, айниқса механик таркиби оғир ерларни ҳайдашда уларга ҳайдов қатлами тагини юмшатадиган мосламалар ўрнатилиб, 40—45 см ва қолган майдонларни 30—35 см чуқурликда ҳайдалади. Бунда пахта ҳосили ошади ва бегона ўтлар 50—60 фоизга камаяди. Лекин ҳайдаш олдидан гўнг обороти графиги асосида қайси далага гўнг солиши керак бўлса, унга гектар бошига 30—40 тоннадан, фосфорли ўғит йиллик нормасининг 60—70 фоизи ва калий ўғитининг эса 50 фоизи берилади (шўр ерларда шўри ювилгандан сўнг солинади). Шудгордан сўнг ер қамрови кенг текислагичлар ёрдамида текисланади. Тупроқда тўплланган намни максимал даражада сақлаб, экилган чигитни тўлиқ, эрта униб чиқишин таъминлаш ва бегона ўтларни йўқотиш учун ерни февраль охири март ўрталаригача бороналаш керак.

Лекин чигитни пуштага экиш учун кузда маркерлар ёрдамида эгат (90 см ёки 60 см ли) олинниб қўйилган майдонлар (бу усул ҳар йили кўпайиб бормоқда) кўкламда экиш олдидан сугорилади. Ер етилиши билан борона юргизилиб, пуштадаги кесаклар эгат ичига туширилади, ер экишга тахт қилиб қўйилади. Бунда борона тупроқдаги униб чиқсан ва унаётган бегона ўтларни қириб ташлайди. Шунинг учун ҳам чигит экишда гербицид ишлатилмайди.

Ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш. Маълумки, Ўзбекистонда суғориладиган ерларнинг ярмидан кўпи ҳар хил даражада шўрланган. Уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ундан олинадиган ҳосилни кўпайтириш учун коллектор-зовур шохобчалари агротехника талабларига тўлиқ жавоб берishi керак. Ҳар гектар ер учун (шароитга қараб) зовур узунилиги 35—50 метр бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ерларнинг шўрла-

ниш даражаси, тупроқнинг механик таркиби, рельефига қараб шудордан сўнг ҳар хил катталикда чек олинади ва шўр ювилади.

Бунда шўр ювиш қулай муддатларда ва сифатли қилиб ўтказилади.

Жумхуриятда очиқ, ёпиқ горизонтал ва вертикал дрепажлар мавжуд. Кўп йиллик амалий тажриба якунларига қараганда ёпиқ типдаги горизонтал зовурлар мавсумий сугориш нормасини камайтиради. У ердан фойдаланиш коэффициентини оширади. Очиқ зовурларни ҳам ёпиқ зовур типига ўтказилса, жумхурият бўйича яна 70—90 минг гектар қўшимча ерга эга бўламиз. Ер шўрини майдонолиб ювилганда зарарли тузлар бир текис камаяди ва эрта етилади ҳамда катта-катта полларга нисбатан шўр ювиш харажати 1,5—2 марта камаяди. Шўрланиш картограммаси асосида шўр ювиш нормаси тўғри ҳисоб билан ўтказилса сув сарфи 10—15 фоиз камаяди. Бу, интенсив технология самарадорлигини янада ошириб, қўшимча пахта етиштириш имконини беради.

Чигит экиш. Интенсив технологиянинг муҳим элементларидан бири ҳар бир зонанинг шароитига қараб энг қулай агротехник муддатларда чигитни экиб олишdir. Ҳар бир зонада тупроқнинг 10 см қатламида суткали ҳарорат туксизлантирилган чигит учун 14° — 15° бўлиши ва чигитни 6—7 иш кунида экиб олиш мақсадга мувофиқdir. Бунинг учун 10—15 марта қадар бригадалар ёки участкаларга экиш агрегатларини биректириб қўйиш, уларни малакали механизатор кадрлар билан таъминлаш зарур. Чигит тез ва соғлом униб чиқиши учун у пахта заводларида капсуллантирилган ёки биостимуляторлар билан ишланган бўлиши керак. Ҳар бир гектар ерга 25—30 кг чигит сарфланади.

Масалан, чигит 90X10 схемасида экилиб, сўнг уни ўсиш даврида биттадан ўсимлик қолдириладиган бўлса, унда ҳар уяга туксиз чигитдан кўпинча иккитадан уруғ сарфланади. Сеялкалар шу усулда экишга мосланган бўлади.

Ҳамма майдонларга чигит экиш билан бир вақтда минерал ўғит солиши ва бир йиллик бегона ўтларга қарши экиш чизиги бўйича тегишли гербицид эритмаси пуркалади (25—30 см кенглигда). Бунда ҳамма майдонларга қатор ораларининг кенглиги 90 ёки 60 см дан қилиб чигит экилади. Экилган чигит тупроқнинг табиий намига униб чиқишини таъминлаш керак. Гербицид ҳисобига бир йиллик бегона ўтлар 85—95 фоизга камаяди, ўғит ҳисобига эса ҳосилдорлик гектарига 2—3 центнер ошади.

Вилоят, район ва хўжаликлар тажрибаси ялангоч чигитни белгиланган миқдорда серуялаб махсус сеялкаларда пуштага экиш энг истиқболли усул эканлигини тасдиқлади. Бунда гербицид ишлатилмайди. Ери шўрланмаган ёки енгил шўрланган майдонларнинг ҳаммасига мана шу усулда экиш тўлиқ кўчат олиш, чигитни тежаб қолиш, яганада қўл кучидан бироз фой-

далапиш ва ғүзанн тез авжга киритиб юқори ҳосил олишдаги энг муҳим резерв ҳисобланади. Лекин шўр ерлар учун бу усул тавсия қилимайди.

Жумҳуритимизнинг тупроқ иқлим шаронти хилма-хил бўлгани учун, чигит экилгандан сўнг айрим йилларда кучли ёмғирлар ҳам бўлиб туради. Қатқалоқ бўлишига йўл қўймаслик учун ҳали чигит униб чиқмаган ёки у ерда гўза кўчати кўзга ташланган бўлса, ер етилиши биланоқ «зиг-заг» борона билан кўндалангига ёки ротацион мотига билан узунасига юмшатилади. Агарда ғўзалар чиқиб, қаторлар кўзга ташланиб турса, унда қатор оралари культивация қилинади, ҳимоя зонаси УРОР механизми билан юмшатилади, бунда ҳам дала ёнпасига юмшатилади. Бу иш жуда шошилинч бўлгани учун I—2 кун ичида бажариб олиниши керак.

Чигит тўла, бир текис ундириб олингандан сўнг ягана сифатли қилиб ўтказилади. Яланғоч чигитни белгиланган миқдорда экилган далаларда ҳам бир гектар майдон 2,0—2,5 иш кунида тукли чигит экилган бир гектар майдон 4—5 иш кунида ва умуман бригада ва хўжаликларда 6—10 иш кунида тамомланиши керак. Қатордаги уяларда ўсимликлар бир хил ва эрта ривожланиши учун ҳосил машинада сифатли ва тоза териш учун бир тупдан қолишлигига катта эътибор бериш зарур.

Маълумки, пахта ҳосилдорлигини оширишда гектар бошига белгиланган миқдорда кўчат қалинлигини ҳосил қилиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам кўчат қалинлиги тупроқ унумдорлигига, сизот сувларининг жойлашини чуқурлиги, тупроқининг шўрланниш даражаси, ғўза тупининг конструкцияси каби хусусиятларни эътиборга олиб гектарига қуйидагича миқдорда бўлиши керак:

1. Сизот сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ва шунпнгдек шўрланган ерларда — 120—130 минг туп.

2. Сизот сувлари ер бетига яқин жойлашган шўрланмаган ўтлоқи ерларда 110—120 минг туп.

3. Унумдорлиги паст шағал, қум, қумоқ, тупроқли ерларда 130—140 минг туп бўлиши керак.

Ғўзаси «нулевой» типга кирган ингичка толали ғўза навларин учун юқорида гагпа муносаб равишда: 130—140 минг; 140—150 минг ва 160—170 минг/га бўлади.

Бутун пахта майдони бўйлаб, ҳатто даланинг икки бошидаги бурилиш майдончаларинда ҳам ғўза тупларининг бут бўлишига эришиш керак. Яганалаш тамом бўлгандан кейин бригаданинг ҳар бир даласи бўйича кўчат ҳисоблаб чиқилиб, сифат комиссиясининг акти билан қабул қилиб олинади.

Ғўза қатор ораларига ишлов бериш. Кўчатлар тўлиқ униб чиқар-чиқмас қатор ораларига ишлов бериш бошланади. Акс ҳолда қатор ораларидан бегона ўтларининг кўпайишига, ёғингарчиликлар ва ҳавони паст келиши оқибатида эса илдиз чириш касаллигининг тарқалишига йўл қўйиш мумкин. Ишлов

сифатли ўтказилса, тупроқда ҳаво алмашиниши ортиб гўзанинг авж олиш жараёни тезлашади. Одатда ғўза қатор ораларини культивация қилиш уни шох-шаббалари бир-бирига киришиб кетгунча давом этиб, культивациялаш сони тупроқ турига, ривожланиш фазалари, сугориш сонига қараб 4—5 тадан 6—7 тагача бўлади.

Культивация қилишда ғўза тупларининг биронтасини ҳам шикастламасликка эътибор берилади. Ғўза қатор ораларини культивация қилиш чуқурлиги, ишлаш эни, ғўзанинг ривожланиш фазалари, тупроқнинг механик таркиби каби шароитларни ҳисобга олиб ўтказилади. Ғўза кенг қаторларда ўстирилганда культиваторнинг четки ишчи органлари 6—8 см чуқурликда, қатор ораларини юмшатиб кетадиган фоз панжаларни 10—12 см чуқурликда юрадиган қилиб ўрнатилади. Кейинги вақтларда қаторларни четки ишчи органлари 8—10 см ва энг охирги ишловларда эса 6—8 см ликда, ўртадаги ишчи органлари 14—16 см чуқурликда ва қатор орасининг қоқ ўртасини 16—18 см чуқурликда юрадиган қилиб ўтказиш мумкин. Ҳимоя зона ғўза ёппасига шоналашга қадар 7,5—8,0 см, кейинчалик ва кейинги ишловларда эса 12—14 см кенгликда бўлади.

Дастлабки икки ишловда ғўзанинг ҳимоя зonasини УРОР иш органлари юмшатиб беради.

Ғўза тор қаторлаб ўстирилганда қатор ораларининг икки ёнбоши 6—8 см чуқурликда, қаторларнинг ўртасини фоз панжаларда 10—12 см, ҳимоя зона 10—12 см кенгликда қолдирилиб, дастлабки икки ишловда қолдирилган ҳимоя зона УРОР механизми билан юмшатиб турилади. Кейинги ишловларда культиваторни ўтказишда четки иш органлари 8—10 см, ўртадагиси 13—15 см, ҳимоя зонаси 12—14 см кенгликда бўлади.

Ғўза ўсиш даврида кўпинча беш-олти марта культивация қилипади. Культивациядан кейин пешма-пеш одатда 2—3 марта ўтоқ қилнади. Ғўза қатор ораларига ҳар галги ишлов бериш, айниқса сугоришдан кейинги ишлов бериш юмшатиладиган қатламдаги тупроқ етилгач бажарилади. Бунда агротехник тадбирларнинг бир қанчаси бир вақтда ўтказилади. Жумладан ўғитлаш, охирги ишловларда культивация билан кейинги сугориш учун эгат олиш, мослама билан чеканка қилиш кабилар. Бу, ҳам агротехник, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали.

Қатор ораларини ишлашда ғўзани сугориш, эгат олишга катта аҳамият берилади. Эгат чуқурлиги, қатор ораларининг кенглиги, ривожланиш фазалари ва ернинг иншабини эътиборга олиб табақалаб олинади. Жумладан, ғўза кенг қаторларда ўстирилганда эгат чуқурлиги 13 см дан 22 см гача ва тор қаторларда эса 10 см дан 18 см гача бўлади.

Ғўзанинг сув режими. Жумҳуриятимиз шароитида сув камчиллигини эътиборга олиб, ундан тежаб-тергаб ва резервлардан унумли фойдаланиш талаб қилинади.

Магистраль каналлар, хўжаликларо каналлар ва хўжалик

сув шохобчаларини бетонлаштириш, айниқса лоток (бетон тарнов) лантриш ишларини жадал усулда олиб бориш, сувни тежаб-тергашда жуда катта иктиносид қилиш имконини беради.

Ғүзани интенсив технология асосида сугориш учун уни илмий асосда олиб борилади. Бунинг асосида сугориш ишлари автоматизация ва механизация усулига тұлық ўтишни талаб қиласади.

Ғүзани сугориш муддатлары, масалан, тупроқнинг механик таркиби ўртаса ва оғир бўлганда, ғўза гулга киргунга қадар 16—18 соат давом этади, гуллаш-мева тўплаш даврида 24—36 соат давом этади ва нишиш даври бошларидан эса худди гуллашгача бўлган даврга ўхаш қисқарисб кетади. Ғўза ўсиш даврида якка ва қўш эгатлаб сугорилади. Масалан, гўза қатор оралари 60 см бўлганда, сизот сувлари чуқур жойлашган ерларда дастлабки 1—2 суви қўш эгатлаб, кейингилари якка эгатлаб ва энг оҳирги сув эса одатда қўш эгатлаб борилади.

Сугориш сифатини яхшилаш ва сувни тежаб-тергаб ишлатиш учун, тавсия этилган эгатлар узунлиги (ўқ ариқдан — ўқ ариққача) ва ҳар эгатга жилдиратиб қўйиладиган сув нормасига эътибор бериш керак (63-жадвал).

63-жадвал

Сугориш технологиясининг элементлари

Есенинг нормаси	Тупроқни сув ўтказувчалиги	Қатор оралариниң кенглигига қараб сугории эгат узунлигиниң ўзарини, м		Қатор оралариниң кенглигига қараб сув сарфи с	
		60 см	90 см	60 см	90 см
катта	кулли	60—100	—	0,3—0,4	—
ўртала	«—»	60—70	—	0,4—0,6	—
кичик	«—»	50—60	100—150	0,7—0,8	1,2—1,5
катта	ўртала	110—120	—	0,2—0,3	—
ўртала	«—»	100—110	—	0,3—0,4	—
кичик	«—»	80—100	150—200	0,4—0,6	0,8—1,0
катта	секин	120—150	—	0,1—0,2	—
ўртала	«—»	110—120	—	0,2—0,4	—
кичик	«—»	100—110	200—250	0,4—0,6	0,6—0,8

Эслатма: Ернинг қиялиги катта—0,007; ўртала—0,003—0,006; хичик—0,003

Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига қараб сугориш сони ва нормаси ҳам ўзарисб туради. Жумладан, сизот сувлари чуқур жойлашган бўз ерларда сугориш сони 5—6 марта бўлиб, бунда сугориш нормалари тахминан қўйидагича: механик таркиби оғир тупроқларда 1000—1100 м³/га; ўртала тупроқларда 900—1000 ва енгил тупроқларда 800—900 м³/га бўлгани маъқул.

Сугориш нормалари ва муддатлари тупроқнинг механик таркиби, сизот сувининг жойлашиш чуқурлиги, иқлим шароити, ғўзанинг нав хусусияти ва ривожланиш фазаларига боғлиқ.

Сизот суви шўрланмаган ва бироз шўрлангап ўтлоқи-бўз тупроқларда ғўзани сунъий усулда ёмғирлатиб сугориш натижаси

сида, одатлаги әгатлаб сугоришга қараганда пахта ҳосили 1,5—2,5 га/ц ошиб, сув сарфи эса 20—40% га камаяди. Бунда ДДА-100 МА, ДКШ-64, «Волжанка» ва «Кубань» сугориш машиналаридан фойдаланилади.

Сугоришда потоклар, букилувчан, ярим қаттиқ ва қаттиқ трубалар, зангламайдыган сифон-найлар, сугориш комплектларидан: КП-160, ТНП-150 ва ТКП-90 типдаги сугориш агрегатлари ва бошқаларни құллаш пахта ҳосилини гектарига 2—4 ц, мөхпат унумдорлигини 1,3—3,0 марта оширади, құл мөхнатипи камайтириб, сув сарфини 10—30 фоиз тежайди.

Үғитлаш. Олинадиган пахта ҳосилини планлаштиришда үғитлаш нормаси күп жиҳатдан үтмишдош экинларнинг турига, үғитларни тупроқда ювилиши, шүрланиш ҳолати, тупроқ таркнебидаги озиқ элементлари миқдорига боғлиқ.

Бир тонна ўртача толали пахта етиштириш учун үсімлик 60 кг азот, 50 кг калий ва 20 кг атрофика фосфорин үзлаштиради. «Нүлөвка» типига кирган ингичка толали рұза навлари 10—15% ортиқча үгит истеъмол қиласы. Интенсив технологиянинг ҳамма элементлари үз вақтида ва сифатли қилиб үтказилғанда үғитлар самарадорлиги ошади.

Бұз тупроқли ерларда, гектаридан планлаштирилған 35—40 ц ҳосил олиш учун азотдаи 300 кг, 40—45 ц ҳосил учун эса 350 кг сарфлаш керак. Бунда, азот нормасини аниқлашда тупроқ зоналари (түқ тусли бұз, оч тусли бұз, чүл зона) күрсаткыч коэффициент шкаласи бүйіча табақалашған ҳолини ҳисобға олшапади. Үтмишдош экинлардан чиққан ерларда азот нормасини белгілашда буни ҳисобға олиш керак. Жұмладан, маккажүхоридан чиққан ерда азотни тузатиши коэффициенти 1, 2 бедапоя бузилиб, бириңчи йили рұза үстіриш учун 0,6; иккінчи йили учун — 0,8, кейинги йиллар учун эса — 1,0.

Азотли үғитнинг йиллик нормаси бўлиб-бўлиб берилади. Чигит экишга қадар 25—30% ни культиватор үғитлагичлар — КРХ-4, КРХ-3,6 КРТ-4, шунингдек чизель культиватор-үғитлагич ЧКУ-4 ва ЧКУ-4М лар ёрдамнда ер бетидан 16—18 см чуқурликка берилади. Азотнинг 8—10% и чигит экиш билан бир вақтда, экиш агрегатига культиватор үғитлагичини үрнатыб, үғит экиш чизигидан 5—7 см қочириб ва 12—15 см чуқурлукка солинади. Қолган азот рұзанынг үсіш даврида 2—3 марта ва ривожланишдан қолган участкаларга эса 4-марта бўлиб берилади. Бұнда ҳар галги озиқлантиришда азот нормаси гектарига 40—50 кг дан ошмаслығы керак.

Рұза үсіш даврида уч марта озиқлантирилғанда, үғитлагич культиватор билан биричиси рұзада 2—3 чишбарг чиқарғанда үғитни үсімлик қаторидан 15—18 см қочириб, шоналаш давомида 20—22 см оралатыб ва гуллаш-кұсаклаш даврида эса рұза тор қаторлаб үстірилғанда әгатиниг қоқ ўртасига ва ниҳоят кенг қаторлаб экилғанда эса үсімлик қаторидан 30—35 см қочириб берилади. Ҳамма ҳолларда ҳам үғитнинг сугориш әгатлардан 4—5 см чуқурликка тушишини таъминлаш керак. Үғит-

лаш гүза гуллашидан 15—20 кун кейин тугалланиши керак. Гүзаси баъзан ўсишдан орқада қолган далаларда ёки унинг бир қисмида ўғитлаш 20—25 июлгача давом этиши тавсия қилинади.

Фосфорли ўғит нормаси, тупроқдаги ҳаракатчан фосфор ҳисобга олиниб (тупроқ агрохим картаграммаси бўйича) кузги шудгор олдидан (шўр ерларда шўри ювилгандан сўнг), чигит экиш ва гўза гулга киргаңда берилади. Шудгорлаш олдидан фосфор йиллик нормасининг 60—70 фоизини РТТ-4,2(РУМ-5) ўғит сепгич агрегати ёрдамида солинади ва гектарига 30—40 тона гўнгии РТО-4 (РОУ-6) ўғит солиш машинаси билан берилади.

Фосфорнинг қолган бир қисми (10—15%) экиш билан ва қолганинг гўзанинг гуллаш даврида азотли ўғит билан қўшиб берилади.

Чеканка. Чеканка мухим агротехник тадбир ҳисобланниб, у пахта ҳосилини оширишидан ташқари, кўсакларининг етилишини тезлаштириб, машина теримини бир ҳафта олдин бошлашга имкон беради. Бу тадбирии ўтказишда гўзанинг биологик етилиш хусусиятларини ва кўчат қалиплигини эътиборга олиш керак. Ўрта толали гўзаларда гектар бошига кўчат сони 100—120 минг туп бўлиб, ҳосил шохлари 15—16 та; кўчат сони 130—140 минг туп бўлиб, ҳосил шохлари 13—14 та; «шулёвка» типидаги ингичка толали гўзаларда кўчат сони 130—140 минг туп бўлиб, ҳосил шохлари 20—22 та ва кўчат сони 150—160 минг туп бўлиб, ҳосил шохлари 18—20 бўлганда ўтказилади. Машинада чеканка икки марта ўтказилади. Бу тадбрп ҳам гўза қатор ораларини культивация қилиш ёки сугориш эгатларини олиш билан бир вақтда бажарилади. Такрорий чеканка аввалгисидан 7—10 кун кейин ўтказилади. Умуман гўзани механизмлар билан чеканка қелиш, қўл меҳнатини 10—15 марта қисқартириб, кўсакларининг етилишини тезлаштиради.

Кейинги йилларда гўза чеканкасидан қўл меҳнатини бутунлай сиқиб чиқариш учун химиявий усул, яъни ТҮР препаратининг эритмасини пуркаш йўли билан бажаришга ўтилоқда. Ўрта толали гўзани химиявий усулда чеканка қилишда препаратдан гектарига 300—320 гр ва ингичка толали гўзалар учун эса 400 гр ни 400 литр сувда эритиб пуркалади.

Гўза зараркунанда ва касалликларига қарши кураш. Гўзада зарарли ҳашаротлар ва касалликларининг кўпайиши ва тарқалишининг олдини олиш учун қатор чоралар амалга оширилади. Бунинг учун биринчи галда алмашлаб экишга риоя қилиш, вилтга чидамли гўза навларини экиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш зарур. Агротехник чоралар ичидаги кузги шудгорлаш катта аҳамиятга эга. Кўсак қурти, кузги туплам, карадрина ва бошқа шунга ўхшаш зараркундалар кўплаб пайдо бўладиган маккажўхори, оқжўхори ҳамда бир йиллик дуккакли экинлардан бўшаган ерларни икки ярусли плуг билан сифатли қилиб ҳайдашга катта эътибор берилади.

Гўзанинг энг хавфли касали бўлгани вилтга қарши курашда

аввалин далаши гүзапоялардан тозаланади. Қасаллик билан зараланган участкаларда ерни шудгорлаш олдидан гектарига 100 кг дан 90 фоизли пентахлорнитробензолдан ёки 100—150 кг дан алгин ёки узген препаратларидан солинади. Бу иш одатда далаға минерал ўғит солиш билан бир вақт ичиде бажарилади. Заарлы ҳашаротлар ва қасалликлар күпайып тарқалишига заман бұладын уватлар, йўл ва ариқ ёқалари бегона ўттардан механизмлар ёрдамида тозаланиши зарур.

Пахтакор хұжаликларда гүзанни ўсиш даврида ҳашарот ва қасалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиш жойларини аниқлаш мақсадпда 15 майдан 1 сентябргача алоҳида назоратчилар группаси тузилади. Бу группада ишлайдиган ҳар бир назоратчига 50 гектардан пахта майдони ажратиги берилади. Назоратчиларниң кузатиш маълумотларига қараб, ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича конкрет тадбирлар белгиланади.

Ғўза зааркунанда ва қасалликларига қарши курашда интеграциялашган усул асосий ўринни эгаллади. Маълумки, ўргимчакканда, ўсимлик бити (шира), трипс, канда каби зааркундаларга қарши химиявий дорилар ишлатилади. Лекин бошқа дорилар таъсир қыммаган тақдирдагина пестицидлар ишлатишига рухсат берилади. Зааркунанда ҳашаротларга қарши кураш тадбирларида муайян турдаги заарли ҳашаротлар ёки каналарин йўқотадиган, аммо энтомофаг ёки акарифагларга зарар етказмайдиган химиявий препаратлар таплаб ишлатилади.

Кейинги йилларда биологик метод билан зааркундаларга қарши кураш чоралари яхши йўлга қўйилгап хұжаликлар, районларда камдан-кам химиявий препаратлар қўллаш туфайли атроф мұхит тоза сақланмоқда ва айин вақтда қишлоқ мешнат аҳлиниң саломатлиги ҳам яхшиланмоқда.

Пахта далаарини машина теримиға тайёрлаш. Бу жараён ғўзани охирги марта сугорғандан кейин ерниң етилиши билан ўқариқларни бузиб текислаш, ўтоқ қилиш ва сизот сувларининг сатхини пасайтириш, гўзани дефолиация ва десикация қилиш, механизмлар воситасида бурилиш майдончаларини тайёрлаш ишларини ўз ичига олади.

Ғўза баргии сунъий усулда тўқтиришда упинг биологик жиҳатдан етилишига эътибор берилади. Бунда ўрта толали ғўзаларда кўсакларниң 35—40% и ва ингичка толали ғўзаларда эса 50% и пишганда ўтказилади. Дефолиация ҳар бир далада ғўзанинг етилишига қараб, ОВХ-14 ва ОВХ-28 пуркагич аппаратлари билан пешма-пеш ўтказилади, бу ҳол йигим-теримниң дастлабки кунлариданоқ пахта териш машиналари учун кеңг иш фроити очиб бериш имкониятини яратади. Дефолиантларни ишлатишда тавсия этилгап нормаларга қатъни амал қилинади. Дефолиация бошланишидан 3—5 кун илгари машиналар бурилиш майдончаларидаги ғўзалар чанглагич-пуркагичлар ёрдамида магний хлорат (16 га/кг), кальций хлорат-хлорид (25 га/кг) ёрдамида, шунга ўхшаш ингичка толали ғўзалар учун 25—30 га/кг ёки 35—40 га/кг десикация қилинади.

Дефолиацияда дефолиантлардан ўрта толали гўза навлари учун магний хлоратдап гектарига 8—12 кг, кальций хлорат-хлориддан 20—25 кг, жаңубий районларда Дроипдан 400—700 гр, ингичка толали гўзларга шунга мос равишда 15—17, 26—30 ва 300—500 гр ишлатилади. Буларни ишчи эритмалари ни ОВХ-14 аппаратида гектарига 200—300 га/л ва ОВХ-28 да 100—200 га/л ишлатилади.

Агарда 6—8 кундан кейин дефолиантлар ёрдамида барглар 70% дан кам тўқтирилган бўлса, такрорий ўтказилади. Бунда дефолиант нормалари 15—20% ортиқ ишлатилади. Пахтанинг машина теримига 2—3 кун қолганда, иш фронти учун бурилиш майдончалардаги пахталар қўлда териб олинниб, сўнг гўзаси ўрилиб, дала чеккасига чиқариб қўйилади. Майдончалар автолгрейдер, бульдозер каби ер текислагнч машиналар билан текисланиди. Бурилиш майдончалари 8—9 метр кенгликда бўлиши керак.

Шароитга қараб, биринчи машина теримида сўнг ёки иккичи машина теримида сўнг, талаб қилса, гўзлар десикация қилинади. Бунда ўрта толали гўза учун хлорат магнийдан 25—30 га/кг ва хлорат-хлорид кальцийдан эса 40—50 га/кг ва ингичка толали гўзага 30—35 ва 50—60 га/кг ишлатилади.

Машина терими. Маълумки пахтани машинада териш, қўл меҳнатини 25—30 марта қисқартади ва ҳосилни октябрь ойининг иккичи ярмида йигиб олиш имконини яратади. Машина теримини муваффақиятли ўтказиш, унинг самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан терим агрегатларини ўз вақтида сифатли қилиб тайёрлашга боғлиқ бўлади.

Ингим-терим ишлари бошланишдаи аинча аввал машиналарнинг электр тармоқларп, шпинделларни ювадиган системаси, шпинделли ва чўткали барабанларнинг қай даражада созлангани, ётиб қолган гўза тупларини кўтарувчи мосламаларнинг, обтекателларнинг ва бошқа қисмларнинг ҳолати обдон ҳар тарафлама текшириб чиқилади. Бундан ташқари транспорт ва юклагичлар ҳам тахт қилинган бўлади.

Гўза тупларидаги кўсакларнинг 55—60 фоизи очилганда ва гўза баргларнинг кам деганда 80—85 фоизи тўкилганда машиналар серунум ишлайдп. Иккинчи терим биринчи теримдагига писбатан тупда қолган кўсакларнинг 20—25 фопзи очилганда киришилади.

Терим ишлари поток технология асосида бажарилиб, уни терим-транспорт отрядлари ва машиналарни қўллаш группа усулида — дала пахта териш машинаси — тележка-тайёров иункти йўсимида ишлатиш энг яхши самара беради.

Ўрта толали пахтанинг биринчи терими 55—60% очилганда ва иккичиси эса яна қўшимча 25—30 фоиз кўсак очилганда шпинделли 4XB-2, XНП-1,8 машиналарда териб олинса, ургуллик пахтани барглари камида 85% тўкилиб, кўсаклари 75—80% очилганда бир марта икки ярусли пахта терадиган XBA-1,2 ва ХВБ-1,8 машиналарда териб олинниб, кейинги теримлар одатда-

тича техниқ пахта терими ҳисобланиб ёки кўрсатилган машиналарнинг тўқицчалири олиниб ишлатилади. Йингичка толали пахтани унинг биологик хусусиятлари эътиборга олинган ҳолда уч марта териб олиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бунда кўсак пахтанинг териш ҳажмини қисқартиб беради. Терилган ҳосил эса 2 ПТС-4—793 тележкаларга ағдарилади. ХНП-1,8 терим машина-еининг кичик бункерларидаги пахта махсус жойга тўклилиб, уни УПХ-1,5 Б машинасида тозалапиб, сўнгра тележкаларга ортилади.

Ургулк пахтани тергап машиналар ҳам ҳосилни иккι хил тележкага тўқади, уруғлик пахта алоҳида, техник пахта алоҳида тележкаларга юкланди. Ҳар 10 та терим машинаси учун 20—22 та 2 ПТС-4-793 тележка ажратилади.

Тупла қолган ҳосилни кўрак узадиган СКО-3,6 ва СКО-2,4 машиналарда йиғишириб олинади. Агар қолган ҳосил гектарига 2—3 ц ва бундан кам бўлса биринчи тезликда, 5—6 га/ц бўлганда машина иккинчи тезликда ишлайди.

Ерга тўклилган пахтани механик подборщик ПХС-3,6 ва ПХ-2,4 маркали машиналар ёрдамида терилади. Бунда икки марта ишлаб, тўклилган пахтанинг 75—85% териб олинади.

Шундай қилиб, ҳозирги уч турдаги терим машиналар комплекси етиширилган ҳосилнинг 90—97% или териб олиш ва терим муддатини октябрь ойининг иккинчи декадасида тугатиш имконини беради. Ҳосилдан тозаланган далалар гўзапоялардан пешма-пеш тозаланади.

Далалар вилт замбуруғ касаллиги билан зааррланган бўлса, гўзапояларни пуштадан 14—16 см чуқурликда томирни билан қирқиб берадиган КВ-4А ва КВ-3,6А маркали машиналардан фойдаланилади. ВШК-3,0 осма волокушалар тўда-тўда қилиб уйиб бергандан сўнг, ПГХ-0,5 юклагич 2 ПТС-4-793 тележкага ортиб беради. Гўзапояпи йиғишириб берадиган қўш қаторли КИ-1,2 ва КИ-1,8 гўзапоя майдалагич ёки 4 қаторли универсал КИВ-4 гўзапоя майдалагич машиналардан ҳам фойдаланилади. Бу машиналар бир йўла гўзапояни майдалаш билан уларни йиғиб транспорт тележкаларига ҳам ортиб бериш имкониятига эга.

Маълумки, ҳар бир беш йиллик учун пахта етишириш типовой зонал технологик карта ишлаб чиқилади. Унда кўрсатилган ҳамма тадбирий чоралар кўрсатилган муддатларда ўтказилса, мўл пахта ҳосили етиширилади.

Пахта етишириш технологияси зопаларга мўлжаллаб тузиленган. Бу зопаларда қўлланиладиган машиналар системаси, гўза ўстиришдаги технологик хусусиятлар, айниқса тупроқ ва иқлим шароитлар эътиборга олинган.

Биринчи зона — тоголди районларн киради. Ўзбекистон бўйича пахта етиширилладиган ерларнинг қарийб 25 фопзини ташкил қиласи.

Иккинчи зона — пахта етиширадиган районлар тоғ этакларига жойлашган бўлиб, бу ерларнинг нишаби унчалик катта

Эмас, тупроғи асосан бўз тупроқ, шўрланмаган, сизот сувлари чуқур жойлашган. Чигитни тупроқ ҳамига ундириб олиш имконияти бўлмагани учун ерларга яхоб ёки ҳокоб сувлари беришини тақозо қиласди. Бу зонага Фарғона водийсийнг асосий районлари, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларининг бир қатор районлари, жами пахта майдонининг 17 фоизи киради.

Учинчи зона — ернинг қиялигп иккинчи зонаникига нисбатан камроқ бўлиб, тупроғи турли даражада шўрланган, айрим жойларда шўрланмаган. Туироғи асосан ўтлоқи ва ўтлоқ-батқоқ тупроқ далаларнинг микрорельефи анча мураккаб бўлгани учун жорий текислашии, вақт-вақти билан эса асосли текислашии талаб қиласди.

Бу зонага Амударёнинг қуйи қисми — Қорақалпоғистон АССР, Хоразм вилояти, Марказий Фарғона, Бухоро вилоятиниг ҳамма ерлари, Сирдарё вилоятининг кўичилик ерлари, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг айрим районлари киради. Пахта майдони жумҳурият ерларининг 58 фоизини ташкил қиласди.

Дала ишларининг технологияси турли зоналарда асосан ерни экишга тайёрлаш тадбирлари турлича бўлиши билан бир-бидан тафовут қиласди. Чигит экилгач, гўзани ўсиш даврида ўтказиладиган дала ишлари ҳамма ерда деярли бир хил бўлади, бироқ сизот сувларини жойланиш чуқурлигига, гўзани сугориш сони, нормалари ва муддатларига қараб, культивациялар сони жиҳатидан фарқ қиласди.

ПАХТА ҲОСИЛИНИ ПРОГРАММАЛАШТИРИШ

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил 24 майда бўлиб ўтган Пленуми СССРининг 1990 йилгача бўлган Озиқ-Овқат программасини маъқулади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ётиштиришни барқарор жадаллаштириш ҳамда кўнайтиришни марказий вазифа қилиб белгилади.

Пахта ҳам озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда қатнашади. Пахта кийим-кечак билан бир қаторда ёғ, майонез, маргарин, лярд, асал ҳам демакдир.

Ҳосилдорлик қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг даражасини акс эттирувчи энг муҳим кўрсаткич.

Ҳозирги вақтда амалга оширилаётган хўжалик механизмини қайта қуриш фан-техника ютуғи ва илғор тажрибани кенг жорий этишини таъминлаши керак. Янгиликни яратишда фан катта аҳамиятга эга. В. И. Ленин қайта-қайта таъкидлаганидек, фанниг янги ихтиrolарисиз, ундан амалий фаолиятда максимал даражада фойдаланмасдан, техника тараққиётисиз олға бориш мумкин эмас. У фан чинакамига таш ва жонга киришини, турмушини тўла ҳамда ҳақиқий ажralmas қисми бўлиб қолишини талаб этган эди.

Интенсив қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши қишлоқ хўжа-

ЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛIGИНИ БИРМУНЧА ОШИРИШНИ, ОЛИНАДИГАН МАҲСУЛОТНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШНИ ВА АТРОФ МУХИТНИ ИФЛОСЛАНТИРМАГАН ҲОЛДА ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ТҮЛЛАРОҚ ФОЙДАЛАНИШИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

«ПРОГРАММАЛАШТИРИШ» ТУШУНЧАСИ

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш, уни ри-вожланишишинг индустрисал йўлига ўтказиш муносабати билан экинлар ҳосилини программалаштиришдан иборат янги йўналиш алоҳида аҳамият касб этади. Ҳосилни программалаштириш ўз мазмун эътибори билан уни прогнозлаш, планлаштириш тушунчасидан фарқ қиласди. Программалаштириш усули ўз олдига табиий ресурслардан рационал фойдаланиш ва юқори ҳосил олиш учун технологик воситаларнинг ўсимликларга энг са-марали таъсир кўрсатиши вазифасини қўювчи илмий ҳамда амалий усулдир (И. С. Шатилов). Тажриба фан олдига бир қа-тор мураккаб вазифаларни қатъий қилиб қўймоқда. Масалан, конкрет тупроқ-иқлим шароитида қанча ҳосил ва қандай эҳти-моллилил билан олиниши керак.

Бунга даланинг унумдорлиги, тупроқнинг сув-физик хусу-сияти қандай таъсир кўрсатади? У ёки бу миқдордаги ҳосилни олиш учун қанча миқдорда сув, озиқ моддалари, ҳимоя восита-лари талаб қилинади?

Юқоридаги саволга илмий жиҳатдан асосланган жавоб олиш ўсимлика, тупроққа, иқлимга комплекс ёндошишини ва таҳлил-га математик усуллар ҳамда ЭВМни жалб қилган ҳолда одам-нинг йўналтирилган фаолиятини, яъни ҳосилни программалаштиришни талаб қиласди.

Ҳосилни программалаштириш асосий муаммо бўлиб, қишлоқ хўжалигимизнинг бугунги куни ҳамда келажаги уни ҳал қилиш билан боғлиқ, чунки ўсимликшуносликнинг асосий вази-фаси планлаштирилган ҳосилни олиш бўлиб келди, ҳозир ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Деҳқончилик очиқ ердаги цех бўлиб, унда биологик жараён-лар иқлим, об-ҳаво шароити, қўёш радиацияси, тупроқнинг унумдорлиги, навнинг хусусиятлари, ўсимликинг ўсув даврл ва ҳоказоларнинг таъсiri остида ўтади.

Ҳосилнинг шаклланишига таъсир қилувчи ала шу омилларнинг ҳар бири алоҳида ўрганилган, бу муаммони ҳал қилишга комплекс ёндошпашинг йўқлиги ҳатто сугориладиган деҳқончиликда ҳам ҳосилни программалаштиришни шубҳа остида қол-дирган эди.

Болгоград қишлоқ хўжалик институти, Москвадаги К. А. Ти-мирязев номли қишлоқ хўжалик академияси, Агрофизика ил-мий-тадқиқот институти, Сибир ем-хашак илмий-тадқиқот институти ва шу каби баъзи илмий муассасалар ҳосилини програм-малаштириш назарияси ҳамда тажрибасининг кашшоффларицир. Ҳосилни программалаштиришинг устунилиги шундаки, у бирла-

шиш, түғрироғи агрономия фаны, биологик цикллар ва улар би-лаш туташ фанларниң турли даражада ўзаро бир-бираға син-гиши, ўзаро бойиши асосида ягона комплекс сифатида юзага келади.

Бу оддий ҳол эмас, программалаш усулини реализация қи-лиш учун турли соҳада кенг билимли, ишга яхши тайёрланган бўлиш, программада назарда тутилган барча технология усуллари ва операцияларни яхши бажариш ҳамда муттасил кон-троллик олиб бориш керак.

Пахта ҳосилни программалаштириш бир йўла тупроқнинг уцумдорлигни оширган ҳолда олдиндан мўлжалланган ҳосилни олишини таъминловчи ўзаро боғланган агротехника ва мелиора-ция тадбирлари комплексини ишлаб чиқиш ва уни ўз вақтида ҳамда юқори сифатли қилиб бажариш демакдир. Белгиланган ҳосилни олиш учун ўсимликнинг ҳаётий муҳим факторлардан фойдаланишини таъминлашга асосланган программалаштириш усули ҳайдаладиган ернинг уцумдорлигини ошириш учун қулай имконият вужудга келтиради.

Ҳосилни программалаштириш дәхқончилигимизнинг келажа-ти, далаларниң маҳсулдорлигини ошириш ва моддий ҳамда меҳнат ресурсларида оқилона фойдаланиш масаласини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган янги муаммодир. Бу соф назарий муаммо бўлибгина қолмай, у тажриба доирасидан чиқди ва ил-мий жиҳатдан асосланган система сифатида ишлаб чиқариш тажрибасига жорий қилинмоқда.

У ўзида ўсимликшунослик, дәхқончилик, агрохимия, тупроқ-шунослик, физиология, биохимия, физика, кибернетика, метео-рология, экономика, радиоэлектроника ва бошқа бир қатор фанларниң ютуғини бирлаштиради, у фундаментал муаммо бўлиб, қишлоқ хўжалигининг ҳозири, келажаги ушинг ҳал қи-линиши билан боғланган.

ПРОГРАММАЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Кўнчилик тадқиқотчилар ўсимлик организмидаги маҳсулдор-лик жараёнини математик моделлаштиришин Ю. Либих, Э. Вольни, К. К. Тимирязев, Д. Н. Прянишников ва бошқа турли авлод олимлари бошлаб беришган деб ҳисоблашади. М. С. Савицкий (1948 йил) (Белоруссия қишлоқ хўжалик акаде-мияси) программалаштиришинг бир қатор назарий асосларини ишлаб чиқди, у ҳосилдорликнинг структурали формуласини так-лиф этгани эди.

Менси ва Саскилар (1953 йил) экинларниң фотосинтезини миқдорий таърифлашга уриниб кўришди.

Кейинги тадқиқотлар (М. И. Буденкин, П. Шартье, П. Га-астр, А. Лайск ва бошқалар) ўсимликлар фотосинтезининг миқ-дор назариясини барг даражасида яратиш имконини берди. Бун-дай характердаги ишларни ҳосилни программалаштиришининг

экологик йўналишига киритишади (С. А. Муравьев 1973 йил, И. С. Травин 1978 йил, Э. М. Мухаметов, 1978 йил). Фотосинтезнинг миқдор назариясини яратишда эришилган муваффақиятлар дала экинлари ҳосилини шакллантиришнинг комплекс моделларини ривожлантириш учун асос бўлди.

Чет элда кейинги ўн йилда Де Вишт, Гоудерналь, Броувер, Лемон, Кулен, Арсенольдаль, Камбел, Гудал, Жонс ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган экосистемаларнинг 10 та ясама модели, ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиш моделлари ишлаб чиқилди. Улардан фақат биттаси пахтачиликка бағишиланган. У ҳам бўлса сугориш ва минерал ўғитлар солишини бошқарадиган фактордир.

Унда тупроқнинг батафсил характеристикаси ҳисобга олинган, шунингдек ғўзанинг ўсув давридаги ҳолатига атрофлича баҳо берилган.

Совет олимлари маҳсулдорлик жараёнини моделлаштиришини яратишга катта ҳисса қўшишди. А. И. Будаговский, А. А. Ничипорович ва Ю. К. Россларнинг (1964 йил) илмий иши мамлакатда агроэкосистемасини яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг бошланишига катта хизмат қилди. И. С. Шитилов, Н. Ф. Бондаренко, Е. Е. Жуковский, А. А. Қлимов, Х. Г. Тооминг ва бошқалар кейинги йилларда турли хил дала экинлари ҳосилини программалаштириш соҳасида катта миқёсдаги тадқиқот ишларнини бажарадилар.

Р. А. Полуэтов агроэкосистемасининг маҳсулдорлик модели катта қизиқиш туғдирди. Унда ўсиш ва ривожланиш жараёнлари, қуёш радиациясидан фойдаланиш, тупроқ ҳамда экиннинг сув ва иссиқлик режими характеристири, ўсимликнинг минерал озиқланиши, бу системада ўзаро экологик таъсир, унга назорат қилинмайдиган (об-ҳаво) ва назорат қилинадиган (агротехника) ташки мұхитнинг таъсири баён қилинган.

Бундай моделлар динамик ва баланс характеристига эга.


Маълумки, ҳосил экин, навнинг биологик хусусиятларига ҳам, ўсимликнинг барча ҳаёт факторлари билан таъминланишига ҳам боғлиқ бўлган интеграл ўлчамдир.

Ҳаёт факторларини: 1) тупроқ шароитига (қисман ҳаётнинг тартибга солинадиган фактори) ва 2) иқлим ва об-ҳаво шароитига (тартибга солиб бўлмайдиган фактор) бўлиш мумкин. Ўсимлик ҳаётнинг мұхитдаги зарур факторларидан фойдаланиб ҳосилни шакллантиради.

Бунда ҳосил үлчами потенциал билан, тупроқ-иқлим шароити экиннинг биологик хусусиятига мос келиши билан, ҳаёт факторларини оптималлаштириш даражаси билан ҳам аниқланади. Моделлаштиришнинг динамик жараёнида барча характеристикалар ва вақт нуқтаи назаридан (экишдан ҳосилни йиғишириб олишгача) «тупроқ- ўсимлик-ер усти ҳавоси» системасининг параметрлари ҳисоблаб чиқилади.

Бу ўзаро муносабатни «ўсимлик-мұхит» системаси сифатида тақдим қилиш мумкин.

"ЎСИМЛИК - МУМКИН" системаси



Бу система деталлаштирилган тарзда қўйидаги схема билан жўрсатилиши мумкин.

Баланс моделда ҳар бир субстанция учун кирим-чиқим қисмлари ҳисоблаб чиқилади. Масалан, озиқланиш режимини аниқлаганда, турпроцессларда мавжуд бўлган ўсимлик ўзлаштираоладиган озиқ моддалар, уларнинг ҳосил, сизот сувлар, ёғингарчиллик билан ва суфориш вақтида чиқиб кетиши, ёғингарчилик билан келиши, микроеlementларнинг истеъмол қилиши ва ҳоказолар.

Олинган маълумотлар ЭВМда ишлаб чиқилади.

Пахта ва бошқа экинлар ҳосилини, пахта комплексини программалаштириш усули Ўзбекистонда 80-йилларнинг бошида ишлаб чиқила бошланди. Тошкент қишлоқ хўжалик институти бу ишининг бошловчиси бўлди. 1974 йилдан бошлаб институттинг бир нечта кафедраси бу умумиттифоқ программасига қўшилди. Ўқув хўжалигида озиқланиш, кўчат қалинлиги, суфориш режими шароитини ўрганиш юзасидан тажрибалар ўтказилди. «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида турли хил турпроцессларни зоналарида тажриба сифатида сипаб кўрилди. Бундан мақсад фан эришган ютуқлар ва илгор тажрибадан фойдаланиб, гектаридан 55—60 центнер пахта ҳосили олиши эди.

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходимлари РГВЦ (Республика бош ҳисоблаш маркази) СоюзНИХИ билан биргаликда ғўзанинг ўсиш ва риважланиш жараёнларининг математик моделини, шунингдек суфориладиган ерларда шамол эрозияси ва Тошкент ҳамда Сирдарё вилоятларида чигит экишининг мақбулроқ муддатларини олдиндан белгилаб чиқдилар.

Мамлакатимизда программалаштириш усули мелиорация ишлари олиб бориладиган, суфориладиган ерларда кенг тарқалган.

1983 йилдан буён СоюзНИХИ ва унинг тармоқларида программалаштирилган усулда гектаридан 35, 40, 45, 50 ва 55 центнер ҳосил олиш юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу усул 230 минг гектар майдонда жорий этилган.

Германия Демократик Жумҳуриятида барча сугориладиган майдонларни қамраб олган сугоришни бошқаришнинг ахборот-маслаҳат системаси ишлаб чиқилган ва жорий этилган. Ҳисоблаш марказларига ҳафтада икки марта барча томондан маълумотлар келади, у ердан эса тайёр тавсиялар юборилади. 1971 йилдан бошлаб ГДРда «Ўғитлаш» программаси асосида агрохимия хизмати системаси ишлаб келмоқда. Унда барча ҳўжаликларга ўғитларни солиши миқдори, турлари, усуллари ва муддатлари юзасидан тўла тавсиялар берилади. Бу икки хизмат соҳасини ягона агротехникани бошқариш хизматига бирлаштиришга уриниб кўрилмоқда.

Капиталистик мамлакатлардан Голландия, АҚШ, ГФРда ишлаб чиқилган программалаштириш усуллари қизиқиш туғдиради. Методик ечимларнинг бир группаси айrim регионлар, фирмалар ва кампаниялар учун ҳосилдорликни прогнозлашга, иккинчи группаси эса конкрет ишлаб чиқарпешга, фермерларга хизмат қилишга мўлжалланган.

АҚШ системаси самаралироқ ва унумлироқ, лекин агротехника усулларининг (сугориш, ўғитлаш, агротехниканинг айrim элементлари) кам қисмини қамраб олади ва тегишли режимда ишлайди. Бу эса унинг иш унумини пасайтиради. Комплекс характердаги ечимлардан маккажӯхон етиштиришни программалаштириш юзасидан Болгарияда яратилган ва муваффақиятли қўлданаётган лойиҳа диккатга сазовордир.

Ўрта Осиё региони учун тегишли экология, агротехника ва бошқа шароитлар яратилса, пахтадан мўл ҳамда барқарор ҳосил олиш тўла бажариладиган иш.

Қуёш энергиясидан, сувдан, тупроқнинг унумдорлигидан, ҳарорат ва бошқа ташқи мұхит факторларидан максимал даражада фойдаланиш барқарор ҳосил олишнинг негизи ҳисобланади.

ПРОГРАММАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Гидропоникада ўтказиладиган тажрибалар шуни кўрсатади-ки, ҳар бир тупда 300 тагача мева органи шаклланишп ва гектаридан 200 ц гача ҳосил олиниши мумкун экан. Ҳозирги вақтда гектаридан 40—60 ц ҳосил олаётган ҳўжаликлар жуда камчиликни ташкил қиласди.

Ҳосилни программалаштиришнинг методик асосини академик И. С. Шатилов шакллантирган 10 та илмий асос ташкил қиласди.

Программалаштиришнинг биринчи асоси биогидротермик кўрсаткичи бўйича ҳосилнинг ўлчамини аниқлашдан, бошқача қилиб айтганда, фитомассасининг маҳсулдорлиги коэффициентидан иборат. Программалаштирганда биринчи навбатда ҳосил-

дорлик ҳар бир жойнинг об-ҳаво, иқлим шароитига боғлиқлиги иш ҳисобга олиш керак. Тупроқнинг асосий характеристикаси даланинг иссиқлик ва намлик режимидан иборат. Бошқа тенг шароитда иссиқлик ва намлик режими ҳосилнинг миқдори ва сифатнга сезиларли таъсир кўрсатади. Ҳосилдорликни суфориш, ўғитлаш ва бошқа агротехника тадбирларини қўллаш йўли билан ошириш мумкин.

Гидротермик имконият (ГТИ) ёки А. М. Рябчиков мезони (РМ) қўйидаги формула билан ҳисоблаб чиқлади:

$$PM = GTI = \frac{WTV}{-36R},$$

бунда РМ—маҳсулдорликнинг гидротехник имконияти, баллар; W—территориянинг ўртача ялни намлиги (оқим сувни чегириб ташлангандаги ёғингарчилик) намнинг миллиметр ҳисобиндаги ўртача йиллик миқдори (1 мм—гектарига 10 m^3). T—ўсув даврларининг давом этиши, декадалар. 36—йилдаги декадалар сони. R—ўсув даврида ер юзасининг ўртача йиллик радиацион баланси, ккал/см².

Бу формула ҳар қандай экинга тўғри келади. Гидротермик имконият ҳисоб-китобдан кейин олиниши мумкин бўлган ҳосил қўйидаги формула билан аннәлапади:

$$Y_b = 22PM - 10$$

Маҳсулдорликнинг ГТИ бўйича олиниши мумкин бўлган биомасса ҳосилини аниқлаш алмашлаб экиш схемасини тузишда у ёки бу экин турини танлашда дикқатга сазовордир, бунда ўсимликлар қуёш энергиясини максимал даражада аккумуляция қилиш ва майдон бирлигидан хўжалик жиҳатдан қимматли маҳсулот ҳисобланган энг кўп фитомасса бериш қобилиятига эга бўлади.

Программалаштиришнинг иккинчи асоси—бу ҳосилдорликни ўсимликларнинг фотосинтетик актив радиациядан (ФАР) фойдаланиш коэффициенти бўйича аниқлаш ёки А. А. Ничипорович, И. С. Шатилов принципидир. Ҳосил атмосферадаги қуёш энергияси ва карбонат ангидрид кислота ҳисобига шаклланади. Барча агротехника тадбирлари ўсимлик қуёш энергиясидан яхшироқ фойдаланишга ёрдамлашишга қаратилган.

Фотосинтез жараёнида бир гектар ердаги ўсимлик қоплами бир кеча-кундузда 150—300—1000 кг карбонат ангидрид газини ўзлаштиради.

Ўсимлик тупроқдан 1—2 кг азотни, 0,25—0,50 кг фосфорни, 2—4 кг калийни ва 2—4 кг тупроқдаги бошқа озиқ элементларини ўзлаштиради.

Ўсимликлар бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда ҳаво ва тупроқдан озиқланиш ҳисобига бир гектар ерда 80—150 кг дан 300—500 кг гача қуруқ биомасса тўплайди. Ҳар бир кг қуруқ органик масса ўрта ҳисобда 4000 килокалорияни аккумуляциялаштиради.

Қүёш радиацияси бу энергиянинг маибай ҳисобланади. Одам қүёш энергиясининг икки мингдан бир қисмидан фойдаланади.

Үрта Осиёда ўсув даврида ФАРнинг келиши гектарига 8 миллиард килокалорияга етади, ҳосилда фойдаланилган ФАРнинг 1 процентида 8 миллион килокалория бўлиши керак. Бу гектаридан 300 ц бутунлай қуруқ ёки 100 ц кўк масса миқдорига тенг келади. Ҳосилниpg хўжалик жиҳатдан фойдали қисми (тола) ва қўшимча маҳсулот ўртасидаги иисбатни билган ҳолда планлаштириладиган ҳосил ўлчамини аниқлаш мумкин. Қўёш радиацияси тўлқин диапозони 10 дан 300000 ммк гача бўлган электромагнит нурланишдан иборат. Нурнинг каттагина қисмн одамнинг кўзига кўринмайди, кўринадиган қисми эса қўёш ёруғлигидир. У турли узунликдаги ва бинафша, кўк, мовий, яшил, сариқ, тўқ сариқ, қизил рангдаги тўлқин турларидан ташкил топган.

Кўринадиган нурлар тўлқинининг узунлиги 400 дан 800 ммк тача, кўринмайдиган нурлар (ультрабинафша) тўлқинининг узунлиги эса 400 ммк дан камроққа боради, кўзга кўринмайдиган, лекин тўлқиннинг узунлиги 800 ммк дан ортиқ қиздирувчи нурлар инфрақизил нур деб аталади.

Фотосинтез учун фақат тўлқинининг узунлиги 400—800 ммк дан иборат кўзга кўринадиган нурлардан фойдаланилади — бу ФАР (фотосинтетик актив радиация) дир. Қўёшдан тупроқнинг юзига келадиган ФАР интеграль радиациянинг 45—50 фоизини ташкил этади.

Лекин ўсимликлар юқори агротехника асосида парвариш қилинганида ва у қулаги об-ҳаво шароитига мувофиқлаштириб амалга оширилганида, улар ФАРнинг 5 фоизгача бўлган қисмидан фойдаланиш қобилиятига эга. ФАРнинг фойдали таъсир коэффициенти юқорироқ бўлган ҳоллар ҳам учрайди, ўртачаси эса 1,0—1,5 фоиз. Ҳар бир конкрет ҳолатда ҳосилнинг мумкин бўлган ўлчами қўйидаги формула билан аниқланади:

$$Y_{\text{биол}} = \frac{O_{\text{Фар}} \times K_{\text{Фар}}}{q \times 100},$$

бунда $Y_{\text{биол}}$ (биологик ҳосил) — биологик ҳосилнинг олиш мумкин бўлган ўлчами, гектаридан центнер; $O_{\text{Фар}}$ — ўсув даврида ФАР (фотосинтетик актив радиация) нинг келиши, соатига килокалория; $K_{\text{Фар}}$ — ФАР дан фойдаланишнинг планлаштириладиган коэффициенти, процент; q — органик модда ҳосили бирлигининг калориялилиги, у ҳисоб-китоб қилганда 4000 килокалорияга қабул қилинади (гектарига килокалория). Масалан, Туркманистон шароити учун 85 см^2 калория, Тошкент яқинида эса соатига $55 - 58$ килокалория, гўза учун $60 - 70 \text{ см}^2$ килокалория. Ўсимликнинг ҳар бир килограмм қуруқ массаси 4000 килокалория энергияни аккумуляция қиласи.

Демак, ФАР дан фойдаланиш коэффициентини максимал даражада ошириш зарур. Инсон ФАРнинг келишига таъсир кўр-

сата олмайдын, лекин юқори агротехника тадбирлариниң құллашыла-
ва парваришиң қынтыш технологиясиниң такомиллаштириш ҳисоби-
га ундан фойдаланиш фоизини ошириш реал ва бажарса бүл-
ладиган вазифа.

ҚҮЁШ РАДИАЦИЯСЫ ВА ҲОСИЛ-

Ұсимликларниң озиқланыш мұаммоси әнг мұхим масала-
лардан биридир. Уни ҳал қилиш йүллари күп, лекин қүёш энер-
гиясидан максимал даражада ва самараған фойдаланиш унинг
асосини ташкил этади, чунки ұсимлик биомассасының 90—95%
фотосинтез жараённанда вужудға келадиган органик моддалардан
ташкил топады.

Демек, ҳосилдорликни ошириш учун фотосинтетик маҳсул-
дорликни, шунингдегі қүёш радиациясидан фойдаланиш коэф-
фициентини ошириш зарур. Фотосинтез жараённанда ФАРнинг иш-
тироки умумий энергияның 45—50% ни ташкил этади. Үрта
Осиё шаронтида ұсимликлар күпі билан ФАР миқдорининг 1—
1,5% дан фойдаланади.

А. А. Ничепоровичининг ҳосилни программалаштириш формуласи:

$$Y_{6,10^3} = \frac{R \times 10^3 \times K}{10^2 \times 4 \times 10^3 \times 10^2},$$

бунда $Y_{6,10^3}$ — абсолют қуруқ ұсимлик массасының биологик ҳосили,
га⁻¹; R + 10³ — ушбу зонада үсүв даврида келадиган ФАР миқдо-
ри, млрд ккал/га; K — ФАРдан фойдаланишының планлаштирилген
коэффициенти, 1%; 10² — 100%; 4 × 10³ — 1 килограмм қуруқ
биомассаны ёндирғанда ажralадиган энергия миқдори, га⁻¹ккал;
10² — кг ниң қағайындығынан үзгәре алғандағы калориялық мөлдөмдүүлік.

Учинчи асos — мүл ҳосил олишни назарда тутган ҳолда
навшының шароитта тадбиқан потенциал имконияттарын анықлашы-
дан иборат. Битта навшының ўздидаги имконият етиштириш зо-
насынан қараб ўзгаради.

Навшының имкониятлары ҳақидаги маълумотларни маҳсус
тажрибалар үтказиш ёки давлат навсиша тармоғы маълумот-
ларидан фойдаланиш йўли билан олиш мүмкун. Лекин шунин
унутмаслық керакки, ғўзанинг навига қараб экиш нормаси,
солинадиган миқдори бир хилда бўлмайди. Програм-
малаштириш назарияснага киритилган «потенциал маҳсулдор-
члик» тушунчаси үсүв даврида экин, нав учун мақбул бўлган
шароитдаги ҳосилдорликни таъминлашга тўғри келадиган,
ФАРни билдиради. Лекин об-ҳаво шароити фарқ қилғанлиги учун олиниши мүмкун бўлган
ҳосил потенциал ҳосилдан кам бўлади.

Потенциал маҳсулдорлик ҳосилни унинг структураси эле-
ментлари бўйича баҳолаганда маълум бўлиши мүмкун. Ҳосил
структурасының хусусиятларини, масалан, ғўза тупининг ту-
зилишини, хўжалик жиҳатдан яроқли мева (кўсак) тўплаш,
кўсакларнинг сонини билиш ушбу навга қулаш бўлган агро-

техника тадбирларинн режалаш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир нав учун ўзига хос етишириш агротехникаси зарур. Ҳар қандай регионда ноқулай факторлар туфайли кам олинган ҳосил үлчами қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Y_{\text{бюл}} = (1 - K_x) \times Y \text{ ну, (потенциал ҳосил),}$$

бунда $K_x = 0$ дан 1 гача ўзгарадиган қулай иқлим коэффициенти, $Y_{\text{ну}}$ — келадиган ФАР нинг белгиланган фойдали таъсир коэффициентидаги потенциал ҳосил.

Дастлабки уч принципга асосан потенциал ҳосил, сўнг эса ҳар бир дала, нав бўйича ҳақиқатда олиш мумкин бўлган ҳосил ҳисоблаб чиқилади. Лекин планлаштирилаётган ҳосил ҳақиқатда олиш мумкин бўлган ҳосилдан кўп бўлмаслиги лозим.

Тўртингчи асос — далада тегишли фотосинтетик потенциал шаклланишдан иборат, чунки биологик ҳосилнинг үлчами фотосинтез қилинадиган юзанинг майдони ва фотосинтез интенсивлигидан устунлиги даражаси билан аниқланади. Тафовут қанча кўп бўлса, фотосинтез соф маҳсулдорлиги кўрсаткичи шунча юқори бўлади.

Далада фотосинтетик потенциал нав ва тупроқнинг унумдорлигини ҳисобга олиб навнинг сербаглиги, ўсимликнинг қалинлиги, уни далада жойлаштириш схемаси билан аниқланади.

Кўёш энергиясидан тўла фойдаланиш учун ФАР дан яхши фойдаланадиган ўсимликларни ўстириш керак. Ўсимлика баргларнинг жойлашиши ФАРдан фойдаланишга таъсир қиласди.

Фотосинтезнинг соф маҳсулдорлиги қўйидаги формула билан аниқланади.

$$\Phi_{\text{Пр}} = \frac{B_1 - B_2}{0,5(L_1 + L_2) \times T},$$

Бунда $\Phi_{\text{Пр}}$ — фотосинтезнинг даврларда синааб кўриш ўртасидаги соф маҳсулдорлиги, бир кечакундузда $\text{г}/\text{м}^2$; B_1 ва B_2 — ўлчашнинг боши ва охирида 1 м^2 даги ёки 1 гектардаги қуруқ массасининг вазни; L_1 ва L_2 — ўлчашнинг боши ва охирида жойнинг майдони; T — ҳисобга олинган кунлар.

Шундай қилиб, жойнинг майдони ҳосил үлчамини аниқлашнинг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Ничипоровичнинг маълумотлари бўйича, экин баргиннинг майдони дала майдонидан 2—3 баравар ортиқ бўлиши керак. Масалан, 25 центнер буғдои дои олиш учун фотосинтетик потенциал 500—600 минг гектар бирлигини ташкил этиши лозим. Демак, планлаштирилган ҳостлни олиш учун ўсимлик туплари қатъий ва аниқ белгилан: «миқдорда бўлиши керак».

Бешинчиси — дәхқончилик ва ўсимликшуносликнинг асосий қонунларини тўғри қўллашга асослаинган:

1. Ўсимликлар ҳаётининг факторларни тенг аҳамиятли ва алмашинмайди—ўсимлик учун зарур факторни (иссиқ, сув, ёргулик, озиқ ва ҳоказолар) бошқа нарса билан алмаштириш мумкин эмас.

2. Чекловчи фактор — ҳосилдорлик даражаси минимал миқдордаги фактор билан аниқланади.

3. Оптимумни — ўсимликларнинг яхши ривожланиши ва энг юқори ҳосилини фақат ҳаёт факторлари (нам ва озиқ моддалари) ўртасидаги нисбат таъминлаши мумкин.

4. Қайтариш — ўсимликлар ҳосилини шакллантириш учун тупроқдан олиб чиқадиган озиқ моддаларни түпроққа қайтариши керак.

5. Мева алмашинуви — алмашлаб экиншда экинлар түғри алмаштирилса, бошқа тенг шароитларда ҳосил монокультурада гига нисбатан мұлроқ бўлади, алмашлаб экиншда экинларнинг йиғиндинси маҳсулдорликкунинг ошишига ёрдамлашади. Физиология соати (ўсимликларнинг ёргулик қанча давом этишига ва интенсивлигига сезирлиги) ана шу хусусиятлардан бири-дир.

6. Тартибга солишнинг мавжудлиги — ўсимликлар ташқи муҳитдан узлуксиз равишда ахборот олиб туради, уни қайта ишлайди ва шу асосда организмда юз берадиган жараёнларни кучайтиради ёки секинлаштиради. Жаҳон деҳқончилигида қарор топган экинларни районлаштириш ўсимликларда тартибга соловчи система мавжудлигининг ишончли далиллариди.

Олтинчи асос — программалаштирилган ҳосилни олиш учун тупроқнинг фойдали унумдорлиги ва ўсимликларнинг озиқ моддаларига эҳтиёжини ҳисобга олиб, ўғитлар ишлатиш системасини ишлаб чиқишдан иборат. Ҳосилдорлик даражаси дала тажрибаси асосида белгиланади.

Ўғитлар — ҳосилдорликни ошнишининг құдратлы фактори. Ўғитнинг мақбул миқдорини аниқлашнинг қырқдан ортиқ усули бор. Тажрибада миқдорнинг самарадорлиги ва ўғитларнинг нисбатини аниқлаш усули тарқалган: юқори сифатли ҳосил шаклланиши учун ривожланишиниг турли фазаларнда ўсимлика келадиган озиқ моддаларининг хусусиятнини характерловчи аниқ маълумотлар керак.

Бундеги учун турли даражадаги ҳосилдорликка эришишининг уч варианти мавжуд: 1. Энг кўп миқдорда солинадиган юксак даражаси. Бунда айни вақтда тупроқнинг озиқ моддаларга кам бағаллашуви давом этади. 2. Нисбатан юқори. Бунда фойдали унумдорлик илгариги даражада сақланади. 3. Фойдали унумдорликни оширишининг имкони борича мумкин бўлган юқори даражаси.

Ўғитларнинг мақбул миқдорини планлаштирилган ҳосил билан бирга чиқиб кетадиган озиқ элементларини ҳам ҳисобга олиб аниқлаш керак. Азот, фосфор ва калийнинг ҳосил билан қанчадан чиқиб кетишини ўрганмасдан туриб ҳосилни программалаштириб бўлмайди. Имкони бор ҳосил аниқлашганидан

кейин озиқ моддаларнинг ҳосил билан чиқиб кетишини ҳисоб-китоб қилиш лозим. Ўсимлик органларида мавжуд бўлган озиқ моддаларини билгач, планлаштирилган ҳосил билан чиқиб кетадиган азот, фосфор ва калийни ҳисоб-китоб қилиш зарур. Ҳосилдорлик ошиши билан у билан чиқиб кетадиган ўғит ҳам кўнаяди, тупроққа, ўғитларнинг миқдори ва турига, ўтмишдошларга, ҳосил ўлчами ҳамда ҳоказоларга боғлиқ. Ўғит дозасини ҳисоблаб чиққанда озиқ моддаларидан фойдаланиш коэффициентини билиш зарур.

Масалан, ғўза учун азот, фосфор ва калийнинг нисбати 1:0, 8:0,3 дан азотни тупроқдан ўзлаштириб олиш ҳосил билан чиқиб кетиши—0,5 дан иборат.

Гектаридан 30 центнер ҳосил олиш керак. Ўғитсиз гектаридан 10 центнер ҳосил олинади. 1 ц ҳосил учун 5 кг ўғит лозим. 20 ц ҳосил олиш учун 10 кг. Буни формулага солиб ишланса қўйидагича бўлади.

$$\begin{aligned} 1\text{ц} &= 5 \text{ кг} \\ X &= 100 \text{ кг} \\ 20 \text{ ц} &- X \text{ кг} \\ \text{КНУ} &= 60 \% \\ 60 &- 100 \text{ кг} \\ X &= 166 \text{ кг/га азот} \\ 100 &- X \end{aligned}$$

фосфор ва калий, азот бўйича олинади.

Еттинчи асос—технология карталарини тузишдан иборат. Унда ҳар бир нав учун технология карталарини тузиш муддатларини кўрсатган ҳолда барча агротехника тадбирларини амалга ошириш назарда туттилади. Уни реализация қилиш белгиланган ҳосилни олишни таъминлайди. Демак, навнинг тала-бидан келиб чиқиб, агротехника тадбирлари комплекси ишлаб чиққалиди.

Навнинг юқсак самарадорлигини таъминлаш учун агротехника тадбирлари комплекси ушбу нав учун қуляй муҳит вужудга келтириши лозим. Шуни таъкидлаш керакки, совет селекциясининг муваффақиятларн агрономларни у ёки бу нав агротехникасини ишлаб чиқнишга олиб келди.

Ҳосилни программалаштиришнинг **саккизинчи асоси** суғориладиган деҳқончиликда ўсимликларнинг мақбул миқдордаги сувга бўлган талабини қондиришдан, демак ўсимликларнинг сув балансини ва эквилилар сув билан таъминланганда олиш мумкин бўлган ҳосилни ҳисобга олишдан иборат.

Қишлоқ хўжалик фани ўсимликларнинг сувга бўлган талабини ўрганиш соҳасида кўп материал тўплаган. Ривожланишнинг турли фазаларида тупроқнинг мақбул намлиги белгилантаси, сувни буғлатириш коэффициенти, ўсимликинг ривожланишидаги таңг даврлар аниқланган.

Буларнинг ҳаммаси суғориш режимини илмий асосда ишлаб чиқиши таъминлади.

Тұққизинчі асос — касалліклар ва заракунаңдалар ўсиммекініңг үсішп, рівожланиши ва ҳосилга салбій таъсир қылмаса, соғлом ўсиммекілдік үстириш таъминланған бўлади. Ўсиммекіларнинг касалліклари ва заракунаңдаларига қарши курашиш чоралари комплексини ишлаб чиқмасдан мўл ҳосил етиштириш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳар бир зона, дала учун уларга қарши курашишнинг конкрет чора-тадбирлари белгиланиши лозим.

Ўнинчи асос — тегишли экспериментал маълумотлар мавжуд бўлнишини, электрон-хисоблаш машиналари (ЭВМ) ва математика аппаратлари бўлишини назарда тутади. Бу тадбирлар комплексининг мақбул вариантини аниқ ва оператив равишда белгилаш имконини беради. Программалаштирганда бирон смартни ҳам назардан ташқарида қолдириб бўлмайди.

Ҳар қандай агротехника усули агар иқтисодий жиҳатдан фойдалан бўлса, кенг қўлланилади ва жамиятга наф келтиради. Шунинг учун тадбирларнинг ҳар қандай ишлаб чиқилган комплекси иқтисодий жиҳатдан баҳоланиши лозим. У мустақил принципига айланмайди, лекин уни доим ёдда тутиш керак.

Ҳосилни программалаштириш — агрономия фанида қўйилган янги, ҳаётӣ зарур қадам.

Юқорида санаб ўтилган ўн асоснинг батафсил таҳлил қилганида, уларни агрометеорологик, агрофизик ва агротехник каби уч жиҳатдан группалаш мумкин. Бу жиҳатларни бир-биридан ажралган ҳолда эмас, балки ўзаро алоқада қараб чиқиш лозим.

Ҳосилни программалаштиришнинг кўриб чиқилган асосларини уларнинг мазмунинг биноан уч группага бўлиш мумкин. Дастребки беш асос ўсиммекі ҳаёти омилларини потенциал ёки олиш мумкин бўлган ҳосилнинг прогнози мавқедан баҳолайди. Олтиничи, еттинчи, саккизинчі асослар ҳосилни программалаштиришнинг агротехника ва агрохимия асосларига бағишланган. Охирги умумилмий ва ташкилнайди.

ПРОГРАММАЛАШТИРИЛАЁТГАН ҲОСИЛНИНГ ДАРАЖАСИНИ БЕЛГИЛАШ

Программалаштирилган ҳосилни етиштириш усулиниңг мөхияти экинларнинг ўсиш шароитини оптималлаштиришдан иборат. Ўсиммекі ҳаётийнинг барча омиллари ҳам бошқариладиган омиллар эмас.

Ҳар бир дала учун ҳосилни программалаштириш методикасини ишлаб чиққанда бир неча категориядаги ҳосил мавжудлигини хисобга олиш керак. Ҳосил категориялари потенциал, иқлим жиҳатидан таъминланған, ҳақиқатда олиш мумкин бўлган, программалаштирилган ва хўжалик жиҳатидан реал бўлади.

1. Потенциал ҳосил (ПХ) идеал равишдаги тупроқ-иқлим шароитида олиш мумкин бўлган ҳосил. Ўнинг даражаси ФАР ва навнинг биологик ҳусусиятларига боғлиқ. ФАР 35 фоиз учун қабул қилинади, А. А. Ничипорович классификацияси бўйича

«рекорд экин» жумласига киради. Потенциал ҳосил қуидаги формула билан аниқланади.

$$\text{ПА} = \frac{Q K_3}{100 \times C},$$

бунда ПА — абсолют қуруқ масса ҳосили, $m/\text{га}$; Q — ўсув даврида ФАР нинг келиш ийғиндиши, ккал см^2 ; C — қуруқ органик модда бирлигининг калориялилиги, ккал/т (биринчи яқинлашишда $C = 4 \times 10^6$); K_3 — мақбул шароитда экинлар ФАР дан фойдаланиш коэффициенти.

2. Иқлим жиҳатидан таъминланган ҳосил (Иҳ) идеал рашидаги тупроқ-иқлим шароитида олиниши мумкин бўлган ҳосил ва у сув ҳамда иссиқлик билан таъминланганликка боғлиқ.

Бу қуийдаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$KU = \frac{100 \times W}{K},$$

бунда КУ — нам келиши билан лимитлаштириладиган абсолют қуруқ биомасса ҳосили ($m/\text{га}$); W — ўсув давридаги маҳсулдор намнинг миқдори (мм); K — сувни истемол қилиш коэффициенти.

Бу формула мамлакатнинг сугорилмайдиган регионлари учун, лекин ундан Ўрта Осиёнинг лалмикор ерларида ҳам фойдаланиш мумкин.

3. Ҳақиқатда олиш мумкин бўлган ҳосил (ХОҲ) тупроқ унумдорлигини (бонитетини) ҳисобга олган ҳолда ушбу конкрет даладан олиниши мумкин бўлган ҳосил. У қуийдаги формула билан аниқланади:

$$ХOҲ = Y_{\min} + KU_{\min}(B - B_{\min}),$$

бунда Y_{\min} — кам унумли (шўрланган, шағал тупроқли, монокультура ва ҳоказо) ерларда олинган ҳосил; KU_{\min} — иқлим жиҳатидан таъминланган ҳосилнинг минимал аҳамияти; B — қараб чиқилаётган даланинг бонитети; B_{\min} — тупроғи кам унумли далаларнинг бонитети.

4. Программалаштирилган ҳосил (ПрҲ) агротехника тадбирлари (ўғитлар, суфориш нормалари) планлаштириладиган ҳосиллар. ПрҲнинг даражасини белгилаганда, об-ҳаво шароити ва ҳўжалик-иқтисодий омиллар (ишчи кучи, заҳарли химиявий моддалар, ўғитлар ва ҳоказолар) билан қай даражада таъминланганлик сабабли ХОҲнинг ўзгаришини ҳисобга олиш зарур. Ресурслар етарли бўлганида программалаштирилган ҳосил ХОҲга тенг бўлади.

Шундай қилиб, программалаштиришнинг биринчи навбатдаги вазифаси — ҳақиқий ҳосилни программалаштирилган ҳосил даражасига етказишдан иборат.

ПАХТАНИ ПРОГРАММАЛАШТИРИШ УСУЛИНИНГ ХУСУСИЯЛЛАРИ

А. Имомалиев, А. Скорскийлар программалаштириш усулини амалда қўллаб, уни иккига: ташкилий ва агротехника масалаларишга ажратдилар. Программалаштиришда деҳқончилик маданийтишинг роли катта, у айниқса табиий ва иқтисодий шароитлари ўзинга хос бўлган Ўзбекистон ССР учун юқори бўлиши керак. Муаллифлар тадбирларининг қўйидаги изчиллигини таклиф этишди:

- ҳар бир далага экиладиган ҳар бир экин учун технология картасини ҳар йили тузиш;
- об-ҳаво шароити, ишлаб чиқариш вазиятини ҳисобга олиб, технология картасига тезликда ўзгартиш киритиш;
- қатъий технология контроллигига олиб бориш ва ҳоказолар.

Пахта ҳосилини программалаштириш жараёни, уни амалда реализация қилиш қўйидагиларда иборат:

1. Программалаштирилладпган ҳосиллини даражасини тупроқнинг ушумдорлиги, далашини аҳволини (ўтмишдошлар, амалдаги ҳосил, тупроқпинги сув-физикавий хусусияти, озиқ элементлари билан таъминланганилиги ва ҳоказолар) ҳисобга олиб белгилаш;

2. Тупроқ карталари ва агрохимия картограммаси асосида программалаштирилган ҳосил учун ўғитларниң миқдори ва нисбатини ҳисоблаб чиқиш;

3. Тупроқ карталари ва шўрнинг суратини гидромодул районлаштириш асосида шўр ювиш ҳамда нам (яхоб) сувн беришни қўшиган ҳолда сугориш ва сув қўйиш нормаларини белгилаш;

4. Конкрет дала учун амалга ошириш муддатлари ва усулларини кўрсатган ҳолда барча агротехника ва мелиоратив ишларни назарда тутувчи технология картасини тузиш;

5. Экинниң ҳолати устидан контроллик қилиш ва зарур бўлганида технологик жараёnlарига ўзгартиш киритиш;

6. Ҳосилни ҳисобга олиш ва программалаштиришнинг усулини шундан кейин аниқлаш, қўшимча киритиш учун олинган маълумотларни таҳлил қилиш.

Амалий билимлар билан бирга моддий, меҳнат ресурслари мавжуд бўлганиша бу тадбирларни амалга ошириш мумкин.

ҲОСИЛ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ПРОГРАММАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Программалаштиришдан асосий мақсад ўзаро боғланган тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, уни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш истиражасида мўлжалдаги ҳосилни олишдан иборат. Лекин ўсимлик ҳаётининг барча омилларп ҳам бошқариладиган омиллар эмас ва уни керакли оқимга йўналтириб бўлмайди. Лекин агротехника тадбирлари ёрдамида уларниң кўпчилигини мақбул аҳамият даражасига киритиш мумкин. Об-ҳаво шароити юқулай бўлганида бу айниқса муҳимдир.

А. И. Имомалиев, Б. М. Исаев ва бошқалар пахтадан программалаштирилган ҳосилни олиш учун қўйидаги асосий омил-

ларни ҳисобга олиши: навларни түғри таплаш, шүр босган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқни парваришилаш ва экин қатор ораларини ишлаш, экиш муддати, усули ва схемасини, күчтенинг мақбул қалинилигини, ўғитларнинг миқдори, солиши муддати ва усулини белгилаш, гидромодул районлаштириш асосида сугориш, бегона ўтлар ва ўсимликларнинг қасалликларига қарши курашиш, ҳосилни пеш-побуд қилмасдан йиғишириб олишини тавсия этишиади.

Программалаштирилган ҳосилни етишириш учун ғўза агротехникасини белгилаганда ўғитларнинг миқдорига алоҳида аҳамияти бериш керак. Ўғитларнинг миқдори ҳосилга қўшилишини ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилади. Тўрли хил тупроқ шароитида ўтказнлган тажрибалар ўрта унумдор ерларнинг гектаридан (ўғит солмасдан) 20—22 ц атрофида ҳосил олиш мумкин ёканилигини кўрсатди. Гектаридан 35 ц (гектаридан 13—15 ц қўшимча) ҳосил олиш учун бир гектар ерга 250 кг азот, 150 кг фосфор ва 100 кг калий, 45—50 ц ҳосил олиш учун эса 300—350 кг азот, 210—250 кг фосфор ва 120—140 кг калий солиш керак. Бундан ташқари, 20—40 тонна гўнг ҳам солици лозим. Лекин бу ҳисобга олинимайли, чунки гўнг фақат ҳосил олиши учун эмас, балки тупроқнинг унумдорлигини ошириш учун ҳам солинади.

Ўғитларнинг миқдорини белгилашнинг 40 дан ортиқ ҳисоблаб чиқилган усуллари мавжуд. Бунинг учун қуйидаги формуласидағи фойдаланиш тавсия этилади:

$$Дп = \frac{100 \times Вп}{Ку} : С,$$

бунда Дп — планлаштирилаётган қўшимча ҳосил учун ўғитлар миқдори ц/га; Вп — қўшимча ҳосил билан чиқиб кетадиган озиқ моддалари, кг/га; Ку — ўғитлардан фойдаланиш коэффициенти, %; С — ўғитлар таркибидағи таъсир қилувчи озиқ моддалар, %.

Масалан, фараз қилайлик, хўжаликда гектарида 30 центнердан ҳосил олишади, лекин ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланпб, 40 ц гача ҳосил олиши мумкин. Демак, ҳосилга 10 и қўшилади. Шунга қўшимча ҳосил учун азотли ўғитлар миқдори 50 кг/га ни ташкил этади.

Лекин программалаштирилган ҳосилни олиш учун ишлаб чиқилган ўғитлар системаси бошқа агротехника тадбирлари: ери экишга тайёрлаш, экици муддати ва усули, сугориш, ўсимликларни парвариш қилиш усули ва ҳоказолар билан ўзаро болжаған бўлиши керак.

Ўсимликларни парвариш қилиш соҳасидаги тадбирларнинг бутун цикли комплекс характерга эга. Улар қулай шароити вужудга келтиришга қаратилган бўлиши керак. Программалаштирилган ҳосилни етиширгандан ўсимликларнинг ўсиши, ривожланishi устидан муттасил назорат олиб бориш жуда муҳимdir.

Ҳосилни программалаштириш юзасидан тавсияларда шўр ювиш ва ўсув даврида сугориш ишларини амалга ошириш бўйи-

ча ишлаб чиқилған күрсатмалар берилган. Ўзбекистон ССРда ерларнинг 50 фоизга яқини шўрланган ва уни ювиш программа-лаштирилган ҳоснлини олнишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Мелиоратив ҳолати иоқулай районларда тупроқ шўрини ювиш ўсимлик илдизи жойлашадиган қатламин туздан тозалашга ёрдам беради, ёгингарчилик кам бўладиган районларда эса бундай сугориш запас сугориш, нам тўплаш ҳам ҳисобланади.

У қуйидаги формула бўйича амалта оширилади:

$$M_{II} = (\Pi - m) + \frac{S}{K} - A + p,$$

бунда M_{II} — шўр ювиш нормаси, $m^3/га$; Π — тупроқнинг белгиланган қатламидаги дала нам сифтми (тузларни эрктиш учун сув нормаси) $m^3/га$; m — шўр ювиш олдидан тупроқнинг ўша қатлами таркибидааги нам $m^3/га$; $\frac{S}{K}$ — тузларни сиқиб чиқариш учун сув нормаси, $m/га$; S — тупроқнинг белгиланган қатламидан ювилиши зарур бўлган хлорнинг миқдори, kg/gz ; K — сувнинг ювиш таъсири коэффициенти (хатор бўйича) kg/m^3 сув; A — шўр ювиш бошланганидан то экишгача бўлган даврда тупроқка тушадиган ёгин-сочин суви, $m^3/га$; p — шу даврда сувнинг буғланиб йўқолчиши, $m^3/га$.

Тавсияларнинг муаллифлари ёзишича, Фаргона водийсида тупроқни январь-февраль ойларида, тупроғи енгил ва шамол эрозиясига дучор бўлган ерларни февраль ойининг охириги ўн кунлиги ва март ойининг биринчи ярмида, Бухоро вилоятида Қорақум воҳасида январ ойида, Бухоро воҳасининг жаңубий қисмида январь-февраль ойларида, шимолий қисмида февраль ойида ва март ойининг ўртасигача, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятларида февраль ойида ва март ойининг биринчи ўн кунлигига, Хоразм вилояти ва ҚҚАССРнинг жанубида совуклар бошлагунча куз-қиши даврида ва баҳорда албатта қўшимча ювиш керак. Бу ишларни 15 март — 1 апрелгача тугаллаш керак.

Сугориш режими тупроқ-иқлим шароитини, сизот сувларнинг қандай чуқурликда жойлашганилиги, экиннинг нав хусусиятларини ҳисобга олиш билан bogliq. Сув қўйиш ва сугориш нормаси қўйидаги формула бўйича белгиланади:

Сув қўйиш нормаси:

$$M_{op-10}(E-0) \times K_1 \times K_2,$$

бунда M_{op} — сув қўйиш нормаси, $m^3/га$; E — ўсув давридаги буғланиш, mm ; 0 — ўсув давридаги ёғин-сочин миқдори, mm ($E=0$ — сув балашининг этишмаслиги); K_1 — гўзанинг биология-иқлим коэффициенти, 0,65 га тенг; K_2 — сув-физик хусусиятлар ҳамда сизот сувларни ҳисобга оловчи коэффициент. У гидромодул районлар бўйича тузиб чиқилади. I—1,15, II—1,05, III—1,0, IV—1,10, V—0,75, VI—0,9, VII—0,85, VIII—0,50, IX—0,65.

Сугориш нормаси:

$$M = (\omega_n - \omega_m) \times 100 \times d \times h + K,$$

бунда M — сугориц нормасы, м³ га; ω_n — далашынг сув сиғимп, тупроқ массасынан % ҳисобида; ω_m — тупроқнинг сугорицдан олдинги намлиги, %; d — тупроқнинг ҳажм массаси, г м³; h — ҳисобланган қатламниң чуқурлиги, м; (аморф тупроқлар учун — гуллагунча — 0,7 м, гуллаш — ҳисилга киркиш даврида — 1,0 м, гидроморфлар учун — 0,5 ва 0,7 м); K — сугориц жараёнда сувнинг буғланиб сарфланиши, м³ га (ҳисобланган қатламда танқис намга нисбатан 10 %).

Х. М. Долмулажонов сугориц муддатини, тупроқнинг наими ни ҳужайра шираси йигиндиши (ТШИ) бўйича аниқлашни тақлиф қиласди, чунки тупроқнинг нами билан ТШИ ўртасида қайта алоқа мавжуд. Ўрта толали ғўза навларининг гектаридан 35—40 ц ҳосил олиш учун сугориц олдидан ТШИ қуруқ модданинг миқдори 10—12—12% бўлиши керак. Бу дала наим сиғимининг 65% га тенг, гектаридан 45—50 ц ҳосил олиш учун ТШИ — 8—10—12% бўлиши керак. Ҳосилини программалаштиргаңда интеграл эгри чизиқ ҳам самарали.

Ўсимликларининг, хусусан, гўзапинг ҳосилини программалаштириш — бу ўзаро боғлаиган агротехника тадбирларини ишлаб чиқиш демакдир, уларни ўз вақтида ва сифатли бажариц белгилашган ҳосилни олишиниң гарови ҳисобланади. Ҳосилини программалаштиргаңда Х. Г. Тооминг бўйича ҳосилдорликнинг бир неча даражаси фарқ қилинади. (У): потенциал (У_п), ҳақиқатда олиш мумкин бўлгани Удв, ҳақиқийси — Уф. Ўсимликиниг ҳаёти мобайнида оптимал ўсиш шароити яратилганида балки ҳосилдорликнинг потенциал даражасига эришиш мумкин бўлар.

Ҳақиқатда олиш мумкин бўлган ҳосилдорлик даражаси (Уду) потенциалдан кам ва ҳар бир дала учун ўзиники ҳамда тупроқ-иқлим омилларини ҳисобга олиб эришилиши мумкин. Ҳақиқий ҳосилдорлик (Уф) ҳақиқатда олиш мумкин бўлган ҳосилга максимал даражада яқинлашган бўлиши керак (Удв).

Хуроса қилиб шуни айтиш керакки, ҳақиқатда олиш мумкин бўлган ҳосилни программалаштиргаңда, биринчи навбатда мамлакатининг исталган географик нуқтасидаги ҳосилдорлик даражасини ва турли хил далаларда об-ҳаво-иқлим шароитларига (тупроқнинг унумдорлиги, нам, ҳарорат омиллар, ёргулик, озиқ ва ҳоказолар) ҳамда юксак агротехникага боғлиқлигини ҳисобга олиш лозим.

Ҳосилини программалаштириш ҳозирги замон билимлари йигиндишига, таҳлил усулларига, ҳисоблаш қимматига ва деҳқончилик усулларига асосланishi лозим бўлган ягона тадбир эмас.

Программалаштириш давомида янги билимлар маҳсулот етиштириш технологиясини янгича ишлаб чиқишилар, химиялаштириш воситалари, навлар, амалий тажриба, бинобарин ҳосилнинг янги даражаси вужудга келиши мумкин.

Программалаштирилган ҳосилини олиш системасига қишлоқ хўжалигига, айниқса сугориладиган ерларда тараққиётнинг узлуксиз ишловчи ва ривожланувчи илмий ҳамда тажриба-ишлаб чиқариши асоси деб қараш керак.

АДАБИЕТЛАР РУИХАТИ

1. КПСС XXVII съезди материаллари, Тошкент, «Ўзбекистон», 1986
2. Авторлар коллективи — «Пахтачилик», Тошкент, «Ўқитувчи», 1978
3. Л. Г. Арутюнова ва бошқалар. «Биология хлопчатника» Москва, «Колос», 1980
4. С. Н. Алимұхамедов, Ш. Т. Хұжасев. «Ғұзанинг заарарлы ҳашаротлары ва уларға қарши кураш», Тошкент, «Ўзбекистон», 1978
5. Н. Ф. Беспалов ва бошқалар. «Хлопчатник-интенсивная технология» Москва, «Агропромиздат», 1988
6. А. И. Имомалиев ва бошқалар. «Пахта ва беда ҳосилини программалаш бүйіча тавсиялар», Тошкент, 1984
7. В. Е. Еременко. «Техника полива хлопчатника» 1957
8. М. А. Каримов. «Ғұза касаллуклари», Тошкент, «Ўқитувчи», 1976
9. М. К. Каюмов. «Справочник по программированию урожаев», Москва, «Россельхозиздат», 1977
10. В. П. Кондратюк. «Основная и предпосевная обработка почвы под посев хлопчатника» СоюзНИХИ, Тошкент, 1969
11. Ўзбекистон ССРда пахта етиштириш бүйіча 1986—1990 ишларга мүлжайландырылған намунали технологик карталар. Тошкент, 1987
12. Л. Е. Нерозин. «Сельскохозяйственная мелиорация», Тошкент, «Ўқитувчи» 1980.
13. З. Турсунхұжасев, А. Балқунов. Научные основы хлопковых севооборотов. Тошкент, «Меңнат», 1987.
14. В. П. Соловьев. «Посевные качества семян хлопчатника и пути их улучшения», Тошкент, Фан, 1978.
15. А. И. Шлейхер. «Пахтачилик», 1-қисм, Тошкент, «Ўздавнашр», 1958
16. Энциклопедия «Хлопководства», в двух томах. Главная редакция Ўзбекской Советской Энциклопедии, Тошкент, 1985

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Пахтачилникинг халқ хўжалигидаги аҳамияти	5
Дунё пахтачиллиги тарихидан	6
СССР пахтачиллиги тарихи ва истиқболи	12
) Fўзанинг тузилиши ва ривожланиши	20
Илдиз	20
Поя	29
Шох ва шохланиш	34
Барг	42
Fўза гули	46
Кўсак	59
Чигит	67
Пахта толаси	73
Fўза тупининг умумий ривожланиш динамикаси	84
Ривожланиш фазалари	84
• Fўзанинг ўсиш ва ривожланиш жараёнда ташки факторларга бўйлан муносабати	86
Fўзанинг ботаник классификацияси	101
• Fўза турлари ва уларнинг биологик, морфологик хусусиятлари	103
Пахтачиликда нав алмашиниш	108
Кишлоқ хўжалиги ва саноатнинг Fўза навларига қўйган талаби	108
Урта толали Fўза навлари	112
Ингичка толали Fўза навларн	127
Пахтачилик хўжаликтарда алмашлаб экиш ва экин майдонларининг структураси	130
Ерни чигит экишга тайёрлаш технологияси	136
Ерни ҳайдаш олдидан маҳаллий ва минерал ўғитларни қўллаш	142
Чигитни экишга тайёрлаш ва чигит экиш	149
Қатор оралари ва қатордаги уялар орасининг кенглиги	156
Чигит экиш билан бирга гербицид сепиш ва ўғит солиш	156
Чигитни эрта ва тўла ундириб олиш усуслари	159
Яганалаш	166
Кўчат қалинлигин	168
Fўза қатор ораларини ишлаш ва бегона ўтларга қарши курашиш	171
Культтиватор иш органларини ўрнатиш схемалари	183
Эгат олиш ва ўғит солиш техникаси	184
Fўзани суфориш	189
Fўзани ўғитлаш	222
Минерал ўғитлар	223
Маҳаллий ўғитлар	225
Ўғитлаш нормаси	229
Ўғитлаш муддатларига қараб ўғитларнинг тақсимланиши	232
Fўзани чеканка қилиш	238
Fўза эааркунандалари ва касалликлари ҳамда уларга қарши кураш чоралари	245

Ч) Еўза зааркунандалари ва уларга қарши кураш чоралари	245
Сўрувчи ҳашаротлар	248
Кемирувчи ҳашаротлар	254
Еўза касалликлари ва уларга қарши кураш чоралари	262
Кўсак ва тола касалликлари	276
Пахтани йигиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва териш технологияси	278
Терим олдидан пахта ҳосилини аниқлаш	278
Пахта терими	280
Пахта сортларининг стандартлари ва эталонлари	282
Пахтани қўлда териш	285
Дефолиция ва десикация	286
Далани машина теримига тайёрлаш	296
Ҳосилни машинада териш	296
Машинада кўрак териш	300
Тўкилган пахтани машинада териш ва тозалаш	302
Пахтани қоп-қанорсиз ташиш ва юклаш воситалари	303
Ингичка толали Еўза ўстириш	305
Пахтачиликда фан ютуқлари ва илғорлар тажрибаларни қўллаш	311
Пахтачиликда шитенсан технология	319
Пахта ҳосилини программалаштириш	331
«Программалаштириш» тушунчаси	332
Программалаштиришни ривожлантириш босқичлари	333
Программалаштириш асослари	336
Кўёш радиацияси ва ҳосил	339
Программалаштирилаётган ҳосилнинг даражасини белгилаш	343
Пахтани программалаштириш усулининг хусусиятлари	345
Ҳосил олиш технологияси ва программалаштириш асослари	345

На узбекском языке

ШАЙХОВ НИРКИН ТУРДИЕВИЧ, НОРМУХАМЕДОВ НАСИР,
ШЛЕИХЕР АЛЕКСАНДР ИВАНОВИЧ, АЗИЗОВ ШАМИЛ ГАНИЕВИЧ,
ЛЕВ ВАСИЛИЙ ТАРАСОВИЧ, АБДУРАШИДОВА ЛАРИСА ХАБИБУЛЛАЕВНА

ХЛОПКОВОДСТВО

Учебник для студентов сельскохозяйственных
вузов по агрономическим специальностям

Издательство «Меҳнат» Тошкент 1990

Редакция мудири *Р. Мирзаев*
Кичик муҳаррир *Н. Каримова*
Муқова рассоми *Г. Просвицов*
Бадний муҳаррир *Н. Кученкова*
Техн. муҳаррир *Н. Сорокина*
Корректор *М. Султонов*

ИВ № 513

Териюга берилди 23.05.90. Босишга руҳсат этилди 20.09.90. Формати 60×90/16. № 1 босма көрғозга «Литературная» гарнитуралда юқори босма усулида босилди. Шартли бос. л. 22,0. Шартли кр.-отт. 23.05. Нашр л. 24,0. Тираж. 8000. Заказ № 3252. Баҳоси 1 с. 20 т.

«Меҳнат» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30. Шартнома № 295—88.

Ўзбекистон ССР Давлат матбуот комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-босмахонасида босилди. 700002, Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21.